



---

АНАТОЛИЙ  
СОФРОНОВ

КЕЛАЖАККА  
МАКТУБ

АДАБИЙ ОЧЕРКЛАР

ҒАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ  
ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ  
Тошкент—1971

## Мұхтарам китобхон!

Атоқлы рус совет ёзувчиси А. Софроновнинг мазкур түпламига уининг совет адабиёти ва хусусан, ўзбек совет адабиёти ҳақидаги очерклари киритилган. Очерклардан ташқари түпламда ёзувчининг хорижий Шарқ мамлакатларнга қилған саёҳатлари таассуроти асосида ёзилған бадиий мақолалар ҳам ўрин олган.





# I

## ҲАЁТИМИЗ ҚОNUНИ

Дўстларимиз доираси бутун дунё миёсида кенгайиб бормоқда. Янги дўстлар билан учрашганингда, Советлар мамлакатига, унинг вакили бўлмиш сенга астойдил қизиқиши кўрганингда ҳамиша қалбинг қувончларга тўлиб кетади. Ана шундай учрашувлар вақтида социал ва миллий зулмга қарши курашаётган, янги ҳаёт қураётган кишилар қардошларча бирлигининг моҳиятини алоҳида зўр куч билан ҳис қиласан киши.

Инсонлар қалбida вужудга келган ана шу мутлақо янги туйғу — интернационал биродарлик туйғусининг негизи қаерда? Ўз эксплуататорларига қарши асрлар давомида курашиб келган мазлум омма онгида бу туйғу учқунлари пайдо бўла бошлаган эди. Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган тарихий даъвати бутун дунёда янграгач, инсоният тарихида биринчи марта онгли ишчиларнинг

халқаро ташкилоти — Интернационал барпо этилгач, бу түйғу узил-кесил идрок этилди.

Аммо пролетар интернационализмининг буюк принциплари тантана қимлоғи учун зўрлик ва зулм дунёсига тамомила барҳам бера оладиган революцион тӯфон керак. Эксплуататорлар тузуми 1917 йил октябрида, большевиклар партияси халқни ҳал қилувчи жангга отлантирган пайтда биринчи марта Россияда агдариб ташланди. Ўз ҳаётини пролетариат ғалабаси ишига, барча эксплуатация қилинувчилар ва мазлумларнинг галаба қозониш ишига тамомила бағищлаган буюк интернационалист Владимир Ильич Лениннинг дунёдаги биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатига бошчилик қилганлигига ажойиб бир рамз бор!

Биз шу нарса билан ҳақли равишда фахрланамизки, худди бизнинг мамлакатимиэда турли миллат кишилари ўртасидаги душманлик ва адоватга тамомила барҳам берилди, худди бизнинг мамлакатимиэда халқларнинг буюк дўстлиги вужудга келди, мустаҳкамланди ва тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Мамлакатимиэдаги барча тарихий ўзгаришлар, ажойиб ҳарбий зафарлар ва меҳнат зафарлари ана шу дўстлик билан чамбарчас болглангандир.

Халқлар дўстлиги ва биродарлиги — совет турмуш тарзининг энг ажойиб хусусиятларидан биридир. Биродар халқлар елкама-елка туриб ўз йўлларидаги барча қийинчиликларни енгиги, бирлиқда асл мақсад сари одим ташлаб бормоқдалар. Бизда биродар халқларнинг ҳар қандай синовлар вақтида бир-бирларига ёрдам кўрсатишлари қонун бўлиб қолган.

Беихтиёр Тошкент ёдимга келади. 1966 йил 26 апрелдаги даҳшатли тонг. Эйлзила ҳақидаги хабар Москвага етиб бориши биланоқ Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Тошкентга учиб келишди. Улар шаҳар коммунистлари билан учрашдилар, вайрон бўлган жойларни бориб кўрдилар. Улар ўзбек дўстларни ишонтириб бутун мамлакат, бутун халқ улар билан бирга эканлигини айтдилар. Эйлзиладан кейинги дастлабки соатлардаёқ энг зарур нарсалар ортилган темир йўл составлари, самолётлар вайрон бўлган шаҳарга томон йўлга чиқди. Мамлакатимизнинг барча халқлари аҳиллик билан ўзбек халқига мадад кўрсатдилар, шаҳарни қайта тиклашда ёрдамлашдилар.

Биз бундай ёрдамни одатдаги бир ҳол деб ҳисоблаймиз, бу тартиб эса янги жамиятимиэда вужудга келган. Буни

унутишга ва рад әтишга ким журъат эта олади? Бунга фақат синфий душманлар ва буржуазия пропагандасининг таъсирига тушиб қолган кишиларгина журъат эта оладилар.

Биз Тошкентни вайрон бўлган ҳолда кўрган кунларимизда ёдимизга беихтиёр тамомила вайрон қилинган Сталинград келарди. Мен Сталинградни 1943 йилда кўрганман ва ёдимда яхши сақлаб қолганман. Аммо мен уни кейинчалик аввалги култепалар устида қад кўтариб, янги бинолар чирой тўкиб турган пайтида ҳам кўрдим. Сталинградни руслар, украинлар, белоруслар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар ва бошқа миллатларнинг вакиллари қандай шижаот билан ҳимоя қилган бўлсалар, худди ўша миллат фарзандлари шаҳарни худди шундай ғайрат билан қайта қурдилар. Шаҳар ҳимоячиларининг табарруқ қони тўкиланган Мамаев қўрғонида Сталинград жангининг улугвор ёдгорлик-ансамбли барпо әтилди.

Совет кишиси ҳалқлар биродарлиги ҳақида гапирав экан, ўз мамлакатинигина назарда тутмайди. Бу биродарлик бутун ер куррасида тантана қилишига астойдил ишонади. Революциянинг дастлабки кунлариданоқ ажойиб бир хусусият вужудга келди: қизил гвардиячилар солдатлар ва матрослар Россия эксплуататорларига қарши жангга борар эканлар, ер юзидағи барча мазлумларнинг озодлиги учун ҳам жанг қилдилар. Қизил жангчилар оқ гвардиячиларни ва интервентларни тор-мор келтирадар эканлар, интернационал шиорларни кўтариб бордилар. Бу шиорлар барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари учун жуда катта жозиба кучига эга эди. Зотан, худди шу Россиянинг жанг майдонларида вужудга келган дастлабки интернационал полклар ва интернационал бригадаларнинг составида хорватлар ва хитойлар, венгерлар ва поляклар, болгарлар ва австрияликлар ёнма-ён туриб Совет ҳокимияти учун жанг қилдилар. Интернационалист дўстларимиз — Париж коммунарининг қизи Жанна Лябурб, афсонавий серб Олеко Дундич, Американинг оташин публицисти Жон Риднинг муқаддас қабрлари бизнинг ўлкамиздадир...

Интернационализм туйфуси совет ҳалқининг қон-қонига сингиб кетган. Бизнинг кўп миллатли ҳалқимиз ўз мамлакати қиёфасини ўзгартирад, беш йиллик босқичлари бўйлаб ишонч билан қадам ташлаб борар экан, дунёда синфий жанглар қандай авж олаётганлигини эътибор билан кузамиздадир...

тиб турди. Бу воқеаларни биз кузатибгина қолмай, ҳаммага — рус кончиларига ёзилган хатдаги илиқ сўзлар билан, мустамлакачиларнинг ваҳшийликларига қарши Миллатлар Иттифоқига ёзилган газабли норозилик хати билан, сиёсий маҳбусларни қўллаб-қувватлаш учун МОПР Фондига топширилган пуллар билан ёрдам беришга ҳаракат қилиб келдик. Москва, Минск, Тошкент ёки Бокудаги 1 Май намойишларида бир хил қўшиқ янгради: «Турмалардаги, совуқ қамоқхоналардаги ўртоқлар! Биз сизлар билан биргамиз, сизлар эса колонналарда бўлмасангиз ҳам, бизлар билан биргасиз...»

«Очилған қўриқ»даги Дон казаги коммунист Макар Нагульнев жаҳон революциясини амалга ошироқ учун инглиз тилини ўрганади. Бу — ёзувчи хаёли билан яратилган оддий образ эмас, балки янги, социалистик дунёning реал қурувчиларини ҳаяжонлантирган туйгулар музжассамидир. Ер куррасида яқинлашаётган урушник гастлабки буруқсиётган ўзоқлари пайдо бўлганида интернационал бурч кўпгина совет кишиларини фашизмга қарши жанглар майдонига даъват этди. Совет танкчилари Гвадалаҳара остоналарида ўз машиналарини фашистлар батареяси томон бостириб бордилар, совет учувчилари Хитой осмонида самурайларнинг самолётларини уриб туширилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам совет кишилари ўзларида интернационал бурч туйғуси қанчалик юксак әканлигини бутун инсоният олдида яна бир марта намоён қилдилар. Улар совет-герман Фронтида гитлерчилар рейхининг асосий кучларини яксон қилиб, Европа ҳалқларини озод қилиш ишига ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар. Улар Француэ ватанпарварлари, югослав, поляк ва италян партизанлари, Бельгия ва Голландиядаги Қаршилик кўрсатиш группалари составида жангга бордилар, ҳарбий асирларнинг лагерларида яширин интернационал ташкилотларга бошчилик қилдилар.

Немис фашизми, ундан кейин эса япон милитаризми тор-мор келтирилиши натижасида ер юзидағи кўпгина ҳалқлар ўз ҳаётларини янгидан бошладилар, озодлик ва мустақилликка эришдилар. Бу ҳақиқат эндиликда оддий бир гапга ўхшаб қолди, аммо уни унутиб бўлмайди. Бизга душман бўлган дунёда бу ҳақиқатни ўчириб ташлаш, кишилар онгига уни ҳар қандай йўллар билан хиралаштириш учун зўр бериб ҳаракат қилинмоқда. Аммо империа-

листик пропаганданинг ҳаракатлари беҳуда кетади. Айнан совет солдати кўпгина мамлакатларда фашистлар иллатини ювиб ташлаганлигини жаҳон халқлари ҳеч қачон унутмайдилар.

Дунё халқлари шуни яхши биладиларки, худди Совет Иттифоқи миллай проблемаларни ҳал этиш намунаси бўлиб қолди. СССР даги барча миллатларни жипслаштирган интернационал дўстлик бутун дунёда келгусидаги ўзгашибларни амалга оширмоқ учун революцион кучларни тўплаш стимули бўлиб қолди. Бу дўстлик Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси халқлари учун жозиба кучига айланди.

Маълумки, эски дунё ўз позицияларини жангсиз топширмайди, империализм тез-тез ҳарбий авантюралар қилиб турибди, халқларнинг миллай озодлик ҳаракатини бостиришга ҳаракат қилмоқда.

Миср ҳукумати Сувайш каналини национализация қилганидан кейин кўп ўтмай, 1956 йилда ҳам шундай бўлди. Ўша пайтда агрессорлар нима учун ўз ҳаракатларини тўхтатганликлари яхши маълум. Совет Иттифоқи ва бошقا социалистик мамлакатларнинг қатъий позицияси уларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга мажбур қилди.

1957 йил январь ойида Осиё бирдамлик ташкилотининг яхши ният билан қилган сафарида қатнашиб, мен яна Мисрга бордим. Қоҳира кўчаларида ҳали қум тўлдирилган қоплар уюлиб ётар, танкка қарши тўсиқлар кўзга ташланар эди. Ҳавф ҳали тамомила тугамаган эди. Бизларни Жамол Абдул Носир қабул қилди, уч соат давом этган ғоят самимий ва мазмунли суҳбат вақтида Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги биринчи конференциясининг ўтказилишига розиллик билдириди. Мисрга қирқдан ортиқ делегация келди. Конференцияда Қоҳирага келиш учун жуда қийин тўсиқларни босиб ўтган Африка халқларининг делегациялари ва вакиллари ҳам бор эди. Ўша кунлардаги жуда кўп воқеалар эсимда сақланиб қолган, аммо бир воқеа айниқса кучли таассурот қолдирган: Совет делегацияси составида русларгина эмас, балки ўзбеклар, тоҷиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, озарбайжонлар, грузинлар, арманлар ҳам борлиги, делегацияяга Ўзбекистон жамоат арбоби ва ёзувчиси Шароф Рашидов бошчилик қилганлигини билганларида конференция қатнашчилари ниҳоятда ҳайрон қолганниклари сира ёдимдан чиқмайди.

Конференция қатнашчилари билан сұхбатлар вақтида биз уларға делегациямиз СССР составига тенг ҳуқуқлар билан кириувчи совет республикаларининг вакилларидан иборат әканлигини сабот билан тушунтиришга мажбур бўлдик. Биз бу республикалар қаерда әканлигини харитадан кўрсатдик, жамиятимизнинг социалистик структураси ҳақида гапириб бердик. Аввалига бизларнинг сўзларимизни унча ишонинқирамай тинглашди, аммо биз билан алоқада бўлган кўпгина кишилар учун совет жамиятининг моҳияти аста-секин тушунарли бўла борди. Делегатлар тоҷик шоири Мирзо Турсунзода ва ўзбек шоираси Зулфия шеърларини нақадар зўр қизиқиш билан тингланликлари ҳали-ҳали ёдимда. «Демак, сизлар ўз она тилингизда ёзар әкансизлар-да?» деб сўрашарди бизлардан.

Шу тарзда Африка ва Осиёning кўпгина мамлакатларидан келган вакиллар совет кишилари билан алоқа боғлаб, барча миллатлар тенг ҳуқуқли бўлган совет ҳаёт тарзи қандай әканлигини тушуна бошладилар. Улар бизлардан эшитган гапларни чанқоқлик билан тинглашар, эшитган фактлари ва рақамларини шоша-пиша ёзиб олардилар.

Ўша пайтдан бери 13 йил ўтди. Ана шу ўтган йилла оғизида мамлакатимизнинг ҳалқаро алоқалари анча кенгайди. Турли мамлакатлардаги тобора кўпроқ кишилар совет ҳаёт тарзи ҳақида ҳаққоний ва объектив ахборот олиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо бизларнинг душманларимиз ҳаққоний ахборотнинг тарқалишига бутун чоралар билан халақит беришга интилмоқдалар. Ғанимлар пропагандаси дунёдаги биринчи социалистик мамлакат ҳақидаги бошқа кўпгина бўхтонлар қаторида гўё совет империализми мавжуд әканлиги ҳақида, руслар гўё СССРдаги бошқа маданиятлар ва адабиётларни бўғиб ташлаётгандиклари ҳақида бўхтонлар тарқатдилар. Аммо воқелик буржуя пропагандасининг бўхтонларини ишончли тарзда рад этмоқда ва совет ҳаёт тарзи тўгрисидаги ҳақиқат жаҳон бўйлаб тобора кенгроқ тарқалмоқда.

Бу ҳақиқат мамлакатимиз ҳақидаги ёлғон ва нотўғри ахборотга қарши шиддатли курашда ўзига йўл очиб бормоқда. Буржуазия пропагандаси Совет Иттилоқига нисбатан ишончсизлик туйғусини вужудга келтириш учун куч ва воситаларини аямётирлар. Бу пропаганда сиёсадан, кўп нарсалардан бехабар кишиларни баъзан ўз тўрига илинтиришга муваффақ бўлди.

Чет әлларга сафар қилган вақтимда мен бунга кўп марта ишонч ҳосил қиласман. Айни вақтда мен шу нарсадан бахтиёрманки, ўтган йиллар мобайнида кенг омманинг Совет Иттифоқига муносабати тобора дўстона тус олаётганлигини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳусусан, мен Мисрга бир неча марта борганимда бунга ишонч ҳосил қилдим.

Ҳозирги дўстларимиз билан муносабатларимизни йўлга қўшиш осон бўлмади. Душман пропагандасининг огуси билан заҳарланган кўпгина мисрликлар аввалига советларга оид ҳамма нарсаларга ҳадиссираб қарадилар, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайишидан чўчидилар. Баъзи кишилар «совет империализми» тўғрисидаги бўхтонларга ҳам ишонардилар. Аммо ўтган йиллар ичида халқларимиз ўтасидаги муносабатларда нақадар катта ўзгаришлар рўй берди. Биз бир-биримизга нақадар яқинлашиб кетдик! Истроил агрессиясига қарши араб халқларининг адолатли курашини қатъият билан қўллаб-қувватлаш, бегараззлик, араб мамлакатлари миллий манфаатлари ва хусусиятларининг Совет Иттифоқи томонидан чуқур англаанглиги — ана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина воқеалар арабларга, уларнинг дўсти киму, душмани ким эканлигини яққол кўрсатди.

1969 йил февралида мен Асвон гидроэлектростанцияси қурилишини бориб кўрдим. Мисрликлар ва совет кишилари биргалашиб барпо этаётган бу улуғвор иншоот қардошларча дўстлик мактабидир. Биргаликда қилинган меҳнат ва айниқса ана шундай оғир шароитлардаги меҳнат инсоний муносабатларнинг чинакам моҳиятини намоён қиласди. Мисрнинг минглаб ишчилари, техниклари ва инженерлари кундалик алоқада совет кишисининг асл характеристикини билиб олмоқда. Асвонда турли миллатга оид совет кишиларининг ишлаётганлиги ҳам интернационализм туйгуумизнинг ифодаларидан биридир.

Совет ҳокимиятининг әллик йили одамларни иноқлаштириб, маданиятларни яқинлаштириди, ҳар бир халқ яратган бойликларнинг ҳаммасини, ҳар бир халқда азиз бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тўла кўламда билиб олишга ёрдам берди. Бизнинг давримизда интернационализм гоялари жаҳоннинг барча халқлари онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Ҳудди шу интернационализм уларга миллий мустақиллик учун курашда мустаҳкам таянч бўлди. Интернаонал бирликнинг кучини астойдил тушунади-

ган кишиларнинг ҳаммаси миллатчиликнинг нақадар катта хавф эканлигини ҳис қилиб турибди.

Социализм душманлари ҳамма жойда миллий адоватни авж олдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Вьетнамдаги қонли уруш, Истроил агрессияси ва Португалия мустамлакачиларининг қўллаб-қувватланаётганлиги, Ер куррасининг ҳар қандай бурчагида ҳарбий ва сиёсий игвогарликлар қилиш эҳтимоли — буларнинг ҳаммаси бир ҳалқни иккинчи ҳалққа гижгижлаб қўйишга интилаётган АҚШ империалистларининг ишидир.

Бир неча йил муқаддам мен Вашингтонда бўлғаи пайтимда «Коммунизм проблемалари» ойлик журналининг редактори мистер Брумберг квартирасига таклиф қилинди. Уй эгаси ва унинг меҳмонларини совет адабиёти проблемалари ҳамда Москва ёзувчилар ташкилотидаги ишлар айниқса қизиқтирап экан. Адабий ҳаётимизнинг айрим жиҳатларини суҳбатдошларим ҳайрон қоларли даражада яхши билар эканлар. Масалан, улар Москва Ёзувчилар ташкилотининг правлениесига сайловлар вақтида ким қанча «қарши» овоз олганлигини, ким сайланмай қолганлигини ва шу сингариларни билишар экан. Очигини айтганда, мен уларнинг бу масалаларга шу қадар қизиқиб қараётганликларига ҳайрон бўлдим — ахир улардан биронтаси ҳам ёзувчилар доирасига мансуб әмас әди.

«Рус адабиёти Совет Йиттифоқида қолган ҳамма адабиётларни бўғиб ташлади», — деди суҳбатда мистер Брумберг. Мен, мамлакатимизда бадиий адабиёт асарлари етмишдан кўпроқ миллий тилларда нашр этилаётганлиги бу ердагиларга маълумми, деб сўрадим. Бадиий асарлар бу тилларда нашр этилибина қолмасдан, балки Совет Йиттифоқи ҳалқларининг ўнларча тилига ўзаро таржима қилинмоқда. Сўнгра мен ҳиндийлар миллий адабиётининг баъзи тафсилотлари билан қизиқдим. Мен улардан АҚШда ҳиндий ёзувчилар ва умуман барча ҳиндийлар нима учун резервацияларда яшаётганлигини, биз Аризона штатида бўлганимизда бизларни нима учун резервацияларга қўйишмаганини сўрадим. Нима учун ҳиндий миллатига оид ёзувчилар ўз асарларини она тилида нашр этиш имкониятига эга эмаслар? Нима учун улар ёзган асарларнинг ҳаммасини фақат инглиз тилида нашр этишга мажбур бўлмоқдалар? Мистер Брумберг қизаринқираб жавоб берди: «Улар учун шундай қилиш қулайроқ».

Бир неча йил ўтгач, Австралиядаги Аделаида шаҳрида

маðаллий университетда студентлар билан учрашув вақтида менга бундай деб савол бердилар: «Совет Иттифоқида ёзувчиларнинг асарлари қанча тилда нашр этилмоқда?» Мен уларга Совет адабиётидаги ҳақиқий аҳвол ҳақида, турли тилларда нашр этилаётган бадиий адабиётнинг жуда катта миқдори ҳақида, бизда чет эл ёзувчиларнинг китоблари катта тиражлар билан, шу жумладан, Австралия ёзувчиси Катарина Причард китоблари бир миллион саккиз юз минг нусхада нашр этилганлигини айтганимда, залда қарсаклар янгради.

Австралиянинг ўзида прогрессив адабанинг китоблари 4—5 минг нусхада нашр этилар экан, ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам ношир топишга муваффақ бўлавермас экан. Австралиянинг замонавий атоқли романчи ёзувчиларидан бири Жуда Уотен мени Мельбурндан кузатиб қолар экан, аэропортдаги китоб дўкони ёнида тўхтатди-да, афсусланубундай деди.

— Кўряпсизми, бизда нималар нашр этилади. Порнография, жиноятни мадҳ қилувчи китоблар... Булар учун қофоз ҳам, бўёқ ҳам аяшмайди... Австралияликларнинг ҳаёти ҳақидаги вижданан ёзилган китобни эса нашр этиш имконияти йўқ.

Вижданан ёзилган китоб... Бизнинг ҳаётимиз ҳақида, совет турмуш тарзи ҳақида бўхтондан иборат бўлмай, балки ҳақиқатни ҳикоя қилиб берувчи ана шундай вижданан ёзилган китобни Нью-Йорк ёки Лондондаги китоб магазинларидан топиб кўринг-чи! Аммо совет халқига қарши ёзилган ҳар қандай разил асарларни эса бажонудил нашр қилмоқдалар.

Инглиз публицист ёзувчиси Жеймс Олдрижнинг бундан бир неча йил илгари Лондонда айтган гаплари менга австралийлик Жуда Уотен айтган гапларига жуда ўхшаб кетди.

— Менинг китобларим ва менга ўхшаш ёзувчиларнинг китоблари Англияда жуда кам нусхада босилмоқда. Китоб сотувчи магазинлар бир неча катта бойларга тегишли бўлганлиги сабабли улар бизларнинг китобларимизни сотиш учун қабул қилмайдилар. Мен икки-уч йил сарфлаб ёзган китобга бериладиган гонорар жуда аяб сарфланганда ҳам икки-уч ойга зўрга етади.

Чет элларда совет адабиёти ва санъатига қизиқиш жуда катта. Украина халқ рақс ансамбли Нью-Йоркда энг ийрик театр залларидан бирида берган концерти эсимда.

Зал одамга лиқ тўла әди. Мен украин санъатини, ажойиб шўх ва майнин украин куйларини жуда севаман. Рақсларида украин халқининг кенг ва сахий қалби ифодаланган бу ансамблни бу ерда қандай кутиб олишларини билгим келди. Ансамбль америка томошабинларини лоқайд қолдирмайди, деб тахмин қилиш мумкин әди, албатта. Аммо шу қадар катта муваффақият бўлишини мутлақо тасаввур қилиш қийин әди. Программанинг ҳар бир номе-ри гулдурос қарсаклар билан тамомланарди. Томошабинлар ҳар бир рақснинг такрорланишини талаб қиласарди.

Совет Иттилоғи Давлат рақс ансамблининг Австралиядаги гастроллари ҳақида ҳам, Грузия ва Молдавия ансамблларининг бошқа мамлакатлардаги концертлари ҳақида ҳам менга худди шундай ҳикоя қилиб беришиди. Бунинг сабаби нима? Ижодий колективларимизнинг шу қадар зўр завқ-шавқ билан кутиб олинаётганлигининг боиси нимада?

Менинг фикримча, гап шундаки, «гарб» томошабини ўз уйида халқ орасида туғилган ва энг яхши миллӣ традицияларни мужассамлаштирган чинакам санъатни жуда кам кўради.

Ана шундай санъат намоён бўлганда одамларда чуқур эстетик туйгулар уйғотади. Музика ва поэзиядаги қозирги замон какофонияси, театрдаги, тасвирий санъатдаги ҳар хил формалистик майнабозликлар инсон табиатига тамомила ётдир. «Ҳозирги замон услуги» деб аталадиган услуг обқибат натижада аҳолининг кичик бир қисмигагина хосдир. Санъатнинг реалистик қонунларига содиқ бўлган режиссиёр Сергей Бондарчукининг «Уруш ва тинчлик» киноэпопеяси әришган муваффақият тасодифий эмас. Инсоннинг маънавий дунёсига чуқур кириб бориш, Толстой қаҳрамонлари характерини ҳар томонлама тушуниш рус кишиларининг қалбини яхшироқ идрок этиш имконини берди. Рус халқининг жасорати ҳақидаги фильм ҳамма миллатларга оид кишиларни қойил қолдирмоқда.

Совет санъати ўз халқининг такрорланимас хусусиятларини мужассамлаштиrsa, миллӣ ижод чашмаларидан доимо баҳраманд бўлиб турса, у ўз Ватанимизда ва чет элларда янада каттароқ муваффақиятларга әришаверади.

Миллӣ жиҳат табиий ҳолда интернационал жиҳатининг таркибий қисмини ташкил қиласади. Аслида у ёки бу адабиётнинг ёки санъатнинг бирор турининг миллӣ ил-

дизларига қарши чиқаётган айрим адабиёт танқидчилари нинг мулоҳазалари кишини ҳайратда қолдиради.

Бугунги кун кечаги кунсиз бўлмайди, истиқбол ўтмишдан ва ҳозирги ҳётдан ўсиб чиқади. Умумий ишга халал етказмаган ҳолда бу нарсаларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Айрим адиллар бирор йўл билан халқларимизнинг ўтмишига нисбатан муҳаббат ва ҳурматни рад этишга интилиб, ана шу аниқ-равшан мезонларни хираплаштироқда. Аммо қадимий саройлар ва қадимий шаҳарлар — миллий маданиятимизнинг гувоҳлари-ку ахир. Москва Кремли, Новгород ёдгорликлари ва Суздалъ, Самарқанддаги Гўри Амир, Киевдаги София, арман қўлларининг ноёб ёдгорликлари, «Йўлбарс терисини ёпинган пақлавон», «Игорь жангномаси ҳақида қисса» ҳамда бошқа кўпгина ёдгорликлар келиб чиқиши жиҳатидан бир халқа тегишли бўлса ҳам, бундан бўён халқларнинг мулкига айланди ҳамда кўп миллатли маданият ана шу ёдгорликлардан таркиб топмоқда. Ҳар бир халқнинг қаҳрамонона ўтмиши ҳақида нақл қуловчи ёдгорликлар — Ватанимиздаги барча халқларнинг келажаги учун курашда жиддий қуродир.

Кескин идеология кураши авж олиб кетган даврда яшаётган ҳар биримиз совет даврида вужудга келган анъанааларнинг сақланиши учун жавобгармиз. Бу анъанааларни ҳар қандай камситиш у ёки бу халқ вакилининг ҳистойғусинигина эмас, балки барча халқларнинг оғир меҳнат ва шиддатли жанглар жараёнида вужудга келган совет ватанпарварлиги туйғусини ҳам таҳқирилади.

Биз қон тўкиб, тер тўкиб социалистик Ватанини барпо ётдик, уни ҳимоя қилдик, енгилмас ўлкага айлантиридик. Шу сабабли ватанпарварлик бурчини ҳар қандай бузиш, халқлар дўстлиги ва интернационализм туйғусига путур етказищ йўлидаги ҳар қандай уриниш бизни ташвишга солиши керак. Чунки халқлар дўстлиги ва интернационализм Совет ҳокимияти йилларида ҳётимизнинг мазмунни ва асоси бўлиб қолди. Шу сабабли ана шу туйғуларни бузиб кўрсатадиган ва камситадиган адабиёт ва санъат асаларини нафрат билан рад этамиз.

Октябрь ғалабасидан кейин ўтган йиллар мобайнинда бизнинг совет ҳаёт тарзимиз ташкил топди. Зотан, совет тузумининг моҳиятига қарши бўлган кишиларгини бу ҳаёт тарзининг афзалликларини кўришни истамаёттирлар. Ўз-ўзидан маълумки, бу гаплардан бизда камчиликлар йўқ

деган маъно келиб чиқмайди, аммо ҳаётимизнинг энг ажойиб хусусиятларидан бири шуки, социалистик турмуш тарзи нормаларидан ҳар қандай четга чиқиш оқибат натижада бартараф этилади. Аммо санъат асарида ана шу четга чиқишининг ўзи норма тарзида тасвирланса, ҳаёт ҳақиқати бузилади, совет воқелигимизнинг ўзи бузиб кўрсатилади. Ваҳолонки, биз совет воқелиги билан ҳақли равишда фахрланамиз, унга ўз меҳнатимизни, ўз талантимизни, ҳар бир кишидаги ҳамма истеъоддларни бағишлаймиз.

Яқинда мен Болгарияда «Поездлар дераза ёндан ўтади» кинофильмининг премьерасида бўлдим. Л. Кабо ва А. Хмелик сценарийси асосида яратилган бу фильмни бундан икки йил илгари Москвада кўрган әдим. Унда яқиндагина педагогика билим юртини тамомлаган ёш муаллимга интернатлардан бирига келганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Муалима оstonадан кириши биланоқ онги қолоқ ўқитувчиларга қарши, болалардаги ташаббусни бўғаётган кишиларга қарши кураш бошлайди. Бу фильмнинг нияти дастлабки кадрларданоқ яққол кўриниб қолади. Бу лента да бирорта яхши жиҳат, умид боғлайдиган истиқбол йўқ әди. Ёмонлик яхшилик устидан тантана қиласи. Яхшилик оёқ ости қилинади, ёш муаллиманинг чамадонини йиғишириб, интернат деразалари ёндан ўтиб кетаётган поездда қайтиб кетишдан бошқа иложи қолмайди.

Бу фильмни томоша қилган кишилар дўстлар — поляклар, венгерлар, ГДР ва ГФРдан келган немислардан иборат әди. Залда чироқ ёнгач, ҳамма индамасдан ўрнидан турди. Биз совет кишилари ўзимизни ноқулай сөздик. Шунда, менинг миямга санъат усталари, адиллар халқимииз олдидагина эмас, балки бутун дунё халқлари олдида масъулият ҳис қилишлари, биз яратаБтган асарлар учун интернационал масъулият ҳис қилишлари керак экан, деган фикр келди.

Мен Вашингтондаги суҳбатлардан бирини эслайман. Биз Николай Погодин билан бирга президент Кеннедининг ёрдамчиси билан суҳбатлашардик. Биз ундан нима учун америкаликлар машҳур кинорежиссёр ва продюсер Стенли Крамер томонидан суратга олинган «Вестсайд во-кеаси» фильмини бизларга сотишни истамаётилар, деб сўрадик. Фильмда Нью-Йоркдаги иккита шайка ўртасида ги миллий хурофотларга асосланган шиддатли кураш жараёнинда икки ёш ўртасида вужудга келган самимий

муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинади. Иккита аёвсиз душман лагерига оид бўлган йигит билан қизнинг муҳаббати фожиали тугалланади.

«Вестсайд воқеаси» фильмни кино санъати шинавандалари орасида катта мувваффақият қозонди. Кўпгина кишилар бу лентанинг нима учун сотиб олинмаганлиги билан қизиқдилар.

Вашингтондаги суҳбатдошимиздан биз қуйидаги жавобни олдик:

— Биласизми, гап шундаки, Фильм америка турмуш тарзини нотўри қўрсатади. Бошқа мамлакатларнинг аҳолиси воқелигимизни нотўри тасаввур қилиб қолиши мумкин.

Кўрдингизми, гап нимада экан! АҚШнинг пропаганда машинаси барча халқларда Америка турмуш тарзи ҳақида вужудга келтиromoқчи бўлган тасаввурга бу фильм ҳақиқатан ҳам тўғри келмас эди. Ана шу пропаганда тасвирилаётган умумий фарогат, социал тинчлик манзараси ҳақиқий аҳволга тамомила зид келади. Аммо «Америка турмуш тарзи бўйича мутахассислар» бу манзарани фақат яхши бўёқларда тасвирилаганликлари, ҳамма иллатларни моҳирлик билан хаспўшаётганликлари учун катта маош оладилар-да, ахир. Улар Американинг «нозик жойи»—ирқий камситиш, ашаддий шовинизмни айниқса яширишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу сабабли оқ танлилар ва негрлар жуда иноқ яшаётганликлари тасвириланадиган фильmlар чет әлда бажонудил сотилмоқда, аммо «Вестсайд воқеаси» сингари асарлар Совет Иттифоқига юборилмаётir.

Менинг бу мулоҳазаларим ҳамма ижодий ходимларни ягона интернационал сафда, Ватанимизнинг барча халқлари олдидаги ватанпарварлик бурчини муқаддас билиб бажараётган ҳолда кўриш иштиёқидан келиб чиқсан.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Бинобарин, биз ўз асарларимизда тарихий ҳақиқатни кўрсатишимиз зарур. Зотан, бизнинг кўрсата оладиган, бутун дунёга намоён қила олишимиз мумкин бўлган ютуқларимиз кўп. Аввало бизнинг куч манбаимиз ҳисобланмиш халқларнинг ленинча дўстлигини намоён қилишимиз керакки, бу дўстлик ҳар бир халқнинг, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг меҳнати ва истеъоди билан вужудга келтирилди.

Биз буржуазия пропагандасининг мамлакатимиз халқларини пароканда қилиб юборишига интилаётганлигини

инкор қила олмаймиз. Бирлигимиэни бузмоқ учун ҳамма воситалар ишга солинган. Аммо бу уринишлар ҳам узилкесил барбод этилади. Ҳалқаримизнинг дўстлиги, империализмга қарши курашда дунёдаги барча ҳалқарнинг интернационал бирдамлиги бунинг яққол далилидир.

Мен Панама ва АҚШ негрларининг Кения ва Суданда яшовчи африкаликларнинг, мисрликлар ва суряникларнинг, ҳиндлар ва японларнинг, финлар ва норвежларнинг, австралийликлар ва исландияликларнинг қўл қисиб кўришганликларини унутмайман. Ҳамма жойда бизларнинг дўстларимиз ва фикрдошларимиз бор. Улар озодлик ва мустақиллик учун, ҳалқлар ўртасидаги дўстлик учун ўз курашларида Совет Иттилоғини таянч деб биладилар.

Тинчлик, маданият равнақи учун, одамни катта ҳарф билан ёэиладиган Инсонга айлантирувчи ҳамма нарсалар учун курашаётган ҳалқарнинг умумий сафида бораётганимгни ҳис қилиш нақадар катта баҳт!


## ДАВР ТАҚОЗОСИ

Кейинги икки-уч йил мобайнида катта байрам яқинлашаётганлигини яққол сезиб турибмиз. Мамлакатнинг эллик йиллиги — бир кишининг ҳатто жуда ҳурматли ва севимли кишининг 50 йиллиги эмас. Ҳа, бу янги ижтимоий формацияни бошлаб берган давлатнинг 50 йиллиги. Қишилик саройни ҳужум билан қўлга олган ишчилар, солдатлар ва матрослар эллик йиллик байрам қандай бўлишини тасаввур қилиб кўрганмикинлар. Улар Владимир Ильич айтган гапларга ишондилар, коммунистларга ишондилар. Чунки Қишилик саройга ҳужум қилган кишилар орасида кўпгина партиясизлар ҳам бор эди. Октябрь штурми вақтида коммунистлар билан партиясизларнинг мангу блоки, партия билан халқ бузилмас алоқасининг пойдевори мустаҳкамланди. Бу пойдевор энди қўйилган эди — бино эса ярим аср мобайнида қурилди ва шу давр ичida бирор жойидан дарз кетмади.

Янги, 1967 йил бошлангач, эллик йиллик байрамгacha саноқли ўн ой қолди. Биз учун бу ойлар ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар меҳнатининг, техника зиёлилари билан ижодий зиёлилар эришган муваффақиятларнинг ярим асрлик тарихига якун ясаш даври, совет кишилари кўрсатган қаҳрамонликлар ва жасоратларни хотирлаш даври, Совет Йиттифоқидаги барча халқлар буюк дўстлигининг самараларини тўплаш даври бўлди. Эллик йил мобайнида давлатимиз секин-аста барпо этилди ва беқиёс қудратли бўлиб қолди. Тўғри, Совет давлатининг эллик йиллиги душманларимизни мамнун қилмади. Чунки қанчадан-қанча башпорат қилиб айтилган гапларнинг ҳаммаси барбод бўлди. Фақат айрим «пайғамбарлар» гинаҳали камнималарнидир алжирамоқда. Уз-ўзидаи маълумки, биз

?, А. Софонов

17



нинг душманларимиз — империалистлар ва уларнинг думлари, капитализм идеологлари ва пропагандистлари байрамимизни лоақал бир жиҳатдан бузишни истар әдилар. Бутун пропагандистик машина ишга солинди. Уларнинг ҳам ҳолатини тушуниш керак.

Совет Иттифоқининг эллик йилдан бери яшаб келаётганлигини, шунчаки яшабгина қолмай, балки ғолибона одим ташлаб бораётганлигини тушунтириб бериш осон иш әмас-да, ахир! Нимасини айтасиз, осон иш әмас. Бунда истар-истамас қўлга тушган нарсадан фойдаланишга интилишга тўгри келади... Мана уларнинг қўлига мункайиб қолган Керенский ва риёкор, жазаваси тутиб турадиган Аллилуева тушшиб қолди. Ҳар қанақа бўғтонлар ва разилликдан хазар қилишмади. Аммо уларнинг ҳаммаси совун кўпигидек йўқ бўлиб кетди. Пропагандистик машинага ҳар қанча мой суришмасин, унинг ишидан кўнгилдагидек самара олинмади ва жуда катта харажатларни оқладай олмади.

Бошқа йўналишларда ҳам пропагандистик машина яхши ишлай олмади. Душманларимиз радио эшилтиришларида не-не пўписаларни қилишмади. Жуда анойи одамларни топишибди-да! Бизда ҳар қанақа юбилейлар бўлган. Аммо улардан бирортаси бизни заифлаштира олмади. Эсимда бор, Октябрнинг йигирма беш йиллигини Брянск партизанларининг ертўласида кутиб олган әдик.

1942 йил 7 ноябрь куни қўёш чиқиб турганлиги сабабли қор босган Брянск ўрмонидаги қарагайлар орасида қандайдир алоҳида тантанавор вазият ҳукм сурарди. Ўрмонинг бир чеккасида Брянск бирлашган партизан отрядлари штабининг бошлиги ўртоқ Матвеев қаҳрамонона рейдларда қатнашган кишиларга Ленин ордени ва Жанговар Қизил Байроқ орденларини топширган әди. Ўша пайтдан бери 25 йил ўтди! Чорак аср! Биз ўша пайтда ертўлаларда партизан қўшиқларини айтиб, келаҗак ҳақида орзу қилган әдик. Ўша вақтда ертўлаларда биз билан бирга ўтирган кишиларнинг кўпларига ҳозирги кунларни қўриш насиб бўлмади. Аммо биз орзу қилган истиқбол воқеликка айланди — биз уни ўз қўзимиз билан қўриб турибмиз.

Москва бўёқларнинг бу қадар бойлигини ҳали ҳеч қачон кўрмаган әди. Кўп миллатли мамлакатнинг ҳамма қисмларидан делегациялар, шунингдек чет эллик меҳ-

монлар ўзларининг ёрқин миллий кийимларида келишиди. Москвада ҳали ҳеч қачон шу қадар кўп гул бўлмаган эди. «Революциянинг эллик йиллиги ҳамма қатнашаётган халқ байрамидир». Бу сўзлар кимга мансуб? Энг яқин дўстларимиздан бирортасига мансуб эмасмикин? Йўқ, яқин дўстларимизга мансуб әмас. Бу гаплар Фарбий Германияда чиқадиган «Рейнише пост» газетасининг Москвадаги мухбири ёзган мақоладан олинган. У ўз газетаси саҳифаларида Октябрнинг эллик йиллиги байрам қилинган кунларда Совет пойтахтида ҳукм сурган вазият ҳақида хикоя қилиб берган эди.

Балки бу ортиқча таъсирчан мухбирнинг фавқулодда гувоҳлигидир? Йўқ, бу тасодифий гап әмас.

«1917 йил октябрдаги ўн кун дунёни ларзага келтирибгина қолмай, балки ўзгартириб юборди ҳам,— деб ёзади Гамбургда чиқадиган «Ди андере Ҷайтунг» газетаси.— Совет Йиттифоқи эллик йил ичида қилган ишларни амалга ошириш учун Фарбий Европадаги ва Шимолий Америкадаги индустрисал жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакатларга камида 150 йил керак бўлар эди. Россия Европадаги йирик мамлакатлар орасидаги энг қолоқ мамлакатдан Европа ва Осиёдаги энг йирик саноат ўлкасига айланиб, ҳозир Англия, Франция, Фарбий Германия ва Италия мамлакатларининг ҳаммаси биргаликда ишлаб чиқараётгандан кўпроқ пўлат әритмоқда. Буларнинг ҳаммасига мисслиз қийинчиликларга ва шафқатсиз душманларга қарши кураш жараёнида әришилганини қўшиб қўйиш керак».

Душманларнинг шафқатсизлигини Гамбург газетаси бизларга қараганда яхшироқ билса керак, албатта. Мен бундан икки йил илгари Фарбий Германиядаги энг йирик шаҳар ҳисобланган Гамбургда қиши фаслида янги йил байрамлари арафасида бўлган эдим. Мен у ерда янги, замонавий, мутлақо америкачасига қурилган уйларни ҳамда Гамбургнинг вайрон бўлиб ётган уй-жой кварталларини — Америка бомбардимонлари давридан бери сақланиб қолган вайроналарни кўрдим. Ўша пайтда бизнинг иттифоқчиларимиз бўлган америкаликларга ана шу ваҳшиёна бомбардимонлар учун әнди келиб таъна айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак: уруш бораради ва биз халқларнинг ашаддий душмани немис фашизмига қарши жанг олиб борарадик. Аммо шуниси қизиқки, ўша пайтда кучларни иккинчи фронтни очиш учун тўплаш ўрнига

америка авиацияси ишчилар яшайдиган кварталларни вайрон қилас, Гамбург, Дрезден ва бошқа немис шаҳарларидағи хотин-қизлар ва болаларни ўлдирар әди. Бу ишни американклар шу қадар қатъият, шу қадар изчиллик билан амалга оширар әдиларки, ҳозир беихтиёр ўша ишларни Вьетнамдаги манфур ишга қиёслагинг келади киши.

ГФР ҳақида гап кетган экан, шуни айтиб ўтиш керак бўладики, реваншизмнинг аҳмоқона ғоялари Гарбий Германиядаги ақли ва қалби қариб қолган баъзи кишиларнинг бошларинигина айлантираётгани йўқ. У ерда ҳали ҳам шундай кучлар борки, улар Мюнхендаги пивохоналардан бирида бамисоли пиво кўпигидек пайдо бўлган Гитлер хотирасини эсга олиб, унинг арвоҳига дуо қилмоқдалар. Совет ҳукуматининг ГФР ҳукуматига, шунингдек АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларига яқинда йўллаган баёнотида Гарбий Германияда вужудга келаётган нацизм ўчоғи тинчлик иши учун нақадар хавфли эканлиги яққол кўрсатиб берилган.

Байрам арафасида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетида мен Уганда Мудофаа министри, «Уганда ҳалқ конгресси» партиясининг бош секретари Феликс Онама билан суҳбатлашиб қолдим. Суҳбатдошимнинг кайфи жуда чоғ әди. Байрам арафасидаги Москва ўзининг ёрқин ранглари билан уни мафтун қилиб қўйган әди. У Африка ҳалқларини мустамлакачиликдан озод қилишда Совет Иттилоқининг ролига юксак баҳо берарди. «Биз шу давр ичида кўп нарсаларни ўрганиб олдик,— деди у,— бинобарин, империалистик агентларнинг мамлакатимизни эски йўлга қайташига уринаётган агентларини сезиб қолганимизда бу агентларни Угандадан улоқтириб ташлаш учун ўзимиизда куч топдик. Биз шу йиллар ичида душманларимизнига әмас, чинакам дўстларимизни ҳам таниб олдик». Бу қуруқ сўз әмас әди. Уганданинг пойтахти Кампала шаҳрида чиқадиган «Уганда аргус» газетаси худди ўша кунларда «Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» сарлавҳаси остида тўрт саҳифадан иборат махсус иловада Совет Иттилоқи меҳнаткашларининг улуғвор ютуқлари ҳақида, Совет Иттилоқи билан Уганда республикаси ўртасидаги дўстлик, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Ўша кунларнинг ўзида Уганда-Совет дўстлиги ва маданий алоқалар жамияти Миллий театр биносида Ок-

тябрь революциясининг эллик йиллигига бағишланған қабул маросими ўтказди.

Бундан уч йил илгари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг делегацияси составида биз Угандада бўлган эдик. Уганданинг ҳозирги президенти Милтон Оботе бизларни қабул қилди. Учрашув ҳақиқатан ҳам самимий бўлди. Милтон Оботе ўша пайтда Уганда-Совет дўстлиги жамиятини тузиш зарурлиги қақидаги фикрни айтган эди. У совет делегациясининг вакиллари билан биргаликда ўтказилган телевизион эшилтириш вақтида ҳам ана шу фикрни тақоролади. Уч йил ўтди — Совет Иттифоқи билан ана шу ғоят гўзал мамлакат ўртасида, унинг ҳукумати, унинг қувноқ ва довюрак ҳалқи билан муносабатлари анча мустаҳкамланди.

Худди шу байрам олди кунларда бнз Ангола партизанлар ҳаракатининг раҳбари, ёқимтой ва мардонавор инсои, ажойиб шоир Аугустинъ Нето билан учрашдик. Маълумки, Совет Иттифоқи Анголанинг Португалия мустамлакачиларига қарши курашаётган революцион армиясига катта маънавий ва моддий ёрдам кўрсатмоқда. Португалия мустамлакачиларидан озод қилинган территорияларда (бундай территориялар оз эмас) озод кишиларнинг янги ҳаёти бошланди. Аугустинъ Нето бизларга шу ҳақда гапириб берди. У биздан Ангола болалари учун бизнинг мамлакатимизда босилаётган дарсликларнинг тиражи оширилишини илтимос қилди. Ўқувчилар учун дафтар, ручка, сиёҳ ва қалам зарур. Ангола болалари чакалакзорларда жойлашган мактабларда дараҳт пўстлогига кўмир билан ёзмоқдалар. Дори-дармон, пахта ва бинт (ҳали жанглар давом этмоқда), болалар учун қуюқ сут, кийим-кечак, кўрпа-тўшак юбориш керак.

Аугустинъ Нето бизлар билан шошилмасдан суҳбатлашарди. У айтган гапларнинг ҳаммаси катта аҳамиятга эга эди... Суҳбат охирида мен ундан сўрадим:

— Шеър ёзиш учун вақт қоладими?

Нето майин табассум қилди:

— Йўқ, ҳозир биз жанг олиб боряпмиз.

— Аммо, бу йил март ойида «Огонёк» журнали сизнинг шеърларингизни босиб чиқарди-ку, ахир?

— Бу шеърлар илгари ёзилган эди.

...Шу йил кўкламида Ливаннинг пойтахти Байрутда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари

III конференциясининг делегатлари билан биргаликда Сурия пойтахти Дамашққа бордик. Апрель ойининг бошлари эди. Дамашқ атрофидаги боғларда ўриклар гуллаб ётарди. Ҳамма ёқни қизиш-оқ гул қоплаб олган. Байрам куни эди. Богларда Дамашқнинг мингларча аҳолиси дам оларди. Болалар айқиришиб кулишиб арғимчоқларда учишарди. Аммо биз бу ерда ҳамма вақт ҳам вазият худди шу кўклам кунидагидек, апрелнинг зангори осмонидек булатсиз бўлмаслигини ҳис қилдик. Марказий майдонда Сурия солдатлари тўп-тўп бўлиб ўтиришарди. Уларнинг айримлари шу ердаги кўча баққолидан сотиб олинган чойни ичиб ўтиришарди. Шаҳарда солдатлар тушган юқ автомашиналари у ёқдан-бу ёққа ўтиб турарди. Ҳарбий машиналар ёнида турган автобусларда юзларча мусулмонлар муқаддас Маккага ҳажга бориш учун отланиб туришарди. Биз Дамашқда ҳаммаси бўлиб икки кун бўлдик. Аммо шу қисқа муддат ичидәёқ суряяликларнинг ташвишда эканликларини сезиб турдик. Урушнинг ҳиди анқиб турарди. Истроил чегараларидан уруш ҳиди келиб турарди. Суряяликлар Советлар мамлакатидан келган кишиларга — бизларга айниқса меҳр билан қараварди. Бу ердаги ҳамма кишилар Совет Йиттифоқининг Сурияга бераётган ёрдамидан, Евифратда Сурия ҳалқи учун ғоят зарур бўлган гидроэнергетикаузели қурилишига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган дастлабки ишлар олиб борилаётганлигидан хабардор эдилар. Асвон рамзи арабларнинг бир мамлакатидан иккинчисига кўчиб юради...

Икки ойдан кейин Истроил Бирлашган Араб республикасига, Сурияга, Иорданияга жинояткорона ҳужум қилди. Совет Йиттифоқининг кескин позицияси ҳамда араб давлатларига кўрсатган ёрдами бутун дунёга маълум. Империалистлар ва реакционерларнинг араб давлатлари билан Совет Йиттифоқида низо чиқаришга уринганликларига қарамай, араблар билан совет ҳалқлари ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланди. Дўст ҳақиқатан ҳам бошга кулфат тушган кунларда билинади.

Шунинг учун ҳам Дамашқдаги Совет әлчинонаси ёнида ва әлчинонанинг ўзида эмлик йиллик байрам кунларида кўп сонли делегациялар тўпланди. Бу ерда турли одамлар: олимлар, ёзувчилар, хизматчилар, ишчилар, деҳқонлар, студентлар, мактаб ўқувчилари бор эди.

«Шу кунларда ер юзидаги кўп миллионли меҳнаткашлар сингари бизнинг нигоҳимиз ҳам шонли Октябрь ту-

файли вужудга келган дунёдаги дастлабки социалистик давлат пойтахтига қаратилгандир,— дейишди Суряининг Деръа шаҳридан келган ишчи делегациясининг аъзолари. Кремль саройида бўлаётган бугунги тантанали йиғилишда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, СССР ҳукумати, совет халқига ва бутун дунёга эллик йил ичидা Советлар мамлакатида рўй берган ажойиб ишлар ҳақида гапириб беришди.— Биз бутун прогрессив инсоният билан биргаликда бу муваффақиятлардан қувонамиз ҳамда Октябрь ўлкасига инсоният фаолиятининг ҳамма соҳаларида янгидан-янги ғалабалар тилаймиз».

Жазоирда чиқадиган «Ал муждаҳиҳ» газетаси биринчи саҳифасида Совет Иттифоқи халқларига қаратилган самимий сўзларни босиб чиқарди: «Ана шу тарихий санани тантанали вазиятда нишонлаётган совет кишиларининг байрамига тамомила қўшилиш учун Жазоирнинг ўзига хос алоҳида сабаблари бор. Бу сабаб — халқларимизни бир-бири билан боғлаб турган мустаҳкам ва узоқ давом этиб келаётган дўстликдир.

Бу дўстликнинг сарчашмалари озодлик курашимиз даврига бориб тақалади. Ўша пайтда Совет Иттифоқи бизнинг томонимиэда бўлиб, бизларга ёрдам кўрсатди. Бу дўстлик биз мустақилликка әришганимиздан кейин ҳам йил сайн тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунинг далилларини бу ерда санаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Жазоир чегараларини миналардан тозалаш вақтида ватандошларимиз билан ёнма-ён ишлайтган пайтларида совет ҳарбий хизматчилари бизнинг тупроғимиэда ҳалок бўлганликларини эслаб ўтиш кифоядир. Аҳолимизга медицина ёрдами кўрсатаётган 300 совет врачини тилга олиб ўтишнинг ўзи кифоядир. Ниҳоят, Совет Иттифоқи бизга иқтисодий ривожланишда кўрсатаётган ёрдамни айтиб ўтиш кифоядир.

Худди шунинг учун ҳам Октябрь революциясининг эллик йиллиги, совет халқининг байрами — бизнинг ҳам байрамимиздир!»

Мен Австралияга учиб кетаётганимда йўлда бир неча марта Сингапурга қўниб ўтганман. Одатда самолёт бу ерга жуда кеч қўнади. Темир йўллар кесишган станцияни өслатувчи Сингапурнинг аэропорти ҳамиша гавжум бўлиб, бу ерда ҳар хил тилларда гаплашайтган кишиларни учратасиз. Аэропортининг нариги ёғида эса бошқача ҳаёт давом этади. Такси шоферлари ўз машиналари ёнида зе-

рикиб туришади. Баққолларнинг кичкинагина дўйончаларини неон чироқлари ёритиб туради. Бир гал мен сингапурликлар билан анча яқиндан таниша олдим. Тақдирнинг тақозоси билан мен Танзанияда Африканинг энг баланд тоги Килиманджаро ёнбағрида жойлашган Моше шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлигининг учинчи конференциясига келган Сингапур делегацияси билан учрашиб қолдим. Улар мустамлакачилликка қарши курашишга ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқидаги турли касбдаги ёшлар эди. Совет Иттифоқининг намояндлари, ажойиб турк шоири Нозим Ҳикмат ва бошқа қўпгина ўртоқларимиз сингапурликлар билан иноқлашиб кетишли. 1967 йилда Кипрдаги Никозия шаҳрида бўлган Африка-Осиё бирдамлиги кенгашининг сессиясида Сингапур бирдамлик комитети Африка ва Осиё бирдамлиги кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Тўғри, Сингапурда чиқадиган «Стрейтс таймс» газетаси 1967 йил нояброда сингапурлик дўстларимизнинг фикр ва ўйларини тўла акс эттирас эди. Аммо газета ёзган гаплар Сингапурга ҳам Совет Иттифоқининг роли ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш майллари етиб борганилигидан далолат беради. «Кейинги эллик йил ичida руслар хақида нимаики гапирилган бўлмасин, барибир уларга қойил қолиш керак,— деб ёзган эди газета.— Улар ажойиб кишилар. Руслар ишни аҳолининг 70 проценти саводсиз бўлган пайтдан бошлаган эдилар, ҳозир уларда билимнинг хилма-хил соҳаларида истеъоддли инженерлар ва мутахассисларнинг бутун бир плеядаси ишлаб турибди. Уларда ҳар минг кишига битта эмас, бир нечта врач тўғри келади. Улар Қўшма Штатларни ва Фарbdаги бошқа капиталистик мамлакатларни орқада қолдириб кетдилар. Эллик йил ичida улар жуда катта қийинчиликларни — гражданлар уруши, фашистлар Германиясига қарши урушни бошдан кечирдилар. Фашистларга қарши урушда руслар 20 миллиондан кўпроқ кишидан маҳрум бўлдилар, жуда кўп жойлар вайрон бўлди, очлик ва етишмовчиликларни бошдан кечирдилар. Руслар деҳқонларнинг жуда катта оммаси орасида яшириниб ётган истеъоддни намоён қилдилар. Миллион-миллион совет оиласлари алоҳида обод квартиralarda яшаб квартира учун ниҳоятда кам ҳақ тўламоқдалар... Руслар навбатдаги ўн йилликларга ишонч билан қарамоқдалар...»

Бундан ўн йил муқаддам Қоҳирада Осиё ва Африка

мамлакатлари бирдамлиги ташкилотининг биринчи конференцияси очилган эди. Совет Иттифоқи, Ҳиндистон, Миср, Япония, ХХР, Суря, Жаэоир, Бирма, Эфиопия, Цейлон ва бошқа кўпгина мамлакатлар ўз делегатларини Миср пойтахтига юбордилар. Африкадаги кўпгина мамлакатлар яширин йўллар билан, ўша пайтда Африкада ҳукмронлик қилиб турган мустамлакачиларнинг тўсиқлари ва полиция қаршиликларига қарамай, ўз делегатларини юбордилар. Улар конференцияга битта-битта бўлиб келдилар ва уларнинг ҳар бирини делегатлар гулдорос қарсаклар билан кутиб олдилар. Буларнинг ҳаммаси ёдимиизда. Конференция делегатларини қарсаклар билан кутиб олган мисрликларнинг кўп минг кишилик оломонлари ёдимиизда. Бутун дунё халқлари шу йиллар мобайнида Советлар мамлакатининг, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча йўли барқарор эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Ватанимиз әллик йил мобайнида босиб ўтган йўлнинг чўққиси — Октябрь әллик йиллигининг байрами бўлди. Деярли 100 та мамлакат коммунистик ва ишчи партиялар номидан, кўпгина социалистик партиялар ва ташкилотлар номидан, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашчилар номидан, мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган мамлакатлар номидан ўз намояндаларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисига юбордилар.

...Москва, Кремлдаги съездлар саройи. Москва ва Ленинграднинг кўчалари ва майдонлари. Иттифоқдош республикаларимизнинг пойтахтлари, Совет Иттифоқининг барча халқлари азиэ меҳмонларга ўз бағирларини кенг очдилар. Меҳмонлар Кремлдаги Съездлар саройи минварида, Москва ва Ленинграддаги, иттифоқдош республикалардаги тантанали мажлисларда нутқ сўзладилар. Уларнинг ҳаммаси бутун инсоният баҳт-саодати йўлида кўрсатилган буюк жасорат учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, СССР халқларига чин қалдан миннатдорчиллик ва ҳурмат сўзларини айтдилар. Социалистик мамлакатлар делегацияларининг бошликлари, Европадаги капиталистик мамлакатлар, Америка Қўшма Штатлари, Латин Америкаси, Осиё ва Африка мамлакатларининг жангларда чиниқсан коммунистик партияларининг раҳбарлари ва делегация бошлиqlари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси фаолиятини, унинг ярим аср мобай-

нида қўлга киритган ютуқларини яқдиллик билан маъқулладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев доклади завқ-шавқ билан кутиб олинди. «Америкэн бродкастинг компани» телевизион компаниясининг сенсацияларга ўч муҳбирлари алоқа йўлдоши ёрдамида Москвадан эшиттириш берар эканлар, тантанали мажлиснинг 6 минг қатнашчиси Л. И. Брежнев нутқини 125 марта қарсаклар билан бўлиб турганликларни қайд қилди... Ҳа, ўша байрам кунларида Ватанимиз пойтакти ниҳоятда гўзал әди. Ҳудди тайнинлаб қўйғандек офтоб чиқиб, ҳаво илиқ бўлиб турарди. Кузнинг ана шу қўёшидан баҳра олган Қизил Майдонда 1967 йил 7 ноябрда ўтказилган қудратли ҳарбий парад айниқса ёрқин ва таъсиран бўлиб туюлди.

Байрам арафасида Кремлда Совет давлатининг асосчиси, Коммунистик партиямизнинг ташкилотчиси Владимир Ильич Ленинга ҳайкал очилди. Баргларини қор қоплаган арчалар орасида Ильич ярим аср мобайнида унинг ўз ўлкасидагина эмас, балки бутун беҳаловат планетада рўй берган ҳамма воқеаларга доно кўзлари билан, бамисоли тирик кишидек боқиб ўтирганга ўхшайди.

«Ўтган ярим асрнинг тарихий якуни шундан иборатки,— деди Л. И. Брежнев,— жаҳон майдонида кучлар нисбати ишчилар синфи фойдасига, тараққиёт, демократия ва социализмнинг барча кучлари фойдасига тубдан ўзгарди».

Ўз-ўзидан маълумки, Совет Иттифоқининг зафарлари, барча социалистик мамлакатларнинг, халқаро революцион ҳаракатнинг, Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги миллий-озодлик ҳаракатининг муваффақиятлари капиталистик дунёни, унинг магнатлари ва идеологларини ташвишга солмоқда. Америка Қўшма Штатларининг қаҳрамон Вьетнамга қарши ваҳшиёна уруши ҳам ўзига хос «ташвиш», халқаро революцион ҳаракатни тўхтатиш йўлидаги уринишdir.

АҚШнинг очиқ ва яширин мададига таянаётган Исрориёнинг БАР, Сурия, Иорданияга қилган агрессияси ҳам ана шундай «ташвиш»лар жумласига киради. Аммо бу уринишларнинг ҳаммаси қонли бўлса ҳам, яроқсиз воситалар билан уриниш бўлиб қолмоқда. Вьетнам халқи ҳеч қачон тиз чўкмайди. Янги ҳаёт қуриш йўлига ту-

шиб олган араб халқларини ҳеч ким орқага қайтара олмайди.

Токиода чиқадиган «Санкэй Симбун» газетаси СССР-нинг эллик йил ичида босиб ўтган йўлини таҳлил қилиб Совет революциясига ва халқаро коммунистик ҳаракатга улар «капитализмга қарама-қарши туришдан воз кечиб, бир-бирларидан энг яхши тажрибани ўргансинлар» деб истак билдиради. Биз капиталистик дунёдан энг яхши тажрибани, капиталистик дунёнинг фан ва техника соҳасидаги энг яхши тажрибаларини ўрганишдан ҳеч қачон ор қилмаганимиз, аммо капитализмнинг ўзига келгандা, Октябрь революяси ҳамда ундан кейин рўй берган ҳамма воқеалар — бутун дунёдаги қудратли революцион ва миллий озодлик ҳаракати «капитализмга қарама-қарши туришнинг» классик намунасиdir. Биз шунчаки қарши турибгина қолмай, капитализм дунёси, инсоннинг инсон томонидан эксплуатация қилинадиган дунё абадий йўқ бўлишига астойдил интилиб келдик.

Буни бутун ер юзидағи миллионларча кишилар жуда яхши англаб олдилар.

Яқиндагина миялари «темир парда» ҳақидаги, коммунистик зулм ҳақидаги ва шу сингарилар ҳақидаги афсоналар билан тўлиб-тошган кишилар ҳам буни англаб ола бошладилар. Яқиндагина Американинг «Интрепид» авианосецини тўрт ёш америкалик тарқ этди. Улардан уч киши 1967 йил январида мактабни тамомлагандан кейин армияга чақирилган ва Тинч океандаги авианосецга юборилган. Уларнинг энг каттаси Жон Барилла 20 ёшга тўлган. 1968 йил январида у хизматни тамомлаб Ватанига қайтиши мумкин әди. Аммо у бундай қилишни истамади... Биз ёш америкаликлар билан Москвада учрашдик. Улардан бири менга бундай деди: «Мен отамдан маҳрум бўлдим. Қўшма Штатлардаги давлат тузумига қарашларда унинг фикрига қўшилмадим. Отам бу тузумни идеал ва ўзгаришни талаб қиласидиган тузум деб ҳисоблайди. Мен эса қарама-қарши нуқтаи назарда бўлдим. Шунинг учун ҳам келиша олмадик...» Маълум бўлишича «капитализмга қарши туриш» чегараси совет кишиларининг ҳамда капитализмга қарши актив курашётган сиёсий арбобларнинг юраги орқали әмас, балки дунёнинг истиқболи ҳақида ўйлаётган оддий кишиларнинг юраги орқали ҳам ўтар экан.

... Биз 1967 йилни, Октябрь эллик ёшга тўлган йилни

байрам вазиятида тамомламоқдамиз. Байрам вазияти бўлса ҳам, мулоҳаза юритишни тўхтатганимиз йўқ. Олдимизда ҳали кўп ишлар, ҳал этилмаган кўпгина масалалар бор. Бу вазифалар халқимизга равshan. Биз революциямизнинг бундан буён ҳам «капитализмга қарши туриш» йўлидан шахдам қадам ташлаб бориши учун ҳамма чораларни кўрамиз. Вақт бизнинг фойдамизга, коммунизм фойдасига ишламоқда. Биз ана шу фикрлар билан халқимиз курашининг ярим асрлик китобининг охирги саҳифасини ёпамиз ҳамда коммунизм қурилишининг иккинчи ярим асридаги дастлабки ўйл бўлган 1968 йилнинг биринчи саҳифасини очамиз.

1967 йил.

# ОРЕНБУРГ ДАШТЛАРИ.

## Берди қишлоғига Пушкин келган әди

Чкалов шаҳрига яқин жойда, деярли шаҳар атрофида Берди қишлоғи жойлашган. Ташқи кўринишидан унча эътиборга сазовор бўлмаган бу қишлоқ ўз тарихи билан ажralиб туради. Емельян Пугачёв ўз қўшинлари билан худди шу ерда бир неча ой турган әди. Александр Пушкин «Пугачёв тарихи» асарини ёзишга киришишдан аввал шу ерга келган.

А. С. Пушкин 1833 йил 17 августда Петербургдан йўлга чиқиб, Оренбургга 18 сентябрда етиб келди ва эртасига ёқ ўша пайтда Оренбургда губернатор ҳузурида алоҳида топшириқлар бўйича амалдор бўлиб хизмат қилиувчи Даљ билан биргаликда Пугачёв қўзғолонининг жонли гувоҳлари билан учрашиш умидида Берди қишлоғига жўнади. Пушкиннинг умидлари рўёбга чиқди. У Пугачёвнинг замондоши — 75 яшар казак аёли Бунтовани қидириб топди. Даљ бу воқеани қўйидагича баён қилади: «Берди қишлоғига биз Пугачёвни танийдиган, уни кўрган ва эслаб қолган бир кампирни қидириб топдик. Пушкин у билан эрталаб мириқиб гаплашди; унга олтин сарой рўпарасидаги бир вақтги уйнинг ўрнини кўрсатишиди, шу ерда Ватаннинг ўз бурчига содик бўлган бир неча фарзанди қатл қилинган экан. Нақлларга қараганда, Пугачёвнинг кўйлагига тикиб қўмилган хазина ва устига одамнинг жасади бостириб юборилган адрии кўрсатишиди, ҳеч қандай шубҳа қолдирмаслик ва хазина қидирувчиларни чалғитиш учун шундай қилинган экан. Кампир шу воқеага бағишлиган бир неча ҳалқ қўшиқларидан ҳам айтиб берди, эвазига Пушкин унга хайрлашаётганида бир червон пул берди».

Пушкин саёҳатдан қайтиб келганидан кейин Болдино

қишлоғидан хотинига юборган хатида бундай деб ёзган әди: «Пугачёв олти ой турган Берди қишлоғида менинг омадим келиб, 75 яшар казак кампирни топдим. Биз сен билан 1830 йилни қандай эсласак, у ҳам ўша даврни худди шундай эслайди. Мен унга ёпишиб олдим, айбдорман: ҳатто сени ҳам унтиб қўяёзибман. Энди кўп нарсаларни тартибига келтириб, бир талай нарса ёзаман, сўнгра сенинг ҳузурунгга ўлжа билан етиб бораман, деган умиддаман». Маълумки, Пушкин ана шу сафар пайтида эшитган кўп нарсалардан «Капитан қизи»да ҳам, «Пугачёв тарихи»да ҳам Фойдаланган. Ўша пайтдан бери 100 йилдан кўпроқ вақт ўтди; кўйлакка тикиб қўйилган Пугачёв ҳазинаси ҳақидаги афсоналар ҳам унтилмоқда; дехқонлар қўзғолонининг довюрак йўлбошчиси Емельян Пугачёвнинг образи рус ҳалқининг озодлик учун кураши тарихида муносаб ўрин эгаллади. Берди қишлоғидаги мактаб яқинида Александр Пушкиннинг шу қишлоққа келганлиги хотираси учун унинг бюсти ўрнатилган ва төмир панжара билан ўраб қўйилган.

Биз Берди қишлоғига борган кунларимида Пушкин номли мактаб ўқувчилари имтиҳон топшираётган әкан. Июннинг жазирама кунларидан бири. Оқ фартук кийган қизлар мактабнинг ёғоч зинапояси олдида тўда-тўда бўлиб юришарди. Уларнинг чеҳралари ҳаяжонли ва жиддий әди. Балки улардан бирортасини «Капитан қизи» ҳақидаги савол кутаётгандир. Бизнинг ёнимизга кўзлари чақнаб турган сепкилли бола келди. Унинг биз облости бўйлаб саёҳат қилаётган М-72 автомашинасини кўриш ўчун қизиқиб келганлиги яққол сезилиб туар әди. Биз ундан имтиҳонларни топшириб бўлдингми, деб сўрадик.

— Албатта,— деб жавоб берди бола сира тортинмасдан.

— Баҳоларинг қандай?

— Ҳаммаси беш.

Биз унинг жавоби тўғрилигига шубҳа қилиб қолдик. Чунки суҳбатдошимизнинг қиёфасидан унинг жуда шўх әканлиги кўриниб туар әди. Аммо бизни қуршаб олган болалар чуғулашиб:

— У тўғрисини айтяпти!— дейишди.

— Исминг нима?

— Володя Тюрин,— деб жавоб берди ўқувчи ва кутилмаганда бизларга қараб кўзини қисиб қўйди.

Қишлоқ майдонида қад кўтариб турган эски черков

ва қорайиб кетган ёғоч минора теварагидаги сирли вазият бир зумда йўқ бўлиб кетгандек туюлди. 1956 йил иони. Мактабларда имтиҳонлар кетяпти. Аълочи ўқувчи Володя Тюрин. Темир панжара орқасида Пушкин ҳайкали. Аммо Емельян Пугачёвнинг ҳайкали йўқ эди. 1956 йил июлида Берди қишлоғида худди шу Пугачёв ҳайкали етишмай турарди...

## Область пойтахти

Мен билан учрашиб қолган дўстларимдан бири Чкаловга учиб кетаётганигимни билгач, ҳайрон бўлиб, деди:

— Нима қиласан у ерда?

— У ерга сира бормаганман.

— Бизда бошқа ажойиб жойлар камми, ахир?

— Кўп.

— Ундаи бўлса, нега келиб-келиб шу областни танладинг, унинг ҳақида ҳатто ҳеч нарса ёзишмайди-ку!

— Шуниси ёмон-да... Менга бир билимдон кишининг айтишича, жуда кўп мароқли нарсалар бор эмиш. У ерга ҳатто Пушкин ҳам борган экан... Маълумки, ўша пайтда поездлар ҳам, самолётлар ҳам йўқ эди.

— Ахир, у пайт XIX аср эди!

— Мен ҳам шуни айтаман-да...

Дўстим менга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— У ерда ҳатто қўриқ ерлар ҳам йўқ!

— Билиб қўй, қўриқ ерлар бор экан.

— Наҳотки?

— Бор... Бўлганда ҳам жуда кўп. Чкалов области экин майдони бўйича иттифоқда иккинчи ўринда туришини биласанми?

— У ерда саноат ҳам бор дерсан?

— Бор... Бўлганда ҳам анча йирик саноат бор.

— Майли, саноат билан ҳозир ҳеч кимни ҳайрон қолдиромайсан. Саноат ҳатто Конотопда ҳам бор. Аммо шаҳарнинг ўзи қанақалигини айтмайсанми... Оренбург... Маданий марказдан йироқдаги бир шаҳар.

Тан олишим керакки, шаҳар ҳақида мен дўстимга ҳеч нарса айттолмадим; чунки унинг ҳақида ҳеч нарса билмас эдим.

Мана ёмғир ёғиб, ҳавонинг қовоғи солиниб турган куни Чкаловга учиб келдик. Самолёт дарчасидан яшнаб

турган әкинзөрлар, йўл четидаги ям-яшил дараҳтлар, Урал дарёсининг ўзани кўэга ташланиб турарди. Самолёт далада лой сачратиб ғилдираклари билан юра бошлади ва аэропортнинг мўъжазгина биноси ёнига келиб тўхтади.

— Оддий «Победа» машинаси ҳозир юролмайди. Ҳозиргина қаттиқ ёмғир ёғиб ўтди. Йкки соатлардан кейин юрса бўлади,— деди шофер ва худди кечирим сўрагандек нарироқдаги узундан-узоққа чўзилиб кетган кўтартмани кўрсатди:— Аэродромга келадиган йўлга асфальт ётқизишяпти. Кўтартмалар тайёр бўлди, бизнинг ерларимиз пастликда...

Шаҳар чеккасига етганда автомобиль шиналари асфальтга тега бошлади. Офтоб чиқиб, ҳамма ёқ ёришиб кетди. Кетма-кет солингган шинам уйлар кўэга ташланарди.

Биз Чкаловда бир неча кун яшадик. Ўша кунларда учиш олдидан менга дуч келган дўстимни әсладим. Биз баъзан Москвадан ташқаридаги нарсаларга қизиқмасдан, менсимасдан қараймиз.

Область партия ходимларидан бири бундай деганди:

— Яқинда шаҳримизга пойтактдан муҳбир келди. Биринчи саволи нима бўлди, денг: айтинг-чи, сизларда театр борми? Бу ёққа учишдан аввал лоақал шуни ҳам билиб олмабди! Ахир, ўтган йили драма театrimиз Москвада гастролда бўлган ҳамда ҳалиги муҳбир ишлайдиган матбуот органининг ўзи спектаклларимизнинг бадиий савияси ҳақида анча мақтов сўзларини ёзган эди.

Кейинчалик биз бу гапларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик. Биз драматург В. Пистоленко ёзган «Аня Березконинг севгиси» пьесасини кўрдик. Ёзниг дим оқшомларидан бирида театр томошабинлар билан тўлмаган бўлса ҳам, спектакл қизғин кутиб олинди. Шаҳарда аҳолининг ўз севикли артистлари ва актрисалари бор. Улардан бири ёш актриса А. Покидченко зўр ички сезигига ҳамда ҳаёт ҳақиқатини ҳис қилиш туйгусига эга. Ҳақиқий истеъдоднинг белгилари ҳам ана шунда-да! Театрда бошқа кўпгина яхши артистлар ҳам бор. Горький номли театр биноси ўзининг ташқи ва ички кўриниши, акустикаси ва жойларининг сони билан жуда яхши таассурот қолдиради. Аҳоли музикали комедия театрини ҳам севади. Бу театр яқинда композитор И. Дунаевскийнинг «Оқ ақаация» опереттасини муваффақият билан саҳнага қўйди.

Область музейи сладида иккита эски чўян тўп турибди. Бу тўпларда Пугачёв тўпчилари ўқ отишган. Музейда Оренбург ўлкасини акс эттирувчи кўпгина материаллар ҳам бор. Бу ерда Пугачёв қўзғолонининг тарихига бағишлиланган экспозиция ва кўпгина этнографик экспонатлар ҳам эътиборни ўэига жалб қиласди. Оренбургнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий бойликлари хилма-хил ва кўпдир. Ана шу бойликлар асосида кейинги йигирма йил ичидага Орск-Халилово металлургия маркази вужудга келди ва ҳозир муваффақиятли риёзжалланмоқда. Бу марказ таркибида темир, марганец, мис, никель, хром ва бошқа металлар бўлган маъдан запасларига жуда бой. Областнинг шарқий қисмida хилма-хил бинокорлик материалларининг жуда катта запаслари мавжуд. Мармар, оҳак тош, ўтга чидамли тупроқ, шунингдек, оҳра ва машҳур Орск яшмаси... Областнинг гарбий қисмida нефть, гипс, кул ранг кўмир, асфальтит, ёнувчан сланец, ёнувчан газ, фосфорит запаслари топилган. Соль-Илецк шаҳри яқинидага тош тузининг жуда катта кони ишлаб турибди. Областнинг табиий хазиналари битмас-туганмасдир.

— Бизда Менделеев жадвалининг деярли ҳаммаси бор,— деди дўстларимиздан бири. Бу гапларда эришилган муваффақиятлар билан фаҳрланиш ва келгусидаги янада катта ютуқларга эришиш иштиёқи ифодаланган эди.

Шаҳарнинг ўзи биринчи кўришдаёқ ёқа қолади. Унинг тўғри кўчалари мафтун этади кишини. Катта-катта деразали чиройли уйлар. Шаҳар аҳолисининг қандайдир вазминлиги, хотин-қизларнинг даштикларга хос назоатини айтмайсизми?! Кечқурунлари Советлар уйи олдида фонтанлар отила бошлагач, фонтан сувларига жилва бериб турадиган қизил, яшил ва сариқ чироқлар ҳамма ёқни сеҳрли нурга тўлдириб юборади. Советлар уйи олдида бундан бир неча йил илгари барпо этилган хиёбон энг севинкли дам олиш жойларидан бири саналади. Совет ходимлари бўм-бўш майдонга дараҳт кўчатлари ўтқазиб, йўлларга сариқ қум ва шагал тўқа бошлаган пайтларини эслаб кулиб қўядилар. Шаҳарда «тартиб сақловчи»лар топилиб, ҳар томонга хат юборишиди, хатда область ижроия комитети шаҳар аҳолисини намойишлар ўтказиладиган жойдан маҳрум этаётганликлари хусусида шикоят қиласдилар.. Аммо хиёбон қуриб битирилди. Шаҳар катта бўлганлиги сабабли намойиш учун ҳам анча жой қолди.

Чкаловликлар ўз ўлкаларининг тарихини севадилар. Синчков адабиётшунос-ўлкашунос Николай Ефимович Прянишников кўп йиллар давомида қунт ва изчилик билан олиб бораётган ишини ҳар қанча рагбатлантирига арзиди. Унинг бу ерда иккинчи марта нашр этилган «Классик ёзувчилар Оренбург ўлкасида» деган китоби Москвадаги ҳар қандай нашриётнинг фахри бўлиши мумкин. Ахир, китобхонларнинг кенг доираси бу ерда Пушкин ва Тарас Шевченкодан ташқари, С. Аксаков, Плещеев ва Чернишевский, Лев Толстой ва Глеб Успенский бўлгаликлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмайдилар-ку.

...Кечқурун шаҳар аҳолиси ва айниқса ёшлар Урал дарёси томон йўл оладилар. Дарё соҳилидаги постаментда Валерий Чкаловнинг катта гавдаси қад кўтариб турибди. Чиройли тик зинапоя дарёга томон олиб тушади. Уралда юлдузлар акси жилоланиб турибди. Баян овози ва қизлар кулгиси эштилади. Соҳилда дараҳтлар япроғи шитирлайди... Музей эшиги олдида эса Пугачёвнинг тўплари бамисоли шонли шаҳар тарихи ҳақида хотирани қўриқлаб турганга ўхшайди.

## Медногорсқда нега қолишади?

Булбул навосини севадиган кишиларга Урал дарёсига боринг, деб маслаҳат бермоқчиман. У ердаги булбуллар навосини тингласангиз! Эрталаб ҳам, тушда ҳам, оқшомда ҳам тинмай сайрашади! Гуллаб турган дараҳтлар аста шивирлайди, дарё эса жимиirlаб оқади, қаердадир узоқда тракторнинг тириллаган овози эштилади. Булбуллар ҳамон тинмай сайрашади. Жанубий Уралнинг баҳори ана шундай бўлади. Биз гадир-будур йўлдан Жанубий Уралнинг ёш саноат шаҳарларидан бири Медногорскка кетяпмиз. Куни билан йўл юрдик. Кичик-кичик кўллар устидан ўрдаклар учиб ўтарди. Шофер Яков Григорьевич чуқур тин олиб қўйди: ов қилиш тақиқланган; у ўзи билан миљтиқни ола кетган, албатта, аммо отишга журъат этолмасди... Бизнинг машинамиз автолавкалардан, кўчма кино ортилган машиналардан ўзиб борарди. Биз шаҳарга яқинлашганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Номидан аҳолисининг асосий касби билиниб турган

Шаҳар советининг раиси Борис Емельянович Бирюков бундай деди:

— Медногорскдаги аҳолининг ҳар иккисидан бири ишлайди.

Бизга «Южуралэлектромотор» заводига бориб кечки смена қандай ишлаётганини кўришни таклиф қилишди.

Биз цех дарвозасидан киришимиз билан қизиб кетган ёф, янги бўёқ ва эмульция ҳиди димогимиэга урилди. Бизни баланд бўйли, қомати келишган завод директори И. Н. Штирин кутиб олди. У заводга ғоят меҳр қўйганилиги дарҳол сезилиб қолди. Унинг ҳамма гаплари фақат завод билан алоқадор эди. Корхона моторларнинг 150 хилини ишлаб чиқарар экан. Кўпгина моторлар Ҳиндистон, Бирма, Корея, Хитойга юборилади.

Штирин бундай деди:

— Йиссиқ мамлакатлар учун биз маҳсус моторлар тайёрлаймиз. Бундай моторлар тайёрлашини ўзлаштирганимиз... Бир вақт мен Ленинградда конференцияда қанча мотор чиқараётганилимизни айтганимда, сўзларимни кулги билан қарши олишганди. Бу менга нисбатан муносабатлари ёмонлигидан эмас албатта... Улар шундай узоқ ва ҳеч кимга маълум бўлмаган бир жойда шунча мотор чиқарилишига ишонишмасди. Бу йил эса ўша айтганимга қараганда уч баравар кўпроқ мотор берамиш. Эллик еттинчи йилда эса маҳсулот чиқаришни янада кўпайтирамиз! Энди гапимизга ҳеч ким кулмайдиган бўлиб қолди.

— Ўзингиз бу ерда кўпдан бери ишлайсизми?

Штирин мийигида кулиб қўйди-да, шляпасини қандайдир болаларча пешанасига тушириб олди.

— Сирасини айтганда, мен бу ерга қирқ кунга командировкага келган эдим. Бир оз тутилиб қолдим. Мана ишлаётганимга ўн йилча бўлиб қолди... Бу ерга келган баъзи кишилар, мендан, кетмоқчи эмасмисиз, деб сўрашади.

— Биз ундаи деб сўрамаймиз...

— Тўгри қиласиз.

Штирин заводда монтаж қилинган Совет Иттилоқидаги дастлабки автомат линиялардан бирининг тузилишини тушунириб берди.

— Биз бу линияни ўзлаштиргунча анча овора бўлдик... Бу туфайли ҳатто кўнгилсиз воқеалар ҳам бўлиб ўтди.

Биз обмоткалар бўлимига бордик.

— Бу ерда уч юз киши ишлайди... Биз яқинда операцияларни тақсимладик ва меҳнат унумдорлигини 45 процент оширидик. Бу соҳадаги ишни яна давом эттироқдамиз. Мотор унча кўзга кўринадиган агрегат эмас, ваҳлонки, биз учун бир юз саксонта корхона маҳсулот тайёрлаб юборади... Ҳа, айтгандек, биз пилесос ҳам ишлаб чиқармоқдамиз... «Уралец». Сизлар қандай пилесосдан фойдаланаисизлар? «Уралец»—энг яхши пилесос. Ҳатто идоралардаги столларда тўпланган чангни ҳам сўриб олади...

— Жуда унчалик эмасдир! Олаётган шикоятларингиз сон-саноқсиз бўлса керак?

— Йўқ! Айтгандек, битта шикоят бўлган эди. Москвада яшовчи отставкадаги генерал шикоят юборган эди... Пилесоси ишдан чиқиб қолибди. Ҳудди ўша пайтда бир инженеримиз Москвада эди. Унга генералнинг шикоятини юбордик. Ўзи боришга қарор қилибди. Ҳақиқатан ҳам пилесоснинг ичи чангга тўлиб қолган экан. Генералнинг хотини квартирани икки ойда бир марта йиғишиштариш экан... Чанг жуда кўп тўпланиб қолган экан... Сиз кулманг, мен ҳақ гапни айтяпман,— Штириннинг кўзлари қувонч билан чақнаб кетди.

У билан хайрлашар эканмиз, биз барибир ўзимиэни тутолмай сўрадик.

— Ҳар ҳолда сизни Медногорскка боғлаб турган нарса нима?

Штирин жиддий жавоб берди:

— Мана шуларнинг ҳаммаси... ҳаммаси.— У шундай бир ҳаракат қиласиди, бу ҳаракатнинг маъносини тушуниши ҳам қийин, тушунмай қолиш ҳам мумкин эмас эди.

...Эрталаб биз мис-олтингугурт заводида бўлдик. Мамлакатимизда тайёрланаётган олтингугуртнинг катта қисми шу корхонада ишлаб чиқарилади.

— Эллигинчи йилгача мамлакат кўргина олтингугуртни чет элдан оларди. Энди олтингугуртни четдан олиб келишга эҳтиёж қолмади,— деди завод директори Александр Адольфович Бурба.— Аммо заводни кенгайтириш давом эттирилмоқда. Олтингугурт кислотаси ишлаб чиқаридиган цех қурила бошланди.

Баланд эстакададан олтингугуртнинг тўқ сариқ масави оқиб тушаётир. Биз лабораториялардаги шиша банкаларда озгина миқдорда кўришга ўрганган нарсамиз бу ерда, завод ҳовлисида тўп-тўп бўлиб ётарди.

Биз заводга бормасимиэдан илгариёқ Николай Иванович Лапушкин ҳақида кўп гапларни әшитган эдик.

— Бизнинг эски кадримиз... Қурилиш бошлангандан бери заводда ишлайди...

Кекса бўлмаса ҳам бир жойда йигирма йил ишлаган кишини бизда баъзан «эски кадр» деб аташда қандайдир қонуният борга ўхшайди. Аммо «бир жойниг ўзида» дейиш унча аниқ бўлмайди. Николай Иванович 1936 йилда завод қурилишига келганида чаласавод слесарь эди, ҳозир эса цех механиги бўлиб ишлайди, техникиумда ўқийди. Бироқ у ишлаш ва ўқиш билангина чекланмай, балки ихтирочи ҳам. Унинг сўнгги ишларидан бири, ўзининг таъбири билан айтганда, «Контакт массасини элаш учун тележканинг конструкциясии қайта ишлаб чиқиш»дан иборат.

У қилган ишнинг номи биз учун унча тушунарли бўлмаганлиги сабабли, Николай Иванович айборларча илжайиб қўйди-да, ишлаб чиқаришга оид бўлмаган масала — ёз оддий ҳаёти ҳақида бажонудил гапириб берди:

— Медногорскда еттита фарванд кўрдим. Ирина конструкторлик бўлимида ишлайди ва техникумда ўқийди. Тамара ҳам шу заводнинг химия лабораториясида ишлайди. Қолганлари ҳали кичкина, аммо ҳаммаси ўқийди. Кечқурунлари ҳаммамиз тўпланганимизда онаси анча шошиб қолади... Аммо ҳамма ишни қилиб улгуради.

— Қанча ойлик оласиз, Николай Иванович? — деб сўрадик биз унча одобдан бўлмаса ҳам.

— Уч минг сўмга яқин.

— Қизларингиз ҳам тузук ишласа керак?

— Э, уларнинг ишлаганини қўйсангиз-чи... Атир билан уласига етса ҳам катта гап...

Суҳбат интервьюга айланиб кетди.

— Сигирингиз борми?

— Сигирнинг кераги йўқ... Бошқа жойларда билмайману, бизнинг магазинларимизда сут билан ёғ бор... Сут масаласи ҳам ҳал бўлмоқда.— Лапушкин бошқа саволларнинг олдини олишга ҳаракат қилгандек қўшимча қилди:— яна шуни айтишини унугтибман... Учинчи синфда ўқийдиган ўглим Александр музыка мактабига қатнайди, баян чалишни ўрганмоқда...

Барibir Николай Ивановичга яна бир савол бердим:

— Сизга Медногорск ёқадими?

— Нега ёқмас экан, энди...

— Нимаси ёқади?

— Сиз бир жойда йигирма йил яшаб кўринг... Ҳамма нарсани ўз қўлингиз билан қуринг, қийинчилликларни кўринг... Еттига фарзандни боқиб, катта қилинг, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлинг... Бизда дайди кишилар ҳам бор — улар бу нарсани тушунишолмайди... Менинг учун эса бу ергага нарсаларнинг ҳаммаси ўзимникидек туюлади... Бу ерга жуда ўрганиб қолганман...

Медногорскдан жўнаб кетар эканмиэ, пешин пайтида жуда катта воронкага ўхшайдиган ва мис рудаси қазиб олинадиган каръерга бордик. Машина каръердан чиқиб, бир неча марта тик кўтарилди-ю, биз ўзимизни тепаликда кўрдик. Йўлга чиқиб олгач, атрофимиизга назар ташлаадик. Пастлиқда Уралнинг янги шаҳарларидан бири Медногорск — дараҳтлар ўсмайдиган тоғ қоялари орасида оппоқ уйлари билан ястаниб ётарди. Шунда миямга бир фикр келди: Медногорск каръерида қазиб чиқарилаётган маъдан таркибида одамлар қалбини ўзига жалб этувчи ажойиб кучга эга бўлган оҳанрабо йўқмикин?

### Фойда миллион сўмга етадими?

Область муассасаларидан бирида биэга кўрсатишган плакатнинг ўртасида лабларини маҳкам қисиб олган ва ирова билан боқиб турган аёл тасвирланган эди. «Донгдор чўчқабоқар Александра Даниловна Кривоконь» деб сарлавҳа қўйилган эди плакатга. Текстда чўчқабоқар Кривоконнинг колхоз чўчқачилик фермасида юксак кўрсаткичлар учун қандай курашайтганлиги батафсил баён қилинганди. Ферма ишининг кейинги уч йилдаги кўрсаткичлари ҳам келтирилган. Мана ўша кўрсаткичлар:

Колхозда чўчқалар туёгининг ўсиши:

(чар бир йилнинг 1 октябррида)

1953	йил	— 263
1954	йил	— 320
1955	йил	— 409

Колхознинг давлатга топширган чўчқа гўшти:

1953	йил	— 18	центнер
1954	йил	— 67	центнер
1955	йил	— 173	центнер.

Кейинги уч йилда чўчқа гўшти етиштириш нақадар ўсганлигини кўриш учун иқтисодчи бўлишнинг ҳожати йўқ. Чўчқалар туёғи унча кўпаймагани ҳолда чўчқа гўшти етиштириш деярли ўн баробар ошган. Плакатнинг охиринда бундай дейилади: «Колхоз миллион сўмлаб даромад олмоқда; Александра Даниловна чўчқачилик фермаси ҳам миллионер бўлишни орзу қилмоқда. Бунинг учун ҳамма шароитлар бор. Бу йил фойдаланишга топшириладиган янги чўчқахона фермада юз бошгача ургочи чўчқа боқиш имконини беради».

Очигини айтсанам, Кумак қишлоғига кетаётганимизда кайфимиз жуда чог бўлиб, тахминан қуидагича режа туэган эдик: намунали фермани кўздан кечириб, Александра Даниловна билап у эришган ютуқлар ҳақида гаплашамиз, унинг келажакдаги планлари билан танишамиз ва орқага қайтиб келаверамиз. Аммо иш мутлақо бошқача бўлиб чиқди.

Биз колхоз раиси Александр Григорьевич Митрофанов билан бирга кенг ястаниб ётган эски казаклар қишлоғидан ўтиб, фермага бордик. Офтоб тепага келган эди. Йўл ёқасида бўйи унча баланд бўлмаган, оппоқ дурра ўраб олган кекса аёл қўлида таёқча ушлаб турарди. У муштини иягига тираб, машинадан тушаётган кишиларга қизиқиб қараб турди. Кривоконъ портретини плакат учун чизган рассом Тельнов маҳоратига қойил қолдик: биз уни дарҳол таниб олдик. Александра Даниловна бизларни янги чўчқахонага бошлаб кирди.

— Мана, деворларни ўзим оқлаяпман...— деди у ҳали ҳўл деворларни кўрсатиб.

— Нега унақа қиляпсиз?

— Бошқалар унашмайди... Бу ерда ишлашни исташмайди.

Чўчқахонага яна иккита аёл кириб келди.

— Корнасенко Александра Федоровна,— деб ўзини таништириди улардан бири қўлини узатиб. Сўрашиб бўлгач, қўшиб қўйди:— Бизнинг қўлимизни қисиб кўришишга ҳам хазар қиласизлар деб ўйлаган эдик...

Ўша пайтда бу гапнинг маъносини тушуна олмадик.

Биз эски чўчқахонага ўтдик. Катакларда она чўчқалар, чўчқа болалари юришарди.

— Мана бу Лукреция,— деди Кривоконъ,— буниси эса Виктория... Бунисининг оти Демон...

Уйгониш даври бу чўчқачилик фермасига кўчиб келганга ўхшарди.

Кривоконъ Александра Корнасенконинг чўчқаҳонаси га кирмади. Уларнинг оралари бузуқлиги сезилиб турарди. Чўчқаларни кўриб тўйганимиздан кейин биз сарой ёнидаги тахталар устига келиб ўтиришди. Мен чўчқа боқувчиларнинг ўз ҳаётлари ҳақидаги гапларни ёзиб олишга ҳозирланаб, блокнотни қўлга олдим. Аммо ёзадиган гап йўқ эди. Аёллар бир-бирларидан ўн метр нарида жим ўтиришарди. Чўчқачилик фермасининг мудири, кекса, вазмин одам Иван Федорович Сиромицкий ҳам миқ этмасди. У фақат қевогии солиб, аёлларга ер остидан разм солиб ўтиради. Қўл остида ишловчи бу аёллар роса унинг жигига текканга ўхшарди.

— Фермада мусобақа ишлари қандай йўлга қўйилган? — деб сўрадим мен.

— Ҳеч қандай, — деб жавоб берди Кривоконъ. — Бизда мусобақалашишни исташмайди.

— Истамаймиз, — деди кескинлик билан Корнасенко.

— Нима учун?

— Бошқа ким билан бўлса майли-ю, лекин Кривоконъ билан эмас.

Раис бўйинини қисиб олди. Сиромицкий бир йўталиб қўйди.

— Кўрдингизми, — деди Кривоконъ, — мен эллик олтинчи йилда ҳар бир она чўчқадан ўттиз бештадан бола олишга аҳд қилганман.

— Гапиришга осон, — деди энсаси қотиб Корнасенко.

— Сиз қандай мажбурият олгансиз, Александра Федоровна?

— Йигирма бештадан, — деб истар-истамас жавоб қайтарди чўчқабоқар.

Яна ҳамма жим бўлиб қолди.

Хайрлашар әканмиз, Кривоконъ Митрофановга бундай деди:

— Мен бу ердан кетаман.

— Қўйсангиз-чи, Александра Даниловна!

— Кетаман дедимми, кетаман.

Биз областнинг энг яхши чўчқабоқарларидан бири, 1955 йилги Бутуниттифоқ Қишлоқ Хўжалик виставкасининг қатнашчиси, ўн минг сўмлик даромад олаётган ва ўтган йили ўзига «Победа» машинаси сотиб олган киши-

нинг нима учун бундай кайфиятда эканлигининг сабабини билолмасдан колхоздан жўнаб кетдик.

— У жуда қадрли аёл... илгор ҳам... Аммо бошқалар билан ҳисоблашишини истамайди. Гаپ шундаки, ўзига ортиқча бино қўяди... Ваҳолонки, партия аъзоси... Мен у билан жуда қийналяпман,— деди Митрофанов.

— Жавобини бериб юборавермайсизми?

— Йўқ, ҳар қанча қийналсан ҳам жавобини беролмайман... Корнасенко Александра Федоровнанинг ҳам ўзига яраша гурури бор... Бундан уч йил муқаддам ферма ҳар бош она чўчқадан ҳаммаси бўлиб 8 тадан чўчқа боласи берарди, бу йил эса Кривоконь, ўзингиз эшитдингиэ-ку, ўттиз бештадан беришни ваъда қиляпти!— шу пайт раиснинг овозида ифтихор сезилиб туарди...— йиғирма бешта ҳам чакки эмас...

Раис гапирап экан, кўз ўнгига иккита яхши рус аёли намоён бўлиб туарди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўжар, биро гапли бўлишса-да, аммо соғдил, очиқ кўнгил әдилар, уларнинг ўз ютуқлари ва камчиликлари бор. Шунда менинг миямга бир фикр келди: одамларга нисбатан бепарво бўлмасдан, балки яхши ўртоқ ва маслаҳатчи бўла оладиган раҳбар ўз вақтида керакли гапларни топиб айтганида, кўпинча одамларнинг низолашиб юришига сабаб бўлган гапларга йўл қўймаслик мумкин бўларди.

Иккинчи марта биз Александра Даниловна Кривоконь билан КПСС облассы комитетининг пленумида учрашдик. Социалистик мусобақа масаласи муҳокама қилинаётган эди. Пленумга таклиф қилинган қишлоқ хўжалик ходимлари орасида чўчқабоқар Кривоконь ҳам бор эди.

Музокараларда сўзга чиқкан Ново-Орск район партия комитетининг секретари ўртоқ Шебаршов Кривоконь ишига юксак баҳо бериб, Александра Федоровна Корнасенкони ҳам мақтаб ўтди. Айни вақтда у «Крестьянка» журналида босилган мақолани танқид қилди. Мақолада уч йил илгариги фактлар баён қилинган ва ҳозир яхши ишлаётган чўчқабоқарлар ноҳақ тарзда ерга урилган эди. Шунда мен Александра Корнасенконинг хафа бўлиб айтган қўйидаги сўзларини тушундим: «Бизнинг қўлимизни қисиб кўришишдан ҳам хазар қиларсизлар деб ўйлаган эдик».

Аммо Александра Даниловна район партия комитети секретарининг нутқидан хафа бўлди. Танаффус вақтида Шебаршов нутқининг стенограммасини кўриб чиқишга

тўғри келди. Аммо бу нутқда хафа қиласиган биронта гап айтилмаган эди. Корнасенко ўз дугоналари билан ҳозир яхши ишлайтганини эса рад этиб бўлмасди.

Танаффусдан кейин раислик қилувчи Кривоконга сўз берди. Ҳаммамиз жим бўлиб қолдик. Бу аёл нима деркин?

Баланд минбар орқасидан зўрга кўриниб турган Кривоконъ ферма иши ҳақида гапириб берди, «чўчқани товуқлар билан бир қаторга қўяётган» кишиларни танқид қилди, сўнгра қора кўзларини чақнатиб, бундай деди:

— Бу йил ҳар бош она чўчқадан ўттиз бештадан чўчқа боласи бериш мажбуриятини оламан ва областдаги барча чўчқабоқарларни мусобақага чақираман!

Шундай деди-ю, пленум қатнашчиларининг қарсаклари остида минбардан тушди.

Бўлган воқеа мана шу. Ҳар ҳолда воқеанинг бир қисмини гапириб ўтдик. Ҳозир ферма йилига миллион сўм даромад олишга эришиш вазифасини қўймоқда. Чўчқабоқарлар бу вазифани уддалай оладилар, деб ишониш керак. Аммо гап фақат шунда эмас. Янгиликка йўл очиш осон бўлмайди. Бунда хафа бўлишлар ҳам, курашлар ҳам, гина-кудурат ҳам бўлади! Аммо янгилик олга бораверади. Меҳнат завқи, меҳнат ғалабаларининг завқи майдা, иккинчи даражали нарсаларининг ҳаммасини босиб кетаверади. Александра Даниловна Кривоконга ҳам, Александра Федоровна Корнасенкога ҳам, уларнинг дугоналари ва ёрдамчиларига ҳам улар қилаётган олижаноб ишда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилаймиз.

1956 йил.

# ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ ЭЛИДА

Болаликдаги хотиралар энг узоқ сақланадиган хотиралар дейишади. **Хива** давлатининг тарихи менинг хотирамда қайси китоб ёки дарсликдан сақланиб қолганлигини ҳозир айтиб беролмайман. Болаликда тасаввур қилиш қийин бўлган, жуда узоқ масофада жойлашган бу давлатнинг пойтакти ҳам **Хива** әди.

Мен Ўзбекистонга бир неча марта келиб, унинг ажойиб боғлари, ҳосилдор водийлари, яхши сақланган қадимий ёдгорликларга эга бўлган шаҳарлари ва ажойиб халқининг жуда бой тарихига мафтун бўлган бўлсам ҳам, ҳали ҳеч қачон, ҳатто фикран ҳам **Хоразм** әлига етиб бора олганим йўқ әди. Ҳаётда шундай воқеалар бўлиб туради: одам ҳамиша бирор нарсага интилиб турса ҳам, унга етишишга бирор нарса халақит бериб туради. Аммо бизнинг ҳаётимизда ҳозир ҳамма нарса оддийроқ ва равшанроқ бўлиб қолган. Болалик таассуротларининг романтикаси тугаб, унинг ўрнини янги, ҳеч нарса билан қиёс қилиб бўлмайдиган романтика эгаллади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Самолёт дарчасидан **Хоразмнинг** қизгиш қора қумларини, кўп тармоқли ўжар Амударёни кузатиб борар эканман, биз **Хоразм** обlastining пойтакти Урганч шаҳрига етиб борганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Ўзбекистон учун оғир қелган йилда, одамларни кийинтирувчи бу инжиқ ва нозик экин учун ҳарорат етишмай қолган йилда «оқ олтин»нинг қандай терилаётганлигини кўргим келарди.

Бизга янги, икки қаторли комбайн ҳақида гапириб беришди. Биз бу машинани ишлаб турган пайтида кўриш истагини билдиридик. Шуни айтиб қўйинш имкониятларни керакки, **Хоразм** обlastи бу йил Ўзбекистонда ҳеч ким кутмагандан

пахта терими бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Аммо буни кутилмаган ҳолда деб бўладими? Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ҳар куни ва ҳар соатда рўй бериб турган чуқур процессларни кузатиб бормайдиган кишиларгагина баъзан шундай туюлади. Урганчдаёқ биз Ҳоразм облатининг энг незик жойи сугориш эканлигини билиб олдик. Аммо облатда партия ишига пахтакор районларда сугориш ишлари билан шуғулланишни асосий мақсад қилиб қўйган кишилар келишди. Улар шовқин-суронсиз, омилкорлик билан область партия ташкилотини, барча колхозчилар ва мутахассисларни интенсив сугориш системасини барпо этишга сафарбар қилдилар. Тезда бу тадбир самаралари кўрина бошлади. Ўзбекистоннинг шимолий райони бўлган Ҳоразм области ҳеч қачон Фарона во-дийси ёки Самарқанд облатидай мўл ҳосил билан шуҳрат қозонмаган эди. Аммо Ўзбекистон учун нисбатан салқин келган бу йилда Ҳоразм дафъатан биринчи ўринга чиқиб олди ва Ҳоразмга етиб олиш мумкин эмаслиги ни ҳамма тушунди.

Урганчда биз ўз ишига берилган ғоят камтар кишилар — партия ходимлари билан учрашдик. Ҳудди шу кишилар: «Пахтани кўрмоқчи бўлсанглар Ҳивага боринглар» — деб маслаҳат беришди.

Ана шу пайт ўтмиш яна биринчи ўринга чиқди.

— Ҳивага дейсизми? Ҳива хонлигининг пойтахтигами?

— Ҳа, у ерда сизларга район партия комитетининг секретари Раҳимов район билан танишишда ёрдам беради.

Ҳеч қанақа Ҳива хонлиги бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда Ҳива ҳозир кўпгина кўҳна шақарлар сингари оддий район маркази эканлиги равshan бўлса ҳам, бу ерларнинг романтик ва қисман сирли тарихи биэларни беихтиёр тўлқинлантириб юборди.

Биз Ҳивага қараб йўл олдик. Эрта аzonда йўлда Урганч томонга йўл олган пахта ортилган кўпгина машиналарга дуч келдик. Йўл четидаги буталарда кумушсимон толалар ҳудди енгил қордек кўниб турарди. Йўлнинг баъзи жойларини тузатишаётган экан, ана шундай ерлардаги айланиб ўтиладиган йўлларни қалин сарғимтирир чанг босиб ёстиби. Машина тез юриб борарди ва кўп ўтмай йўл чеккасидаги устунчада биз «Ҳива» деб ёзилган лавҳани кўрдик.

Район партия комитетининг янги ғиштиң биноси ат-рофини унча баланд бўлмаган ва шу бинога ўхшаган янги уйлар қуршаб олган эди. Райком биноси олдида бизга очиқ чеҳрали киши пешвоз чиқиб, ёнимизга келди.

— Раҳимов, район секретари. Хуш келибсизлар.

Секретарнинг кабинети узун хонадан иборат бўлиб, унинг бурчагида пўлат сандиқ турарди. Сандиқ устида сарғимтирир қандайдир бир жониворнинг ичига похол тўлдирилган териси ётарди. Раҳимов бизнинг нимага қараёт-ганлигимизни сезиб, ҳайвончани қўлга олди ва бундай деди.

— Ондатра. Районимиэда кўпайтиряпмиз. Қимматба-ҳо мўйна беради. Нутрия ҳам бор. Сизлар нималарни кўрмоқчисизлар?

— Янги пахта комбайнни қандай ишлаётганини кўрмоқчимиз.

Раҳимов мийигида қулиб қўйди.

— Яхши. Кўрсатамиз, аммо аввал озгина тарих билан шуғулланайлик. Комбайнга аста-секин ёндошиш керак. Сизлар Хива ҳақида ҳеч нарса эшитганимисизлар?

— Ҳа, албатта... Эшитганимизга кўп бўлган.

— Тарих билан шуғулланайлик. Жуда фойдали фан. Юринглар,— Раҳимов бизни ўзининг зангори «Волга»си-га таклиф қилди.

Биз район маркази бўлган шаҳарчанинг марказий қисмига бордик. Бу ерда зангори-оқ сопол парчалари билан қопланган эски миноралар қад кўтариб турарди. Баъзи миноралар қуриб битказилган бўлса ҳам, баъзила-ри чалалигича қолган. Биз мана шу ерда ниҳоят болалик пайтимиэда эшитган Ҳивани кўрдик. Ҳиванинг ҳеч қа-нақа сирли жойи йўқ экан. Ҳар бир қадамда янги уйлар, кўчалар қурилётган шаҳарда қадимий бинолар жойлаш-ган район айпиқса диққатга сазовордек туюлади. Тор кўчаларда музейни эслатувчи қадимий нарсаларга зид ўлароқ, тушки қуёшнинг нурлари «Волга» ва «Москвич» машиналарида жилваланарди. Раҳимов тарих ҳақида зўр иштиёқ билан гапиради. У айни вақтда бизларга шаҳарни кўрсатувчи киши, шоир ва тарихчи сифатида намоён бўлди. Биз бир лавҳа ёнида анча туриб қолдик. Биз билан юрган Абдулла Болтаев қадимий лавҳалар ва қўллэзма-ларни ўқишига жуда уста экан. У бир рубоий кетидан ик-кинчи рубоийни ўқиб бераверди. Рубоийларнинг кўпчили-гида хон мадҳ қилинарди.

— Эски вақтда лаганбардорлар кўп эди,— деб изоҳ берди Раҳимов қоп-қора кўзларини чақнатиб.— Ҳон таҳтада ўтирас, унинг олдига чиройли лавҳани олиб келиб қўйишарди-да, у ўз шаънига ёзилган мадҳияларни ўқириди.

Бу Раҳимов тушмагур ҳамма нарсадан хабардор экан. Ярми қулаб тушган печни кўрсатиб, бундай деди:

— Бу ерда дастлабки пеъхон саройида 1879 йилда қурилган эди. Биласизми, бу ерга пеъхон қурувчини ким юборган? Рус подшоси Александр. Қандай хат ёзиб юборганини биласизми? Хатда ҳонга бундай деб ёзиб юборилган эди: «Пеъхон қурувчини юборяпман, аммо уни тирик ҳолда қайтариб юборишингизни сўрайман».

— Ҳўш, қайтариб юборишиганди?

— Қайтаришган шекилли... Эсимда йўқ. Тарихда бунинг тафсилоти сақланиб қолмаган.

Кўз ўнгимиизда Ҳиванинг ўтмиши тобора кенгроқ на-моён бўлаверди. Ҳон саройи. Ҳон ҳарами. Меҳмонлар қабул қилинадиган зал. Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатлардан келган әлчиларни қабул қилиш учун мўлжалланган зал...

Бизларнинг тўдамизга музей директори Собир Юсупов ҳам келиб қўшилди. Яқиндагина Тошкент университетини тамомлаб келган бу тортичоқ йигит менга гоят ёқиб қолди. Аввалига у ўзини четга олиб юрди, биз ҳон саройларидан бирига жойлашган музей биносига кириб, бу музей экспонатларини қууллик ва қийнаш қуролларини кўрганимиздан кейингина Юсупов изоҳ бера бошлади:

— Мана, кўрдингиэми, бу ерда Ҳива хони қандай солиқлар олганлиги батафсил ёзиб қўйилган. Солиқларнинг жами етмиш беш хил бўлган. Ҷақат ҳаво учун бож олишмаган, холос. Жаллод солиги... Ҳа, одамларнинг бошини кесадиган жаллод фойдасига ҳам солиқ олинган. Қон чиқар жойга урганлик учун солиқ. Мана, кўринглар, жаллод одамларнинг бошини мана шу пичоқ билан кесарди. Мана бу кишан...

Музей жуда мароқли эди, аммо кимдир соатига қараб вақт алламаҳал бўлиб қолганлигини айтди. Бу гап Раҳимовга ёқмади. У бундай деди:

— Сизни қаранг-а, Ҳива тарихини билишни истамай-сиэмси?

— Лекин вақт зиқроқ-да!..

— Ҳечқиси йўқ. Вақт тура туради.

Раҳимов қайрагочдан ясалган эски эшикка суюниб қолди. Бу эшикнинг кесакилари тўкилиб кетай деб турган гишт биноларга шу пайтгача тирговуч бўлиб турарди. Қайрагочга ўйиб ясалган нақшлар ва хатларни Абдулла Болтаев тушунтириб берди. Абдулла ака Ҳоразмдаги энг мураккаб ёзувларни тўплар ва изоҳ қилиб берар эди.

— Дунёда қайрагочдек даражат ҳеч қаерда йўқ! — дерди Раҳимов Болтаев жим қолган пайтларда.

Аммо Болтаев бирор афсонани вазминлик билан айта бошласа ёки яна бир лавҳани ўқий бошласа, Раҳимов дарҳол жим бўлиб қоларди. У Болтаевга зўр әҳтиром ва меҳр билан қаарарди. Ҳа, Ҳива район партия комитетининг бу секретари тарихни жуда севар ækан.

...Раҳимовнинг режалари жуда кўп ækан.

— Йўл қуриш керак, Ҳивани тартибга солиш зарур. Бу ерда томоша қиласа арзийдиган нарсалар кўп, тарихнинг ажойиб саҳифалари сақланади. Ҳива туристлар қўплаб келадиган жой бўлиб қолиши мумкин. Ҳиванинг тарихини ҳамма билиб олеин! — деди у.

Биз бундан икки йил илгари қурилган ҳаммомни кўздан кечирап ækанмиз, Раҳимов бундай деди:

— Бу ерга Гарбдан ҳам анча одамлар келиб кетишиди. Бизда иштонсизлар ҳам меҳмон бўлишган...

— Қанақа иштонсизлар?

— Тиззасидан юқори бўлган иштонни иштон деб бўладими, ахир? Улар фақат бизгина маданиятлимиз деб гердаймай қўйиша қолсин. Ҳаммомни кўрдингизми? Бизда маданият қандай бўлганлигини лоақал ҳаммомга қараб билса ҳам бўлади. Ҳаммомсиз ҳалқ яхши маданиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Мен унга қараб жиддий гапиряптими ёки ҳазиллашяптими деб ўйлаб қолдим. Йўқ, у жиддий гапираётган экан.

Беихтиёр Ромен Роллан асаридаги Кола Брюньон ёдимга тушди. Доно ва омилкор француэ дэҳқони Кола Брюньон кўпгина яхши ҳислатларга эга бўлса ҳам, унинг фаолияти доираси анча тор әди. Раҳимов эса бутун район учун жавоб беради. Яна қанақа район денг!

Нихоят биз дўстимиз эътиборини тарихдан четга бура олдик. Очифини айтсан, бундан у анча мамнун бўл-

мади. Аммо Раҳимовга: «Бу ерда гилам тўқиладими?»—деб савол берганимиэда у тамомила ўзгариб кетди.

— Дунёда энг яхши гиламлар шу ерда тўқилади-да! Фақат шу ерда. Хоҳлаган гиламингизни тўқиб беришади.

Биз гилам тўқиши фабрикасига қараб йўл олдик. Йўлда Раҳимов фабрика янги бинога кўчаётганини айтди. Гилам тайёрлаш анча кўпайтирилади.

Бир қаватли бино деярли бўй-бўйш эди. Қора кўз қиз гулдор кийимда дастгоҳлардан бири ёнида ўтиради.

— Ҳамма пахтага кетди,— деди у.

— Сиз-чи?

— Болам бор. Шунинг учун қолдим.

У бўлажак гиламнинг асоси қўйилган дастгоҳ ёнида ўтиради. Йигрма бир яшар бу хушрўй аёл бизлар билан гаплашар әкан, бармоқлари хилма-хил ипларни тўқишдан тўхтамасди. Хиванинг машҳур гуллари ана шу иплардан ташкил топади.

Бу аёл Гулчеҳра Маткаримова әкан.

— Қизчангиз қаерда?

— Қизимми? Яслида.

— Маълумотингиз қанақа?

— Ўнинчи синфни тамомлаганман.

— Бошқа ўқимадингизми?

— Москвадаги ҳунармандчилик бадиий билим юрти қузуридаги курсда ўқиб келдим. Москва жуда ёқди, лекин кўп бўлолмадим-да.

— Ота-онангиз борми?

— Бор.

— Отангиз нима иш қиласди?

— Ғишт терувчи. Шаҳарда янги уйлар қуряпти.

— Эрингиз нима иш қиласди?

— Эрим пахта-ёғ заводида токаръ.

Гулчеҳра бизларга аҳён-аҳёнда қараб кўярди. Савол ва жавоблар қисқа бўлди. Биз гилам тўқувчини ишдан қўйгимиз келмасди. Аммо ана шу қисқача жавобларданоқ район маркази—Хива шаҳри қандай ва нима билан ҳаёт кечираётгани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Кун оға бошлади. Биз Раҳимов хонадонида дастурхон атрофида ўтирас әканмиэ, ўзбекларнинг меҳмондўстлигини яна бир марта ҳис қилиб, қойил қолдик. Дастурхон ўзбекларга хос саҳийлик ва дид билан безатилган эди.

Кимдир дастурхонда овқат ортиқчалигини айтган эди, Раҳимов бундай деб жавоб берди:

— Менинг олтита фарзандим бор. Овқатнинг кўплиги зарап қилмайди.

Бу толмас киши бизга яна ва яна Хиванинг истиқболи ҳақида гапириб берди. Улар қанча уй қурмоқчи эканликларини, бир минг олти юз дастгоҳи гилам комбинати, маиший хизмат комбинати қурилажагини, алебастр ншлаб чиқармоқчи эканликларини, темир-бетон заводи барпо этилажагини тинмай гапиради. Ниҳоят биз далага жўнадик. Бу ерда тарих дарҳол узоқ ўтмиш бўлиб қолди. Далаларда комбайнларни кўрдик. Паҳталар очилиб, гўза барглари тўкилиб бўлган эди. Паҳтакорлар бутун йил бўйи орзиқиб кутадиган терим палласи етганди.

Биз Калинин номли колхоз далаларига келган эканмиз. Янги, икки қаторли комбайнда Онажон Отамуротова ишләяпти. Машина бир дақиқа тўхтаб қолди. Онажон ерга сакраб тушди-да, комбайнга механик чиқди. Шунда биз Онажон Отамуротова билан сұхбатлаша бошлидик.

Икки юз тонна пахта териш мажбуриятини олган бўлиб, ҳозир бир сменада тўрт, беш тоннадан тераётган экан. Бу — республика бўйича энг юксак кўрсаткич эмас. Бундан ҳам ошириб пахта тераётган механик-ҳайдовчилар бор. Агар энг чевар теримчилар бир мавсумда беш тонна пахта теришганини эсласак, тўрт, беш тонна ҳам кам эмас.

Узоқда чанг кўтарилди. Ёнимизга яшил рангда «газик» келиб тўхтади; машинадан Калинин номли колхоз раиси Азиза Машарипова тушди. Ихчам этик, гулдор кўйлак кийган, чеҳрасидан иродали эканлиги сезилиб турган раисанинг сергайрат аёл эканлиги яққол кўриниб турарди.

Биз Машарипова билан сұхбатлашдик. Унинг колхози сўнгги кунларгача районда биринчи экан. Кечадан бошлиб қўшни Ленин номли колхоз биринчи ўринга чиқиб олибди. Биз ундан бу воқеага қандай муносабатда эканлигини сўрадик.

— Мен бунга чидай олмайман,— деди дангал Машарипова.— Лекин барибир бу ҳол бир неча кунгина давом этади. Биз ҳаммасини чўтлаб қўйганимиз. Район бўйича планни биз биринчи бўлиб бажарамиз.

— Сиз бунга қатъий ишонасизми?

— Менинг ишонишимни қўяверинг. Мен буни биламан. Бизда ҳамма комбайнлар ишляяпти. Уларнинг ҳаммасини пахта теримига тушириб юбордик.

Машарипова камгап аёл әкан. Биз ундан оиласи ҳақида сўраганимизэда:

— Эрим фронтда ҳалок бўлган,— деб жавоб берди.

— Фарзандларингиз борми?

— Бор. Биттаси армияда, иккинчиси қишлоқ хўжалик техникумидаги ўқиёди. Мен илгари колхоз бухгалтери эдим. Асосий масала — пахта ҳосилдорлиги. Биз илгари гектар бошига ўн саккиз центнердан пахта берардик. 1959 йилда йигирма олти центнердан бердик. Бу йил эса ўрта ҳисобда ўттиз беш центнердан топшироқчимиз. Ешлар ҳақида яхши гамхўрлик қиляпмиз. Яна иккита мактаб қурамиз. Клуб, медицина пункти қуряпмиз. Одамлар эскича яшашни хоҳламай қолишиди. Турсуной Охунова бутун Ўзбекистон учун катта иш қилди. Хотин-қизлар комбайнларни әгаллашди. Энди әркаклардан ўтиб кетяпмиз.

Шу пайт пахта даласида Отамуротованинг орқага қайирилаётган машинасидаги қандайдир бир нуқсонни сезган раис унинг ёнига әркакчасига қадам ташлаб борди.

...Қош қорая бошлади. Шафак қизариб, ҳавода зарҳал толалар учиб юради, улар Ўзбекистондаги куз қуёшининг ёғудусига ўхшарди.

Ўзбек пахтакорлари учун бу йил енгил бўлмади! Аммо одамларнинг ишлётганини кўрган киши Азиза Машарипова ва унинг колхоздош ўртоқлари сингарилар қадимий Хоразм элида халқ олдидағи ҳамма мажбуриятларини бажаришларига ишонч ҳосил қиласиз. Уларнинг ҳаёти ҳақида шоирлар ва халқ оқинлари янгидан-янги афсоналар тўқийдилар.

... Биз Раҳимов билан бирга катта йўлга чиқдик. Кичкинагина кўл олдида у машинани тўхтатиб асфальтга тушди:

— Ҳива райони шу ерда тугайди. Оқ йўл сизга,— деди Раҳимов.

Ҳамма нарсани: тарихни, ҳозирги кишиларни ва ўз әлини жондан севувчи серзавқ киши — район партия комитетининг бу секретари яна мийигида кулиб қўйди.

\* \* \*

Хоразм области ҳақиқатан илғор бўлиб чиқди. У республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича ўз мажбуриятини бажарди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хоразм пахтакорларини ажойиб ғалаба билан табриклади ва қутлади. Хоразм олдинда бормоқда — унга шон-шарафлар бўлсин!

1966 йил.

## ТОЖИКИСТОН БЎЙЛАБ

Истиқбол болалар сиймосида ҳаммадан равшанроқ намоён бўлади. Мана қоракӯз, соchlари текисланган болалар хилма-хил рангдаги шерстъ кийимларда кўз ўнгимизда намоён бўлиб турибди. Мана улар тўда-тўда бўлишиб, бир-бирларининг қўлидан, мураббиясининг әтагидан ушлаб хиёбонларда, ўз бўйларидан ҳам баланд ўсган рангбаранг гуллар орасида сайр қилиб юришибди. Мана улар озода ва шинам ётоқхоналарда ухлаб ётишибди, деворда осиғлиқ Володя Ульянов портрети эса худди тирикдай уларга қараб турибди. Мана улар кичкина айиқчани қуршаб олишиди. Болалар севадиган ва уларнинг кўнглини очадиган айиқча эркаланиб ўйнайди. Мана улар капитарларни боқишияпти...

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Тожикистон пойтахти — Душанбага яқин тоғлиқ ерда жойлашган мактаб-интернатда, катталар болаларга совға қилган ажойиб бир ййда содир бўлмоқда.

Мактаб-интернат директори жавонида Америка Қўшма Штатларида нашр этилган брошюранинг таржимаси бор. Брошюра «Моисей Браун номли мактаб», деб аталади. Унда Американинг Провидение шаҳрида 1874 йилда пансион ташкил этилиб, унга болалар узоқ муддатга ўқишга кириши мумкин бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Пансионда ўқиш йилига икки минг доллар турарди ва бу пулнинг ҳаммасини олдиндан тўлаш керак бўларди. Болани пансионга юбориш учун ...иккита гиламча, дераза парда, бешта чойшаб, тўртта ёстиқ жилд, битта тўшак, жун адёл, сочиқлар, кийим солиб қўйиладиган сумка ва ҳоказо, ҳоказолар билан таъминлаш керак эди.

Бу цитатани биздаги барча меҳнаткашларнинг болалари — мактаб ўқувчилари ва студентларга таълим ва тарбия бериш системамининг афзалигини яна бир марта таъкидлаш учунгина\* келтирганимиз йўқ. Цитата АҚШда қандай кишилар пансион типидаги ўқув юртларига кира олишлари ҳақида маълумот бериш учун келтирилди. Брошюрани интернат директорига АҚШдан келган бир группа туристлар тақдим қилишган. Унга ишонмаслик учун ҳеч қандай асос йўқ.

Душанба интернати ҳақида ҳар қанча ёёса арзийди. Унинг ям-яшил майдончаларида болалар ўзларини ниҳоятда яхши сезаётган бўлсалар керак. Бир ёшдан ўн саккиз ёшгача болалар шу ерда баркамолликнинг ҳамма босқичларидан ўтадилар.

Сиз соатлаб тинч хиёбонлар бўйлаб юришингиз, стадион қандай қурилаётганинги, ўқув юртларининг корпулари қай тариқа қад кўтараётганини кўришингиз мумкин. Ҳозирча интернатда уч юз ўғил ва қиз бола яшамоқда, аммо тезда уларнинг сони анча кўпаяди. Тожиклар, руслар, украинлар, ўзбеклар ва кўпгина бошқа миллатларнинг фарзандлари бир партада ўтириб ўқимоқдалар.

Маълумки, яқинда бу ерда Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг биринчи совет конференцияси бўлиб ўтди. Конференция кунларида Душанбага Япониядан делегация келди. Меҳмонлар орасида япон халқи ўз мамлакатига Эйзенхауэрнинг кириши учун рухсат бермаган қизғин кунларда Токиодаги Америкага қарши намойишларнинг ташкилотчиларидан бири, уч фарзанднинг онаси, довюрак аёл Сунико Танака ҳам бор эди. Сунико Танака интернатни кўриб ҳайратда қолди.

Индонезиядан келган меҳмон Амина Ҳидоят интернатни кўздан кечиришдан олдин:

— Ҳар ҳолда мен болаларни оиласда тарбиялашни афзал кўраман,— деган бўлса, хайрлашаётганида эса бундай деди:

— Жамоат жойларида тарбиялаш учун ҳамма ёқда ҳам ана шундай шароитлар яратиладиган бўлса, болаларни оиласда тарбиялаш афзалроқ деган гапдан воз кечиш мумкин.

Интернатда меҳмонлар билан мунозара қилиш одат қилинмаган. Ҳаммасини ўзлари кўриб ишонч ҳосил қилишгани маъқул. Ҳақиқатан ҳам бу масалалар хусусида

мунозара юритиб бўладими? Оилада тарбиялаш билан интернатда тарбиялашни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишининг ҳожати йўқ, аммо кўриб ва сезиб турган ҳолат ҳақида гапирадиган бўлсак, шубҳасиз, шуни айтиш керакки, Душанба мактаб интернати — болаларни қандай тарбиялаш кераклигини кўрсатувчи намуналардан биридир.

...Биз Тоҷикистон бўйлаб кўп юрдик. Барча совет кишилари ғоят меҳмондўст. Бизнинг характеримиз шуна-ка. Бизлардан ҳар биримиз ўзимизни меҳмондўст деб биламиз, ўз уйимиз эшигини бир осмон остида яшайдиган кишилар учунгина эмас, тури мамлакатлардан келадиган меҳмонлар учун ҳам кенг очиб қўйганмиз. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги конференцияси вақтида ҳам худди шундай бўлди. Африка ва Осиё мамлакатларидан келиб Москва олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларни тоҷиклар өнг яқин дўстлар сифатида, биродарлар сифатида кутиб олдилар. Камерун, Уганда, Сомали, Жазоир, Хитой, Вьетнамдан ҳамда бошқа мамлакатлардан келган ёшлар бугдой ранг тоҷик йигит ва қизлари орасида тезда ўзларига дўст топиб олишди. Биз уларни шаҳар кўчаларида, театрларда, адабий кечаларда кўрдик, улар бир-бирларидан ажралишмай юришарди.

Тоҷикистон бўйлаб саёҳат қилган вақтимизда ҳар куни кўз ўнгимиизда янги бир нарса намоён бўларди.

Ленинобод районида «Москва» колхози борлигини кўп одамлар билишади. Унинг раиси Саидхўжа Ўринхўжаев мамлакатимизда жуда машҳур одам. Бу бўлали, тўладан келган киши ҳамманинг ёдида сақланиб қолган. Унинг портретлари газета ва журналларда кўп марта босилган. «Москва» колхозининг ажойиб маданият саройи ҳақидаги мақолалар ҳам матбуотда кўп эълон қилинган. Бундан уч йил муқаддам «Оғонёк» журналхонлари маданият саройининг деворларини ва шифтини миллий нақшлар билан безаган колхоз усталарининг ишлари билан ҳам танишган эдилар. Аммо фотография бошқа-ю, воқелик бошқа экан! Сурат ҳар қанча яхши чиқмасин, у барибир кўз ўнгингизда намоён бўладиган бадиий асарнинг нафосати ва назокатини тўла акс эттира олмайди.

Биз «Москва» колхозига қузнинг қовоги солиқ кунларидан бирида келдик, осмонни булат қоплаб олган эди. Дафъатан кўз олдимиизда жуда катта маданият саройи ёнидаги фонтанлар намоён бўлди. Бу нима ўзи? Худди булатлар орасидан офтоб ярақлаб чиққандек бўлиб кетди.

Фонтанлар ранг-баранг нур сочиб, отила бошлади. Афсонавий манзара!

Биз маданият уйига кириб, у ерда «Москва» колхозининг усталари яратган ва ҳаммага машҳур бўлган нақшларни кўздан кечирдик. Бу маҳаллий рассомлар ва ёғоч ўймакорларининг моҳир қўллари билан яратилган ноёб асар ҳам эди. Коридорлардан бирида биз ана шу нақшларни яратганлардан бири — уста Фаёзовга дуч келдик. Биз уста билан танишгач, сўрадик:

— Шогирдларингиз борми?

— О, шогирдлар кўп. Маданият саройида устахона бор. Усталардан Ражабов, Солиев ва бошқалар ўз ҳунарларини ёшларга ўргатишяпти...

...Маданият саройи биносида Саъдий шеърлари ўйиб ёзилган мармар лавҳа бор. Бу шеърларнинг эркин таржимаси қуидагича: «Ҳар қанча ўқисанг ҳам, билимингни амалда татбиқ қиласанг тентаклигингча қолаверасан».

«Москва» колхозининг аъзолари ўз билимларига амал қилгани ҳолда буюк ишларни бажараётганликлари яққол кўриниб турарди.

Сайдхўжа Уринхўжаев индамасдан оқ оралаган мўйловларини силаб ўтиради. У ана шу колхозда ўттиз йилдан бери раислик қилади. Бу ер бир вақтлар ҳувиллаб ётарди. Орадан ўттиз йил ўтди. Ўттиз йил! Мана энди бу вазмин киши (уни йилига ўн миллионларча сўм фойда берадиган колхоз маршали деб аташ мумкин) эндиликда атрофидаги рўй берадиган воқеаларга вазминлик билан ва айни вақтда ҳайратомуз қарайди. Йўқ, йиллар бекуда ўтмади! Одамлар яшамоқда, курашмоқда, қурмоқда. Тинимсиз қурилиш давом этмоқда. Маданият саройи ёнида янги бино — колхоз учун мактаб-интернат барпо этилмоқда.

— Интернат ўн тўққиз ярим миллион сўмга тушади,— леди Уринхўжаев.— Биз фарзандларимизни жуда севамиз. Бу колхоздаги ўн тўққизинч мактаб бўлади.

Тожикистон бўйлаб, қанча кўп саёҳат қиласангиз, кўрган нарсаларингиз шунча кўп ҳайратда қолдираверади. Машҳур Вахш водийси —«оқ олтин» макони. Бу ерда жуда катта қурилиш олиб борилмоқда: кесак деворли уйлар бузилиб, колхозчилар учун янги уйлар қурилмоқда, колхозлараро санаторий барпо этилмоқда. Биз санаторийда бўлдик. Икки юз кишига мўлжалланган ажойиб бино. Ҳар бир хона икки кишига мўлжалланган. Кўл-

нинг ўртасида оролча бор. Оролчада чойхона қурилади...

Бизга пахта заводини кўрсатиши. Уни Ленин номли колхоз қурмоқда.

Тожикистонда: «Бой кийса муборак бўлсин, камбагал кийса қаердан олдинг?» деган мақол бор. Тожикистонда республика меҳнаткашларининг қўли билан яратилаётган ҳамма янгиликларни кўравериб ажабланмай қўйганлар. Ҳаётда янги характерлар ва янги ютуқларнинг монанд бўлиб тушаётганини кишини қувонтиради.

Биз Ленинобод яқинида жойлашган «Халқлар дўстлиги» электростанциясида бўлдик. Бу станция икки республика — Ўзбекистон ва Тожикистоннинг биргаликда куч-файрат сарфлаши билан қурилган. Токни ҳам иккала республикага беради. Аммо бу ерда яшовчи ҳар бир кишининг қалбida ўзининг кичкинагина «Халқлар дўстлиги» электростанцияси борга ўхшайди: улар бир-бирлари билан шу қадар иноқлашиб кетишган. Бизга Кўрғонтепа район партия комитетининг секретари Н. П. Парамонов билан танишишни маслаҳат қилишди. Унинг ҳақида бундай дейиши: «Николай Петрович — жуда ажойиб одам. Йигитлигига бу ерга келиб, Тожикистонда абадий қолиб кетди».

Биз Николай Петрович билан учрашдик. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у бу ерга ўспиринлик пайтида келган экан. Сизрандаги кўн заводининг ишчиси бўлган Николай бу ерларда қолиб кетишини сира ўйламаган эди. Уни Тожикистонга комсомол йўлланмаси билан юборишган. У Тожикистонда кўпи билан бир йил бўламан, деб мўлжаллаган эди!

Уни ўттизинчи йилларнинг бошларида Вахш қурилишига юборишган эди. Парамонов Тожикистонда қолишини ўйламаган эди. Аммо бир йил кетидан иккинчи йил ўтаверди. Николай Петрович партия ишига ўтди. Ленин курсларида тингловчи бўлиб юрганида урущ бошланиб қолди. Парамонов батальон комиссари бўлиб, Ленин шаҳрини ҳимоя қилди. Очликдан шишиб кетган бўлса ҳам, барибир тирик қолди. 1943 йилда уни иккинчи зарбдор армияга юбориши. 1944 йил 27 февралда Нарва остоналарида немис мудофаасининг учта линиясидан ёриб ўтилганидан кейин у пулемёт ўқига дуч келиб, қорга йиқилиб тушди. Парамонов беш жойидан яраланди. Уни Тожикистонга олиб кетиши. Муайян муддат госпиталда ётгач,

ўзини ўнглаб олди ва фронтга жўнатишларини сўради. Аммо унинг илтимосини рад этишди: «Урушни шу ерда, Тожикистонда тамомлайсиз». Николай Петрович яна район партия комитетининг секретари бўлиб ишлай бошлади.

Урушдан кейин турмуш оғир бўлди. Шунда Парамонов бу ердан ҳеч қаҷон ва ҳеч қаерга кетишга ҳаққи йўқлигини тушунди. У коммунист сифатида, рус кишиси сифатида ўз дўстлари ва биродарларига путурдан кетган қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ёрдам бериши зарур.

У турмушнинг оғир-енгиллигини татиб кўрган, бир вақтлар қаровсиз қолган, қизил вагонларга тушиб қаерларга бормаган. Аммо буларнинг ҳаммаси ёш Совет республикаси эндиғина тетапоя қўяётган пайтларда бўлган әди.

Энди эса уруш тамом бўлди, мамлакат қийинчиликларга бардош бериб, душманни тор-мор келтириди, орез-қиб кутилган галабага әришди. Парамонов буни тушунар әди. У оқсоқланиб бир уйдан иккинчи уйга борар, ишга яроқли кишиларни тўплар, ёшларни, содиқ ёрдамчиларни жалб қиласр әди. Ҳосилдорлик учун жанг бошлаш пайти келган әди.

Ҳозир Вахш водийисида янгидан-янги боғлар, токзорлар барпо этилмоқда. Биз охири кўринмайдиган токзорлар, олмазорлар, нокзорларни кўрдик.

Бир проблема ҳал этилса, иккинчиси пайдо бўлади. Колхозларда пул билан ҳақ тўлашга қай тариқа ўтиш хусусида узоқ ўйлашди. Ниҳоят тўғри йўл топишиди. Энди ҳамма колхозчилар мамнун, ҳар ойда иш ҳақи, ҳар йили отпуска олишади. Кўп иш қилинди, аммо қилинадиган ишлар бошдан ошиб ётибди. Ингичка толали пахта учун яхши машиналар ҳозирча йўқ, уларни яратиш керак. Бу ҳақда ким ўйлаши керак? Яна Қўрғонтепа районидан таклифлар юборилади.

Қўрғонтепа коммунистларининг юзлаб, минглаб ташвишлари бор! Ҳаётнииг баҳт-завқи ҳам худди шунда.

...Биз Николай Петрович билан ўтирибмиз. Бу камтар одамдан ўзи ҳақида бирор гапни билиб олиш амри маҳол, аммо Тожикистоннинг гўзаллиги ҳақида гап кетганида у ҳамма нарсани унугиб қўйганга ўхшайди. Собиқ сизранлик йигит, биродар тожикларнинг самимий меҳр ва ҳурматини қозонган рус кишиси бу ерда завқли ҳаёт кечирмоқда. Унинг кўксида Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг Олтин юлдузи порлаб турибди.

Ана шунаقا ажойиб экансан, Тожикистон! Нақадар бепоён, сахий әкансан, сенинг юлдузлар чарақлаб турган осмонинг, қор аримайдиган тоғларинг нақадар гўзал. Тожикистон, сенга қойил қолдим! Сенинг зар билан қопланган тупрогинг билан учрашиш, уни идрок этиш нақадар катта баҳт!

Бу ажойиб ўлкани қўрган, унинг тоғлар орасидан ўтадиган йўллари ва кузги водийларида юрган киши партия ва совет ходимлари, иқтисадчилар ва шоирлар, ўлканинг бугуни ва истиқболининг эгалари бўлган кишилар ўз республикалари ҳақида нима учун шу қадар ифтихор билан гапиришларини тушуниб олади. Уларнинг тилида ҳар бир рақам куйга ўхшаб янграйди. Ҳақиқатан ҳам бундан илгари ўтган ҳамма йиллар мобайнида Тожикистон хўжалигига ўн миллиард сўм сарфланган бўлса, етти йиллик мобайнида ўн бир миллиард сўм сарфланади. Бу ёғига қулоқ солинг. Бу ерда кон саноати ривожлантирилади. Олтин, кумуш қазиб олиниади. Янги энергетика каскади қал, кўтаради: ҳозирги Ўрта Осиёдаги энг катта электростанция ҳисобланган «Халқлар дўстлиги» станциясидан ташқари, Вахшда Головная ГЭС қад кўтаради, сўнгра қудратли Норак ГЭС қурилиши бошлаб юборилади. Бундан ташқари, йирик саноат корхоналари қурилади, чўллар ўзлаштирилади. Уч юз минг гектар ер юқори навли пахта етиштириш учун суфорилади.

Революциядан илгариги қашшоқ, ғариб Тожикистон, сен бу нарсаларни хаёлингга келтира олган эдингми?! Ҳозир республика йилига қирқ беш миллион метр газлама чиқармоқда, етти йиллик план эса газлама чиқаришни бир юз беш миллион метрга етказишни мўлжаллайди.

1965 йилда Тожикистон эллик уч миллион метр — ҳозиргига қараганда икки баравар кўп шойи газлама беради. Хўжандда гилам комбинати қурилмоқда. Қоракўлтери, жун етиштириш тобора кўпаяди. Икки миллионга яқин аҳоли яшайдиган республикада 29 олий ўқув юрти ва техникум, ўттиз минг студент, уч юз олтмиш минг ўқувчи бор. Москва, Ленинград, Тошкент, Бокуда ўқиётганларни қўшиб ҳисобланганда тўрт юз минг киши ўқимоқда! Бу рақамлар сизга ёқадими?

Тожикистон Фанлар академиясида уюшган ва ижод қилиш иштиёқи билан тўлиб-тошган юзларча атоқли ва ёш олимларни айтмайсизми!

Биз ажойиб қўшиқчиларнинг куйлаганини эшилдик,

уларнинг булбулни лол қолдирадиган овозлари Садриддин Айний номли Давлат опера ва балет театрида янграли.

Тожик адабиётини айтмайсизми? Унинг машҳур классикларини ўқиганмисиз? Максим Горькийнинг доно замондоши Айнийни танийсиз, албатта. Ленин Мукофоти лауреати, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун курашчи Мирзо Турсунзода шеърларини ким ўқимаган дейсиз? У билан бирга Тожикистоннинг ажойиб пойтахти ҳақидаги унинг шеърларини такрорлагим келади:

Кўзларни яшнатиб фаввора ўйнар,  
Қип-қизил гуллар-чи лов-лов этади.  
Тоғлардан жилгалар мисоли камар  
Ям-яшил шаҳарни боғлаб ўтади.

Кўк янграп гудоклар садоларидан,  
Олисларга кетар улар овози.  
Бақувват тортади бари-баридан.  
Бизнинг саноатнинг қудратли сози.

Дўстларнинг қизғин қўёл қисишлиарини ҳис қилиш, янги учрашувлар қувончидан баҳраманд бўлиш, ажойиб кишилар образини қалбга жо қилиб кетиш нақадар яхши! Болалар сиймосида намоён бўладиган истиқболни, Душанбадаги мактаб-интернатнинг ажойиб богида яйраб юрган болаларда намоён бўлиб турган истиқболни кўриш нақадар яхши!

1960 йил.

# БИЛИМ ВА ДЎСТЛИК МАСКАНИ

Совет ҳукумати Москвада **Халқлар дўстлиги** университетини таъсис этишга қарор қилди. **Халқлар дўстлиги** университети Африка ва Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети, Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятларининг союзи ҳамда Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ҳузурида ташкил этилади.

**Халқлар дўстлиги** университетини барпо этишнинг бевосита қатнашчилари бўлишдек фахрли вазифанинг бу жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилганлиги тасодифий эмас. Бирдамлик совет комитети, Дўстлик жамиятлари союзи ва Совет касаба союзлари Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги тўрли демократик ташкилотлар билан жуда кенг кўламда алоқа боғлаган бўлиб, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган ҳамма кишиларни изчиллик билан қўллаб-қувватлаётганлиги учун уларнинг зўр ҳурматига сазовор бўлган.

Совет ҳукумати Совет Йиттифоқидаги бир қанча жамоат ташкилотларининг университетини барпо этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Кейинги йилларда Осиё ва Африкадаги мамлакатларнинг кўпгина халқлари мустамлака зулмини улоқтириб ташладилар, суверен давлат туздилар ҳамда ўз миллий экономикаси, маданияти ва маорифини мустақил ривожлантириш йўлига кириб олдилар. Барча мустамлака ва қарар мамлакатлarda халқларнинг миллий мустақиллик ва озодлик учун ҳаракати ўсиб бормоқда.

Империалистлар мустамлака мамлакатларининг халқларини шафқатсизлик билан эксплуатация қилиб, уларни қашшоқлик ва жаҳолат шаронтида тутиб турардилар, мил-

лий кадрларининг тайёрланишига бутун чоралар билан ҳалақит берардилар. Кўпгина мамлакатлар учун уларнинг сиёсий мустақиллик ҳамда экономика ва маданиятни юксалтириш йўлидаги курашида миллий зиёли кадрлар вужудга келтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган ишга айланди.

Совет ҳалқи ўз интернационал бурчини бажариб, иқтисадий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларнинг ҳалқларига уларнинг экономикаси ва маданиятини юксалтиришда, миллий кадрлар тайёрлашда беғараз ёрдам кўрсатмоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозироқ Совет Йиттифоқининг олий ўқув юртларида Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги кўпгина мамлакатлардан келган ёшлар таълим олмоқда.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида Ироқ, Ҳиндистон, Бирлашган Араб республикаси, Непал, Судан, Гвинея, Афғонистон, Яман ва бошқа мамлакатлардан келган студентлар ўқимоқда. Кейинги йилларда бу мамлакатлардан келиб, совет олий ўқув юртларида таълим олаётган студентлар сони муттасил ўсмоқда. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг ёшлари саноат, қишлоқ хўжалиги, медицина, педагогика, экономика соҳасида билим ва ихтисос олишлари мумкин бўлган Ҳалқлар дўстлиги университетининг ташкил этилиши мустамлака қуллиғидан озод бўлган ва озод бўлаётган мамлакатларнинг миллний кадрларини тайёрлаш ишида ғоят катта фойда келтиради.

1960 йилдаёк дўстлик университетига беш юзга яқин кишини қабул қилиб, кейинги йилларда университетдаги студентлар сонини уч-тўрт мингга етказиш мўлжалланмоқда. Ўзларининг бутун куч-ғайратларини ўз мамлакатларининг мустақиллиги, озодлиги ва равнақи йўлида сарфлаш иштиёқидаги ёшларни университет уларнинг ирқи ва динидан қатъи назар бир жойга тўплайди. Совет студентлари сингари чет эллик меҳмонлар ҳам бепул ўқидилар, стипендия оладилар, бепул медицина хизматидан ва ётоқхонадан фойдаланадилар. Ҳамма харажатларни, студентларнинг Москвага келиб, Ватанига қайтиб кетиши учун бўлган харажатларни ҳам Ҳалқлар дўстлиги университети ўз зиммасига олади.

Шу ҳол ҳам катта аҳамиятга эгаки, тегишли тайёргарлиги бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси бир йилдан уч йилгача бўлган муддатда тайёрлов факультетида ўқийди. Бу

эса университетга кирувчилар контингентини танлашнинг кенг демократик асосда бўлишини, капиталистик мамлакатлар шароитида олий ўқув юртига кириш учун сира имконияти бўлмаган кишиларнинг студент бўлишини таъминлайди. Кирувчиларнинг ёши ўттиз бешгача белгиланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Батанимиз қардош ҳалқларга ёрдам ташкил этишда ҳозирги кунгача кўпгина иш қилди. Совет ҳукуматининг ёрдами билан Бомбайда технология институти мувваффақиятли қурилаётганлигини биламиз. Институт учун ускуналар БМТ фондига Совет Иттифоқи тўлайдиган взнос ҳисобига ЮНЕСКОнинг кенгайтирилган ёрдам программаси асосида етказиб берилади.

Бундан ташқари СССР ҳукумати Ҳиндистон ҳукуматининг истагини ҳисобга олиб, Ҳиндистонга бир қанча илмий институтлар учун ускуналарни Совет Иттифоқидан белул, совға тариқасида етказиб беришга рози бўлди.

Совет Иттифоқининг ташкилотлари ишлаб чиқкан лойиҳага биноан дўстона Бирма пойтахти Рангунда 1960 йилда технология институтининг қурилиши тугалланади. Бу қурилниш совет мутахассисларнинг раҳбарлигига ва бевосита иштироки билан амалга оширилмоқда.

Ана шу ва бошқа фактлар аввало шуни кўрсатадики, Совет ҳукумати, бутун совет ҳалқи сўёда әмас, амалда Осиё ва Африка ҳалқларига ўз миллий экономикаси ва фанини тиклашда ва яратишда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқда. Бу эса табиий бир ҳолдир. Империализм ва мустамлакачиликнинг ҳалокати муқаррар әканлиги ҳақидаги улуғ Ленин таълимотига содиқ бўлган Совет Иттифоқи ҳалқлари Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги ўз биродарларига кенг кўламда ёрдам бермоқда. Шу сабабли бу мамлакатларда ҳалқимиз вакилларини шу қадар қизғин кутиб олиб, қўлимизни шу қадар самимият билан қисмоқдалар. Советлар мамлакатидан борган ҳар бир кишига қалб сўзларини айтмоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Осиё ва Африка ҳалқлари орасида шак-шубҳасиэ обрў қозондилар. Улар ҳақиқат қаердалигини, чинакам дўстона ва биродарона мададни қаердан излаш кераклигини тушунадилар. Шу сабабли ҳам улар Совет Иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилмоқдалар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетига келаётган кўпдан-кўп хатлар дўстлиги

университетининг жудаям вақтида барпо этилганлигидан далолат беради. Бу хатларнинг ҳар бири — бир инсоннинг биографияси ва айни вақтда унинг мамлакатдаги аҳволни акс эттирувчи ҳужжатdir.

Белгия Конгосида яшовчи ёшлардан бири қўйидаги хатни юборибди: «Биз бошдан кечираётган ўтиш даври интеллектуал ривожланиш учун ноқулайдир, ваҳолонки. Конго келгусида ўз зиёлиларига муҳтоҷ бўлади. Шунинг учун ҳам сизлардан Конгонинг содиқ фарзанди сифатида менга стипендия беришларингизни сўрайман. Стипендия, мен ишонаманки, ҳаётимини енгиллаштиради. Ҳозирги мавжуд шароитда мамлакатимиз учун зиёлilar кераклигини сизлар мендан кўра ҳам яхши биласизлар».

Танганьикалик йигит эса бундай деб ёзибди: «Сизлар биласизки, Танганьика ҳали ҳам қолоқ, кам ривожланган мамлакатdir. Олий ва ҳатто бошлангич маълумот олиш учун ҳам имкониятлар жуда чекланган. Британия мустамлакачилари ҳамда империалистлари бизларни шу қадар эзib-янчib келдиларки, улар томонидан жорий қилинган ўқиш-ўқитиш ишлари мутлақо етарли әмас. Шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, чет әлда маълумот олиш имтиёзига эришган кишиларнинг ҳаммаси кейинчалик Ватанга қайтиб, ҳалқ орасида маърифат тарқатиш ишида ёрдам бермоқ ишига бажонудил розилик бермоқдалар. Қувонч билан айтишим мумкинки, менинг ҳам асосий мақсадим шудир. Жексон Кэсси».

Йигирма тўрт яшар Ражаб Солиҳ Салимнинг хати: «Мен Занжибарда 1957 йил декабрда ўрта мактабни таомомладим ва шундан кейин шароитим кўтармаганлиги сабабли ўқишини давом эттира олмадим. Бир йилга яқин мен Занжибарда адвокатлар идорасида клерк бўлиб ишладим. Сўнgra денгизчилар союзининг бош секретари қилиб сайландим. Союзимиёнинг мақсади ҳалқаримизни империализм ва эксплуатация занжирларидан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан озод бўлишига эришишдан иборатdir. Сизларга маълумки, Шарқий Африка империалистик давлатларнинг зулми остида ҳолдан тойган эди. Африка ҳам ўз истиқболини яратishi керак. Сизлардан менга стипендия берилишини ўтиниб сўрайман».

Бенжамин Омбуро ўз мактубида бундай деб ёзади: «Менга Совет Иттилоқида ўқиш насиб бўлса, албатта граждан қурилиши ёки архитектурани ёхуд медицинани ўрганаман. Мен бунга СССРга бора олган тақдирдагина

эришишим мумкин. Капитализм ҳамда империализмга ишонмайман, менинг Кениям сингари мамлакатларда шундай түйғу ҳукмрон бўлиши керакки, бу түйғу мустақилликка эришилганида, империалистларнинг устун келишига имкон бермайдиган бўлсин».

Жуда кўп хатлар олинди. Бу хатлар Того, Кения, Сомали, Нигерия ҳамда Африканинг бошқа мамлакатларидан келмоқда. Ҳар бир хатда курашга отланган Африка қитъаси қалбининг зарби сезилиб турибди. Бу хатлардаги сўзлар нақадар самимий. Бу мамлакатларнинг ёшлари тажриба ва маълумот олмоқ ҳамда буларнинг ҳаммасини ўз Ватанига багишламоқ учун Москвага, Совет Иттифоқига нақадар зўр иштиёқ билан интилмоқдалар! Одамлар истиқболга ишонадилар!

Ушбу сатрлар муаллифига Латин Америкасига бориш насиб бўлган эди. Аргентина пойтахтида, Миллий университетда студентлар билан бўлган учрашув ҳеч қачон унутилмайди. Студентлар бизлардан Совет Иттифоқидаги олий таълим системаси ҳақида кўп нарсаларни жуда қизиқиб сўраб олдилар ҳамда суҳбатларда Москвага бориб ўқиш хоҳишини билдирилар.

Чилининг пойтахти Сант-Ягодаги университетдаги учрашувда ҳам Чили студентлари Москвада ўқиш истаклари борлигини билдирилар. Америкаликлар ўзларини хўжайин деб ҳис қилаётган ҳамда ватанпарварлардан қонли ўч олинаётган Панамада ёшлар бизлар билан суҳбатда Москвага бориш учун зўр иштиёқ билдирилар. Ҳамма жойда шу ҳолни кўрдик! Москва, Совет Иттифоқи тинчлик ва ҳалқлар дўстлигининг рамзи бўлиб қолди. Ёшлар ўз ўлкаларини чет эл ҳукмронлигидан озод ҳолда кўришни, ўз мамлакатлари экономикасини ҳар қандай чет эл капиталидан мустақил ҳолда барпо этишни, ўз маданиятларини ривожлантиришни истайдилар.

Совет Иттифоқининг дўстона мамлакатларга кўрсатяётган катта иқтисодий ёрдами нақадар беғаразлигини барча мамлакатларнинг ҳалқлари кўриб турганлиги учун ҳам Совет Иттифоқига ишонч ортиб бормоқда. Совет Иттифоқи шу давр ичida хитой ҳалқи учун, Ҳиндистон учун қанчадан-қанча иш қилганлигини санаб ўтиришнинг ҳожати борми? Бхилаидаги металлургия заводи — бунинг ишончли далилидир. Бирлашган Араб республикасининг ҳукумати билан Миср ҳалқи учун ғоят зарур бўлган Асвон тўғонини қуриш ҳақида яқинда тузилган шартномани айтмай-

сиёми! Еш Ироққа ҳамда Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатларга кўрсатилаётган ёрдам-чи! Буларнинг ҳаммаси қуруқ гап эмас, балки бу халқлар қалбига ишонч багишлаётган амалий ишлардир. Ёрдам ҳар томонлама кўрсатилмоқда: у ёки бу мамлакат доирасида бевосита иқтисодий ёрдам ҳам, Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртларида ёш мутахассис кадрлар тарбиялаб етиштириш ҳам шу жумлага киради. Кейинги йилларда Совет Иттифоқи халқлари билан Осиё ва Африка халқлари ўртасида таркиб топган ҳақиқатан ҳам олижаноб дўстлик, Латин Америкасидаги одамлар интилаётган дўстлик ҳам ана шу ёрдам самарасидир.

Путури кетган аммо ҳали ҳам қаршилик кўрсатаётган мустамлакачилик хомийлари ҳар қанча уринмасинлар, улар бутун дунё кўз ўнгидаги обрўсизланган ва халққа қарши бўлган империалистик гурӯҳлар байробги остида қандай антикоммунистик «семинарлар» ўтказмасинлар, барибир халқлар дўстлиги ва бирдамлиги ғоялари яшаб келди, яшамоқда ва яшайверади! Халқлар бирдамлиги ҳаракати кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда! Гвинея пойтахти Конакрида 10 апрелда чақирилаётган Осиё ва Африка халқлари бирдамлигининг иккинчи конференцияси бунинг далилидир.

Деҳли, Қоҳира, Тошкент, Аккра, Тунис ва ниҳоят Конакри — Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ҳаракатида босиб ўтган катта ва олижаноб йўлнинг босқичларидир. Бирдамлик ҳаракатининг ривожланишидаги у ёки бу босқичда вужудга келаётган ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, бу ҳаракат мустаҳкамланмоқда, чунки миллионларча кишиларнинг онгига сингиб бораётган тинчлик ва дўстлик ғояси, Совет Иттифоқи ҳукумати томонидан афкор оммага тақдим қилинган ёппасига қуролсизланиш ғояси тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Икки буюк қитъа халқлари Совет Иттифоқининг, унинг ҳукуматининг тинчлик учун қурашдаги олижаноб позициясини кўриб, бу позицияни қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бундай демоқдалар: Москва — тинчлик, дўстлик демакдир.

Ҳаёлга берилиб кетади киши! Бир неча йил ўтгач, бу ўқув юргини Африка, Осиё ва Латин Америкасидан келган ёшлар Халқлар дўстлиги университетини тамомлаганлик ҳақидаги аттестат билан битириб чиқадилар. Университет иомининг ўзи кўп нарсадан далолат бериб туради.

Бу ёш мутахассислар дунёдаги биринчи ишчи-деҳқонлар мамлакатида барпо этилган университетда ўқиган йилларини бутун умр бўйи эслаб қоладилар. Улар ўз Ватанларига баркамол, маълумотли кишилар бўлиб қайтадилар ва ўз мамлакатларининг мустамлакачилар оёқ ости қилган экономикасини жуда қисқа муддатда кўтариб олиш учун ҳамма чораларни кўрадилар. Улар қадимий маданиятни тиклаш, бу маданиятни ривожлантириш, ҳалқаро алоқаларни қайта тиклаш, ҳалқ орасидаги кўпдан-кўп талантларни намоён қилиш, маорифни кенг авж олдириш учун бутун чораларни кўрдилар.

Ҳалқлар дўстлиги университети дўстлик, биродарлик ва тинчликнинг чинакам маскани бўлсин!

Совет ҳалқи меҳмондўст ҳалқ ва у Осиё, Африка, Лалин Америкасидан келган студентларни қувонч билан кутиб олади ҳамда чин қалбидан бундай дейди: «Хуш келибсиз элимиэга, азиэ дўстлар!»

1960 йил, 28 февраль.

## ДЎСТЛАРИНГ КАФТИ

Эртак яратмаган халқ йўқ. Ҳалқнинг тарихиям, нафосатга муҳаббати-ю ўй ва донишмандлигиям шу эртакда ўз аксини топади. Қирғиз элида майин ҳажв билан сугорилган, теран фикрга бой эртаклар кўп.

Ўшалардан биттасини мен сизларга ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Қадим замонларда бир кампирнинг етти ўғли бўлар экан. Қунлардан бир кун кампир уларни ҳуэурига чақириб сўрабди: «Қани айтинглар-чи, ҳар бирингиз нима қилишни биласиэ?» Маълум бўлишича, ўғилларидан энг каттаси—мерган экан, ундан кичиги — уста изтопар, учинчиси — у ва бу дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни айтиб бера оладиган фолбин, тўртинчиси — молтопар, бешинчиси — кемасоз, олтинчиси — чопогон ва энг кичик еттинчиши — ҳар қандай душманни ҳам фош эта оладиган сирли сўёни билар экан. Бошлирига оғир, синовли кунлар тушганда ака-укалардан ҳар бирининг билими кунларига асқатиб қолипти. Етти ака-ука баҳамжиҳат иш кўришибди. Золим Тайбосхонни енгишибди. Душманни енгиб бўлганларидан кейин, қайси биримизнинг ҳунаримиз қадрлироқ, деб қизиқиб қолишитпи. Бироқ уларнинг бу саволларига ҳеч ким жавоб беролмапти. Эртак шундай мурожаат билан тугайди: сизлар ҳам ўйлаб кўринглар-чи, кимнинг ҳунари муҳимроқ?

Биз ўйлай бошлаймиз. Ўйлаймиэу, бироқ саволга жавоб беролмаймиз. Айниқса, Қирғизистонда бўлиб, у беҳад ажойиб ўлкани томоша қилиб, бамисоли ўша етти ака-укалардек бир ёқадан бош чиқариб, ҳар қайсиси ўз таланти, қобилиятига яраша янги ҳаёт қураётган меҳмон-

дўст, кўнгли очиқ ҳалқнинг шижоатини кўрганингдан қёйин, бу саволга жавоб бериш айниқса қийин...

Қирғизистонда рус адабиёти ўй кунлиги муносабати билан биз **Фрунзе** шаҳрига келдик. Гап самолёт бортидан тушишимиз билан дўстларимиз бизни ўз қучогига олгани устида әмас, гарчи бунинг ўзига яраша қувончи бўлса ҳам. Гап шундаки, кўрган-кечирганларимиз бу ўлкада ҳозир қандай янгиликлар содир бўлаётганини чуқур, қалдан ҳис этишимизга ёрдам берди.

Руслар билан қирғизлар ўртасидаги дўстликнинг илдизи жуда қадим вақтларга бориб тақалади. Бу дўстлик жуда узоқ вақтлардан, улуғ рус сайдиҳи ва олим Н. М. Пржевальский қирғизлар билан ҳамкорликда Осиёни ўрганишга киришган вақтдан бошланган. Бу дўстлик Михаил Васильевич **Фрунзе** йигитлик чоғларида дўстлари билан бирга Ола-төв ва Тянь-Шаннинг тоғли сўқмоқларида саёҳат қилган кеэларида бошланган. Бу дўстлик Октябрь революциясидан илгариёқ вужудга келган, гражданлар уруши йилларида, руслар билан қирғизлар ёнма-ён туриб оқ гвардиячиларга қарши курашган, қирғиз әлида эски тузумни сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан интилган ёт унсурларга қарши биргалашиб жанг қилган йилларида яна ҳам мустаҳкамланган. Бу дўстлик Улуг Ватан урушининг оғир йилларида, барча совет ҳалқи **Она-Ватан ҳимоясига** отланган йилларда ҳам катта синовдан ўтди.

Биз бу дўстлик самарасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу туйғу ҳамма ерда намоён. Қаерга бормайлик, биз янги Қирғизистонни кўрдик.

Республика заводларидан бири ишлаб чиқарадиган қишлоқ хўжалик машиналари Хиндистон ва Суря, Болгария ва Бирлашган Араб республикаси, Куба ва Руминия далаларида ишлайди деб ким ҳаёлига келтирибди дейсиз?! Бу эса бор ҳақиқат. Биз заводнинг кенг цехларида йигиладиган бу машиналарни томоша қилдик. Қирғизистон ўлкасининг ишчилар синфини — токарлик, фрезерлаш ва рондалаш станоклари ёнида турган ёғлик коржомадаги йигит-қизларни кўрдик. Биз уларнинг қирғиз ва рус шоирларининг шеърларини ўқишиларини эшийтдик. Бу воқеа кенг-кенг кўчаларнинг икки бетини узун-узун, шагамсимон тераклар безаб турган чиройли шаҳар — **Фрунзеда** содир бўлган эди.

... Совет ҳокимияти даврида қирғиз адабиёти ўсди, вояга етди. Аали Тўқўмбоев билан Тугўлбой Сидиқбеков,

Тўқтабўлот Абдумўминов ва Чингиз Айтматов, Қосимали Баялинов ва бошқа бир қатор ёзувчилар сўнгги йилларда санъаткор сифатида анча ўсдилар. Ҳудди шу йилларда ёш қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов кенг ўқувчилар оммасига танилди. Унинг ихчам-ихчам повестлари ўзига хос илиқлиги, одамийлиги билан ўқувчини ўзига ром қилиб олди.

Чингиз Айтматов Фрунзеда рус ёзувчиларини кутиб олиш маросимида рус адабиёти ҳақида шундай деган эди: «Ҳеч қайси адабиёт — на инглиз, на француз, на немис ва на Америка адабиёти бундай олижаноб тарихий вазифани ўтай олган әмас, улар на қиёфаси ва на шакли жиҳатидан ўзига қадрдон миллий адабиётни «туғдиролган» әмас. Юз йиллаб гарб маданияти таъсирида қолиб келадётган шундай улкан Африка қитъясида ҳам бирон гарб адабиёти таъсирида вужудга келган битта ҳам ерли халқ адабиётини учратолмайсиз. Самбен Усмон, Виктор Рид сингари бир қатор талантли ёзувчилар ўз асарларини инглиз, француз, португал ва бошқа тилларда ўзадилару, лекин ҳали ўз адабиётларига эга әмаслар».

Жуда тўғри гап, баъзан чет әлда Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги ҳақиқий биродарона муносабатларни бузуб кўрсатишга уринадиган кимсаларга яхши жавоб бўла оладиган гап.

Чингиз Айтматов фикрининг қанчалик ҳақлигини, қаерга бормайлик, ҳаёт тасдиқлаб турарди.

... Қирғиз университети остонасига қадам қўйганингда ажаб бир туйғу қамраб олади сени. Унинг аудиториялари кўп минг сонли студентлар колективи билан тўла. Турли миллат фарзандлари бўлган ўғил-қизлар шу бир том остига жамулжам бўлишган.

Россия Федерацияси ёзувчилари билан ўтказилган учрашувда шундай катта залга ҳам қўпчилик сигмади. Бу ерда қирғизлар ҳам, руслар ҳам, ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, украйнлар ҳам — ҳамма миллат вакиллари аҳил, иноқ ўқишиади. Ҳақиқий халқлар дўстлиги шу-да.

...Опера театрининг оғир пардалари кўтарилади. Қирғиз қўшиқлари, опералардан ариялар янграйди, ранг-баранг рақс сюиталари камалакдек товланиб, кўзни қамаштиради. Ҳалқнинг Совет ҳокимияти йилларида ўсиб-улғайган ўз маданияти бу. Бу маданиятда биз замонамиз руҳини, айни чоқда рус театр маданиятининг, бошқа Совет Иттифоқи халқлари маданиятининг таъсирини кўрасиэ.

**Сиз Фрунзе шаҳридан чиқасиз...** Автомашиналар сизни оромижон Иссиқкўл қирғоқларига әлтади. Бу кўл тўғрисида, кўлнинг қандай пайдо бўлгани-ю, қирғоқларида юз берган воқеалар ҳақида чиройли-чиройли афсоналар мавжуд. Кўм-кўк чўққилар билан ўралган тоғ кўлининг биллурдек мусаффо сувига тикилар экансиз, унда Қирғизистоннинг қадимий қаҳрамонона тарихини кўргандек бўласиз ва бу афсоналарни сира ҳам унумасам дейсиз.

Бу «афсона»лардан энг ажойиби — мана шу бизнинг янги ҳаётимиз. Бу ҳаёт — Иссиқкўл атрофидаги ерларда — тоғда техника билан яхши жиҳозланган қишлоқ ҳўжалиги вужудга келсин деб, меҳнат қилаётган кишилар шижаоти билан қурияпти.

«Новий путь» колхозининг раиси Михаил Яковлевич Смирнов бизни ҳўжалик ерлари, бодлари, чорвачилик фермалари — хуллас сўнгги йилларда яратилган барча бойликлари билан бирма-бир таништириди. Колхоз аҳолиси нинг ярми қирғизлар, ярми руслар экан. Кечқурун бадиий ҳаваскорлар концертида эса биз рус ва қирғиз қўшиқларини тингладик. Эртасига яна қўшиқ тингладик. Лекин бу сафар учрашув Темировка қишлоғидаги Владимир Ильич Ленин номли колхоз клубида бўлди. Ўқувчи қиз Жуэумкан Қадиргичева ўз дугоналари билан «Москва оқшомлари» қўшигини боплаб айтиб берди.

...Жаҳонда жуда кўп чиройли шаҳарларни қўриш, кўплаб ажойиб дўстларни учратиш мумкину, бироқ қўл сиқишиганде қалбининг бор қўрини узатадиган биродарларнинг кафти тафтини сира-сира унтиш мумкин эмас.

1962 йил.

# ДҮСТИМИЗ ФАЙЗ

## Файз Аҳмад Файзга очиқ хат

Азиз дўстим!

Сени Москва аэроромида кузатар эканмиз, орадан сал вақт ўтар-ўтмас сенга оддий хат орқали әмас, газета орқали мурожаат қилишга мажбур бўлар, деган фикр хаёлнимга ҳам келмаган эди. Газета орқали мурожаат қилишимнинг боиси шуки, бу хат сен ҳибс этилган қамоқ деворларидан ошиб ўтиб, сенга етишига ишончим комил.

Тошкентда бўлиб ўтган ва биз сени кўришга мусассар бўлган Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг ёпилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бу конференциядан, қирқдан ортиқ Осиё ва Африка мамлакатларидан келган ёзувчилар билан учрашувлардан олган таассуротларимиз ҳали кўз ўнгимизда. Биз кўплаб делегатлар билан ёзишиб турибмиз. Афсуски, ёглиз сенга хат ёзиб, жавоб олиш имкониятидан маҳруммиз.

Бундан деярли ўн йил муқаддам, 1949 йилнинг ноябринда, бир группа совет ёзувчилари Николай Семёнович Тихонов билан биргаликда Покистонда бўлган эдик. Сен билан ўшандан бери танишмиз, азизим Файз. Уша, эски дўстлигимиз ҳаққи, сен ва сенинг оиласиг учун оғир бўлган шу кунларда хат ёзиб, яна бир марта мен ва дўстларим, совет ёзувчилари жўшқин шоирона қалбингни, чин инсоний қалбингни яхши биладиган бутун жаҳон ёзувчилари сенинг тўғрингда нималар ўйлаётганимизни ёзгим келди.

Биз Покистонда бўлган вақтимиизда халқ орасида қанчалик машҳур эканлигингнинг гувоҳи бўлган эдик. Ҳатто саводи йўқ кишилар ҳам сени: «О, бизнинг Файзимиз! Унинг шеърларини бутун Покистон халқи билади!» дейишган эди.

Шеърларингнинг маэмуми ва мусиқийлигига мафтун

бўлган минглаб тингловчиларинг адабий кечаларда уларни кетингдан такрорлашарди. Сени ўша вақтлардаёқ машхур шоир Иқболнинг меросхўри деб аташарди.

Покистондан қайтиб кетганимиздан кейин орадан кўп ўтмай, сени нотўғри айблаб ҳибсга олишганини ва қамоқ-қа ташлашганини эшидик. Беш йилга яқин зинданда азоб тортдинг, бироқ улар на руҳингни, на ҳақиқатга ишончингни синдира олишди. Мана бу сатрлар худди ўша зинданда битилган әмасмиди:

Қаламимни олдилар-ку,  
қайфурайми мен?  
Оловланган қалб қонига тегди қўлларим.  
Боғладилар, гапирмасин дея тилемии...  
Тил билаймас,  
Вужудим-ла сўзлагайман мен!

1956 йилнинг декабрида Ҳиндистоннинг маркази Деҳлида бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференциясида, азизим Файз, шоирларнинг традицион мушоирасида сенинг ўз оғзингдан мана шу мардонавор сатрларни эшидик. Қамоқда кечган йилларинг чакканга қирор ташлабди-ю, лекин шеърият қалбини сўндиrolмабди.

Сени Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчилари конференцияси муносабати билан Ўзбекистонимиз тупроғида кўрганимиздан, ниҳоят Москвада кутиб олишга мусассар бўлганимиздан қанчалик бошимиз осмонга етганини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ўн йил муқаддам биз сенинг она шаҳринг Лохўрда бўлган әдик, биз ҳам сизнинг меҳмондўстлигинги гизга меҳмондўстлик билан жавоб қилишни жуда истардик.

Ўша, биринчи учрашувимиздан бери жаҳонда жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бироқ сен ўша, ажойиб шоир, катта, меҳрибон дўстимиз Файзлигингча қолдинг.

Бир куни мен сендан дунёда энг яхши кўрган нарсанг нима, деб сўраган әдим. «Ўз халқим, ўз Ватаним, ўз тупрогим»,— деб жавоб берган әдинг. Бу — жуда катта туйғу ва биз уни жуда яхши тушунамиз. Бу туйғуни шунинг учун ҳам тушунамизки, биз ажойиб Покистон халқи билан яқиндан танишдик, унинг ажойиб маданиятини, меҳнат-севарлигини, озодлик ва мустақилликка бўлган қаттиқ интилишини ҳис этдик. Покистоннинг маркази Қорачида

ҳам, гўзал шаҳар Пешаворда ҳам, ажойиб Лохўрда ҳам, Панжобдаги деҳқон хонадонларида ҳам ҳис этдик буни. Биз ўз ҳалқингни бу қадар севишинг, ўз қўшиқларингни унга бағишлишинг боисини яхши тушунамиш.

Азизим Файз! Биз бошингга тушган мусибатдан қаттиқ ташвишдамиш. Сени озодликдан яна маҳрум этишди, қаламингни тортиб олмоқчи бўлишди. Бу гайри табиий ҳол. Сен Покистон гражданисан, бироқ сен яратган шеърият умуминсониятники. Шоир эркин бўлмоғи лозим. У ўз ҳалқига, ўз юрти осмонига, қадрдан манзаралар — ҳалқининг бетакрор ҳаётини ташкил этадиган барча нарсаларга садоқати ва муҳаббатини эркин куйламоғи лозим.

Қадрли Файз! Биз сенинг ҳам, шеъриятингнинг ҳам таҳқиrlанишидан қаттиқ нафратланмоқдамиш. Покистон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги дўстларингнииг овози қамоқҳонанинг қалин деворлари оша сенга етиб бораётганига ишонамиш. Жаҳоннинг барча холис адабиёт аҳли сенинг озод қилинишингни талаб қилиб, норозилик билдиromoқдалар.

Биз Қоҳирадаги Осиё ва Африка ҳалқлари бирдамлиги кенгаши ҳам сени ҳимоя қилиб мактуб йўллаганини эшишиб, беҳад қувондик. Совет ёзувчилари ҳам сенинг зудлик билан озод қилинишинг тўғрисидаги талабномага қўшилдилар. Биз Покистон ҳукумати ҳозир ер куррасининг бешала қитъасидан жаранглаётган адолат талаб овозга қулоқ солади, деган умиддамиш.

Яқин кунлар ичida турма катагидан Покистоннинг машҳур булбули, ажойиб дўстимиз, Осиёнинг улуғ шоири — Файз Аҳмад Файзнинг учib чиқишига ишончимиз комил.

Мана шу сатрлар ҳозирги кунда жаҳондаги барча мамлакатларда әшитилаётган кўплаб мактублар қаторига қўшилсин ва яна бир марта биз ҳамиша сен билан бирга эканлигимизни эсга солсин, деймиз, азиз дўстим!

Ҳақиқат тантана қиласи!

1959 йил, 10 февраль.

### Файз қалбининг қўри

Ҳар биримизнинг ҳаётимиизда жуда кўп учрашувлар бўлади. Улардан баъзилари оқин дарёдаги хас-чўпдай хаёлимиздан четлаб кетади, баъзилари эса бор тафсилоти

билин хотирамиэда абадий қолади. Бундай учрашувлар ёқкан ўтнинг қўри қалбингизни илитади ва сира ҳам сўнмайди.

Файз Аҳмад Файз билан биринчи марта унинг уйида, Покистоннинг гўзал шинам шаҳарларидан бири Лохўрда бундан ўн уч йил муқаддам, биз совет адабиёт аҳли Покистон прогрессив ёзувчиларининг конференциясига борганимизда учрашган эдик. Николай Тихонов, Мирзо Турсынзода, Ойбек ва мени Файз оиласи жуда илиқ кутиб олди. Юртимиз ҳақидаги ҳақиқатни Осиёда ҳали кўпчилик билмасди. Лекин шунга қарамай, Покистонда Лениннинг номи маълум эди. Биз кулбаларнинг лой деворларига ишланган беш қиррали юлдузлар ва Файзнинг она тилиси — урду тилида ёзилган «Совет Иттифоқидан ўрнак олайлик!» шеърларини кўрдик.

У кунларни унудишиш қийин. Ўша кезларда қурувчилар шарқнинг машҳур шоири Иқболга мавзолей қуришаётган эди. Бир куни Файз иккаламиз мавзолей ёнида турган эдик. Унинг рўпарасида инглиз колонизаторлари томонидан қурилган қамоқхонанинг совуқ деворлари қад кўтарган эди. Шунда Файз «Энг яхши кишиларимиз мана шу панжаралар орқасида азоб чекмоқдалар»,— деди. Орадан сал вақт ўтмай Файз Аҳмад Файзнинг ўзи ҳам ўша панжара ортига ташланди. У бир неча йил умрини қамоқда ўтказди. Ўша оғир кунларни эслар экан, ҳазиллашиб: «У ерда, ҳар қалай, шеър ёзишим мумкин эди. Бўш вақтим сероб эди», дерди. Бу шеърлар бизда нашр этилган. Улар ўз ҳалқи озодлиги йўлидаги толмас курашчи, ажойиб лирик қаламига мансуб шеърлар.

Файз Аҳмад Файз букилмас иродали, ёруғ келажакка ишонган одам. Қалбининг бор қўрини шонли, меҳнаткаш ҳалқига бағищлаган курашчи-шоир, катта давлат арбобининг шижаот тўла ҳаёти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Файзнинг номи Осиё ва Африкада ҳалқчиллик ва кураш тимсоли бўлиб хизмат қиласди. Биз, совет ёзувчилари Файзнинг катта йиғинлардаги нутқини кўп марта эшитганмиз. Мухлислари унинг шеъриятини қандай кутиб олишларини икки-уч оғиз сўз билан ифодалаб бериш қийин. Биз унинг шеърларини Деҳлида ҳам, Лохўрда ҳам, Тошкентда ҳам, Москвада ҳам тинглаганмиз. Бу шеърларнинг жозибаси беҳад.

Бизнинг давримизда кўпчилик шеър ёзади. Бироқ ўз ҳалқи орзу-умидларининг ифодачиси бўлиш ҳар кимга

ҳам насиб бўлавермайди. Фақат ҳалқининг қалб уришини әшитадиган, унинг юракдаги ўйларини тушунадиган шоиргина ҳалқ шоири деб аталиши мумкин. Покистон ҳалқининг жасур, камтарин, талантли ва оқил фарзанди — дўстимиз Файз Аҳмад Файз худди ана шундай шоирлардандир.

Сени кўрмоқ насиб бўлди бизга,  
баҳтдир бу!

Юраклардан юракларга оқар ҳайқириқ —  
Файз Аҳмад Файз,  
оташ юрак...

оловли туйғу,  
Дўстлик учун,  
тинчлик учун,  
яша айқириб!

\*\*\*

1962 йил, 1 сентябрь.

# ОЗАРБАЙЖОН ЮЛДУЭЛАРИ

Ҳамма нарсанинг бунчалик тез ўзгаришига ақлингиз ҳайрон қолади. Каспий денгизини кесиб, ҳисобсиз нефть вишкалари қад кўтарган Боку шаҳрига яқинлашар экан-сиз, дафъатан кўзингизга шаҳарда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмагандай туюлади. Лекин бу биринчи таассу-ротгина холос. Шаҳар икки йил бурун шундай эди, лекин бугун аҳвол бутунлай ўзгача. Бу сернашъя баҳор оқшоми-да Боку осмонини юлдузлар чамани қоплаган. Бугунги оқшом худди ўша-ўша, бироқ ерда эса катта ўзгаришлар юз берган: ҳалқаро муносабатларга арзигудек аэропорт вужудга келган бу ерда.

Сиз ўттиз чақирим наридаги меҳмонхонага йўл ола-сиз, машина ойналарини очиб, нефть иси келиб турган тунги соғ ҳавони симирасиз. Яна саноқсиз нефть вишка-ларига кўзингиз тушади — Боку сизга ўзининг бор ҳусн жамолини кўз-кўз қиласётгандай бўлади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Гўзал, серқуёш баҳор тонги отиши билан шаҳар бор латофати билан намоён бўлади сизга. Балки, шаҳарда айтарлик ўзгаришлар рўй бермагандир? Йўқ, ўз-гаришлар бор, бўлганда ҳам жуда катта. Миллион аҳоли-га эга бўлган бу шаҳарда қурилиш сира тўхтамайди. Янги туарар-жой кварталлари, янги замонавий архитектурага биноан қурилган Озарбайжон фанлар академияси. Янги институтлар. Янги касалхоналар. Буларнинг ҳаммасини сиз макетда эмас, амалда, тайёр ҳолда кўрасиз. Боку илга-рилари тап-тақириб чўл бўлган, кучли шамол эгалик қилган ерлар ҳисобига қун сайин, бўйи ва энига кенгайиб бормоқ-да. Боку узра эса, порт ҳамда шаҳарнинг ҳаёт қайнаган ерида Сергей Миронович Кировга қўйилган ҳайкал фи-руза осмонига қараб бўй чўзиб турипти. Унинг: «Ютуқла-

римиз чиндан ҳам катта. Ростини айтсам, ўлай агар, жуда-жуда яшагим келади», деган сўзлари ҳозир ҳам қулоғингиз тагида жаранглаб тургандай бўлади.

Биз бу ерда II Совет Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги конференцияси ўтаётган кунларда бўлган эдик. Россия Федерацияси, Озарбайжон, Ўзбекистон, Грузия, Қозогистон, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон делегатлари колониализм ва империализмга қағши курашда Осиё-Африка бирдамлик совет комитети нинг бундан кейинги қиласидаги ишлари программасини белгилаб олиш учун тўпланганилар. Ўша кунлари Бокуда Осиё ва Африка мамлакатларидан келган меҳмонлар ҳам бор эди. Ҳудди шу кунларда бутун республика аҳли Озарбайжоннинг Россия составига қўшилганлигининг бир юз эллик йиллигини тантанали равишда нишонлаш учун қизғин тайёргарлик олиб бормоқда эди.

Бу кайфият ҳар қадамда сезилиб турарди. Транспортлар ва плакатлар, Москва театрларининг афишалари кўзга ташланар, шаҳарда аллақандай байрам кайфияти ҳукмрон эди. Гулистон тинчлик сулҳи тузилиб, бу сулҳга биноан Озарбайжон хонликлари Россия составига киргандан бери орадан ўтган бир ярим асрлик даврда Озарбайжон ва Россия халқлари катта йўлни босиб ўтдилар. Чор Россияси бу ишга қўл урар экан, турган гап, Озарбайжон халқи ва экономикасини ўзига тобе қилиб олиш ниятида очиқдан-очиқ ўзининг колонизаторлик мақсадларини кўзда тутган эди. Шунга қарамай бу сиёсий акт тарихий келажакда икки томон учун ҳам фойдали бўлиб чиқди.

XIX асрда яшаган Озарбайжоннинг йириқ файласуф ва маърифатпарвари М. Ф. Охундов шундай деб ёзган эди: «Рус давлатининг ҳомийлиги орқасида биз ўтмишда содир бўлиб турган босқинчи тўдаларниң тинимсиз юришлари ва талашларидан қутулдик ва ниҳоят, тинчликка эришдик». Октябрь революциясигача ўтган даврда ва революция амалга оширилган кунларда рус ва Озарбайжон халқлари қанчалик бир тан-бир жон бўлиб кетганилари ҳаммага маълум. Бу ердаги ҳар бир тош ҳозир ҳам бу икки халқ пролетарларининг биргаллашиб олиб борган курашларини эслатиб туради.

Халқларимиз бирлиги ва биродарлигини 26 Боку комиссарлари ҳайкални ёнида ёқилган агадий аланга ёнида ҳам яққол ҳис этасиз. Турли халқлар фарзандлари

Қавказда Совет ҳокимиятини тиклаш давридаги оғир йилларда ҳам бир ёқадан бош чиқариб, баб-баробар қаҳрамонлик күрсатдилар. Улар ўз фидоийликлари билан революция ишига хизмат қилишда мисли қўрилмаган намуна бўлдилар. Бокудаги бокулик комиссарларга ҳайкал қўйилган кичкинагина паркда болалар ўйнашади. Мана энди шу мармар плиталар остига қўйилган ажойиб кишиларимизнинг невара ва чеваралари учун ҳамма нарса муҳайде.

... Биз СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Василий Семёнович Емельянов билан бирга навқирон шаҳар Сумгaitга кетаётган эдик. Аввалига тақдир мени Бокуда бақамти келтирган бу олимнинг қиёфасини Торнайдиковнинг «Рус мўъжизаси» картинасида тасвирангган образга сира ўхшатолмадим. Бироқ Сумгaitга қараб йўл олган дастлабки дақиқаларданоқ бу ҳали унча кексайманган, жуда камтарин ва ҳайрон қоларлик даражада хотиржам одам худди ўша фильмда тасвирангган одамнинг ўзгинаси эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Унга бу ерда ҳар бир квартал, ҳар бир уй, ҳар бир кўча таниш экан. Ушу ерда варақалар ёпиштирган, бир вақтлар шу ерда «Правда» ни тарқатиб, телефон алоқасини тиклаган, худди шу ердан ҳаётини хавф остида қолдириб разведкага жўнаган...

Бокуда бўлган кунларимиз давомида ёшлар олдида нутқ сўзлаганида ҳам, тенгқурлари, бундан қирқ йил мұқаддам Василий Емельянов билан бирга революция учун курашган, ҳозирда соchlари оппоқ оқариб кетган нуроний озарбайжонликлар билан учрашиб қолганида ҳам унинг қўзлари аллақандай нурланиб кетганини ўз қўзим билан қўрдим. 1964 йилнинг мана шу май кунларида Василий Семёновичнинг иши айниқса кўпайиб кетган эди. Ҳамма уни кўришни, ундан фақат ўтмиш ҳақидаги ҳикояларниги на эмас, ҳозирги — бутун умрини багишлаб келаётган атом энергиясини тинчлик мақсадида фойдаланиш хусусидаги ажойиб ҳикояларини ҳам тинглашни истарди.

Биз Озарбайжоннинг навқирон шаҳарларидан бири Сумгait ҳақида олдин ҳам эшитган, ўқиган эдик. Бироқ ҳар қанча ўқиганинг, эшитганинг ўз кўзинг билан кўрганда олган таассуротингга етмас экан. Нефть ва химия шаҳри бўлган Сумгaitнинг келажаги порлоқ. Бундай шаҳарларни, биз одатда, проектларда кўриб ўрганиб қсангимиз, бироқ сўнгги йилларда қуриб битказилганлари ҳам талайгина.

Кўм-кўк Каспий денгизи ҳар уй бўсағасида чайқалиб ёт-  
гандай туюлади. Шаҳарда битта ҳам девор кўринмайди.  
Ҳамма ёқ очиқ, ҳамма нарса худди кафтингизда тургандай  
яққол кўринади. Бизга жилмайиб: Сумгaitда иенсионерлар  
йўқ дейишади. Буни пенсионерларни хафа қилиш учун ай-  
тишмайди. Шаҳарнинг барча аҳолиси ёш бўлганлиги учун  
шундай дейишади. Шаҳар ўн бешдан энди сал ошган, хо-  
лос. Ҳар уйнинг олдида болалар майдончаси, қум, аргим-  
чоқ, турли ўйинлар — болаларга эътибор эўрлиги шун-  
дайгина билиниб турибди. Ёш ниҳоллар ўтқазилган.  
Нуда дарахти тўқ пушти ранг бўлиб гуллаб ётипти. (Сум-  
гаҳт манзарасига номи сира тўғри келмайдиган бу да-  
рахт номини жуда ўзгартириб юборгим келиб кетди!)  
Биз Самад Вурғун номига қўйилган кўчада тўхтадик.  
Тўхтаган еримиздаги уй деворига шоирнинг бизга жу-  
да таниш бошининг горельефи ишланган. Тошга шоирнинг  
қисқача таржимаи ҳоли ўйиб битилган. Сумгaitда қирқ  
беш миллат фарзандлари яшайди — чиндан ҳам ҳалқ-  
лар дўстлиги шаҳри бу. Озарбайжонликлар, меҳмони  
йўқ уйнинг баҳти йўқ, дейишади. Бу ердаги одамлар-  
нинг ҳаммаси баҳтли. Сумгaitда меҳмонлар жуда кўп.  
Бошқа ерларда ҳам шундай.

Биз, бирдамлик конференцияси делегатлари Осиё ва  
Африка мамлакатларидан келган меҳмонлар билан бирга  
Каспий нефтчилирининг меҳмони бўлдик.

Менинг эски дўстим, Каспий денгизидан биринчилар-  
дан бўлиб нефть олишини ўзлаштирган Социалистик Меҳ-  
нат Қаҳрамони Қурбон Аббосов шу куни айниқса хур-  
санд эди. У ажойиб шаҳарча — атрофида шўр денгиз су-  
ви чайқалиб ётган қозиқ оёқда, Қоҳира, Деҳли шаҳарла-  
рида учрашган дўстларини қаршилаб олмоқда эди. Бугун  
у озарбайжонликларнинг меҳнат самаралари ҳақида ҳи-  
коя қилиш билан кифояданиб қолмай, уларни бирма-бир  
кўрсатишга ҳам қодир. У одатдагидек камгап кўринса-  
да, жуда сертакаллуф эди.

— Мана бу биринчи қўйган вишкамиз,— дерди у, та-  
гига хотира таҳтаси ўрнатилган эски бир вишкага ишора  
қилиб.— Мана бу биринчи қурган уйимиз...

Хозир бу ернинг теварак-атрофида уйлар ҳам, вишка-  
лар ҳам ҳисобсиз бўлса-да, кишининг биринчи қилган  
иши айниқса юракка яқин бўлади. Биз денгиз узра ётқи-  
зилган пухта тўшама йўл бўйлаб яшил грузовикларда  
сайр қилдик. Машииада анголаликлар ва мозамбилик

ажойиб шоир Марселино де Сантос бирга ўтиришган эди. Марселино де Сантос теварак-атрофга ўйчанлик билан тикилиб ўтирар, ғамгии кўзларида чуқур қайгу акс этарди. Мен ундан:

— Нега маъюссан, Марселино? — деб сўрадим.

— Мозамбикни ўйлаяпман. У ерда ҳали халқнинг ўзи хўжайин эмас.

Қурбон Аббосов қўлини Марселинонинг елкасига ташлади.

— Ўзи хўжайин бўлади. Албатта бўлади. Биз ҳам авваллари ўзимиз хўжайин эмас эдик, мана қара, энди қандай хўжайин бўлиб олганми!

Озарбайжоннинг қандайлигини кўрдингиэм! Ҳамма бир-бирига ога-ини, дўст. Барча меҳнаткаш ва қувноқ. Олим ва уста, ажойиб рассом ва қурувчи, қўшиқчи ва деҳқондир улар. Меҳмон кутишни ҳам, бошқа халқларга ёрдам беришни ҳам биладилар. Озарбайжонга борган ҳар қандай одам бу биродарона дўстлик ва муҳаббатни қалбдан ҳис этади.

Озарбайжонда ҳалқ шоири Расул Ризонинг қуийидаги шеърини ҳамма яхши билади:

У қўрқмасдир,  
бизнинг оға,  
Жаҳон уэра даст қўтарган,  
Октябрнинг туғини!  
Зиндонлар ҳам гумдан бўлди,  
баҳорлардан завқ олиб,

Бир уммонга қўшилдилар  
денинзлар ҳам чайқалиб.  
Порлоқ ҳаёт сари юрдик,  
рус ҳалқига шарафлар!

Мана шу тантанали, унудилмас кунларда Озарбайжон халқига: муҳаббатимиз ҳам, дўстлигимиэу садоқатимиз ҳам ҳамиша сиз билан бирга, дегим келади.

Озарбайжон юлдузларига шон-шарафлар бўлсин!

1964 йил.

# НОВОРОССИЙСК КУРАНТЛАРИ

Рўпарамда бир фотосурат: новороссийсклик тўртта болакай. Улар ҳаммаси бу ёшда пучуқ ва бўлар-бўлмасга кулаверадиган бўлишади. Уларнинг ҳаммалари ҳам ҳали ташвиш нима-ю, катта масъулият нималигини татиб кўрмаган бошқа болаларга ўхшаб ўта қувноқ. Мана улар — уч қизалоқ ва ўқувчилар телпагини кийган бир ўғил бола. Улар янги шаҳарда, бир йил давомида минглаб километрга чўзилиб кетган фронтнинг жанубий қаноти бўйлаб турган, ҳаробазорда қайта қад кўтарган шаҳарда яшайдилар. Улар тарихи ҳозирда ҳаммага маълум бўлган, қаҳрамонлари жасорати билан шуҳрат қозонган шаҳарда яшайдилар. Новороссийск бизни уруш йилларида ҳайрон қолдирган эди, у ҳозир ҳам ўзига хос меҳнат жараёни билан ҳам, гавандга хотиржам тутунини буруқсатиб турган денгиз транспортлари билан ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Қирқ мамлакат байроги остида кемалар Цемесск кўрфазига кириб лангар ташлайди. Бу — Қора денгиз бўйлари учун олиб борилган шиддатли жанглар вақтида бадфеъл Кавказ тоғлари ярим оролида тўкилган қонлар эвазига қўлга киритилган янги куннинг тимсоли бўлиб кўринади. Майли, болалар кулаверишсин; мактабдан чиққандан кейин портфелларини кўтариб чопқиллашсин... Ҳозир бу ярашади... Бироқ уларнинг ҳар бири жонажон шаҳарларида бундан кўп йил муқаддам қандай воқеалар содир бўлганини билишлари керак.

...1943 йилнинг сентябри. Новороссийск қийноққа солинган. Тор-мор келтирилган. Фронт линияси «Октябрь» номли цемент заводини иккига бўлиб турарди. Суткасига 24 соатлаб жанг борарди. Нефть қувиш флоти Бошқармасининг бошлиги, яқингинада ҳам шаҳар партия коми-

тетининг секретари бўлиб ишлаб юрган Орест Александрович Сичеников қўлида автомат билан цемент заводи нинг ҳовлисида яшириниб ётибди. У шу ерда яраланган эди. Яна ўз отрядига қайтиб келган. Ҳозир Сичеников бу ҳақда жуда қурумсоқлик билан гапиради, жуда узоқ хотира, дейди.

Ҳозир шаҳар кун тартибида зарур масалалар кўп: уйжой, магазинлар қуриш, шаҳарни планлаштириш, боғ, хиёбонлар барпо этиш, цемент заводларида янги печларни ишга тушириш керак. Уруш аллақачонлар тамом бўлган. Лекин уни ҳали ҳеч ким унугтани йўқ. Шаҳар майдонларида ёдгорликлар ҳам әслатиб турибди уни. Баъзан эса ҳали-ҳали уни әслатадиган кўнгилсиз воқеалар ҳам содир бўлиб қолади. Масалан, бир куни, узоқдан худди уйқуга кетган дельфинга ўхшаб, тўлқинларда аста чайқалиб денгиз тувида ётган мина сув юзига чиқиб қолди. Тўлқинлар уни суриб келиб қирғоққа урди...

Новороссийски штурм қилинган сентябрь оқшомида биз туни билан Цемесск кўрфазида бўлаётган жангни кузатдик. Портлашлар, проекторлар ва қудратли «Катюша»лар нурида кўрфаз қозон бўлиб қайнарди. Илк тонгда Новороссийск портида тинмай ўқ ёғилиб турганига қарамай, кичкина кемачалар — соқчи десант катерларини кўриш мумкин эди. Уларда солдат ва денгизчилар келтирилган эди. Тонг палласида бу кемалар яна Геленджикка қайтиб кетишди. Кўрфаэда немис снарядларидан сув фонтанлари кўтарилоқда эди. Ўша куз биз соқчи катерлар қўшилмасининг командири капитан-лейтенант Николай Иванович Сипягин ва унинг ўртоқлари билан қаттиқ дўстлашиб қолдик. Геленджикда қанча оқшомларни бирга ўтказдик. Сипягиннинг ҳамиша иши кўп бўларди. Жануб тунларида ўз катери билан Кичик ерга неча марталаб бориб келган. Бу орада Кичик ерга тушириладиган десант командири — Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ілмар Львович Куников ҳам оламдан ўтиб бўлган эди. Қаламини қурол билан алмаштирган журналист Кичик ерга ҳалок бўлди. Новороссийски штурм қилишининг ҳал қилувчи куни белгиланган соатга қадар Мисхакода қаттиқ туриб берган бу десантни тушириш қандай амалга оширилгани ҳақида бизга Сипягин қисқа қилиб гапириб берган эди. Ниҳоят, штурм куни ҳам етиб келди.

Кемаларимиз Дооб бурунини айланиб ўтиб қайтиб келишмоқда эди. Баъзилар қулочкашлаб сузиб келишарди.

Улар ўқ тегиб тешиб ўтган кемадаги денгизчилар әкан. Биз эски, бузук автомашинада Геленджикка қараб елиб кетдик. У ерга бирин-кетин бу ердагилар Тюлькиннинг флоти деб атайдиган десант кемалар етиб келмоқда эди. Денгизчилар сакраб-сакраб қиргоқقا ўтиб олишар, согломлари ярадорларга кўмаклашишарди. Ниҳоят, Сипягиннинг қайифи ҳам қўринди. Биз командирни дарров қўлтигидан олдик.

— Новороссийск бизники! — деди ҳорғин. У чанг бошиб, қорайиб кетган эди.— Қанча ажойиб йигитларимиздан ажралдик...— шундай деди-да, қўногига қараб кетди.

Биз ундан жанг тафсилотларини гапириб беришини кутардик. Аммо у индамас, ютоқиб сув ичарди...

Орадан бир неча соат ўтгандан кейин эса биз цемент заводларини бир-бир босиб ўтиб, тутаб, дуд босиб ётган Новороссийск бўйлаб юриб бораардик. Кинооператорлар билан бирга «Пролетарий» заводининг бир тасодиф билан сақланиб қолган дарвозасига қизил байроғимизни тиккан жангчиларни табриклаганимиз ҳали-ҳали эсимда.

Буларнинг ҳаммаси менга 1964 йил баҳорини ҳам эслатди. Ўшанда биз Николай Сипягин ва Цезарь Куников монументи ёнидаги қаҳрамонлар майдонида туардик. Сипягин Совет Йттифоқи Қаҳрамони номини олгандан кейин, десантни эсон-омон ўtkазиб қайтиб келаётганида, Керчъ бўгозида ҳалок бўлди.

Новороссийск музейида Римский-Корсаковнинг «Олтин хўрзча» операсининг клавири сақланади, унда Новороссийск озод этилган куни қилинган ёзув бор: «Чалиш мумкин — мина қўйилмаган. Сержант Бояркин». Сержант Бояркин оккупантлар вақтинча эгаллаб турган бинолардан биридаги роялни минадан тозалаган. Бу ёзув гўё Новороссийскнинг мусаффо Қора денгиз ҳавосидан яйраб нафас олиб ўсаётган барча янги авлодга қаратса огоҳлантириб айтилгандаи туюлади кишига.

Қаҳрамонлар майдонидаги абадий шоп-шуҳрат машъали ёнида Дмитрий Шостакович томонидан ёзилган «Новороссийск курантлари» мотам марсиясидек жаранглайди.

Биз КПСС ўлка комитети секретари Качанов ва барча новороссийскликлар билан бирга Қаҳрамонлар майдонидаги монумент ёнида турибмиз.

Энди хушчақчақлик қилиш ҳам, қуриш, ҳаёт нашъ-

асини суриш, яшаш ҳам мумкин. Бу ҳол ҳар қадамда кўриниб турибди.

Новороссийск — улкан порт.

Унинг мамлакатимизга ва бошқа хорижий мамлакатларга энг яхши цемент етказиб бериб турган заводлари тинмай ишлаб турибди.

«Октябрь» заводининг дарвозаси олдида баланд постаментга юқ вагонининг темир асоси ўрнатилган. Вагон Новороссийскнинг бутун жангномаси давомида шаҳарнинг алангали бўсағасида мағрут туриб берди, ҳозир ҳам совет ҳалқи қаҳрамонлигининг тилсиз гувоҳи сифатида қад кўтариб турибди.

Дафъатан кирган кишига завод ҳовлисида галати осоишишталик, озодалик ҳуқмронликдек туюлади. Цемент чанг булутидан иборат эканми дейсиз. Лекин сиз янгишган бўласиз. Бу ерда қадди-қомати келишган, ишчи коржомасидаги гул тутган қизлар юришади, фақат печкаларнинг оғир буралиши-ю, таги бориб ёнма-ён саф тортган тўртта трубага айланганини кўрасиз.

Бизни, бутун умрини цементга бағишлигар завод директори Борис Дмитриевич Косенко кутиб олди. Ҳозир у бизни завод идорасига бошласа керак, деб ўйладик... У эса бизни заводга кираверишдаги шинамгина хонага бошлайди, шу ерда ўтириб суҳбатлашамиз, унинг цементнинг туғилиши тўғрисида батафсил, шоирона ҳикоясини тинглаймиз.

— Бизнинг цементимиз учун табиатнинг ўзи нодир хомашё тайёрлаб қўйган,— дейди қўлидаги кўрсаткични девордаги цемент олишнинг технологик процесси схемаси устидан юргизиб.— Бу хомашё — мергель, унга биз шундай деб ном берганмиз. Атрофимизни ўраб турган тоғлар шу хомашёning кони, қадимги вақтларда у ерлар денгиз туби бўлган экан. Бу хомашё, денгизда яшаган микроорганизмларнинг совути. Бу хомашёни майдалаб ўтиришимизнинг ҳожати ҳам йўқ. Табиатнинг ўзи уни биз учун яхшилаб майдалаб қўйган.

— Печларни баъзан тўхтатасизларми?

— Жуда зарур бўлиб қолганда тўхтатмасак, бошқа вақтларда ишлайверади. Ўтга бардошли материаллар со-вутганини ёқтирумайди,— дейди Косенко.

Сўнгги жумласи ўта техник ибора бўлиб, Косенко учун ўзга маънони билдиримаса керак. Лекин бу сўз биз учун бошқача жаранглайди. Бу ерда, Новороссийскда, бу

сўз чиндан ҳам кенг маъно касб этган кўринади. Назаримизда, бу ердаги одамлар ҳам иссиққа бардошли бўлиб кетишган. Мамлакатимизнинг жанубида фашист тўдаларини тўхтатиб қолган бу қаҳрамон шаҳар — Новороссийскнинг озод қилинганига эндигина йигирма йилдан сал ошиди. Лекин шунга қарамай, шаҳар ёшариб, яна ҳам кўркамроқ, ёргугоқ ва кенроқ бўлиб кетган. Шаҳар чеккасида узумчилар меҳнат қилади, балиқчилар денгизга овга чиқишиади. Портдаги ёш механизаторлар миллион тоннабаб юкни туширишади, цементчилар коммунизм қураётган мамлакатимиз учун жуда зарур бўлган улкан саноат барпо этишган. Шаҳар тинимсиз меҳнатда, улар совиши нималигини билишмайди. Майли, болалар ўйнашсин, майли, Новороссийск курантлари бонг урсин, лекин одамлар ўлим билан курашиб, жон олиб жон берган, ғалаба қувончини тотган бу шаҳарнинг жанговар қаҳрамонлиги ва меҳнат ғалабаларини унутмасликлари керак.

Биз эса шаҳар бундан ҳам гуллаб-яшнасин ва яна Новороссийскнинг озод қилинишини акс эттирадиган яхши бадиий панорамалар яна ҳам кўпроқ яратилсин, деймиз. Ҳа, ўтмиш хотираси келажагимизни яратишда сизга ёр бўлсин, ҳамдам бўлсин!

1964 йил.

## КЕЛАЖАККА МАКТУБ

Буларнинг ҳаммаси тантанали ва айни чоқда оддий ҳам эди. Қизилқум саҳроси. Осиёнинг жазирама иссиги авжида. Шамол. Қўнгиро рангдаги еру тогларнинг кўмкўк найза чўққилари. Ўнча катта бўлмаган, бугунги тантана учун атайин ўрнатилган минбар атрофида лак-лак одам. Турли касб әгалари, қурувчилар. Саҳрова митинг бўляпти. Аслини олганда, бу ери үнчалик саҳро деб бўлмайди. Бор бойлиги юзада, кўзингизга мана ман деб ташланиб турибди. Ҳамма нарса ҳам ўзлаштирилади. Саҳро ҳам. Мана бунга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Кенг одимли юқори волътили узаткичларда ҳам, саҳро бўйлаб чўзилиб кетган, йўғонлиги одам бўйидан баланд водоводлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Водовод ҳали тилемизга сингиб улгурмаган, галати сўз. Водопровод сўзи онгимизга сингиб кетган. Жуда яхши, ёқимли сўз. Йиссиқ ва совуқ сув. Кундалик ҳаётимизда бор. Кейин, нефтепровод деган қудратли сўз ҳам бор. Ўта индустрисал сўз. Яна газопровод сўзини эшигтанмиз, минглаб километрга чўзилган трубалар. Бу сўз тагида қанчалик улкан меҳнат ётганини ҳам биламиз. Чўл оша, тайга оша, хавфли ботқоқлар оша, муэзек дарё ва кўллар оша олиб ўтилган бу трубалар инсон жасоратининг рамзи-ку. Бу сўз бизнинг онгимизга ҳаво ранг оловнинг кўзидек сингиб кетган. Водоводга келсак, ҳали нотаниш сўз, айтишга тилинг ҳам үнчалик қовушмайди. Лекин бу сўз ҳали шаҳардаги одат тусига кириб қолган, қулай шароитимиизга кирмаган бўлса ҳам, қўй-қўзилар отари кезиб юрган қорамтирир тепаликлар, ғадир-будур, яланғоч ялангликларда одат тусига кириб бормоқда. Отарларни айтмайсизми. Икки юз километрдан узоққа чўзилган водовод!

Етти қудратли машина Амударё сувини кўтариб беради. Водоводнинг сўнгги нуқтаси Мурунтов олтин ишлаб чиқариш заводини қуриш районига келиб тўхтади. Бу сўнгги чегараси, бироқ унга етиб келгунча йўл устида ва атрофида қанчадан-қанча фабрикалар, яйловлар, пахта далаларини сув билан таъминлаши лозим. Олтин фақат ернинг тагида эмас, ернинг устида ҳам бор: майини—жун; оқи—пахта...

Қизилқумда Мурунтов олтин ишлаб чиқариш комбинатини қуришга бағишлиган тантанали митинг трибунасида москвалик ва тошкентлик меҳмонлар ҳам бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг биринчи секретари, ЦК КПСС сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Қурувчилар, монтажчилар, геологлар, қўшни колхозларнинг раҳбарлари сўзга чиқиши. Бу киши қалбida ҳам гурур, ҳам қувонч ҳиссими уйготарди, чунки чўл ўзлаштирилмоқда эди.

Кейин қурувчилар бетон филофчага: «Ўзбекистон ССР нинг Бухоро область Зарабшон шаҳри ва Мурунтов олтин ишлаб чиқариш комбинати қурувчиларн митинги қатнашчиларидан келажакка мактуб», деган сўзлар битилган матони жойлаши. Матога шундай сўзлар битилган эди:

«Авлодлар, кекса авлод ўз бахтини халқлар ўз ҳуқуқларини эзувчилар синфи билан бўлган шиддатли курашларда қўлга киритган оғир йилларда қура бошлаган эди. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғолиб байрогини қўлларида қурол билан қаттиқ туриб ҳимоя қилган эдилар.

Келажак авлод! Биз коммунизм пойдеворига биринчи бўлиб гишт қўйган, революцион курашлар қозонида чиниқсан оталаримиз ва катта акаларимиз қўлидан олган ўз меҳнат эстафетамизни сизга топширамиз. Улуг Ленин поми билан бизнинг жанговар ва меҳнат қаҳрамонлигимизни яна ҳам оширинг.

Биз Ватанимиз бойлигини оширишни ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз деб биламиз.

Бизнинг жанговар программамиз — жонажон партиямизнинг XXIII съезди қарорларини амалга ошириб, коммунистик жамият қуриш.

Аждодларимиз қаҳрамонона ишининг муносаб давомчиси бўлинг, мамлакатимиз бойлигини ошириш учун курашинг».

Ошириш! Мамлакатимиёнинг кўплаб тилларида бир хил жаранглайдиган эски славян сўзи.

Мамлакат бойлигини ошириш учун курашни ҳар қадамда, Ўзбекистоннинг қай бурчагига борманг, кўришингиз мумкин.

Мурунтов яқинида Зарафшон шаҳри қурилмоқда. Янги шаҳар. Янги архитектура асосида қурилаётган шаҳар... Аҳолиси учун барча қулайликлар яратилган янги тураржой комплекси. Биз у ерда ҳам бўлдик, шаҳарни ҳалқа бўлиб ўраган, яқингинада совиган асфальт бўйлаб юрдик. Асфальт устида бола-бақралар ўйнашар, ёш оталар чақалоқларини коляскаларда айлантириб юришарди.

Ха, бу шакланиб келаётган янги шаҳар.

Зарафшон! Бу ерда Зарафшон дарёси ҳам бор, шаҳар ҳам шу ном билан аталади. Аввалига бу шаҳарни олтин шаҳри деб ҳам атамоқчи бўлишган. Бу ном жуда жаражандор эштилиши мумкин эди... Масалан, Клондайк, дегандек... Олтин давлатимиз учун ҳам, мамлакатимиз учун ҳам жуда-жуда зарур бойлик, бироқ ҳалқимиз бунақа нарсаларга унча ҳирс қўймайди. Айрим, бойликка ўч одамларгина уни кўрганда кўзлари чақнаб ақлдан озишлиари ва шу йўлда ҳалок бўлиб кетишлари мумкин. Бу ерда олтинни тоғдан мураккаб процесс билан қазиб олинади.

Бу ерда тилла ва яна бошқа қатор нарсалар тўла маънода ҳаёт кечириш учун имкон беради. Демак, Зарафшон одамларга ҳаёт бахш этади. Бундай шаҳарлардан бири қуриляпти, бирининг проекти чизиляпти, учинчиси эса аллақачон қуриб битказилган.

Улуғ Навоий номи билан аталган бу шаҳарга келиб қолган киши ҳам ҳайратда қолади. Бундан ўн йил муқаддам бу ер ҳам тап-тақир чўл бўлган. Бу ер илгари қандай бўлганини шунга ўхшаш ерларни кўрибоқ тасаввур этиш мумкин. Ҳозир эса бу ерда янги шаҳар қад кўтарган. Ажойиб замонавий бинолар. Шаҳар ўртасига бассейн қурилган. Биз у ерга қоқ пешинда келган эдик. Бассейннинг «қурвақаҳона» сида — кичкинтойлар учун ажратилган қисмида мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатишаётган эди. Болалар супачаларда турнадай тизилиб ўтиришарди, инструкторнинг командаси билан уларнинг ҳаммаси кўзларини юмб ўзларини муздек сувга ташлашарди-да, кейин пишқиришиб, ҳансирашиб сув юзига чиқишишарди. Буни болалар бажону дил бажаришарди. Сувни бирпас шапиллатиб, топшириқни бажариб бўлишгач, яна юқорига чиқишишарди-да, турнадай қатор тизилиб ўтириб олишарди.

Ҳаво жуда иссиқ әди. Офтобда юрганларга ўзбек қуёши унча шафқат қилмасди. Биз шаҳар кўчаларини кездик, магазин, кино-театрларга кирдик — навоийликлар ўз туриш-турмушларини меҳмонларга бажону дил кўрсатишарди.

Мен бир партия ходимидан:

— Шаҳар ёшлари нима билан шугулланишади? — деб сўрадим.

— Бизнинг ёшларимиз жуда қувноқ,— дея жавоб қилди у.— Биринчидан, яхши ишлашади. Иккинчидан, кўп ўқишишади, ўқиган китоблари юзасидан муносаралар ўтказишишади... Хуллас, ҳамма қатори яшашади... Ўйнаб-кулишади, тортишишади, қўшиқ куйлашади... Биз, тарбия иложи борича содда бўлиши кераклигини биламиз. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, кичкинтойлар учун бу тарбияни бассейндан бошлайпмиз... Сузиш бизнинг ёшларимиз учун ҳам одатий бир нарса бўлиб қолиши керак. Ахир биз саҳрода яшаймиз-да,— дея жилмайиб қўйди, менинг янги танишим.— Сирасини айтганда, биздан норози одамлар ҳам бор. Биз, масалан, шаҳарда писта чақишина тақиқлаб қўйганимиз... Лекин, административ йўл билан әмас... Барибир тақиқ кучини йўқотгани йўқ. Кўрдингизми, одамлар устидан зуғумимиз ҳам бор...

Навоийда ҳам, Зарабшонда ҳам, Мурунтовда ҳам, бир неча кун ичида қаерга бормайлик, Бухоро областининг уч районига қарашли 66 минг гектар пахта майдонини сугориши кўэда тутилган янги Шофрикон гидроузелининг очилиши маросимида ҳам тақдир мана шу машаққатли ерга олиб келиб, иссиқ қуёш остида бирлаштирган ҳар турли миллат вакиллари бир-бирларига қанчалик ўрганиб кетишиганини, бир ўй, бир фикр билан яшаётганини кўриб қойил қолдик. Чиндан ҳам бу Ўзбекистон тупрогида ҳақиқий интернационализм мактаби вужудга келган. Буни кўрган кишининг қувонмай иложи йўқ. Совет ҳокимиятининг неча ўн йиллар давомида босиб ўтган йўли дўстлигимиз, бир-бirimizga муҳаббатимиз кучи нақадар қудратлилигига бизда ишонч ҳосил қилди. Қайфумизни ҳам, қувончимизни ҳам баравар бўлишамиз. Тошкентни айланаб юриб, республика марказини москваликлар, ленинградликлар, киевликлар, минскликлар, бокуликлар, тошкентликлар билан биргалашиб, баҳамжиҳат қуришаётганини, ҳали-ҳали зилзила ўзини эслатиб, вақт-вақти билан силкитиб туришига қарамай ишлашаётганини кўриб, катта,

чин маънодаги дўстлик шу бўлса керак-да, деб ўйлаб кетасиз.

Мурунтов қурувчилари бетон ғилофга келажакка мактубни жойлашди. Бу Қизилқумда тантанали кун бўлди. Бироқ, келажак ёлғиз шу темир-бетон қурилишлардагиша әмасу, шу ерда, Ўзбекистоннинг серҳосил далаларида етиляпти. Ўзбекистон тупроғига қадам қўйган неча минглаб одамлар баҳраманд бўлаётган республика аҳолисига шонли меҳнатлари учун, сахий қалблари, меҳмондўстликлари учун — ҳамма-ҳаммаси учун таъзим қилгинг келади!

Келажак бугунги кундан ўсиб етилади, у ҳар биримизнинг қалбимииздан чуқур жой олган.

1967 йил.



---

## 2

### ҚОҲИРА ШУ КУНЛАРДА

Қоҳира самолётдан қараган кишига узоқдан сап-сариқ, қумлоқ тупроқда қад кўтаргандек туяниг уч буқрига ўхшаш пирамидалар кўзга ташланади. Орадан кўп ўтмай бир вақтлар ажнабий босқинчилар шикастлаб кетган сфинксларга кўзингиз тушади. Африка билан Осиё чегарасида турган Қоҳира сўнгги йилларда қатор халқаро учрашувлар жойига айланиб қолди. Бу сафар ҳам Африка ва Осиё ёзувчиларининг конференцияси делегатларининг ихтиёри билан бу ерга икки буюк қитъа адабиёт аҳли тўплланган. Улар тажриба алмашиб, бутун инсониятни империализм ва колониализмдан қутқариш иштиёқи билан тўлиб-тошган, сўнгги йилларда пайдо бўлган алоқаларни давом эттириш, мустаҳкамлаш нияти билан тўпланишган бу ерга.

Кўпчилик Қоҳирага келган делегатлар қатори, улар элликка яқин әди, араб ёзувчилари совет адабиёт аҳлини ҳам кутиб олди. Москва, Тошкент, Душанба, Олмаота,

Фрунзе, Ереван, Тбилиси, Боку, Ашхобод, Қоқирага ўз вакилларини йўллаган.

Конференция тўрт кун давом этди. Минбарга биринкетин Жазоир, Камерун, Серра-Леоне, Нигерия, Хиндистон, Япония, Бирма вакиллари чиқди... Ҳар бир нотиқ ортида ўз халқи, адабиёти турганини билади.

Совет ёзувчилари билан Миср ёзувчилари эскидан бир-бiri билан қадрдан, дўст. Биз буни Қоқира конференция даврида қайта-қайта ҳис этдик. Тайёрлов комитетининг раиси машҳур Миср ёзувчиси Юсуф ас-Сибий бизнинг делегациямизни самимий кутиб олди.

Колониализм топтаб ётган мамлакат Нигериянинг адабиётини илгари ким билар эди? Бу гал эса биз озод Нигериянинг овозини эшидик. Бизнинг делегатларимиз Нигерия ёзувчилари билан ёнма-ён ўтирган эди. Моквучо Окае минбардан тушганида, кўпчилик делегатлар унинг қўлини қаттиқ сиқишиди. Совет ёзувчилари ҳам табриклишди уни. Конференцияда яна биро мамлакат вакилининг овози барада жаранглади. Бунақалар кўпчилик эди. Қувайт вакили кўзи ногирон ёзувчи, минбарга ўз етакчиси билан чиқди. У:

— Ер куррасининг бир қисмида озодлик таҳқирланган экан, демак у бутун жаҳонда таҳқирлангани бўлади. Ёзувчilar халқларнинг кўзини очишлари керак. Ахир улар халқ дилининг табиби-ку,— деди.

Жазоир ёзувчиси бундай деди:

— Маданият учун кураш — сиёсий иш. Ғақат кураш руҳигина жаҳоншумул аҳамият касб этадиган янги бойликларни яратишга қодир.

Конференция гўё икки ирмоқ бўлиб оқарди. Минбарда ҳам, комиссия ишида ҳам, танаффус вақтларида ҳам суҳбат қиэгин эди.

Ёзувчilar адабиёт аҳлининг ҳаёти, жамиятда тутган ўрни хусусидаги фикр-мулоҳазаларни бемалол ўртоқлашадилар. Ўзбек шоирави, нозик лирик Зулфияхонимга сира тиним йўқ эди. Турли газета ва журнallарнинг вакиллари уни саволга кўмид юборишган эди. Зулфияхонимни ва грузин шоири Ираклий Абашидзени шеърий симпозиумларга таклиф қилишар эди. Қоқира телетомошибинлари совет шоирларининг шеърларини тинглашди. Танаффуслардан бирида нозикдан келган, баланд бўйли, хушрўйгина аёл — Ҳадича Сафват Зулфия билан сұхбатлашиб қолди. Аёл суданлик шоири эди. Зулфия ундан сўради:

- Сиз нималар ёзасиз?
- Мен шеър ёзар эдим,— деда жавоб қилди Хадича.
- Нега, ҳозир ёзмайсизми?
- Ҳозир, йўқ...
- Нега?

— Мен ҳозир сиёsat билан шуғулланяпман.  
— Ахир шоирнинг қуролини ташлашга ҳаққи йўқ-ку.

Лирик шоир бўлиб, шеърларингизда халқингизнинг орзу-умидларини акс эттиришингиз мумкин-ку.

— Бизда буни амалга ошириш қийин. **Халқимиз** бизнинг адабий тилимизни тушунмайди.

— Сиз эса халқ тилига суюнишга ҳаракат қилинг, шунда халқингизга дилингиздаги бор галингизни айта оласиз.

— Сизларда-чи, сизларда қандай қиласиз?— деб сўра-ди **Хадича**.

— Бизнинг адабиётимиз халқ тилига суюнади. Шеър ёзишни ташлаб юборманг, **Хадича**.

— О, жуда муҳим Фикр айтдингиз, опажон,— деди су-данлик шоира чеҳраси ёришиб.

Кейин биз Зулфия билан **Хадичанинг** бирга юришга-нини кўп кўрдик.

Бахтли тасодифни қарангки, ўша кунларда Қоҳирада Новосибирск опера ва балет театри гастролда экан. Бир вақтлар «Аида» операси саҳналаштирилган кўхнагина театр биносида новосибирликлар балет спектаклларини кўрсатишаётган эди. Ўша спектакллардан бири, Чайковс-кийнинг «Шчелкунчик» балетига Қоҳира аҳолиси билан бирга конференция қатнашчилари ҳам таклиф қилинган эди. Саҳнада бўлаётган воқеани ҳаяжонсиз томоша қилишнинг иложи йўқ эди. У ерда ҳар биримизнинг қалбимизни ларзага келтирадиган воқеа содир бўлмоқда эди.

Гап шундаки, бу спектаклдаги болалар партиясини со-вет хореографлари бошчилик қиладиган Қоҳира балет мактабининг талабалари изқро этишмоқда эди. Томоша жуда жонли ўтмоқда эди. Ҳар актнинг охирида томоша-бинлар уларни гулдурос қарсаклар билан табриклишар эди. Биз Тошкент конференциясининг қатнашчиси, япония-лик ёзувчи аёл билан ложада бирга ўтирган эдик. Бу жимит қадди-қоматли аёл бирам ҳаяжонланардики, асти қўяверинг. У ҳадеб:

— Гўзал! Жуда гўзал! Музикадан ҳам, санъатдан ҳам юксак! Мана бу — ҳаёт!— дерди.

Спектаклнинг охирида рус тарбиячи аёли мисрлик қиз-

нинг тепасига әнгашганида, зални яна гулдурос қарсаклар босиб кетди.

Ўша қунлари биз кинотеатр экранларида Асвон тўғоннинг қурилиши ҳақидаги ҳужжатли фильмни томоша қилдик. Африканинг тўқ мовий осмонига тиралиб қолгандек қудратли совет машиналарини кўрдик.

Қоҳира ўша қунлари мана шундай әди. Икки қитъя адабиёт аҳлини жўшқин кутиб олган ва уларни яна меҳро билан кузатиб қўйган сершовқин, қувноқ, сержазава Қоҳира мана шундай әди.

1962 йил.

## ИККИ ҚИТЪА БУСАФАСИДА

Мисрнинг кўҳна маркази Қоҳира Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Иккинчи конференцияси делегатларининг жўшқин овозлари билан лиммо-лим. Кўчаларда байроқлар ҳилпирайди, радио икки қитъа ёзувчилари ҳақида ҳикоя қиласди. Қоҳира ёшлари меҳмонхоналар олдида уймаланишади.

Биз Совет ёзувчиларини бирдамлик ҳаракати бўйича эски дўстларимиз — Миср ёзувчилари кутиб олишиди. Биз бу дўстларимиз билан дастлаб Миср жаҳоннинг тараққий-парвар кучлари ёрдамида инглиз-француз-исроил босқинчиларини Порт-Саид тупрогидан улоқтириб ташлаган оғир кунларда, Ҷувайш канали бўйларида танишган эдик.

Ўзбекистон марказида Осиё ва Африка ёзувчилари Биринчи конференцияси ўтаётган кунларда минбардан туриб «Тошкент руҳи» деган учқур иборани ишлатган ёзувчилар бугун яна учрашмоқда эди. Ҳа, «Тошкент руҳи» — бу бирдамлик руҳи, тинчлик учун, озодлик ва мустақиллик учун, Осиё ва Африка ёзувчиларининг жисплашган бирдамлиги учун кураш руҳи.

Ўзбек адабиётининг классиги Алишер Навоий номи билан аталган театр биносида Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи форуми бўлиб ўтганига ҳам уч йилдан ошиб қолди. Бу йиллар ичida жаҳоннинг сиёсий картасида кўпгина ўзгаришлар содир бўлди. Африка ва Осиё халқлари колониализм ва империализмга қарши курашда ўз позицияларини мустаҳкамлаб олдилар. Бу йиллар орасида Совет Йиттифоқи ёзувчиларининг Ҳиндистон, Бирлашган Араб Республикаси ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан доимий ижодий алоқалари мустаҳкамланди. Бу муносабатлар халқларга

Осиё ва Африканинг кўп сонли ёзувчилари билан ўзаро яқин танишиш имконини беради. Конференция кунларида витриналарига Осиё ва Африка ёзувчиларининг асарлари қўйилган виставканинг очилиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Сочлари оқариб кетган, баланд бўйли бир киши совет делегациясининг стенди ёнида турган эди. Бу Баҳрайнадан келган делегат Иброҳим ал-Арид эди. У мендан:

— Булар орасида араб ёзувчиларининг рус тилига таржима қилинган асарлари ҳам борми? — деб сўраб қолди.

Мен шундай китобни топиб, унга мундарижасини кўрсатдим. Миср, Сурия, Ливан, Марокаш, Тунис, Судан... Баҳрайналиқ делегат хурсанд бўлиб кетди.

— Жуда яхши, жуда соз! Мен келаси сафар рус тилида Баҳрайна шоирларининг асарларини ҳам кўраман, деб умид қиласман. Баҳрайна ёзувчилари бунаقا конференцияда биринчи марта қатнашишлари.

Собиқ король сенати биноси икки буюк қитъа адабиётлари форуми қатнашчилари билан тўлди. Юсуф ас-Сибий ўз кириш нутқида шундай деди:

— Ёзувчи ва гражданин — бу иккала сўз ҳам бир маънени билдиради. Ҳалқларнинг миллий озодлик учун курашида ёзувчилар муҳим роль ўйнайдилар. Ёзувчи — бу курашчи демакдир.

Конференцияда нима гаплар бўлганини тўлалигича айтиб бериш қийин, лекин йигилишда эски дунё билан курашиш лозимлиги хусусида қандай кескин, ўтқир гаплар бўлганини кўрсатиш учун ўша нутқлардан баъзиларини қисқагина қилиб бўлса ҳам ҳикоя қилиб бергим келяпти.

— Кураш давом этмоқда,— дея ҳаяжон билан гапирган эди конголик делегат Анисет Лебиаси.— Биз Патрис Лумумбанинг издошларимиз. Мен аминманки, делегатлар ҳам адабиётчи, ҳам Конгодаги тараққийпарвар газеталардан бирининг ношири бўлган Антуан Гизенгани ҳимоя қилиб овоз берадилар. Биз адабиётчилар ҳар қандай шароитда ҳам ўз ишларини тўхтатмасликлари лозимлигини унутмаслигимиз керак. Қамоқда ётиб ҳам «Конго ҳалқи ҳақ-ҳуқуқининг манифести»ни ёзган Патрис Лумумбанинг ҳаёти биз учун ўрнак бўлмоғи лозим. Африка ёзувчиларини қийнашмоқда, қамоққа солишимоқда, шунга қарамай улар курашни давом эттиromoқдалар.

Конференция турк шоири Ноҳим Ҳикматни ҳам қизғин кутиб олди. У минбарга чиқиб, жўшқин нутқ бошли-

ганида, мен беихтиёр, ёзувчи учун юксак идеаллар курашчиси бўлиш нақадар мұхимлиги ҳақида ўйлаб кетдим. Нозим Ҳикмат 17 йил умрини қамоқларда ўтказди. Ҳеч нарса унинг руҳини синдиrolмади. Кўпчилик конференциялардагидек Нозим Ҳикматнинг ҳамиша навқирон, жўшқин овози бу ерда, Қоҳирада ҳам барала жаранглади.

Минбарга оқ шерстъ кофта кийган африкалик аёл чиқди, зал сув қўйғандек жимжит бўлиб қолди. Шунда, беихтиёр, бундан икки йил муқаддам Конакрада бу аёлнинг ўйида меҳмон бўлганимиз, болаларига совға-салом инъом қилганимиз ёдимга тушиб кетди. Ўшанда унинг эри, Камерун халқининг олижаноб фарзандларидан бири Феликс Мумие ҳали ҳаёт эди. Африка халқининг душманлари унинг халқ орасида тутган ўрнини яхши билишарди. Улар Феликс Мумиени Швейцарияда, пайт пойлаб туриб, заҳарлаб ўлдиришди. Совет делегациясининг раҳбари Мирзо Турсунзоданинг таклифиға биноан конференция қатнашчилари Феликс Мумие хотирасини ҳурматлаш учун ўринларидан туриб, бир зум сукутга толдилар. Феликс Мумиенинг умр йўлдоши, жанговар сафдоши Марта Мумие ҳам биз билан бирга бир зумлик сукутга толди.

Конференция танаффусларидан бирида мен Мартага:

— Болаларингиз билан бирга бизнинг юртимиэга ўқигани бора қолинг,— дедим.

Ү бир зум ўйланиб қолди-да, кейин шундай деди:

— Боролмайман. Ишим кўп. Мамлакатимиэни асоратдан озод қиладиган жангчиларни таёrlашимиз керак.

Менимча, ёзувчининг ўз халқи, ҳаёти ва курашда тутган роли ва аҳамиятини нигериялик ёзувчи Моквуго Окое ҳаммадан ҳам аниқ ва образли қилиб айтган эди. Оппоқ, кенг либос кийган бу ғўлабирдан келган забардаст, йўғон овозли киши чиройли адабий тили билан конференция аҳлини ҳайратга солиб, шундай деди:

— Биринчи ўқни сиёсий арбоб, иккинчисини ёзувчи узади. Биз халқларнинг миллий онгини ўйготмоғимиз, барча халқларнинг курашига ёрдам бермоғимиз лозим. Бизнинг муносабатларимиэда Farb ва Шарқ маданияти ўртасидаги ғов олиб ташланмоғи лозим. Цивилизация — маданият барчага баробар тарқатилиши керак. Давр бизнинг фойдамиэга ишляпти. Ғақат биз билан ҳамнафас бўлган кишиларгина бизни тушунишлари мумкин!

Балки, баъзи адабиёт арбоблари ёзувчиларнинг Қоҳира конференцияси хусусида, у адабиёт аҳлининг оддий

анжумани бўлибгина қолмай, икки қитъа ёзувчиларининг сиёсий қарашларини ифода этадиган форуми ҳам бўлди, деб таъна қилишлари мумкин. Шундай бўлса бордир. Бу — уларнинг иши. Улар адабий тасбеҳларини ўгираверишсин. Осиё ва Африка ёзувчиларини ҳамма нарса ташвишга солади: тинчлик учун кураш ҳам, қуролсизланиш, халқлар бирдамлиги масаласи ҳам. Шу важдан бўлса кепрак, Мирзо Турсунзоданинг нутқини ҳамма зўр эътибор билан тинглади:

— Биз тинч-тотув яшаш хусусида гапирганимизда мазлум халқларнинг ёзувчи синфга қарши кураши билан мустамлака халқларнинг ҳозирги замон босқинчилари — мустамлакачиларга қарши курашини аралаштириб юбормаслигимиз лозим. Биз тутаётган позиция шундай, уни бузуб кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Қаҳрамон Жазоир жангчилари ҳам, Фарбий Эрон озодлиги учун курашчилар ҳам буни яхши биладилар! Бу ҳақда жасур Куба ўглонлари ҳам қувонч билан гапирмоқдалар. Гоани озод қилган Ҳиндистон ватанпарварлари ҳам яхши тушунадилар буни! Қаҳрамон Порт-Саид ҳимоячилари ҳам буни сира әсларидан чиқармайдилар!

Йирик совет ёзувчиларидан Вадим Кожевников, Мехти Ҳусайн, Аали Тўқўмбоев, Эдуард Топчиан, Комил Яшин, Габит Мусреповлар конференция ишида фаол қатнашдилар. Улар ҳамиша Осиё ва Африка ёзувчилари қуршовида бўлдилар, қуролдош бу дўстларнинг суҳбатлари жонли, қизғин ўтди.

Бирлашган Араб Республикасининг президенти томонидан уюстирилган қабул маросимида Жамол Абдул Носир совет делегацияси ёнига келиб тўхтади. Кекса туркман ёзувчиси Берди Кербобоев Бирлашган Араб Республикасининг президентига гиламлар расми солинган суратлар репродукциясини ва туркман санъати намуналари жойланган альбом совга қилди.

Президент ёзувчиларимизнинг Миср адабиёт аҳли билан дўстлиги учун миннатдорчилик билдириди.

\* \* \*

Конференция вақтида, мен Ҳиндистоннинг ҳозирги замон йирик ёзувчиларидан бири — эски дўстимиз Мулк Радж Анандга янгигина «Оғонёк» кутубхонасида босилиб чиқкан янги ҳикоялар тўпламини тақдим этдим. Янги чиқ-

Қан китобини кўрган ҳар қандай ёзувчи ҳам хурсанд бўлиб кетади. Ананд ҳам бу қувончини яшиrolмади. У менга:

— Китобимга бирон нарса деб ёзиб беринг,— деди.

Мен «Китоб авторига — ноширдан» деб ёзиб бердим. Биз бу хусусда ҳазиллашиб олдик: одатда китобни муаллиф ноширга тақдим этарди-ку. Ананд шундай деди:

— Бундай алоқалар фақат тинчлик қунларидагина содир бўлиши мумкин. Биз, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари учун адабиётларимизни бирлаштириб турган дўстлик кўпригини топганимиз, тўғрироғи, кўтариб олганимиз биз учун катта баҳт. Ҳалқларимизнинг катта келажаги бор. Лекин энг муҳими, тинчликни сақлаб қолишдир. Ялпи қуролсизланишга эришмогимиз лозим. Планетамида уруш хавфи ҳамон тугатилғанича йўқ. Бироқ уруш хавфини бутунлай йўқотиш мумкин. Ҳозирги кунда бу масала амалга ошириб бўлмайдиган муаммолардан эмас.

Бу галги суҳбатимиз чоғида у аллақандай паришонроқ әди. У менга одатдагидан хотиржамроқ, босиқроқ кўриниди: қандайдир муҳим бир Фикр хаёлини банд қилиб турганлиги шундайгина сезилиб турарди. Бу Фикр бошқаларга ҳам, ўша кунларда икки буюқ қитъа — Осиё ва Африка бўсагасида турган сершовқин Қоҳирада учрашаётган кўпчилик ёзувчиларга ҳам тинчлик бермасди.

1962 й., 25 февраль.

## БАХТ — КУРАШДА

Ажойиб Австралия ёзувчиси Катарина Причард бутун умри бўйи ўзи туғилиб ўсган, ёзувчилик маҳорати учун ҳамон илҳом булоги бўлиб хизмат қилиб келаётган жона-жон она тупроғи хусусида жуда кўп яхши фикрлар айтган.

«Мен Австралияниг меҳнаткаш ҳалқини ҳамиша севардим, ҳамон унга муҳаббатим зўр: ҳўқиз ҳайдовчилару ўрмон кесувчилар, қурувчилару кўмир ва опал<sup>1</sup> қазувчи кончилар, балиқчилару марварид қидирувчилар, кўчаларда тентираб юрадиган қора ишчилару молбоқарлар, подачи-ю мавсумий ишчилар, фермерлару боғбонлар, ўқитувчилару жокей ва фабрика ишчилари билан у ёқ-бу ёқдан сұҳбатлашишни яхши кўраман.

Бироқ Австралияда шундай нарсалар ҳам борки, мен уларни бутун вужудим билан ёмон кўраман. Ҳар гал Австралияниг гарбий областларидағи ўрмонларда яшайдиган ишсиэларни, уларниг хотинларини кўрганимда, юрагим туздай ачишади. Уларниг қоп ва шох-шаббалардан амал-тақал қилиб тиклаб олган омонатгина кулбалари хотинлари ва бола-бақраларини ёғингарчиликдан асраб қолишига қодир эмас. Тащландиқ фермалар ва мамлакатимизнинг шимолий районларидағи қишлоқ аҳолисининг ҳаёт учун фожиали курашига дуч келганимда ҳам, олтин конларида ишлайдиган әркаклар ва уларниг кулбаларида совуқ ва чанг бўронларида ҳалок бўлиб кетаётган хотин, бола-чақаларини кўрганимда ҳам, шундай бой ва ажойиб мамлакатимиизда иш тополмайдиган, топганида ҳам иш ҳақига олган пули на қорни, на кийимига — ҳеч нарсага етмаганидан умидсизликка тушиб қолган, юзлаб ёш ва

---

<sup>1</sup> Шишага ўхшаган шаффоф тош.

кекса австралияларни кузатганимда ҳам менда ҳамиша шундай кайфият пайдо бўлади...»

Австралиянинг классиги деб тан олинган Катарина Причарднинг дунёқарашини тиниқ акс эттирганида эди, бу катта публицистик мақоласидан мисол келтириб ўтирасак ҳам бўлаверарди.

Адиба Россияяда Октябрь революцияси ғалаба қозонгани ҳақидаги хабарни зўр қувонч билан кутиб олди ва Австралия Коммунистик партияси ташкил этилган кундан бошлабоқ унинг актив аъзосига айланди, меҳнаткашларнинг озодлик учун курашларига қалби ва ижодини баҳш этди. «Коммунизм,— деб ёзган эди у,— мен учун янги дунёни очди: меҳнати ҳам, ақлий қобилияти ҳам ўз мамлакати ва ҳалқининг бойлиги, фаровонлигини оширишга йўналтирилган ўюшган ишчилар синфиға эга бўлган янги социал системани кашф этди менга».

Причарднинг адабиётга кириб келганига салкам эллик йил бўлди. Унинг биринчи романи «Пионерлар» 1915 йилда босилиб чиқсан эди. Ўшандан бери бутун дунё ўқувчилари унинг китоблари орқали Австралия ҳалқи ҳаётни билан танишиб келяптилар.

Адабанинг зукко маҳорати китобидан китобига ўсиб, улгайиб борди. Тўгри, унинг «Қўра опал», «Қунарду», «Хэкси џирки» деб номланган дастлабки романларида яшаб турган жамиятига нисбатан ҳар қанча реалистик ва танқидий кўз билан қарамасин, қаҳрамонларнинг дунёқарашларида маълум даражада хаёлпарастлик элементлари ҳам мавжуд эди. Лекин шу китобларнинг қаҳрамонлариёқ, масалан, қора танли қиз Қунарду каби, оғир, машаққатли ҳаёт билан келишишни исташмайди. Агар Катарина Причарднинг дастлабки романлари қаҳрамонлари гарчи ўша машаққатли, оғир турмушни тан олишмаса, уни ўзгартиришга ҳаракат қилишмаса ҳам ундан кейинги асарларининг қаҳрамонлари ўз баҳтлари, ўз ҳуқуqlари учун курашдан топадилар.

Бу романларда акс эттирилган қайси персонажни афзал қўйиш мумкинлигини айтиш қийин, лекин шунга қарамай, Австралия меҳнаткаш аҳлининг хусусиятларини ўзида ёрқин акс эттирган, энг ёқимли, барча инсоний сифатларни ўзида мужассамлантирган бир образни алоҳида қайд этгим келади. Бу — Салли Гауг. Австралия аёлларининг жўшқин, айни чоқда ўта содда характеристи билан таниш ҳар қандай одамга ҳам бу образ айниқса тиниқ ва яқин бўлиб

туюлади. Австралиялик аёллар ҳозир худди шунаقا. Улар ўз әрлари ва ака-укалари билан ёнма-ён туриб, меҳнат-кашларнинг баҳт-саодати учун кураш олиб бормоқдалар.

Кекса олтин қидирувчи Динни Квин ҳам трилогиянинг бошқа қаҳрамонлари каби («Тўқсонинчи йиллар», «Олтин йиллар», «Қанотли уруғлар») ҳамиша курашда. У ҳақиқат қаерда ва у ҳақиқат учун қандай курашиш лозимлигини билади. Адабанинг бошқа йирик адабий асарлари даги сингари, бу трилогиясида ҳам чин маънодаги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Улар янги формация кишилари, коммунистлар. Адива шу тариқа революцион курашнинг «Қанотли уруглари» янгидан-янги ишчилар ҳаракати қаҳрамонларини туғдириб, авлоддан авлодга ўтиб боради, демоқчи.

...Шу йил сентябрь ойининг охирларида биз тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети делегатлари Катарина Причард ҳузурида меҳмон бўлдик. Биз эрта билан Сиднейдан чиқиб куни билан Австралиянинг Шаҳқидан Фарбига қараб учдик, фақат кечга бориб самолёт дарчаларидан гарб соҳилядаги энг йирик Перта шаҳри чироқларини кўрдик. Шаҳарга бориб тушганимиздан кейин биз ҳис қилган биринчи илиқлик тинчлик комитетининг секретари, катта, ҳаракатчан киши Жон томонидан бизга топширилган Катарина Причарднинг рус босма ҳарфлари билан битилган табрикномаси бўлди.

Эртасига биз Причарднига меҳмонга жўнадик.

Катаринанинг хонасида камин ёниб турибди. Қасир-қусур қилиб ўтин ёнади, унча катта бўлмаган хонанинг шифтида қора соялар ўйнайди. Бу ерга биздан ташқари адабанинг шу ерлик дўйстлари ҳам келишган экан. Улардан бири, кўзлари қувноқ чақнаб турган ишчи, Причардан сўради:

— Сирингизни очаверсам майлимими?

— Майли,— деди адива.— Агар сабринг чидамаётган бўлса, айтавер.

— Гап шундаки, «Қанотли уруглар» романи қаҳрамонларидан бири мен бўламан. Катарина асарда менинг ҳаётимни акс эттирган. Мен кўп адашганман. Мен олтин қидирганман ва шу билан баҳтли бўламан, деб ўйлаганман. Бироқ олтин топиш насиб бўлмади. Баҳтимни эса курашда топдим. Мен хато йўлдан қайтиб, коллективга бирлашдим.. Иш тополмай, қора рўйхатларга ҳам тушдим, лекин ҳозир ҳаммаси тўғри бўлиб кетди. Мен саноат ишчиси-

ман — кўтарма кранда машинист бўлиб ишлайман. «Қанотли уруғлар» романи — менинг ижтимоий ҳолим бўлади.

— Сизларнинг келишингиз мен учун қанчалик қимматлигини билсангиз эди,— деди кейин Причард бир зум ўйланиб туриб.— Мен сизнинг мамлакатингизни жуда яхши кўраман. Россияга килган сафарим ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Россияга 1933 йилда борган эдим. Мен Москвадагина эмас, Кубанда ҳам бўлган эдим... Бир шаҳар, Армавир шаҳри ҳали эсимда... Кейин мен Австралияда «Ҳақиқий Россия» деган китобимни босиб чиқардим. Тўғри, мамлакатимда бу китобдан рози бўлмаган одамлар ҳам бўлди...— Причард жилмайиб қўйди.— Мени таъқиб остига олишди. Квартирамда тинтуб ўтказиши. Полиция жуда кўп китобларимни, Шекспирдан тортиб деярли бутун кутубхонамни олиб кетди...

Гап албатта китоблардагина эмас... Москвада бўлганимда менга бир кекса коммунист ҳадя этган қимматли бир совғани ҳам олиб қўйиши. Уша қария менга партбилетининг чарм гилофини, йўқ-йўқ, партбилетини эмас, филофини совға қилган эди... Устига ВКП(б) деган сўз бостирилган эди. Уша филофни ҳам олиб қўйишиган эди... Ўзични эса Коминтерн агенти деб эълон қилишди. Бу совғани қайтариб олиш учун озмунча ҳаракат қилмадим ўзим ҳам.

Причард ўрнидан туриб, иккинчи хонага кириб кеттида, сал ўтмай қайтиб чиқди, унинг қўлида эски, туси кетиб қолган партбилетнинг гилофи турарди.

— Ҳозир совға, мана, яна ўзимнинг қўлимда.

Биз Причард билан бирга бошқа хонага кирдик, у хонада стол турибди, столнинг тепасига эса оддий рамкаларга солинган Ленин билал Горькийнинг сурати осиғлиқ.

— Сиз шу ерда ишлайсизми?

— Йўқ... Одатда мен боғда ишлайман... Богдаги столимни кўрсатардиму, бироқ ҳозир қоронғи тушиб қолди.

Биз адабани чарчатиб қўйганимизни тушунардик. Бироқ Причард бизни сира жўнатгиси келмасди:

— Москвага жуда-жуда боргим келади. Лекин афсуски, учишга қўрқаман... Юрагим ярамайди... Мен ҳозир самолётда Сидней, Мельбурнгача ҳам боролмайман. Шунинг учун сиздан ўтинаман, мендан Москвага, бутун совет халқига, барча ўқувчиларимга салом етказинг. Сизлар қилаётган ишларга әътиқодим вўр. Совет Иттилоқи кат-

га иш қиляпти. Буни кўпларга тушунтириш лоэим. Бу одамларнинг юзини ҳақиқат томонига ўгиради.

Биз Катарина Сусанна Причардни ҳақли равишда Австралияning улкан адабаси деб атай оламиз. У ўзининг саксон йиллик умрини халқига хизмат қилишга, юксак идеаллар учун курашга бағишилади.

Биз шонли юбилейи нишонланадиган шу кунларда денгиз ва океан оша унинг ўша — Австралия гарбий қирғогининг Перта шаҳридаги шинамгина ва сокин уйига етиб борсин деб Катарина Сусанна Причардга ўзимизнинг самимий табрикларимизни ўйлаймиз ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

1963 й., 4 декабрь,

## КЕДРЛАР ЎЛКАСИДА

Бу йил Ливанда қиши чўзилиб кетди. Биз Ўрта Ер денизида ҳаво илиқ вақтга тўғри келармиз, деб ўйлаган әдик, лекин стюардесса:

— Байрутда ҳаво плюс ўн тўрт даражада иссиқ,— деб эълон қилди.

Биз самолётдан тушиб, ўзимизни Байрутга биздан олдин етиб келган эски дўстларимиз огушида кўрган бўлсак ҳам, ҳаво бирмунча илиқ бўлишига қарамай, совуқ шамол аъзойи баданимизни жунжиктириб юборди. Тоглар узра кумуш булувлар сузиг юради. Балки, шу дамда табиатнинг бизни Байрутга етаклаб келган ишга ҳеч қандай алоқаси йўқдир, лекин содир бўлаётган воқеа қандай обҳавода ўтаётганини тасвирлашдан қайси адабиётчи воз кечарди дейсиз!

Байрутда эса иш бошланиб кетган эди. Биз Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Учинчи конференцияси очилишига бир кун қолганда етиб бордик. Байрутга икки буюк қитъанинг турли бурчакларидан вакиллар келиб туришибди.

Конференцияни Индонезияда ўтказишга қарор чиқарган Осиё ва Африка ёзувчиларининг Иккинчи Қоҳира конференциясидан бери орадан беш йилдан ортиқ вақт ўтди.

Бироқ баъзи сабабларга кўра конференция Индонезияда ўтказилмай қолди.

Албатта, Осиё ва Африка адабиёти тинмай ўсиб боради. Бу йиллар орасида Осиё ва Африка халқларининг империализм ва неоколониализмга қарши курашларини зўр ҳаяжон билан акс эттирган кўпгинча янги китоблар майдонга келди. Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон,

Покистон, Ливан, Жаэзир, Кения, Жанубий Африка, Ангола, Мозамбик, қаҳрамон Вьетнам ва бошқа қатор мамлакатлар билан ижодий муносабатни яхши йўлга қўйган совет ёзувчилари ҳам бу адабиётлар тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Бундай ижодий алоқаларга талаб борган сари ўсиб бормоқда эди. Нашрлар сони кўпайиб борарди. Бунинг учун битта мисол келтиришнинг ўзи кифоя: Совет Иттифоқида уч йил ичидаги Осиё ва Африка ёзувчиларининг асарлари 100 миллион нусхадан ортиқ нашр әтилган.

Мана энди биз Байрутдамиз. Бу ерда адабиёт аҳлиниң ҳар қандай учрашуви учун ҳам яратиб берилиши лозим бўлган қулай шароит яратиб берилган бизга. Мунозарага сабаб бўлмаган йигинни тасаввур қилиш жуда қийин... Қандай адабиётки, агар у мунозарага сабаб бўлмаса? Совет ёзувчилари Сарвар Азимов, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов, Расул Гамзатов, Мирза Иброҳимов, Габит Мусрепов, Эдуард Топчан, Владимир Мачаварпани, Борис Рюриковларга эътибор зўр... Учрашувлардан кўзланган асосий мақсад, Осиё ва Африка ёзувчилари томонидан шу йиллар ичидаги қилинган ишларни аниқлаш, бундан кейинги алоқалар ва ижодий муносабатларни белгилаб олиш.

Конференция делегатлари Ливан ёзувчи ва жамоат арбобларининг катта эътиборлари, самимий муносабатларини ҳар қадамда ҳис әтиб турдилар.

Байрутда об-ҳаво унча кўнгилли эмаслигига қарамай (Баъзан биз ўзимизни худди аквариумга тушиб қолгандай ҳис әтардик. «Интернациональ» меҳмонхонасининг катта-катта деразаларига тинмай ёмғир уради, деразалар тагида эса сариқ қирғоқни босиб ўтиб, асфальтни ювиб Ўрта Ер денгизи ҳайқиради) барибир, биз ёзувчиларнинг бизга муҳаббатлари, эътиборлари, айниқса, Осиё ва Африка ёзувчилари ташкилотини янги асосда ташкил қилишга, ҳа, ташкил қилишга жуда қизиқаётганларини ҳис әтиб турадик.

Эртасига, конференция очилгандан кейин мексикалик ёзувчи — Фернандо Бепитес билан суҳбатлашиб қолдим.

— Бу катта воқеа,— деди у.— Биз, Лотин Америкаси ёзувчилари бу конференцияда меҳмон сифатида астойдил қатнашяпмиз. Биз, Лотин Америкаси ёзувчилари ҳам бу ташкилотга аъзо бўладиган кунлар ҳам келади, деб умид қиласмиз. Бизга бу ерда сиёsat ҳақида ҳам, адабиёт ҳақида ҳам баравар гапиришлари ёқади.

Ливан бош министри Рашид Караме кириш сўзида шундай деди:

— Ливан Осиё Африка ёзувчиларига ўз қалбини очади ва уларни ўз бағрига олади. Миллий ҳаракат марказига айланиб қолган икки қитъа халқлари олдида ёзувчиларнинг масъулияти катта. Ёзувчиларнинг сўзи тог ва дарёлар оша учеб келади. Ёзувчиларнинг Ливанда ўтётган конференцияси катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеа. Бу конференцияда келишмовчиликлар, кўнгилсиз игволар бўлмайди. Қитъаларимиз маданияти тақдирини ўз қўлимиэда.

Ливаннинг йирик жамоат арбоби, Ливан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги комитетининг раиси Камол Жумблайт конференцияга раис қилиб сайланди. Баланд бўйли, қотмадан келган, чагир кўэли бу одам ҳар бири мизнинг Байрутда ўзимизни қандай ҳис қилаётганимизни кўзларимиздан ўқиётгандай эди. Камол Жумблайт конференциясининг чақирилишига ҳам, унинг муваффақиятли ўтказилишига ҳам шахсан ўзи озмунча ҳисса қўшмади. У кириш сўзида шундай деди:

— Ливан азалдан маданият арбобларининг учрашув жойи бўлиб келган. Қадимда Суқрот ҳам келиб кетган биз томонларга. Ливан Араб шарқининг ҳамда Осиёнинг дебразаси бўлиб келган. Биз умуминсоният курашига ҳамиша қатнашиб келганимиз, бундан кейин ҳам қатнашаверамиз. Озодлик. эрк — инсон учун дунёда энг зарур нарсалар шулар. Биз озодликнинг нақадар қимматлигини, ёзувчиларнинг халқ ва ўзи олдидаги масъулиятини чуқур англаб олмоғимиз лозим.

Гарбдаги баъзи кишилар бизнинг халқларимизни ҳали ҳақиқий маданият даражасига ўсиб етмаган деб ҳисоблашади. Бу нотўғри фикр, бизнинг ўз қадими маданиятимиз бор, биз ўша маданиятдан илҳомланамиз. Биз гарб билан шарқ маданияти ўртасида ўзаро алоқа бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Биз бутун дунёда нималар қилинаётганидан хабардор бўлмоғимиз лозим. Жаҳон маданияти ютуқларини барча баробар баҳам кўрмоғи лозим. Биз юртимизда меҳмон бўлиб турган барча қалам аҳлини кедрлар тупроғида табриклаймиз.

Осиё ва Африка бирдамлиги ҳаракатининг кекса арбоби, Миср ёзувчиси Юсуф ас-Сибой ўз нуқтида шундай деди:

— Биз юксак масъулият ҳис этмоқдамиз. Вайрон бўлган қишлоқлар нималигини яхши биламиз, империалист-

лар ёшларимизни тўпга ем қилмоқчи бўлишаётганини ҳам биламиз. Ешлар онгини заҳарлаш нималиги ҳам бизга маълум.

Бизнинг қитъяларимизда озодлик учун қаҳрамонона кураш кетяпти, миллий онгимиизда ўсиш катта. Колонизаторлар ҳар ерда ҳозир у нозир агентураси ёрдамида халқларимизни ҳамон қулликда сақлаб қолишга уринмоқдалар. Бироқ биз курашамиз. Адабиётларимизда содир бўлаётган ўйғонишнинг гувоҳимиз.

Юсуф ас-Сибоний томонидан айтилган фикрларни конференциянинг кўпчилик қатнашчилари маъқуллаб чиқдилар. Дагомеялик делегат бундай деди:

— Менинг мамлакатим тобелик нималигини билади. Лекин бу ҳолга биз ҳамиша қаршилик кўрсатиб келдик. Бизни кўп нарсаларга мажбур қилишди, зўрлаб бегона тилни ўргатиши. Бироқ тўғри фикрни ҳар қандай тилда ҳам ифода эта олиш мумкин. Ўз фикр-мулоҳазамизни халқга етказиш — бизнинг бурчимиз. Ёзувчилик бурчи ҳам сиёсатчи, ҳам ёзувчи бўлиб, халқнинг тараққиётига ёрдам бермоқни тақозо этади. Ёзувчи қаламининг қудрати атом бомбасидан ҳам кучлидир. Баъзи бир арбоблар ўз халқи ҳукуқини ҳимоя қилиб чиқсан ҳар қандай ёзувчини коммунист деб әзлон қиласверишиади. Жуда соз, агар ситамкор халқимиз қисматига ачинганимиз учун бизни шундай деб аташар әкан, биз бунга розимиз. Мамлакатимизда имкониятларимиз жуда тор, лекин шунга қарамай, ҳозир телевидение орқали ҳафтасига йигирма минутлик чиқиш ҳукуқига эришдик. Биз бу вақтдан Осиё ва Африка ёзувчиларининг асарларини тарғиб қилиш учун фойдаланамиз.

— Мен империализмни қоғоз йўлбарсга ўҳшатадиганларнинг фикрига қўшилолмайман. Бу гап ҳақиқатдан жуда узоқ,— дейди кениялик делегат.— Империализм ҳали жуда кучли, тишлари ўткир. У истаган маскани кийиб, хоҳлаган қиёфага кира оладиган хамелеон. Лекин биз душманларни таний билишимиз, унга қарши кураша билишимиз лозим. Яна мен баъзиларнинг аллақандай алоҳида «Африка социализми» бор, деган фикрларига ҳам қўшилмайман. Қаерда бўлмасин, социализм бор. Ёзувчилар кураш гоясининг, халқлар дўстлиги гоясининг тарғиботчилари бўлмоқлари лозим.

Маврикий оролидан келган делегат бундай деди:

— Бадий асарлар шунчаки кўнгил ҳуши учун ёзилмаслиги лозим. Ёзувчилар ўз асарлари билан халқни ку-

рашга сафарбар әтмоқлари лозим. Осиё ва Африка халқлари озодлик ўзлари учун қанчалик зарурлигини амалда күрсатдилар. Улар Улуг Октябрь революцияси гоялари билан руҳланганлар. Улар куч ва гайратга тўлганлар.

Эрон, Покистон, Монголия, Суря, Жанубий Африка, Малъта, Непал, Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон вакиллари сўзга чиқдилар.

Совет делегациясининг раҳбари ўзбек ёзувчиси Сарвар Азимовнинг нутқи ҳам конференция қатнашчилари томонидан қизгин кутиб олинди:

— Биз барча тараққийпарвар, қурашиш ва озод қилиш тоғасини ташувчи ташкилотлар билан ҳамжиҳат сезамиз ўзимизни, бироқ бизнинг ёзувчилик ҳаракатимизнинг биз фахрланадиган муҳим вазифалари борлигини ҳам ёдимиздан чиқармаймиз.

Конференция аҳли йўлда тутилиб қолиб кечроқ етиб келган Вьетнам демократик республикаси ва жанубий Вьетнам делегатларини ҳам зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Вьетнам иши — ҳар бир тараққийпарвар ёзувчининг иши. Вьетнам жаҳондаги барча ҳалол кишилар кўмаклашгандагина ғалаба қозониши мумкин.

...Бу сатрлар ёзилаётганда конференция ҳали ишини тутатмаган әди. «Интернациональ» меҳмонхонасини әртабдан кечгача турли хил тиллардаги суҳбатлар тутиб ётади. Ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқиш учун турли комиссиялар ишлаб турибди. Суҳбат, мунозаралар давом ётади, янги танишлар орттирилади. Кедрлар мамлакати бўлган меҳмондўст Байрут чиндан ҳам Осиё ва Африка ёзувчиларига қучогини кенг очган.

Байрут. 1967 й., марта.

## КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН

Ҳар шоирнинг ўз тақдири бор. Ҳар бир улқан шоир ўзича баҳтиёр бўлса керак. Мен қадрдан дўстимиз Гафур Гуломнинг қанчалик баҳтиёр әканлигининг шоҳиди бўлганман. Гувоҳи бўлганимиз кичкинагина бир воқеани, ўшанда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган биз ҳам яхши әслаб қолганмиз. Гарчи ҳозир шоирнинг ўзи ҳаёт бўлмай, ундан фақат шеъриятгина мерос бўлиб қолган бўлса ҳам, мен Ўзбекистоннинг ўша олтин кузи, ранг-баранг гулларга кўмилган Наманган шаҳрининг ўша ажойиб тонгини ҳалиҳали әслаб юраман.

Ўзбекистонда рус адабиёти ва санъати ўн кунлик ўтаётган кунлар эди. Республика аҳли рус ёзувчилари ва санъаткорларини қизгин кутиб олди. Лекин битта учрашув хотирамда ҳаммадан ҳам ёрқинроқ сақланиб қолди. Намангандаги учрашувлар тугаб, биз сафаримизни яна давом эттириш учун меҳмонхонадан чиқдик. Гафур Гулом ҳам биз билан бирга эди. У устига енгилгина, шим устидан чиқаруб қийиладиган кўйлак, бошига қўқон дўппи қийиб олган, шунча йўл босиб, талай тантанали учрашувларда қатнашган одамга сира ўхшамас, одатдагидек тетик эди. Шоирни қизил галстук таққан болалар ўраб олишди. У ҳаммалари билан қўл бериб, сўрашиб чиқди.

— Гафур ака! Гафур ака! — деб қичқиришарди ўғил ва қизлар.

Ўзларининг улкан шоирларини ҳаммалари яхши танишар эди. Ўзбекистонда тез-тез бўлиб, шоирнинг катта меҳмондўст хонадонида меҳмон бўлиш, шеърини ўқиш, ажойиб мусиқий, шоирона гапларини тинглаш, бир пиёла мусалласини бирга баҳам кўриш бизга ҳам неча марталаб насиб бўлган.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси бўлган гаплар ва у энди ҳеч қачон қайтиб келмайди. Лекин ўша кўрган-кечиргандаримизнинг ҳаммаси хотирамизда абадий қолган. Ҳар ерда севимли меҳмону азиҳ-атоглиғ бўлиш ҳар қанақа ёзувчи учун ҳам кўнгилли бўлса керак.

Faafur Гулом катта, салмоқли ҳаёт йўлини босиб ўтди, кўп ёзи, халқи билан бирга қайғу ва қувончни баҳам кўрди. Ҳар бир қувонч, ҳар бир қайғу унинг қалбида чуқур из қолдирар, газета ва журнallарда акс этар, сўнг тўпланиб китоб бўлиб чиқар әди. Ўша 1966 йилнинг огири, фожиали апрель кунларида, Тошкент замини қаттиқ қалқан кунда ҳам шоир ўз шаҳрида әди. Ҳамма унинг сўзларига қулоқ солар, унинг сўзлари әса, одатдагидек халққа қаратилган әди.

Яқинда Тошкентда нашр этилган «Тошкент фожиаси ва жасорати» китобида, Faafur Гуломнинг бир қарашда оддий кўринса ҳам, шеърларидаги каби катта ва маъноси салмоқли гапи бор:

«Ватандошларим! Азиз тошкентлик ҳамشاҳарларим! Мен шаҳрим аҳолисининг жасорати билан фахрланаман. Ёшу қариси билан ҳам, эркак ва аёллари билан ҳам фахрланаман. Мени ўхшатишм учун кечиришсину, чидамда ўзидан бир неча баробар катта юкни ҳам ўз уясига ташиб олишга қодир миришкор чумолилардан ҳам устун турадиган қурувчиларимиз билан ҳам фахрланаман. Уларнинг багриларининг кенглиги, жигарларига меҳрибонликлари билан фахрланаман. Ҳар қандай собит ақл-фаросатларига қойил қоламан».

Шоир вафотидан кейин, ўтган йили, Faafur Гуломнинг «Келажакни қаршилаб» шеърий тўплами босмадан чиқди. Китобга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ёзувчи Шароф Рашидов сўзбоши ёзган. Унда шундай дейилади:

«Faafur Гуломни тўла ишонч билан совет Ўзбекистонининг бутун бир даври, деб аташ мумкин. У замондошларига катта, қанотли шеърият ҳадя этди. Халқ орасидан чиққан, ижодининг бор қўрини унга бағишлигаран Faafur Гулом том маънода халқ ёзувчиси әди. Ҳамзадан кейин «Ўзбекистон ССР ҳалқ шоири» деган юксак ва шарафли унвонни биринчи бўлиб Faafur Гулом олганининг сира ажабланарли жойи йўқ.

Китобни диққат билан ўқиганинг сари шоирнинг ўз ижтимоий ҳолини ҳам, халқининг тарихини ҳам, унинг

Сўнгги ўн йиллиқларда қилган ишларини ҳам равшанроқ кўз олдингга келтирасан:

Етимлик нимадир —  
Бизлардан сўра,  
Ўнинчи йилларнинг  
Саргардонлиги;  
Иситма аралаш  
Қўрқинч туш каби  
Хаёл кўзгусидан  
Ўчмайди сира.

Шоирнинг «Сен етим эмассан» шеърида гап фақатFaфур Гулом ҳақида, унинг оғир болалик йилларининг хотиралари ҳақидагина эмас, унда гап уруш даврида Тошкентга келиб қолган ва вақтингча қадрдан уйи, оиласидан жудо бўлган болаларнинг ўзбек халқи томонидан қандай меҳр-муҳаббат билан кутиб олинганлиги ҳақида боради.

Кўзимга уйқунинг  
Мудроқ овчиси  
Тўрин солмасдан,  
(Биринчи гудокка  
Икки соат бор.)  
Оталик ҳиссининг  
Бебаҳо, лазиз  
Тўлқинлари ичра  
Фарқ бўлиб кетиб,  
АЗиз бошинг устида  
Телмурмакдаман.  
Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим.

Нега чўчиб тушдинг?  
Мургак тасавур,  
Гўдак хаёлингга  
Нималар келди?  
Балки Одесс даҳшати,  
Керчъ фожиаси,  
Ёввойи махлуқлар,  
Қонхўр ваҳшийлар...

Назаримиэда, қадрдан халқининг ҳаёти, турмушида Faфур Гуломни ҳаяжонлантирумаган биронта ҳам воқеа бўл-

маса керак. У ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайини эди, ўзини хўжайниларча ҳис этар ва ҳаётда қандай янгиликни кўрмасин, унинг ёнидан кўз юмиб ўтиб кетолмасди. Гафур Гуломнинг «Аёл» шеъри муҳаббат ва эҳтирос билан битилган. Қайси миллат фарзанди бўлишидан қатъи назар, бу шеър барча учун ҳам баробар қадрли.

Базимид шулардек шамим бўлмаса,  
Лабимда ис лаззат берарди шароб.  
Муттасил ҳамёса, ҳаёт бебўса —  
— Супурги тегмагани хонумон хароб.

Муҳаббат сурмасин қўшни қизига  
Олиб беролмасдан умрда бир бор.  
Юзин ҳасратида ҳатто кўзига  
Ўргимчак ин қўйган йигитлар ҳам бор.

Эҳтироф оҳангি яхши жаранглар,  
Муштоқ юрак билан ростини айтсам;  
Сенсиз наша бермас гулшанда ранглар,  
Ваҳмдир бутун соз, бутун зилу бам.

Севинч йўқ, қайгу йўқ, кўклам йўқ, хазон,  
Худди мақолларда айтилганидек.  
Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон,  
Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ эшак.

Гафур Гулом шеърлари мусиқий, қўшиқдай равон, улар ўз ҳалқи ҳаётидан олинган ажойиб образли ибораларга бой. Шоир ҳеч қачон ҳаётнинг оддий кузатувчиси бўлмаган, у ҳамиша ўзини ҳалқ ишига сафарбар деб биларди. Гафур Гуломни «Ўзбекларнинг Маяковскийси» деб аташлари ҳам бежиз эмас. Худди Маяковский сингари, унинг учун ҳам иккинчи даражали ҳисобланган мавзу йўқ эди, уни ҳамма нарса қизиқтиради. Совун заводи ишчиларига багишлаб ёзилган шеъри шунинг учун ҳам бунчалик муҳим аҳамият касб этган бўлса керак:

Шоир билан чиндан сизнинг ўртада  
Юрак томиридай бир boglaniш бор.  
Биз, қолдик шу пичроқ, шу кирикликларни  
Ювишда биргамиз, бирга сафарбар.

Бу шеърда Faфур Fuлomнинг ҳазили ҳам, ўзига хос жиддийлиги-ю, шеъриятдаги оқиллиги ҳам акс этган.

Faфур Fuлom интернационалист эди, Ўзбекистонга яхши ният билан келган ҳар бир инсонга оға-ини, биродар эди. Шунинг учун ҳам Faфур Fuлom шеърлари ёлғизгина ўз она тупрогига бағишланиб қолмай, мамлакатимиз ташқарисидаги барча ўз озодлиги учун курашаётган кишиларга ҳам бағишланганлигининг боиси ҳам шунда бўлса керак. «Қалб ва мактуб» шеъри ҳам шундай пайдо бўлган ва ўз ўзбек дўстига жавоб йўллаган Аргентина шоири Рауль Гонсалес Туньон қалбida акси садо уйготган:

Менинг юлдузларим сенга ёқарди,  
Сенинг юлдузларинг хуш ёқар — менга;  
Сенга — пампу.  
Менга — сенинг bogларинг,  
Иккимиэга эса — юрtingда, буюк  
Хуррият осмони хуш ёқар, Faфур.

Faфур Fuлom шеърияти кўп қиррали ва ифодалари жуда аниқ.

Faфур Fuлom шеъриятидан бундай намуналарни истаганингизча келтириш мумкин.

Бизнинг кўз олдимиэда улкан, келажакка кўз тиккан шоир намоён бўлади.

Лекин шоир қалбини тилка-пора қилган мудҳиш энливиладан анча олдин бирин-сирин ёзилиб, тўпланиб қолган ва «Якун» деб номланган сўнгги китоби унинг энг катта кашфиёти бўлса керак.

Хозир бу шеърларни қайта-қайта ўқир экансиз, Faфур Fuлom шеъриятининг нақадар чуқур ва самимиyлигига қойил қоласиз. У социалистик Ўзбекистоннинг классик шоири эди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Борди-ю сиз шу баҳо билан чекланиб қолсангиз, у ҳолда бу баҳо у қадар тўлиқ бўлмайди. Faфур Fuлom доно, чуқур маъноли шеърлари учун рус, тожик, украин, озарбайжон — барча халқларнинг барча шоирлари билан, шеърият муҳлислиари билан бирдай дўст бўлгани учунгина интернационалист эмас, энг муҳими, унинг шеърияти, унинг ҳис-туйгулари ҳаётга муҳаббати, билимдонлиги орқасида ўта пурхикматлилиги билан барчанинг кўнглига баробар яқин; шоирнинг ҳаётни яхши билиши орқасида унинг ижоди республикадан ташқарида ҳам маълум. Шеърият миллий

асосга қурилиши шарт әмас, деб тарғиб қиладиган кишиларнинг даъвосига жавобан, улар миллий руҳи билан ҳам барчага баробар севимли.

Гафур Гулом шеъриятидан ҳадеб намуна келтиргинг келаверади. Мен фақат 1968 йилда «Оғонёк» журнали кутубхонасида нашр этилган «Сарҳисоб» шеърий китобини якунловчи сўнгги шеъринигина мисол учун тўла келтирмоқчиман:

Яшаш дарбозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам,  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат.  
Фурсатдир қўлгувчи азиз, мукаррам.  
Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,  
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг,  
Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз,  
Ҳар нафас мазмунни фазолардан кенг.  
Қатрада осмон акс этганидек.  
Жаҳондай маънодор қорачигимиз.  
Голиб асримишга қўёшдан машъал,  
Замон кўрасининг сўнмас чўғимиз...  
Азиз асримишнинг азиз онлари,  
Азиз одамлардан сўрайди қадрни.  
Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ ҷоғидир умр дафтарин.  
Шуҳрат келтироққа Геростратдек  
Диана маъбадин ёқмоқ шарт әмас,  
Кўпларнинг баҳтига ўзликни жамлаб  
Шу улуғ бинога бир ғишт қўйисак бас,  
Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,  
Асрлар тақдиди лаҳзаларда ҳал,  
Умрдан ўтажак, ҳар лаҳза учун,  
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.  
Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,  
Дамлар ғаниматдир, умрузоқ соқий.  
Қўёш-ку фалакда кезиб юрибди,  
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Ҳа, Гафур Гулом ўзининг улкан, сермашаққат ҳаётига якун асар әкан, тўла ҳақли равишда: «Биз ҳам кимнингдир хотирасига кирамиз», дейиши мумкин эдим.

Жамият билан, замон билан чамбарчас боғланиб кетиш, яшаб турган замони, ҳар ўтган куни олдидаги жавобгар-

лик, масъулиятни ҳис қилиш шоир қалбидаги ҳориш нималигини билмайдиган фикр бўлиб жўш уриб туради.

«Вақт» деган шеър ёзган,  
Отангиз сўзламоқда.  
Бир қўлтиқ китоб тутиб  
Минг йилни қўзламоқда.  
(«Соатлар бонг уради»)

Ҳаётнинг абадий навқиронлиги, ўзининг одамлар учун зарурлигини ҳис этиш туйғуси шоир қалбидаги булоқдай қайнаб, ҳар бир шеърида бўртиб туради:

Кишининг ўз халқи ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги ўй-хаёлларини бундан ҳам содда, бундан ҳам таъсирили қилиб айтиш мумкинми?

Севги бўлмаган ерда қадрин  
тополмас жамол,  
На шароб, на мусиқий,  
на юракда интизом,  
Ғазалсиз умрларда иқболу  
камол йўқдирип.  
Қўшиқсиз юрекларда на  
эҳтирос, на илҳом.

Ғафур Гуломнинг ажойиб шеърияти ўзининг бор камолоти билан шавкатли йўлини бирғаликда босиб ўтган халқига ҳамиша керак ва қадрли бўлади. Ғафур Гулом ижоди кишини ҳайратда қолдиради. У, гўё, шоирни ўраб турган табиатнинг ўзидан оқиб келаётгандай бўлади. У ўзининг ўткир кўзлари билан жонли, тезоқар ҳаётимизни диққат билан кузатар эди. У ҳамма нарсани сезар, ҳамма нарсани кўрар эди. Барча кўрган, кечирғанлари эса унинг қалби етук шоирона хотирасидан мустаҳкам ўрин оларди.

Бир ватанинг ўғлименким ҳар тараф гул лола боғ.  
Қалб кўзидаи энг қоронғи кечада порлар чароф,  
Ҳар йигит мағруру ҳар қиз кўкраги қўш чўққи тоғ,  
Сув десанг шарбат оқар, иқлим десанг қаймоғу ёғ,  
Ўз-ўзини мақтаганда, мақтамай қолгайми мен.

Кўз қорасидай кўчирдинг юзга боғнинг аксини,  
Ҳол каби ишком қошин, бу ҳуснини — бу кўркини,

Бир умр хумморда ўлсин сепмаса ҳар ким сени,  
Тарқатар шингилларинг район, ииорнинг бўйини,  
Чорласа ширин чарослар — бормайни қолгайми мен.

Бу ерда ҳамма нарса ҳайрон қоларли даражада аниқ, равшан ва энг муҳими, қандайдир ҳаёттй доноликка тўла. Турган-битгани жонажон тупроғимиз аломатлари, шира-сига бой ва шуларни кузатар экансиз, буларнинг барчаси шоир қалби учун нақадар қадрли бўлганлигини ҳис эта-сиз. Лекин «Бог» шеъридан мана бу сатрларни ўқиганим-да эса мендек бир рус киши учунгина эмас, шеъриятнинг бу абадий яшил дараҳтларига ошиқ ҳар қандай кишига ҳам шундай таъсир қиласа, юрагида акси садо уйготса ке-рак.

Ғафур Гуломнинг катта, ҳақиқий дўстларни жуда кўп эди. Талантли озарбайжон шоири Самад Вурғун шундай ҳақиқий дўстларидан бири эди.

Ҳаётдан барвақт кўз юмган дўсти хотирасига бағишланган шеърида Ғафур Гулом шундай деб ёзган эди:

Умидлар, бир район узиб бергандек,  
Инсон димогида бўлсин муаттар.  
Ҳаёт тонготардек доим кулгандек,  
Абадий ҳаётдан беролсин хабар.

Ғафур Гулом овози, унинг шеърияти ўқувчиларини ўзининг чуқур лириэми, гражданлик пафоси билан мафтун этиб, борган сари баландроқ жарангламоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ғафур Гулом шеърлари А. Наумов ва С. Северцевлар томонидан муҳаббат билан, зўр маҳорат билан таржима қилинган. Ғафур Гулом шеърлари ўқувчиларнинг кўпчилик авлоди онгига зўр ишонч билан кириб бормоқда.

1967—1970 й.

## ҲАЁТДА ШУНДАЙ БЎЛГАН ЭДИ

— Давримиз воқелиги биз драматургларга катта ҳаётий материал беради. Ҳатто, агар таъбири жойиз бўлса, ижодкорнинг қўлига материални зўрлаб, мажбур қилиб тутқазади. Мен теварак-атрофимда юз берадётган воқеа-ҳодисаларни ҳамиша кузатиб бораман, уларнинг барчаси тўғрисида ёзгим келади. Мени ўнлаб мавзулар ҳаяжонлантиради, юзлаб қаҳрамонлар қуршовида қолгандек ҳис этаман ўзимни... Лекин ёзганимда шулар орасидан энг муҳимини танлаб оламан. Капалакдек гулдан-гулга қўниб юришга ҳаққим йўқ. Турган гап, кўрган-кечиргандаримнинг ҳаммасини ҳам қогозга тушириб улгуролмайман. Буни ёшлар қила қолсин. Улар ҳаётни ўзларича кузатадилар... Шунга қарамай... Қалбимни ҳаяжонга солган нарсалар устида ўйламай туролмайман. Айниқса кейинги вақтларда... мана бу мавзулар менга тинчлик бермайди... Улар шунчалик кўпки, хаёлан қамраб олиш ҳам қийин. Чунончи, Ленин ва Шарқ, Россия — Ленин — Шарқ — Ўрта Осиё. Мен, турган гап, ҳали ёзман, ёзмасдан туролмайман... Ҳамиша ҳисобсиз мавзулар хаёли билан яшайман... Масалан, зилзилани олинг... Ахир бу воқеа ҳам ўз ифодасини топиши керак-ку!.. Балки бу ҳодисани адабиётда мен әмас, бошқа биронта ёзувчи ёритар, ахир бу мавзуни кимдир ёритиши керак-ку... Жонажон шаҳримиз Тошкент бутунлай ўзгариб кетди... Мутлақо янгидан қурилди. Шаҳримизни бу қадар гўзал қиёфага ким киритди? Буни ўзбеклар билан бирга бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган руслар, украинлар, грузинлар, белоруслар, қозоқлар ва бошқа кўпгина миллатларнинг вакиллари амалга ошириптилар. Ана шулар хусусида ўйламасдан туролмайман. Мен ўзбекман, ҳамма ҳақида ўйлайман... Ҳамма

ҳақида... Ёки, навқирон шаҳар — Навоийни олайлик... Қи-  
зиликум-чи... Биз ҳозир Ватанга жуда кўп олтин беряп-  
миз... Жуда кўп... Лекин биз киммиз? Ёлгиз ўзбеклар-  
гина эмасмиз... Руслар, украинлар, арманлар, белоруслар,  
тожиклар... ва бошқа қатор миллат вакилларимиз... Ёки  
авлодлар муаммосини олинг... Айримлар бизда бундай  
муаммо йўқ дейишади. Мен бу фикрга қўшилолмайман...  
Бу муаммо ҳамиша мавжуд бўлиб келган. Лекин у муҳо-  
лифларимиз тасаввур қиласидаги шаклдаги муаммо эмас.  
Мен, авлодлар ҳамкорлиги муаммоси мавжуд деб бил-  
ман... Модомики сен драматург, ёзувчи экансан, халқ сен-  
дан қани, ёз, қўлингни қовуштириб ўтирма, деб талаб қи-  
лишга ҳақли. Афсуски бизнинг драматургиямиз ҳамиша  
ҳам томошибин талабини қондиравермайди. Арасту замо-  
насидан бери барчага маълумки, драматик асарда кураш-  
лар кўрсатилмоғи лозим. Драманинг асосий мояси — ку-  
раш. Аслини олганда, теварак-атрофимизни қуршаб тур-  
ган борлиқ бутун олам бизга ана шундай материални бе-  
ради... Хорижий мамлакатларда юз берадиган алғов-дал-  
ғовлар, ўз юртимиздаги воқеалар, онгимиздаги ўзгариш-  
лар — буларнинг барчаси драматик асар учун материал.  
Ёлгиз драматик асарларгагина эмас, барча адабий жанр-  
ларга ҳам материал бўла олади. Зотан, мафкуравий ку-  
рашдаги ғалабамиз учун барча жанрлар ҳам муҳим-  
дир...

Мана бутун бошли бир драматик монолог пайдо бўл-  
ди. Буни мен ўйлаб чиқарганим йўқ. Буларни драматург  
Комил Яшин тилидан ёзиб олганман. Драматургларимиз  
ҳозир монологларга камдан-кам мурожаат этадилар. Улар  
ҳаракатни, шу ҳаракатни тўлдирувчи сўзларни афзалроқ  
кўрадилар. Баъзан ҳозирги томошибинлар монологни ёқ-  
тирмайдилар, ундан безиб қолганлар, дейишади. Ким би-  
лади, балки шундай бўлса бордир. Баҳлашиб ўтирмай-  
ман. Лекин, назаримда, томошибинлар зерикарли, тузсиз,  
баландпарвоз гаплардан иборат монологларни ёқтирмаса-  
лар керак. Комил Яшин кўнглимдаги гапларни топиб айт-  
ганлиги учун ҳам унинг бу фикрларини жон қулогим би-  
лан тингладим. Июль ойи эди. Тошкентда айни саратон  
палласи. Меҳмонхона ташқарисида ҳарорат қирқ даража.  
Биз хонада ўтириб, кўк чой ичардик. Бундай жазирама  
иссиқда пахта гулли пиёлада майдалаб кўк чой ичиш ай-  
ниқса кўнгилли бўлади. Мен Яшиннинг ҳолатини тушу-  
ниб турибман — унинг қалби бутун оламни ўзига жо қил-

ган, олам унинг қалбига жойлашган эди. Куни кеча биз Тошкентга келган меҳмонлар билан бирга шаҳар яқинидаги ўрмонда бўлган эдик. Осиё ва Африка мамлакатларидан келган ёзувчилар — мисрликлар, ҳиндлар, жазоирликлар, суданликлар, жанубий африкалнклар... биз билан бирга эди. Улардан батъилиарининг Ўзбекистонга биринчи келишлари, баъзилари бундан олдин ҳам бир неча бор Тошкент ҳавосидан баҳраманд бўлгандар. Уларнинг ҳар бири Тошкентга ўз қувончи, ўз дардини олиб келган. Биз ўрмондаги салқин шабада фир-тир эснб турган сўрида ўтирган эдик. Дастурхон теграсида суҳбатни Яшин бошқаради. Лекин ўзи кам гапирав, навбатни кўпроқ ўз ўртоқларига, ёшларга берарди. У бўлаётган гапларни жимгина тинглар, гўё бошқа мамлакатлар қуршовида ўтириб, оламнинг юрагига қулоқ соларди. Бу оламнинг юраги эса дардли, аламли эди. Бу дард-алам Яшинни ҳам безовта қилаётгандек, ўтмишдаги хотираларн ёдига солаётгандек эди. У суҳбатни зўр диққат билан тинглар, эътибор билан кузатарди. Чунки бу ерда бўлаётган гаплар бутун оламнинг гам-ташвишини ифодаларди. Меҳмонлар орасида ўз ютидан узоқда, Лондонда муҳожир сифатида истиқомат қилиб турган африкалик ғоят одобли, камсуқум аёл — Занеле Дламини ҳам ўтирган эди. У Совет Иттифоқига энди келиши. Аввалига у тортиниброқ ўтириди. У алланимадан безовта, қийналган аёлга ўхшарди. Юрак олдириб қўйганидан шундайдир балки. У истиқомат қилиб турган Лондон шаҳри гарчи ирқчилар қутурган Жанубий Африкага ўхшамаса ҳам, ҳар қалай она юртининг ўрнини босолмасди. Мен Англияда бўлганман... Гарчи у ерда негрлар ур-ур, сур-сур қилинмасалар ҳам, африкаликлар у ерда ўзларини асло жаннатда юргандай ҳисқилмайдилар. Бунинг аксини бошларидан кечирадилар, десам тўгрироқ бўлади. Манчестрдаги негр маҳаллалари шундай кўз олдимда турибди. Негрлар яшайдиган бадҳаво, боши берк кўчада фақат негрлар учунгина очиб қўйилган пивохона бор. Бу пивохонада курсандликларидан эмас, негрларга бошқа ерларга кириш ман этилганидан алам ўтиб, хўрликлари келганидан ичишарди... Балки ҳозир учдай эмасдир. Бирон ўзгариш рўй бергандир?.. Орадан бир неча йил ўтди. Бунга одамнинг ишонгиси келмайди. Англияда Жанубий Африка ирқчиларига эрк бериш сиёсати ҳамон давом этиб келмоқда. Шундай бўлгандан кейин Занеле қандай хурсанд бўлсин? Бу ерда эса тоғ дарасида

бирдан Занеленинг чеҳраси ёришиб кетди. Барча ўз тилида қўшиқ куйларди. Русча, ўзбекча, арабча, ҳиндча қўшиқлар... Шунда Занеле ҳам бирдан қўшиқ бошлаб юборди... Кейин рақсга тушди. Гўё, елкасидаги тоғ ағдарилгандай эди... Мен Яшиндан кўзимни узмасдим. У ниманидир эслаб ўтиради. Мен кейин ҳам ундан Занеле ўйин тушаётганида нималарни эсладинг, деб сўрадим. Назаримда у ўз қаҳрамонларини, Шарқ аёлларини, бундан бир неча ўн йиллар муқаддам паранжи-чачвонсиз кўчага ҳатлаб чиқолмаган ўзбек аёлларини эслаетгандай эди. У аёлларнинг исмлари нима эди? Онахон, Дилбар, Гулсара, Нурхон... Ҳаётда шундай аёллар бормиди? Бор эди. Лекин ўшанда ёш драматург Комил Яшин булатни ҳаётда кўриб, образларини яратмаганида, уларни ҳозир ким ҳам биларди? Мана энди улар бадиий жиҳатдан умумлашиб, чуқур ҳаётий, типик образларга айланганлар. Улар давр хусусиятларини ўзида акс эттирган, ёрқин индивидуал инсоний хислатларга эга бўлган типик қаҳрамонлардир. Ана шукдай қаҳрамонларни яратиб қўйган ёзувчи ҳақиқий саҳна соҳиби — чинакам драматург деб аталади.

— Эҳтимол, менинг илк пьесам «Икки коммунист» да, кейинроқ мен уни «Тор-мор» деб атаганман, Тренёвнинг «Любовь Яровая» сининг таъсири бордир... Ажаб эмас... Бу пьеса мен учун жуда қимматли... Лекин мен учун муҳими — ўзим кўрган, иштирок этган ҳаёт эди. Бу пьесадаги икки образ менинг севимли қаҳрамоним эди. Булар Арслон билан унинг севимли ёри Дилбар... Мен бундан олдин ҳам ёзганман. Лекин улар шахмат тахтасига терилган доналардек, юриш-туриши ўйин қоидасига қатъий бўйсундирилган эдилар. Бу пьесамга, менимча, энди шахмат аралашмаган эди... Кураш, синфий кураш мантиқи уларни жонли одамлардек ҳаракат қилишга, чуқур мулоҳаза юритишга, изтироб чекишга, ҳаяжонланишга вағоя учун курашда ўлимдан ҳам қайтмасликка мажбур этар эди. Совет ҳокимиятининг душманларига, Осиёни эски, феодал-капиталистик йўлга қайтарнишга уринган аксилиниқилобчиларга бўлган нафрат уларни инкилобий тарзда ҳаракат қилишга мажбур этар эди. Дилбар, Дилбар... Мен учун жуда ҳам азиз бу образ. У худди илк муҳаббат рамзига ўхшайди... Ҳаётда аслида қандай бўлса, саҳнада ҳам айнан ўшандай. Маккор, ёвуз, шафқатсиз душманлар бор эди. Булар сиёсий заминда душманга айланган эди-

лар. Бу соҳада келишувчиликка ўрин бўлиши мумкин эмас эди. Бу пъеса Андижонда профессионал театр саҳнасида илк бор кўрсатилган куни залда ўтирган томошабинлар орасида софдил совет кишиларидан ташқари, тўгри йўлдан тойиб, кейин гуноҳидан кечилган кишилар ҳам бор эди. Асар ана ўшанақаларнинг юрагига жиз этиб тегди. Улар ўзларини бир оз бўлса-да оқлаш учун томошадан сўнг ёнимга келиб: «Биз бундай қилмаган эдик», «Аслида бошқачароқ бўлган...» дейишарди. Томоша дўстларга маъқул бўлди, олқишлиб қарши олишди. Ганимларимиз эса заҳарларини ичларига ютганча, қимир этмай ўтирадилар. Дилбарнинг ҳалок бўлишидан улар, ҳатто, хурсанддек эдилар. Шундан сўнг Самарқандга жўнадик. Самарқандга Москвада маҳсус ўқиб келган бизнинг театр труппамиз ҳам келган эди. Пойтахт театрларининг уста санъаткорлари ва айниқса, Вахтангов номидаги театр артистлари уларга устозлик қилишган эди. Бизнинг ажойиб санъат арбобларимиздан Маннон Уйғур, Ятим Бобоҷонов бу устозлардан жуда кўп ўрганиб келишди. Пъесага бу санъаткорлар ҳам қизиқиб қолишидни репетиция ишларини бошлаб юборишидни. Ниҳоят, асар тайёр бўлди, лекин уни саҳнага чиқариш осон бўлмади. Баъзилар мени бадииятдан чекинишида айблашарди. Асарда кескин синфий курашнинг акс эттирилишини улар бадииятдан чекиниш, деб баҳолашди. Улар «бу ерини олиб ташла», «мана бу ерини юмшат» деб талаб қилишарди мендан. Аммо мен бунга рози бўлмадим. Мен улар нима учун бир оз юмшатишими талаб қилишаётганини тушуниб туардим. Бу одамлар — миллатчилар эдилар. Пъесамда эса синфий курашгина эмас, айни чоқда буржуа миллатчилигига қарши кураш ҳам акс эттирилган эди. Босмачилар, инглиз империалистларининг қилмишлари мени қаттиқ ғазаблантирар, асарда шу нафратимни акс эттирган эдим. Эътиқодимга эса хиёнат қила олмасдим. Мен ва театр томонидан кўрсатилган қатъият, ниҳоят, улар устидан ғолиб чиқишимиизга ёрдам берди.

...Ўшанда мен Мирзо Турсунзоданинг бир куни Яшин ҳақида айтган гапларини хотирладим:

«Комил... О, Комил... у улкан драматург. Советлар Осиёсида уни барча яхши танийди. Яшиннинг ўзи ўта юvosh, мулоим одам бўлса ҳам, драматургияси фоят ўткир, шижоатли. Унинг «Тор-мор»и бизнинг Душанбада кўйилганида катта муваффақият қозонган... Фақат бизнинг То-

жикистонимиздагина әмас, ҳамма ерда ҳам барчага манзур бўлган. Бошқалар шоҳиди бўла туриб, қоғозга тушиrolмаган нарсани у ҳам кўрди, ҳам қоғозга тушириди».

Мен Турсунзоданинг бу айтганларига шуни қўшимча қилишим мумкинки, бу асар Андижонда илк бор қўйилганидан кейин орада қирқ йил ўтиб, яна ўзбек саҳнасида муваффақият билан ўйналмоқда.

— Бу пьесам менга яна шу томони билан қимматлики,— дейди Яшин.— Андижонда Дилбар ролини биринчи бўлиб Ҳалима Носирова ўйнаган. Шу пьеса баҳона бўлиб биз бир-бirimiz билан топишдик... У ёги энди шахсий гаплар... Лекин энг муҳими шуки, мен пьесадаги кураш мотивларини бир оз юмшатинг, деб туриб олганларга бўш келмадим. Мен бу воқеаларни осмондан олиб ёзмаганман-ку, ахир! Бу аёвсиз кураш даври эди. Эскилик билан янгиликнинг, даврларнинг кураши эди!

— «Гулсара» чи?

— «Гулсара»— музикали драма.

Мен уни Музаффар Муҳамедов билан ҳамкорликда ёзганман. Паранжи нималигини биласиз. Ана шу паранжипинг касофатидан қанча-қанча фожиалар юз берди. Баъзан менга шундай туюлардики, борки кўҳна олам унга маҳкам чирмашиб олгану, Шарқ аёлларининг ундан сира ҳам халос бўлиши мумкин әмасдай.

Мен кўз олдимда содир бўлаётган бу аянч воқеаларга шунчаки қараб тура олармидим? Қизлари паранжисини ташлаганини кўрган оталар жиноят қилишдан ҳам тойишмас эди. Иброҳимни мен ана шундай жоҳил оталарнинг тимсоли қилиб тасвиirlадим. Қуръон ақидалари унинг кўзини кўр қилиб қўйган. Бунақаларнинг кўпини кўрганман... Кўплари ҳали-ҳали ёдимда... Паранжисини ўтга улоқтириб, янги ҳаёт курашчилари орасидан ўрин олган аёллардан қанчаси ҳали-ҳали ёдимда. Драматургия — энг ўткир қуроллардан. Саҳнада ҳамма нарса яққол кўзга ташланади-қолади. Томошабинлар эса ўша, ўзлари кўриб турган воқеаларнинг иштирокчисига айланадилар-қоладилар. Мен энг баҳтли драматурглардан бўлсан керак... Пьеса барча Ўрта Осиё театрларида қўйилиб, муваффақият билан ўйналгани учун шундай деяётганим ийӯқ. Бундай дейишимнинг боиси шуки, томошаларга аксарият паранжи ёпинган аёллар ҳам гоҳ ташкилий суратда, гоҳ ўзларича келиб туришарди... Кейин, пьеса оёқлаб қолганда улар ҳам ўринларидан туришиб, паранжиларини ерга улоқтириб ташлашар эди. Па-

ранжим эски-ю, янги-ю деб ўтиришмасди. Бу паранжилар томошадан кейин театр кийимхонаси топширилар эди.

...Комил Яшин менга ҳикоя қилган бу гапларни илгари бошқалардан ҳам әшигтан әдим. Аммо Яшиннинг бу хотираларида аллақандай ўзгача бир руҳ бор. Гўё ўтмиш әпкини уни яна забтига олаётгандай, дам хаёлларга қўмиб, дам чеҳрасига жилва сочаётгандай туюларди менга. У ҳар қанча ўйласа, хотирласа арзийдиган воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Мана, «Нурхон» музикали драмасини олинг. Пъеса ҳаётда содир бўлган воқеалар асосида ёзилган. Синфий душманлар қўли билан ёвузларча ўлдирилган ўзбек халқининг истеъдодли саҳна юлдузи Нурхон Йўлдошхўжаева ҳаёти, ҳалокати бу пъесага асос бўлган. Нурхон жон берәтиб шундай дейди:

Сиз, эй ўртоқларим, бу нурли йўлдан қайтмангиз асло,  
Ўларман, лекин ўлмас санъатим, баҳтим, шараф-шоним.

Бу пъеса ҳам Яшиннинг бошқа саҳна асарлари сингари ўзбек совет адабиётининг классикаси ҳисобланади. «Нурхон» пъесасининг шу вақтга қадар театр саҳналаридан тушмай, муваффақият билан ўйналиб келаётганининг ўзиёқ бу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Битта Муқимий номидаги театрнинг ўзида у 1200 марта қўйилди.

Комил Яшиннинг кейинги йилларда ижод этган әнг салмоқли асарларидан бири, унинг 1955 йилда ёзилган «Йўлчи Юлдуз» драмасидир. Бу — фақат етук санъат соҳибигина яратиши мумкин бўлган асар. Унда у ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, Владимир Ильич образини саҳнага олиб чиқди. Бадиий театрларнинг Москвада ўтказилган фестивалида Ҳамза номли театр саҳналаштирган бу асар томошабинлар томонидан юксак баҳоланди ва диплом билан тақдирланди.

Комил Яшин совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳақида «Офтобхон», «Ўлим босқинчиларга», «Генерал Раҳимов» пъесаларини яратди...

Бундан ўттиз икки йил муқаддам — 1937 йилда ўзбек адабиёти ва санъатининг Москвада бўлиб ўтган биринчи декадасида олиб борилган тўрт пъесадан иккитаси, «Гулсара», «Колхоз сайли» К. Яшин қаламига мансуб эди.

Буларнинг илдизи қаерда? Олти ўнда отаси Андижондаги эски мактаблардан бирига топширган чуваккина ўз-

бек боласи қандай қилиб ўзбек халқининг, наинки ўзбек халқининг, бошқа халқларнинг ҳам улкан драматурги бўлиб етишди? Комил Яшин ҳаёт йўлининг ўзи бир қисса. Бу қисса мени ёз деб, қистаб турибди. Албатта ёзилади ҳам. Мен бўлсам, Тошкент меҳмонхоналаридан бирида у билан майдалаб кўк чой ичиб ўтиракманман, ўзи ҳикоя қилиб берган нарсаларини такоррламоқчиман.

— Тўқиз яшарлик чогимда, 1918 йилда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеърлари илк бор қўлимга тушиб қолди. Ҳамзанинг номи менга таниш эди. Шеърларидаги гапларига идроким етгандай эди... Ҳамза одатдаги шоирларимиздан бошқачароқ услугуда ёзарди. Шарқ шеърларига ўхшамаган, замонавий шеърлар эди улар. Лекин буни мен кейинроқ тушундим. Ҳудди мана шунинг учуноқ унинг шеърлари кўпчиликни қизиқтириб қўйган эди. У инқилоб тўгрисида, кураш ва ишчилар тўгрисида ёзарди. Бойларни ҳайдашга ундар эди. Шеърлари чойхоналарда, кўпчилик ўртасида ўқиларди. Биз Андижонда Миркомилбой исмли катта бой борлигини билардик. Еттита пахта заводи бор эди унинг. Катта-катта ерлари бўларди. Германия билан катта савдо алоқаси бор эди. Уни мен ўз кўзим билан кўрганман. Унинг усти ёпиқ лимузин машинаси ҳам бўлгувчи эди. Ўн олти минг тилла эвазига сотиб олган экан уни. Ўзи жуда баджаҳл одам эди. Укаси ўзидан ҳам бадфъел эди. У чорикорларини калтаклагани-калтаклаган эди. Жонидан ўтиб кетган батраклардан бири унинг ўзини бир куни кетмон билан чопиб ташлаган. Шундан кейин Миркомилбой батракларидан аёвсиз ўч ола бошлиди. Чор режими уни ҳар томонлама қўллаб-қувватларди. Ҳамза мана шунақа бойларни фош қиласди. Масалан, унинг «Бой ила хизматчи» драмасини олиб кўрайлик... Пьесани 1919 йилда Андижонда кўрсатишган эди. Мен бу пьесани ўшанда кўрганман. Бир куни ўқитувчимиз: «Дарсдан кейин қолинглар», деди. Биз бирон гуноҳ қилиб қўйган бўлсак керак, деб ўйловдик. Йўқ, ундай эмас экан, у, биз шоир Ҳамзанинг уйига меҳмонга борамиз деди. У бизни шоирнинг уйига олиб борди. Шундай қилиб мен Ҳамзани биринчи марта ўшанда кўрдим. У европача кийинглан эди. Ўқитувчимиз унга: «Мана муҳлисларингизни олиб келдим», деди. Ҳамза ўртоғим Ниҳод Умаров иккамализни жуда меҳрибонлик билан қарши олди. Бизга шеърларидан ўқиб берди. Эсимда, у бизга «Ишчилар уйгон!» ва бошқа шунга ўхшаш шеърларини ўқиб берган эди. Ке-

йин у ўша шеърларини бизга берди-да, ёд олинглар, деди. Бизга рояль ҳам чалиб берди. Шеърларини ёд олиб, уч кундан кейин яна ҳузурига бордик. «Баракалло, энди, бу шеърларни собиқ офицерлар уйида ўтказиладиган шарқий кечада ўқиб берасизлар», деди у бизга. Илгарилари бу уйда рус офицерлари ва ерли киборлар тўпланишиб туришар экан. Ҳамза саҳнада театрлаштирган виставка уюштириди. Томошабинлардан тўн сўраб олиб, бой, беклар қиёфасини акс эттириб берди... Инсценировка қўрсатилди. Инсценировкада бойларнинг саводсиз одамларни лақ-қиллатишларини, ёш қизларнинг бот эрга бериб юборилишини, наша чекувчи гиёванд-бангиларни фош қилиб ташлади. Томошабинлар завқланнб қулишарди. Шунда Ҳамза: «Нега қуласизлар? Ахир ўша алданганлар сизларнинг ўзингизку. Октябрь инқилобигача ҳаммамиз ҳам шу тарзда кун кечириб келдик. Энди ҳурлик ҳамони келди. Биз ўқишимиз керак. Ҳаётни қайта қурмоғимиз лозим», деб мурожаат қилди уларга. Кейин хор чиқди. Улар Ҳамза шеърларига ёзилган қўшиқларни айтишди. Айниқса, «Яша Шўро!» хотирамга қаттиқ ўринашиб қолган. Буларнинг ҳаммаси мени қаттиқ ҳаяжонлантириб юборди. Кейин яна Ҳамза нутқ сўзлади: «Босмачи, аксилинилобчилар шаҳарларимизга ўт қўйишяпти, ерли революционерлардан ўч олишяпти. Уларни инглизлар қўллаб-қувватлаяпти. Босмачиларга қурол беришяпти. Биз шўролар ҳокимиятини ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр туришимиз керак». Кейин яна «Қармоқ» деган инсценировка қўрсатилди. Балиқчи қармоғи билан босмачиларни, инглизлар, миллатчиларни тутди. Саҳнада инқилобчи пайдо бўлди. Икки ўртада баҳс, тортишув бўлди. Кейин саҳнага яна ашулачилар чиқишиди. Томошанинг танавор якунловчи қисми бошланди. Ундан кейин биз Ҳамза шеърларини ўқидик... Ҳамма нарсани эсда сақлаб қолиш қийин... Лекин ўша воқеаларнинг ҳаммаси ҳали-ҳали ёдимда. Менда санъатга қизиқиш худди ўшанда пайдо бўлган бўлса керак. Санъат давр руҳини акс эттиради. Томошаларни дехқонлар ҳам, ҳунармандлар ҳам келиб кўришарди. Худди ўша даврда аксилинилоб қучайиб кетган эди. Шаҳарда отишмалар бошланди. Монстров деган оқгвардиячи генерал бўларди. Улар инглизлар ёрдамида босмачилар билан бирга Андижон уездини ажратиб олишмоқчи эди. Тошкентга юришга ҳозирлик кўришаётган эди. Ҳамза Кўқонга кетишига мажбур бўлган эди. Қизил қўшиналар ҳужумга ўтди. Фрунзе

билан Куйбишев ҳам шу ерда иш кўришмоқда эди. Ниҳоят, босмачилар ва оқгвардиячилар төр-мор келтирилди. Мен ўн олти яшар комсомол йигит чогимда биринчи пъесамни ёздим. Бу — ёш қизалоқнинг отаси tengi чолга зўрлаб эрга беришини тасвирловчи бир пардали пъесса эди. Пъесани профессионал артистлар ўйнашди. Негалигини билмайману, лекин пъесани томошабинлар яхши куттиб олишди. Ўшанда мени уеzd комсомоли мукофоти билан тақдирлашди, ўзимни эса Ленинградга ўқишига юборишди. Мен ўрмончилик институтида ўқидим. Ленинград кўзими ни очди. Мен кандай қилмай театрларга бориб турдим. Рус ўртоқларим кўпинча билетларини менга беришарди: театрга ишқибозлигимни билишарди-да! Мен «Шторм»ни, «Любовь Яровая»ни кўрдим. Маяковский ва Есенин шеърларининг муҳокамасида қатнашдим. Операга бориб юрдим. Симфоник музикага қизиқиб, уни тушунадиган бўлиб қолдим. Мен Маринский театрини жуда яхши кўтардим. Орада шеър ҳам ёзиб, Ўзбекистонга жўнатиб турдим. 1925 йилда В. И. Ленинга бағишланган илк шеърларимни ёздим. Ёзган шеърларим матбуотда тез-тез чиқиб туарди. Таътил чоғлари уйга қайтишимда албатта Москвага тушиб ўтардим. Вахтангов театрига борардим. «Ревизор», «Маликаи Турандот», «Икки бойга бир қарол» эсимда яхши қолган. Ўзбек студиясидаги репетицияларга тез-тез бориб туардим. Андижонга қайтганимдан кейин эса бир вақтлар ўзим ўқиган мактабимда дарс бера бошладим. Физика ва ўзбек тилидан дарс берардим. Шеър ёзишни ҳам сира кандай қилмас эдим. Кўпинча газеталарда шеърларим Ҳамза шеърлари билан ёнма-ён босилиб қоларди. Ҳамза бир вақтлар уйига ўқитувчим бошлаб борган бола мен эканимни, билармиди-йўқми билмайман, лекин Ҳамза синфий кураш кескин тус олган 1929 йилда қулоқлар томонидан ўлдирилди. Бу жуда оғир жудолик эди. Гарчи ўша пайтда менинг биринчи жiddий драма асарим «Икки коммунист» саҳналаштирилган бўлса-да, ҳақиқий синфий кураш нима эканлигини яна бир марта чуқур ҳис этдим... Дарҳақиқат, эслашга арзигулик гаплар кўп...

1930 йилда ўзбек артистлари биринчи бор Москва-га бориб, қардош республикалар театрларининг олимпиадасида қатнашдилар. Вокзалдан шаҳарга автобусларга тушиб бордик. Карнай-сурнай вада-ванг қилиб, чалиб турди. Москваликлар бизларга ҳайрон бўлиб қарашарди.

Санъатимиэни илиқ кутиб олишди. Унда Луначарский хали ҳаёт эди, келиб томошаларимизни кўриб турарди. Бизни Феликс Кон табриклаб, муваффакият тилади. Биз унинг елкасига бухороча тўн ташладик. Ўшанда Москвада мен Мусо Жалил билан танишиб, дўстлашиб қолдим... Москвада бизни илиқ ва самимий кутиб олганларидан қувониб хурсанд бўлиб қайтдик. Москва бизга жуда қадрдан бўлиб қолди. Ўша пайтларда мен «Ўртоқлар» музикали комедиямни, 1939 йилда эса биринчи ўзбек операси «Бўрон»нинг либреттосини ёздим. Унга ўзбек композитори Мухтор Ашрафий билан рус композитори Сергей Василенко куй басталаши. Биринчи ўзбек опера-сининг вужудга келиши республикамиз учун катта байрам бўлди. Шундан кейин Рейнгольд Глиэр билан ўзбек композиторимиз Толибжон Содиқов куй басталаган «Гулсара» операм юзага келди... Лекин мен устозим Ҳамза сиймосини ҳеч қаҷон ёдимдан чиқарган эмасман. У ҳамиша ёдимда бўлди. Негаки, мен уни умрим бўйи ўзимга устоз деб биламан. Мен Амин Умарий билан ҳамкорликда «Ҳамза» пьесасини ёздим. Кейинроқ бу асар опера ҳам бўлди. Яна Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасини тиклашда ўз ҳиссамни қўшдим...

Энди сўнгги гап... 1935 йилда Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг раиси қилиб сайланганимдан кейин Алексей Максимович Горький қатнашган пленумда нутқ сўзладим, Горькийнинг ўшанда мен йигирмата noctor пьесанинг муаллифиман, дегани ҳам әсимда... Турган гап, унинг бу гапига ҳеч ким ишонгани йўқ, лекин унинг бу гапини қарсакларга кўмиб юборишиди. Ундан кейин кетмакет мен сўзлашим лозим эди. Минбарга қандай чиққалимни билмайман. Уни қўлларим билан маҳкам ушладим. Лекин мен юрагимда бор гапларни тўкиб солишини жуда-жуда истардим. Шундай қилдим ҳам. Мен, совет ҳокимияти биз Шарқ ҳалқлари учун қандай аҳамиятга эга эканлигини айтдим. Бизда драматургия йўқ эди, энди туғилди, дедим. Англияда Шекспир асарлари қўйилмаётган бир вақтда, Тошкентда йигирма уч кундан бери «Гамлет» қўйилаётганини ва Аброр Ҳидоятовнинг санъати билан томошабинларни ўзига ром қилиб олганини, тинимсиз ўйнайверганидан бир куни спектакль чогида ҳушидан кетиб қолганини гапириб бердим... Шунда бирдан зални гулдурос қарсаклар тутиб кетди. Қарасам, ҳамма ўриндан туриб қарсак чаляпти, Алексей Максимович ҳам... Бу улкан рус

адиб ҳамиша қардош халқларнинг ҳақиқий дүсти эди.

...Тошкентда жазирاما иссиқ, биз эса пахта гулли пиёлада кўк чойни майдалаб сұхбатлашиб ўтирибмиз.

— Умрим бино бўлиб, биринчи марта ўз ҳаётимдан ҳикоя қилишим,— дейди менга Комил Яшин.— Ҳа, биринчи бор ҳикоя қилишим.

Бу ҳақ гап. Бу ажойиб камтарин инсонни, баркамол драматургии, Давлат мукофоти лауреатини, ҳаётлик чоригдаёқ ўзбек адабиётининг классиги деб танилган академик адидни, ўзбек ёзувчиларининг сардорини йигирма йилдан узоқроқ танийману, лекин ҳеч қачон ўзи тўгрисида бир оғиз гап гапирганини билмайман. У нуқул бошқалар тўгрисида гапиради. Бироқ инсон ўзининг ижоди билан тўлиб-тошган улкан ҳаётида олтмиш ёшга бориб қолган экан, унинг тўгрисида ҳикоя қилмай бўлмайди. Мен худди ана шу вазифани ўтадим. Билмадим, унинг ўзи бунга қандай қарапкин...



### 3

## ҲИНДИСТОН ХОТИРАЛАРИ

Деҳлига келганимизнинг эртасига Рамешвари Неру хоним бизни меҳмонга таклиф қилди. Биз илгарилар ҳам бу аёл ҳақида жуда кўп яхши гапларни әшитганмиэ, унинг Совет Иттилоғига қилган сафаридан ҳам бизда яхши таассурот қолган.

Рамешвари Неру хоним бизни уйида, иссиқ қуёшдан деразалари тўсиб қўйилган салқингина хонада кутиб олди. Деҳлига қилган сафаримиз қандай ўтганини суриштириб, кўнглимизни сўрагандан сўнг, Осиё мамлакатлари конференциясида биздан кимлар делегат бўлиб қатнашишларини суриштириди.

— Ҳиндистоннинг қаерларини томоша қилмоқчисизлар? — деб сўради биздан меҳмондўст бека ва жавобимизни ҳам кутмасданоқ ўзи таклиф қилди. — Мамлакатимизнинг Жайпур, Агра, Ажант ва бошқа шунга ўхшаш машҳур жойларини бориб томоша қилинглар. У ерларни

кўриб, ҳуэур қилишингизга ишончим комил. Мамлакатимизни дурустроқ билишларингизни истардим.

Биз Рамешвари Неру хонимга иложи борича маслаҳатларингиздан фойдаланамиз, деб миннатдорчилик билдиридик.

Ҳиндистоннинг Аграсига бормаган, XVII аср архитектурасининг ажойиб намуналаридан Тож Маҳал мақбасини кўрмаган киши Ҳиндистон тўғрисида оғиз очмаса ҳам бўлади.

## Жайпур

Ҳарқалай, биринчи сафаримиз Жайпурга бўлди.

Тонг палласида Деҳлини қушларнинг чинқириги тутиб кетади. Загчалар чинқиради, чумчуқлар чириллайди, чугуручуқлар чирқиллайди, капитарлар ғу-ғулайди.

Тонгги салқиндан жунжикиб, шаҳар аҳолиси уйидан чиқади.

Осиё мамлакатларида тонг бир хил отади: қишлоқларда қудуқлар гилдиягининг ғичирлаши, ётосларни чу-чулаб, ёғоч белакларда сув тортаётган ёш-яланларнинг шовқин-сурони эшитилади.

Жайпурга олиб борадиган йўлни кенгайтиришяпти. Йўл ёқасида асфальтга тўла бочкалар, шағал уйилиб ётибди. Йўл чеккасига ҳам шудринги кетиб улгурмаган ғалтак машина келиб тўхтади.

Қалин тўрсимон металл мачтали катта саноат қурилиши кўзга чалинади. Бу — электростанция. Электростанцияни ўтгандан кейин қишлоқ бошланади. Бу ерда одамлар барвақт уйгонишади, хилма-хил рекламалик дўконлар ҳам эрта очилади. Далада эски плуг кетидан бир чол кетяпти. Йўл чеккасида худди катталарга ўхшаб укаларини кўтариб, беш-олти ёшлардаги қизалоқлар қаттиқ-қаттиқ гаплашиб туришибди. Бошига қўшалоқ сопол ва мис кўза қўйиб олган аёллар қудуқ томонга қараб кетишияпти.

У ер-бу ерда асфальт йўлдан пориллаб капитар ва қирғовуллар кўтарилади; қирғовуллар эпчилгина, капитарлар эса лапанглаб, унча қочишолмайди ҳам; қочаман деб ҳар гал машинанинг олд ойнасига урилиб кетганида, биз бир чўчиб тушамиз. Дам-бадам думини баланд кўтариб, бизнинг чўл юмонқозиқларимизга ўхшаган абжир ҳай-

вонлар йўлимизни кесиб ўтиб қолади. Кейин яна ўша йўл, тикка баландликлар, бурилишлар, на учи, на барги бор лайлак оёқ дараҳтлар. Баъзан бу ерда қаттиқ артиллери отишмаси бўлганмикан, деган хаёлга борасан киши. Шерикларимиз:

— Жунгли бошланяпти,— дейишади.

— Йўлбарслар қани?

— Йўлбарслар кундузи ухлашади.

Тўсатдан йўл бўйида олдимииздан бир-бирига орқасини ўгириб ўтирган учта шернинг сурати солинган миллий герб ўрнатилган иккита тош устун чиқиб қолди. Биз Ражастон штатига кириб бораётган экамиз.

Дам ўтмай шлагбаум кўзимизга чалинади, унинг ёнида бир нечта юқ машинаси турибди. Бизни кечиктирмай ўтказиб юборищи. Мана, унча катта бўлмаган темир йўл станцияси бор Алвар шаҳри. Иzlарда жажжи-жажжи, худди ўйинчоққа ўхшаш вагончалар турибди. Перронда әчки боласи санғиб юрибди.

Алвар шаҳридан кейин яна қишлоқ бошланади. Тог ётакларида вайрон бўлиб ётган қалъалар кўзга чалинади. Бундай қалъалар тез-тез кўзга чалинади. Деворлари тўкилиб, гишталари унниқиб ётган миноралар, ўнг томонимиздан қадимий тош водопровод чўзилиб кетган. Тубида ҳозир ҳам саргиш лойқа сув оқиб ётибди. Машина йўл бўйида ўтирган узун думли маймунларни чўчитиб, елиб боради. Йўл яқинидаги қояда гердайиб йиртқич қушлар ўтирибди. Улар хотиржам, виқор билан ўтиришар, биз томонга ҳатто қайрилиб ҳам қарашмайди.

Жайпурга яқинлашганимиз сари тепаликлар, узунтиш деворли қалъалар кўпроқ учрай бошлади.

Мана, ниҳоят Жайпурга ҳам етиб келдик. Тор-танқис кўчалар, мис чеалаклари қўёшда ярақлаб турган дўконлар. Йлгарилар князликнинг маркази унча кенг бўлмаган тоб дарасига жойлашган экан, бироқ Жайпурнинг асосчиси Савай Жай Сингх, ўз князлигининг тараққий этишини кўзда тутиб, марказни кенг тоғлиқ яйловга кўчирибди-да, бу шаҳарга Жайпур деб ном берибди. Шунинг учун ҳам Амбер шаҳрининг қасрлари бўшаб, уйларининг деворлари тўкилиб ётган әкан. Шаҳарга кираверишда, сарой яқинида бўйнига ҳайдовчилари миниб олган иккита фил учрайди.

— Булар шу ернинг таксиси. Саёҳатчилар учун. Кира ҳақи ўттиз рупий,— дейишади кулиб дўстларимиз.— Сиз

бу филлар билан Қуёш уйига киришингиз, шаҳарни айланисиңгиз мумкин.

Биз Рамешвари Нерунинг Жайпур кўхна Ҳиндистон шаҳарлари ичida энг характерлilаридан бири, деган гапларини эсладик. Шаҳар чеккасида савдо расталари чўзилиб кетган. Бу ерда кўзни қамаштирадиган нарсалар кўп: аксарият аёллар шўхчанг рангли кийимда, уларнинг орасида сариқ ва қизил рангли матодан кўйлак кийганлари кўпроқ. Аёлларнинг кўпчилиги сари — ҳинд миллий кийимида. Бозор сершовқин. Қоп-қоп сомон ортилган түялар турибди — ҳинд дэҳқонлари уни бозорга сотгани олиб келишган. Ерда бир тўп шоҳ-шабба ўтибди — уни ҳам сотгани олиб келишган. Дўконларнинг олдида, ерда, қизғиш лой идишлад туребди.

Бу ерда лойдан ясалган арzon идишлар сотилади. Бу идишдан фақат бир мартағина овқат ейилади. Меҳмон кетгандан кейин, ҳурматли меҳмоннинг оғзи теккан идишдан бошқа одам овқат емасин, деб уни синдириб ташлашади...

Жайпурда қимматбаҳо тошдан кўз қўйилган турли-туман тақинчоқлар — зирақ, узук, билагузуклар кўп. Жайпурнинг фил суягидан ясалган тақинчоқлари ҳам жуда машҳур.

Дўконлар олдида қулочларини кенг ёзган аёллар юришади. Улар қизил ва сариқ ҳўл матоларни қуритиб юришибди. Бу матолардан қуригандан кейин сари тикилар экан. Ҳудди шу ерда сариқ гуллар ҳам сотилади. Агар Ойдин дарвозадан ўнг томонга бурилсангиз, иккинчи бир бошқа савдо растасининг олдидан чиқиб қоласиз. Бу ерда ҳамма нарса саранжом-саришта. Бу раста Гандининг номига қўйилган.

Жайпур рангларининг хилма-хиллиги, ғала-ғовурулиги, кўчаларида ҳаётнинг жўшқинлиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Ҳуда кўп мамлакатларнинг сайёҳлари Жайпурга келишни яхши кўришади. Улар усталик билан ясалган қимматбаҳо ва қалбаки тошларни арzon-гаров баҳоға олиб кетадилар.

Биз анча эскириб қолган «Кайзер атель»да тўхтаган әдик. Меҳмонхона хўжайини ҳузуримизга чиқди.

— Ҳурматли меҳмонларимиз нонушта қиладиларми?

— Албатта-да: уч юз йигирма километр йўл босиб келяпмиз.

— Ҳурматли меҳмонларимиз шаҳримизни томоша қи-  
лишин истайдиларми?

— Ҳа, албатта.

— Унда сизга шаҳримизни кўрсата биладиган гид  
ҳам керак бўлар?

— Шундай одам топилса, биз жуда хурсанд бўлган  
бўйлур эдик.

Шундай одам топилди ҳам. Бу ёшгина, ўрта бўйли,  
силлиқина кийинган йигит Жайпур университети ҳуқуқ  
факультетининг студенти экан. У стипендия олмас әкан.  
Йигитнинг отаси кийим-кечак дўконида савдо қилас әка-  
ну, аммо даромади яхши эмас әкан. Шунинг учун ҳам  
йигит ўқиш учун пулни ўзи ишлаб топиши лозим  
әкан.

Гидимиз бизга магараджа Жайпурнинг саройига бо-  
ришни таклиф қилди.

Кенг майдон олдида қўзимиз галати архитектура усу-  
ли билан ишланган катта юмaloқ бинога тушди.

Студент тушгунтириди:

— Бу Шамоллар саройи.

— Номининг чиройлилигини қаранг-а!

— Ҳа, исми жисмига жуда мос бино,— худди лекция  
ўқиётгандай таъкидлаб гапирди студент йигит. Сарой  
шундай қурилганки, Жайпурда қаттиқ шамол бўлганида,  
бутун бино кўйлади. Акустикаси шунаقا.

Ҳозир эса тепамизда қуёш чараклаб турибди, ҳаво  
тинч. Шамоллар саройи ҳам жимжит турарди. Каптарлар  
ғужфон ўйнаб юрган дарвоза ёнида қимир этмай эски  
замбараклар турибди. Жайпурнинг ҳозирги магараджаси  
бу саройда турмайди, у ўзига бошқа замонавийроқ тип-  
даги сарой қуриб олган.

Саройни кўриш учун киши бошига уч рупийдан ҳақ  
тўланади.

— Ҳозир кириш баҳоси бир оз пасайтирилган,—  
дейди бизга студент,— яқингинада ҳам томоша ҳақи беш  
рупий эди.

Биз сарой ҳовлисига кирамиз. Тош йўллар. Эшик  
ёнида ярим ҳарбий формадаги қоровуллар зерикиб ўти-  
ришибди.

— Илгарилар Магараджа ихтиёрида бир неча минг  
малайлар бўлар, улар давлат ҳисобидан боқилар әдилар.  
Энди бундай малайлар тўққиз юзта бўлиб, уларга маош-  
ни Магараджанинг ўзи тўлаши керак. Магараджага бу

ҳеч тап эмас: ахир у хорижий мамлакатларга йўлбарс ва бошқа ҳайвонларнинг терисини сотади.

Биз замон сайқал берган кўхна колонналар оралаб кезиб, қадимги ҳинд усталарининг ажойиб санъатини завқ билан томоша қилдик. Баъзи хоналарга киришга рухсат берилмади, бу хоналарга фақат Магараджанинг ўзигина кириши мумкин экан. Бошқа хоналарга киришда эса оёқ кийимини ечиш лозим.

Катта заллардан бирига кираверишда, қоровул фотоаппаратларимизни қолдириб киришимизни илтимос қилди. Қоровул бизга чўчиб қараб турарди. Студент, худди кечирим сўрагандай огоҳлантириди.

— Бу ерда Ҳиндистоннинг эски муқаддас китобларининг энг нодир нусхалари сақланади. Қуръон оятларининг дараҳт пўстлоғига олтин билан битилган ғалати нусхалари бор.

Биз фотоаппаратларимизни залга кираверишда қолдириб, ичкарига кирдик. Ҳонанинг ўртасида шиша қопланган катта жовонлар турибди.

— Бундан икки йил муқаддам,— тушунтиришда давом этди студент,— бу ердан баҳоси икки юз минг рупийлик жуда қимматбаҳо қуръонни ўғирлаб чиқиб кетишган.

— Қандай қилиб?

— Ҳизматкорларни сотовлишибди-да.

— Кейин қидириб топиша олдими?

— Йўқ.

— Ахир, бу ишни ким қилиши мумкин?

— Биласизми,— деди хижолатомузлик билан студент,— ўша куни денгиз оша келган саёҳатчилар кўп бўлган...

Биз ҳарамда ҳам бўлдик. Мармардан ишланган хоналар ичида мармар ҳовуз, фавворалар. Унча катта бўлмаган курсилар устида ҳинд рассомлари чўкка тушиб ўтиришар, шошмасдан деворлардаги эски суратларни янгилашар эди. Улар бизга қизиқсиниб қарашарди. Гид йигит улардан бирининг ёнига бориб, қулоғига алланималар деб шивирлади. Шунда бу кекса рассом мўйқаламини ишдан тўхтатиб, бид зум бизга жилмайиб қараб қолди.

Саройда яхши планлаштирилган инглиз парки ҳам бор экан, паркда худди атайлаб бўяб қўйгандай чиройли товланиб товуслар сайд қилиб юрибди, маймунлар балкон-

дан-балконга иргишилашади. Паркни ўсмиirlар чарм мешда сув ташиб, сугориб юришибди. Теп-текис қилиб қирқиб қўйилган яшил дарахтлар, ҳаво ранг, пушти гуллар, туссиз, оқиши осмонда осилиб турган қип-қизил қуёш, бўмбуш саройдаги сукунат — буларнинг ҳаммаси кишига худди сохтага ўхшаб кўринади. Жайпурнинг жўшқин, меҳнат барқ уриб турган ҳайтидан мана бу баланд тош деворлар билан маҳкам ажратиб ташлангандек туюлади.

Биз ҳориб-чарчаб ўзимизнинг «Кайзероти» мизга қайтиб келганимизда қош қорайиб қолган эди. Иссиқнинг тафти ҳам бир оз пасайган. Меҳмонхонада янги меҳмонлар пайдо бўлишибди. Бир неча американлик қимматбаҳо тош билан савдо қилувчиларнинг олдида туришарди. Улар ранг-баранг, тилла ва кумуш ип билан тикилган Жайпур туфлиларини, фил суюгидан ясалган буюмларни томоша қилишмоқда эди.

Жайпур осмонида, биз, шимолликлар учун ғалати туюлиб, кумуш ой чалқанча тушиб ётарди. У Қора дентизда сузиб юрадиган қайиқчаларни эслатарди биэга. Туни билан деразаларимиз тагида шақаллар увиллаб, товуслар ёқимсиз қичқириб чиқди.

Эртасига эса дам олиш куни эди. Яна қуёш чараклаб чиқди. Жайпур гўё тунда сувға шўнғиб олгандай эди. Ҳамма дўқонлар ёпиқ. Байрамчасига кийиниб олган жуфт-жуфт ёш-яланглар педикебларда учишарди. Дам у, дам бу ерда шу ерлик соҳибжамолларнинг оч барг ранг, мовий сарилари ҳилпираб, пастга энгашган қуюқ киприклари остидан тимқора кўзлари чараклаб кўриниб қоларди.

Жайпурнинг шимоли, қадимги маркази Амберда XVI асрда қурилган сарой бор экан. Бир вақтлар бу саройда Магараджа Савай Жай Сингх яшаган экан. Саройга кираверишда ёшгина машшоқлар унча катта бўлмаган ҳақ эвазига миллий чолгу асбобларида машқ қилиб бермоқчиликларини айтишиди.

Амбер саройи баландда, тоғда жойлашган. Сарой ҳовлисида дам у-дам бу оёгини босиб, мулоийим митти кўзларини қисиб, устига гулли ёпқич ташланган филлар сандироқлаб юришибди. Уларнинг хартумлари ола-чипор қилиб бўяб ташланган. Филлар хартумларини ҳайдовчиларига чўзиб, емаклик талаб қилишади. Бу ерга мана шу экзотикага, айниқса, филга миниб суратга тушиш мумкинлигига қизиқадиган жуда кўп сайёхлар келиб кетишади. Айтишларига қараганда, илгарилар Магараджанинг тўқсон битта фили

бўлган экан, ҳозир эса ўнтача фил қолган холос, уларни сотиб юборишган, негаки, филлар ўзларини оқлашолмас экан.

Амбер саройи жуда эскириб кетган, деворларида дарэ кетган ерлари кўп, лекин шунга қарамай, ҳали анча мустаҳкам турибди. Томига чиқиб қараган кишига Жайпур во-дийси, тогларнинг баланд чўққилари, узоқ қишлоқлар, ям-яшил далаларнинг чиройли манзараси намоён бўлади. Хоналардан бирида девор ва шифтларига ўрнатилган майдა ойначаларга қизиқиб қолдик. Шамнинг липиллаб турган олов тили ўша ҳамма ойначаларда акс этиб, хона бирдан ёришиб кетди.

Жайпурда чиройли, европача услугуда қурилган дангил-лама уйлар кўп. Бу уйларда бадавлат кишилар, ерли ва четдан келган корчаллонлар истиқомат қилишади. Бу кварталлар шаҳар марказидан четроққа жойлашган.

Кўхна Жайпур жазирама иссиқнинг сароби, бозор гала-говури, тялярнинг судралиб қадам босиши-ю ғизиллаб ўтиб турган юзлаб велосипедларнинг ярақ-юргуги билан меҳнаткаш ҳалқ янги ҳаётнинг келишини орзиқиб кутадиган катта бир шаҳар бўлиб қолди хотирамизда.

...Биз Деҳлига қайтаётган эдик. Орадан ўтган икки кун ичидаги йўлнинг кенгайтирилаётган жойларига асфальт ётқизиб бўлишибди. Ер текислайдиган галтак машинанинг рулида ўтирган, кийимларини мой босган ҳинд йигит ма-шинасини йўл устидан ишонч билан юргизиб борар эди. Механикнинг асфальтлик бочкаларни ғилдиратиб бир жойдан иккичи жойга кўчираётган оғайниларига аста, хотиржам алланималар деб тушунтираётганидаги жиддий қиёфаси өсимиздан чиқмайди. Йўл тепасида гоз ва ўрдак-лар тўп бўлиб учиб юрарди. Деҳли томонга қараб бир гала зағча ва чуғурчиқ учиб кетаётган эди. Қушлар кундузлари Деҳлидан учиб кетиб, кечга томон, тунаш учун ша-ҳарга қайтиб келишади, дейишади. Биз ҳам елиб Деҳлига қайтмоқда эдик.

## А г р а

Орадан бир ҳафта ўтиб, биз Аграни ҳам кўриш баҳтига мусассар бўлдик. Деҳлидан Аграга кетаверишда йўлимиз Матхура шаҳридан ўтарди. Матхурада ҳинд ҳарбий қисмлари жойлашган экан. Машинадан аъло дара-

жада қурилган казармалар кўзга ташланади. Уларнинг олдида ҳарбий форма кийган солдатлар туришибди. Автомобиль ва мотоцикллар елиб ўтади, далада усти маскировка учун ишлатиладиган тўрлар билан беркитилган замбараклар турибди. Афтидан, бу ерда одатдаги ҳарбий машгулотлар ўтказилаётган бўлса керак.

Матхурани босиб ўтганимиздан кейин, кичкинагина қоя яқинидаги тепаликлардан бири диққатимизни ўзига тортиб қолди. Қоянинг устини қимир этмай ўтирган ёввойи қушлар қоплаб олган эди. Тог этагида эса ўлик от ётарди. Отнинг устида ўндан ортиқ йиртқич қушлар ўтириб, темирдай қаттиқ тумшуқлари билан отнинг гўшини бурдалаб ейишмоқда эди. Колганлари ё навбат кутиб ўтиришар, ё қорниларини тўйғазиб олишган бўлса керак.

Аградаги «Империал» меҳмонхонасининг метрдотели ҳам бизга бу ерда гид хизматидан фойдаланишни маслаҳат берди. Биз розилик билдиридик. Бизнинг ёнимизга қора кўзлари чақнаб турган ёшгина бир йигитча келиб, ўзини танишитирди.

— Исмим Жеймс. Колледжда ўқийман.

Жеймс энди ўн олтига кирган экан. У жуда кўп, тинмай гапиради. Бизнинг бир оз ҳайрон бўлаётганимизни пайқаб, изоҳ берди:

— Мен студентман, жуда кўп гаплашишим керак.

У сайёҳларга гидлик қилиб, ўқиш учун пул ишлар экан — колледжга ойига йигирма рупийдан тўлаши лозим экан.

Жеймс Агранинг тарихини яхши биладиган жуда одамшаванда йигит чиқиб қолди.

Агра ўзининг Тож Маҳали билан машҳур. Бу ажойиб архитектура иншооти XVII асрда ҳинд усталари томонидан қурилган. Сиз Агранинг қайси бурчагига борманг, кўзингиз ана шу тўрт ёнида тўртта ажойиб минораси бор баланд, қўёшда ярақлаб турган мармар бинога тушади.

Худди бошқа ерлардагидек Агранинг марказий кўчасида дўконлар кўп. Меҳмонхоналар олдида пул ишлаш илинжида илон ўйнатувчилар ўтиришибди. Уларнинг олдиларида юмалоқ коробкаларга жойлашган питон ва кобралар ётибди. Одатда илон ўргатувчиларнинг қўлида кобраларга даҳшат солувчи ҳайвон — мангуста ҳам бўлади. Арзимаган чой чақа эвазига сизга кобра билан мангустанинг олишишларини кўрсатишади.

Бу ҳордиқ чиқариш кунида кўчаларда одамлар анча сийрак әди. Балки шунинг учун бўлса керак, баъзи-баъзида юкини бошига қўйиб кўтариб кетаётган ёлғиз йўловчилар киши диққатини ўзига тортади. Бизни ҳайрон қолдидраган жойи шундаки, улар бизга мутлақо ўрганиш бўлмаган усулда, юкларини бошларида кўтариб юрардилар. Мана обкаш оёқ ҳинди сопол кўза тўла катта саватни бошига қўйиб ўтиб боради. У саватни чап қўли билан енгилгина ушлаганича чайқалиб, оёқлари чалишиб кетяпти. Бу ерда ўтин болгамини ҳам, пайраха солинган қопни ҳам, бедани ҳам, мевалик саватни ҳам, сувлик кўзани ҳам ҳаммасини усталик билан бошларида кўтарадилар.

Бу ҳордиқ чиқариш кунида бой-камбагал, ёшу қари—ҳамма кети узилмай Тож Маҳал дарвозаси томон оқиб келади. Афтидан одамлар бу ерга бутун оиласари билан келишса керак. Умлари ўтиши билан оёқларидаги ҳалқалари қорайиб кетган яланг оёқ кампирлар ҳам, гулли сари кийган ёш-ёш жувонлар ҳам бор уларнинг орасида. Баъзан сарой дарвозаси ёнига машиналар ҳам келиб тўхтайди.

Аграда қўёш шу қадар қиздирадики, унинг нуридан Тож Маҳалнинг ялтираб турган мармарига қараб бўлмас әди.

Тож Маҳалга қараб турганингизда ўнг томонда ўлим минораси кўзга ташланади. Лекин бу миноранинг эски номи. Илгарилар кўпчилик одамлар ўзларини-ўзлари шу ердан Тож Маҳалнинг этагидаги тош плиталарга ташлаб ўлдирап эканлар. Ҳозир на бу минорага, на бошқаларига ҳеч кимни чиқаришмайди.

Сарой даҳмасига шоҳ Жаҳоннинг хотини дағи әтилган экан, бу иншоотнинг ўзи ҳам ўша аёлнинг хотирасига қурилган экан. Унинг ёнига шоҳ Жаҳоннинг ўзи ҳам дағи әтилган экан. Мақбара тепасида эса қорамтиро тошлардан ишланган оғир люстралар хирагина нур таратиб туради.

Даҳманинг Жамна дарёси томонига кенггина майдонча қилинган бўлиб, у ерда енгилгина шабада эсиб турар, соядда иссиқ унча билинмасди. Жамна бўйида бир неча балиқчи қоп-қора, смола сурилган қайиқ олдида ғимирсиб юрishiбди, улар овга жўнашга ҳозирлик кўришаётган бўлишича керак. Қиргоқдан оғир тўрни қайиққа олишаётган әди.

Уларнинг орқаларида эса уч юз йил бурун қад кўтарган ажойиб мармар бино ярақлаб турарди. Унинг ёнида ҳаёт ўз оқими билан кетяпти: миноралардан бирининг ёнида

тўқ қизил саллалик ҳинд солдати туарар, унинг ёнида турган қизил сари ўраган қиз эса ошиқ кўзлари билан ийманнибигина унга қараб қўярди.

Тож Маҳалга кираверишда даҳма кўринишларининг тасвири сотиларди. Оқ ва қора мармарда садаф рангдаи турли баҳодаги мозаикалар, Тож Маҳалнинг жажжи тош моделлари билан савдо қилишади.

Тож Маҳални томоша қилиб бўлганимиздан сўнг қадимги замондаги йирик арбоблардан бири, ҳарбий саркарда Акбарнинг қабрини кўргани жўна-дик.

Акбарнинг қабрига Агра томондан келган киши даставвал отнинг сурати ишланган ҳайкални кўради. Ривоятларга қараганда Акбарнинг оти Аграга яқинлашиб қолганда йиқилган экан. Шунда, Акбар отини ўша ерга кўмиб, унга ҳайкал кўйишини буюрган экан.

Йўл бошловчимиз Жеймс бизга таклиф қилди:

— Ўлик шаҳарга, Фатерпур Сикрига борамизми? У ерга шайх Салим-Чисти дағн этилган. Аградан бор-йўги қирқ чақирим келади.

Қишлоқлардан биридан ўтаётиб, қулоғимиизга енгил ҳуштак билан алмашиниб турган бир текис тақири-туқур чалинди.

— Кичкинагина мотор, қишлоқ тегирмони дон янчяпти,— дея ҳозиржавоблик билан тушунтириди Жеймс. Бизнинг мамлакатимиз камбагал, кўрсатишга арзигулик жойлари ҳам йўқ.

— Нега энди бундай дейсиз, Жеймс? Мамлакатингиз жуда гўзал, ҳалқи ҳам ажойиб.

Жеймс ҳайрон бўлиб бизга қаради. Афтидан, у баъзи бир чет эллик сайёҳларнинг кўнглига қараб, мамлакати тўгрисида ўта камтаринлик билан ҳикоя қилиб ўрганиб қолган бўлса керак. Лекин мамлакатининг бизга ёққанини сезганидан кейин руҳи бирдан кўтарилиб, қувноқ тортиб кетди. Биз Жеймсдан Совет Иттифоқи тўгрисида бирон нарса биласанми, деб сўрадик.

— О, у буюк мамлакат! У ерда машиналар ҳам кўп, студентлар ҳам яхши яшашади.

— Сиз Совет Иттифоқига боришни истайсизми?

— Ҳа, айниқса Москвага боришни орзу қиласман. Бу менинг ээгу ниятим.

Ўлик шаҳарга кетаётганимизда йўлда Ҳимолой айиқларидан етаклаб олган бир неча ўсмирларни учратдик. Ўс-

мирлар ногорага ўхшаш бир нарсани дўпиллатиб чалишар, айиқлар бўлса, эринибгина ўйин тушишарди. Бу ҳам чет эллик сайдечлар учун эди...

Рўпарамиздан педикеблар колоннаси елиб келарди. Топ-тоза коляскалар қуёшда ярақлайди. Машинамизни тўхтатмоқчи бўлган эдик, биздан тезроқ кетаверишимизни илтимос қилишиди.

— Улар ким ўзарга ўйнашяпти,— деди Жеймс.

Ҳар бир педикебчининг коляскасида ўзлари тенги ўсмирлар ўтиришарди. Ҳинд йигитларининг чеҳралари қувноқ эди. Ўйин қизигандан қизиб кетган. Ким ўзарга қаттиқ мусобақа борарди ўғтада!

Кичкинагина стадионда ўт устида иккита армия командаси хоккей ўйнарди.

— Ҳиндистон спорт ўйинларининг шу тури бўйича бир неча йилдан бери биринчилкни қўлда сақлаб келаётганини биласизми?— деб сўради гурур билан Жеймс.

...Айтишларича, Ўлик шаҳар бундан бир неча йил муқаддам чиндан ҳам ўлик бўлган экан. Катта, тошдан қурилган ярим хароба бу шаҳар тоғ тепасига жойлашган бўлиб, аҳолиси шаҳарни сув йўқлигидан ташлаб кетишган экан. Бироқ ҳозир машина билан шайх Салим-Чисти дағн этилган мақбара дарвозасига етганимизда қарасак, шаҳарнинг баъзи кварталлари тепасида кўм-кўк тутун ўрлаб юрганига кўзимиз тушди. Кўчаларида одамлар юришибди. Ўлик шаҳарга жон кирибди.

Фатерпур-Сикри — мусулмонларнинг муқаддас жойи. Биз деворларига жуда чиройли суратлар ишланган кичкинагина бир мармар бинога кирдик. Бу ерда мармар даҳма турибди. Оппоқ соқолли кекса бир қария даҳма ёнида чўкка тушиб олган. Қариянинг ёнида иккита нимчилиқ-қина йигит ҳам бор. Уччалалари ҳам алланималар деб дуо ўқишишарди. Ҳизматчи шағам ёқди. Даҳмада соялар лопиллай бошлади. Ибодат қилиб ўтирганлар шагамга кўз ташлашиб, кейин биз томонга ўгирилишди. Ҳизматчи бизга шайх Салимнинг тарихини гапириб берадётган эди. Қария ибодатини давом эттираверди, йигитлар эса қизиқсиниб, бизга тикилиб қолишиди.

Мақбаранинг олдида, шу ернинг ўзидағи мармар панжарага хилма-хил латталар боғлаб ташланган. Одатда орзийимиз ушалсин деб умид тутадиган художўй одамлар шундай қилиб кетишар экан.

Катта ҳовлида, сояда, тошларнинг устида шайх Салим мақбарасини зиёрат қилгани келган йўловчилар — жуда кўп одамлар ётишарди.

Мақбаранинг гир атрофидаги кенг ҳовли баланд қизил девор билан ўралган. Деворлардан бирида, ўттиз метрлик баландликда бир йигит туради. Қандайдир бир одам Жеймснинг олдига келди. Жеймс бизга мурожаат қилди:

— Бир неча рупий учун кўзингиз олдида бир одам ўша девор устидан сувлик чуқурга ўзини ташлашини хоҳлай-сизми?

— Зинҳор керак әмас!

Жеймс гапимизни у одамга таржима қилиб берди. Бояги олдимиэга келган киши ишонмади.

— Ахир бу унча қиммат әмас-ку,— у деворда турган ўсмирга ташлайвер, дегандек ишора қилди.

Деворда турган йигит шоша-пиша кийимларини еча бошлади.

— Зинҳор керак әмас! — дея такрорладик биз ва у ердан нари кета бошладик.

Жеймс бизга:

— Мана бу одам сизлардан хафа бўлди, чунки сиз унинг пул ишлашига имкон бермадингиз,— деди.

— Ким ўзи бу одам?

— Анави йигитчалар шунга ишлашади. Бир рупия учун девордан чуқурга калла ташлашади. Бу ердагилар шунга ўрганиб қолишган. Сайёхларга айниқса ёқади.

Қуёш ботар олдида биз Аграга қайтдик.

Шаҳар худди бўшаб қолганга ўхшар, кундуэги ғалажовурдан кейин сув қўйгандек жимжит эди.

Автоманинг заправка қилмоқчи бўлиб тўхтаган бензоколонкамизнинг олдида, ерда тўп бўлиб илон ўргатувчилар ўтиришади. Улардан биттаси ўртаси шишган найда аста куй чаларди. Бошқалари илонларни юмалоқ саватга жойлаб, устини ёпишарди. Илон ўргатувчилар шошилмай алланималар ҳақидадир гаплашишди, кейин, ҳаммалари баравар ўринларидан туришиб, ҳар тарафга тарқалиб кетишли. Уларнинг ҳам иш кунлари тугаган эди.

Шаҳар тепасида ой ўз жамолини кўрсатди. Биз Жеймс билан хайрлашдик. Ой нурида Тож Маҳални яна бир марта томоша қилмоқчи бўлдик.

Бу сафар Тож Маҳал катта дарвозасининг олди деярли бўм-бўш эди. Кираверишда, ой нурида хира милтираб бир неча машина туради. Яна битта машина келиб

тўхтади. Машинадан сари кийган икки аёл чиқди-да, қоронғида қоқилиб кетишдан қўрқиб, аста дарвоза томон юришди. Соқол қўйган ҳинди фонус билан йўлларини ёритиб турди. Аёллар тошнинг устига ўтиришди. Улардан биттаси:

— Ой ёғдусида бизнинг Тож Маҳалимиз қандай гўзал бўлади-я! Мен уни неча ўн мартараб кўрган бўлсам ҳам, яна қайта-қайта кўргим келаверади,— деди.

Бошқалар сукут сақлашарди.

Ҳа, чиндан ҳам, Тож Маҳал ойдин кечада яна ҳам улугвор, яна ҳам кўркамроқ кўринарди. У, ҳовузларда ҳам акси кўриниб, ўзининг сирли улугворлиги, оппок чўққиси билан кўкимтири — кумуш ранг осмонга қадалиб қолгандай бўлиб туюларди кишига.

Меҳмонхонага қайтишда биз ўша сирли ой нури билан йўғрилган кўкимтири чироқлари ёқилган бир неча кварталларни босиб ўтдик. Расталардаги дўконлар олдида алансини шамол чайқалтириб турган манқал ва шагамлар ёниб турарди. Одамлар худди кундузидагидай чўкка тушиб ўтириб, бамайлихотир чой ичишарди. Савдо-сотиқ ҳали ҳам давом этатётгандай кўринса ҳам, харидорлар кўзга чалинишмасди. Муюлишлардан бирида олдимииздан жанозага келган юзга яқин эркаклар ўтиб кетишли. Одамлар ўликни замбилда олиб кетишарди. Мурданинг юзи кўринмас, уни сариқ матога ўраб, устидан гуллар сочиб қўйишиган эди...

Эрта билан эса, «Победа» машинамизни Деҳли йўлига олиб чиқиб, қаршимиздан велосипед минган клерк ва саводогарлар елиб ўтаётганини, бошида оғир юқ кўтарған одамлар кетаётганини кўриб, юқ ортилган автомашиналарнинг оғир гудогини эшитганимиэда, тунги бор сирлилик йўқолиб, биз яна йўл ва далаларга оқиб чиқаётган меҳнаткаш Ҳиндистонни кўрдик.

## Бомбейда уч кун

Ҳиндистоннинг картасига қарап әкансан, беихтиёр унинг ҳамма бурчакларига — Ҳинд океанининг тўқ яшил тўлқинлари чайқалиб ётган жануб томонига ҳам, Ҳимолой тоғлари этакларига ҳам, жазира маисиқ, сершовқин Калькуттага ҳам, муқаддас деб саналадиган Жамна дарёсининг бўйларига ҳам боргинг, ҳамма ёқни кўргинг келиб

кетади. Бу ажойиб мамлакат бўйлаб қиладиган ҳар қандай сафарингиз ҳам сизга ҳаётингизда маълум бўлмаган қизиқ-қизиқ саҳифаларни очади.

Бомбей бир вақтлар биз учун жуда узоқ, бир оз афсонавийроқ шаҳар эди, бизнинг бу шаҳар ҳақидаги билимимиз ҳам болалик чоғларимизда ўқиган баъзан тӯғри, баъзан нотўғри маълумотларга асосланган китоблардан олинган эди. Ҳатто ҳозир, Ҳиндистоннинг ўзида туриб ҳам, то шу ажойиб шаҳарга бориб келмагунингча, Бомбейнинг қандай шаҳар эканлигини ҳатто кўёз олдингга ҳам келтирмайсан.

Ҳиндистоннинг маркази Деҳлидан Бомбейгача борйүғи тўрт соат училар экан. Йўкки моторли самолёт Деҳли аэропортидан кўтарилиб, жанубга қараб йўл олади, пастда, самолёт тагида яна икки соатгача қуруқ, қуёшнинг шафқатсиз иссиғидан қовжираб кетган сарфиш-қорамтири тусдаги далалар, саратоннинг иссиқ еллари ялаб ташлаган кичик-кичик тоглар, майда дараҳтлар босиб кетган тош чўққилар учраб туради.

Бироқ Бомбейга яқинлашганингиз сари ям-яшил далалар, Араб денгизи бўйларида ястаниб ётган хурмозорлар аввалига, кўкимтири-кумуш ранг садоб бўлиб кўзингизга әлас-әлас чалинади-ю, кейин сарфиш қўнғир ранг қумлоқ қирғоқ ҳам мавжли тўлқини билан аниқ-таниқ кўринади-қолади. Мана энди самолёт шундайгина қирғоқ тепасидан учиб боряпти, агар ўнг томондаги дарчасидан қарасангиз, мовий ранг сув яланглигига сузиб юрган балиқчи елканларга кўзингиз тушади, чап томонидан қараган кишига эса асфальт ётқизилган йўллар, топ-тоза, ёргу уйлар, сугорилган далалар кўринади.

Бомбейга жуда яқин қолди шекилли. Чунки самолётнинг ҳамма томонидан катта шаҳар кўрина бошлади; чекка жойларда фабрикалар тутун бурқситади, ям-яшил хурмо дараҳтлари баргини ҳам тутун қоплаб олган. Бомбей аэродромида самолётдан тушишинг билан бу ернинг ҳавоси қанчалик нам ва дим эканлигини ҳис этасан киши. Ҳали эрталабгина Деҳлида ҳаво қуруқ, нафас олиш енгил эди, бу ерда эса худди бирор иссиқ, ҳўл чойшабга ўраб қўйгандек сезасан ўзингни.

Машина пастаккина уй ва кулбаларни оралаб ўтиб, шаҳар ўрнашган оролга қараб елиб боради. Аслини олганда, уни орол деб атагудек ери ҳам қолмаган. Бомбей қитъа билан устига уй ва магазинлар қурилиб, йўллар тушиб

кетган кенг дамбалар орқали туташиб кетган. Ғақат қирғоқ бўйлаб сочилиб ётган балиқчиларнинг кулбалари-ю тўрлар, қоп-қора қайиқлар дениз яқинлигини эслатиб туради. Бомбейда ярим айланга кўрфаз бор, кўрфаз бўйлаб галати меъморчилик услугуда қурилган кварталлар ўрнашган, бу кварталларни на европа модернига, на традицион ҳинд меъморчилигининг услугуга ўхшатиш мумкин. Аммо бу ердагиларнинг таъбири билан айтганда, бу ер Бомбейнинг европача қисми экан. Бомбейликларнинг ўзлари әса айниқса кечқурунлари неон чироқлари ёқилганда жуда чиройли бўладиган бу ерни «Бомбейнинг маржони» ёки «Марварид шодаси» деб аташади. Бомбей Маллабар-хилл тепалигининг тош панжаралари ёнида туриб, шаҳарнинг кенг панорамасини томоша қилиш мумкин бўлган дангиллама уйлар районидан айниқса яқзол кўринади.

Бомбей катта саноат маркази. Бу ерда муҳожирлар ҳам жуда кўп. Бомбей портида чайқалиб савдо кемалари туради. Савдо кварталлари гала-ғовур, ихчам-ихчам савдо дўконлари ҳам кўп. Электрик кўчаси айниқса серҳаракат, турли ҳалқлар тилининг сурони ҳавода муаллақ осилиб ётади. Бу ерда дам ҳинд, дам европача кийинган одамларни учратасиз, айниқса жуда қулай жиҳозланган меҳмонхоналар олдида европача кийинганларни кўпроқ кўрасиз. Ҳурмо дараҳтлари орасидаги яшил майдонда ўзига тўй оиласарнинг болалари эшакларда сайр қилишади. Шундан сал нарида, кўчада покистонлик қочқинларни ҳам кўришингиз мумкин, ҳозирча улар дуч келган ишни қилиб тирикчилик қилишга мажбурлар.

Бомбейда «Қуруқ қонун» амалга оширилган — ресторанларида на вино, на виски бўлади. Бироқ меҳмонхонадан кўчага чиқдингиз дегунча ёнингизга биронта йигит келади-да: «Жанбларига виски ё бренд даркор эмасми? Баҳоси унча баланд эмас...» дейди.

Бомбейда ҳам Ҳиндистоннинг бошқа йирик шаҳарларидаги каби, катта қурилиш кетяпти. Кўрфаз ёнида галати, аммо Бомбей об-ҳавосига мос келадиган архитектура асосида қурилган Америка «Вакуум компанияси»нинг биноси жойлашган. Бу бино қия бетон панжара билан шундай мўлжаллаб ўралганки, ичкарисига қуёш нури мутлақо тушмайди. Шу ерда, худди шу уйнинг ёнгинасида яна битта бино қуриляпти. Ярим яланғоч эркак ва аёллар чипта соябон тагида ишлашади, улар офтоб урмасин деб бошларини танғиб олишган. Чорраҳаларда

полиция кишиләри ҳам кёнг соябонлар тагида туришади.

Кун пешин бўлиб, Бомбей айниқса исиб, нам ҳаво қимир этмай туриб қолганда одамларнинг «Тож Маҳал» меҳмонхонасининг зиналарида, шундайгина тошнинг устида ухлаб ётишганини кўрасиз. Скамейкаларда гиштин рангли кийим кийган, кўкракларида қоп-қора соқоллари ҳилдириаган монахлар ухлаб ётишади; баъзи бирорлар кенглиги бир ярим метр келадиган трубаларни топиб, ўшаларнинг устида ҳам ухлашади. Лекин қоқ пешинда ҳам Бомбей кўчаларида ҳаёт тўхтамайди. Кўча сотувчилари ширинликлар билан савдо қилишади. Кўр бир мажруҳ ранг-баранг пурфаклар сотиб юради. Банк олдига машина келиб тўхтайди, ундан қуролланган полициячилар тушишади, улар қопдаги пулни кузатиб келишган. Йўлларга асфальт ётқизиш давом этади. Жаҳоннинг турли маркази машиналари елиб ўтади. Соат магазинларида сочлар чиқиллаб, вақтнинг ўтаётганини билдириб туради. Витринага катта циферблат ишланган бўлиб, унинг стрелкалари айни бир вақтда турли мамлакатлардаги вақтни кўосатиб туради. Унда: «Лондон», «Париж», «Берлин», «Рим» ва ... «Петербург» деб ёзилган.

Кечга томон, қуёш Бомбейнинг қизиб ётган томлари орқасига ўтганда эса шаҳардаги ола-ғовур ҳам тинади, қўпчилик бомбейликлар автобус ва машиналарга ўтириб ўзларининг севимли жойларидан бири — Малабар-хиллдаги Осма боққа қараб йўл олишади. Биз упинг иоми нега Осма боғ деб сўраганимизда, бизга:

— Пастда трубага ўтқазилган дарё оқади, боғ эса тогнинг тепасида, қўл кучи билан бунёд этилган, шунинг учун ҳам уни Осма боғ деймиз,— деб жавоб қилишди.

Шанба оқшомларида Осма богда дам олувчилар айниқса қўп бўлади. Бу ерда чиройли гуллар, ўсимликлардан ўҳшатиб ясалган фил, йўлбарсларнинг сурати бор. Одамлар бу ерга келишиб, тинчгина суҳбатлашишади, тоза ҳаводан нафас олишади.

Бомбей аквариумида сиз Ҳинд океани ва Араб денгизида бор барча балиқларни кўришингиз мумкин. Кўкимтири ойна орқасидаги йўсингилор орасида болалари пинжига қапишиб олган кичикроқ акулалар ҳам шиддат билан сувзид юрибди. Аквариумнинг ичи салқин. Келувчилар чиганоқладдан ясалган турли чиройли-чиройли ўйинчоқларни узоқ томоша қиласидилар.

Бир куни, биз, Бомбейнинг иссиқ ҳавосига мосроқ енгил оёқ кийими олмоқчи бўлиб, пойафзал дўконига кирдик. Бомбейдаги магазинлар худди клубларга ўшаб кетади. Бу ерга харидорлар оиласлари билан келиб, бемалол ўтириб олиб, узоқ сұхбатлашишади. Бу ерда афтидан фақат Бомбейнинг ўзигагина хос бўлган бир одат бор, яъни магазинда сизни текинга муздек мева шарбати билан сийлашади. Бу ер жуда фала-ғовур, нашъали, сотувчилар қўлма-қўл қилиб турли-туман, янги фасон оёқ кийимларини кўрсатаверишади. Магазин эгаси ёнимизга келди. У шошилмай оёқ кийимини кийгизаб кўрар экан, дерди:

— Мен сизларга оёқ кийимини фақат менинг магазинимдан харид қилишни маслаҳат бераман. Менда пойафзалнинг энг яхшилари бўлади, магазиним ҳам энг ҳалол магазин. Сиз, менга фалон размерли туфли керак, десангиз, «хўп» деб олиб кириб кетишади-да, ўша туфлининг ўзига айтган номерингизни ёзиб олиб чиқиб беришади. Бундан ташқари, билмасдан таг чарми ўрнига картон қўйилган пойафзали олиб кетишингиз ҳам мумкин.

— Наҳотки сизнинг магазинингиздан бошқа ҳаммасида шундай бўлса?

— Турган гап, ҳаммаси ҳам ўшанақа әмаску-я, лекин сиз менинг магазинимга келиб харид қила қолинг.

У негадир бизни швейцарияликлар деб ўйлади.

— Сизнинг мамлакатингиз,— деди бизга магазин хўжайини,— дунёда энг бой мамлакат. Бизга ўша бойлигинингизнинг бир бўлагини берсангиз-чи.

— Аксинча! Бизнинг назаримизда Ҳиндистон дунёдаги энг бой мамлакатлардан бири бўлса керак. Ҳалқингизнинг бойлиги шундайгина оёғингизнинг тагида. Уни эҳтиёт қилинг.

У бизга диққат билан тикилиб турди-да, кейин сўради:

— Сиэлар Швейцариядан эмасмисизлар?

— Йўқ, Швейцариядан эмасмиз.

— Унда қаердансиэлар?

— Руслармиз.

— О, унда ҳалқимиз ҳақида бунчалик яхши фикр билдиришингизнинг боисига тушундим!

Дам олиш кунида эрталабдан бошлаб машиналар бўмбўш кўчалардан бир томонга — шаҳар чеккасига қараб йўл оладилар. Биз ҳам Брич-Кенди бассейни томон йўл олдик. Бир вақтлар бой инглиз савдогари бу бассейнни битта шарт — фақат европаликлар чўмилади деган шарт

билан қурдирған әкан. Бу анахизм халиғача ҳам сақланиб келар әкан. Ҳикоя қилиб беришларига қараганда, яқинда бу ерга қандайдыр қорамагиз бир америкалик келибди. Контролёрлар уни бассейнга киргизишмабди. Увалло шов-қин күтариб, уруш-жанжал чиқарса ҳам контролёрлар уни киргизишмабди. Кейин фифони фалакка чиққан америкалик ўз консулига бориб «оқ танли» лигини тасдиқловчи справка олиб келибди-да, бассейнга тантана билан кириб кетибди.

Бомбей теварагида бошқа дам оладиган жойлар ҳам кўп.

Улардан бештаси шаҳар марказидан атиги ўн беш чақирим нарида, Араб денгизи бўйига жойлашган Жуҳу деган жой. Шаҳардан чиқишингиэ билан кокос пальмазорлари бошланади. Пальмалар тагида кокос ёнғоқлари уйилиб ётибди. Йўл шундоққина денгиз бўйига, қумлоқ, тўлқинлар ювиб ётган қирғоққа олиб чиқади. У ерда турли зираворлар, шириналлар билан савдо қиладиган дўконлар кўп. Ўргатилган маймунларни етаклаб ўсмиirlар дайдиб юришади. Яқингина ерда спорт аэроклуби бор — пляж тепасидан денгизга қараб дам-бадам ўқув самолётлари учиб ўтади. Бу ерда денгиз жуда саёз, белингиздан келгунича, ичкарисига қараб анча юриш керак. Жуда ичкари кетиб ҳам бўлмайди, айтишларига қараганда, бу ерларга акулалар сузиб келар эмиш.

Бомбейликлар денгиз бўйида оиласлари билан дам оладилар. Камбағалроқ оиласлар қирғоқнинг ўзидан фойдаланиб қўя қоладилар. Ўзига тўқроқ, бойроқ оиласлар нарироқдаги баланд пальмалар орасига жойлашган унча катта бўлмаган меҳмонхона ва ресторон томонга борадилар. Шу ерда ўтириб чой, кофе, шарбатлар ичишади. Узоқда қўёшнинг қизгиш нурлари ўйнаб ётган кумуш ранг кўкимтир денгиз суви жимиirlайди. Қирғоқ бўйлаб шошилмай ерли аҳоли ўтиб боради, аёлларнинг бошида эса яна ўша икки қават мис кўза.

Меҳмонхонанинг кичкинагина балконида иккита савдогар жуда чиройли дастурхон, тўр ёстиқпўш, салфеткалар сотишияпти. Буларнинг ҳаммаси қўлда тўқилган нарсалар. Савдогарлар зерикишмайди, олдиларига дам-бадам харидорлар келиб туришади. Франциялик бир группа сайёҳлар ҳам тўрларга қизиқиб қолишиди. Улар дастурхонни қўлларига олишиб, нозик тўрини томоша қила бошлишади.

Тўр уларга ёқиб қолган бўлса ҳам савдолашишади, кейин жойларига қайтиб келиб ўтиришиб, узоқдан сотувчиларга қарашади. Бироқ сотувчиларнинг ўзларига сира эътибор беришмаётганини кўришиб (улар сайёҳларнинг табиатини жуда яхши ўрганиб олишган), француслар ўрниларида туритиб савдогарларнинг олдига қайтиб боришади-да, бир нечта дастурхонни танлаб олишади, кейин кичкинагина кармонларидан ҳинд рупияларидан олиб узатишиади. Савдогарлар пинакларини бузмай, пулларни кармонларига солиб қўйишиади.

Қўёш уфқа яқинлашган сари, қирғоқда дам оловчиликнинг сони ҳам қўпайиб боради. Машина кетидан машина келиб тўхтайдеради, официантлар аста юриб чой, кофе, заҳарга ўхшащ сап-сариқ апельсин шарбатини талабга биноан тарқатиб юришиади. Араб денгизининг тўлқинлари эринчоқлик билан шовиллади.

Шу оқшом биз яна дам олиш кунидаги Бомбейни, унинг неон чироқлари билан ёритилган савдо кварталларини кўрдик. Баққолчилик ва газлама дўконлари бу нурда айниқса чироили бўлиб кўринарди. Бу нурдан одамларнинг ташки қиёфаси бир оз ютқазса ҳам буюмлар ютарди — улар худди аллақандай афсонавий бир мамлакатдан келиб қолгандек бўлиб туюлар эди.

Назаримизда, худди Бомбейнинг барча аҳолиси кўчага чиққандай. Кўрфаз қирғофида, «Тож Махал» меҳмонхонаси олдида, сариқ чироқ билан ёритиб қўйилган катта Ҳиндистон дарвозаси ёнида тўда-тўда одам. Дарвоза ҳозир ремонт қилингани, тепасигача қурувчилар туриб ишлашлари учун темир панжара зиналар кўтарилиган. Одамларнинг баъзилари скамейкада, баъзилари тош ернинг ўзида ўтириб олишган. Ҳандон ташлаб кулиб, қувноқ болалар ўйнаб юришибди. Фира-ширада тимқора сувли кўрфазда сассиз сузиб юрган елканли кемаларни аниқ-таниқ кўрмасангиз ҳам, тахмин қилишинги мумкин. Шуларни кўриб, беихтиёр Совет рассоми Чуйковнинг аллақачон ҳамманинг эътиборини ўзига тортган «Бомбей қирғоқлари кечки паллада» суратини ёслайсиз.

Маълумки, Бомбей ҳинд кинематографиясининг йирик марказларидан биридир. Бомбей кинотеатрларининг экранларида америка фильмлари кўп қўйилади, лекин бу, улар Ҳиндистонда шуҳрат қозонган экан, деган гап әмас. Ҳиндулар ўз кино санъатларини яхши қўрадилар.

Совет Иттифоқига келиб кетган ҳинд киноактёrlари бу саёҳатларини зўр мамнуният билан эслайдилар. Бомбейда яшайдиган, бизда Ҳиндистоннинг энг яхши кино актёrlаридан бири деб танилган Раж Капур Ҳиндистонга қайтиб келганидан кейин бир қанча мақолалар эълон қилди, унда совет кинематографиясига юксак баҳо берди. СССРда ҳинд кино арбобларини самимият билан кутиб олганликлари ҳақида ҳикоя қилди. Ҳинд фильмларининг Совет Иттифоқида намойиш қилиниши ва бизнинг томошабинларимиз олдида қозонган муваффақияти ҳинд фильмлари учун бошқа мамлакатларга ҳам йўл очиб берди. Ҳозир ҳинд фильмлари Хитойда ҳам, бошқа халқ демократияси мамлакатларида ҳам намойиш қилинади. Бу фильмларни бაъзи бир капиталистик мамлакатлар ҳам сотиб ола бошлади. Бу ерда ҳинд фильмларини сотиб олмаётган америка кинокомпанияларининг ҳинд кинематографиясига муносабатидан қаттиқ норози эдилар.

Биз «Дайди» кинофильмининг муаллифи, машҳур ҳинд ёзувчиси Аҳмад Аббос билан учрашдик. Аҳмад Аббос Ҳинд киноактёrlари билан бирга Совет Иттифоқида бўлган. Москвада ҳозир унинг иккита романи босмадан чиқяпти. Бу ўрта бўйли, ўта жонли, қувноқ киши ҳозир Афанасий Никитин ҳақидаги сценарий устида ишлаш билан банд.

— Бир кўз олдингиэга келтириング-а,— дерди у бизга,— Волганинг бошида яшайдиган кичкинагина бир рус бола мактабда Ҳиндистон деган бир мамлакат бор, деб эшишиб қолади. «Шу ростми?» деб сўраганида мактабидаги кашиш Эроннинг кетида ҳеч нарса йўқ, Эрон оламнинг этаги, деб жавоб беради.

Бироқ бола кўпчилик мамлакатларга борган савдогарларнинг гапларини әшигади, улар Эроннинг ортида ҳам ер бор, у ерда ҳам одамлар яшашади, дейишарди. Афанасий исмли бола қайиқда Волганинг қуйисига қараб сузиб кетади, бироқ у кўп ўтмай уйига қайтишга мажбур бўлади. Йиллар ўтади, бола ўсиб-улгаяди, энди унинг қайлиги ҳам бор. Бироқ болалигида туғилиб, дилида чуқур из қолдирган бу узоқ ажойиботлар ўлкасини кўриш тўғрисидаги орзу унга сира тинчлик бермайди. Ниҳоят у, яна елканли кемада хатарли сафарга йўл олади. Уни олдинда оғир синовлар кутарди. Араб дengизида у бўронда қолади, қайиги ҳалокатга учрайди. Тўлқинлар уни қиргоқча олиб улоқтиради. Афанасий Никитинни бир ҳинд

қизи топиб олади... Мен бу ролни Наргис ўйнаса, дейман... Қиз Афанасий Никитинга ёкиб қолади, бироқ қизнинг қайлиги бор... Улар дўст бўлиб қоладилар. Мен Никитинни Черкасов ўйнашини истардим,— дейди Аҳмад Аббос.— Бизда уни яхши кўришади, ҳам танишади.

Аҳмад Аббос ҳозир келажакда яратиладиган фильм режалари билан юрибди. У бизга:

— Мен, бу фильмни бизнинг умумий фарзандимиз бўлади, деб ўйлайман. Мен Жавоҳарлаъл Неру билан гаплашдим, у менга жуда кўп қимматли маслаҳатлар берди, Никитин Ҳиндистонда пайдо бўлган даврга доир китобларни ўқиб чиқишини тавсия қилди. Неру бу фильмнинг яратилишига жуда хайриҳоҳ эканлигини билдириди.

Аҳмад Аббос бизга Бимал Рой ишлайдиган студияни бориб кўришни таклиф қилди.

Бимал Рой ҳозир янги фильмни суратга оляпти. У бизнинг ажойиб кинорежиссёrlаримиздан бири. Сиз уни «Икки бигҳа ер» фильмни орқали танийсиз.

Студия шаҳар чеккасига жойлашган. То студияга етиб боргунингизча Бомбейнинг қанчалик катта шаҳар эканлигини кўрасиз: бирин-кетин ўнлаб кварталларни босиб ўтасиз, катта, ҳашаматли тош уйлар, улардан кейин одатдаги унча катта бўлмаган уйлар, кейин кичик-кичик кулбалар, дўкончалар, араваларга қўшилган қўтосларга кўзингиз тушади...

Кичкинагина бир кўчада, ташқи томонидан бошқа уйлардан сира фарқ қилмайдиган мўъжазгина бинода жойлашган киностудияяга ихчамгина павильонлар ўрнатилган: ўйинчиқ магазини, қишлоқ дўкони, бир ҳинд хонадонининг уйи. Ҳовли ичкарисида ола-чипор кийим кийиб, оғир ярог-аслаҳа таққан жангчилар юришибди. Қандайдир тарихий фильм суратга олинаётган бўлса керак.

Бимал Ройни биз павильонда, мактабни тасвиirlаётган ерида учратдик. Ҳовлида болалар чопқиллаб юришар эди. Парта ортида семиз бир бола билан кўзлари тим қора, озингина бола ўтирибди. Уларнинг олдиларида сари кийган чиройли, очиқ чеҳрали кичкинагина қизалоқ ҳам турарди.

Бимал Рой машҳур ҳинд романи «Дев Дас» асосида фильм ярататётган экан. Рой бизни жажжи актёрлари — Рама Кумар ва Бэби Нет билан танишитирди.

— Ҳозирча булар яхши болалар, аммо дурустгина актёр бўлиб ҳам қолишди. Бэби Нет, менимчча, бора-бора машҳур актриса бўлиб кетса керак,— деди у.

Биз партага ўтирдик. Бирпас у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашдик.

— Ҳозирча мен фильмнинг дастлабки эпизодларини оляпман,— деди Рой.— Фильм тўлалигича олти-саккиз сайдан кейин тайёр бўлади. Ҳозирча биз фильм экспозициясини суратга оляпмиз, унда болалар ўйнашади. Кейин улар «катта» бўлишади, катталарни эса катта актёлар ўйнашади.

Суҳбатимиз борган сари қизиб боргани билан, биз съёмкани тўхтатиб қўйганимизни ҳам тушунар әдик. Ҳайрлашиш чогимизда Рой:

— Болалар сизлар билан суратга тушишмоқчи,— деди.

Фстоаппарат бир неча марта чиқиллади, кейин биз яна шаҳарга қайтиб кетдик.

Аҳмад Аббос бизга Бомбейнинг тарихини ҳикоя қиласарди. Биз икки беткайида қатор адл қомат дараҳтлар қад кўтарган йўлдан елиб бораидик. Баландга чиқиб дараҳтларнинг учлари бир-бирига чирмашиб кетганидан, биз ўзимизни худди ям-яшил йўлакдан кетаётгандек ҳис этардик.

— Бундай дараҳтларни кўриш, киши учун қандай кўнгилли! Инглизлар ўзларининг ҳукмронлик қилган йилларида миллионлаб дараҳтларни қирқиб ташлашганини биласизми? Кўп ерларда дараҳтлари қирқиб ташланганидан қурғоқчилик бошланди, ер унумдан қолди. Қурғоқчиликнинг биз учун нималиги маълум. Бу — минглаб оч-наҳор кишилар, минглаб кишиларнинг ҳалокати-ку. Ҳозир эса аҳвол тамом бошқача. Ҳукумат дараҳтларни кесиш ман этилади, деған қарор чиқарди. Энди биз қандай қилиб мамлакатимизнинг қаддини кўтариб олиш тўғрисида, халқимизни қандай баҳтиёр қилиш тўғрисида ўйлаямиз.

Аҳмад Аббос бизга танасида битта япроғи бўлмаса ҳам жуда чиройли, қип-қизил бўлиб гуллаб турган дараҳтнинг суратига ишора қилиб:

— Бундай дараҳт фақат Ҳиндистонда ўсади,— деди.

Биз қирғоқка боғлаб қўйилган балиқчиларнинг елканлик қайиқлари яқиндан ўтиб кетаётган әдик. Аҳмад Аббос:

— Улар ҳалигача ҳам Ҳинд океанига чиқишади... Афанасий Никитин,— деб қўшиб қўйди у,— Бомбей яқинида қайиқдан тушган, ким билади дейсиз, балки биз

босиб ўтаётган мана шу қирғоқда тушиб, шу ерлардан юриб ўтган бўлиши ҳам мумкин.

Турган гап, Бомбейдек катта шаҳарда уч кунгина яшаш озлик қиласди, ҳа, жуда озлик қиласди. Ҳали бу ердаги кўй нарсаларни кўриб улгуролмадик. Лекин, ўша биз кўрганларимизнинг ўзиёқ, қалбимизни яна аллақандай ҳис-туйғуга тўлдириб юборди. Жўшқин ҳаёт кечираётган, одамлари ўзининг самимийлиги билан кўнглингни ром қилиб ола биладиган бу катта шаҳар бир умр эсимиздан чиқмайди.

## Патнала

Бизга яна Пепсу штатининг маркази Патнала шаҳрига автомобилда қисқа муддатли саёҳат қилиш насиб бўлди. Пепсу штати Покистон билан чегарадош. Бир вақтлар Панжоб ерлари битта вилоятга қарап әди, ҳозир эса ярми Ҳиндистон ихтиёрида бўлиб, ярми Покистоннинг ихтиёрида. Бу айниқса барча Покистонда меҳмон бўлганлар қатори, Лохўр шаҳрида бўлган шу сатрлар муаллифи га хам айниқса яққол сезилади.

Худди ўша сокин, гўзал табиат, кенг яйловлар, кичик-кичик дарёлар, серҳосил ерлар. Мана шу йўл ҳам, агар кетаверсангиз, жуда кўркам архитектуралик, бир вақтлар биз танишган аҳолиси ажойиб Лохўрга — Покистоннинг иккинчи шаҳрига олиб боради.

Хоэир эса биз Патнала шаҳрига, ҳалқаро муносабатларни юмшатиш бўйича Осиё мамлакатлари конференциясини чақиришга бағишлиган митингда сўзга чиқиш учун кетяпмиз.

Анча жойгача биз индамай кетдик, кейин, бизнинг ҳамроҳимиз — ливанлик Савайя ҳазин арабча қўшиқни бошлаб юборди. Унда ойнинг ошиқлар учун қуёшдан ҳам қимматлилиги, қуёшнинг қўноғидан узоқроқ бош кўтармай туришини илтимос қилган ошиқ йигит тўғрисида куйланади.

Биз билан бирга Ҳиндистон парламентининг депутатларидан бири, камгап бўлса ҳам жуда ёқимтойгина бир киши кетаётган әди. У ливанликнинг қўшиғига, кейин, унинг кетидан хиргойи қила бошлаган бизнинг қўшиқларимизга индамай қулоқ солиб ўтиради. Кейин, биз табиат латофатидан ҳаяжонланиб кетиб, бу ердаги қишлоқ-

лар бойроқ, ўзига тўқроқ әканини, ерларига ҳам Дeҳли-нинг жанубидаги қишлоқлардагига қараганда дурустроқ ишлов берилганини пайқаб, ўзаро шу ҳақда гаплаша бошлаганимизда, у ҳам гапга аралашди:

— Ҳа, бу ернинг тупроғи дурустроқ, одамлари ҳам яхши ишлашади. Лекин бизнинг одамларимизга бир нарса етишмайди. Энг муҳими, уларда ўз кучларига ишонч йўқ, ҳозиргига қараганда яхшироқ, баҳтиёроқ яшашлари мумкинлигига ҳамиша ҳам ақллари етавермайди.

Ҳамроҳимиз коммунист эмас эди. У ҳалол, Ҳиндистоннинг, ўз ватанининг гуллаб-яшнашини астойдил истайдиган ажойиб инсон эди. У бизни Патиалада очилган Умумҳиндистон чорвачилик кўргазмасини бориб кўришга таклиф қилди.

Кўргазма жуда ғала-ғовур әкан. Радиопродуктор, бу ердаги сафаримиз чогида биз учун айниқса кўнгилли бўлиб қолган ҳинд куйларини чалиб турарди. Темир панжара билан ўраб қўйилган хоналарда Ҳиндистоннинг турли штатларидан келтирилган сигирлар, буқалар, қўтослар турарди.

Биз бу ерга тўсатдан, огоҳлантиромай келиб қолган эдик. Шунга қарамай, кўргазмада пайдо бўлишимиз билан унинг раҳбарлари бизни пайқаб қолишибди, Совет Иттифоқидан келганимизни билгандарида эса қўлларимизни қизғин сиқишибди-да, биз билан бирга юриб экспонатларни томоша қилишибди.

Бизни бошлаб юрган чорвадор:

— Қаранглар, мана булар Ҳайдаробод сигирлари. Бу сигирларнинг ҳар биттаси кунига йигирма қадоқ сут беради. Ҳўқизлар аъло даражадаги от-улов,— дерди.

Биз сигирининг ёнида қимирламай турган бир деҳқоннинг олдига бордик. Бу озғин, қоратўридан келган, баланд бўйли деҳқоннинг исми Судорния әкан. Биз ундан, қанча ерингиз бор, деб сўрадик.

— Йигирма бир акр.

— Сигирлар яхшими?

— Кўргазмада мукофот олдик.

Мана бу тим қора қўнгир ранг сигирлар асли Покистондан чиққан әкан, кунига олтмиш қадоқдан сут берар әкан.

— Мана булар Майсурнинг шарафи,— дерди чорвадор, чиройли, бўйнида букури бор буқага ишора қилиб.

Буқа туёги билан ер ўяр, унинг ёввойи кўзлари эса

чақнарди. Унинг шохлари ҳам типпа-тик, қўрқинчли эди.

— Бу чиндан ҳам бизнинг фахримиз, яхшиси, бунақа буқача йўлда дуч келмагани тузук. У йўлбарс, қоплонни ҳам ўлдиради. Ҳўжайинининг ўзи ҳам қўрқади ундан.

Биз буқага тикилиб қолдик, бу пайдор, хўппа семиз буқада шунча куч билан бир вақтда аллақандай ҳайвонларга хос кўркамлик ҳам бор эди.

Биз ҳатто йўлбарс ва қоплонларга ҳам даҳшат солувчи бу буқани томоша қилиб турганимизда орқамизда шовкин-сурон кўтарилиб, аллакимнинг қичқириги эшитилди. Бизнинг кетимииздан эргашиб юрган тўда жонҳолатда ўзини четга олди. Маълум бўлишича, шохидаги бир парча арқони билан вагондан бир қўтос қочиб чиқибида, кимнидир орқасидан сузиб юборибди. Ўша одам жонҳолатда бақириб юборган экан. Бир неча киши уни шохидан ушлаб олган эди, қўтос бошини бир силкитгандা одамлар ҳар тарафга тирақайлаб қочиб қолди, қўтос ҳам кўргазма бўйлаб югуриб кетди.

Қўтосни тутиб олишганда, чорвадор сўради:

— Битта помешчикнинг молларини кўришни истайсизларми?

— Албатта.

Биз сал четроққа жойлашган катта қўтонлардан бири нинг ёнига бордик. Бу қўтонда йигирма чоғлиқ сигир, ҳўқизлар бор эди. Сигирлар орасида хизматкорларга бақириб-чақириб оппоқ соқолли чайиргина бир чол юрарди. Бу помешчик Садгуру Махараж Протаб Сингх экан.

— Ҳиндистоннинг энг яхши чорвадорларидан бири, молларимизнинг наслини яхшилаш устида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган жонкуярларимиздан.

Помешчикнинг қўллари катта, ёрилиб кетган, меҳнаткаш қўл эди. У сигирлари орасида юриб, сагрисига шапатилаб ҳар бирининг сифатларини ҳикоя қиласади. У сигирлардан бирининг олдида тўхтади-да:

— Энг яхши кўрган сигирим,—деди.

У ҳамроҳларимиздан биттасида фотоаппарат борлигини кўриб, илтимос қилди:

— Бизни суратга олсангиз...

Биз Пепсу штатидаги унча катта бўлмаган давлат меҳмонхонасида тўхтадик. Бу бир оз ташландиқ ҳолда ётган уйда илгарилар махоражка яшаган экан, уйнинг деворларига ипак ва зарбоф кийим кийган киязларнинг портрет-

лари ва йўлбарсларнинг буғу овлашини тасвиirlайдиган сурат осилган. Уйнинг атрофи парк бўлиб, ёқимли ис та-ратиб турган манго дараҳтлари кўп экан.

Паркда пайдо бўлишимиз билан боғнинг йўлкаларида тўда-тўда бўлиб ўйнаб юрган ўқувчилар биз билан қи-зиқиб қолишиди. Болалардан биттаси:

— Сизлар ким бўласиз?—деб сўради.

— Қани, ўзларинг топинглар-чи!

— Инглизмисизлар?

— Йўқ.

Болалар ўйланиб қолишиди. Биз уларга ўзимиз айтиб қўя қолдик.

— Биз Совет Иттифоқиданмиз.

Болалар ҳайрон бўлиб қолишиди.

— Бўлмаган гап!

— Қани, биз тўғримиэда нималарни биласиз?

Ўқувчилар хижолат бўлишиб, жим туришарди. Биз яна саволимизни тақорладик:

— Совет Иттифоқи тўғрисида нималарни биласиз?

Ўқувчилардан бири бошини ердан узмай, қўрқа-писа жавоб қилди:

— Жуда катта мамлакат. У ерда ўқувчилар яхши яшайдилар.

Болаларнинг қўлларида китоблар бор эди. Ҳиндистонлинг янги тарихи, географияси.

Пепсу штатининг солиқлар бўйича министри, одамохун киши бизни уйига таклиф қилди. Ҳовлида йўл-йўл каноп соябон қилиб қўйилган ям-яшил ўтлоқда учта стол, стол устида чой қўйилган пиёлалар, шириналликлар туради. Бир чеккада уч-тўртта кексароқ аёллар ўтиришарди. Министрнинг бўйга етиб қолган иккала қизи ҳам шу ерда ўтиришарди. Уй эгаси бизнинг баҳонамиз билан судъялар, министрлар, штат министрларининг ўринбосарларини ҳам меҳмонга таклиф этган эди. Меҳмонларнинг аксарияти бошларига оч пушти ё ҳаво ранг салла ўрашган.

— Патиала сизга маъқул бўлдими?—деб сўради биздан министр.

Мен, жуда чиройли шаҳар экану, лекин негадир Ло-хўрни эслатади, дедим.

Ҳаммада жонланиш пайдо бўлди.

— Бу ердагиларнинг кўпчилиги Лохўрдан. Ахир илгарилар Панжоб битта яхлит вилоят эди-да, кўпчилигимиз Лохўрда ўқиганмиз.

Менинг рўпарамда врач Сайд Тандон ўтирган эди. У Амритсар медицина институтини тамомлаган экан. Сайд Тандон бамайлихотир гапиради:

— Биз шаҳримизга русларнинг келганидан жуда хурсандмиз. Мана шундай ёнма-ён ўтириб, истаган мавзуда суҳбатлашиб ўтиришимиз қандай яхши. Мен, врач сифатида, ҳар қандай урушга қаршиман, мен русларни изчиллик билан тинчликни ҳимоя қилишлари учун жуда ҳурмат қиласман.

Суҳбат узоқ давом этди. Митингга борадиган вақтимиз бўлганини хабар қилишди. Биз торгина кўчалар орқали ўтиб борарадик. Тор кўчаларда велосипед минган кишилар карнайда қичқириб, шаҳар аҳолисини митингга тақлиф қилиб юришарди.

Митинг кичкинагина бир паркда ўтказилди. Мингга яқин тўпланган одамлар ерда ўтиришарди. Унча катта бўлмаган омонатгина минбарни томошабинлар зич ўраб олишди. Президиумнинг шундай ёнгинасидаги тахта суппанинг устига қора кўз бола-бақралар жойлашиб олишган. Болалар бизни қизиқсиниб кузатишаркан, борган сари биз томонга яқинроқ сурилиб олишар эди. Бора-бора нотиқларни тинглаб ўтирганлар билан бутунлай қўшилиб кетдик. Ҳиндистоннинг ажойиб шаҳри Патиала аҳолиси билан бизнинг ўртамизда ҳеч қандай чегара қолмади.

Нотиқлар атом қурулининг тақиқланишини талаб қилишар, ҳарбий пактлар ёрдамида халқларни бир-биридан ажратмоқчи, бир-бирига қарши қўймоқчи бўладиганларни қаттиқ қоралашди. Президиум столи устида кўм-кўк лампочкалар ёниб турарди. Қоронғи тушиб қолганидан, ерда ўтирганларнинг ҳаммасини илғаб олиш қийин эди, лекин, шундай бўлса ҳам, биз уларнинг маъқуллаб қичқираётган овозларини эшлиб ўтирадик. Гап тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ҳақида кетаётгандা, ғала-ғовур айниқса баланд кўтарилиб кетди.

Нутқлар тугагач, учта ҳинд йигити саҳнага чиқди-да, қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашиб, «Биз тинчлик тарафдоримиз!» деган ажойиб қўшиқни айтиб беришиди. Қўшиқнинг мана бу сўзларини сира ёддан чиқариш мумкин эмас.

Биз тинчликни асрагаймиз.  
битта бўлиб, бир бўлиб,

Зулмларни ағдаргаймиз  
битта бўлиб, бир бўлиб,  
Кореяда, Ҳиндистонда,  
Россияда, Хитойда ҳам  
Америка, Англияда  
Ҳамма ерда бормиз биз!

Бу қўшиқнинг сўзлари беихтиёр Патиалага келаётганимида, машинада ҳинд ҳамроҳимиз билан бўлган суҳбатни ёдимиизга солди. Ҳа, меҳнаткаш инсоният қандай катта кучга айланив қолганини эндилиқда ер куррасидаги одамларнинг кўпчилиги ҳис этадиган бўлиб қолишиди.

### Панжоб да

Панжоб тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг бош секретари Ложпат Рой билан бу шаҳарга сафаримиздан бир кун олдин танишиб қолдик. Баланд бўйли, тийрак қора кўзли бу одам жуда қувноқ табиат экан. У меҳмонхонага, ҳузуримизга келиб, бизни Амбала шаҳрига бориб, Осиё мамлакатлари конференциясини тайёрлашга бағишланган митингда иштирок этишга таклиф қилишаётганини айтди. Деҳлидан эрта тонг билан чиқиб борамиз, деб келишдик. Амбалагача йўл яхши, уч соат оралиғида бемалол етиб бориш мумкин.

Биз меҳмонхонадан шаҳар уйғониб келаётган паллада йўлга чиқдик. Конференцияни тайёрлашда иштирок этаётган япониялик профессор Ҳасичава ҳам биз билан бирга жўнади. Янги Деҳлининг кўчаларида ҳали одам сийрак эди. Фақат такси бекатларидагина шоферлар тўқилган ёғоч каравотларидан бирин-сирин туришиб, кичкина тогорачаларга сув қўйиб, ювинишаётган эди.

Деҳли сокин, тиқ этган шабада йўқ. Чаанди-чўк бозорида савдо-сотиқ бошланиб қолган. Олдимиздан бир чол ўтиб кетди. Бошига қўшалоқ олачипор латтани тангиф олган, юзидан муҳим иш бажараётган одамга ўхшарди. Шу ернинг ўзида ерга ўтириб олган бир сотувчи бақириб-чақириб, иссиқ кофесини таърифлайди. Унинг ёнида ўтирган яна бир одам тогорадаги жўхори бўтқага ўхшаш нарсани кесяпти. Дўконлар очилиб, темирлар тарақ-туроқ қиласди. Кўча сартароши ўз мижозининг соқолини олжапти. Уларнинг иккалалари ҳам тош йўлга ўрнашиб олиш-

ган. Күчада велосипедлар күп учрайди, хизматчиilar иш-  
га кетишияпти.

Ишчилар иўлга асфальт ётқиза бошлишди — бу ерда янги иўл қуриляпти. Дизель галтак кўкимтири тутун таратиб гупиллайди. Иш куни бошланяпти.

Бирок Дәхлидан чиқиб олиш осон гап әмас, йүллар ҳам, майдонлар ҳам, муюлишлар ҳам күп бу ерда, ҳамрохимиз Ложпат Рой эса бу шаҳарни, афтидан, яхши билмаса керак. Йўлни суриштириб, дам-бадам тўхтаб қоламиз. Ниҳоят олачипор шлагбаумни босиб ўтиб, 1919 йилнинг апрелида инглиз генерали Жон Дайер инглиз колонизаторларига қарши чиққани учун ҳиндаларни отиб ташлаган шаҳар Амритсарга тўғри олиб борадиган йўлга чиқиб олдик. Ушанда ҳам бу ерда митинг ўтказмоқчи бўлишганди. Митингга инглизлар томонидан қамоқقا ташланган, миллий мустақиллик учун курашчи Сайфиддин Китчлунинг суратини ҳам олиб келишган. Баланд тош девор билан ўралган боққа жуда кўп одам йигилган. Богнинг дарвозаси битта экан. Инглизлар боққа кираверишга пулемёт қўйиб, огоҳлантирумай туриб намойишчиларга қараб ўтишади. Мингдан ортиқ одам ўлиб, бир неча минг одам ярадор бўлди. Богнинг ичидаги қуриб қолган қудук бўлар экан, ўқдан яшириниб одамлар ўзларини қудуқка ташлайверишибди, бир-бирларининг устларига сакрайвериб, кўпчилик ўлиб кетипти. Бизга болалик чоғида ўша митингда қатнашган бир одамнинг фожеали тарихини гапириб беришди. У отасини отиб ташлашганини ўз кўзи билан кўрган. Ўғил отасининг қасосини ўттиз йил ичига ютиб юрган. Ўттиз йил кутган, кейин бирдан-бир ният — Жон Дайерни топиш мақсадида Лондонга борган. Топган, у билан учрашиб, уни ҳам ўлдирган. Ўзи ҳам катл этилган.

Богнинг тош деворларида ҳали-ҳали инглиз ўқларининг изи бор. Бу боғни қулликнинг қора кунлари ва мустамла-качиларнинг ўзбошимчаликларидан абадий хотира бўл-син деб, эҳтиёт қилиб сақлашади.

...Амритсарга олиб борадиган йўл ниҳоятда кўркам — кенг далалар, аҳоли яшайдиган қишлоқлар, йўл бўйлаб чўзилиб кетган қалин, баланд дараҳтлар. Баъзи-баъзида ям-яшил тўти қушлар галаси гур этиб ўтиб қолади.

Март оёқлаб қолган, лекин аллақачон қүёшдан қовжираб қолган сарғыш барглар йўл узра учиб юрибди. Вақт-вақтти билан қүёшнинг юзини булат қоплаб қолар, шунда худди куз келиб қолгандек туйилиб кетади кишига.

Бир неча километр йўл босиб ўтганимиёдан кейин Панипати шаҳридаги бензоколонка олдига келиб тўхтадик. Колонка хўжайини дўстона жилмайиб, дерди:

— Бизнинг шаҳримиз — жун шаҳри. Шаҳарнинг теварак-атрофида кўплаб қўйлар боқилади. Жунини шаҳарга олиб келиб топширишади.

Бизни бола-бақралар ўраб олишган, «Победа»мизни қизиқсинашиб томоша қилишарди. Улардан бири:

— Инглизмисизлар? — деб сўради.

— Ўйқ, руслармиз.

Болалар машина ёнига яна ҳам яқинроқ келиб олишди.

Шаҳар чеккасида, йўл бўйида, шундайгина ернинг ўзида қўйлардан қирқиб олинган жунлар уйилиб ётарди. Жунларнинг ёнида дэҳқонлар ўтиришарди. Ҳўкиз қўшилган оғир иккى фиддиракли арава шу ёққа қараб келарди. Бу ер бозор экан, кул ранг, учи қўнғир қора жунларни сотишарди.

Йўл теп-текис. Баъзи ерларда сокин оқиб ётган канал устидан ташланган қўприклар дуч келиб қоларди. Бу каналлар Гангада қурилган катта плотинага бориб қўйилади. Каналларнинг қирғоги азбаройи теп-текислигидан худди шиббалаб қўйилганга ўхшайди. Тасмадек теп-текис йўлдан елиб борамиз. Спидометрнинг стрелкаси «100» рақами устида силкинади. Орқада япон профессори билан бирга ўтирган Рой бу рақамга суқланиб тикилади. Ниҳоят чидомлади шекилли:

— Жуда тез кетяпмиз. Хавфли, — деб қўйди.

— Унчалик тез әмас. Атиги соатига юз чақирим холосс.

— Мен стрелка юз милни кўрсатяпти, деб ўйлабман. Биз спидометри милни кўрсатадиган машиналарга ўрганиб қолганимиз-да.

Аслини олганда, Ройнинг ташвишланганича ҳам бор экан. Бир жойда биз пачақ-пачақ бўлиб кетган автобус, унинг ёнида тўнтарилиб ётган юк машинасини кўрдик. Йўлнинг бир чеккасида шоferи ўлиб ётарди. Солдатлар, полициячилар тўпланиб туришарди. Ўтнинг устида ярадорлар ётишарди. Рой индамади-ю, фақат машъум воқеа содир бўлган томонга ишора қилиб, бошини маъноли чайқаб қўйди. Биз сад секинроқ юра бошладик.

Орадан кўп ўтмай, тепасидан юқори вольтли узаткич линиялар чўэзилиб кетган кенг канал ёнида тўхтадик. Йўл бўйлаб каналнинг иккала бетидан тонгги саробга

ўралганча узоқقا қараб баланд темир мачталар чўэзилиб кетгани. Кўпrik панжарасига суюниб олганча бир-иккита дехқонлар бир-бирлари билан гаплашиб туришарди. Бу Вестерн-Жамна канали эди.

Рой ғуур билин тушунтириди:

— Ҳозир бизда жуда кўплаб сугориш каналлари қуриб битказиляпти. Далаларимиз фонида мана бу мачталарнинг чироили кўрининишини қаранг!

Кўпrik тагида сув қаттиқ шарилларди, сал нарироқ боргандан кейин эса тинч тортиб, унда қиртоқ бўйидаги дарахтлар яққол акс этиб турарди.

Уч соатдан кейин биз Амбалага этиб бордик.

Кун авжи қизиган пайт. Торгина кўчаларда овозларини барада қўйишиб, молларини мақташарди. Бирдан машинамиз тўхтаб қолди. Сув тўлдирилган шишаларни олиб кетаётган галтак арава йўлимизни тўсиб қўйган эди.

— Нега сувни шишаларда олиб кетишияпти,— деб қизиқсиндик биз.

— Амбалада сув танқис. Сув биз учун бутун бошли муаммо.

Савдо расталарини босиб ўтиб, тор кўчаларда уч-тўрт бурилганимиздан кейин, биз бир ёғоч дарвазанинг олдидан чиқиб қолдик. Бу Дуни Чанднинг уйи экан. Йўлдан кейин шу ерда дам оладиган бўлдик.

Үй эгаси бизни ҳовлисида кутиб олди. Бу кўзойнак таққан, ўрта бўйли қариянинг ёши саксон тўртларда экан. У олтмиш йилдан бери мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиб келар, Ҳиндистон миллий конгресс партиясининг аъзоси экан.

Дуни Чанд — уй эгаларидан бўлиб, шаҳардаги бир қанча уйлар уники экан. Ҳўжайнинг бу уйи қурилганига анча бўлганига қарамай, деворлари мустаҳкам, томи қалин, жазирама иссиқ кунларда ҳам уйга иссиқни ўтказмас экан. Уйдаги жиҳозлар ҳам йиллар давомида тутила-вериб, анча эскириб қолган. Деворларда сурат кўп — ҳаммаси Дуни Чанднинг хотини, бола-чақалари билан тушган суратлари. Уйнинг шифтида фен айланиб турар, хоналар салқин эди. Деворнинг шифтга яқин ерида учта кичкина юмронқозиқ қотиб турибди.— Одатдаги ҳодиса, чунки бу эпчил, қувноқ маҳлуқлар ҳамманинг уйида ҳам деворларда ўйнаб юришади. Ҳонада яна бир баланд бўйли, тим қора дадил кўзли киши ҳам бор әди. У Ҳиндистоннинг

машҳур миллӣ мустақиллик учун курашчиларидан бири Притхви Сингх экан. У ўн беш йил қамоқларда юрган, инглизлар томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган, сургунидан қочган, боғлоғлиқ қўллари билан поезддан сакраган бу одам инглиз колонизаторларига қарши актив кураш олиб борган, Ганди билан хат ёзишиб турган экан. У қўли боғлиқлигича поезддан сакраб тушиб қолиб, бир деҳқоннинг олдига борганида, деҳқон ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, уни яшириб қўйган экан.

Дуни Чанд пастак креслода ёзилиб ўтирганича биздан Совет Иттифоқи тўғрисида суриштиради.

— Москванинг кўриниши қанақа? Ҳалқингиз қандай яшайди? Умрим бўйи Совет Иттифоқига бориб келишини орзу қилдими, энди вақт ўтди.

— Яхши мамлакатга сафар қилишнинг сира кечи йўқ,— дя жавоб қилди унга шу ерда биз билан ўтирган пушти саллалик киши.

Бу — Панжоб тинчлик тарафдорлари қатнашчиларидан бири Ананд эди.

Дуни Чанд кўзларини қисиб, бошини чайқаб қўйди.

— Кечикдим! Кечикдим! Менинг ёшимда саёҳат фаяқат бир жойгагина бўлиши мумкин! — У қўли билан юқорига ишора қилди.

Биз шошилмай суҳбатлашиб ўтирадик. Биздан сўрашарди, биз жавоб берардик. Ўз навбатида биз ҳам савол берардик.

Ананд бизга:

— Мен Панжобда биринчи бўлиб «Очилган қўриқ» билан «Тинч дон»ни ўқиб чиқдим. Ҳозир Шолохов нима ёзяпти? — деди.

— «Очилган қўриқ»нинг иккинчи китобини.

— О, жуда соз-да! Бизнинг Ҳиндистонимизда Шолоховни жуда яхши кўришади. Ҳозир унинг сиҳат-саломатлиги қалай?

Мен, яқинда Михайл Шолоховнинг эллик йиллигини нишонлаймиз, дедим.

— О,— ҳайқири Ананд.— Ҳали шунақа ёшми? Унга биздан салом айтинг ва яна, уни Ҳиндистонда қандай яхши кўришларини, Амбала шаҳрида уни қандай яхши сўзлар билан тилга олганимизни ҳам айтиб беринг.

Ананд соатига қаради:

— Бизнинг беш соат бўш вақтимиз бор экан. Митинг соат олтида бўлади. Биз сизларга янги қурилаётган ша-

ҳар — Панжобнинг маркази Ҷандигар шаҳрини ҳам кўрсатишни хоҳлаймиз. Бу шаҳар Ҳимолой тогларининг әтагида, Амбаладан етмиш чақиримгина нарида. Борасизларми?

Бу сафар бизга Ананд ҳамроҳ бўлиб борди.

Яна кўз олдимиэда ям-яшил далалар, бақ-бақалоқ манго дарахтлари, йўл ёқасидаги қишлоқларнинг уйлари лип-лип ўта бошлади. Йўл ёқасидаги дараҳт тагида ўтирган ҳинд айниқса яхши әсимда қолди. Унинг тепасида дараҳтга велосипеднинг ўриндиқлари, педаллари, покришка ва камералари осилиб турарди. Ундан ҳам баландда бўйни туксиз ёввойи қушлар ўтиришарди. Бу ер велосипедда ўтадиган йўловчилар учун маҳсус «тез ёрдам» экан.

Ҳимолойга яқинлашганимиз сари манзара ҳам сезиларли даражада ўзгариб борарди. Теварак-атрофда кўкатлар яна ҳам кўпайди. Биз кенг дарёning қуриб қолган шаҳобчасини босиб ўтдик. Унинг икки томонида ҳам ишчилар йўл тузатиш билан овора әди. Бу ерларда муссон шамоли қутурган кезларда ҳафталаб ёмғир қуяди, ҳамма ёқ ёмғир тагида қолиб, йўлларни ҳам сув босиб кетади.

Кўп ўтмай Ҷандигар ҳам кўринди. Унинг ортида Ҳимолой тогининг әтаклари кўкиш товланиб кўринарди. Панжобнинг янги маркази деярли ҳали проектда. Шунга қарамай, ўзига хос меъморчилик услубида қурилган уйларнинг бир неча квартали тайёр бўлиб қолипти. Ҳамроҳимиз, шаҳар француз архитектори Корбюлье проектига асосан қурилаётганини ҳикоя қилиб берди.

— Шаҳар архитектураси масаласида бизда тортишувлар кўп,— дерди Ананд.— Баъзиларга бу уйлар ёқмайди. Туриш учун унча қулай эмас, дейишяпти. Аслини олганда нимаики янги қурилмасин турли-туман фикрлар туғилмай иложи йўқ.

Биз бу кварталларда бўлмаганимиз учун ҳам уларнинг яхши-ёмонлиги хусусида бир нима дейишимииз қийин. Кўз олдимиэда қад кўтарган тўртбурчак формадаги уйлар деярли бир хил кўринарди. Бир зумда муҳожир кишиларни қизиқсиниб кузатиб турган болалар ҳам пайдо бўлиб қолишиди. Гарчи шаҳар ҳали қурилиб битмаган бўлса ҳам айрим кварталлари, бинолари тайёр, бу чиройли, кўчалари кенг-кенг, ўз ансамбли жиҳатидан бошқа кўҳна ҳинд шаҳарларига ўшамайдиган катта шаҳар бўлиши ҳозирданоқ кўриниб турибди.

Йўл ёқасида «9 - сектор», «16 - сектор» деган таҳтакач-

лар осилиб турибди. Қурувчилар зина билан юриб бошларидаги саватда ғишт ташийдилар. Йўлларга асфальт ётқизилгати. Шаҳарда ажойиб меҳмонхона қурилган.

Чандигарнинг янги йўллари бўйлаб сайд қилиб юрар эканмиз, машинамиз яхши ишламаётганини пайқаб қолдик. Шаҳарга кираверишдаги кичкинагина авторемонт устахонасига қараб юрдик. Қўлларини латта билан арга-арта, ёшгина бир чилангар ёнимизга келди. Кейин яна бир неча киши чиқиб машинамизни ўраб олди. Бизнинг Совет Иттифоқидан келганимизни эшишиб бизга қизиқиб тикилишар экан, чилангар усталар оғзининг таноби қочди.

— Умримиэда биринчи марта рус одамларини, русларнинг машинасини кўришимиз,— деди ёш чилангар.

Машинанинг капотини кўтаришди. Бир зумлик текширишдан маълум бўлдики, ремонтнинг ҳожати йўқ экан, контактлар ажрашиб кетган экан, холос. Кам-кўст бирпаста туватилди. Салдан кейин, биз Панжоб марказининг янги аҳолиси билан хайрлашиб яна йўлимизга равона бўлдик.

— Жаваҳарлаъл Неру бу қурилишга жуда катта аҳамият беряпти. У Панжобни жуда яхши кўради. Бу ерда жуда ажойиб шаҳар пайдо бўлиши муқаррар. Фақат жуда кўп манго дараҳтлари кесилиб кетганига ачинади киши. Нима ҳам дердик, ҳар қандай катта ишда ҳам қурбон бўлмай иложи йўқ. Аслини олганда, бу қурбонлик ҳеч нарса эмас. Сиз манго мевасидан еб кўрганимисиз?— деди Ананд.

— Хали еб кўрганимизча йўқ.

— Оҳ-ҳо! Бу ер юзидағи энг хуштаъм мева. Бир неча ҳафтадан кейин пишади, еб кўриб, менинг фикримга қўшилишларингга аминман.

Биз Чандигарни айланиб, яна Амбалага, Дуни Чандигарнинг уйига қайтиб келдик. У бизни хурсанд бўлиб қарши олди ва:

— Мени кечирасизлар, тўйга борадиган бўлиб қолдим. Қария бўлганим учун ҳам, тез-тез тўйларга таклиф қилиб туришади,— деди.

— Митингга борасизми?— деб сўрадик биз.

— Албатта бораман. Ҳатто кириш сўзи ҳам қилмоқчиман.

— Унда тўй нима бўлади?

— Кекса одам, тўйда узоқ ўтиармидим.

Яна Амбаланинг дуч келган галтакарава ё қўтос тўсиб қўядиган тор-танқис қўчаларидан юриб «Давколледж» томонга қараб юрдик. Митинг ўша ерда ўтказилиши лозим эди.

Бугун транспортимиздан омадимиз юришмай қолган эди. Қаердадир йўлда машинамизниг фидирагига мих санчилиб қолипти. «Давколледж»га йигирма қадамча қолганида камера бўшаб кетди. Колледжга кираверишда бизни бир тўда одамлар кутиб туришарди. Бу ернинг одатига кўра хурмат юзасидан бўйнимизга гулчамбар кийга-зишиди. Залга икки юзга яқин одам тўпланган эди. Дуни Чанд ҳам аллақачон етиб келипти. Озода, бир оз жиддий қиёфадаги Дуни Чанд президиум столи ёнида туриб, кўзойнаги орқали залда йигилгандарни худди биринчи марта кўраётгандай кузатиб туарди. Кейин у қисқа кириш сўзи билан митингни очди.

У тинчлик ҳақида, халқлар дўстлиги ҳақида гапирди. Бугун биз учун айниқса яхши кун, чунки бизнинг шаҳримизга Совет Йттифоқидан ва Япониядан меҳмонлар келди, деди у. Осиё мамлакатлари конференцияси тинчлик ишига фойда келтиради, тинчлик эса жаҳондаги барча халқларга, шу жумладан, ҳинд халқига ҳам жуда зарур, деди.

Дуни Чанд мулойим, шошмасдан, ҳатто бир оз ҳор-финроқ овозда, кекса, ўз умри давомида кўп нарсаларни кўрган доно кишиларга хос тилда гапирап эди. Зал сув қўйгандай жимжит эди. Дуни Чанднинг шаҳарда анча эътиборли киши эканлиги, бу ерга йигилгандар учун унинг айтиётган ҳар бир сўзи қимматли ва зарур эканлиги шундоққина сезилиб туарди.

Бизнинг табрик сўзларимиздан сўнг минбарга қотмадан келган, оддийгина кийинган бир ҳинд чиқди-да, бизга мурожаат қилиб шундай деди:

— Мен ҳеч қанақа нутқ сўзламоқчи эмасман. Мен бу ерда айтилган гапларнинг ҳаммасига қўшиламан, фақат шуни айтмоқчи эдимки, бизнинг меҳмонларимиз жуда яхши йигитлар экан, уларни бағримга босгим келиб кетди.

У келиб мени қулоқлади, кейин япон профессорини бағрига босди. Бизни президиумда ўтирган бошқа одамлар ҳам ўраб олишди. Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Зални қарсак овозлари тутиб кетди. Жой-жойларидан:

— Яшасин дўстлик!

— Яшасин тинчлик! — деган хитоблар эшитиларди.

Бизни яна ўраб олишди, баъзилар автограф сўрар, баъзилар қучоқлар, қўлимизни сиқишарди. Шаҳар мэри Шаран Шарма ёнимизга келиб:

— Меникига бормагунингларча, сизларга руҳсат беролмайман,— деди.

Биз машинамиэнинг бузилиб қолганидан ташвишда эдик. Шу ташвишимизни меҳмондўст мезбонларимизга айтдик.

— Сизлар ташвиш қилманглар, камерасини янгилаб қўйишиди. Авторемонт устахонасида тормозларини текшириб бериш учун сизларни кутиб туришипти,— деди Ананд.

— Устахонада иш соати аллақачон тугаган-ку?

— Ўйқ-йўқ, ишчилар сизларни кутишяпти! Улар совет кишиларига ёрдам бераётганларидан хурсандлар.

Яна тор-танқис кўчалардан қаттиқ сигнал бериб Дуни Чанднинг машинасида Амбала шаҳри мэрининг квартирасига қараб кетдик. Мэрининг уйи бозорнинг шундайгина марказида экан. Квартирага кўчанинг ўзидан кирилар экан. Афтидан биринчи хонанинг ўзидаёқ Шаран Шарманинг расмий қабулхонаси бўлса керак. Бу хонага фотосуратлар ва шарқ услубида чизилган ҳар хил расмлар осилган эди.

Шаран Шарманинг кичкинагина хонаси торлик қилиб қолди.

Бизни апельсин, банан, чой билан меҳмон қилди.

— Ҳеч бўлмаганда икки кунгина қолинглар. Жуда ҳузур қилардинглар.

Афсуски, биз Деҳлига қайтишимиз лозим эди.

Кўчага чиқиб хайрлашдик. Нотаниш одамлар қўлимизни қисиб жилмайишар, елкамизга қоқиб қўйишарди.

Авторемонт устахонасида бизни чиндан ҳам кутишаётган экан. Устахона хўжайнини Султон Сингх иқболимизга чиқди ва бизни ўзининг қонторасига бошлаб кириб кетди. Беш-олти ишчи ўша заҳоти машинамиэнни текшира бошлади, оддин бир, кейин иккинчи гидирагини олиб яхшилаб дам беришди, тормозларини текширишди. Кимдир бошқа бир машинага ўтириб, бояги тешилган камерани вулканизация қилдиргани кетди. Биз Султон Сингхнинг кичкинагина қонторасида ўтириб «Додж» автомобиль маркасининг хилма-хил реклама қилувчи плакатларини кўздан кечирардик. Султон Сингх турли маркадаги машиналарга баҳо

бериб, «Виллис» дан чидамсиз деб шикоят қилди. «Победа»ни биламан, пухта машина, шоферлар уни яхши кўришади, лекин битта камчилиги бор, оғирроқ, деди. Кимдир муздай мева шарбати келтириди.

Аллақачон қоронги тушиб бўлган, осмонда сийрак ҳинд юлдузлари чараплар, кундузги дим ҳавонинг тафти кетиб, ўрнида бир оз салқин тушган эди. Султон Сингх қулиб, бизга бир қанча суратлар кўрсатди. Булар пачоқ бўлган машиналарнинг сурати эди.

— Биз машиналарни шу аҳволда олиб, мана бу аҳволда чиқарамиз,— деди у.

Бошқа альбомдаги суратларда бу машиналарнинг кўришиллари бутунлай бошқача эди.

У бизни ихчамгина гаражига бошлаб олиб борди. У ерда ҳали йигилмаган иккита машина турарди.

— Пачоқ-пачоқ ҳолда келтиришган эди, мана энди бу ердан худди завод конвейридан чиққандай яп-янги бўлиб чиқишияпти,— деди у.

Қарасак, тормозлари тортилиб, мой қўйиллиб тайёр бўлган машинамизни авторемонт устахонасининг мастерлари томоша қилиб туришипти. Улардан биттаси латта билан копотнинг устини артяпти. Биз конторага, Сингх нинг олдига кирдик.

— Сизга катта раҳмат. Биз меҳнатларингиз әвазига ҳақ тўламоқчи эдик...

Султон Сингх норози бўлиб, қўлини кўтарди:

— Қўйсангиз-чи, бўлмаган гапни! Ахир сиз бизнинг меҳмонимизсиз. Бир оз бўлса ҳам сизга ёрдам берганимиздан хурсандмиз. Сира ташвиш тортманг. Мен ўзимга тўқ одамман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Боя кўрганингиздай, ўйлда тури тасодифларнинг юз бериши ҳеч гап эмас.

— Ахир ишчилар тўрт соат ортиқ ишлаб қолишли.

Олти киши ишлашди.

— Оэроқ одам ишласа ҳам бўлаверарди-ю, лекин уларнинг ҳаммалари ўз ихтиёрлари билан қолишли. Улар жуда хурсандлар. Юринглар, ўзларининг олдига.

Яна узоқ, қаттиқ қўйлишишлар. Яна лабларда табасум, гарчи суҳбат таржимон орқали бўлаётган бўлса ҳам, бир-биримизни сўзсиз тушуниб тургандай эдик.

Қоп-қоронги Панжоб туни қамраб олди бизни. Йўлнинг икки чеккасида шамолдан барглари шитирлаб адл қомат

даражтлар тизилишган. Баландда — тепамиэда юлдузлар милт-милт қиласи, қишлоқларнинг чироқлари лип-лип қиласи. Биз Деҳлига қайтмоқда эдик.

### Деҳлидаги учрашувлар

Деҳли оқшомлари айниқса кўркам бўлади. Парламент архитектура ансамбли айниқса ҳашаматли. Теп-текис қилиб қирқилган дараҳтларнинг барги аста шитирлайди, каналлар бўйлаб енгил қайиқлар сувади. Хилма-хил кийимдаги Деҳли аҳолиси хиёбонларда бамайлихотир саир қилиб юришибди. Қуёш ботган: қуёш кўринмай қолган бўлса ҳам, уфқда унинг ялиғи сарғиш-пушти рангда товланади.

Биз аллақандай инглиз полковниги шарафига қўйилган ҳайкал олдидан ўтиб кетдик. Машинада биз билан бирга Ҳиндистон тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг йирик арбобларидан доктор Соҳиб Синг Сокхей ҳам бирга кетаётган эди.

— Бу ҳайкал кимга қўйилган? — деб сўрадим мен Сокхейдан.

Сокхей истар-истамас жавоб берди:

— Билмадим... Бу ҳайкалларни аллақачон бошқалари билан — Ҳиндистон миллий мустақиллиги курашчилари нинг ҳайкали билан алмаштириш лозим эди. Мармар пъедесталдан мана бу ҳайкалларни олсангда, пароходларга ортиб Британия музейида сақланаётган ҳинд қимматбаҳо нарсалари эвазига алмаштириш шарти билан Англияга жўнатиб юборсанг.

Доктор Сокхейнинг бу гапида жон бор эди. Ўз Ватанига бўлган зўр муҳаббат кўпчилик арбобларни мустамлака қилмоқчи бўлган ё ҳозир ҳам мустақиллигини қўлидан олиб қўймоқчи бўлаётгандар тўғрисида шунчалик очиқ ва қаттиқ гапиришга мажбур қиласи.

Қабул вақтларидан бирида Сокхей мендан:

— Мамлакатимиз ёқдими? — деб сўради.

— Жуда гўзал мамлакат. Фақат бир оз иссиқроқ... — деб жавоб бердим мен.

Ёнимизда турган бригадир унвонли ҳарбий менинг бу гапимдан жилмайган эди, Сокхей унга ўқрайиб қараб қўйди.

— Иссиқдан биз беш соатчада қутулишимиз мумкин. Поезд ёки автомобилга ўтириб Ҳимолой тоглари этаги-

даги Симла<sup>1</sup> шаҳрига борсак бас. Фақат ҳалқни очарчиликдан қутқариш йўлини беш соатда амалга оширишнинг сира иложи йўқ...

Толмас олим, жамоат арбоби, ўта очиқ ва тўғри муомалик Сокхей Бомбей институтида кўп вақтини илмий ишга бағишилаган. У бизга 1935 йилда ҳузурига Махатма Гандининг келганини ҳикоя қилиб берди.

— Биласизми, мени Гандига сичқон ва қаламушлар устидан олиб бораётган тажрибаларингни кўрсатма, деб огоҳлантиришиди. Бу Гандига ёқмади, унинг таълимотига қарама-қарши келади, дейишиди. Буни қарангки, Ҳиндистоннинг бу улуг фарзанди институтга менинг олдимга келди. Мен унга ўз тажрибаларимдан кўзда тутған мақсадим—хавфли касалликларнинг олдини олиш эканлигини гапириб бердим. Кейин, журъат қилиб, тажрибаларимнинг ҳаммасини кўрсатдим. Ганди дикқат билан тинглаб қараб турди-да, кейин: «Одамлар яхши уйларда яшаб, қаламушларнинг кўпайишига йўл қўймайдиган вақтлар ҳам келади»,— деди. Мен ҳам худди шундай фикрда әдим. Одамларнинг яхши уйларда яшашлари учун, тўқ бўлишлари учун, касаллардан қутулишлари учун қанчалар меҳнат қилсанг ҳам арзиди!..

Деҳлидаги сафаримиз вақтида бизга шаҳар мэри жаноб Агарвал билан бир неча марта учрашишга тўғри келди. У жуда қувноқ, суҳбати жонон одам экан. У биздан совет ҳалқининг турмушкини жуға кўп суриштиради. Деҳлининг мэри кўпчилик жамоат арбоблари ва парламент аъзолари билан бирга Осиё конференцияси делегатларини кутиб олиш учун аэропортга биз билан чиққан әди. Қаердадир Сингапур тепасида ёмғир қуяётган бўлса керак. Самолёт кечикаётган әди. Биз Деҳлининг «Палам» аэропортининг кенг биносида ўтирадик. Агарвал мендан:

— Сиз ҳинд тўйларида бўлганимисиз?—деб сўраб қолди.

— Ҳали бормаган бўлсам ҳам, лекин узоқдан кузатганиман.

Агарвал жажжигина ён дафтарчасини чиқариб, эсидан чиқармаслик учун ёзиб қўйди.

— Сиз ҳинд тўйларини албатта кўришингиз керак. Мен ўзим олиб бораман сизни. Ҳиндларнинг тўйи жуда чиройли бўлади. Бир неча кун давом этади. Уйқусиз тун деб аталадиган куни айниқса чиройли бўлади. Одатда,

<sup>1</sup> Симла — Ҳимолой этагидаги курорт шаҳар.

ўша куни келиннинг дугоналари тонг отгунга қадар ўйнаб, қўшиқ айтиб чиқишиади...

Биз Агарвални ундан кейин ҳам неча марта учратдиқ, ҳар сафар у худди эски, яхши танишлари билан учрашиб қолгандай, кулиб сўрашарди. Конференция мажлислари ўтаётган кунларда у ҳамма делегатларни қабул қилиб, уларни қалбida халқларга тинчлик ташувчи кишилар сифатида қизғин табриклиди.

Ўшанда аэродромда биз Мадхия-Прадаш штати парламентининг аъзоси Сардор Сайган билан ҳам сұхбатлашган эдик. Бу япалоқ юзли, ёноқлари туртиб чиққан, катта саллали киши эди.

— Мен металлургия заводи қуриш мўлжалланаётган штатда яшайман. Халқимиз ўз металлургия заводига эга бўлиши тўғрисидаги хабарни зўр қувонч билан қарши олди. Шу хабарни эшитганларидан бери менинг сайловчи-ларимнинг кайфияти яхши. Улар бу заводнинг қурилиши, Совет халқининг Ҳиндистон билан ҳақиқий дўст эканлигининг нишонаси, деб ҳисоблашмоқда.

Бу дўстликнинг чиндан ҳам борлиги ва унинг кундан-кунга ўсиб, улгайиб бораётганига Ҳиндистон тупрогига қадам қўйганимиздан бери ҳар қадамда ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Покистондан учиб келиб, биринчи ерга қўйган шаҳримиз Жодпур аэропортидаёқ таможняда хизмат қи-лувчи кишилар биздан:

— Сиз, эҳтимолга қарши, металлургия заводини қуриш учун келаётган инженерлар эмасмисиз? — деб сўрашган эди.

Биз Деҳлида анча вақтгача «Империал» меҳмонхонасида яшадик. Бу — Деҳлидаги номерлари қулай жиҳозланган ва яхши хизмат қиласидаги энг яхши меҳмонхоналардан бири экан. Кўпчилик Америкадан, Англиядан, Гарбий Германия ва бошқа мамлакатлардан келадиган сайдхлар, корчалонлар шу меҳмонхонага тушишаркан.

Бир куни биз отелнинг катта меҳмонхонасида бир груп-па дўстларимиз билан бирга ўтирган эдик. Биздан салнарида тиззасига машинка қўйиб ёшгина бир аёл нималарнидир ёзарди. Мен уни таниб қолдим. У океан ортидаги бизнесменлардан бирининг хотини эди. Ресторанда уларнинг столи бизнинг ёнимизда эди. Аёлнинг ёнида бир креслодан иккинчисига иргишлаб ўн ёшлар чогидаги ёқим-тойгина қизалоқ ўйнаб юрарди. Биз бўлажак конференциянинг кун тартибини муҳокама қилаётган эдик. Гап

иқтисодий масалалар устида кетарди. Биз бу масала ёлғиэ конференцияда қатнашаётган ҳинд арбобларинигина әмас, бошқа осиё мамлакатлари арбобларини ҳам жуда қизиқтириб қўйганини билардик. Доктор Гвян Чанд ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаётган эди.

— Иқтисодий мустақиллик, ҳали колониализмдан бутунлай қутулдик деган сўз әмас. Масалан, бизнинг Ҳиндистонда чет эл капитали мамлакат экономикасида сақланиб қолиш, ўз таъсир доирасини яна ҳам кенгайтириш учун уринмоқда. У бизнинг баъзи компанияларимизни ўз қўлига олволиш ҳаракатида. Бу мамлакат тақдирига қанчалик таъсир кўрсатишини ўзимиз аниқлаб олмогимиз лозим. Агар биз чет эл компартиялари қандай усуллардан фойдаланаётганига зимдан разм солсак, унда бу фақат иқтисодий ёрдамнинг ўзигина әмаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Ташқаридан қараган кишига гуноҳсиэдек кўринаётган бу таклифнинг мудҳиш томонларини ҳам кўра билишимиз керак. Иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатнинг ички имкониятлари ва проблемаларини ҳар томонлама яхшилаб кўриб чиқмогимиз керак. Биз учун фойдали мисоллар бор. СССР бунёдга келгандан бери иқтисодий жиҳатдаи нақадар ўсиб кетганини кўрдик, ҳозир Ҳитойнинг мустақил экономикаси қизгин ривожланмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бой инсоний ва иқтисодий ресурслар мавжуд. Биз халқаро ёрдамни оламиз, Олишга мажбурмиз ҳам. Аммо биз эгоистик мақсадни кўзда тутадиган айрим чет эл монополистик фирмаларига қаршимиш. Биз ташки иқтисодий сиёсат асбобидан ўз халқларимиз манфаати, миллий манфаат нуқтаи назаридан фойдаланмогимиз лозим. Одамларимизни уйготмогимиз лозим. Иқтисодий колониализмни йўқ қилиш ўзимизнинг ихтиёrimизда. Бизни бу йўлдан ҳеч нарса тўхтатиб қололмайди!

Аввалига Чанд секин, хотиржам гапиравётган эди, ғазаби қайнаб кетганидан кейин баландроқ, ҳаяжон билан гапира бошлади. Биз бу ҳинд олимдининг гапларини эўр қизиқиши билан тинглаб ўтирган эдик.

Бутун суҳбатимиз давомида чиқиллаб турган машина-ка бирдан жим бўлиб қолди.

Аёл босишдан тўхтаб, қўлләzmани бир чеккага сурин қўйдиди, бизга ҳайрат билан тикилиб қолди. У афтидан, бу ерда, меҳмонхонада эри қиласётган ишларга қарши гап эшиштаман, деб сира хаёлига келтирмаган бўлса керак.

Кечқурун биз Гвян Чандникига зиёфатга таклиф қилинган әдик. Деҳлининг чеккароғида, Деҳли университетига яқин ердаги унча катта бўлмаган бир уйда турар экан.

Янгидан-янги учрашувлар бизнинг Ҳиндистоннинг илғор кишилари ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтириб бормоқда әди. Ҳинд адабиётининг инсонпарварлик гоялари, юксак бадиийлиги, чин маънода халқчиллигини бутун жаҳон билади. Кўпчилик совет ўқувчилари улуғ ҳинд ёзувчиси Рабиндрнат Тагорнинг асарларини севиб ўқийдилар. Ҳозирги замон ҳинд ёзувчилари ва шоирларининг Совет Иттифоқида босилиб чиқаётган китоблари совет кишиларини ҳинд адабиёти билан кенгроқ таништиromoқда.

Биз Мулк Рож-Ананд билан олдин Москвада босилиб чиққан китоби орқали танишган әдик Ананд ҳинд адабиётининг йирик вакилларидан бири, Прем Чанд ва Сажжод Зоҳир билан биргаликда ташкил этилган Ҳиндистон илғор ёзувчилари Бирлашмасининг раҳбарларидан бири ҳисобланади. Ананд асосан Бомбейда яшайди. Деҳлида, мажлислардан бирида учрашиб қолиб, эртасига бирга овқатланамиз деб келишиб қўйдик.

«Империал» меҳмонхонасига қарашли «Мушкетёрлар майхонаси» деб аталадиган ресторанда биз Ананд билан бир неча соат бўлдик.

— Сизнинг Совет Иттифоқингизда менинг «Қул» ва «Улкан қалб» романларим босилиб чиқди. Яқин ораларда мен Москвага бормоқчиман. Ҳозир мен «Кекса аёл ва сигир» номли янги романимни тугатиш олдидаман, тугаши билан бир неча тилларда босилиб чиқади. Китобим Россияда ҳам нашр қилинади, деб умид қиласман. Мени ҳамиша бутун умри ер билан боғлиқ бўлган одамлар қизиқтиради. Бизни ер боқади, шунинг учун ҳам у ҳаётимизнинг мазмунини ташкил этади деб биламан. Аслида ҳам бу ёки у мамлакатнинг ютиб чиқиши ё ютиб чиқмаслигига ер реформаси муҳим роль ўйнайди.

Ананд ўз халқи тарихини жуда яхши билади ва Ҳиндистоннинг турли бошлиқлари ерга қандай муносабатда бўлишгани, ер ҳақида чиқарган реформаларига асосан қўлга киритган у ёки бу ютуқлари ҳақида шошмай ҳикоя қилди.

— Халқимиз қудратли бўла олиши ҳам мумкинлигини тушунниб қолди. У асрлар давомида онгига сингдириб келинган тубанлик туйгусидан қутулиб бормоқда. Чиндаң

ҳам бизнинг енгил саноатимиэнинг Англияницидан нима камлик ери бор? Бироқ рақобат туфайли биң ўз саноатимиэни ривожлантиrolмадик.

Ананд Жаваҳарлаъл Неру тўғрисида узоқ ва фаҳрланиб гапиради:

— Кунлардан бир кун Неру мендан ҳинд почтаси ва телеграфи тарихидан бир китоб ёзишимни илтимос қилиб қолди. Мен ҳайрон бўлиб қолдим: ахир мен тарихчи бўлмасам деб ўйланиб қолдим-да, нима бўлганда ҳам, бу ўзиимиэнинг тарихимиз-ку,— деган холосага келиб, Неруга телефон қилиб, сўзбоши ёзиб беришини илтимос қилдим. Неру эрта билан Хитойга учиб кетаётган экан, шунга қарамай, у кечаси менинг китобимга сўзбоши ёзиб берди.

— Биласизми,—дея яна гапида давом этди Ананд, ҳозирнинг ўзидаёқ бизнинг ёзувчиларимиз совет ёзувчилари ва кино ходимлари билан биргаликда Ҳиндистонда қурилаётган металлургия заводи тўғрисида фильм яратишга киришишса яхши бўларди. Учинчи асрдаёқ ҳалқимиз рудадан металл ишлаб чиқаришни билганидан хабарингиз борми? Ҳинд ҳалқининг ўз оғир индустрисига эга бўлишга ҳақи борлигини кўрсатишимиз керак. Қадам-бақадам, биринчи ғишт қўйилишидан тортиб, то қурилиб битгунча қилинган ишларни суратга олиб бориб, кейин биргалашиб яратилган фильмни экранларга чиқарсан. Аҳмад Аббоснинг Афанасий Никитиннинг Ҳиндистонга қилган сафари тўғрисида сценарий ёзётганидан хабарим бор. Бу жуда зўр иш! Бироқ шунинг ўзи билан кифояланиб қолмаслигимиз керак. Шу фикримга қўшиласизми? Яна бир нарсани ўйлаб юрибман: агар Совет Иттилоқида айрим ҳинд пъесаларини таржима қилиб, саҳнага қўйишганида жуда яхши иш бўларди-да. Ҳозир бизнинг ҳинд театримиз ҳам яхши ривожланяпти. Бу эски пъесаларнинг сизнинг саҳнангизда қўйиш мумкин бўлган варианлари бор. Сизнинг ажойиб театрларингиз бор, мен уларни биламан!

Ананд ниҳоятда ҳаракатчан, куч-қувватга тўла. Шу иили эллик ёшга кираётган бўлса ҳам, анча тетик, ёш кўринарди. Ёзувчи учун бу энг етилган камолот ёши.

Бир куни менга, меҳмонхонага телефон қилишиди-да, сўрашди:

Сиз ҳинд тилида ёзадиган ҳинд ёзувчилари билан учрашишга розилик беролмайсизми? Биз Совет ёзувчиларининг иккинчи съездиди ҳақидаги гапларни эшлишини истар-

дик. Ҳозир Совет адабиёти қандай ўй-режалар билан яшаётгани бизни жуда қизиқтиради...

Икки кундан кейин биз Ромен Роллан номидаги адабиётчилар клубида учрашдик. Клубга киравериша баланд бўйли, сочлари оқарган, қувноқ, чафир кўзли бир одам турарди. Бу Ҳиндистоннинг машҳур журналисти, парламент аъзоси Бенарси Дас Чатурведи эди.

Ромен Роллан номидаги клуб сўнгги уруш вақтларида Америка қисмлари жойлашиб турган собиқ казарманинг икки хонасига жойлашган эди.

Чатурведи бизни полига тўллатиб гилам ёэилган, икки-учтагина стул турган иккинчи хонага таклиф қилди. Ёзувчилар хонага кириб пойафзалларини ечишар ва гиламга чордана қуриб ўтиришарди. Биз ҳам уларга ўхшаб ерга ўтироқчи бўлиб турган әдик, бироқ Чатурведи:

— Сиз бизнинг меҳмонимизсиз, сизлар стулда ўтиришларинг керак,— деди.

Афтидан рус адабиётига ҳурматини таъкидлаш учун бўлса керак, бир ёзувчи хонага Горький билан Чеховнинг суратини олиб келибди.

— Клубимиз яқиндагина ташкил топган,— деди бизга қараб Чатурведи.— Биз клубимизни Ромен Роллан номига қўйдик. Улуг француз адаби ҳинд адабиёти билан қизиқкан, биз билан ёзишиб турган. Шахсан менинг ўзим, Ролландан хат олиб турардим...

Бу ёзувчилар орасида ҳозирги замон машҳур ҳинд ёзувчиларидан Прем Чанднинг дўсти — Жанендра Кумар ҳам бор эди. Унинг «Истерьо», «Сунита», «Ўтмиш» романлари Ҳиндистонда катта шұҳрат қозонган.

Сүҳбатимиз икки соатча давом этди. Бу ҳинд ёзувчиларининг совет адабиёти кўтариб чиқаётган проблемаларга зўр қизиқшини намойиш этган жонли, синчковлик билан ўтган сүҳбат бўлди. Бизни кузата туриб, Чатурведи шундай деди:

— Совет ва ҳинд ёзувчилари бир-бирлари билан тез-тез учрашиб туришлари лозим. Биз сизнинг адабиётингизни жуда яхши кўрамиз, ундан инсонга зўр муҳаббат нафаси уфуриб туради. Инсонни ҳайвон қилиб тасвирлайдиган баъзи Гарбий Европа ва Америка ёзувчиларининг асарларини ўқигимиз ҳам келмайди.

Мен Чатурвидидан Ромен Ролландан олган хатларни кўрсатолмайсизми, деб сўрадим.

— Жоним билан,— деди у,— Ромен Ролланнинг ҳар бир сўзи бутун инсониятники.

Биз Рам Кумар билан ҳам тез-тез учрашиб турадик. Рам Кумар фақат ёзувчигина эмас, рассом ҳам. Биз унинг бир неча ҳикоялари билан танишганимизда, Чеховни жуда қаттиқ севишини хис этдик.

— Ҳа, Чехов менинг севимли ёзувчим. У ўта инсон-парвар одам бўлган.

Мен Кумардан, нечта китобингиз чиққан, деб сўрадим.

Кумар хижолат тортиб кетди:

— Мен ҳали жуда ёш ёзувчиман. Яқинда ҳикоялар тўпламим нашрдан чиқди. Сизга ўша китобимдан совға қилсан майлим? Мен ёзувчидан кўра кўпроқ рассомман. Чизган суратларимдан кўрсатсан, кўрасизми? Яқинда рассомларимизнинг Бутун Ҳиндистон кўргазмаси очилади. Кўргазмага менинг учта суратим қўйилади.

Бизнинг ўзимиз ҳам ҳозирги замон ҳинд рассомчилик санъати билан танишмоқчи бўлиб юрган эдик, шунинг учун Кумарнинг бу таклифини бажонудил қабул қилдик. Кўргазмани Ҳиндистон президенти Ражендра Прасад очди. 1953 йилда ҳинд рассомларининг Москвада кўрсатилган ажойиб суратлари ҳали өсимиздан чиққанича йўқ эди. Биз Деҳлида очилган бу кўргазмада ҳам қатор ажойиб суратларни кўрдик. Миллий рассомчилик традицияларига амал қилиб чизилган суратлар айниқса муваффакиятли чиққан эди. Салац Мукержининг «Қайнқлар», «Шамол» ва бошқа акварелда чизилган суратлари ҳозирги замон ҳинд ҳёти ва турмушини аниқ ва мұхаббат билан акс эттиради. Бимал Даҳ Гуптанинг «Балиқ ови» сурати ва Ранбир Сингх Бишт ишлаган манзаралар ҳам яхши чиққан.

Д. Жошининг чеҳрасидан соғломлик уфуриб турган иккى ҳинд аёли акс эттирилган сурати ҳам айниқса диққатга сазовор. Бу суратни кўрганимизда ўзимизнинг Саръян мўй қаламининг жонли, ёрқин ранглари кўз олдимизга келиб кетди. Рассом М. Ачарекарнинг «Қора сари кийган аёл портрети» кишида кучли таассурот уйғотади.

Бошқа, алоҳида бир залда ёшгина вафот этиб кетган рассом Анрита Шергил суратлари осилган. Унинг ишларида миллий колорит ҳисс этилади, айни чоқда ўтган аср охирига мансуб бўлган францууз рассомларининг таъсири

ҳам сезилади. Афуски, айрим ҳинд рассомларининг суратларида гарб рассомларининг ҳаётни формалистик бузиб кўрсатиш оқими таъсирига берилиш кайфияти ҳам сезилади.

Кўргазмада биз Рам Кумарни ҳам кўрдик. У бизни ўзининг суратлари ёнига бошлаб кетди.

Рам Кумарнинг ижоди ижтимоий мавзуларга қаттиқ мойиллиги билан ажralиб туради. Унинг «Оила», «Уруш даҳшатлари», «Она ва ўғил» суратлари ортиқча изоҳга муҳтоҷ ҳам әмас, рассомнинг оддий одамлар томонида тургани, уларнинг ўй ва орзулари рассом қалбига қанчалик яқинлиги шундайгина кўриниб турибди. Рам Кумар ҳаяжонланиб бизнинг кўзимизга тикиларди.

— Суратларим сизда қандай таассурот қолдириди?

Мен унга тўғрисини айтдим:

— Мени суратларингиз ҳар томонлама қизиқтириб қолди, азиҳим Кумар. Менинг рассомчиликда унча тажриbam йўқ, лекин реалистик услугга сал-пал ақлим етади. Суратларингиздан менга айниқса «Оила» ёқди — бу суратда инсонни кўрсатиб бериш орзузи бор сизда.

— Бу менинг энг кейинги ишлаган суратим,— деди Кумар. Лекин мен сизнинг фикрингизга унча қўшилолмайман. Рассом теварак-атрофида кўрган барча нарсаларини расмда акс эттиравериши шарт әмас. Томошабин, рассом тасвирда ниҳоясига етказмаган нарсасини ўзи тушуниб олмоги лозим.

Бу мунозара бошланяпти, деган сўз эди...

Шуни таъкидлаш керакки, бадиий ижоднинг барча масалалари ҳинд ёзувчиларини ҳам, рассомларини ҳам, кино ходимларини ҳам жуда қизиқтиради. Бир куни биз Деҳли рассомларининг Фреймассон холлдаги мўъжазгина кўргазмасини ҳам бориб кўришга мұяссар бўлдик. Бу кўргазма гўё икки қисмга бўлинарди. Рассомлардан бир груп-пасининг ишида композиция бузилиб, бир-бирига унча болгламмаган ранглар кўп ишлатилган. Бу кўргазмада бизни қорачадан келган, баланд бўйли киши, машҳур рассом Барада Укил билан таништиришибди. Барада Укил Совет Иттифоқига сафар қилган ҳинд рассомлари делегациясига раҳбарлик қилган эди.

— Менинг ўзимга ҳам бу ерда кўп нарса ёқмайди,— деди бизга Укил.— Бизнинг баъзи бир ёш рассомларимиз аллақачон ёшини яшаб бўластган гарб санъати модасига эргашишади. Мода кийим учун яхши бўлса бордиру, ле-

кин у тез-тез ўзгариб туради-да. Мен эса классик ҳинд санъатининг тарафдорлариданман.

Биз рассом Бабеш Санял суратлари олдида тўхтадик. «Низоммудиндаги бозор», «Қўшнилар», «Тоғлик қиз» суратларини томоша қилдик.

Ерда гаплашиб ўтирган икки аёл ва уларнинг ёнида осмонга қараб кулиб ётган яп-ялангоч бола тасвиrlанган «Қўшнилар» номли сурат бизга айниқса ёқиб тушди. Рассом турмушнинг характерли томонларини яхши илғаб олган, расмдан шундоққина ҳаёт нафаси уфуриб турарди.

Бир кул ранг костюм кийган киши ёнимизга келиб, биздан сўради:

— Суратлардан биронтаси сизга ёқдими?

— Бизга айниқса мана бу икки аёл ёқиб қолди.

— Раҳмат,— деди у одам.— Бу суратни мен ишлаганман.

Бу ўша профессионал рассом ва бундан ташқари болалар рассомчилик мактабининг директори Бабеш Санял эди. Суратларни томоша қилганимиэдан кейин унча катта бўлмаса ҳам анча кескин мунозара бошланди. Бир шоира сўзга чиқди:

— Санъат ҳамма учун ҳам тушунарли бўлмоги лозим. Болаларни қизиқтиrolмаган тумтарақ шеър катталарни ўзига торта олармиди?

Кейин у ўз қизчаси билан бирга аниқ туроқ ва чиройли қофияли бир қўшиқни биргалашиб айтиб берди...

— Шеърият ўта содда, соф мусиқий бўлмоғи лозим,— деган сўзлар билан тугатди у ўз нутқини.

Бир ҳинд қўшиқчи аёл ёмғир тўғрисида қўшиқ айтиб берди, бошқа биттаси най ҳақида. Қўшиқчи аёлларнинг қўйл ҳаракатлари ўта нозик эди. Бир меъмор сўзга чиқиб, меъморчиликнинг турлари аниқ, инсон ақл ва туйғусини ўзига торта биладиган бўлмоги лозим, деди. Кейин раққосалар ўз санъатларини намойиш этдилар, биз яна бир марта ажойиб ҳинд рақсини ҳузур қилиб томоша қилишга мушарраф бўлдик.

Осиё мамлакатлари конференцияси давом әтиб турган кунларда бизга Бомбей кичик балет труппасининг томошлари кўрсатилди. Коллектив труппасига марҳум режиссёр Шаитид бошчилик қилар эди.

Томошада ўйин, қўшиқ бир-бирига жуда яхши боғлаб кўрсатилади. Томошанинг номи «Дўстларимиэзнинг қал-

бини ҳабт этамиз» деб аталарди. Гарчи асафнинг қаҳрамонлари қуш ва ҳайвонлар бўлиб, инсон унда уларни мавҳ әтувчи оддий овчи сифатидагина тасвириланган бўлса ҳам, аслида халқлар дўстлиги ғояси томошанинг ҳамма ўн бир кўринишида ҳам қизил илдек илгари сурилади.

Асаф қаҳрамонлари сичқон билан тошбақа, буғу билан қарға. Улар жуда камбағал бўлишса ҳам, лекин ўта меҳнаткаш. Улар камолга эришмоқчи бўладилар. Аввалига улар тарқоқ ҳолда яшашади, бир-бирларига сира ишонмайдилар. Бироқ хавф олдида улар бирлашадилар. Эҳтиёти шарт деб юз эшиклик кавакда яшайдиган сичқон Ҳайранъяк айниқса серфаолиятли қаҳрамон. У кўпчиликка ёрдам беради. Асада ижобий қаҳрамон ўринида берилган қарға, сичқоннинг ишларидан ҳаяжонланиб кетиб, унга дўст бўлишни таклиф қиласди. Бироқ сичқон иккиласнади: «Биз бир-бирига душман қабилаларданмиз. Қандай қилиб дўст бўлишимиз мумкин?» дейди у. Бироқ қарға: «Кел, бу эски гапларни қўяйлик. Агар истасак, иккаламиз бир-биrimиз билан дўст бўлишимиз мумкин», дейди. Уларга доно тошбақа ҳам ёрдам беради. Тошбақа оғир дақиқада буғуга ҳам кўмаклашади. «Биз билан яшайверишинг мумкин. Ҳаммамиз бирга турамиз», дейди у буғуга. Охирида шарманда бўлган овчи ўрмондан кетади. Ўрмон тинчиб, барча ҳайвонлар ўз инларидан чиқадилар ва ҳамма ёқ севинчга тўлиб кетади. Саҳна қуидаги сўзлар билан тугайди: «Дўстлик ҳайвонларга севинч ва фойда келтириар экан, бунчалик ақлли, доно бўлган одамзод нега бу дўстликнинг қадрига етмайди?»

Томоша тамом бўлганда барча конференция делегатлари ва юзлаб ҳинд томошабинлари ўринларидан туришиб, Бомбей артистларини олқишиладилар. Томошада ҳозир бўлганлардан Рамешвари Неру, Пак Ден Ай, Николай Тихонов, Александр Корнейчук ва бошқалар саҳнага чиқишиди. Улар артистларнинг қўлларини қисишиб, муваффақиятлари билан табриклашди.

Ҳинд кинематографияси жиддий ижодий меҳнат билан машғул. Раж Капур, Наргис, Притхви Раж ва бошқа етакчи ҳинд актёрларининг ташаббуси ва Ҳиндистон ҳукуматининг маъқуллаши билан «фильм семинар» ташкил этилди. Бу кино ходимларининг ўзиға хос ижодий конференцияси эди. Бу конференция бир ҳафта давом этди. Конференция трибунасидан туриб жуда кўп жўшқин сўзлар айтилди. Совет Иттифоқи номига ҳам жуда кўп илиқ

ғаплар гапирилди. Конференцияда Ҳиндистон бош ми-  
нистри Неру ҳам сўзга чиқди.

Конференциянинг барча семинар катнашчилари ва  
меҳмонлар йиғилган якунловчи мажлисида биз ҳам иш-  
тирок этдик. Ҳинд кинематографиясининг халқ ўртасида  
қанчалик машҳур әканлигини бир нарса айниқса яққол  
кўрсатиб турарди. Якунловчи учрашув ўтиши мўлжаллан-  
ган шаҳар чеккасидаги миллий физика лабораториясига  
олиб борадиган йўлни тумонат одам босиб кетган, улар  
автомобилларда ўтиб кетаётган севимли актёrlарга суқ-  
ланиб тикилиб қолардилар.

Ҳиндистоннинг кекса киноактрисаларидан бири Дур-  
га Қхоте шундай деди:

— Бизни қирқ йилгача тан олишмаган эди. Мана  
энди тан олишибди. Ҳиндистон кино санъати жаҳонда би-  
ринчиликни олсин учун, бор кучингни сарфлаб ишлагинг  
келади.

Санъатшунослик академиясининг директори доктор  
Раж Аманар семинарга совет фильмларини олиб келгани  
учун Ҳиндистондаги совет әлчиноасига ва семинар ишида  
иштирок этгани учун хитой киноактёрлар делегациясига  
чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Ҳинд кино санъатининг кундан-кунга қанчалик ўсиб  
бораётганини мамлакатнинг йилига уч юзга яқин бадий  
ва ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқараётганининг ўзиёқ  
яққол кўрсатиб турибди. Бу фильмлардан кўплари  
билан биз аллақачон танишмиз. Ҳиндистонда чо-  
ғимиизда биз бир қанча янги фильмларни кўрдик, ол-  
динги чиқарилганларидан айримларини ҳам томоша қил-  
дик. Биз «Йиссиқ камзул» номли янги бадий фильмни  
тomoша қилдик. Бу фильmdа уқувсизгина аёлманд бир поч-  
та ходими янги камзул сотиб олишни орзу қилиб  
юради.

У эски камзулининг астари ичига тўпланган юз ру-  
пий пулини яшириб юриб, бир куни йўқотиб қўяди-да,  
ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлади. Лекин икки чин дўсти  
уни ўлимдан қутқариб қолишади. Қайгули бу фильмда  
талайгина кулгили жойлари бор. Бош ролни Нирупа  
Рой жуда усталик билан ўйнаган. Гарчи фильмда ҳеч қан-  
дай хулоса бўлмай, қаҳрамонларнинг келажакдаги йўллари  
ҳам кўрсатиб берилмаган бўлса-да, биз фильмнинг ўқув-  
чиларга қанчалик яқинлигини ҳис этдик.

Биз Ҳиндистоннинг машҳур киноактрисаларидан Де-

вика Рани билан ҳам танишиш шарафига мұяссар бўлдик. Ҳозирда у фильмларда деярли қатнашмайди. У бизни эски, 1937 йилда суратга олинган «Иzzat» фильмини томоша қилишга таклиф қилди.

Фильм воқеаси XVIII асрда содир бўлади. Фильмнинг асосий мавзуи ҳинд деҳқонларининг ер учун феодаллар билан кураши. Фильмда Девика Ранидан ташқари машҳур ҳинд киноактёларидан Ашок Кумар ҳам ўйнайди. Фильмда кулги, кўп халқ юморидан яхши фойдаланилган, ажойиб натур съемкалар бор. Гарчи фильм фожиа билан, иккала қаҳрамоннинг ҳалокати билан тугасада, фильм гояси ёрқин: ҳар бир оддий инсон әркин яшаш ҳукуқига эга.

— Фильм мамлакатимиз мустақил деб эълон қилинмасдан олдин суратга олинганини унутманглар. У вақтларда биз барала овоз билан гапиромасдик,— деб изоҳ берди бизга ҳамроҳ бўлиб юрган дўстимиз.

Биз бу фильмни эски кинофильмлар фестивали кунларида «Сапрухауза» биносида томоша қилган әдик. Лекин картинанинг «эски»лигига қарамай, зал томошабинлар билан лиқ тўлди. Намойиш вақтида тез-тез қарсаклар янграб турди. Девика Рани қўшиқ айта бошлаганида эса, залдагилар ҳам унга жўр бўлиб кетишиди. 1937 йилда ишлаб чиқарилган фильмни ҳинд томошабинлари ҳамон севиб томоша қилмоқдалар.

Ҳозир Ҳиндистонда болалар учун фильмларни қандай қилиб йўлга қўйиш устида бош қотирмоқдалар, Совет Иттилоғининг болалар учун яратган фильмлари хусусида яхши Фикрлар изҳор этмоқдалар.

Кейинроқ, Девика Рани билан яна бир учрашиб қолганимизда, унинг кейинги йилларда фильмларда иштирок этмай қўйганига таассуфимизни изҳор этдик.

— Мен ёзувчиларимииздан қирқ еттинчи йил драматик воқеалари акс этган сценарий олишни истар эдим. Мен минглаб гуноҳсиз одамларнинг ўлиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим. Тупроқдан гўдайиб чиқиб қолган ўликларнинг қўлини кўрганман. Одамлар бир-бирлари билан дўст бўлишлари керак!..

Меҳмонхоналар олдида муҳожир сайёҳларнинг ҳарид қилишларини мўлжаллаб, Ҳиндистоннинг турли бурчакларидан олиб келинган ҳар хил қўлда ишланган буюмлар сотилади. Нималар йўқ дейсиз бу ерда! Қуёшда ярақлаб турган мис ва жез идишлар, шохдан ясалган қадаҳлар,

мунчоғу билагузуклар. Бу ерга, Дөхлига, Ҳимолой ва Тибет тоғлари этакларидан тортиб ҳар турли буюмлар кела-ди, бу ерда кашмир усталари ишлаган буюмларни ҳам, Ҳиндистоннинг ғарбидаги усталар ясаган тақинчоқларни ҳам кўриш мумкин. Бу наслдан-наслга ўтиб келаётган ажойиб халқ ижоди, маҳоратининг маҳсулидир.

Мана энди Ҳиндистонда кўрган-кечиргандарингни бир-бир хаёлингдан ўтказар әкансан, ўша учрашиб дўстлашган, ҳаётини ер юзида тинчлик ва тараққиёт ишига бағишилаган одамлар ёдингга тушади.

Турли газеталарда хизмат қиладиган юздан ортиқ журналистлар иштирок этган бир пресс-конференцияда Рамешвари Неруга битта эпчил мухбир савол берди:

— Бу конференциянинг ҳақиқий ташкилотчиси ким?

Бу ажойиб ҳинд аёл ўша маҳмадона йигитчага сабит, оқила кўзлари билан узоқ тикилиб туриб, шундай деди:

— Мен аминманки, ҳиндистонлик оналар ва аёллар тинчлик учун курашаётганимиз, янги уруш олови очилишининг олдини олаётганимиз учун биэга катта раҳмат дейишади.

Ҳа, бу аёлнинг тили билан ҳинд халқи донишмандлиги галираётган әди.

1955 й.

# ЯПОНИЯ САФАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

1956 йили Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетига Токиодан хат келди. Ҳатда Нагасаки шаҳрида атом ва водород қуролларини тақиқлаш бўйича Иккинчи Ҳалқаро конференция чақирилиши хабар қилиниб, Совет Иттифоқидан ҳам делегация таклиф этилган эди. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети Японияга борадиган делегацияни тайинлади.

Буни қарангки, бутун делегация Токиога вақтида етиб бориш учун илгарироқ йўлга чиқди, мен бўлсам швед визасининг йўқлиги туфайли икки кундан кейин учдим.

## Самолётдаги ҳуштак

Августнинг булатли куни эди. Внуково аэроромида одатда ўнларча самолётларнинг моторлари гуриллашидан, қўнаётган ва угадиган самолётлар ҳақида ахборот бериб турувчи дикторнинг овози аранг әшитилади. Бугун аэрором ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ шовқин-суронли эди.

«Ту—104» самолёти Копенгагенга учиб кетди. Бу маркали самолёт анча-мунча жойларга қатнаб туришига қарамай, ҳаммада унинг янгилигидан қувониш ва жонажон авиациямиэдан фахрланиш ҳисси шундайгина сезилиб турарди. Старт жойига етиб олгач бир ҳамла билан осмонга кўтарилиб, аэрором устидаги оппоқ булатлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлиш учун бетон йўлдан бурилиб-фидираб бораётган самолётнинг баҳайбатли кўринишига аэроромдаги одамлар ҳаяжон билан тикилиб турарди.

Бизнинг самолётимиз ҳам аэрором устида бир доира исаб айлангач йўлга тушди. Яқинда очилган Москва-

Стокгольм ва Москва-Копенгаген аэролиниялари Рига орқали ўтар әди.

Латвия пойтахтида ҳаво булутли бўлиб, ёмғир шивалаб турарди. Москвадан учган ярим бўш самолёт қорамтири похол шляпа кийган америкаликлар билан тўлди. Улар креслоларга ўтириб, ғижимланиб кетган шимлик оёқларини узатар-узатмас таассуротларини ўтоқлашишга тушиши. Кўринишдан, уларнинг туристик сафарлари яхши ўтган бўлиши керак. Самолёт ҳавога кўтарилди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Чап томонимда ўтирган қария инглиз тилидаги «Советский Союз» журналини варақлай бошлади, унинг ёнидаги киши эса стюардесса улашиб чиқсан конфетларнинг ярқироқ қозозини томоша қилиб ўтиради. Орадан ўн беш минутча вақт ўтди. Моторлар бир меъёрда гувилларди. Кўк кўзли ёқимтой стюардесса ҳали у кресло олдига, ҳали бу кресло олдига бориб йўловчиларга журнallар таклиф этарди. Шу пайт қаердандир орқа томондан шиддатли ҳуштак овози эшишилди. Бир оздан сўнг, у яна қайтарилди. Бир қанча одам ўгирилиб ҳуштак овози келган томонга қаради. Самолётнинг орқадаги ўриндиқларидан бирида бошқаларга қараганда ёшроқ бир америкалик стюардессани бармоги билан оҳиста имлаб чақиради. Шундан кейин бутун йўловчилар стюардессага қарашди. Қизча қўлларида журнallари билан ўртада турар экан, унинг оқариб кетган юзлари ва қисилган кўзларидан газабланаётганини сезиш мумкин әди. Лекин бирлаҳздан кейин у шундайгина яқинида ўтирган американликнинг тепасига әгилиб инглизчалаб:

— Янги журналлар кўришни истайсизми? — деб сўради.

Самолётнинг ичи сув қўйгандек тинчib қолди, фақат ҳуштакбознинг ёнида ўтириб унга алланималарни гапираётган америкаликнинг хириллаган овозигина эшишилб турарди. Шунда мен: яқинда биз совет журналистлари Кўшма Штатларда бўлганимиз ва кўпгина американликларнинг ҳурматига сазовор бўлганимизни, баъзи оиласалар билан танишганимизни, уларнинг кўпчилиги бизда яхши таассуротлар қолдирганини эсладим. Шундай экан, нега әнди баъзи американликлар бошқа мамлакатларга боришганда ўша ерлик ҳалқни ҳақорат қилишади? Мен буни кичиккина Исландияда ҳам, Францияда ҳам, Данияда ҳам, ҳатто Англияда ҳам кўрдим. Бунчалик мағрурлик ва одобсизликнинг боиси нимада? Буларнинг асоси нимада?

...Самолёт пастлай бошлади. Буулутларнинг сийрак жойларидан Стокгольмнинг кўрфаз ва каналлари кўзга ташланга бошлади. Қизил томлар, сариқ уйлар... Самолёттнинг гилдираклари ерга тегди.

## Катер сугурта қилинган экан

Стокгольмда шанба пешинидан бошлаб душанбагача кўчадаги шовқин-суронлик ҳаракат сўнади. Соат ўн иккнида магазинлар бекилади. Кўпгина шаҳарликлар четларга, дачаларга, кўрфазларга чиқиб кетишади, у ерда елканли, моторли қайиқлар улар хизматига тайёр туради. Шаҳар кўчалари бўйлаб кезувчи автомобиллар сони сезиларли даражада камаяди. Кучук етаклаган одамлар кўпроқ учрай бошлайди. Газета ва гул сотувчиларгина ўз ишларини бир қадар сусткашлик билан давом эттираверадилар.

Ез бўйи Стокгольмда ҳавонинг мазаси бўлмади, аммо бугунги шанба фавқулодда қўёшли, илиқ, ёқимли бўлди. Машинада дўстлар билан Стокгольмни айлана бошладик. Мен Швеция пойтахтини авваллари ҳам бир неча бор кўрганимга қарамай, бу сафар ҳам уни қайта томоша қилиб, қиялаб борувчи елканларни, қўлтиқ ва каналларда сузувчи кичик-кичик катерларни, ола-була свитер кийиб олиб, майсада футбол ўйновчи оқ бошли болаларни томоша қилиб бордим.

Машинамиз Юргарден районидаги каналлардан бирини ёқалаб бораар экан, қиргоқ яқинида улкан оловга дуч келиб қолдик. Икки әркак машинамизни тўхтатди. Ҳаммамиз машинадан тушдик. Маълум бўлишича, кимнингдир катери ёнаётган экан. Қиргоқда бир қанча киши турарди, катер трослар билан қиргоққа тортиб бойлаб қўйилганди. Орадан икки, уч, беш минут ўтди. Катердаги ёнгин тобора кучаяр, аммо қиргоқда ҳамон эсойишталик ҳукм сурарди. Охири ўт ўчирувчи машиналарнинг овози әшитилди. Иккита қизил автомашина етиб келди. Ўт ўчирувчилар қўлларида чангаль ва шлангалар билан катерга ташланиб, ўтни ўчиришга киришишди. Аммо алнга анчагача енгилмади. Каналнинг икки қирғоги бўйлаб сузиб бораётган катерлар тўхтаб, ўтнинг ўчишини пойлаб туришарди. Ўт ўчиб, сув юзи қуюқ тутун билан қопланди... Шундан кейингина қизил майкалиқ, қошлари куйиб кетган бир ёш киши катерга яқинлашди. Бу киши катернинг эгаси экан. Четда

унинг икки боласи билан хотини турарди. Барча иш тантанали ва хотиржам давом этарди. Ёнимиздан пассажир катерлар сузиб ўтди. Полиция машинаси етиб келди. Мен ўз танишимдан:

— Нега әнди ўт ўчирувчилар келгунга қадар бирорта әркак ўтни ўчиришга ҳаракат қилмади? — деб сўрадим.

— Бизда бундай одат йўқ. Ўтни ўт ўчирувчилар ўчириши керак.

— Шундай қилинганда катерга кўп зарар етмаган бўлмасмиди?

— Тўгри, албатта... Аммо катер суғурта қилинган бўлса керак.

Биз сайримиизни давом эттиридик.

## Европа устида

Мен Стокгольм аэропортидаёқ пассажирларга қараб туриб, Токиога қадар ёлгиз учиб боришимни тушундим. Токиога етиш учун эллик соатдан кўпроқ учиш керак эди. Мен дераза олдидаги ўз ўриндингимга ўтиридим-да, чет эл аэробинияларидағи одат бўйича белимга қайишни боғлаб олдим. Борди-ю, самолёт кўтарилиш ва қўниш пайти бирор фалокатга учрайдиган бўлса, авиокомпания белини қайиш билан боғлаб олган пассажирларгагина моддий жавобгар бўларкан. Олтмиш пассажирга мўлжалланган тўрт моторли самолёт ҳавога кўтарилди ва тез орада пастдаги кўр-фазлар ҳамда Швециянинг яшил ороллари кичик-кичик бўлиб кўзга ташланиб, қалин-қалин булувлар учрай бошлиди.

Копенгагенда қуёш чарақлаб турарди. Аэродром ола-була кийимли минглаб кишилар билан тўла. Маълум бўлишибча, ҳозир аэродром кўпгина данияликлар учун ўзига хос кўнгил очар жой ҳисобланар экан. Бу ерга дунёning турли мамлакатларидан учиб келувчи кишиларни томоша қилиш учун велосипедларда, автомашиналарда келишар экан. Копенгагенда оқ-сариқдан келган болалар жуда кўп бўлиб, улар учиш майдонида содир бўлаётган ишларга ҳаяжон билан, ҳайрон бўлиб тикилиб туришарди. Бизлар бир қаватли аэропорт биноси томон борар эканмиз, бир самолёт Исландия пойтахти Рейкъявикка жўнаб кетди. Ҳамма учиб кетаётганларга қўл силкиб, бир нималар деб қичқи-рарди. Мен ҳам ҳамма қатори уларга оқ йўл тилагим ва

Исландиянинг яхши одамларига салом йўллагим келди. Мен бундан бир неча йил илгари у ерда бўлган эдим.

Аэропортнинг пастаккина, аммо ёргу ва салобатли биноси сокин, тинч, ҳамма вақтдагидек совғалар сотувчи дўйончалар очиқ бўлиб, уларда Копенгаген мармаридан ясалган турли-туман ҳайкалчалар қўёш нурида ялт-юлт қилиб турарди. Кўринишдан, даниялик рассомлар ҳам модага берилиб, узоқ йиллар давомида натуранинг аниқ тасвирига содиқ бўлган кучукча ва пингвинларнинг шаклини ҳам қандайдир модернистик қиёфага киритган әдилар. Тамаки магазинининг олабайроқ муқовали китоблар тахлаб қўйилган шиша тахтачаларида ёғочдан ясалган ўйин-коқ маймунлар ҳайкали осилиб турарди.

Самолёт Копенгагенда бир соатча турди. Самолёт учшини кутиб турган пассажирлардан стол ёнида ўтирган жигар ранг костюмли, қўлида плаши бор бир қора соч киши эътиборимни ўзига тортди. У пиджагининг ёқасига бизнинг олтинсимон ҳаво ранг «Дунёга тинчлик» значогимизни тақиб олганди. Унинг Совет Иттилоқидан эканлиги сезилиб турарди. Шу билан бир қаторда, чет эллик меҳмонлар ватанларига қайтиб кетар эканлар, ҳар турли совғалар билан бир қаторда, бундай значокларни кийимларига тақиб олиб кетишларини ҳам билардим. Иккала мизнинг нигоҳимиз бир неча бор учрашиб қолди. Шундан кейин мен стол олдига бордим:

— Сиз москваликмисиз?

— Ҳа, москвалик,— деб қувонч билан жавоб берди нотаниш одам ва ўрнидан туриб ўзини танитди:— Архитектор Айрапетов Шовген Александрович. Индонезияга, Джокъякартага учмоқчиман, Джокъяктанинг икки юз йиллик тўйига багишланган кўргазмадаги Совет павильони менинг проектим асосида қуриляпти.

Айрапетов одамларга қараб турриб:

— Мен кеча келганиман. Шу ерда тунадим. Бизнинг «Ту—104» самолётимиз данияликларда қандай таассурот қолдирганини гапириб беришиди. Копенгагенга бизнинг самолётимиз келишини эшитганларида аэропортга минглаб одамлар йифилибди.

... Тез орада Дания орқада қолди. Булутлар орасидан ҳаво ранг Кадет-Реннен бўғози кўринди. Германия Федератив республикаси устидан учиб ўтаётимиз, Гамбургда ўттиз минут, Дюссельдорфда эса кўп тўхтаб турдик. Иккинчи қаватнинг кенг, очиқ балконларида, пастдаги жойларда

немислар бола-чақалари билан пиво, сосиска, кофе ва мороженоелар истеъмол қилиш билан оворалар. Аэроромда эса резина гидравлика тракторлар, тепаси олабайроқ мато билан бекитилган очиқ вагончаларни судраб юради. Вагончаларда томошибинлар керилиб ўтиришади. Уларга маълум ҳақ билан аэроромни томоша қилдиришади. Бетон йўллар ўртасидаги ўтзорларда қўйлар подаси ўтлаб юради. Қўйларни итлар қўриқлар, бетон йўлга чиққанларини вовиллаб орқаларига қайтариб турарди. Бу ерларда худди уруш бўлмагандек эди. Мана скамейкада ҳорғин ўтирувчи эски кўк кўйлакли уч аёлни кўрдим. Оқ сочли аёл кўз ўнгидаги рўй бераетган воқеаларга бепарво ўтиради. Унинг кўзларига, оқ сочларига қараб туриб, уруш унинг қалбидаги тузалмас жароҳатлар қолдирганини сезиш мумкин.

...Германия Федератив республикаси ортда қолди. Швейцария бошланди. Самолётимиз Цюрихга тушаётган пайтда юқоридан қараганда ўрмонлар, экинзорлар, қишлоқлар жуда кўркам, шинам кўринди. Швейцария ўз соатлари, шоколадлари, куйловчи қутичалари, аниқ ишловчи станоклари билан дунёга машҳур. Аэропортда станокларни учратмайсиз, аммо соатлар, шоколад ва куйловчи қутичалар дўкон пештоқларида тиқилиб ётибди. Аэропортнинг шинам, кўркам биносини кўргач, Айрапетов:

— Жуда яхши ишланган. Ҳеч бир ортиқча жойи йўқ. Ўзи унчалик катта бўлмаса ҳам қанчалар кенг ва ёруғдек туюлади-я!

Яна илгарилаб кетдик. Беш минг метр баландликда учаётган самолётимиз янада баландлади. Швейцария Альплари устидан уча бошладик. Мана тагимиизда жигар ранг тог тизмалари, қорамтирип ўтлоқлар, қуёш нурида тўқ бинафша рангга кирған Ўрта Ер дengизи соҳилларида аранг кўзга ташланиб турувчи Италиянинг кичик-кичик шаҳарчалари.

Цюрихда ҳаво салқин бўлган бўлса, Римда дим эди. Бу ер бошқа аэропортлардаги каби сокин, тинч эмас. Аэропортда хизмат қиуловчи кора кўз итальян аёллари ингичка пошнали туфлиларини дўқиллатиб у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришади. Янги пассажирлар ҳам сон-саноқсиз. Мана оқ-кора кийимдаги тўрт монах аёл. Уларнинг чеҳралари қонсиз, бу дунё ҳузур-ҳаловатидан воз кечган кўзлари камгин эди. Мана кичик жуссали тайландлик бир

эркак ва унинг ёнида тилла ранг сочли бўйдор аёл дўкондаги каттакон, ярқироқ шол рўмолни қўлларига олиб кўришяпти. Аёлнинг чеҳраси ёришиб кетди. У кам гапирав, лекин рўмолни маҳкам ушлаб туради. Таиландлик эркак сотовучи аёлдан ниманидир сўради, аёл унга жавоб берди. Шундан сўнг эркакнинг туси ўзгарди. Тилла ранг сочли аёлнинг чеҳраси ҳам хомуш тортди. У шол рўмолни афсусланиб пештахтага қайтиб қўйди. Шундан кейин у ҳамроҳига бир нима деди ва улар ойна ичидан зирак ва узуклар турган дўкон олдига боришиди. Чамаси таиландлик кичик жуссали кишининг ҳамёни ҳамроҳининг истагини қондиришга қурби етмади шекилли, антиқий қўринишдаги зиракни сотовчига қайтариб беришиди. Тилла ранг сочли аёлнинг чеҳраси яна аввалгидек хотиржам қиёфага кирди..

Бизларни самолётга таклиф этишди. Маълум бўлишича, тўрт монах аёлдан иккитаси биз билан бирга учишар экан. Монах аёллар бир-бирлари билан ўпишиб хайрлашишиди.

Жанубдаги каби қоронгилик тез тушди. Етишга ҳозирланиш керак. Олдинда Римдан Абадангача бўлган саккиз соатлик йўл турибди.

### «Сәс» ҳақида бир оғиз сўз

Скандинавиянинг «Скэндинэвиен эйрлайнз систем» номли авиацион компанияси пассажирларга яхши хизмати билан, самолётлар ҳаракати жадвалининг аниқлиги билан, учувчиларнинг яхши хизматлари билан ном қозонган. Тўрт моторли самолётлар Копенгаген, Стокгольм ва Ослодан деярли бутун дунёга учади. Яқиндан бери бизнинг аэроФлотимиз ҳам «Сәс» билан боғланди. Йўлнинг узоқ бўлишига қарамай, толиқмайсиз. Стюард ва стюардессалар жуда диккат-эътибор билан муомалада бўлишади. Кейинчалик Токиодан аzonда Гонконгга қайтаётганимизда стюард шаҳарнинг меҳмондўст одамларининг яхши жиҳатлари ҳақида қисқагина ҳикоя қилиб берди. Ҳудди шу рейснинг ўзида самолётимиз Критдан ўтгач Италия соҳиллари тепасидан учиб бораркан, стюард тагимизда Неаполь, ўнг томонимиз эса Везувий шаҳри эканини эълон қилди. Самолёт бурилди-да, Везувий шаҳри устидан айланиб уча бошлади. Ҳар бир пассажир вулқоннинг қора оғзини аниқ

кўриши ва Ватанига қайтиб боргач, вулқонни ўз кўзи билан шундайгина яқиндаи, балки ундан баландроқдан кўрганини ҳикоя қилиб беришлари учун атайлаб шундай айланиб учган әди.

...Мен ўриндиқнинг суюнчиғини орқага суриб олиб, авиокомпаниянинг самолётларнинг учиш жадваллари, турли валюталарда билетларнинг нархлари, рухсатнома, юклар, отеллар ва ҳоказолар ҳақида маълумотлар кўрсатилган брошурасини варақлаб ётдим. Жадвал рақамлари кўрсатилган бир саҳифада Совет Иттифоқидан бўлган бир пассажирнинг расми берилб, унинг тагида «СЭС бошқа авиолинияларга қараганда Европа шаҳарларига, шу жумладан, Москвага кўпроқ хизмат қиласмоқда» деган ёзув ҳам бор әди. Ҳар қандай совет сайёхи ҳам бу улкан кубанка кийган йигитча расмини кўрганда хафа бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу кийимга қараб бизни таниб оламан деган одамнинг чет эл авиолинияларидаги ҳаракати зое кетадими, деб қўрқаман...

Қаерлардадир, пастда Ўрта Ер денгизи қорайиб кўринарди, биз Осиё қиргоқларига яқинлашиб қолгандик.

### Британия протекторати

Мен стюардессанинг елкамни силкитишидан уйғониб кетдим. Самолётнинг ичи ёп-ёруғ бўлиб кетганди. Четга суриб қўйилган дераза парда орқасида қуёш чарақлаб кўринарди. Стюардесса илжайганча: «Ай эм сорри!» деди-да, тиэзамга ёстиқча бериб, устига нонушта солинглан патнисни қўйди. Патнисдаги кичик тарелкада қўзиқориндан тайёрланган омлет, булка нон, апельсин джеми бор әди. Чашкадаги кофедан буғ кўтарилиб туарди. Янги кун бошланди. Биз тунда Ўрта Ер денгизи, Исроил, Сурдия, Сауд Арабистони устидан учиб ўтдик. Жадвал бўйича Эрон кўрфазига жойлашган нефть ишлаб чиқариш марказларидан бири — Абадан шаҳрига қўнишимиз керак әди. Мен ойнадан қараган әдим, пастда оч-яшил сув сатҳини кўрдим. Мендан олдинроқ уйғонган Айрапетов:

— Биз Эрон кўрфази устидамиз, Абаданга қўнмадик, у ерни қуюқ туман босган экан. Қаергадир — узоқроқ ерга учиб боряпмиз,— деди.

Орадан бир-икки соат ўтгач, самолёт пасая бошлади. Пастда оқ-сарғиш қум, лой уйларнинг текис томлари кў-

ринди. Қуннинг иссиғи сезила бошлади. Самолёттинг әшигги очилди. Чўп-устухон, устидаги энгил-бошлари йиртилиб бир ҳолатда бўлиб кетган хизматчилар самолётга зина қўйишиди. Қизиб кетган қўёш нуридан кўз қамашарди. Сандум ҳаммомининг иссиқ хонаси бу ердаги дим ва ҳарорат олдида ҳеч гап әмас. Аэропорттинг кичкина биносига «Бахрайн» деб ёзиб қўйилганди. Маълум бўлишича, биз Британия қўл остидаги Бахрайн оролига бориб қолибмиз. Англия бу оролларни 1820 йилда босиб олган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда у оролларда мустаҳкам ўрнашиб олгач, Бахрайннинг Шайхи билан маълум шартномалар тузиб, улар устидан протекторат ўрнатиб олган. Аҳолиси форслардан ва араблардан иборат бўлган бу оролларни Эрон ўз қўлига олишга ҳаракат қилмоқда. Аммо ҳозир оролларнинг расмий хўжайини Американинг «Бахрайн петролеум компани»си бўлиб, у йилига икки миллион тоннага яқин нефть қазиб олмоқда.

Ўртacha катталиқдаги хонага кенг, юмшоқ креслолар ва пастак-пастак столчалар қўйилган, шифтдаги икки парраклик вентилятор тинмай айлангани билан хонани совутишга ожизлик қиласарди. Саёҳатга нейлон қўйлак кийиб кетаётганларга иссиқ айниқса сезиларди. Оёқ яланг бир хизматчи муз солинган банкаларда ананас шарбати олиб келди. Банкаларга: «Чикагода тайёрланган» деб ёзиб қўйилганди. Бошқа бир хизматчи қоғоз пакетлар улашиб чиқди. Пакеттинг ичидаги одеколон сепилган салфеткалар бор экан, улар юз-кўзларидаги терни артиш учун әди. Қандайдир бир корчалон портфелини очиб, авторучкасини олди-ю, аммо у билан ёзомлади; ручкани столга қўйиб шифтга тикилди. Монах аёллар ўзларига тегишшли шарбатни ичиб бўлгач, пулга кока-кола ичишди. Она сути оғзидан кетмаган бир америка солдати оёқларини стол устига қўйганича креслога узала тушиб ётарди. У самолётта Римдан чиққанди. Унинг ёнидаги қўй кўзлари ғамгин боқувчи бир итальян аёли китоб ўқиб ўтирад экан, ҳар замон-ҳар замонда солдатга хўмрайиб қараб қўярди. Ҳамма вентилятордан аранг эсаётган шабададан баҳраманд бўлиш учун унинг атрофига гир айланниб тизилишиб олганди. Ғақат икки киши иссиққа бардош бераётганди. Кичик жуссали тайландлик әрқак ва тилла ранг сочли, қўй кўзли новча аёл яна дўкон олдида пайдо бўлишди. Ҳозир у аёл қўлида тилла соат ушлаб турарди. Унинг чеҳраси очилиб, кўзлари ёниб турар, қизғиши пеша-

насида тер томчилари милтилларди. Эркак қўлидаги соатни анчагача у ёқ-бу ёғини айлантириб турди-да, кейин сотувчига мурожаат қилди. Сотувчининг жавобини эшиг-гач, чуқур хўрсиниб, елкасини қисиб қўйди ва соатни сотувчига қайтариб берди. Тилла ранг сочли аёлнинг чеҳраси яна хомуш тортиб, дўкондан нари кетди. Сотувчи соатни қўлида ўйнаб, кўэ-кўз қиласа, ойнаванд витринага солди-да, шиқ этиб қулфлаб қўйди. Орадан бир соатдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай, учиш ҳақида эълон бўлмади. Биздан нарироқда бир кўк кўзлиmallaki киши гапга қулоқ солиб турарди. Унинг әгнида тўқ кўк пижама шим ва апельсин рангли калта енг кўйлак.

— Сиз Россиядан келдингизми? — деб сўради у русчалаб.

— Ҳа, сиз-чи?

— Тель-Авивдан.

— Узоқ жойга учяпсизми?

— Делига.

— Корчалонмисиз?

Сұхбатдошимиз бош чайқаб қўйди.

— Ишчиман. Соябон ясайман.

— Нима-нима?

— Соябон.

— Нима, ватанингизда қуёш йўқми?

— Бор, ҳатто керагидан ҳам кўп... Лекин бизнинг мамлакатимиз уччалик катта эмас. Ҳамма ёққа соябон ясаб бўлинган. Менинг исмим Борис.— У яна давом этиб, сўзи-га қўшимча қилди:— Сизларнинг футболчиларингиз бизларники билан футбол ўйнаганда кўрган әдим. Афсуски, бизнинг команда ютказиб қўйди.

Биз унинг фикрига қўшилмаслигимиэни айтдик. Борис кулиб қўйди.

— Бу масалада фикримиз бир ердан чиқади деб ўйлаганим ҳам йўқ. Болаларингиз борми? — деб сўради у яна тўсатдан.

— Бор.

— Ўйда етти ойлик қизим қолди. Уни соғиняпман... Биласизми, бизда «Евгений Онегин»ни таржима қилишди. Сизларнинг киноларингизни ҳам кўрсатишяпти, хабарингиз борми? Мана бу куй сизга танишми? — у ярим овоз билан «Қувноқ болалар» фильмидаги бир қўшиқни хиргойи қила бошлади.

Шу пайт посадка эълон қилиб қолишид. Тизилишиб

самолётга чиқа бошладик. Шу лаҳзада мен бир қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлдим: монах аёллардан бири кўйлаги бурмаси орасидан Фотоаппарат чиқариб, хотиржам бир қиёфада бўйм-бўш аэродромни, самолётимизни, самолёт олдида саф тортиб тиизилиб турган бешта қоқсуяк хизматчими суратга олди.

Самолёт бетон йўлдан кўтарилди ва дипломатик ҳужжатларда айтилганидек «Англия билан алоҳида муносабатда бўлган» Бахрайн ороллари устига кўтарилдик.

### Қиёмни яхши кўрадиган қиз

Узоқ йўлларда зерикмаслик усулларидан бири журнал ўқишdir. Пассажирлар олдидаги икки витринада америка, инглиз, француз, немис, япон журналлари турарди, улардан хоҳлаганингизни олиб ўқишинингиз, томоша қилишингиз мумкин.

Шу кунлардаги журналлар Бельгиянинг Буда де Казье шахтасига тушган ўтда фожиона ҳалок бўлган шахтёрлар ҳақидаги ҳамда Атлантик океанинг Америка қирғогида бир-бирига урилиб кетган шведларнинг «Стокгольм» кемаси билан итальянларнинг «Андреа Дориа» кемаси ҳақидаги маълумотлар билан тўла әди. Фалокат туфайли сувга чўккан итальян кемасидан қирқ йўловчи ҳалок бўлганди. Бу фалокатнинг баъзи кўринишларини биз Стокгольмда бўлганимизда кинохроника экранида ҳам кўрган әдик. Журналларда бу воқеанинг икир-чикирларига қадар хабар қилинарди. Иккала кемада ҳам мавжуд бўлмиш радар қурилмалари бу фожианинг олдини олишга ёрдам бермаганидан таажжуб билдириларди. Шведларнинг кемасидаги радар қурилмасининг ишламай қолгани айтилар, лекин шу ернинг ўзида «Стокгольм» кемаси капитанни буни инкор этгани ёзилганди. Иккала кема «нулевое эхо» зонасига, яъни радар установкаси зонасига бевосита яқин жойга келиб қолган бўлса керак, деган тахминлар ҳам бор әди. Фожиа юз берган жойга яқин ерда учиб бораётган французларнинг «Иль де франс» лайнери «Андреа Дориа» кемасининг 760 кишидан кўпроқ пассажирини қутқариб, уларни Нью-Йорк гаванига олиб борганди.

Мен океан пароходларининг тўқнашган пайтини тасвирловчи қора, хира фотоларни кўздан кечирдим.

Менинг ёнимда ёш бир немис аёли ўтиради. Мен уни самолётга қаерда чиққанини, Гамбургдами, Дюссельдорф-

дами билмадим, аммо унинг мураббони яхши кўришини билиб олдим. Авваллари ҳам, бугун эрталабдан бошлаб ҳам, Бахрайндаги дим, иссиқларда ҳам стаканга қулупнай мураббосини тўлдириб олиб қошиқлаб еб ўтиради. Самолётимиз Араб денгизи устидан учиб бораётган ҳозирги пайтда ҳам у салфетка билан лабларини артиб, бўшаган стаканини каттақон чарм сумкага бекитиб, атрофга назар ташлаб қўйди. Менинг тикилиб турганимни сезиб журнални кўрсатганча:

— Фожиа! — деб қўйди.

— Ҳа,— дедим унинг сўзини тасдиқлаб.

У журнални қўлига олиб, бир неча саҳифани варақлади-да, бир суратни кўрсатди. Суратда танк, ёш солдатлар ҳамда ҳарбий хариталар учун типик бўлмиш стрелкалар схемаси тасвиirlанганди.

— Бу фожиа,— деб яна қайтарди у.

Бу Швейцария журнали эди. Мақола «Армиямизга янги доктрина керакми?» деб аталарди. Мақола автори Швейцария марказидаги атом урушини тасвиirlаганди. Автор уруш бўлиб қоладиган тақдирда Швейцария қуролли кучларининг ҳозирги аҳволи билан ғалаба қозониб бўлмаслигини исботларди. «Қуролланиш ва ўз атом қуролига эга бўлиш керак»— мақола гояси ана шундан иборат эди. Швейцариянинг «Ди вохе» журналига ўз ўқувчиларини қўрқитишнинг нима зарурати бор экан?!— деган хаёл билан кулиб қўйдим. Аммо ёнимдаги аёл ҳамроҳим бу масалага жуда жиддий муносабатда бўлаётганди.

— Бизнинг Ғарбий Германияда бу нарса жуда кучли. Бу бизнинг фожиами,— деди у.— Атлантикадаги кемалар тўқнашуви бизнинг фожиами олдида ҳеч гап әмас. Сиз Совет Йиттифоқидан бўлганингиз учун ҳам буларни гапирияпман.

Мен ҳамроҳимга яна қараб қўйдим. У журнални қайтиб берив, сумкасидан ола-була дафтарча олди. Мен бўлсам бу аёлни дунёда қулупнай мураббосидан бўлак нарса қизиқтирмайди, деб юрибман...

### Осиё устидаги жала

Биз Покистонга яқинлашганимиз сари об-ҳаво ёмонлашаверди. Тагимизда қора булатлар сузив юради. Араб денгизи кўринмай қолди. Самолётимиз силкиниб-силкиниб қўярди. Бизлар лугат ёрдамида транзит анкета-

сини тўлдира бошладик. Унда ҳар хил саволлар билан бир қаторда «Сиз охирги тўққиз кун ичида қаерларда бўлдингиз?» (Ҳар бир кун ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиш керак эди) ва «Сариқ безгакка қарши эмлатган мисиз?» деган саволлар ҳам бор эди.

Самолёт тумандан чиқиб пасая бошлади. Қанотлардан сув шовиллаб оқа бошлади. Пирпираклар атрофида оқ шуъла пайдо бўлди. У бетон йўлдан физиллаб борар экан, атрофга халқоб сувлар сачратарди. Карабида кўпчилик бошқа самолётларга ўтиб кетди. Монах аёллар ҳам америка паспортини кўрсатиб, тўсатдан тушиб кетишиди. Кийимини одатдаги кийим билан ўзгартириб олган Тель-Авивлик Борис ҳам қўлини силкитиб хайрлашиб тушиб кетди. Мураббони яхши қўрадиган немис аёлни ҳам тушиб қолди. Шимларимизнинг почасини шимариб олиб, ас-фальтдан тиэза бўйи халқоблардан йигирма метрча жойга юриб бордик ва транзит пассажирлар учун ажратилган каттагина хонага кирдик. Караплари ўткир битта по-кистонлик аёл паспорт ва анкеталаримизни йигишириб олиб, ўрнига ола-була қозог берди, у билан баланд пештахтали буфетга борсак хоҳлаган лимонаддан бир шиша ёки кока-кола олиш мумкин экан.

Биз талонларимизни узатган эдик, қизил хожидўпник буфетчи индамай қалам узатди-да, бармоғи билан талонни ниқтаб кўрсатиб, қўл қўйинглар, деган ишорани қилди. Кўринишдан, бу ерда ҳужжатларни расмийлаштиришга алоҳида эътибор қилинар экан. Аэроромда ёмгир шатирларни уриб турса ҳам самолёт заправка қилинаверди. Самолётимиз эндиликда Карабидан Калькуттага учиси — бутун Ҳиндистонни босиб ўтиши керак эди. Объяво туфайли жадвалдан ҳам чиқиб кетдик. Карабида қолдик. Автобус бизни аэропорт билан самолёт оралиғидаги йигирма метрлик масоғага олиб бораётганда қоронги бўлиб қолганди. Стюард бирмалик икки мўйсафидни қўлтиғидан сувлаб олиб келди. Чолнинг устида катақ-катақ кўк камзул, кампир эса қора кийиб, кўзойнак тақиб олганди. Чолнинг қўлида узун-узун икки сумка ва йигирманчи йилларда одат бўлган тунука чойнак бор эди. Чол етиб бориши билан ўриндиқقا чордана қуриб ўтириб олди. Унинг ёнида ўтирган таиландлик эркак билан тилла соч аёл унга қараб афтини буруштиришди. Карабидаги залда совғалар сотиладиган дўйконча бўлмагани сабабли аёл бу сафар ҳамроҳини ташвишга қўймади.

Самолёт қоп-қоронги осмонда учиб борар экан, на ерда чироқлар, на осмонда юлдузлар бор эди. Айрапетов самолётта чиққан янги йўловчиларни кузатиб келар экан, бирмалик кампирнинг тепасидаги маҳсус тешикчадан фу́виллаб кираётган шамолдан совуқотаётганини кўриб қолди. Кампир атрофга олазарак бўлиб тикиларди. Айрапетов ўрнидан туриб, бориб тешикчани бураб бекитди, аёлнинг бошига ёстиқча қўйиб қайтиб келиб жойига ўтириди. Бирмалик кампир бош иргаб миннатдорчилик билдирида, ҳоргин кўзини юмиб олди. Айрапетовнинг бу ишини бирор ҳайрон бўлиб, бирор қизиқиб, бирор хурсанд бўлиб кузатиб турди. Тилла ранг сочли новча аёл биздан олдинроқда ўтирган Айрапетовни кўриш учун ўрнидан ҳам турди. Айрапетов бўлса бутун йўл бўйи қўлидан тушмаган рус-инглиз луғатини яна қўлига олиб мутолаага киришиб кетганди.

Шундан кейин стюард олдимга келиб таклиф эта бошлади: чунки менга Карадан берилган билетда самолётнинг дум томонидаги маҳсус хонасидан жой ажратилган эди. Юмшоқ креслоларга ўрин солиниб, парда билан тўсиб қўйилган экан. Мен ётдим. Самолётнинг бу ери кўпроқ силкитиб борарди. Уйқумда худди самолётнинг думи узилиб, қаёққадир тушиб кетаётгандек бўлардим. Бир неча бор ойнадан ташқарига қарадим, аммо зимистонда ёмғир томчиларидан бўлак ҳеч нарсани кўролмадим. Қаттиқ силкинишдан яна уйгониб пастга қараган эдим, ердаги кўк ва яшил чироқларнинг сувдаги аксини кўрдим. Пастдан одамларнинг гаплашаётган овоэлари эшитилди, шундагига Калькуттага келганимизни билдим.

Рангун ва Бирмада қўниб ўтиб, азонда Бангкокка йўл олдик. Таиландда ёмғир йўқ эди. Аммо тўрт бурчак шаклида каналлар кесиб ўтувчи далаларга сув тошиб ётарди. Чакалакзорлар, уйлар, экинлар ёмғир сувида қолган, осмонда парча-пурча булувлар сузиб юради. Пастлаб бораётган самолётимизни икки томонида Менам дарёсининг икки соҳилига жойлашган Бангкок шаҳрининг яшил кварталлари физиллаб ўтиб борарди. Самолёт ойнасидан шаҳарий кесиб ўтган каналлар, тош деворли уйларнинг қизил томлари, кичик-кичик кўлларда қалқиб сузиб борувчи қаийқлар кўриниб туради. Лойқа суви билан яшил соҳилдан ажраб фарқланиб турувчи дарёдан жуда қўп кемалар сузиб борарди.

Самолётимиз бетон йўл четида турган баланд-баланд са-

молётлар олдидан ғилдираб борарди. Бу самолётлар устидан АҚШнинг ҳарбий ҳаво флотини англатувчи беш қиррали қора юлдуз тасвири бор эди. Айрапетов зинадан пастга тушаётганида ҳам русча-инглизча лугатни қўлидан қўймади. Шу ерда у бошқа самолётга ўтиши керак эди.

Кичик жуссали таиландлик әркак кетидан тилла сочли кўк кўз, новча аёл қўлида сумкаси билан самолётдан чиқар әкан, унинг кўринишидаги магрурлик ўрнини эндиликда итоаткорлик эгаллаб олганди.

Мен ойнадан қарадим. Кўринишдан Бангкок аэропортининг биносини кенгайтираётганми ёки ёнига қўшишаётганми әкан. Зинада қора шим ва нимча қийган, бошида ихчам похол шляпалик таиланд аёллари елкаларида кул ранг тоштўлатилган сават билан юқорига чиқишиарди.

Қанотларига қора юлдуз расми чизилган икки жишилик ўқув-машқ самолётлари учиб турарди.

## Барибир эмлаш керак

Камбоджа устида учиб бораётганимизда олдимга малла соч стюардесса елкасида пуфланган, худди жилеткага ўхшаш резина қопчиқ билан келди. У оғзи яқинида унчалик катта бўлмаган шлангни ушлаб турар әкан, мабодо зарурат туғилиб қолса, бу аппаратдан қандай фойдаланишини имо-ишора билан тушунтиришга ҳаракат қиласи... Бир йўловчи бу қопчиқ масаласида ҳазиллашиб:

— Тинч океаннинг бу қисмида акулалар жуда кўп, қутқарувчи қопчиқни акулалар анқовлик қилиб бизни тилка-пора қилмай турган пайтда ёки жасадимизнинг омон қолган қисми бир оз бўлса-да, сув юзида сузуб юрсин учун кийишимиз керак экан-да,— деди.

Самолёт Жанубий Вьетнам устидан ўта бошлади. Пастда қизғиши-жигар ранг тоғ ёнбагирларидаги қорамтири-қўкиш кўриниш кўзга ғира-шира ташланиб турарди. Мен соатимга қарадим. Соат миллари беш ярим бўлганини билдириб турарди. Қуёш ҳали тикка эди. Стюардесса патнисда пешинги овқатни олиб келди. Мен нонушта пайти ухлаб қолган эканман. Стокгольм вақтини Токиога қадар сақлаб бормоқчи бўлдим, аммо янгилишиб кетдим. Соатимни стюардессанинг соатига қараб Токио вақтига тўгрилаб олдим; Токио вақти Стокгольм вақтидан саккиз соат, Москва вақтидан олти соат фарқ қиласи әкан.

Самолётимиз сарғишиң денгиз соҳили миңтақасидан ўтгач, ажиг түқ ҳаво кўринишга эга бўлган Жанубий Хитой денгизи устидан уча бошлади. Аввалига чўзиқроқ балиқчи қайиқлар кўриниб турди, кейин улар орқада қолиб, узун-узуң оқиши булутлар кўрина бошлади. Самолётимиз Филиппинга яқинлашгани сари бундай булутлар кўпайиб, қалинлашиб борди. Бир ерга боргандага қўёш нури самолёт пирпиракларига тушиб синиб камалак ҳосил қилди, у булутларни кесиб ўтгандан кейин кўриниши ўзгарди. Беш соатлардан сўнг океанда яна кичик-кичик ороллар кўрина бошлади. Шу пайт стюард келиб:

— Илтимос, ўлатга қарши эмланганлигинги ҳақидаги справкангизни ҳозирланг.

Иш чатоқ бўлишини сеза бошладим. Менда бундай справка йўқ эди. Буни стюардга маълум қилдим.

— Йўқ! — деди стюард. Унинг ҳозирги кўринишидан соатимни Токио вақтига шошиброқ тўғрилаганимни сездим.

— Йўқ, — дедим мен аҳволим танг эканини тушунган ҳолда.

— Стокгольмда беришмадими?

— Йўқ.

Стюард менга афсусланиб тикилди-да, олдимдан нари кетди. Шу пайт океандан самолёт томонга қандайдир қорамтири-кўкиш, калтакесакка ўҳшаган нарсалар ўрмалаб келаётгандек бўлди — бу Филиппин ороллари эди. Маниланг кўриниши нима учундир худди Бангкокни эслатиб турарди. Балки бу ерда ҳам ёмғир ёғиб ўтиб, шаҳар кўчалари сувга тўлганидан шундаймикан? Самолётимиз аэрордом йўлкасидан фидириб бориб бир силкиниб тўхтади — қаршимизда филиппинлик чиновниклар ҳозир бўлишли. Менга бир озгина вақт ўз жойимда ўтириб туришни буюришиди, аммо йўловчилар самолётдан тушиб бўлишгач, менга ҳам тушишга рухсат беришиди. Аэропортнинг кичиккина ёғоч биносига киравсеришда ҳарбий формадаги бир киши фотоаппаратимнинг қайишидан ушлаб кўрди, бизни бошлаб келаётган чиновник бўлса фотоаппаратимнинг футлярига бўр билан крест аломати чизиб қўйди. Бу белги мазмундан ресторонга кириш учун рухсат эди. Ресторонда ҳар бир йўловчининг олдига бир стакандан ананас шарбати қўйишиди. Похол найчадан шарбат шимириар эканман, эмланганим ҳақидаги ярамас справканнинг йўқлиги туфайли мени қандай ташвишлар кутаётганини ўйлардим. Москвадами ёки Стокгольмдами кимдир шундай справка керак-

лигини айтиши керак эди-да. Аммо ҳеч ким эмлаш ҳақида қайта сўрамади, бундан ҳайрон бўлдим. Самолёт яна осмонга кўтарилиди. Бу кўтарилиши рус аравакашларининг тили билан айтганда Маниладан Токиога етиб олиш учун сўнгги интилиш деб аташ мумкин эди. Токиога бирга учиши керак бўлган йўловчилар жуда оз қолди.

Бир оз вақт серўрмон тоглар тепасидан учдик. Шунда хаёлимга япон босқинчилариға қарши қаҳрамонларча курashган филиппинлик партизанлар шу ўрмонларга яширинган бўлсалар керак, деган Фикр келди. Шундан кейин ҳуруқликдан денгиз устига ўтдик. Самолётимизнинг чап томонида афсонавий шаклларга эга бўлган қорамтири булутлар орқасига — денгизга қирмизи ранг қуёш ботиб борарди. Ҳозир Японияга учиб бораётганимиз сабабли бўлса керак, қуёшнинг бу кўриниши атом портлашини тасвирловчи сурат ва фотографияларда кўрганимиз — қирмизи олов, унинг тепасидаги улкан қизгиш аланга, тутун юумига ўхшаб кетди. Бу кўриниш анчагача давом этди. Олов гойиб бўлгандан кейин ҳам қорамтири булутлар орқасида заррин нурлар шуълаланиб, қизариб турди. Кейин ҳамма ёқни қоронғилик, сокинлик эгаллаб олди. Осмонда юлдузлар пайдо бўлди. Учишнинг учинчи куни бошланди.

Йўлнинг бешинчи соати охирларида чап томонимиздан қанотларига қизил чироқлар ўрнатилган реактив самолёт пайдо бўлди. Қаердадир яқин ўртада японларнинг Окинава ороли бўлиши керак. Америкаликлар бу оролни Тинч океандаги ўзларининг асосий ҳарбий ҳаво базаларига айлантириб олганлар.

...Учишнинг саккизинчи соатида пастда Япония чироқлари онда-сонда милтиллай бошлади. Узоқ йўл тугаб, манзил яқинлашди. Токио вақти билан ярим кеча эди. Стокгольмдан чиққанимиздан бери эллик олти соат ҳавода бўлдик. Деярли ўн етти минг километр йўл босдик. Гез орада Токионинг ҳаво ранг чироқлари жимиirlай бошлади.

Бетон йўлнинг икки томонида ҳаво ранг чироқлар, яхшилаб ёритилган аэропорт биноси. Бизларни Японияга келган совет делегацияси ва япониялик дўстлар кутиб олишди. Келганларни текшириш пайти бу ерда ҳам эмлаш ҳақида гап бўлди. Мана чироқлари хира, зим-зиё Токио кўчаларидан автомашиналарда гизиллаб бормоқдамиз. «Акасака Принц-отель»ининг подъезди. Портъе очиқ чеҳра би-

лан кутиб олди. Меҳмонхонада тўсатдан чироқ ўчиб қолди. Чироқ ҳам, сув ҳам йўқ. Ярим кеча бўлишига қарамай ҳавонинг димлиги сезилиб турарди. Балконнинг эшигини очиб қўйган билан ҳам салқинлик сезилмади. Лекин нима бўлганда ҳам бу Токио эди. Эртага конференцияда қатнашиш учун Нагасакига жўнашимиз керак. Жўнашга бир неча соат вақт қолганди. Балконнинг очиқ эшигидан чирилдоқларнинг бетўхтов чириллаши эшитилиб турарди.

## Америка ҳарбий базаси орқали Нагасакига бориш

Эрталаб Токиода кўп нарсалардан хабардор бўлдик. Деярли бутун чет эл делегатлари Нагасакига кеча поезд билан кетишган экан. Биз Фукуока шаҳрига қадар самолётда бориб, у ердан Нагасакига борадиган поездга ўтиришимиз керак эди.

Осиё картасига қарайдиган бўлсак Япония жуда кичикка ўхшаб кўринади. Биринчи куни эрталаб Токиода турганимда ҳам менга худди шундай туюлди. Ҳаёлимда, самолётга ўтирсак бир-бир ярим соатларда Нагасакига етиб борадигандек эдик. Стокгольмдан Токиога учиб боргач, ерадиги ҳар қандай масофа ҳам мен учун жуда яқиндек туюладиган бўлиб қолди.

Соат ўн бирларда аэродромга келдик. Самолёт кеч келар эмиш, деб эшиитдик. Кун жуда иссиқ эди. Елпифич ҳам ёрдам беролмади. Шифтдаги вентилятор тагидагина жон сақлаш, бемалолроқ нафас олиш мумкин эди. Ҳамма — бизлар ҳам, японлар ҳам қора терга тушиб кетдик. Бизга ҳамроҳ бўлиб бораётган публицист ёзувчи Вада тез-тез соатига қараб қўярди, у охири:

- Кечга қолдик,— деди.
- Нега энди кеч қоламиш?

— Поезддан кеч қолдик. Ҳозир ҳавога кўтарилиган тақдирда ҳам барибир Нагасаки поездига етиб боролмаймиз.

Аммо ҳавога ҳадеганда кўтарила қолмадик. Икки соатдан кейингина самолётга таклиф этишди. Бу шалоқ арава олтмиш кишилик йўловчи билан лиқ тўлди. Срадан бир оз ўтгач, жажжи бир стюардесса:

— Моторларнинг бузуқлиги туфайли учиш кечиктирилади,— деб қолди.

Вада бизларга фожиали қараш қилиб, қўл силтаб қўй-

ди. Ҳаммамиз иссиқдан худди қўёнлардек кўзларимизни қизартириб ўтирадик. Охири стюардесса:

— Капитан Кристи учишга рухсат сўради,— деб эълон қилди.

Ҳавонинг ҳаддан ташқари димлиги бўлмаганда, капитан Кристи раҳбарлигидаги самолётининг учиши жуда тантанали тус олган бўлиши мумкин эди.

— Учишга рухсат олинди,— деб эълон қилди стюардесса.

Ҳавога эсон-омон кўтарилиб олдик. Советгич аппаратлар ишлаб, самолётнинг ичи аста-секин салқинлаша бошлиди. Салкам уч соатда Фукуока шаҳрига етиб бордик. Фукуока шаҳрининг ўнг томонида Хиросима шаҳри жойлашган экан. Чексиз кулфатлар тортган, инсоният тарихида биринчи бўлиб атом бомбасининг портлашини ўз бошида синаб кўрган шаҳарни кўриш учун ҳамма самолёт ойнасига ёпишиди.

Самолёт қанотлари тагида каттакон аэродром кўринди. Аэродромнинг у ер-бу ерларида реактив истребитель самолётлари кўзга ташлаиарди. Йўловчилар бетон йўлга тушишиди. Шундайгина самолёт олдида автобус турарди. Биз дарвоза томонга юрдик, йўлнинг икки томони дарвозага қадар тиканли симлар билан ажратиб қўйилганди.

Аэродромда одамлар ишлашарди. Скреперлар тупроқ қазир, одамлар бетон қорадиган машинадаги бетонни йўлга ётқизишар, фишт теришар эди. Кенг похол шляпали ишчиларни аэропортнинг ҳамма ерида учратиш мумкин эди. Ангарлар олдида Америка учувчилари юришарди. Дарвоза олдида соқчилар турарди. Тиканли симга: «Суратга олиш ман этилади» деб ёзилган плакат осиб қўйилганди. Япон пассажирлари аэродром территориясидан зудлик билан чиқариб юборилганлиқларидан, граждан самолёти бегонадек кутиб олинганидан, Америка ҳарбий самолётлари эса кичик япон ерида қанотларини бемалол ёзиб, бегона машина ковлаётган тупроқни текисловчи похол шляпалик оғзин ишчилар устидан ҳукмрондек туришидан ҳайрон қолдилар.

Автобус бизни аэродромдан четга олиб чиқди-да, тўхтади. Тиканлик сим олдида бир группа ёшлар қўлларида гуллар, делегациямизни қутловчи русча сўзлар сўзлар ёзилган плакатлар кўтариб туршарди. Гулларни қўлимизга тутқазишиди. Енгил машиналарда Фукуока шаҳрига жўнадик.

Ана шу ердагина Японияни тушуна бошладик.

Фукуока — саноат шаҳри атрофида бўлган одам бу ердаги ишчиларнинг қийин аҳволда яшашини кўриши мумкин. Вокзал олдида бизни анча-мунча одамлар кутуб туришарди. Кўришиб, сўрашиб бўлганимиздан кейин кимдир қўлини силкиган эди, йигит-қизлар бир-бирларининг қўлларини ушлаб, тебраниб туриб ажойиб, эсда қоладиган қўшиқ ижро эта бошлашди. Қаршимиздаги сергак қиёфали аккордеонист қўшиққа жўр бўлар экан, унинг қўллари аккордеон клавишларида чаққон-чаққон ҳаракатланарди.

— Кўшиқ «Атом бомбага йўл қўймаймиз» деб аталади,— деди бир йигитча рус сўзларини аранг таъаффуз қилиб.

Ҳаммамиз хурсанд бўлдик.

— Сиз русча биласизми?

— Бир оз... Фақат мен әмас... Бизда русчани ўрганинучи студентлар бор.

Суҳбат бошланниб кетди.

— «Отелло» номли янги кинокартинангиз бизда тез орада кўрсатиладими?

— Режиссёр Сергей Герасимов ҳозир қандай фильм устида ишляпти?

Бу кичиккина шаҳардаги одамлар бизнинг театрларимиз, адабиётимиз, медицинамида қилинаётган ишларни қанчалик яхши билишлари, энг асосийси, шунчалик қизиқишларини кўриб ҳайрон қолар, саволларига жавоб беришга аранг улгурадик.

Вақт ўтишига қарамай, ҳамон вокзалнинг кичик бир хонасида ўтирадик. Биз чиқишимиз керак бўлган поезд аллақачонлар ўтиб кетган экан. Фукуокага борадиган поезд соат кечки ўнларда, Нагасакига эса ярим кечада келди. Вада ҳаммадан кўпроқ ташвишланарди.

— Нагасакига қадар бу ердан қанча километр,— деб сўради у бизни қарши олган группа раҳбаридан.

— Уч юз километрча келади.

— Балки машинада борган дурустроқдир?

— Йўлнинг мазаси йўқ-да!

Орадан бир неча минут ўтгач, яна бошқа, Жайки станциясига қадар яқин ўртада ўтадиган поездда кетилса-да, у ердан Исигава станциясига борадигаи бошқа поездга чиқиб, кейин такси олиб, охирги ўттиз километрии автомашинада босилса деган фикр туғилиб қолди. Ҳаммамиз

рози бўлдик, шундай қилинадиган бўлса Нагасакига соат ўн иккиларда етиб боришимиз мумкин эди.

Перондаги сўнгги хайрлашув. Поезд йўлга тушди. Икки томондан қишлоқлар, шолипоялар липиллаб ўта бошлади. Қизил ва қора иероглифлар билан ёзилган, отишдан машқ ўтказишида ишлатиладиган каттакон тахтага ўхшаш реклама эълонлари осигриқ турарди. Кичик-кичик, бежирим уйлар ортига қуёш тезда ботиб кетди. Чироқлар ёқилди. Уйлар олдида одамлар ўтиришарди. Хотинлари эрларининг оёқларини ювишар, эрлар бўлса қўлларини тиззаларига қўйганича хаёл суриб ўтиришарди. Шлагбаум олдида тўхтаб турган велосипедчилар липиллаб ўтаётган вагонларга тикилишарди.

Қоронги туша бошлади. Йўловчилар ўзларини эркин ҳис қилишар, баъзилар майда, думалоқ тошларда шашкага ўҳшаган ўйин ўйнашар, баъзилар китоб, журнал, газеталар ўқишишарди. Ҳамма кўйлагини ечиб, майкада ўтиради. Японияда кўпроқ оқ кийим кийишарди. Кимоно киймаган эркакларнинг эгнида кечқурун ишдан кейин албатта оқ кўйлак, аёлларида эса оппоқ кофта бўлади. Ҳамманинг қўлида елпифичдан ташқари терни артиб туриш учун гулли сочиқ бўлади. Сочиқ керак бўлмаган пайтда уни белбог орасига қистириб олишади. Поездга чиқсан одам аввал умивальникка бориб, яхшилаб ювениб-тараниб олгач, ўз жойига келиб ўтиради...

Одамлар бизларга жуда қизиқиб қолишиди...

Калта, ялтироқ кўйлак кийган битта семиз киши олдимиизга келиб:

— Русмисизлар? — деди.

— Ха.

— Нагасакида бўладиган конференцияга кетяпсизларми?

— Ха.

— Бизлар ҳам. Осака шаҳридан вакиллармиз. Бизнинг шаҳримиздан юздан ошиқ киши боради.

Станцияга етишимизга ярим соатча қолганда Вада:

— Поездимиз уч минут кечга қоляпти. Ҳайки станциясида беш минут эмас, икки минут тўхтаймиз,— деди.

Ҳаммамиз бир-бирамизга қараб олдик: борди-ю, поезд яна бир ярим минутга кеч қолса-чи?

Бошқа поездга чиқиб олиш учун перонда югуриб боряпмиз. Жадвалдаги фарқ бир ярим минут экаи. Юриб кетаётган поездга югуриб етиб олиб, чамадонларимизни ва-

гон ичига ирғитдик-да, кейин ўзимиз чиқиб олдик. Учинчи класс вагони экан. **Хира** чироқ тахта ўтиргичлар ҳамда ундағи ўтирган одамларни аранг ёритиб турарди. Ўтирган икки кампирнинг кофталари ёғи чиқиб, кир бўлиб кетибди. Бир ишчи чарчоқдан боши осилиб, мудраб борарди. Қаршимиздаги маст киши кўзларини юмиб олганди. У бир пайт кўзини очди-да, чамадонларимизга ва энгилбошимизга тикилиб, хўрсиниб қўйди, кейин яна кўзларини юмиб олди. Орадан бир оз вақт ўтгач, у поезднинг силашидан чўчиб ўринидан турди-да, аранг юриб тамбурга чиқиб кетди. Ташқари қоронги, дим, осмонда эса юлдузлар қўриниб туради. Мана, ниҳоят Ислава станциясига ҳам етиб келдик. Вокзалда икки автомашина турарди. Ўнқир-чўнқир тошлоқ йўлдан Нагасакига боряпмиз. Кундузги югар-югардан, иссиқдан кейин бир оз ўзимизга келгандек, жим боряпмиз. Машинанинг деразаларидан муздек шамол әсиб турибди. Биз билан бораётганларнинг биттаси шофёрдан:

- Сиз Нагасакида бўлганимисиз, америкаликлар шаҳарга качон атом бомбаси ташлашганди? — деб сўради.
- Йўқ, мен шаҳардан бир неча километр узоқда әдим.
- Сиз турган жойингизда портлашдан ҳеч ким шикастлангани йўқми?

Шофёр қоронғида орқага ўгирилиб қаради.

— Бу ерда олтмиш минг киши ўлди.

— Сизнинг оиласизда-чи?

— Бу ерда жабрламаган оила қолибдими? Ҳамма жабрланди... Ҳозир ҳам азобини тортмоқда...

— Қандай азоб?

— Борганингизда кўрасиз,— деди шофёр қисқа қилиб.

Ич томонига оқ тош терилган узун туннелдан Нагасакига кириб бордик.

## «Аждаҳо ва қуёш»

Тинч океан соҳилида, Нагасакидан йигирма километрларча узоқдаги балиқчилар қишлоғида тўқ сарик балиқ турлари қуритилади. Осоишишта, ҳаво ранг сувда балиқчи қайиқларининг акси кўриниб туради. Балиқчи аёллар янги ювган кирларини ёйиб қўйишибди. Биз бу ерга ярим кечада келсамизда ҳар биримизга бир дастадан гул совға қилишибди, улар тунги электр чироқда унчалик ранг-барангга

ўхшаб туюлмаганди. Тонг гулларга қўркамлик бахш этди. Мәҳмонахона олдида японларнинг бўйдор атиргуллари чамандек бўлиб очилиб ётарди. Атрофимизни ёш-ёш оқсоч аёллар, официанткалар ўраб олишди.

— Русларни биринчи марта кўришим,— деди улар ичидан шаддодроғи Йосико.

Балиқчилар қишлоғи атрофи шунақангич тинч, сокинки, буни кўрган одам бу ердаги тоглар, кичик-кичик уйлар даҳшатли портлашни мутлақо эшитмаган, сезмаган деб ўйларди.

... Машина шаҳар томон учига бормоқда. Энсиз водий шолипоялар билан тўла. Улар худди қирқиб қўйилгандек теп-текис, кўм-кўк. Бир қарич ер ҳам бекор қолмаган. Бир кичик уй атрофида анча болалар. Улар йўлдаги транспортлардан қўрқмай у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди.

Шаҳарда ҳали ҳам вайрона жойлар кўзга ташланиб туради. Бақтинча қурилган яirim барак типдаги уйлар кўп, магазинлар атрофи ола-говур, шовқин-суронли рекламалари. Идиш-товоқ, оёқ кийими магазинларнинг кенг, очиқ пештахталари шундайгина тратуарга туртиб чиқсан. Арzon идиш-товоқлар ўзининг ранг-баранглиги билан киши эътиборини тортиб туради. Таги ёғоч, усти қизил, кўк, сариқ чармлардан тикилган оёқ кийимлар. Японияда чарм жуда қиммат туради. Бу ерда кўпчилик ёғоч оёқ кийими кияди — бундай оёқ кийимлардан тратуарда ҳосил бўладиган товуш ксилофон овозини эслатиб туради.

Нагасакидаги бир мактабнинг каттакон спорт залида атом ва водород қуролларини тақиқлаш бўйича Иккинчи ҳалқаро конференция очилиши керак. Бу ерга уч мингдан ортиқ киши йигилган. Зал лиқ тўла. Хиросима, Нагасаки, Токио, Осака, Окинава ороллари, Хоккайдо, Сикоку шаҳарларининг вакиллари... Ҳамма оқ кийимда. Конференцияда Изабелла Блюм, Мари Клод, Вайян-Кутюре, Моника Фелтонлар қатнашади. Хитой делегациясига Сюй Гуанпин — ажойиб хитой ёзувчиси Лу Синнинг тул қолган хотини бошчилик қилмоқда. Чехсловакия, Руминия, Польша, Швеция делегатлари... Мәҳмонахона президиумга тақлиғ этишди, болалар уларга гуллар тақдим қилишди. Пешип пайтида Нагасакидаги портлашда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўринатилган тог тепасида ўлганларни ёд этиш маросими бўлди. Тиник, ҳароратли осмон. Митинг

қатнашчиларини қүёш нуридан пана қилиш учун қурилган улкан чодирлар. Ёдгорлик тағида тириклардан ўликларга аталған сон-саноқсиз гулдасталар. Ҳаддан ташқари кўп бўлалар. Кичик-кичик шляпаларда, очиқ рангли кўйлакларда, йўл-йўл соябонлар ушлаган болалар ёдгорлик олдидағи майдонни тўлдириб юборишган. Марҳумларни ёд этиш маросими бошлангунга қадар болаларнинг кўплигидан, тиниб-тиничиб туришолмаслигидан йигилиш тантанавор тус олди, кулги-қувонч билан тўлди. Мана ҳавога кабутарлар парвоз этди. Митинг бошланди. Шаҳар мәри каттакатта иероглифлар билан нутқ тексти ёзилиб, найча шаклида ўралган сариқ қофозни ёйиб, сўё бошлади:

— Бутун қучимиэни атом ва водород қуролларини тақиқлашга қаратайлик,— деди у.

Ёш қизча Ситико Фукобори сўёга чиқди. У улкан ёдгорликка қараб туриб гапиради:

— Атом бомбасидан опам ва укам ҳалок бўлишган..

Бу мактаб ўқувчисининг гамгин сўзларини радиорепродуктор узоқ-узоқларга таратарди. Узоқларда ўрмонлар билан қопланган тоглар устига қоронғилик чўка бошлади. Кичик-енгил самолёт буралиб-буралиб учар, кабутарлар гирдикапалак бўлиб ўйнашар эди. Ерга ўтириб олган митинг қатнашчилари юм-юм йиглашарди.

Тошдан йўнилган ҳайкал қўлини юқори кўтарганча: «Одамлар, огоҳ бўлинг!» деяётгандек туюлади. Ҳайкалнинг иккинчи томонга чўзилган қўли худди нотиқларнинг:

— Бу даҳшатли фожианинг қайтарилишига йўл қўймаймиэ! Тинч ухлай беринг, авлод-аждодларингиз сизни унумтмайдилар,— деган сўзларни тасдиқлаб тургандек туюлади. Қўёш нурлари майдонни безаб турувчи кумуш ранг ленталарда, ҳайкал олдидағи суратларда ўйнаб, ялтираб турарди. Мотам қўшигини айтиётган мактаб қизларининг овози барала янграрди. Бундан ўн бир йил илгари Америка учувчиси булутлар орасидан шўнғиб чиқиб, атом бомбасини шаҳар устига хотиржам ташлаб кетганди. Бу ерга бомбани юборганилар инсониятни ҳаёт қувончидан, келажакка бўлган ишончидан маҳрум этмоқчи бўлгандилар. Нагасаки ва Хиросимадаги даҳшат қўрқинчли яралар ўрни, чандиқлардагина эмас, энг асосийси инсонлар қалбидан сақланиб қолган. Чет эллик бир делегат:

— Атом бомбаси инвалигини тушуниш учун унинг

портлаган ерини кўриш керак. Инсонлар қалбига қараганда уйларни қайта тиклаш осонроқ,— деди.

Конференция трибунасига атом бомбасидан жабрланганлар чиқишиди. Баъзилар ўз оёклари билан юриб чиқишиди, баъзиларни эса микрофон олдига кўтариб боришди. Уларни кўриб юраклар эзилиб кетди. Конференцияда хиросималик Йосико Мурадо сўзга чиқди. У:

— Америкаликлар устимизга атом бомбасини ташлаганда мен биринчи синфда ўқирдим. Мен ҳеч қандай айбиз сир гўдак бола эдим. Нима учун бу бомбани менинг устимга ташлашди?! Мен мана тузалдим. Аммо мен тортган азоб-уқубатларни Япония ва бутун дунёдаги одамлар билишини истайман. Кеча Хиросимада бир қиз ўзини ўзи ўлдирди. Унинг ота-онаси бомба портлашида заарланиб, оқ қон касалига учраган бир кишига эрга чиқишига рухсат беришмаган экан. Мен бутун дунё халқларига мурожаат қиласман. Бизни қутқаринглар! Ҳаётимиизни сақлаб қолинглар!

Ҳа, бу конференцияда, бошлирига тушган оғир фожиа ҳар бир қарич ерида сезилиб турадиган бу шаҳарда энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири, балки, ана шу «ҳаёттири». Инсонлар яшашни истайди!

Ҳа, шон-шарафлар билдириш учун кечқурун Нагасаки кўчалари қўлларида ранг-баранг фонарлар кўтарган (буларни дарёга қўйиб юбориш учун олиб келишарди) ўқувчиликнинг колонналари билан лиқ тўлди. Уракама паркига шаҳарнинг мингларча аҳолиси йигилди, худди ана шунда биз инсоннинг енгилмас куч-қудратини ҳис этдик.

...Очиқ майдонда найзага санчилган аждаҳо турумини кўтариб келётган ўнтача йигит пайдо бўлди. Аждаҳо оғзини очиб қуёшни ифодаловчи олтин шарни ўз домига тортмоқчи. Рақс «Аждаҳо ва қуёш» деб аталади. Кучли, бақувват рақкослар аждаҳонинг тангасимон турумини усталик билан ҳаракатлантиришарди. Аждаҳонинг бошини найзада кўтариб, рақс тушаётган йигитча улар ичидаги чаққони кўринарди. У ўз шериклари ҳаракатига мос равища аждаҳо бошини шунақсанги усталик билан ҳаракатлантирасиди, гўё у қуёшни домига тортиб олаётгандай туюларди. Аммо олтин шар сезилмаган тарзда аждаҳо домидан узоқлашиб бораверарди. Бу жуда қадимиий рақслардан бўлиб, айтишларига қараганда, қадимиий хитой ўйинларидан экан.

Меҳмонхонага автобусда кетаётганимизда ёш қизча

Камиконинг Нагасаки ҳақидаги қўшиғини эшитиб бордик. Қўшиқда Нагасаки шаҳрининг қанчалар яхшилиги, ундаги гулларнинг қанчалар чиройлилиги, ҳаётнинг ширинлиги ҳақида куйланарди. Қўшиқ куйига ҳаммамиз бош қимирлатиб жўр бўлардик. Қўшиқнинг сўзлари ҳам қўлида кичкина микрофон ушлаб бораётган Камиконинг ўзига ўхшаб жуда ёқимли, чиройли эди. У автобуснинг қалдир-қулдуру шовқинида музика жўрлигисиз «Чио-чио-сан» операсидан ария ижро этди. Бу билан у гўё Баттерфляй хоним худди ана шу ерда, Нагасакида яшаган, демоқчидек бўларди.

### «Япониянинг янгроқ овози»

Конференциянинг иккинчи куни Вада:

— Бугун кечқурун бизни «Япониянинг янгроқ овози» таклиф этяпти. Фақат бир соатга,— деди.

Биз ажойиб инсон, талантли актриса Акико Секи раҳбарлик қилаётган япон ёшлари ҳаракати тўғрисида эшитган эдик. Аммо бу ҳаракатнинг, очишини айтганда, Япониянда қанчалар кенг қулоч ўйганини ҳали билмасдик.

Машинамиз тепаликка шитоб билан чиқиб олгач, торгина кварталга бурилиб бориб, икки қаватли бир сокин, осойишта уй олдида тўхтади. Ўйда ҳаётдан асар ҳам сезилмасди. Шунда тўсатдан шовқин-сурон эшитилиб қолди. Айвонга йигит-қизлар чиқишиди. Бизни кутиб ўтиришган экан. Хира ёритилган коридорда юздан ортиқ оёқ кийими турарди. Ботинкаларни ечишни илтимос қилишди. Биз пайпоқларда чипта палос ёзилган кичиккина залга кирдик. Ҳона деворлари тагида юзга яқин қувноқ йигит-қизлар туришарди. Улар бизга дўстона боқишаради.

— Нагасакида атом ва водород қуролларини тақиқлаш бўйича бўлаётган конференция билан бир вақтда, «Япониянинг куйловчи овози» колективлари вакилларининг семинари ҳам бўляпти,— деди семинар раҳбари.

Ҳаммамиз шарқиклар каби чордана қуриб ўтиридик. Ўтирган йигит-қизлар навбатма-навбат туриб, келган шаҳарлари номини айтиб, коллективларнинг аҳволи ҳақида қисқа, икки-уч оғиздан гапириб беришарди.

— Хоккайдо,— деди бир паст бўйли йигитча.— Бизда олтита коллектив бор...

— Ҳонсо ороли...— деди бошқаси.

— Бизлар Токиоданмиз,— деб ахборот берди учищиси. Бизда учта колектив бор. Ҳор колективидан ташқари театр ва санъатшупослик колективи ҳам бор.

— Бизлар Сикоку оролидан, Коти шаҳриданмиз,— деди ҳаво ранг кимоно кийган бир бола бўлиб-бўлиб гапи-рар экан.

Буларни кўриб биз қаттиқ ҳаяжонландик. Дунёда қандай яхши одамлар бор-а, ҳаётда ўзига муносиб йўл қиди-рувчи қандай ажойиб ёшлар бор! Бу ерлик ёшлар америкаликлар томонидан пропаганда қилинувчи ахлоққа қарши курашмоқдалар.

Кўринишдан арzon меҳмонхонани эслатувчи бу кичиккина залда ўлимни ўз кўзи билан кўрган, яшаш иштиёқи билан ёнувчи, ҳаёт учун курашга тайёр турувчи янги, ёш Япония турарди...

Ингичка даҳанли, кўзлари ёниб турувчи бир ёш йигитчанинг сўзидан кейин кучли чапакбозлик бўлди.

— Мен Окинаваданман,— деди у.

Шу гапни айтиши билан чапакбозлик бошланиб кетди. Окинава — япон халқининг Америка босқинчиларига қарши кураш символига айланиб кетган.

— Биз Миядзаки шаҳриданмиз,— деди ҳаво ранг кийимдаги қиз ёnidаги худди ўзига ўхшаб кийинган қизни кўрсатиб.— Биз кимоно тикиладиган фабрикада ишлаймиз...

— Энди ўзимиз яхши кўрган қўшиғимизни ижро этамиз,— деди раҳбар.

Шунда тўсатдан залда таниш куй янгради. Буниси нима экан? Япон ёшларининг овози янграмоқда. Бошқа тилда айтишяпти-ку, худди рус тилига ўхшайди-я. Буни қаранг, бундан йигирма йил илгари Михаил Исаковский ва Матвей Блантерлар томонидан яратилган совет «Катюша»си шу ерларга ҳам етиб келибди-я! Бу қўшиқнинг тақдидири жуда қизиқ. У океан ва денгизлар, тог-тошлар устидага қанот қоқиб, кезиб, халқларнинг севимли қўшиғига айланди, турли тилда сўзлашувчи халқларни бирлаштирди.

Залда яна қадимий, бир оз мунгли, аввалгидан ҳам яхшироқ бошқа бир таниш қўшиқ янгради. «Конлар инсон нафасин бўғган, Забайкалье мудҳиш чўлида...» дейдиган мисрани авж пардада ижро этгим келиб кетди... Шундан кейин «Кубань казаклари» фильмидаги қўшиқ янгради.

Бу фильмдаги қўшиқ қанот қоқиб, Японияга ҳам етиб келибди.

Сафаримизни давом эттириб, мамлакатни айланиб юрар эканмиз, «Япониянинг янгроқ овози» колективи билан яна бир неча бор учрашдик. Аммо бу биринчи учрашув хотирамиздан чуқур ўрин олди. Мана ҳозир ҳам қарши мизда турган қора кўз йигит-қизлар бир-бирларининг қўлларини ушлаб, тебраниб «Атом бомбасини тақиқлаймиз» қўшигини ижро этишмоқда. Японлар «Дунё демократик ёшлари гимни»ни қанчалик севсалар, бу қўшиқни ҳам шунчалик севадилар. Япония бўйлаб саёҳат қилиб юрар эканмиз, бу қўшиқни биз ҳам, хитойликлар ҳам, француздар ҳам, шведлар ҳам, руминлар ҳам, чехлар ҳам японлар билан ёнма-ён туриб ижро этишиди. Ана шунда ҳаммамиз Америка Кўшма Штатлари ҳамда Англия ҳукуматлари Совет Иттифоқининг атом ва водород қуролларини тақиқлаш ҳақидаги таклифини, халқлар қаттиқ туриб талаб қиласа, бир кун келиб қўллаб-қўлтиқлашига, ана шунда оналар ўз фарзандлари ҳаёти ҳақида ташвишланмайдиган бўлишларига ишондик.

Қўшиқ куйи менга жуда ёқиб қолди, шу сабабли унинг текстини вазнининг оғирлигига қарамай, рус тилига таржима қилишга ҳаракат қилдим. Мана ўша қўшиқ:

Кул бўлгандир шаҳарлар,  
ёниб кул бўлган,  
Ҳалок бўлган дўстларга  
айтдик алвидо.  
Тагин оппоқ гуллади чаманлар, боғлар.  
Атом қирғинига  
йўл йўқ, ўртоқлар,  
Атом урушига мутлоқ  
йўл йўқ, ўртоқлар,  
Жаҳон тургай мангу нурафшон!

Фазо ичра қўёшки  
ютди булатлар,  
Қора соялар кезар  
боғ-роғлар аро.  
Уйнимиз ҳам қоронги  
гамли бу чоғлар...  
Атом қирғинига  
йўл йўқ, ўртоқлар,

Атом урушига зинҳор  
 йўл йўқ, ўртоқлар,  
 Жаҳон тургай мангу нурафшон!  
 Бахтимизни асраймиз,  
 жасур ва қўрқмас,  
 Бирорвлар топташига  
 қўймаймиз асло,  
 Яшаш завқи бисларга  
 зар қанот боғлар...  
 Атом қирғинига  
 йўл йўқ, ўртоқлар,  
 Атом урушига мутлоқ  
 йўл йўқ, ўртоқлар,  
 Жаҳон тургай мангу нурафшон!

Кўшиқ кўйини композитор Киносита Кодзи, сўзини эса шоир Асада Исидзи ёзган.

...Ҳаммамиз қаттиқ ҳаяжонланганимиз туфайли отелга қайтар эканмиз, шофёрдан ортиқча шошилмаслигини илтинос қилдик. Бутун Осиёда бўлгани каби Японияда ҳам савдо дўконлари деярли кечакундуз баравар ишлайверади. Кеч пайтлари дўконлар, кичик-кичик магазинларнинг олди кундузгига қараганда ҳам гавжум бўлади. Ҳаридорлар кўплигидан эмас (улар бу пайти аксинча камайиб кетади), балки радиолаларнинг бақиришидан, савдогарларнинг қичқириб ҳаридор чорлашидан, неон лампалар лишиллаб ёниб ҳар турли ёзувлар, суратларни ифодалашидан шундай туюлади. Магазин хўжайнлари табуреткаларда керилиб ўтиришади.

Бир муюлишда катақ кўйлак кийган новча-новча ёшлар туришарди. Бир япон савдогар икки букилиб қуллуқ қилиб, уларни ўз дўконига таклиф этарди.

Радиолаларда қулоққа ёқмайдиган жаз музикаси қичқириб турарди. Аммо бу айюҳаннослар Япониянинг ҳақчикий хўжайнларининг мусаффо овозини босиб кетолмасди, уларнинг овози бир умр қулогимиизда.

## Жабрдийдалар гувоҳлиги

Конференция атом ва водород бомбаларни тақиқлаш бўйича бир овоздан қанчалар ҳамжиҳатлик билан резолюция қабул қилганини тасвиirlаш қийин. Конференция қат-

нашчилари яна ўринларидан туриб «Атом бомбасини тақиқлаймиз» қўшиғини ижро этди. Чапакдан зал анчагача ларзага келиб турди.

— Яшасин тинчлик!

— Яшасин ҳалқлар ўртасидаги дўстлик!

Шу куни чет эллик делегатлар атом бомбасидан жабрланганлар билан учрашиди. Мактабнинг ўртача катталикдаги залига қўйилган каттакон стол ёнида Хиросима ва Нагасаки фожиасини бошидан кечирганлар туришарди. Конференция ўтган катта залда жабрланганларни бошқа делегатлардан фарқлаш қийин бўлган бўлса, бу ерда одамлар бир хонага йигилгандан кейин, ҳаммаларининг бир-бирларига нималари биландир ўхшашликлари маълум бўлди. Гап уларнинг юзида чандиқда эмас, балки уларнинг кўз қарашида қандайдир даҳшат акс этиб туришида эди.

Биринчи бўлиб хиросималик бир ёш жувон гапириди:

— Менинг аҳволим жуда оғир... Мен деярли ишга яроқсизман. Ҳалига қадар касалхонада ётганлар бор. Кўпчилигимизнинг кўринишимиз яхши бўлгали билан, ҳеч нарсага яроқсизмиз.

Бир қизга сўз беришиди. Унинг лаблари қимирлаб бир парсалар деб шивирлар, аммо ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди. Унинг ёнида турган бир чол:

— Нагата қизимни кечиринглар, у гапира олмайди. Портлаш пайтида у уйда эди... Вайрона тагида қолганди. Уни аранг қидириб топғанмиз. Мана у тирик қолди. Ўшанда у ўн бир ёшда эди, ҳозир йигирма икки ёшга чиқди. Портлашдан ўн кун кейин унинг милклари оғрий бошлади. Орадан яна бир қанча вақт ўтгач, овози чиқмай қолди. Операция қилишди, аммо фойдаси бўлмади... — дея Нагатанинг отаси гапини тамомлади.

Қиз йифлаб, ўзини отасининг бағрига отди. Сув қуйгандек жим бўлиб қолган залдаги тинчликни бир паст бўйли, юзлари, бўйни чандиқ киши буздин. У устидаги кўйлагини ечиб ташлади, гавдасининг ўнг томони чандиқ бўлиб кетганди.

— Мен куйганман. Ўшанда бир ўлимдан қолганман. Анча кунгача ҳароратим сира паст тушмади... Ўша кезлари ўзимни ўзим ўлдирмоқчи ҳам бўлдим... Менинг исмим Ямагути. Ўзим Нагасакиданман... Ҳа, менинг яшагим йўқ эди... — Унинг нафаси сиқиб, аранг гапиради.

Мари Клод Вайян-Кутюре рўмолчаси билан кўз ёшлигини артар экан, қўлидаги фашистлар томонидан босил-

ган концентрацион лагернинг кўк номери кўриниб кетдй.  
Ямагути сўзини давом эттириди:

— Мен яашдан бутунлай воз кечганимда ўзимга: бу билан нимани, кимга исботлайман, деган савонни бердим. Йўқ, мен яашшим керак, инсонларга фойда келтириш учун яшамогим керак. Инсонларни тинчлик учун, атом бомбасини тақиқлаш бўйича курашга чорлаш учун яашшим керак. Мен оқ қон касалига учраганман. Шунинг учун ҳам кўп ётишим керак. Конференцияда қатнашиш учун эса бутун кучимни тўплаб, ўриндан туришга қарор қилдим. Ватанингизга қайтиб боргач, биз ҳақимида гапириб бeringлар. Ер юзида тинчлик ўрнатиш учун қўлингида я келганча ҳаракат қилинглар.

Ямагути тўсатдан ўтириди-да, бошини қўллари орасига олганча столга энгашиб қолди. Яна залга тинчлик чўқди.

— Мени **Хиросиманинг** биринчи жабрдийдаси деб аташади,— деди чап қўлининг акашак бўлиб қолган панжаларида елпигич ушлаб ўтирган киши.— Менинг исмим Кикава. **Хиросимаданман**. Касалхонада олти йилдан кўпроқ ётдим. Мени ўн олти марта пластик операция қилишди. Бир минг тўққиз юз эллик биринчи йили иккинчи апрељда касалхонадан чиқдим. **Хиросимада** атом портлашидан жабрланганларга ёрдам группаси ташкил этдим.

Кикаванинг ёнида турган киши унинг қулогига бир нима деб шивирлади. Кикава бир дақиқа тўхтаб, илжайди-да, яна жиддий тарзда сўзини давом эттириди:

— Америкаликлар айбдор... **Ҳукуматимиз** ҳам бизнинг бундай аҳволимизни билиб туриб, бирор ёрдам кўрсатаётгани йўқ. Ҳукумат уруш учун бойлик тўпламоқда. Американинг кучли таъсири остида шундай қилмоқда. Бундан ҳаммамиз, бутун халқ хабардор. Ҳалок бўлганлар ҳақида бир овоздан гапирадиган вақт келди.— Кикава бироз тўхтади-да, чет эллик делегатларга мурожаат қилиб, сўзида давом этди:— Атом касали абадий эмас. Атом қуроли ясаётганлар унинг даво усулини ҳам топишлари мумкин. Шундай дориларни топиб, бу ерга юборишларини илтимос қиласмиз.— Кикаванинг кўриниши ғазабли тус олди.— Йигирма беш кишининг **АҚШга** пластик операция қилдириш учун жўнаганидан хабарларингиз борми? Америкаликлар минглаб жабрланганлар ичидан фақат йигирма беш кишинигина танлаб олди! Улар ўзларининг пластик операцияларини кенг реклама қилмоқдалар. Аммо маълум

бўлишича, бундай операциялар муваффақиятсиз чиқмоқда. Бизнинг врачларимиз қилаётган операциядан ҳам ёмон. Йигирма беш кишидан ортиғи уларга керак бўлмай қолди! Бу ҳақда дунёга жар солгандилар. Ўзлари жабраган одамларни атайлаб реклама қилиш учун уятсизларча танлаб олганларини биз яхши тушунамиз. Шу ҳам инсонгарчилик бўлдими!—Кикава жим бўлиб қолди. Чап қўлиниг акашак бўлиб қолган панижаларидаги елпигиччининг овозигина эшитилиб турарди.

## Хиросима

Конференция ташкилотчилари бизга Нагасакини, қадимий будда ибодатхонасини, Баттерфляй хопимнинг машҳур уйини — туристлар зиёратгоҳи бўлган бир номаълум жойни кўрсатишиди. Шундан кейин бизни бир кунга Үндзен тогидаги курорт районига олиб боришиди. Қишлоқлар, шолипоялар, озиқ-овқатга ишлатилувчи лотос гули плантациялари, океан соҳилидаги ишчи посёлкалари, икки томони баланд ўрмонликдан иборат тоғ йўллари, улар тагидаги қўзиқорин плантацияларини ёқалаб бориб, оддийгина қурилган меҳмонхонага тушдик.

Кечаси билан океан шовиллаб чиқди. Эрталаб қуёш кўрингач, атрофи тог чўққилари билан ўралган осмон қуббаси пайдо бўлди.

Тоддаги давлат заповеднигида бир оз саёҳат қилдик. У ер шунақангি баланд эканки, ҳатто булувлар оёгимиз тагида сузиб юргандек туюларди. Тог этагида голъф ўйини учун майдонлар бор экан. От-уловда юрадиган ёлғиз-оёқ йўллар ҳам кўриниб турарди.

Тоғ тепасидаги майдончада японлар отларнинг жиловидан ушлаб туришар, миниб айланиб келишни таклиф қилишар әди. Булар отларга жуда яхши парвариш қилишаркан. Қаршимизда бир япон турарди. Ҳалиги одам отининг оёғини сўна чақиб қонатганини кўриб қолди-да, шу заҳоти қонаган жойга лабларини қўйиб, қонини сўра бошлади...

Биз Хиросимага борадиган поездга Исиғава станциясидан чиқиши учун пешинда Үндзендан автобус билан жўнадик. Миядэзима оролидаги япон меҳмонхонасида тунаб қолдик. Номерларда каравот йўқ экан. Юмшоқ полларга юпқагина матрас ва тошдек қаттиқ ёстиқ ташлаб қўйишаркан. Ҳар бир одамга алоҳида-алоҳида кичик-кичик қтолчалар чорси қилиб териб қўйилган каттакон залга ки-

риш учун кимонога ўралиб олишингиз керак экан. **Хитойлар** ҳам, чехлар ҳам, итальянлар ҳам, поляклар ҳам, руминлар ҳам, бизлар ҳам ярим кечада кимонэда ўтирадик. Атрофимизни катер чироклари мильтиллаб, йирик юлдузларнинг шуъласи липиллаб турувчи тунги қорамтирик океан суви ўраб олганди.

Эрталаб мамлакатнинг энг чиройли жойларидан иборат бўлган ороллардаги осори-антиқаларни томоша қилдик. Бундан олти юз йил муқаддам қурилган каттакон япон ибодатхонасини кўрдик. Ибодатхонанинг баланд залида чанг-қурум босиб кетган ҳар хил жанговар сюжетдаги картиналар осиглиқ турар, кимоно кийиб олган мактаб болалари радиола қўйиб, рақс тушишарди. Рақсларга жўр бўлаётган қўшиқ тексти тахминан қўйидагича эди: «Миядзима — гўзал жой, унга келиб дам олинг!»

Новча бир одам даҳшатли, тасқара маска кийиб олиб, аждаҳолар қироли рақсини ижро этарди. Айтишларига қараганда, бу рақс **Хиндистонда** яратилган, ундан **Хитойга**, сўнгра Японияга ўтган. Рақснинг яратилиши ҳақида бир афсона ҳам мавжуд экан. **Ҳикоя** қилишларича, бир саркарда — аждаҳолар қироли бўлар экан, у жуда қўҳлик бўлгани учун жангларда доим маглубиятга учаркан. Унинг жангчилари душман билан жанг қилишнинг ўрнига, унга тикилиб туришаверар экан. Шундан кейин у даҳшатли, таъвия ниқоб кийиб, жанг қилганда енгилмайдиган бўлибди.

...Хиросима қўрғазига кичик бир пароходда бордик. Ундан автобусга ўтириб, қўрғаз ёқалаб шаҳарга жўнадик. Қирғоққа қатор ходачалар қоқиб қўйилган, ходачалар орасида соябонли қайиқлар сузиб юраоди. Одамлар сув пасайгандан ходачаларга ёпишиб қоладиган дентиз ўсимликларини йиғиб юришарди. Бу ўсимликлар озиқ-овқат тайёрлашда ишлатилар экан. Спирт ҳиди анқий бошлади.

— Саке заводи,— деди гид.

Саке — тахминан ўн саккиз градуслик япон ароги экан.

Йўлнинг икки томони ўт-ўлан билан қопланган ялангликдан иборат эди. Япония аҳолисининг зичлиги жиҳатидан Голландия ва Бельгиядан кейин учинчи ўринда туради: шунга қарамай, бу ерлар нега бўш ётаркин?

Шаҳар устини кул ранг-сарғиш парда қоплаб олган. Ҳаво дим. Гид нималарни дир гапирав, аммо ҳеч ким унга қулоқ солмасди, ҳамманинг кўзи автобус ойнасида. Мана ўша даҳшатли кунда чўмилаётган минглаб болалар ҳалок бўлган Хиросима дарёси.

— Тинчлик проспекти,— деб эълон қилди гид.

Биз портлаган жойнинг шундайгина эпицентрида турибмиз. Олдимиизда кутубхона вайронаси. Ўнинг ёнида бўйдор ўт-ўланлар, офтобда оқариб кетган тахта плакат осиғлиқ тиканли симлар.

Бу ажалнинг тажриба майдонига тикилганча жим турибмиз. Дарёнинг нариги томонида янги парк. Унда тирговичлар қўйилган хурмо дараҳтлари. Айтишларича, бу ерларда дараҳтлар яхши ўсмас экан.

Хиросима қурбонларига ўрнатилган ёдгорлик олдига хомуш бир қиёфада яқинлашдик. Жуда антиқа ёдгорлик. Текисланмаган тошлар, тикка-тикка ўрнатилган қабр тоши. Иssiқда қизиб ётган тошлар устига гуллар қўйиб, бош эгдик.

Хиросима музейига томон хомуш боряпмиз. Музейдаги катта-катта фотоларда: вайроналар, кул тепалардаги тутун, олов, ёнган, ёниб кул бўлган ўлик ва тирик одамларнинг суратлари акс эттирилган. Ойна ичидаги уй жиҳозлари, рўзгор буюмлари, болалар оёқ кийими, идиш-оёқ, уйларнинг почта номерлари, соатлар ва бошқа хил нарсалар. Айниқса 8 у 15 минутни қўрсатиб турувчи тўрт бурчакли соатлар одамнинг эсида яхши сақланиб қолади.

Хиросимани кўриб келгандан кейин Токиода «Хиросима болалари» деган япон фильмини томоша қилиш насиб этди. Фильмда кўп йиллардан кейин ўз вайрона шаҳрига қайтиб келган бир ёш муаллиманинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Бомба ташлашганда у ҳали ўқувчи экан. Бомбадан унинг ота-онаси, дугоналари нобуд бўлади. Қизча сог қолади, Хиросимадан узоқда ўсиб-улғаяди. Картинада муаллиманинг ёшлиги ва айниқса 1945 йилнинг 6 августи ҳақидаги хотиралари яхши тасвиранган. Соат мили астасекин суриласверади. Шу тонгда Хиросимада нима бўлган эди? Эркак ва аёллар фабрика ва заводларга ишга боришаётганди. Болалар мактабларда эрталабки гимнастика машқларини бажаришарди. Савдогарлар дўконларини очишаётганди. Кўчаларда велосипедчилар жингирофини жин-филлатиб боришарди... Осмону фалакда, булутлар орасида бир беўхшов қанотли америка бомбардимончи самолёти учиб юради. Соат 8 у 14 минут. Ҳали ҳаёт ўз изидан кетяпти. Соат 8 у 15 минут. Ҳамма ёқни қалин туман қоплаб олди.

...Биз Хиросимада бор-йўғи уч-тўрт соатгина бўлдик. Шаҳар мэриникидаги меҳмондўстликдан кейин янги қурилган марказий кўчалар бўйлаб вокзалга бордик.

— Америка маданий маркази биноси,—деди ёш қиз-ча-гид чап томонда лип этиб ўтиб кетган кул ранг бинони кўрсатиб.

Автобусдагилар кулиб юборишиди. Хиросимада бундай «маданий марказ»ларга бало борми!

Юзлаб болалар дарё ва каналларда чўмилишарди. Шашарда болалар яна кўпайишибди. Улар қирғоқдан туриб сувга калла ташлашар экан, атрофга сувлар сачраб, қуёш нурида камалак ҳосил бўларди. Оналар орқасида болалирини кўтариб юришарди. Болалар тинчлик паркида бақириб-чақириб ўйнаб юришарди.

Ҳаёт давом әтарди.

### «Август ойдинидаги чойхона»

Бундан икки йил илгари Лондонда бир инглиз журналисти менга: «Америка ёзувчиси Вэрн Снайдернинг «Август ойдинидаги чойхона» номли романи асосида геат-римизда қўйилаётган инсценировкани кўрсангиз, сизга маъқул бўлади, деб ўйлайман. Жуда ажойиб асар. Инглизларга маъқул. Унда америкаликлар устидан заҳарханда қилинади»,— деганди.

Биз «Август ойдинидаги чойхона» спектаклини кўргани бордик. У японларнинг Окинава оролида америка ҳарбийлари олиб бораётган «маданий фаолияти»ни кўрсатувчи бир қадар таъсирили комедия экан. Шаҳарлардан биттасига ёш бир америкалик комендант қилиб тайнланади. Унинг вазифаси окинаваликларни маданиятга тортишдан иборат бўлади. Ёш комендант бу масалани ўзича ҳал қиласи. У бир маҳаллий корчалон билан тил биринтириб, зарур техникалар билан қуролланган корхона ташкил этиб, юқори градусли ичмилик ишлаб чиқара бошлайди. Пьеса финалида устаси фаранг йигитчанинг бошлиғи пайдо бўлади. У ўз кўли остидаги бу йигитчага дағдага қиласи. Аммо унинг йигитчага бўлган нафрати тез орада сўнади, чунки унинг ўзи ҳам бу фойдали ишга шерик бўлиб олади.

Спектакль таъсирчан, ўткир юмор билан сугорилган. Актёrlар жуда яхши ўйнашди. Залда тез-тез кулги кўтарилиб турди. Томошибинлар залда ўтирган америкалик офицерларга қараб илжайиб қўйишарди. Америкаликларнинг ноқулай аҳволда қолганлари шундай сезилиб турарди. Улар иккинчи пардадан кейин залдан чиқиб кетишиди. Биз уларнинг бу ишларини кўриб ҳайрон бўлдик. Пьесадаги

гаплар киноядан иборат бўлишига қарамай, америкаликлар оқкўнгил, ёқимтой йигитлар, Окинава аҳолиси эса уларга бўйсунувчи, калтафаҳм, саводсиз «туземлар»дек тасвирланган.

Мен ўша пайтлари Окинава ороли ҳақида, унинг аҳолиси ва унда содир бўлган воқеалар ҳақида жуда оз билардим. Катта Совет Энциклопедиясида Окинава Рюкю архипелагидаги катта ороллардан бири, уч томондан Тинч океан ва Шарқий Хитой денгизи билан туташ. Окинава қирғоқлари маржон қоялар билан ўралган, субтропик, муссон иқлимли. Оролда гуруч, батат, шакарқамиш, цитрус ўсимликлари экиласди. Окинаванинг асосий шаҳари — Наха.

Бундан анча кейин, ўтган йили баҳорда Ҳиндистон пойтахти Деҳлида ҳалқаро муносабатларни яхшилашга бағишиланган Осиё мамлакатлари делегатлари қатнашган конференцияда япон делегатлари оғзидан Японияда Окинавани Америка оккупациясидан озод қилиш учун ҳаракат кучайганини ёшидик.

Тинч океан устида Филиппиндан Японияга учиб борар эканмиз, реактив самолёт қанотида қизил чироқ липиллаганини кўрганимда яна Окинава тўғрисида ўйладим. Тоқиода бўлган конференция мажлисида сўзлаган кўпгина япон делегатлари Окинавани Америка оккупациясидан озод қилиш масаласини кўтариб чиқишиди.

Танаффус пайтида олдимизга қўлида альбом кўтарган бир йигитча келди. Унинг товушидан газаб-нафрат сезилиб туришарди.

— Мен Окинаваданман. Сизлар Окинава ҳозирда Американинг атом базаси эканини яхши биласизлар, ахир бу ҳаммамизнинг қиронимиз-ку! Окинавада нималар қилинадетганини бир кўриб қўйинглар.

У альбомни варақлай бошлади. Альбомдаги суратларни бир ҳаваскор фотограф олганди. Лекин бунда тасвирланган нарсалар биз Лондон саҳнасида кўрганимиздек эмас, балки фожиа ва ғам-ташвишдан иборат әди.

Биз Окинавага боролмадик. Аммо Япония ҳақида ёзгандан кейин Окинава ҳақида гапирмай илож йўқ. Шу сабабли ҳам бу очеркда мен ўзим ҳикоя қилишдан кўра кўпроқ, кейинги вақтларда Япон ва Америка матбуотида пайдо бўлган ҳужжат ва материаллар билан таништиromoқчиман.

## Атом базаси делегати гапиради

Нагасакидаги конференцияда Окинава Халқ партиясининг секретари Сэнага Камәдзиро жуда ўткир нутқ сўёзлади. Мен унинг нутқини гапириб бермоқчи эмасман. Уни яхшиси, тўла-тўқислигича келтириб қўя қоламан:

— Бизнинг мамлакатимизда ва ундан ташқариларда атом ва водород қурулига қарши чиқаётган дунёдаги кучли мамлакат вакиллари олдида Окинава атом базасининг вакили сифатида гапираётганимдан қаттиқ ҳаяжонланяпман.

Окинавадаги атом базаси гир атрофи денгиз билан ўралган каттакон концентрацион лагердан иборат. Оролда бемалол юриш-туриш чекланган. Орол аҳолиси эркин фикрлаш ва бирлашишдан ҳам маҳрумлар. Аммо Окинаванинг саккиз юз мингли аҳолиси атом базасини кенгайтиришга қарши курашга, Япония территориясини ҳимоя қилишга, миллий озодлик ва тинчликка, демократия ва миллий тараққиётга отландилар. Она тупроқни ҳимоя қилиш, Окинаванинг саккиз юз мингли аҳолисини ватандошларидан айириб, умрбод колониал қуллик исканжасига ташлашни мақсад қилиб олган Прайса рекомендациясидан ҳимоя қилиш ва унга қарши кураш Окинавада ҳозир тобора авжга минмоқда.

Мен бу ерда ҳозир инсоннинг элементар ҳукуқлардан маҳрум этилиши, ишчилар синфи бошига солинаётган кулфатлар, бутун демократик ҳукуқларнинг бузилаётгани ҳақида гапириб ўтирумайман. Мен сизларга Иесима қишлоғидаги аҳвол ҳақида гапириб бермоқчиман. Бу ердаги Америка ҳукмдорлигига қарши кураш ўзининг ўткирлиги, узоқ давом өттаётганилиги, кучи ва асослилиги жиҳатидан оролда атом базаси қуриш ва кенгайтириш мақсадида ерлари тортиб олинаётган Окинаванинг саккиз юз мингли аҳолиси тортаётган чексиз азоб-уқубатлар, ҳақоратларга қарши олиб борилаётган умумий курашнинг бир кўришиидир.

Бу воқеа бундан роппа-роса йигирма саккиз кун илгари, йигирманчи июлда, куннинг биринчи ярмида содир бўлган эди. Иесима қишлоғи устида битта Америка самолёти бир соатча пастлаб учди.

Бир ойдан бери қишлоғимиизда ёмгир ёғмасди. Баландбаланд қарагайлар, ўтлоқлардаги кўкатлар, батат дарахти ва ер ёнғоқлар бир қултум сувга ҳам зор бўлиб турганди.

Шунда самолётдан бутун жониллар ва қақраб ётган ерлар кутаётган ёмғир ўрнига кўплаб газолин ёғдиришди. Пешиндан кейин кўп ерлар ёниб кетди. Бу аҳволдан чанқаб ётган дараҳтлар, ўтлар, бататлар ва ер ёнгоқлар янада қақшаб кетди. Молларга бериш учун тоққа ўт ўргани кетган дэҳқонлар қишлоққа ўт тушган жойлардан зўр мashaққатлар билан ўтиб, аранг қайтиб келишиди.

Қишлоқ одамлари ота-боболари томонидан бундан уч юз йил илгари экинларни шамолдан сақлаш учун атрофга эккан қарагай ўрмонларининг ёнишига ачиниб қараб турарди. Улар не мashaққатлар билан экиб, ундириб, энди йигишириб оламиз, деб турган батат ва ер ёнгоқларини — ейдиган овқатларини куйиб кулга айланишига қанчалар ачиниб қараб туришарди. Орқаларига болаларини опичиб олган аёллар ғамгин тикилиб туришарди. Йигитлар далаларга тикилиб туришар экан, чўқморлари дастасини қаттиқ ушлаб олишганди. Қўлларига ўроқ ушлаб турған чоллар қалбida ҳозир бир хил туйгу түғён ураоди. Аммо ҳеч ким кўз ёши қилмасди. Ҳатто ёш болалар ҳам йигидан тўхтаб, осмону фалакка кўтарилиб ёнаётган оловга тикилиб туришарди.

Полигон — Иесима қишлоғи уч кечаю уч қундуз ёнди.

Оловда куйиб пишган бататларни йигиб юрган аёллар... Эркаклар, болалар, қариялар ҳам куйған ер ёнгоқларни тозалашмоқда.

Улар нимани ўйлашяпти? Нима ҳақида фикр юритишяпти?

Ҳаммалари ёниб кул бўлган қарагай илдизига тикилиб қолишган. Дараҳтларнинг барглари, шохлари ёниб кул бўлди, аммо тана ва илдизи омон қолди.

Ҳал Биз ҳам худди ана шу сон-саноқсиз дараҳтларнинг илдизи каби курашни давом эттирамиз. Америкаликларга бир ҷубо<sup>1</sup> ерни ҳам сотмаймиз! Ўз еримизни ўзимиз ҳимоя қиласмиз! Мамлакатимизни ҳимоя қиласмиз! Бирлигимизни янада мустаҳкамлаймиз! Дэҳқонлар йигин ўтказадиган жойга йигилишиди. Митинг бошланниб кетди. Ўртага ҳар хил талаблар ташланди:

«Полигонда ўқ отиш ман этилсин!»

«Тўсиқлар йўқотилсин!»

«Кўрилган заарлар тўлансин!»

Жаноб делегатлар!

<sup>1</sup> Ҷубо — 3,3 кв. метрға яқин.

Бу даҳшатли отишув саккиз юз мингли Окинава аҳолисига қарши олиб борилаётган провакациягина бўлиб қолмай, балки тўқсон миллионли японларга ҳам қарши қаратилган зарбадир. Бу соғлом фикр ва тараққиётга қарши олиб борилаётган шармандали провакациядир.

Америка ҳарбий ҳукумати ёнғиннинг сабабини расмий равишда эълон қилиб Полигонда кузатув олиб боришига халақит берадиган нарсаларни йўқотиш учун шундай қилинди, деб тушунтириди.

**Жаноб делегатлар!**

Ҳозирга қадар ҳар қандай кузатувларга халақит бермаган қарагай ўрмон нега бирдан халақит берадиган бўлиб қолдийкин? Палаги ердан бир сяку<sup>1</sup> баланд кўтариладиган ер ёнғоқнинг кузатувга халақит бермаслигини ҳатто ёш болалар ҳам билишади. Бутун орол аҳолиси билан бир қаторда, ёнғиндан зарар кўрган Йесима қишлоғининг ҳалқи ёнғиннинг ҳақиқий сабабини билади. Бу — Окинава ҳалқи бу йил март ойида ерларини тортиб олишларига қарши чиққанлари учун атайлаб қилинган ваҳшиёна ҳужумдан иборатдир.

Бундан ўн етти ой илгари, ўтган йили март ойида оролга қуролланган солдатлар тушган учта Америка ҳарбий кемалари келди. Кемадаги солдатлар қирғоққа тушиб, ўз уйлари эшигини ёлиб олишга ҳаракат қилган қишлоқ аҳолисига милитиклар ўқталишди. Ҳудди шу пайт улар икки уйга ўт қўйиб юборишли, уйлар бутунлай ёниб кетди. Америка ҳарбийлари шу усул билан деҳқонларнинг уч юз Ҷубо ерини тортиб олиб, атрофини тиканли сим билан ўраб қўйишли. Аммо қишлоқ аҳолиси курашдан воз кечгани йўқ. Улар ўз ерларини ҳимоя қилишга отланишли. Сим тўсиқларни бузиб кириб, ерларни ҳайдайверишли. Кучсизлар кучлиларга ана шу йўл билан курашсиз қаршилик кўрсата бошладилар. Буни кўрган америка ҳарбийлари қишлоқнинг ўттизга одамини ҳарбий мулкка тажовуз қилишда айблаб қамади. Эллик икки киши олти ойлик каторгага ва бир йилга қамоққа шартли ҳукм қилинди.

**Жаноб делегатлар!**

Қандай ҳивилизация, қандай гуманизм ўз ерида ишлагани учун ҳарбий мулкка тажовуз қилишда айблаб, каторгага юборишига йўл қўяди?

**Бунга Америка атом сиёсати йўл қўяди!**

<sup>1</sup> Сяку — 30,3 см.

## Жаноб дөлегатлағ!

Америка ҳарбий ҳукумати Иесима қишлоғи аҳолисиңнинг қаршилигини ва бирлигини ҳар қандай репрессия билан ҳам қайтара олмасликларини тушунгач, уларнинг экинларига ўт қўйишга қарор қилишди. Бундай қилишдан мақсад, деҳқонларни: бекорга экин экиб овора бўлманлар, барибир ҳосилини ололмайсизлар, деб қўрқитишидир!

Деҳқонлар ана шу ўн етти ой давомида снарядлар ёмғири остида ишлашаверди. Улар окоплар қазишиб, отишма бошланганда яшириниб олишарди. Отишма тўхташи билан окопдан чиқишиб, ишларини давом эттиришарди. Боласи кўксига ёпишиб олган онага тажовуз қилишга кимнинг қандай ҳаққи бор? Окинава аҳолиси онасининг кўкрагига ёпишиб олган гўдакка ўхшайди.

Окинава аҳолиси: «Еримизни тортиб олишни бас қилинг! Бу Япония территорияси, биз бир қарич еримизни ҳам сотмаймиз. Ер сотиб олиш ҳақидаги планлар йўқотилиши керак», деб талаб қилди.

Бу кучсизларнинг кучлилар олдига қўйған талаби. Ҳақ одамларнинг ноҳақларга қарши олиб бораётган адодлатли кураши ҳисобланади.

Иесима, Исахама, Гуси қишлоқлари аҳолисининг ерни тортиб олишга қарши кураши бутун оролни эгаллаб олган Америкага қарши курашга айланиб кетди. Бу курашда сектантлик ёки шахсий ҳис-туйгуларга озгина бўлса-да, ўрин йўқ. Бу миллий озодлик кураши одамларнинг сиёсий, диний қарашларига, улар ғояси ва дидидан қатъи назар, бутун инсонларни ўзига жалб этди. Окинава аҳолиси бу оролда Америка атом базасининг кенгайишига қарши курашиш билан атом базасини кучсизлантириб, инсониятнинг даҳшатли душманини ер юзидан йўқотишдек ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Агар Окинавадаги атом базасининг кенгайишига йўл қўйиладиган бўлса, Япониядаги озодлик ва тинчлик учун олиб борилаётган кураш ғалаба қозонмайди, Осиё ҳалқлари бўлса даҳшатли атом бомбаси хавфидан қутулмайдилар.

Аммо Окинаванинг саккиз юз мингли ҳалқи ўз ерлари учун биргаликда курашсалар, ҳеч вақт енгилмасликларига, тўқиз миллионли бутун япон ҳалқи, шу жумладан, Окинава аҳолиси озодлик ва тинчликка эришиш билан бирга, Окинавани чет элликлардан қайтариб олишдаги курашда ўз кучларини бирлаштирасалар, бу куч енгилмас кучга айланишини яхши биладилар. Агар ер юзидаги миллионлаб

Кишилар бу курашни қўллаб-қувватласалар, Окинава ороли устида озодлик байроғи албатта эркин ҳилпирашига улар ишонадилар.

## Прайс рекомендацияси нима?

Конференция делегатлари ҳамда японлар билан қилган суҳбатларимизда «Прайс рекомендацияси» дейдиган иборани кўп эшидик. Бу нима дегани экан? Яқинда Окинавада вакиллар палатасининг аъзоси Мелвин Прайс бошлигигида АҚШ конгрессининг подкомитети бўлган экан.

Осака шаҳрида нашр этиладиган «Эйша син» журнали сентябрь сонида хабар қилишича, Мелвин Прайс «оролдаги аҳволни обзор қилиш» учун келган эмиш.

Оролда аҳоли жуда зич—бир квадрат миляга 1142 киши тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги билан жуда кам одам шуғулланади. Америка Қўшма Штатлари оролни Тинч океандаги асосий базаларидан бирига айлантириб олганларидан кейин деққонларнинг ерини тортиб ола бошлассди. Ҳаммаси бўлиб қирқ минг акрага яқин ер тортиб олинди. «Оролнинг марказидаги бутун Окинава бўйича экин экиладиган майдоннинг ўн етти процентини ташкил этувчи, бир йилда икки марта ҳосил берадиган экинзорлар ҳарбий база бинолари қуриш учун бульдозерлар билан текислаб ташланди.

Агар урушга қадар бир деҳқон экин экадиган майдоннинг ўртача катталиги 0,52 чо<sup>1</sup>га teng келадиган бўлса, ҳозир участканинг катталиги 0,35 чоға teng.

Тортиб олинган ер майдонининг ҳар бир акраси уч юз йигирма учдан уч юз қирқ икки долларгача фойда берадиган ерларга 34—42 доллар фойда баҳоси ҳисобидан ҳақ тўлаб тортиб олинди. Оролдаги одамларга ишлайдиган жой йўқ. Расмий маълумотларга қараганда, америкаликлар аэрордром ва базаларда Окинаванинг етмиш беш минг аҳолисидан фойдаланмоқда. Буларнинг саксон проценти еридан ажраган кишилар. Америка базаларида ишлайдиган одамлар ҳаддан ташқари кам, меҳнатлари эвазига ўртача 2—3 минг иендан ҳақ оладилар. Буни америка валютасига айлантирса ойига 6—8 долларга teng келади.

Мистер Прайс Окинавага ана шу аҳволни «каниқлаш» учун келганди. Прайс қайтиб кетар экан, ерларни тортиб

<sup>1</sup> Бир чо — 0,99 га. ga teng.

олишни давом эттираверишни, «ёр ҳақини» эса аввалгидек тўлайдвериши таклиф этди.

«Эйша син» журналининг хабар беришича, Мистер Прайснинг АҚШга қайтиб бориб Америкада қилган докладидан кейин «бу ернинг аҳолиси газаб-нафратга тўлган».

Журнал Окинава аҳолисининг фикру мулоҳазасини умумлаштириб, мана бундай деб ёэди: «Бизнинг бирдан бир мақсадимиз мана бундай. Биз японлармиз. Биз одамлардек яшашни истаймиз. Нега энди бу оддий бир истак амалга ошмайди? Биз бу ҳаракатни бирон кишининг гижгижлаши сабабли бошлаганимиз йўқ, биз...

Борди-ю, шундай бўлса ва биз ана шу бир парча ери миздан ҳам маҳрум бўлиб, ер учун ҳақ оладиган бўлсанк, бу пулни тирикчиликка ишлатамиз-да, тамом бўлгач, аҳволимиз танг бўлади. Биз ҳали ҳам америкаликларнинг яхши ниятларига ишончимиз бор. Аммо биз японлар бу ҳаракатни одамлардек ҳаётга эришмагунимизча тўхтатмаймиз».

Шундай қилиб, «қаршиликсиз қаршилик» давом этарди.

Диққат-эътиборли ўқувчи Сэнага Камэдзиронинг нутқи билан «Эйша син»даги мақолалар фарқини сезади албатта. Окинава делегати сўзларида газаб ва аламни ҳис этсангиз, журнал мақоласида фақат аламни кўрасиз. Аммо бу билан масаланинг моҳияти ўзгармайди. «Қаршиликсиз қаршилик» формуласи оролдаги ҳақиқий аҳволни ифода этолмайди. Бу масалани тўғри тушуниб олиш учун матбуотнинг бошқа бир органига, бу сафар Америка органига мурожаат этайлик. Шундай қилиб, «Тайм» журналидаги 1956 йил 3 сентябрь мақоласига мурожаат қиласлик:

«Қўшма Штатларнинг гражданлари колониал давлатларнинг маҳаллий фанатик студентларнинг мустақиллик талаб қилиб олиб бораётган агитацион фаолиятларини бостиришга қаратилган ҳаракатига бегоналардек, назар-писандисиз муносабатда бўлмоқдалар. Утган ҳафтада Қўшма Штатлар худди ана шундай воқеага дуч келди, унда ҳам Япониядан 330 миля жанубда жойлашган Окинавада берилган қурбонлардан кам қурбон берилмади.

Қўшма Штатлар иккинчи жаҳон урушидан кейин ўзга мамлакатларга ҳеч қандай территориал даъвоимиз йўқ, деб мақтанган бўлсалар ҳам, Окинава ва Жанубий Рюкюни қўлларида ушлаб турдилар ва уни «Узоқ Шарқда уруш хавфи йўқолмагунга қадар қўлдан чиқармаслик фикрида

эканликларини» билдирилар. Қўшма Штатлар Тинч океанинг ғарбий қисмида жойлашган Окинавани ўзларининг ҳарбий «асабий маркази»га айлантириш учун яром миллиард доллар сарфладилар ва Япония оролга қисман ёгалик қилиши мумкин, деб эълон қилдилар.

Шундай қилиб, хўжа кўрсингагина одил, раҳмидил кўринувчи «Август ойдинидаги чойхона»да номчиқарган америкалик янги босқинчилар Окинавада биринчи университет ташкил этишиди. Америка ҳукумати бу университетга кўплаб пуллар сарфлади ва АҚШлик шахсий группаларнинг қилган катта-катта сарф-харажатларини маъқуллади. Мичигандаги Давлат колledgeуниверситетни жиҳозлар ва ўқувчилар билан таъминлади. 1760 студентга ва 125 кишидан иборат профессор-ўқитувчилар коллективига әга бўлган бу университет тез орада ўзини кўрсатди. Японияда билим олган ўқитувчиларнинг кўрсатган йўл-йўриклидан илҳомланган студентлар оролни қайтариб олишини талаб қила бошладилар. Баъзи студентлар Окинавадаги Халқ партиясини қўллаб-қувватладилар. Қўшма Штатлар томонидан Окинава деҳқонларига кўрсатилаётган жабрдан шикоят қилиб партия вакилларини Токиога юбордилар. Университетнинг адабий журналида Америкага қарши қаратилган мақолалар пайдо бўла бошлади. Ўтган ойда 250 студент «Янки, гоу хоум!» деб қичқириб, Америкага қарши намойиш уюштирилар.

Бу воқеаларнинг барчаси университетнинг ташкилотчиси, канзаслик Генри Эрл Диффендерферни анча ташвишга солиб қўйди. Бу қирқ бир ёшли йигитча ҳозирда АҚШнинг Окинава шаҳридаги граждан администрациясининг маориф бўйича директори ҳисобланади. Диффендерфер университет фондини оширишга қаттиқ ҳаракат қилгани учун унга «Университетдан Рюкю шаҳрига юборилган тиламчи» деган лақаб ҳам қўйишганди. Диффендерфер жаҳли чиққан ионачиларнинг зўри билан (бунга бир гуруҳ америка денгизчилари ҳам қўшилганди) университет президенти Генсю Асатога оғир-оғир гаплар қилиб хат ёзди. Хатда студентлар ва профессор-ўқитувчилар составидан Америкага қарши ва коммунистларни қўлловчи әлементлар чиқариб ташланмагунча, иона фондининг бошқармаси бутун бойликни бекорга босиб ётаверади, дейилганди.

«Эзилляпмиз деб арз қилган бутун студентлар,— деб дўқ қилиб ёзган эди Диффендерфер,— Америка пулига олинган каравотларда ётишган, америка пулига кел-

ган дарсликлардан фойдаланишган». Диффендерфер ёзадики, бир студент унга: «Қўшма Штатлар менга ёқмайди, шу сабабли ҳам АҚШга қарши қаратилган газета чиқармоқчиман, иона фонди эса менга ссуда бераман деган», дейди. Шунда Диффендерфер: «Сиз мени ўлдиришга келасизу, мен сизга ҳаммани қўйиб тўппонча бераманми?»— деса.—«Сиз ўзингиз тасдиқлаяпган сўз эркинлигига ишонишингизни исботлаш учун шундай қилмоқчиман»,— деб жавоб бериди студент.

Ўтган ҳафтада университет президенти Асато университетнинг Американинг холис хизмати ва ионаси ҳисобига яшашини тушунгандан кейин, Диффендерфернинг талабини бажарди ва унга: «Университет студентларимизнинг қилмиши учун америкаликлардан ва у ердаги ҳамда бошқа жойлардаги ўртоқлардан кечирим сўрайди»,— деб ёзди. Шундан кейин у студентларнинг олтига бошлигини, шу жумладан, студентлар колективи раиси ҳамда бош раисини ўқишдан ҳайдади.

Ҳайдалган студентларнинг баъзилари аслида Америкага хайриҳоҳ әдилар, деб маълум қилди Асато, «лекин улар ўз зиммасидаги вазифани амалга оширишолмади ҳамда бошқа студентларни бундай ишдан қайтаролмади». Асато ишни жуда усталик, айёллик билан олиб борди. Бу ишни у студентлар каникулдалигида қилди. Бу билан Асато Қўшма Штатларни ҳайдалганларга хайриҳоҳ кўрининган студентларнинг янги оммавий демонстрациясидан сақлаб қолди.

«Тайм» журнали Окинава оролидаги университетда бўлган воқеани заҳархандалик билан тасвирлар әкан, муబолага қилмаган, деб ўйлайман. Аслида бундай эмас әкан. Энди танишларимиз масаласига қайтайлик.

### Тинч океан соҳилида

Нагасакидаги конференциянинг иш кунларидан бирида Тинч океан соҳилида Сэнага Камэдэиро билан учрашдик. Биз меҳмонхонамиз яқинидаги бир каттакон дараҳт тагида овқатландик. Сэнага Камэдэиро узун даҳанли, кўзлари чуқур-чуқур киши әкан. У:

— Мен ўқитувчи әдим, агар уруш бўлмаганда ҳали ҳам ўқитувчилик қиласерган бўлардим. Урушга қарши фикрларимни очиқласига, барада айтганим учун япон суди

мени беш йил қамоққа ҳукм қилди. Мана муддатни ўтаб келдим. Шундан кейин Окинавага америкаликлар келишиди. Уруш эса тугаган эди. Уруш бўлмаяпган бўлса ҳам энди Америка судининг ҳукми билан қамоққа тушдим. Америкаликлар бир қадар раҳмдил эканлар, мени бор-йўғи икки йилгина қамашди.

— Оиласиз борми?

— Албатта. Бешта болам, хотиним бор.

— Оролда дуруст яшаяпсизми?

— Жуда яхши. Мени доимо қўриқлаб юришади...—

Суҳбатдошимиз маъноли илжайиб қўйди.

Суҳбатга берилиб кетганимиз туфайли ёнимиздаги столга бир қаламча мўйловли йигитча келиб ўтирганини ҳам кўрмай қолибмиз. У ортиқча харажат қилгиси келмади шекилли, фақат бир шиша лимонад буюрди. Аммо у кўп ўтирмади. Ўрнидан туриб бориб, гўё наридаги ишчи посёлкаси ва кўрфаздаги гулларни суратга олаётгандек қиёфада фотоаппаратини ростлаб, аста биз томонга яқинлаша бошлади. У аслида, Сэнага Камэдзирога тикиларди. Тўсатдан у аппаратини бизга қаратди.

— Кўряпсизларми, ҳатто сизлар билан бемалол гаплашолмаймиз,— деди Камэдзиро фотограф томонга бурилар экан.— Мени сизлар билан биргаликда суратга олгиси келиб қолди шекилли.

Шу пайт меҳмонхонанинг хизматчи қизи Иосико фотография ҳаваскори билан ўртамиэга туриб олиб, унга қўл силтади. Йигит эса бир нималар деб тўнгиллади-да, аппаратини елкасига илганча столга чақа ташлаб, кутиб турган машинасига чиқа кўздан гойиб бўлди.

— Окинаванинг Америка томонидан босиб олинишига қарши туриш ана шунаقا оқибатларга олиб боради,— деди шунда Камэдзиро.

Биз шундан кейин бу жасур киши билан хайрлашдик, уни қайта кўрмадик.

...Японияда кўпинча кучли бўрон — тайфун бўлиб туради. У аҳолига каттадан-катта зарар ва ташвиш келтиради: уйларни, қишлоқларни вайрон қилади. Яқинда ана шундай тайфун Окинавада ҳам бўлиб, Американинг кўплаб биноларини, Рейтер агентлигининг хабар қилишига қараганда, АҚШ ҳарбий қурол-аслаҳаларига ҳам катта зарар етказди. Ана шу агентлик мана бундай деб ёзди: «Токиодаги Америка ҳарбий қўмандонлиги вакилининг айтишича, ўтизиста қопагон қоровул кучуклар тайфун пайтида инидан қочиб

кетган, улар ҳали ҳам топилгани йўқ». Ана шу вакилнинг гапига қараганда, «Окинавадаги бутун ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига кучуклар топилмагунга ва ўлдирилмагунга қадар уйларидан чиқмаслик ҳақида буйруқ берилган».

Биз, ҳозирги кунда бутун җопагон итлар тутилади ва америкаликлар ҳамда уларнинг оиласлари Окинава оролида бемалол юрадилар, деб ишонамиз. Шу билан бир қаторда, назаримиэда америкаликлар Окинавада ўзларининг Флорида ёки Техасларидагидек бемалол юришомаса керак, деб ўйлаймиз. Британия формасида бўладими, Америка формасида бўладими, колониализм доимо колониализмлигича қолаверади.

## Осака гуллари

Биз дим, нам ҳавога ҳам ўрганиб қолдик, куни билан ҳориб-чарчаймиз-да, кечқурун аранг каравотга етиб олиб ётишимиз билан уйқуга кетамиз. Гуручни чўпда ейишни ҳам ўрганиб олдик, бунда оддий формулага амал қилинса бас: қорнинг очгандан кейин қандай бўлмасин овқат ейишинг керак. Гулларга ҳам ўрганиб қолдик. Улар кўп бўлгани учун эмас, балки биз қаерга бормайлик, сап-сариқ, оч пушти, оч ҳаво ранг, тўқ қизил, тўқ сариқ гулдасталар тақдим этишаверганидан шундай бўлди. Токиода ҳам, Нагасакида ҳам, Хиросимада ҳам жуда кўп гуллар тақдим этишди. Осакада ҳам шундай бўлди. Бизлар — чет эллик делегатлар Нагасакидан бу ерга дим оқшомлардан бирида келдик. Бизни ҳавоси совитиб туриладиган бир отелга жойлаштирганларидан жуда хурсанд бўлдик. Бизни вокзалда Осаканинг жамоатчилик вакиллари кутиб олишди. Осака — тўрт миллионли аҳолига эга бўлган, йирик саноат ҳамда савдо-сотиқ маркази ҳисобланувчи, ярим кечага қадар ҳаёт қайновчи йирик шаҳарлардан бири экан.

Эрталаб меҳмонхонанинг тинмай айланиб турувчи эшиги олдида қизиқ бир воқеанинг шоҳиди бўлдик. Новча, қоқ суяқ бир америкалик билан паст бўйли, семиз бир япон бир-бирига икки букилиб тинмай қуллуқ қилишарди.

— Америкалик японга бунчалик қуллуқ қилаётган экан, демак, ҳали иш битмабди. Иш битгацдан кейин бизнинг иш-билиармонимиз бу корчалоннинг қулоғига шивирлаш учун стулга чиқиб олиши зарур бўлиб қолади, чунки иш битгач,

америкаликтининг қомати эгилолмай қолади,— деди бир таниш журналист, бу ахволга тикилиб туриб.

Бўш вақтимиз борлиги сабабли шаҳар айлангани жўнадик.

Кун жуда иссиқ әди. Шаҳар кўчалари уйиб юк ортилган уч фиддиракли кичик литражли юк машиналар, орқасига яшиклар, тугуллар ортилган уч гилдиракли велосипедлар билан тўла әди. Олабайроқ рекламалар билан тўлиб кетган чорраҳада автомобиллар ди-дидлар, тариллатиб тутун чиқарар, шофёрлар эса бақириб-чақиришарди. Кўча супуратётган, юзлари ажиндор митти япон аёллари улардан чўчиб, ўзларини четга олишарди.

Биз бозор тимиға кирдик. Бу ерда улгуржи савдо бўлар экан.

— Эркаклар пайпогини сотувчи одам фақат эркаклар пайпоги сотиш билан, кимки аёлларнинг кўйлагини сотса, фақат аёлларнинг кўйлакларини сотиш билан шугуллана-ди,— деди Вада.

Бундай тушунтириш яхши бўлди— аммо ҳамма гап шундай ҳам кўриниб турарди— магазинларда моллар уюлиб ётар, аммо сотувчи пештахталар олдига келиб-кетувчи харидорларга эътибор ҳам қилмасди.

Осака, бошқа кўпгина япон шаҳарларига ўхшаб, уйларининг ярмичаси ёғоч ва фанерлардан қурилган. Уруш пайтида америкаликларнинг ёндирувчи бомбасидан шаҳарнинг анча қисми ёниб кетганди. Ҳозир вайроналардан ва ёнгиндан асар ҳам сезилмасди. Уруш пайти шикастланган марказий савдо-сотиқ кўчаларида банк ва савдо контораларининг салобатли, гиштии бинолари қад қўтариб туради.

Осака меҳнаткаш аҳолисининг қандай ахволда яшашини чет эллик делегатлар учун уюштирилган меҳмондорчиликда бир адвокат билан қилган суҳбатимдан ҳам билиб олса бўлади.

Мен ундан:

— Ишингиз кўпми?— деб сўрадим.

— Керагидан кўп.

— Демак, бой одам экансиз-да?

Адвокат иккала чўнтагининг халтасини агдариб кўрсатди.

— Шубҳасиз. Мана кўринг!

— Ахир клиентларингиз кўп бўлса керак?

— Ҳа, клиентларим кўп. Аммо уларнинг ҳаммаси камбағаллар. Корхона эгаларига, экспедиторларга, ишчиларни

алдовчиларга қарши иш олиб боришимга тўғри келади. Бундай ишларнинг сон-саноғи йўқ. Мен профсоюз юристи-ман... Шундай бўлгач, менинг оладиган фойдам ҳақида сиз-да янгиш фикр пайдо бўлмасин.

Уша куни кечқурун ҳамма делегатлар Нагасакидаги конференциянинг натижасига багишланган Осака шаҳри меҳнаткашларининг митингига бордик. Митинг Япониядаги энг катта спорт бассейнида бўлди. Автобусимиз бассейнга этиб келганда, қоронги тушиб қолганди. Бизни кираве-ришда жуда кўп одамлар қарши олишиди. Делегатлар залда пайдо бўлишлари билан минглаб одамлар меҳмонларни қарши олиш учун ўринларидан туришди. Кабутар расми ишланган ҳар хил рангдаги байроқлар кўтарилиди. Яна гулларга қўмиб юборишиди. Гулларнинг кўплигини! Меҳмонлар олдидаги узун стол усти гуллар билан тўлиб кетди. Кошинкор бассейннинг усти — президиум томони тахта ташлаб беркитилган эди.

Нутқлар концерт программалари билан алмашиниб турди.

Окинавалик қизлар рақсга тушишди. Хореографик бир номер Хиросима фожиасига бағишлиланганди. Чайковский-нинг «Шелкунчик» балетидан рақс ижро этганларни айниқса яхши олқишилашди. Бир сафарги чиқиши пайти бутун стадион хохолаб кулиб юборди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб, бараварига таржимонга мурожаат қилдик:

— Ўзи нима гап?

— Беш ёшли қизча адашиб қолибди. Онаси ёки дадасини бассейн конторасига чақиришяпти.

Шунда ҳамма гап тушунарли бўлди-қўйди. Бу ердан Москвагача, «Динамо» стадионигача минг километрлик масофа бўлса-да, лекин воқеалар бир-бирига ўхшаш экан.

Биз конференция ташкилотчиларидан бири, профессор Ясуидан:

— Митингда қанча одам қатнашяпти? — деб сўра-дик.

— Йигирма беш мингдан ошиқ киши.

Мана митинг ҳам тугади. Одамлар бизни ўраб олиши-ди. Яна гулдасталар тақдим этишиди. Табриклашлар бўлди. Ўнлаб, юзлаб қўллар бараварига узатиларди. Автобусга чиқдик. Шу ерда ҳам автобус деразасидан қўлларини узатишиб табриклашарди. Автобус йўлга тушди. Бизлар:

— Эҳтиёт бўлинглар, четроқ туринглар,— деб жонимиз ҳалакда бўлдик.

Аммо улар бизнинг тилимизни тушунмас, илжайиб, рус тилини бузиб талаффуз килиб:

- Товариш!
- Товариш!
- Товариш! — дейишарди.

Кўрган, эшитганларимиэдан қаттиқ ҳаяжонланган ҳолда меҳмонхонага етиб келдик. Шунда кимдир ҳайрон бўлиб:

— Японлар русларни ёмон кўришади, дейишарди-ку. Бўлмагур гап әкан-да! — деб қўйди.

Эртасига реакцион газеталар: митинг ўтказиш нияти амалга ошмади, бассейнга тўрт минг кишидан кўп одам йиғилмади, деб эълон қилди. Бизнинг содиқ дўстимиз ва ҳамроҳимиз Вада газетани кўрсатиб:

— Навбатдаги туҳматларини қилмоқчи бўлдилару, аммо уддасидан чиқолмадилар. Шунинг учун ҳам туҳматнинг умри қисқа, дейдилар-да!

## Қадимий пойтахтларда

Осака собиқ икки пойтахт — Нара ва Киото шаҳарлари яқинига жойлашган.

Конференциянинг меҳмондўст ташкилотчилари бизга бу шаҳарларни ҳам кўрсатишга қарор қилишиди.

Кун яна исиб кетди. Энди иссиққа ҳам ўрганиб қолдик. Кимдир:

— Энди иссиқдан қўрқмасак ҳам бўлади. Қаранг, иссиқ одамни ёндираман дейди-ю, аммо меҳмонлар сони камаймаяпти... — деди.

Биз Осака кўчалари бўйлаб боряпмиз. Шаҳарнинг обод, шинам жойларидан физиллаб ўтиб кетдик. Энди кўчанинг икки четида кичик-кичик уйлар, боққолчилик, кийим-кечак дўконлари. Улар орасида пастак-пастак будда ибодатхоналари кўзга ташланиб қолади. Уй деворларига осилган ранг-бааранг ленталар ва қофоз гуллар шабадада ҳиллираб турибди. Ибодатхоналарга кетаётган одамларнинг ҳаммаси тоза кийинган. Маълум бўлишича, буддистларнинг ўликлар тириклар билан учрашувга келади, деб тарғиб қилинувчи байрами ана шу ҳафтага тўғри келган экан. Ўликлар бир ҳафта давомида тириклар орасида юрармишда, кейин қайтиб кетишар эмиш...

Қадимий пойтахт Нарага қадар ҳаммаси бўлиб эллик километр. Автобусимиз тупроқ йўлдан борар, йўлнинг икки томони бир-бира га ёпишириб қурилган қатор уйлардан иборат. Шаҳардан узоқлашиб қишлоқлар ўртасидан ўтсак ҳам, нима учундир, экин экиладиган далалар кўринмасди. Нара шаҳрига яқинлашиб қолганимиздан кейин бир жойдагина тепалик ён бағрида токзор кўринди. Вада:

— Ҳозир бу ерлар токзор, уруш пайтида эса токзорни бузиб, бу ерларга ҳам буғдой экилганди, нон етишмасди-да!

Нара ўзининг ажойиб парки билан машҳур, паркда олачипор кийиклар югуриб юришади. Каттакон бир дараҳт тагида сурнай овозига ўхшаш сигнал чалинган эди, сурнайчининг олдига атрофдан оҳулар югуриб кела бошлашди. Улар олдимиизга чўчимасдан, тўғри юриб келиб, юмшоқ тумшуқлари билан кафтларимизни ҳидлай бошлашди. Бу қанақаси, деб ҳайрон бўлдик. Шунда дўстларимиз ёрдамга келинди. Нарироқда бир аёл вафлига ўхшаш маҳсус пиширилган нон сотаётган экан. Кийикларга овқат беришни ҳам тезда ўрганиб олдик. Эркак оҳулар шохларини ургочиларига қараганда шиддатлироқ ҳаракатлантиришаркан

Шундан кейин Тодайжи ибодатхонасига бордик. Бу ибодатхона эрамизнинг 752 иили — Нара шаҳри Япониянинг пойтахти бўлган пайтда қурилган. Ибодатхонанинг асосий биноси ичида Будданинг баҳайбат ҳайкали бор. Қачонлардир, бундан бир минг икки юз йиллар илгари император Саму ер юзида будда жаннатини яратмоқчи бўлиб, ана шу ибодатхонани қурдирган эди. Тарихнинг шоҳидлик беришича, бу ибодатхона икки марта ёнган, ҳозир унинг ярмигина сақланиб қолган. Дунёдаги энг катта буддалардан бири ҳисобланувчи бу ҳайкал бир неча бор реставрация қилинган.

Қисиқ кўзли бу баҳайбат ҳайкалга анчагача тикилиб турдик. Будданинг оёқлари тагида бронзадан ясалган нилюфар гуллар тасвири. Нилюфарнинг Шарқда тинчлик рамзи әканлиги ҳам маълум албатта. Шу билан бир қаторорда, афсона ва эътиқодларга қараганда, Будда қадим замонларда ҳам, ҳозирда ҳам тинчлик тарафдори, тинчлик ҳимоячиси ҳисобланган. Ибодатхона бўғотларида кабутарлар гув-гувлайди. Дарвоза олдида ҳунармандлар Буддага ўхшатиб мисдан ясалган ҳайкалчалар сотишар экан. Бизлар умримизнинг охиригача ҳам буддистликни қабул қилмаган

тақдиримизда ҳам, Япония пойтахтидан эсдалик сифатида бу ҳайкалчалардан сотиб олиш ниятида әдик.

Ибодатхона яқинидаги бассейн олдида Изабелла Блюм ва Моника Фелтонни учратдик. Улар оқ батон нон сотиб олиб, майдалаб бассейн сувидаги балиқларга ташлаб, уларнинг талашиб ейишини томоша қилишарди. Катта-катта тилла балиқлар оғзини каппа-каппа очиб нонга ҳамла қилувчи тошбақалардан чақонлик қилишга интилишарди.

Аммо қадимий пойтахтда ҳамма нарса ҳам патриархал кўринишида эмасди. Биз шаҳарнинг осори-антиқалари билан танишиб бўлгач, сокин кўчалар бўйлаб овқатланиш учун «Нара-отель»га жўнадик. Автобус ойнасидан қараб борар эканмиз, анчагина жойга қалин қилиб сим тутиб қўйилғанини кўрдик. Сим девор орқасида икки қаватли ёғоч уйлар бор эди.

— Улар нима?

— Бу ерда америкаликлар туришади. Нара шаҳрида Америка базаси бор. Улар Нарани ўз солдат ва офицерларига дам оладиган жойга айлантиришмоқчи,— деб жавоб берди таржимон аёл.

— Қадимий пойтахtingизни-я?

— Бу ер тинч, осоиишта. Бошқа жойларга қараганда ҳавоси яхши, қуруқ. Уларга бошқасининг кераги ҳам ийқ. Бизнинг муқадас жойларимиэни вайрон этиш, оёқ ости қилиш улар учун ҳеч гап эмас. Аммо Нара халқи бунга қарши қураш олиб боряпти.

Биз Нарадан Киото шаҳрига жўнадик. Автобусимиз отелга етиб борганда соат тўртлар әди. Меҳмонларга япон мактаб болалари гуллар тақдим этишди.

Шу пайт Вада келиб:

— Осакага ана шу автобус билан борсак яхши бўларди. Поезд билан борганда кечқурун етиб борамиз. Эртага у ердан самолётда Котига учишимиз керак,— деди.

Мамлакатнинг кечки ҳаётини томоша қилиш учун автобус билан жўнашга қарор қилдик. Ҳақиқатан ҳам кечки Япония ажиб бир кўриниш касб этар экан. Деконлар даласида қарам тупларини санашар, болалар дарё қирғонида балиқ тутишар әди. Сувда ботаётган қуёшнинг қизғиши нурлари жилоланаар, уйлар олдида, тротуарларда қизчалар коптоқ ўйнашарди. Бир одам ўз уйи олдида, пастаккина курсичада газета ўқиб ўтиради. Унинг иш куни тугаган, чарчаган, аммо дунёда бўллаётган гаплардан хабардор

бўлгиси келарди. У әллик иенга бутун дунёни сотиб олиб, қўлида ушлаб турарди. Велосипедчи охирги юкини олиб келар экан, оёқлари велосипед педалларини чаққон-чаққон айлантиради. У чап қўли билан рулни тутиб борар, ўнг қўли билан чўнтағидаги майда пулларини олиб санаб қўрарди. Унинг ёнидан автомобиллар ўтиб борар, светофор липиллаб ёнар, аммо у ҳеч нарсага эътибор бермай, пулини санаш билан овора эди. Бугун қанча пул топганини билмоқчи эди-да! Шундай қилиб, бўшгина автобусда Осакага ҳам етиб келдик. Машинадан тушдик-да, шофёрга пул узатдик. У бош иргаб, олмаслигини айтди.)

— Орқага қайтишда пул олишга ҳаққим йўқ.

— Нега әнди?

— Орқага қайтишда пассажирлар бўлиши кўэда тутилмаган.

— Ахир биз келдик-ку!

— Сизлар менга илтифот кўрсатдингиз, бу билан сизларга хизмат қилиш шарафига мұяссар бўлдим.

## Уфқда тайфун

Кун бўйи иссиқ, димда саёҳат қилгач, ванинага тушиб, терлаб, чанг-тўзон бўлиб кетган юз-кўзингни, баданларингни кирдан тозалашдан кўра роҳат иш бўлмаса керак. Шунда бирдан эшиқ тақиллаб қолди.

— Киринг.

Хонага Вада билан делегациямиз котиби Сергей Харин кириб келди.

— Дам олмоқчимисиз?

— Ҳа.

Харин билан Вада бир-бирларига қараб олишди. Харин газетани ёзи.

— Мана бу ердаги инфомацияни кўринг. Эртага биз боришимиз керак бўлган Сикоку ороли томонга кучли тайфун келаётган эмиш.

— Ахир биз бор-йўги бир соатгина учамиз-ку.

— Бутун самолётлар рейсдан олинган. Етиб борамиз десак, тўққиз яримда ўтадиган поездга чиқишимиз керак.

Биз кечқурун соат тўққизда пастга тушиб, чамадонларимизни камерохраненияга топширдик. Токиога әнди Осака орқали қайтиб келишимиз керак эди.

Аммо катта ёшли дўстимиз Изабелла Блюм йўқ, у нар-

саларини йифиштираётганди. Эрта-кеч бирга юрган, мўмин-қобил полициячи соқчимиз Ямумото ҳам йўқ эди. У бўш вақтдан Фойдаланиб, сочини олдиргани кетганди. Жўнашимиздан эса хабари бўлмаганди. Соатга қарасак, соат тўққизу ўн беш минут.

Вада:

— Вокзалга қадар беш минутли йўл,— деди.

Сочини олдириб, атир септириб бўлган Ямумото ҳам етиб келди. У чамадонини олиб келиш учун номерига юурди. Соат тўққизу йигирма минутда таржимон билан бирга юқоридан Изабелла Блюм тушди. Эшик олдида биргина машина туради. Етти киши битта машинага чиқиб олиб соат тўққизу йигирма беш минутда вокзалга етиб келдик.

Шунда бирдан Изабелла Блюмнинг:

— Чамадонлар?!— деган овозини әшишиб қолдик. Таржимон унинг чамадонларини меҳмонхонада қолдириб кела-вериби.

— Жўнайверинг, жўнайверинг,— деди таржимон,— ча-мадонларингиз Коти шаҳрида пойлаб туради.

Зинадан зинага сакраб перронга югуриб боряпмиз. Шунда Вада поезд қайси йўлда турганини эсидан чиқариб қўйди, йўл-йўлакай сўраб билиб олдик. Ҳуштак овози әши-тилди, вагонга сакраб чиқиб олдик. Чиқиб олишимиз билан пневматик эшиклар ёпилди. Вагон деярли тўла экан. Иккинчи класс вагонларн қандай эканини ҳам кўрдик. Ўтириш ноқулай, тахта скамейкалар экан. Хира чироқ, йў-ловчилар тартибсиз ҳолда хоҳлаган жойига ўтираверар экан. Енимда ўтирган бир одам чўнтағидан пуфлама ёстиқ-часини олди-да, бошига қўйиб кўзини юмди. Поезд жуда кўп тўхтаркан. Вагон борган сарі одам билан тўлиб бора-ди. Скамейкаларда бўш жой йўқ. Кейинроқ чиққанлар шундайгина йўлга ўтириб олиб, китоб ўқишга тушишарди.

Вада вагондан чиқди-да, кичик-кичик шишаchalар билан қайтиб келди—уларда илиқ кофе бор экан.

Уйқу босиб кетяпти-ю, аммо бошингни қўярга жой йўқ. Ташқари қоронги, туман орасидан чироқларнинг сар-ғиши нурлари липиллаб ўтиб туради. Ана шу аҳволда беш соатча йўл босдик. Вагон силкинар, улар билан баравар йўловчилар ҳам тебраниб боришарди. Поезд кечаси соат учда Япония ичидаги денгиз қирғоғига жойлашган Уно станциясида тўхтади. Шу ердан пароходга ўтиришимиз ке-рак эди. Пассажирлар бараварига туриб, бетон туннелга қараб югуришди. Ана шу ерда қўлига сумка, сават, тугун

кўтарган одамларнинг ҳаммасини кўриш мумкин эди. Еш болали хотинлар ҳам жуда кўп эди. Мана бир аёлнинг қўлида бир неча сумка, бир қўлида ёш бола, ёнида зиналардан амаллаб сакраб-сакраб чиқиб бораётган бола. Уларни бошқалар қувиб етиб, туртиб-суртиб ўтиб боришяпти. Аёл чеҳрасида қўрқув-сергаклик аломати, у ёнида келяпган боласига тез-тез қараб, унга нималарни дир гапириб қўярди. **Харин ҳалиги болани қўлига кўтариб олган** эди, аёлнинг кўнгли тинчиб, юришини тезлашиди.

Пароходда ҳам одам кўп. Пароходнинг чап, шабада эсиб турган борти томонидан жой олдик. Денгиз чайқалиб, кемага сув тўлқинлари урилар, ҳар замонда кўтарилган шамол димликни ўзи билан олиб кетар эди. Пароход йўлга тушди. Йўловчилар тинчиб, кўпларини уйқу боса бошлади. Устига эскирган костюм кийган, соchlари оқара бошлаган бир япон пиво ичиб, бизнинг эринчоқлик билан қилаётган суҳбатимизга қулоқ солиб борарди. Бир оздан кейин у:

- Руслармисиз? — деб сўради.
- Топдингиз. Сиз ўзингиз-чи?
- Суҳбатдошимиз қулиб қўйди.
- Үрмон саноатида ишлайман. Савдогарман.
- Кимга нарса сотасиз?
- Жанубий Америкага. Нью-Йоркка ҳам.
- Ёғочлар ўзингизникими, Японияникими?
- Йўқ Филиппиндан, Манилодан сотоволаман.— У бизга визит карточкасини кўрсатди.— Импортер Ихизаemon Васикава, Осакада тураман. У ерда ёғочни қайта ишлайдиган фабрикам бор.
- Биз билан ҳам савдо муносабатлари олиб бормайсизми?
- Жуда яхши бўларди. Шу лайтга қадар дипломатик ва савдо муносабатлари йўқлиги жуда ёмон бўляпти-да. Ахир биз қўшнилармиз-ку...
- Яқин орада бундай муносабат ўрнатилади, деб ишонамиз.
- Қани энди тезроқ ўрнатила қолса... Айтинг-чи, таклифлар билан қаерга мурожаат қиласа бўларкин?
- Пароходнинг юриши секинлади. Траплар қўйилди. Пассажирлар поезддан яхшироқ жойни эгаллаш учун яна ўзларини туннелга уришди. Емғир шиваламоқда. Шамолдан кўзни очиш қийин. **Ҳозир чиққан вагонимиз аввалгисидан ҳам ҳароб бўлиб, ойналари ҳам ёпилмас экан.** Вагон ичидаги

шамол гувиллайди. Поезд йўлга тушди. Ён-веримиздаги-  
ларни яхшилаб кўролмасданоқ ухлаб қолдик.

## Доктор Сакамото шафтолилари

Бундай уйқусираб, мудраб қанча юрганимизни аниқ ай-  
тиш қийин. Бир кичик станцияга борганимизда, аллаким-  
нинг чақирганидан уйғониб кетдик.

— Улар бу ерда, олдиндаги скамейкада,— деб жавоб  
берди проводник дўриллаб.

Вагонга қора костюм кийиб, галстугини ўхшатиб боғла-  
ган бир одам кириб келди. Вада:

— Жаноб Сакамото! — деди ва бизларга мурожаат қи-  
либ қўшиб қўйди.— Япония парламентининг вакили, док-  
тор Сакамото.

Биз уйқусираган, қизариб кетган кўзларимиэни ишқа-  
лаб, доктор билан кўришдик. Доктор Сакамото бизни ку-  
тиб олиш учун шу станцияга қадар келибди.

— Тайфун учун кечирасизлар,— деди доктор қулиб ту-  
риб,— қайтаришга ҳаракат қилдик, аммо уддасидан чиқол-  
мадик.

Поезд йўлга тушди. Ташқаридаги ёмгир ва шамол пар-  
даси ортида тонг отаётгани ғира-шира кўриниб турарди. Шамол дараҳтларни синдирав, шоҳ-шаббаларни учирив  
юар эди. Икки томонда тоғлар ғамгин қад кўтариб турарди. Бир станцияда поезд анча-мунча туриб қолди. Де-  
легациямиз аъзоси доктор Владимир Ермаков билан док-  
тор Сакамото сил касалини даволаш бўйича суҳбат  
бошлишган эди, суҳбат тўхтаб қолди. Чунки Сакамото вагондан тушиб кетганча, анчадан кейин қайтиб келди.  
Унинг қўлида шафтоли солинган яшик бор эди.

— Сизларни хафа қилишга тўғри келади, биз дарадан  
чиқиша тўхтаб қолдик. Бу Ава-Кавагучи станцияси.  
Вивескадан ҳам билсангиз бўлади. Поездимизни тайфун  
туфайли очиқ жойга чиқаришдан қўрқишияпти, дарёдан ўта-  
ётганда кўприк-мўприк устида ағдариб юбориши мумкин.  
Бу йўлни бетон труба деб атashади. Бу ерда поездлар юзга  
яқин туннелдан ўтади. Туннеллар орасида очиқ, ёруг ту-  
шадиган жойлар ҳам бор. Шунинг учун ҳам ҳозирча шу  
ерда мана бу шафтолиларни еб ўтира турамиз,— деди  
Сакамото ва яшикдаги шафтолиларни олдимишга қўйди.—  
Шафтоли фойдали нарса. Уйқунгиз келяпти, шундайми?

Бир-иккита шафтолидан есангиз, уйқунгиз ўчади қўяди.  
Еб қўринг.

Ҳақиқатан, жуда яхши шафтоли экан. Япония ўзининг олчалари билан машҳур бўлса ҳам, менимча, бу оролнинг мевалари ичиде энг ширини шафтоли бўлса керак. Одамларимиздан биттаси суҳбатдошимизга япон олчасининг ажойиблигини айтганда, у бир йўталиб олиб:

— Тўғри, олчамиз жуда ажойиб. Биз унинг оч-қизғиш, ниҳол рангини жуда яхши кўрамиз, аммо мазасига келгайда бир нима деб бўлмайди.

Бу гапнинг мазмуни бир қадар мавҳум эди; буни биз кейинчалик тушуниб олдик, маълум бўлишича, японлар бу олчаларни деярли ейишмас экан. Биз биттадан, кейин яна биттадан шафтоли ейишга тушдик... Поезд ҳали ҳам қимир этмай турарди. Сакамото вагондагиларнинг ҳаммасига шафтолидан улашиб чиқди.

Одамларга шафтоли узатар экан:

— Фойдаси бор,— деб қўярди.

Сакамото вагондаги шабададан қулогим оғрий бошлагани учун дам-бадам қулогимни ушлаб қўяётганимни кўриб:

— Яна битта енг. Агар ёрдам бермаса, Котига борганимизда дори бераман, икки таблетка ичсангиз, оғригиниң таққа тўхтатади қўяди,— деди.

Поезд ҳали ҳам турганича турибди. Ўтиравериб ҷарчаганимиздан кейин вагондан чиқиб, кичик перронга—станциянинг ёғоч айвончасига ўтдик. Ҷаранинг пастида шўх дарё тошдан тошга урилиб, ҳайқиради. Қоядан тушаётган сув эса шаршарага айланиб, атрофга сочиларди. Қўриниш унчалик кўнгилли бўлмаганидан, вагонга қайтиб кирдик. Аммо Сакамото кўп ўтирољмади. У яна чиқиб кетди. У аввалгидек қувноқ кўринсада, ҳазил-ҳузвул гапининг тагидан ташвишланиш оҳангиси сезилиб турарди.

— Зарари йўқ, бизни кутиб турсади. Биз борйиги уч соатгина кеч қоляпмиз. Нагасаки конференциясининг натижаларига бағишлиган митинг соат ўн иккига белгиланган. Сал кейинга суришади қўяди,— деди доктор.

Шунда тўсатдан поезд юриб қолди. Мана у бир станциядан, сўнг иккинчисидан ўтди. Шўх дарё устидаги жимжима кўприкдан ҳам ўтиб олди. Туннеллар липиллаб ўта бошлади. Шафтолини еб тугатдик, шундан кейин ҳаммамиз, ҳатто Сакамотонинг ўзи ҳам уйқуга кетди.

Ҳаммамиз вагонга тушиб турган қуёш нурининг харо-

ратидан уйғониб кетдик. Соат ўн иккилар бўлиб қолғанди. Ўнг томонда сап-сариқ бўтана сувли дарё ёйилиб оқарди. Тахта, ёғоч парчалари чирпирак бўлиб айланиб, қалқиб бораарди. Дарё лабида қора плаш, кенг соябонли шляпа кийган одамлар қўлларида узун-узун таёқ ушлаб туришарди. Таёқ учидаги туроғи бўлиб, сувда кўринган балиқларни ана шу туроғи билан илишарди. Дарё суви камайиб асли ўзан бўйлаб оқа бошлагач, сув тагида қолган, бўронда пайҳон бўлган шолипоялар кўриниб турарди. Шолипояларда деҳқонлар икки букилиб йиқилган шолиларини қайта тиклаб юришар, шамол илдиж-пилдизи билан қўпориб ташлаган шоли тупларини қўлларига олиб ачиниб тикилишарди.

Бир кичик станцияда одамлар плакатлар кўтариб туришарди.

— Сизларни кутиб олишяпти,— деди Сакамото.— Юринглар, олдиларига чиқайлик.

Биз перронга тушдик. Қўлида думи беш метрча кела-диган хўро зўги кўтариб турган бир япон:

— Салом, совет кишилари!— деди.

Ҳаммамиз саломлашдик.

Биз хўро зўги қизиқиб қолиб:

— Буни нега олиб келдингиз?— деб сўрадик.

Кўринишича, Сакамото худди ана шу савонни кутиб турган экан:

— Сизларни хурсанд бўлинглар, бир ҳайрон қолди-райлик дейишганда,— деди.

Поезд аста-секин тўқирлаб, яна йўлга тушди.

## Коти шаҳри

Перронда тепаси қизил фуражка кийган станция бошлиғидан бўлак одам йўқ экан.

— Битта илтимосимиз бор,— дедик докторга,— юви-ниб, бир соатча ухлаб олсан.

— Ҳа, майли, майли,— деди Сакамото ғалатироқ илжайиб.

Биз станциянинг кичиккина залидан вокзалнинг иккичи томонига ўтиб, жуда ҳайрон бўлиб қолдик. Чунки майдонда анча-мунча одамлар байроқлар, плакатлар кўтариб туришарди. Тўсатдан ҳавода таниш куй янгради. «Ҳа, бу

ахир Совет Иттифоқи гимни-ку!» Уни япон тилида ижро этишяпти, холос.

Юракдан олқишилашлар. Гуллар.

Қүёш увада булатлар орқасидан гоҳ кўриниб, гоҳ яна гойиб бўларди. Қуёш нурида иморатлар, кичик-кичик магазинлар ялтираб турарди. Биз шаҳар кўчалари бўйлаб машинада меҳмонхонага борар эканмиз, биздан икки юз метрлар чамаси олдинда борувчи машинада шаҳарликларга совет делегатлари келишгани ва кечқурун спорт бассейнида митинг бўлишини эълон қилиб боришарди.

Иигирма минутдан кейин театр биносига етиб бордик. Атом ва водород бомбаларини тақиқлаш Комитетининг етмиш етти ёшли раиси — мўйсафид Оиси минбар олдига бориши билан митинг қатнашчилари қўлларидаги кабутарларни қўйиб юборишиди. Хиросима ва Нагасакида ҳалок бўлганларни ёслаш учун ҳамма ўрнидан турди. Зал сув қўйгандек тинч, фақат театр шифтидаги кабутарларнинг фув-фувигина эшитилиб турарди.

Оиси гап бошлаб:

— Ҳозирги кунимиэнинг асосий масаласи атом ва водород бомбаларини тақиқлашdir. Совет парламенти япон парламентининг мурожаатини қабул қилид ва Англия ҳамда Америка Қўшма Штатлари парламентларига атом ва водород бомбаларини ишлаб чиқармаслик бўйича битим тузишини таклиф этиб, мурожаат қилид. Бу ажойиб, олижаноб ишдир. Биз ҳаммамиз бирлашиб ҳаракат қилишимиз керак,— деди.

Митинг жуда жонли давом этарди. Томоша залидан президиумга кетма-кет саволлар беришарда.

Нагасаки конференцияси қарорини қўллаб-қувватловчи резолюция яқдиллик билан, бир овоздан қабул қилинди.

Митингдан кейин шаҳар мэри Масуми Монзубуси олдимиизга келиб:

— Совет делегацияси шарафига ўтказилувчи кичиккина қабул маросимиға қатнашишингизни илтимос қиласмиш. Қабул шу ерда, мактаб биносида бўлади,— деди.

Мактабга келдик.

— Бир оз кутишимизга тўғри келади.— Тайёргарлик ҳозир тугайди,— деди мэр мактаб директори кабинетига кирганимизда.— Сизлар билан собиқ ҳарбий асиrlар учрашишмоқчи.

— Қандай ҳарбий асиrlар?

— Сизларнинг... Бир сўз билан айтганда, сизларнинг қўлингизга тушган япон асир солдатлари.

— Яхши, улар билан жон деб учрашамиз.

Хонага бир қанча бақувват, елкадор, офтобда қорайган эркаклар кириб келиб, бараварига:

— Салом!— дейишиб, қўлларини узатишиди.

Биз креслолардан турдик.

— Келганларингиз жуда яхши бўлди. Япон ҳарбий асиrlарига нисбатан яхши муносабатларингизга миннатдорчилик билдиromoқчи эдик,— деди илжайиб турган бир киши.— Мен Тошкент яқинида бўлган эдим.

— Мен Читага яқин ерда,— деб қўшиб қўйди иккинчи киши.

— Мен Хабаровск яқинида,— деди учинчи бир илжаиб тургани.— Бизларни асир олганларингиз учун эмас, балки бизларга яхши муносабатда бўлганларингиз учун миннатдормиз. Ўзларингда етишмовчилик бўлиб турган ўшандай бир даврда бизларни боқиб, яхши муносабатда бўлдинглар, буни эсдан чиқармаймиз.

— Кичик бир совгамизни қабул қилинглар, буни биз ўзимиз ясадик,— деди биринчи бўлиб гапирган киши қўлимизга картон қути узатар экан. Унинг ичидаги чиройли қилиб ишланган қўғирчоқ бор экан.

— Сизларнинг мамлакатингизга яна боргимиз бор,— деди бир новчаси.

— Марҳамат, боринглар, лекин фақат меҳмон бўлиб.

— Жуда ҳам боргимиз бор. Мен рус тилини әсимдан чиқара бошладим.

— Биз тилни асирикда әмас, балки яхши шароитда ўрганиш тарафдоримиз.

Японлар кулиб юборишиди.

— Албатта, албатта! Биз ҳам худди ана шунинг тарафдоримиз.

Японлар эшик томонга юришиди. Шунда улардан биттаси тўсатдан орқасига қайтиб:

— Ўртоқлар,— деди у,— майор Петровга посилка, яъни совга олиб кетолмайсизларми?

— У қаерда турарди?

— Ҳозир билмайман.

Ҳамма узунасига қўйилган стол атрофига ўтиргандан кейин, қўшиқ бошланди.

Бу «Катюша» қўшиғи әди. Биз Японияда юарар эканмиз, бу қўшиққа ўрганиб қолдик. Шу сабабли ҳам бу қўшиқнинг

Сикоку оролигача етиб келганидан ҳайрон ҳам бўлмадик.  
Масуми Монзубуси қадаҳ кўтариб:

— Совет ва Япон халқлари ўртасидаги тинчлик ва дўстлик учун! — деди.

Японларнинг олча данагининг мазасини эслатувчи қипқизил виносидан бир қадаҳдан ичдик.

Сочлари оқарган бир асл ўрнидан турди:

— Бугун мен учун жуда қувснчли кун бўлди. Чунки мен етмиш ёшга тўлдим. Совет кишиларини эса мана ҳозир кўриб турибман. Афсуски, америкаликларни ҳаддан ташқари, жуда кўп кўрамиз.

— Бизнинг ҳаёт тарзимиз, системамиз ҳар хил бўлгани билан тез-тез учрашиб турсак ёмон бўлмасди.

— Мен дехқонман, шунинг учун ҳам совет дехқонлари қишлоқ хўжалигини қай тарзда ташкил этгандаригни билишни истардим,— деди бир кичик жуссали озгин киши.

Атрофимизни яна ҳарбий асиrlар ўраб олишди. Улардан бири:

— Мен Совет Иттифоқида Мичуриннинг боғдорчиллик илмини ўрганиб олгандим... Айтинг-чи, минг тўққиз юз әллик еттинчи йили ёзда Москвада бўладиган Дунё ёшлиари фестивали делегацияси составига мичуринчиларни ҳам таклиф этишармикин?

...Кечқурун Коти шаҳрининг беш минг қишилик митинги бўлди. Осакадаги каби бассейн устига тахта ташлаб қўйишиди. Минбар тепасида Япония, Совет Иттифоқи ва Бельгия байроқлари ҳиллираб турарди. Ермаков ва Изабелла Блюм — у Котига кечқурун етиб келди — нутқлари олдидан Совет Иттифоқи ва Бельгия гимнлари ижро этилди. Японча «Наруко» рақсини мазза қилиб томоша қилдик. Рақсда икки юзга яқин болалар ва ҳазо ранг әнгил-бош кийган бир қанча катта кишилар қатнашди. Ҳаммаларининг қўлларида қизил ва кўк шақилдоқлар бор эди. Рақс мазмунни мураккаб әмас, болалар шоли ўрими пайти шақилдоқ билан чумчуқларни қўришади. Улар уч киши-уч кишидан бўлиб, бассейн атрофидан рақс тактига мос равишда бир хил ҳаракатлар билан шақилдоқ шақирлатишиб боришиди. Болалар ичida жуда ёшлари ҳам бўлиб, улар ҳам ҳамма бажаргай ҳаракатларни аниқ ва бир маромда бажаришиди. Рақс ярим соатга яқин давом этди, аммо тамом бўлгач, нега бунчалик тез тамом бўлди деб афсусландик!

Сикоку оролидаги кун шу зайлда тугади.

Доктор Сакамото бизни бир кичик оддий отелга олиб борди.

— Кундузи дам ололмаганларингиз учун мендан роса хафа бўлаётгандирсизлар? — деб сўради у.

Биз унга ҳайрон бўлиб қараб қўйдик. Дарвоқе, ҳаммамиз ҳам бир соатча ухлаб олмоқчи әдик...

## Тайфун ўтиб кетди...

Эрта тонгда деразадан қуёш нурлари тушди. Кўзимни очдим. Ҳа, биз Котида әдик. Дарҳол кечаги, унүтилмас кунни эсладим! Японияда бизнинг қанча-қанча дўстларимиз бор экан! Реакцион газеталар йиллар давомида мамлакатимиз ҳақида бўхтонлар тарқатиб, дўстлигимизга рахна солиб келди! Собиқ ҳарбий асиirlар дейсизми? Жуда иари борса, бизни ҳурмат билан кутиб олишар, деб ўйлагандик. Бу ерда-чи? Бу кишилар қалбига дўстлик ва ишонч уруғлари жуда чуқур илдиз отган экан! Японияга ҳарбий асиirlар тушган пароходлар Совет Иттифоқидан Японияга қайтар экан, реакцион газеталар «сенсацион материаллар» тайёрлаш учун маҳсус журналистлар юборган әди. Аммо бир партия кетидан иккинчиси етиб келар экан, ҳеч қандай сенсация содир бўлмабди, қайтиб келаётгандар мамлакатимиз ҳақида яхши фикрда эканлар. Бу гапларни бизга уларнинг ўzlари ҳикоя қилиб беришди... Шунда мен ажойиб рус қалбига эга бўлган номаълум майор Петров ҳақида ўйлаб кетдим. Унинг Сикоку ороли каби узоқ жойларда ҳам дўстлари бор экан-а!

Меҳмонхонанинг кўм-кўк ҳовлиси машиналар билан тўлди. Бизларни кузатгани келишибди. Доктор Сакамото:

— Ухлаволдингларми? — деб сўради.

Машиналар карвони аэрордrom томон йўл олди. Тайфун ўтиб кетган әди. Шамол ҳам тинди. Кўка бир парча ҳам булат кўринмасди. Аввалларида гидек олдинда усти очиқ машина бораради. Машинада қизил ва кўк байроқлар ҳилпираб турарди. Микрофондан бизга нотаниш дўстимизнинг:

— Биз Совет Иттифоқи ва бельгиялик меҳмонларни кузатяпмиз... — деган овози әшитилиб турарди.

Кичик-кичик дўконлардан Коти аҳолиси кўчаларга чиқиб қўл силкиб қолишарди. Ҳунармандлар бир лаҳза бўлсада гавдаларини ростлаб, бизни олқишлишарди.

Велосипедчилар эса қўл силкиб қўйишарди. Трамвайдаги пассажирлар ойнадан қараб табассум қилишарди.

Шаҳар аҳолиси ҳозир меҳнат билан банд эди. Автомашина ва велосипедларга юк ортилган. Кичкина-кичкина устахоналардан болгаларнинг тақиллагани эшитилиб турарди.

— Меҳмонларимизни кузатяпмиз...

Машиналар елиб борарди. Шаҳар ортда қолиб, дала-лар бошлианди. Бу ерлардан тайфун ўтгани аниқ сезилиб турарди. Деконлар аввалгидек сувга ётиб қолган шолиларни ўнглаб, тиклаб юришарди.

— Биз кузатяпмиз...

Кенг соябонли шляпа кийган, юзлари ажиндор меҳнаткашлар қаддиларини ростлаб бизни кузатиб қолишарди. Нотаниш одамлар билан қўл силтаб хайрлашишга мажбур этувчи куч қандай куч әкан?

Бу йўлдан ярим соатча юрдик.

Коти аэродроми. Кичиккина ёғоч уй, аэрордом майдони — бор-йўги шу. Аэрордом майдонида бизни кўк панамка кийган йигит-қизлар қарши олишибди. Аэрордом яқинида дехонлар шоли ўришарди. Биз улар олдига бордик. Бу ерда Окамине Кенитининг бутун оиласи ишламоқда әкан. Улар билан суҳбатлашдик. Шу яқинда туришар әкан. Оиласаги ҳамма одам ишлаши керак әкан. Бир кампир, чамаси, Окаминенинг онаси бўлса керак — саватда сомон ташиш билан овора эди.

Дехонлар билан, Сикоку оролининг ажойиб ўшлари билан хайрлашдик. Самолёт Осакага қараб йўл олди. Кўкимтири тоглар, дехонларнинг сарғиш-яшил далалари ортда қолди.

Томида Америка байроғи ҳилпираб турган ҳайбатли бинолар олдида жуда кичкина туюлган Осака аэрордоми идорасида Токиога учадиган самолётни бир неча соат кутиб ўтиридик. Залда скамейкалар ва креслолар турарди. Одинда телевизор. Пассажирлар кинохрониканинг сўнгги маҳсулотини томоша қилишмоқда эди. Телевизор экранида вайрон бўлган бинолар, сув ювиб кетган соҳиллар, синган дараҳтлар, ерларда қулаб ётган симёғочлар липиллаб ўтарди. Киноплёнкалар кечаги ўтган тайфунни акс эттиради. Газеталарнинг хабар беришича 22 киши ҳалок бўлиби. 40 киши бедарак йўқолиби. 137 киши жароҳатланиби. Тайфундан 3 мингдан ортиқ уйлар, 500 га яқин кема шикастланиби. Алоқа воситалари бузилиби, Кюсю шаҳри катта зарар кўриби.

Газеталарнинг хабарига қараганда, эндиликда бизга таниш бўлган Сикоку оролига тайфун кучли бўрон ва қаттиқ жала аралаш келибди, у ерда ҳам ўлганлар ва вайрон бўлган жойлар бор экан. Кюсю ороли яқинида бир швед танкери ҳалокатга учрабди, Кагосимо гаванида эса ер ковладиган қурilmали кема чўкиб кетибди. Содосима ороли яқинида эса «Могами мару» балиқчи кемаси ҳалокатга учрабди.

Самолётимиз тез орада аэрордом уэра кўтарилиди. Биз креслоларда икки кун ичида содир бўлган воқеаларни ўйлаб, жимгина ўтирадик.

Орадан қирқ минутлар ўтгач, ёнимга Ямумото келди-да, ойнага ишора қилиб:

— Фудэи, Фудэи,— деди.

Аввалига унинг нима деяётганини тушунмадим. Лекин ойнадан қараган әдим, баланд қорамтири тогни кўриб, гап нимадалигини тушундим. Тоғнинг тепаси худди кесиб ташланганга ўхшарди.

— Фудзияма-ку!— дедим мен.

Ямумото тасдиқлаб, бошини қимиirlатиб қўйди.

Токиога яқинлашиб бормоқда әдик.

## Газета янгиликлари

Мана, биз яна Токиодами. Агар биринчи марта келганимизда Япония пойтахтида бир неча соатгина турган бўлсак, энди ўн кун мобайнинда шаҳар билан атрофлича танишишимиз мумкин бўлади.

Одатда узоқ саёҳатга чиққанингда газеталарга ёпишиб, ўз мамлакатинг ҳақидаги янгиликларни излайсан. Москва газеталарини ўқиб чиқдик-да, Токио газеталари билан таниша бошлидик. Уларда қандай хабарлар босилганий-кин? Кўзимиз «Қизилларнинг биринчи «Тинч пойтахти» сарлавҳасига тушди. Ҳа, бу Москвада автотранспорт ҳайдовчиларига сигнал бериш ман этилганлиги ҳақидаги мақола-ку! Қани, нима ёзишибдийкин?

«Москва. 22 ичи август. Одамларга лиқ тўла, гавжум кўчаларда ўзларига сигнал ёрдамида йўл очишга ўрганиб қолган Москва шоферларига қаратади: «Бундан бу ёқ сигнал берилмасин» дейилган. Бу ҳол Москвани коммунистик дунёдаги биринчи «типч пойтахт»га айлантиради. Лекин

бу планни Совет Иттилоғида амалда қўллаш мумкинлигига кўплар шубҳаланмоқдалар».

Хорижий мухбирлар исми қайд этилмаган бир такси ҳайдовчисидан махсус «интервью» ҳам олган эканлар. У гёё: «У ерда (Европада А. С.) одамлар ўзларини яхши ва маданиятлироқ тутиб юрадилар. Бу ердагидай ҳар бир одам кўчани хоҳлаган жойидан, қизил чироққа аҳамият бермай ўтавермайди» деган әмиш.

Шу сатрларни ўқир эканман, шовқинсиз ҳаракат жорий қилингандан бир ой олдинроқ шу усулага «кўника» бошлаган ҳайдовчилар билан қилган суҳбатим эсимга тушшиб кетди. Массоветнинг қарори амалга оширилгач, ҳайдовчилар пойтахтдаги меҳнат фаолиятларининг «Янги даври»га шовқинсиз кириб келдилар. Япон газетасининг Москва аҳолиси «қизил чироқнинг фарқига бормайди» дея ёзиши ҳам кулгини қистатарди.

Хўш, Токио газеталарида яна нималар ёзилган? Газета тўлқинлари сермавж турмуш денгизи сатҳига яна нималарни олиб чиқибди?

«Омине тоғи альпинист аёллар учун яна ёпиқлигича қолди.» «Кеча бешта альпинист (улар орасида аёллар ҳам бор эди) тоққа кўтарилимоқчи бўлишди, лекин улар тоққа кўтариладиган бешинчи ўтиш жойида тўхтатилдилар. Хўш, альпинистларни ким тўхтатди? Маҳаллий ёшлар ташкилоти, туристик ассоциация аъзолари ва... йўлда пикетлар ташкил этган ўт ўчирувчилар». Хабарда тушунтириш ҳам берилган: «Диний сабабларга кўра бу тоғ аёллар учун 1300 йил давомида ёпиқ деб эълон қилинган.» Ана холос! 1300 йил эмиш!

Газеталарни варақлашда давом этамиз: ўқитувчилар иш ҳақларини оширилишини талаб этмоқдалар. Солик оловучи чиновниклар 1955-молия йилида 488 марта пора олишда фош этилдилар. Бир йил ичida 20 миллион иен миқдорида растрата қилинганини маълум бўлди. Газетанинг хабар қилишича «растратага қилинган пулларнинг 40 проценти пойгаларга, спиртли ичимликларга ва бошқа майший бузуқликларга ишлатилган. 10 проценти оиласарнинг иқтисодий қийинчилкларини қоплаш учун харжланган».

«Асахи ивнинг ньюос» газетасини варақлаймиз! Кўзга яққол ташланувчи сарлавҳа: «САППОРОДАГИ ҚИЗИЛЛАР «ПОЛИЦИЯ ОДАМЛАР ГАПИГА ЯШИРИНЧА ҚУЛОҚ СОЛМОҚДА»— ДЕБ АЙБЛАМОҚДАЛАР».

«Саппородаги қизиллар» дегани нимаси? Хоккайдодаги Саппоро Коммунистик партиясининг маҳаллий бюроси полицияни бюро жойлашган бино деворларига яширинча қулоқ солиш учун радиоаппарат ўрнатишда айбаган. Аппарат пайқаб қолинган. Полиция икки ярим миля масофага радио тўлқинлари узата олувчи аппарат борлигидан хабардорларгини инкор этган. Полиция баёнотига кўра, аппарат деворда ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолган эмиш...

Бизни мамлакат ҳақида атрофлича тасаввурга эга қилувчи ҳамма нарса қизиқтиради. Ҳалқ ва биз бир неча бор учрашган, лекин баҳтга қарши ҳар доим ҳам юракдан ва батафсил гаплашишга имкон бўлавермаган одамлар турмushi ҳандай бўлсайкин? Газетани варақлашда давом этамиз. Мана, аллақандай нотаниш Хессель Тилманнинг мақоласи. «ГУЛЛАДЁТГАН ЯПОНИЯ ҚАНДАЙ ГУЛЛАМОҚДА?» (қўштироқ бизникимас.— А. С.) Мақолада бундай дейилади: «Саноатда ишловчи барча ишчиларнинг ярми ойига 12 минг иенгача иш ҳақи оладилар, узоқ вақт ресторанлар ва барларда ишлаган бевалар етти мингдан саккиз минг иенгача...

Ҳатто йирик компания хизматчилари ва актёрлар орасида турмуш даражаси урушдан аввалгидан ҳам паст деган фикр бор.

Мақола автори давом этиб: «Давлат субсидияси билан қурилган янги уй-жойларнинг бир ойлик ҳақи 4 минг иен,— дейди.— Бу эса, қарамоғида хотини ҳамда учта боласи бор, ойига 12 минг иен маош олувчи одам учун оғирлиқ қиласи.»

«Бу рақам,— деб ёзади автор,— япон стандартларига қараганда паст эмас. Чунки 660 минг оила ўз даромадларини 11-12 минг иен — стандарт даражага етказишлари учун давлат ёрдамига муҳтожлар. Бу стандарт, расмий ҳисоб-китобларга қараганда катта шаҳарда яшовчи беш кишидан иборат оиланинг турмуш кечириши учун зарур.» Автор холоса ясаб: «Японияда кўп миллионли кишилар ҳали ёмон иқтисодий аҳволда яшамоқдалар»,— дейди.

## Тўпларми ёки нибуфарлар

Японияда июль ойи иссиқ ой саналади. Август эса, ундан ҳам иссиқ. Кимда ким курортли жойларга ёки шунчаки қишлоққа бориш имкониятига эга бўлса, ўйлаб ўтири-

май шаҳарлардан ташқарига чиқиб кетади. Бундай имканияти бўлмаганлар эса, вентилятор шабадасидан баҳра олиш билан кифояланадилар. Агар, вентиляторга ҳам етишиш мушкул бўлса, хонанинг ичига ҳўл матоларни осиб қўйишга тўғри келади. Ҳарқалай салқини уради-да. Август ойида нилуфар гуллайди. Айтишларича, тонг сукунатида нилуфар гунчаси очила бошлагандан аллақандай гайри табиий овоз эшитилармиш.

— Бу овоз нимани эслатади? — сўрадим мен нилуфар фунчасининг очилганини ўз кўзим блан кўролмагач.

— Ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Нилуфар бу нилуфар-да! — деб жавоб берди дўстимиз Вада. Японияда жуда эъзозлаб тилга олинувчи бу чиройли гул ўсувчи плантацияларни кузатиш билангина чекланиб қолишига тўғри келди. Август ойининг охирларида нилуфар гули шарафига катта халқ сайиллари ўтказилар экан.

Бир куни дўстларим мендан сўраб қолиши:

— Камакура ҳақида нима дейсиэ?

Мен Камакура ҳақида ҳеч нарса дёёлмасдим. Чунки унинг нима эканлигини ҳам билмасдим. Аммо ҳамсуҳбатимни нодонлигим билан хафа қилишдан чўчиб, ғудурлаб қўйдим:

— Уми... Жуда зўр-да...

— Якшанба куни у ёққа боришини истамайсизми?

— Нега энди албатта якшанбада?

— Якшанба куни у ерда одам кўп бўлади.

Ортиқча савол беришни ўзимга эп билмай, рози бўла қолдим. Кейин, аста-секин Камакуранинг нима эканлигини билиб олдим. У Тинч океан қирғофида, Токиодан саксон километрлар чамаси нарида жойлашган кичкинагина шаҳарча бўлиб, пойтакт ва бошқа яқин шаҳарчалардаги кишиларнинг энг севимли дам олиш жойлари экан.

Якшанба куни эрта тонгда биз Камакура томон йўл олдик. Бегим кунларда сершовқин бўлувчи Токио деярли бўшаб қолган эди. Ғақат кўча бўйлаб катта тезликда ела-ётган яккам-дуккам машиналаргина учарди холос. Эҳтимол, мен ўша тонгда кўчаларда одам кам эканлигига кўргандан кейингина Токионинг нақадар улкан шаҳар эканлигини сезгандирман. Бир-бирига жипслалиб кетган мўъжазгина уйлар кўчаларда тизилиб туарди. Кун серқоёш, аммо одамни димиқтирмайди. Шаҳардан чиқаверишда ҳайдовчи шартта машинани тўхтатди. Ўиг томоиҷизда артиллерия ҳарбий қисми чўзилиб кетганди. Тўплар ёни-

да, афтидан, «вольно» командаси берилган бўлса керак, паст бўйли солдатлар туришарди. Уларнинг әгниларидағи формалари яп-янги бўлгани учун ўзларига у қадар ёпишмай турарди.

— Бу нима?

— Япон кадр армияси. Формаларига қарайпизми? Янги нусха олиб тикилган. Бу формалар Америка армиясинидан. Қуроллари ҳам Американики. Армия барпо этишга мажбур этганлар ҳам ўша америкаликлар...

Токио чеккасига чиққач, қаршимизда саноқсиз трубаларни кўрдик. Якшанба куни бўлишига қарамай, уларнинг кўпидан тутун буруқсириди.

— Кавасакининг четидаги саноат райони бу. Бу ерда «Кавасаки» деб номланган машхур балиқ овлаш кемалари ишлаб чиқарилади. Айтганча, Япония ҳозир дунёда энг қудратли кема ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан биридир. Фақат енгил кемаларгина эмас, кўп юк сиғувчи кемалар ҳам ишлаб чиқариладиган мамлакат.

Машина яна тонгда одам кам бўлувчи унча катта бўлмаган шаҳарчага кириб борди.

— Йокагама. Портга боришни истайпизми?

— Албаттai

Шовқинли оқим ёқалаб қўлтиққа бордик. Узоқдан маёқ, ишламаётган кўтарма кранлар, бир неча пароход кўринарди. Олисдаги соҳиллар туман пардаси орасидан элас-элас кўзга чалинмоқда. Ҳамроҳларимдан бири океан қирғофида кўринаётган ям-яшил дараҳтларга ишора қилиб деди:

— Бонни кўряпизми? Йокагама шаҳрининг парки бу. Жуда чиройли жой. Бу ерлик аҳоли жуда яхши кўради у ерни. Парк ҳозир ёпиқ. Унда америкаликлар ўз солдат ва офицерлари учун клуб қуришяпти.

Энсиэгина чиройли йўл орқали Тинч океан қирғофи ёқалаб боряпмиз. Дам-бадам ранг-баранг чўмилиш костюмлари, пастак тахта дўконлар ва уларга осиб қўйилган чўмилишда ишлатиладиган пўнак доиралар кўзга ташланади...

— Камакура,— деди ҳамроҳим. Кенг, бошдан-оёқ сув ўтлари билан қопланган соҳилни томоша қиласр экан,— тайфун бу ерларни ҳам остин-устин қилиб ташлабди.

Чўмилаётганлар ҳали унча кўп эмас эди. Қирғоқ бўйлаб устларига сув ўти ёпиб олган тўда-тўда болалар чопиб

юришибди. Қизлар бўлса ҳўл қумдан турли уйчалар, сарайлар, миноралар қуришарди.

— Ёлканли қайиқ олиб океанда сайр қиласизни?

— Бўпти, сайр қилганимиз бўлсин.

Чанқасак ермиз деб иккита тарвуз олиб, унча катта бўлмаган қайиқни ёлладик-да, қирғоқдан океан ичкарисига йўналдик. Қайиқни ўн беш ёшлар чамасидаги бола бошқариб бораради. Ёлканлар шамолдан қаппайди. Қайиғимиз бир-икки қийшайди-ю, кейин тўғрилангач, нари сузуб кетди. Бу ердан, сув ўртасидан қирғоқ ниҳоятда чиройли кўринарди. Жўн, ранг-баранг чўмилиш костюмлари, катта гулдор зонtlар шамолда тебраниб қирғоқни худди рангин бўёқлар ярмаркасига ўхшатиб юборганди. Қирғоқ узра шамол таъсирида лапанглаётган қандайдир катта бир нарса кўринарди.

— Нима у?

— «Ман қилинган планета» деб номланган янги америка фильмининг рекламаси. Икки мингинчи йилда одамларнинг Марслами, қандайдир бошқа планетага учishi ҳақидаги фильм.

Узун арқонда осилиб, ҳилпираб турган реклама қандайдир хунук кўринарди.

Биз океанга тўрларини ташлаб қайиқда ўтирган балиқчилар ёнидан сузуб ўтдик. Шундоқ ёнгинамида катта резинка қайиқлар тўлқинда тебраниб туришарди. Бу қайиқларда ёш йигит ва қизлар бир-бирларини ҳазиплашиб сувга итармоқчи бўлишар, оптимиздан алланималар деб қичқириб қолишарди. Ёш штурманимиз эринибгина рулни бошқариб бораради. Унинг қиёфасига қараган одам бундай моҳир денгизчи учун бу қайнини бошқариш шунчаки эрмак бўлса керак, деб ўйларди. Аммо бирдан қайиқ худди фидирагининг дами чиқиб кетган автомобилдек ғижирланган овоз чиқара бошлади. Биз саёз жайга келиб қолган әдик. Шамол эсади. Қайиқ сувни чайқаб юборди. Бир амаллаб қайиғимиэни тўғрилаб олдик. Ҳайдовчимизнинг хавотирланган чеҳраси яна олдингидек бепарво, кинояли тус олди. Енимиздан сузуб ўтаётган резинка қайиқни кузатар экан, у шундай деди:

— Бўлмағур қайиқ. Яқинда худди шунаقا қайиқда саккизта қиз сузуб кетишганди. Бир йигит қайиққа сездирмай яқинлашибди-да, пичоқ билан резинкани тешиб юборибди... Умуман, осон қутулишди, фақат саккизта қиздан иккитаси чўкиб кетди холос...

Биз икки соатлар чамаси сузиг юрдик. Бу орада, қирғоқ одамларга түлиб кетди. Минглаб одамлар: кексалар ҳам, ёшлар ҳам, ҳаммаси океан қирғогига чиқишиган. Қуёш аёвсиз нур сочяпти. Одамлар коптот үйнашарди. Шамолдан турли рангдаги байроқлар ҳилпирайди. Қирғоқ олаговурга түлиб кетди. Ҳамма хушчақчақ, мамнун. Зерикувчи битта ҳам одам топмайсиз. Бояги реклама шамолда хунук лапангламоқда. У худди афти ангори шишиб кетган ичкиликбозни эслатади.

Соат учларда Токиога қайтишим керак әди. Минг афсулар билан Камакурадаги қувноқ пляжни ташлаб кетдим. Машина асфальт йўлдан елиб боради. Нақ ҳали эрталаб япон тўпчилари колоннасини учратган жойимиэда қандайдир маросим ўтиб бормоқда әди. Маросим иштирокчилари кимоно кийиб олишганди. Уларнинг ҳар бири қўлларида гулдаста ва ленталар боғланган ёғоч тутиб борарди. Улар бир овозда ашула айтиб боришарди.

Бу маросим нилуфарга бағищланганми, йўқми, гул ниҳоятда кўп әди — бунисини билмайман. Аммо қатнашчиларнинг ҳаммаси қувноқ. Улар эрталабки қуроллар ёнида тизилиб турган япон солдатларига сирам ўхшашмасди.

## Учрашувлар изсиз ўтмайди

Яқиндагина биз япон адабиётчилари, рассомлари ва артистларини Москвада қабул қилган эдик. Энди бўлса, ўзимиз пастаккина хонтахта атрофига тўшалган юпқа кўропачаларга ўтириб, ёғоч мосламалар билан каштандан тайёрланган аччиқ соусли таомни туширас, ора-чора ажойиб япон пивосидан ичардик. Бизга кимоно кийиб олган бир нечта официант қизлар хизмат қилишарди. Улар меҳмонлар олдига кичкина-кичкина пиёлаларга сунилган янги-янги таомлар келтириб туришарди.

Менинг қаршимда миқтидан келган дўлвор бир киши ўтиради. Бу одам ёзувчи Иsicава әди. У Совет Йттифоқига қилинган сафарда касалга чалиниб қолган делегация раҳбарининг ўрнини босган әди.

Иsicава кулимсирап экан, СССРда бўлган биринчи кунларини, ҳеч нарсага ишонмай, одамлар билан учрашиш, шаҳарни томоша қилишдан воз кечган ҳолда Ленинграддаги «Астория» меҳмонхонаси номерига қамалиб ўтирганини эслади. Кейин муносабати ўзгариб, совет ки-

шиларининг ҳаётига қизиқиб қолибди. Ҳозир ўша машҳур ёзувчи журнал ва газеталарга Совет Иттифоқи ҳақида мақолалар ёзиб, совет кишилари ишсиэлик ва кексаликда ночор турмуш кечиришилкдан халос эканликларини айтмоқда.

Стол теварагида суҳбат қизиб кетди. Таниш одамлар фамилияси, шаҳарлар, театрлар тилга олинди. Мезбонларни улар Москвадан кетгандаридан сўнг қандай янгиликлар рўй бергани қизиқтирарди. Уларнинг ҳаммаси совғалар — жажжи қўйирчоқлар, кулдонлар билан келишганди... Совгалар анчагина эди. Биз Токиодан Москвага олиб кеттиладиган юкими юна оғирлашганини эслаб, хўрсиниб қўярдик. Мезбонлар эса, ҳамон биздан совгаларни Москвадаги ёзувчилар, артистлар, жамоат арбобларига бериб қўйишимизни илтимос қилишдан тўхташмасди...

Учрашув охирида СССРга қилган саёҳатларида қўлидан киноаппарат қўймаган талантли япон раққоси ва балетмейстри Ҳанаяги деворга чоғроқ оқ чойшаб ёзиб чироқни ўчирди. Дераза ортидаги фавворалар шовиллашига киноаппаратнинг бир меъёрда шифиллаш овози кўшилиб кетди. Экрандан Москва кадрлари ўта бошлади. Мана, Кремль... Ана, ҳозир ёнимизда ўтирган одамлар. Ўзига хос бу репортажнинг бадиий сифати у қадар мукаммал бўлмасада, официанткалар хизматларини унутиб, экрандан ўтаётган бирорта ҳам кадрни кўролмай қолмаслик учун турган ерларида қимирламасдилар. Фильм гўё овозлидай эди, чунки ҳар бир эпизодда қисқа-қисқа луқмалар ташланиб турад, кулги эшитиларди.

...Биз «Япония — Совет Иттифоқи» жамияти аъзоларининг мажлисида қатнашдик. Ёш бир журналист аёл нутқ сўзлади:

— Совет аёллари әркаклар билан тенг ҳуқуққа эгалар. Қарийб ҳамма студентлар стипендия олишади. Совет Иттифоқида кўплаб ясли ва болалар боғчалари, икки мингга яқин пионер саройлари бор. Мен олти юз мактаб ўқувчилиси дам олаётган лагерда бўлдим. Болалар у ерда жудаям яхши шароитда яшар эканлар...

Биз томоша залида ўтириб ана шу соддагина сўзларни тинглардик. Шу пайт бирдан залда қаттиқ кулги эшитилиб қолди. Мен таржимондан нима гап, деб сўрадим.

— Нотиқ аёл, Совет Ҳукумати аввал болалар, сўнгра аёллар ва энг охирида әркаклар ҳақида ғамхўрлик қила-

ди, деялти. Бунда тенгсизлик бор,— деди кулиб туриб таржимон.

Нотиқ аёл гапида давом этди:

— Совет оналари ҳам агар болалари мактабдан икки баҳо олиб қайтсалар бизга ўхшаб йиглар эканлар. Театрларга кирганимизда Москва аёллари Токио аёлларига ўхшашларини кўрдик. Улар ҳам бизга ўхшаб бир-бирларининг кийимларига қизиқиб қарап эканлар...

Токиода бўлган яна кўплаб учрашувларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди. Лекин бу учрашувлардан умумий холоса чиқарар эканмиз, бир-бirimiznikiiga меҳмон бўлиб борайлик, суҳбатлашайлик, тез-тез дийдор кўришайлик, санъатимиз, адабиётимиз билан танишайлик, дейиш мумкин. Бу бир халқ иккинчи халқни билиб олишига ёрдамлашади.

Япон актрисаси Симиидзу бундай деди:

— Совет Иттифоқидан қайтганимга бир ой бўлди. Ҳар куни туш кўряпман. Тўғрисини айтсам, тушимга аксари Совет Иттифоқи кириб чиқяпти. Уйимдагилар кулишиб, оббо айёр-эй, Совет Иттифоқида бўлиш муддатингни оширяпсан-а, дейишади.

### Профессор Ояманинг беваси ҳузуринда

«Япония — Совет Иттифоқи» жамияти активистлари билан бўлган бир суҳбатда паст бўйли, қора кўзлари мулоим боқувчи кекса аёл сўз олди. У майин овоэда гапиради:

— Бугун гапиришга бир оз қийналяпман, огирилик қиласпти. Мен яқиндагина эрим икковимизни қабул қилган одамларни кўриб турибман. Москвага қилган сафарим бир умр эсдалик бўлиб қолади. Биз у ерда самимий одамгарчilikни кўрдик. Сизларга қараб туриб бизларни чин юракдан қабул қилганларини эслаяпман. Сизлар умуминсоният манфаати йўлида катта вазифаларни бажардинглар. Сизларга қўшилган ҳолда биз ер юзида ёмонлик тантана қилмаслиги учун катта ишлар бажаришимиз зарур.

Бу аёл яқинда вафот этган профессор Ояманинг беваси эди. Бу аёлнинг қўзлари қандайдир ёқимли, ёрқин, лекин маъюс боқарди.

Ҳайрлаша туриб у бундай деди:

— Меникига бир борсанглар, гоятда мамнун бўлардим.

...Ёмгир шивалаб, йўловчилар соябонларини тўсиб олдилар. Токио кўчалари бўйлаб кетмоқда эдик. Кўчаларнинг биридаги тиканли сим олдида одамлар тўпланишиб туришарди. Тиканли сим ортида бир неча вертолётлар кўриниб турибди. Вертолётлар ёнида дағал ботинкалар кийган, фуражкаларини бостириб олган Америка офицерлари қўлларида секундомер ушлаб турардилар. Улардан бири мотор овоздарини босишга ҳаракат қилиб, нимадир деб бақиради. Бу ерда американалик солдатларга таълим бериларди.

Эшикни Ояма хоним очди.

Кичкина хоналарга бошдаи-ёёқ расмлар осбл ташланганди. Ҳаддан ташқари кўп портретлар. Аксари Европа услубида чизилган. Ояма хоним бизни меҳмонхонадан ётоқхонага бошлаб кирди. У ердаги хоним каравоти ёнида урна туради. Урна устида деворга бутун ҳаётини тинчлик учун кураш йўлига тиккан, Япониянинг энг донишманд кишиларидан бирининг портрети осиб қўйилганди. Шамлар ёниб турибди. Биз урна ёнига гулдасталар қўйдик.

Бўлмага ёш бир аёл кириб келди. У қўлига ёшгина чақалоқ кўтариб олганди. Бу профессор Ояманинг келини эди. Аёл гўдакни бизга узатди.

— Менинг тўнгич неварам,— деди Ояма хоним.— У Хиросимада бомба портлаган куннинг ўн бир йиллигига — олтинчи августда тугилган. Ҳали йигирма кунлик ҳам бўлгани йўқ.

Профессор бўлмасидаги чогроқ столча ёнига юмшоқ кресло қўйилган. Стол устида ҳаво ранг соябонли шапка ётибди. Профессор уни кўзини офтобдан ҳимоя қилиб кириб юаркан. Бўлмадан боғ томон камбаргини эшик бор. Боғ ҳам мўъжазгина бўлиб, узунасига ўн қадам, энига учтўрт қадам келарди. Куну тун ёэув столи ёнида ўтирувчи профессор, гоҳо ўрнидан туриб керишаркан-да, боққа чиққач, ўн қадам у ёққа, ўн қадам бу ёққа юрар экан.

Ҳозир профессор Ояманинг таржимаи ҳоли ёзилаётган бўлиб, тез кунларда нашр этилармиш. Олимнинг асарлар тўплами чоп этишга тайёрланадиганмиш. Япониялик тинчлик тарафдорлари Токиода тинчлик учун курашувчилар кутиб олинадиган катта зал қуриб, уни профессор Ояма номи билан аташ ниятидалар.

Биз кўчага чиқдик. Ҳамон шивалаб ёмғир ёғмоқда әди. Дараҳтларга туман инган. Ояма хоним қора зонтигини очиб, делегациямиз аъзоси Ольга Колобованинг тирсагидан ушлаганча бизларни такси томон кузата бошлади.

— Яна бизникига келинглар, албатта келинглар, биз сизларнинг мамлакатингларни яхши кўрамиз,— деди у хайрлаша туриб.

Ояма хонимнинг ажойиб, маъюс боқувчи нурли кўзла-ри бир умр хотирамизда сақланиб қолади.

### Пиёда ва метрода сайд қилиш

— Токио шаҳри олдида ўзингларни қарэдор ҳисоблай-сизларми?— сўраб қолди бир куни әрталаб доимий ҳамроҳ дўстимиз Вада.

— Ҳамма бурчимиznи бажаришга тайёрмиз.

— У ҳолда сафарга ҳозирланинглар. Ҳар доим мажлис қилиш, учрашувлар, сұхбатлар, матбуот конференциялари уюштириш билангина чекланиб бўлмайди-ку. Сайд әтиш, соғ ҳаво ҳам олиш керак-ку, дўстлар.

— Бош устига.

— Фақат бир шарти бор: пиёда сайд қилиш. Агар бирор транспортга ўтирадиган бўлсақ, фақат метрога тушишамиз.

— Энг яхши сайд — пиёда сайд қилиш,— рози бўлдик биз. Шунга қарамай, ҳар қалай сайдимиз метрога тушиш билан бошланди.

Токио метроси ортиқча дабдабалардан ҳоли. Сув сизувчи деворларда кинофильм рекламалари, савдо фирмаларининг ола қуроқ плакатлари кўэга ташланади. Метро вагонларида юрар әканмиз, одамларнинг турмуши енгил әмаслиги, тирикчиликлари оғирлиги, гарданларида катта оилани боқишидек мушкул вазифа борлигига кўпроқ амин бўламиз. Бу ерда одамлар ухлашар, газета ўқишар, атрофларидағи кишиларга тайёрланмоқдалар. Метрода қиммат баҳоли кийим, сўнгти модадаги пойафзал кийганларни учратмай-сиз. Аёллар қорамтири юбка, жўнгина оқ кофта, эркаклар ҳам қосра шим, оқ кўйлак кийиб олишган. Шифтда эшитилар-эшитилмас вентиляторлар шиғилламоқда. Шунга қарамай, метро вагонлари жуда дим.

Бир неча бекатни босиб ўтганимиздан кейин Вада:

— Энди тушамиз,— деди.

У бизни таажжублантириш мақсадида сирли оҳангда гапирганди. Дарҳақиқат таажжублантирид ҳам. Бекат Сироқия деб аталарди. Биз кўчага чиқамиз деган ниятда зина-поялардан бир-бир кўтарила бошладик. Лекин кўчага чиқмадик. Метро бекатидан тўғри магазинга ўтиларди. Биринчи қаватда гастрономия бўйими жойлашган экан. Очиқ пештахталарда гўшт, булкалар, конфетлар, консервалар, балиқлар кўзга ташланарди. Ҳаммаси қоғозга ўроғлиқ. Шундай бўлса-да, одам тиқилинч. Одамлар навбат кутиб тизилиб турибдилар.

— Магазин олти қаватли. Бу ерда хоҳлаган нарсангизни харид қилишингиз мумкин. Ҳатто илон заҳаридан тайёрланған дориларгача,— Вада дори тавсия этилувчи реклама плакатига ишора қилиб қўйди.— Эҳтимол расм кўришни хоҳларсизлар?

— Қандай расмлар?

— Бадий расмлар-да.

— О, кошкийди?

— Марҳамат, лифтга чиқайлик.

Лифт олди гавжум эди. Эшик очилган заҳоти одамлар бизни ичкари суриб кириб, лифт деворига қисиб қўйиши. Нозиккина лифтчи қиз:

— Жаноблар, лифтда одам кўп бўлгани учун маъзур тутасизлар. Ҳаво бўғиқ бўлгани учун кечирасизлар,— деди қайта-қайта.

Вада кулиб қўйди:

— Аёлнинг ссрмузоматлигига ҳайрон бўлманглар,— деди у,— бу унинг вазифаси.

Олтинчи қаватдаги магазин ёнида чоғроқ бинога дарҳақиқат кўргазма жойлашган экан.

Вада жиддий қиёфада бундай деди:

— Биласизми, бунда ҳам оддий ҳисоб-китоб назарда тутилган. Бирор одам япон классикиси ва замонавий расмларни кўрмоқчи, дейлилк. Бу олижаноб истак. Лекин у олтинчи қаватга чиқиш учун оддин универмагнинг бир нечта бўлимларига кириб ўтишига тўғри келади. Йўл-йўлакай бирор нарса харид этиши эсига тушиб қолиши мумкин.

Кўргазмадаги расмлар яхши расмлар, лекин уларни томоша қилиш анча қийин бўлди. Бизларни расмлар осигуриқ деворлардан нари суриб юборишиди.

Қайтиб тушаётганимизда лифтчи аёлнинг тағин:

— Лифт тиқилинч бўлгани учун маъзур тутасиз. Ҳаво бўғиқлигига кечирасиз. Лифтдан фойдаланганингиз учун ташаккур,— деган сўзларини эшитдик.

Вада уни ёқлаётгандай деди:

— Агар у шунаقا демаса, магазиндаги ўрнидан маҳрум бўлади. Сермулозаматлик — миллатимиз фазилати.

Токиода энг бой ва сершовқин кўча Гинза ҳисобланади. Унда энг яхши магазинлар, банклар, кинотеатрлар, меҳмонхоналар ва ресторонлар жойлашган.

— Бу ерда ҳар квадрат метр ер тилла баҳосида туради,— деди Вада.

Гипза районидаги машҳур япон рассомлари яратган расмларнинг нусхалари сотилувчи унча катта бўлмаган дўйончалар жойлашган. Одатда бирорта турист ҳам бу ерга кирмай ўтмайди.

— Бу район сизларга ёқдими?— сўради Вада.

— Ҳа, чиройли кўча әкан.

— Эҳтимол, энди Асакуса районига борарми? Лекин бунинг учун метроға тушишга тўғри келади. У ер чамаси, ўттиз минутлик йўл.

Биз яна ер остига тушдик. Асакуса районига яқинлашганимиз сари вагондаги йўловчилар сийраклашиб борарди.

Метродан кўтарилар әканмиз, биз бошқа бир шаҳарга тушиб қолгандек бўлдик.

Катта бозорга кираверишда икки нафар инвалид туради. Биттасининг оёғи, иккинчисининг қўёли йўқ әди. Ҳар иккаласи ҳам тиланчилик қилмоқда әди.

— Бу район ўзларини тута билмовчи меҳмонлар учун у қадар осойишта әмас,— деди Вада.— Яқинда шу ерлик японлар билан корейслар қизларга шилқимлик қилган иккита америкаликнинг башарасини бир оз бежаб қўйишиди. Лекин умуман, бу ернинг аҳолиси беозор халқ.

Биз бозорга кирдик. Очик пештахталарда арzon-гаров сумкалар, кўзгулар, беўхшов расмлар, ола-була ўйинчоқлар, кийимлар ёйилиб ётарди. Вада кулиб туриб шимларни кўрсатди.

— Бу шимлар минг иен туради. Уларни ҳеч ким ҳарид қилмаётганидан ҳайрон бўлаётгандирсизлар? Ҳайрон бўлманглар. Улар кийилиш муддати капалак умридай қисса бўлгани учун шунчалик арzon туради.

Ҳа, бу Токионинг маркази әди. Бу ерда орқаларига сават боғлаб олган, жулдур кийимли кексалар кезиб юри-

шарди. Улар ахлат титишар, йўлдаги қолдиқ сигаретларни териб олишарди.

Биз марказга қайтдик. Бу сафар «Осака отель»га келиб қолгандик.

Меҳмонхона ёнидаги таксилар сафида рикшалар ҳам қатор турарди.

— Нега рикшалар худди шу меҳмонхона ёнида туришибди? — сўрадик биз.

Вада бизга мулоим боқиб қўйди.

— Саволларингга албатта жавоб беришим керакми? Ёки ўзинглар тушуниб оласизларми? — У шундай дер экан, меҳмонхона америка ҳарбийлари томонидан эгаллангани маълум қилингган вивескага ишора қилиб қўйди.

Биз вивескага тикилиб турганимиздан рикша судраб борувчи кичкинагина файтончада иккита солдат ўтиб кетди.

Кейинроқ танишларимиздан бири шундай деганди:

— Америка ҳарбийлари бошимизга битган оғат. Анчагина япон аёллари уларнинг вақтинча маҳбубасига айланган. Солдатлар алмасиб турадилар, жўнаб кетадилар, улар ўрнига бошқалари пайдо бўлишади. Ундай аёлларнинг ҳаёти мажруҳ этилади, қўлдан қўлга ўтганлари ўтган.

Суҳбатдошимиз ҳақ эди. Кинода ҳам, енгил эстрада театрларида ҳам биз американлик солдат ва офицерлар билан япон аёлларини кўрдик. Нагасаки — Хиросима поездидаги воқеа эсимда. Вагонга галварсдай, ялтироқ кўйлаги остидан қизил ва кўк ранг алламабало татуировкалари кўриниб турувчи (у худди рангли тушь сотувчи фирма рекламасига ўхшарди) американлик кириб келди. Унинг ортида пастаккина, тизза бўйи ола-була шоҳи шим ва калта курткача кийган япон аёли ҳам бор эди. Вагондан жой қидириб у бошдан бу бошга бориб келар эканлар, ҳамма йўловчилар худди команда берилгандай ёппасига улар ортидан қараб қолардилар. Ёнимизда ўтирган япон аёллар изза тортиб, қизариб кетдилар. Улардан бири:

— Бу биз учун шармандалиқ. Улар ҳамма нарсани пулга сотиб оладилар. Буюмларни ҳам, сиёсий арбобларни ҳам... севгини ҳам... — деди.

Кечалари Гинзада ва бошқа марказий кўчаларда неон чироқлар порлай бошлайди.

Сиз оқшомги шаҳар бўйлаб ранг-баранг ҳарфлар ҳосил этиб, кучли товланувчи электр чироқларни томоша қилиб

қолишингиз мумкин. Агар шу пайт ёнингизга ингичка мўйловли одам яқинлашиб визит карточкасига ўхшаш нарса узатмаса, маҳлиё бўлиб тураверсангиз ҳам ажаб эмас.

— Арзимаган ҳақ тўласангиз, хусусий уйда кўп нарсалар кўриш имкониятига эга бўласиз, шунингдек, у ерда катта ёшли европалик учун нима зарур бўлса ҳаммасига эришишингиз мумкин.

Сиз ажабланасиз, лекин у сизнинг нима учун бу қадар камсуқумлик қилаётганингизга тушунолмай, бояги айтган гапини айнан қайта-қайта такрорлашдан тўхтамайди. Шундан сўнг сиз Токионинг оқшомги ола қуроқ кўчалари билан танишишдан олган таассуротларингизни жамлашга беҳуда ҳаракат қилиб йўлингизга равона бўласиз.

## Харбинлик Зина хола

Кўчаларнинг биридан ўтиб бораётганимизда чоққина бир ресторан вивескасига лотинча «Берёзка» сўзлари ёзилганини кўриб қолиб, ногаҳон тўхтаб қолдик.

Бу қанақаси, Токиода «Берёзка»ми?

Унга кирмай ўтиб кетиб бўладими? Бизни тилла тишлиари ялт-юлт қилувчи ўрта ёш аёл қарши олди. Руслар эканлигимизни билгач, ўзини таништириди:

— Зина холаман. Чучвара, пиёзли селёдка, тузланган бодрингим бор.

Японияда етишишимиз мушкул бу нозу неъматлардан воз кечиб бўладими? Шундай қилиб, пиёзли селёдка, тузланган бодринг, чучварадан икки порциядан олдик. Бўш ичкилик шишачалари уюлиб турган буфет пештахтаси ва умуман, ресторанчанинг чоққина анжомларини томоша қилганимизча овқатланар эканмиз, Зина хола радиола қўйиб юборди. Ресторан «Эҳ, бу қора кўзлар...» қўшигини айтиётган лўлиларнинг хирилдоқ овозига тўлиб кетди.

Радиола устида тақдим дастхати ёзилган бир гуруҳ «Дон казаклари»нинг расми осиғлиқ турарди.

— Улар бултур Америкадан келишганди. Бизга расм совга қилиб кетишиди. Токиода концерт беришиди,— деди Зина хола.

— Уларни ҳам чучвара билан меҳмон қилдингизми?

— Бўлмасам-чи!

Ресторанда биздан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Зина хола гапга тушиб кетди.

— Мен Харбинданман,— деди у бизнинг саволлари мизга жавоб бериб.— Бу ерга кўчиб ўтишга тўғри келди... оилавий аҳволим шуни тақозо қилди. Оиласам бўлиниб кетди. Қизим сизларнинг ҳарбийларингга турмушга чиқди...— Зина хола «сизларнинг» деганида дудуқланаб қолди-ю, лекин гапини тўғриламади.

— Қизингиз қаерда?

— Қўриқ ерларда.

— Қўриқ ерларда?!

— Ҳа, Қозогистонда. Тез-тез хат ёзиб туради. Эри билан яшашади. Эри ишлайди, тракторчиларга бошлиқ...

— Ҳўш, қизингиз нималар деб ёзиб туради?

— Нималар деб ёзади, дейсизми? «Ойи, агар газеталар бизнинг мамлакатни ёмонласа ишонманг. Ғақат менинг хатларимгагина ишонинг. Менинг турмушим яхши. Аҳил яшаяпмиз. Ватанимга әришганимдан баҳтлиман». Шуларни ёзади.

— Ҳўш, сиз нима дейсиэ бунга?

— Мен умримнинг ярмини яшаб қўйганман. Қизимнинг баҳтлилигидан хурсандман,— чалкашроқ жавоб берди Зина хола.

— Бу сизнинг ресторанингизми?

— Нималар деяпсиз? Бош ошпазман холос.

Зина хола бизни эшик тагигача кузатиб қўйди. Ундан биз билан расмга тушишни таклиф этдик.

— Мен ишдаман, мумкин эмас,— деди Зина хола бир оз чўчинқираб.

Биз мажбур қилиб ўтирмадик.

## К а б у к и

Такиодаги туриш-турмушимиз ана шу зайлда ўтаверди. Бир куни профессор Ясу:

— Кабуки театрини ҳам кўришинглар керак, у бизнинг миллий ифтихоримиз,— деб қолди.

Ясунинг таклифи бизнинг истагимиизга мос тушиб қолганди.

Якшанба куни Кабуки театрининг кундузги спектаклини кўришга бордик. Залда одам лиқ тўла әди. Аксари томошабинлар, шу жумладан, дўстимиз Ясу, унинг хотини ва қизи бўлмиш Токио университетининг талабаси Юко ҳам кимоно кийиб олишганди.

Парда кўтарили.

Саҳнада ёзувчи Уэда Акинари 1768 йилда яратган «Илон иштиёқи» қиссаси асосидаги инсценировка намойиш қилина бошланди. Пъесанинг мазмуни гаройиб: аёлга айланган илон кўнгилчан бир ёш йигитни йўлдаи оздиради, буддистлар унинг имонини сақлаб қолиш учун курашиб голиб келадилар.

Спектакль мағзун жиҳатдан шартли бўлса-да, реалистик изчиллик билан қўйилган, яхши безатилган. Декорациялар нозик, майин бўёқлар воситасида содда ишлангани учун уларнинг шартлилиги, айниқса, ҳаракатлар шартлилиги ҳам сезилмайди. Кабуки театрида барча ролларни эркаклар ижро этадилар. Аёл — илон ролини ҳозирги Япониянинг энг истеъдодли актёрларидан бири артист Синдзяку ижро этади.

«Илон иштиёқи»дан ташқари яна Такамацу Мондзаэмон томонидан 1703 йилда яратилган «Икки севишгандарнинг Саледзандаги ҳалокати» пъесаси ҳам кўрсатилди. Бу Токубе исмли йигит ҳамда япон гейшаси ўртасидаги фожиали севги тарихидан иборат. Токубе ва унинг маъшуқаси гейша ўзларини ўлдириш ҳақидаги аҳду паймонларини бажараётган пайтларида парда ёпилади. Гейша ролини Синдзяку, Токубе ролини эса, Синдзякунинг отаси, истеъдодли Гадзиро Накамуралар ижро этишади.

Спектаклнинг энг фожиали жойларида томоша залидан кескин, томоқ йирттар даражадаги бўкиришлар эшитилиб турди. Аввалига биз сесканиб туша бошладик, кейин ўрганиб қолдик. Ясуи изоҳ берди:

— Шундай қилиш керак. Бу актёрларга қўмак беради.

Дарҳакиқат, шундай экан. Бакириқлардан сўнг залдаги томошабинлар жим бўлиб қолардилар. Спектакль нимаси биландир кишини қаттиқ ҳаяжонлантирав, воқеалар ривожини кўз узмай кузатишга мажбур этарди.

«Илон иштиёқи» ва «Икки севишгапларнинг Саледзандаги ҳалокати» пъесалари оралигидаги антрактда Ясуи бизларни парда орқасига бошлаб кирди. Синдзяку билан Гандзиро Накамура бир хонада туришарди. Мураккаб аёл причёскасини қилиб олган Синдзяку кўзгу қаршисида ўтириб навбатдаги пъесага тайёрланиб юзига упа суртарди. Биз танишдик. Лекин спектакль давомида шундай сеҳрланиб қолгандикки, парда орқасидаги қисқа вақтли учрашув пайтида ҳам, спектаклдан сўнг ҳам эркак киши билан эмас, аёл билан суҳбатлашгандай эдик.

Спектакль тугагач, театр ёнидаги кўча гавжум бўлиб кетди. Биз Ясуни эшик тагида кута бошладик. Мана, ниҳоят у ҳам чиқди. Бизга яқинлашар экан, у ташвишли оҳангда:

— Зерикиб қолмадингларми, ишқилиб? — деб сўради.

Биз тантанавор жавоб қайтардик:

— Сира зерикканимиз йўқ, азиз дўстимиз! Роҳатланниб томоша қилдик. Кўрганларимиз ҳақиқий санъат.

Мулозамат учун айтмадик буни. Миллий санъатнинг барча хусусиятлари ва анъаналарини сақлаб қолган Кабуки театри япон томошибинлари томонидан севиб қолиниши бежиз әмас, реалистик санъат руҳида тарбияланган одамлар мазкур театрга қизиқибгина қолмай, самимий ҳаяжонга ҳам тушадилар.

\* \* \*

Японияда бўлиш муддатимиз тугаб қолди. Кўрмаган ва билмаган нарсаларимиз ҳали анча-мунча. Лекин у ерда ўтказган йигирма кун давомида япон ҳалқи ҳаётининг кўп жиҳатлари билан танишдик.

...Токиодан ярим тунда учдик. Дўстлар томонидан кузатилган дўстлар сифатида парвоз этдик.

Юко Ясу рус тили дарслигига қараб туриб, бундай деди:

— Меники сизни яна Токиода кўришни истайди.

Сўнгги қўл қисишлар, ўпишишлардан кейин самолёт юлдузлар гужгон ўйнаётган осмонга парвоз қилди. Астасекин Япониянинг ҳаво ранг чироқлари кўздан ғойиб бўлди. Пастда Тинч океан ястаниб ётарди.

## ҚАРДОШ МҮГУЛИСТОНДА

Совуқ, изгирин кунда К. Е. Ворошиловни кутиб олиш учун Улан-Батор аҳолисининг ва қўшни қишлоқлардан келган чорвачиларнинг олқишилаб қичқиришларини нима билан тенглашириш мумкин?

Тропик минтақалар, қирқ даражадан тандирдек қизиб турувчи Ҳаной, ёздагидек иссиқ Пекин ортда қолди. Самолётларимиз Улан-Батор аэродромига қўнгандан симоб устунлари икки даражада иссиқни кўрсатиб турарди. Дастребки дақиқаларда ёзгирин совуқдан баданларимиз жунжикиб, қалтираётган бўлса ҳам мўгул халқининг илиқ, самимий муносабатини ҳис этиб турдик. Чорвачи аратлар машинадан орқада қолиб кетмаслик учун пакана отларини Улан-Баторга борадиган йўл четидаги ҳайдалмаган шудгорлардан ниқтаб чоптириб боришаарди. Йўл четида қизиқ байроқчалар кўтариб турувчи одамлар «У-в-вв-а» деб қичқиришаарди. Уларнинг бу овози чўллардаги шамолнинг эсишига, симёғочларнинг қудратли ғувулашига ўхшарди.

Улан-Батор шаҳри, Министрлар Совети ва Сухэ Ботир ҳамда Чойбалсаннинг жасади дағн әтилган Мавзолей олдидаги кенг, янги, ёруғ бинолар. Тулпор отда елиб бораётган Сухэ Ботирнинг ажойиб ҳайкали. Атрофдаги тоғлар усти сийрак тутун билан қопланган, баланд тепалик устидада умум манфаатларимиз йўлида ўз ҳаётларини қурбон қилган мўгул ва совет жангчиларига ўрнатилган оппоқ ёдгорлик кўриниб турибди. Кимки Мўгулистанда аввал бўлмаган, унинг кенгликларини кўрмаган бўлса пойттахт ўртасининг аниқ планировкасини, шаҳар четидаги атрофи девор билан ўраб қўйилувчи ўтовларни кўрганда ҳайрон қолади. Музыкали драма театрининг ажойиб биноси, ола-була миллий кийимларда от йўрттириб борувчи қизлар...

Мўғул халқи дунёда меҳмондўст халқ сифатида танилган. Мўгулларда: «Меҳмон келган уй баҳтиёр, отхонасида меҳмоннинг оти турган уй қувончга ёр» деган мақол бор.

Ҳукумат уйида ўюштирилган қабул маросимида Климент Ефремович олдига каттакон лаганда бутунлигича пиширилган қўй гўшти қўйишди. Одатга биноан Климент Ефремович ҳурматли меҳмон сифатида гўштни майдалаши керак эди. Ворошилов ўринидан туриб пичоқ билан гўштдан бир қанча бўлак қирқиб олди-да, кейин лаганни ҳамроҳи олдига суриб:

— Бундан бу ёқдаги ишлар ўртоқ Елютинга топширилади,— деди.

Дўстона дастурхон устида жуда қўп яхши гаплар айтилди. Залнинг ўртасига осиб қўйилган каттакон портрет кишини диққатини ўэига жалб этарди. Унда ҳарбий кийим кийган, соchlари калта қилиб қирқилган, кўзлари гайрат ва жасоратга тўла бир киши тасвирланганди. У Сухэ Ботир эди. 1921 йили Мўгулистанда унинг йўлбошлигигида халқ революцияси ғалаба қозонди, халқ янги ҳаёт қура бошлади. Ӯшандан бери 36 йил ўтди. Шу ўтган йиллар ичida қардош халқлар ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланди, кучга тўлди.

Стол ёнида европача кийинган бир оқсоч аёл ўтиради. Меҳмондорчиликда ҳозир бўлганлар қадаҳларни уриштириш учун Ворошилов олдига боришганда, у ҳам қўлида қадаҳи билан ўринидан туриб, у томон юрди. Шунда ўртоқ Цеденбал:

— Климент Ефремович, танишинг, бу киши Сухэ Ботирнинг хотини бўладилар,— деди.

Климент Ефремович аёлнинг қўлини қисиб:

— Бутун совет халқи яхши танийдиган ва севадиган жасорат эгаси Сухэ Ботирнинг содиқ дўсти ва ўртоғини кўришимдан жуда хурсандман,— деди.

...Оқ намат, мўгулларнинг гулдор гиламлари билан бе-затилган минбар атрофида қуёшли тонг пайти Климент Ефремович ва унинг ҳамроҳларини Промкомбинатга бирлашган учта завод ишчилари кутиб туришарди. Бу заводлар Совет Иттилоғи ёрдамида қурилган, Ворошиловни кутаётган Дашээгвэ ишчи аёли образида Мўгулистан бутунлай ўзгача маъно касб этди. Унда эркинликка чиққан аёллар қадр-қиммати, меҳмонга бўлган ҳурмат-эҳтиром ўз ифодасини топган, ўзи ишлайдиган фабрика ҳаётини яхши билиши билан ҳамманинг ҳурматига сазовар бўлди.

Митинг пайтида кутилмаган бир воқеа содир бўлди: минбар олдида ўз ота-оналари билан турган бир бола югуриб келиб Климент Ефремовичнинг қўлига кабутар бердида, ўзи уялиб орқага қайтди. Климент Ефремович ён-верини қарагунча бола фойиб бўлганди. Шунда Ворошилов нарироқда турган бир тўп болаларни кўрди-да, улардан битасини чақириб, унинг қўлига кабутарни тутқазди:

— Бу кабутарни боқиб, парваришла, бу яхши, тинчлик келтирувчи қуш.

11-мактаб ўқувчиси Бавужамдинг қўлида кабутар пайдо бўлиши билан болалар унинг атрофини ўраб олишди.

Мехмонлар чарм пальто ва камзуллар цехида теридан ялтираган, оҳорли пальтолар қандай тикиб, тайёрланишини томоша қилишди.

Ўртоқ Цеденбал:

— Авваллари биз четга хом териларни сотардик, бу цехимизни реконструкция қилганимиэдан бери экспортга пиширилган юмшоқ чармлар чиқаряпмиз. Ўтган йили экспортга уч юз минг дона чарм чиқардик. Цехни тўла реконструкция қилиб бўлганимиэдан кейин экспортга сотадиган чармнинг сони миллионга етади.

Оёқ кийим фабрикасида Ворошилов олдига соchlари текис тарапган, галстук тақиб, пиджаги устидан қора халат кийган бир йигитча келди-да:

— Салом, ўртоқ Ворошилов,— деди.— Мен техникмап, фамилиям Цембелдорж. Мен бу техниклик ҳунарини ўзимизда — Улан-Батор шаҳрида ўргандим. Бизнинг дўстимиз инженер Пурве бўлса Совет Йттифоқидаги Енгил Саноат институтини битириб келган. Мен техниклик ҳунарини тўла әгаллашимда шу ердаги, заводдаги совет мутахассислари ҳам кўп ёрдам беришди. Ўртоқ Ворошилов,— деб яна сўзида давом этди у бир оз уялиб, илжайиб гапирав экан.— Биласизми, мен Совет Йттифоқига бориб ўқишини жуда истайман.

Климент Ефремович йигитчага илиқ жавоб қилиб:

— Жуда яхши, бизга боринг, ўқинг, инженер бўласиз. Йигитча, сизга муваффақият тилайман,— деди.

Аввалига аэродромда, кейин Улан-Баторга кетаётганимизда бир қўшиқ куйини эшитдик. Мўғул тилини билмасак ҳам, байт охиридаги «Ворошилов» деган сўзни аниқ тушундик. Мен ўртоқ Цеденбалдан:

— Бу маршал Ворошилов ҳақидаги совет қўшигими?— деб сўрадим.

— Йўқ,— деди Цеденбал,— бу Ворошиловнинг Мўфулистонга келиши шарафига яратилган мўгул қўшиғи.

Шундан кейин шаҳардами, госхоздами, от заводидами, пионерлар ҳузуридами, қаерда бўлмайлик бу чўл руҳи сезилиб турувчи қўшиқ мотивини эшишиб юрдик. Қўшиқда мўгул халқининг совет халқига, маршал Ворошиловга бўлган ҳурмат ва муҳаббати изҳор этилади.

Министрлар Совети биноси яқинида Марказий Давлат музейи жойлашган. Ёп-ёрг, кенг залларда Мўгулистаннинг гуллари, ўсимликлари қўйилган, халқ усталари яратган буюмларда, мўгул рассомларининг асарларида мўгул халқи тарихи яхши тасвиrlанган. Климент Ефремович рельефли харита олдида туриб меҳмонларнинг саволларига жавоб бериб турган геолог Дугерсурундан:

— Абадий музлик қатлами қаерда тамом бўлади?— деб сўради.

Дугерсурун таёқча билан Улан-Батор шаҳрини кўрсатди.

— Қисман, мана бу ерда ҳам,— деди у.

— Кўрдингларми, бу ерда янги бино қуриш қанчалик қийин,— деди Климент Ефремович ўз ҳамроҳларига мурожаат қилиб.

— Баъзан пойdevор ётқизиш учун 13 метрлик котлови қазишига тўғри келади,— деб қўшиб қўйди Цеденбал.

Климент Ефремович Мўгулистаннинг фойдали қазилмалари билан ҳам қизиқди. У гипс, олтингугурт, слюда, графит, тутунли кварц, кўмир бўлаклари қўйилган витрина олдида анча тўхтаб қолди.

— Намуналар жуда яхши йиғилибди,— деди у геологга ва яна қўққисдан сўраб қолди:— Сиз академик Сатпаевни биласизми?

— У билан бирга ўқиганман,— деб жавоб берди Дугерсурун.

— Яқинда мен Қозоғистонда, унинг олдида бўлдим,— деди Климент Ефремович.— У ерда ҳам ажойиб музейни томоша қилдим. Бизнинг мамлакатимизга борсангиз, албатта, унинг меҳмони бўлинг, унинг музейини томоша қилинг.

Климент Ефремович ёнидаги залга ўтишдан олдин Дугерсурун билан хайрлашар экан:

— Саломингизни академик Сатпаевга, албатта, етказаман ва сизнинг музейда тўплаган ажойиб намуналаригиз ҳақида ҳикоя қилиб бераман,— деди.

Иккинчи қаватдаги қуёш нури ёритиб турувчи катта-  
кон зал ўртасида динозавр скелети турарди. Мәҳмонар бу  
ноёб экспонатни анчагача томоша қилишди. Мұгул ўртоқ-  
лардан биттаси чуқур хўрсиниб:

— Минг тўққиз юз йигирма олтинчи йили америка-  
ликлар худди шундай динозаврнинг иккитасини ковлаб  
олиб кетишган,— деди.

Эрталабданоқ қуёш қиздира бошлади. Автомашиналар  
колоннаси Улан-Батордан Замтин қишлоқ хўжалик бир-  
лашмасининг аратлари ҳуэурига меҳмонга жўнади. Дум-  
думалоқ, яласки шаклдаги қатор тоглар орасида чўзилиб  
ётувчи йўл ўзига хос кўринишга эга. Тог ён бағирларида  
майсалар энди кўкара бошлаганди. Бу ернинг ўзига хос  
оғир, мураккаб табиати ҳар қадамимиэда сезилиб турарди.  
Йўл бўйлаб қаршимиздан келувчи йилқилар дейсизми,  
улугворлик билан қадам ташлаб юрувчи туялар подаси  
дейсизми, қўйлар, сигирлар подаси дейсизми, ҳамма нарса-  
ни учратиш мумкин. Бу ернинг баҳори бир оз кечиккан, шу  
туфайли атроф ҳали кўркамлик касб этмаган, унинг жид-  
дий кўриниши бу мамлакатда нимаики яратилар, бунёдга  
келтирилар экан, у катта, машаққатли меҳнат орқали қўлга  
киритилишини таъкидлаб тургандек бўлади. Бир қанча юз  
метрлик масофада турна қатор бўлиб бораётган автомаши-  
налар колоннасини кўрган отлиқлар йўлнинг икки четида  
тomoша қилиб туришарди. Фақат чавандозлар эмас, балки  
спорт кийимидағи велосипедчиларни ҳам бир неча бор уч-  
ратдик. Улар спорт мусобақаларига тайёрланишаётган  
екан. Ремонт қилувчи ишчилар поезд йўлдан вагонларда  
шпал ва рельслар ортиб боришарди. Машинамиз темиро  
йўлни кесиб ўтар экан:

— Авваллари бизда фақат тор изли поездлар бў-  
ларди,— деди мўгулистонлик журналист дўстимиз Санжа.

— Энди Мўгулистон росмана изли поезд йўлларга эга.  
Бундан жуда курсандмиз.

Бир қанча километр йўл босганимиздан кейин бир сой-  
ликдан ўтсак йўлнинг икки томонида чавандозлар, тuya  
мингланлар қатор бўлиб туришарди. Бу ерда ёш болаларни  
ҳам, қизларни ҳам, ёш болалик оналарни ҳам, оқсоқол  
чорвадорларни ҳам кўриш мумкин. Яна аввалгидек чўл  
узра эсувчи шамолнинг «У-в-вв-а» деб гувиллашини эслаб-  
тuvchi овоз эшитилди.

Климент Ефремович Ворошиловни Замтин қишлоқ хў-  
жалик бирлашмасининг раиси бир шийпончада кутиб ол-  
ди. У:

— Бизнинг бирлашмамиз бундан ўн тўқиз йил илгари ташкил топган. Ўшанда бор-йўги етти оиласдан иборат бўлиб, ўн уч бош қорамолимиз бор эди. Ҳозир бирлашмамизнинг уч юз эллик аъзоси бор. Биз энди ўн уч минг бош қорамолга ва етмиш беш минг гектар ерга эгамиз. Бирлашмамиз йилига ўртача бир миллион тугрикка яқин фойда олади.

Шийпон яқинида тўқ қизил чопонли бир новча киши турарди; у оқ ва сарик бўталоқларнинг жиловидан калта қилиб ушлаб олганди. Бу бирлашманинг энг эски аъзоларидан бири Рабдан экан. Ўртоқ Ворошиловга бўталоқларни тақдим этишдек фахрли вазифа ана шу Рабданга топширилган экан. Рабдан нотиқлар нутқи тугаб, Замтин бирлашмасининг пионерлари меҳмонларга пионер галстуклари тақиб бўлгунларича кутиб турди, шундан кейин бўталоқларни Ворошилов олдига етаклаб борди.

— Ҳурматли меҳмон, мана шу кичиккина совғамизни қабул этгайсиз.

У бўталоқларнинг жиловини Ворошиловга тутқазди. Бу ернинг одати шунаقا: сөвғага от ёки тия олаётган одам, албатта, жиловни қўлига олиши керак. Бўталоқлар тўсагдан ўкириб кимнингдир табрик сўзларини босиб кетганидан Климент Ефремович, меҳмонлар ва чорвадорлар хохолаб кулиб юборишиди. Шундан кейин Климент Ефремович жиловни қўлига олиб:

— Жуда чиройли бўталоқлар экан, аммо ҳали жуда ёш экан, ҳозирча ота-онаси олдида юраверсин. Кейин қўрамиз... Совгангиз учун эса жуда миннатдорман.

Хурсанд бўлган мезбонлар меҳмонларни қимиз, қатиқ, сут, қўй гўшти ва исли-уфорли чой билан меҳмон қилишди.

Меҳмонларни от заводи ва госҳозда кутишаётганди, шу сабабли тезроқ йўлга тушиш керак эди. Шунда тўсатдан бир кутилмаган воқеа содир бўлди: автомашиналар Замтин бирлашмасидан энди жўнаган ҳам эдики, қарама-қарши томондан осмонни қорамтирип булат қоплаб, яқинлаша бошлади. Машинамизнинг ойналарига қумлар шатирлаб уриларди, ҳаво қоронғилашиб, совуқ шамол эса бошлади. Аввалига бу бир тасодифдек, тезда тарқаб босилиб қоладигандек туюлди. Аммо чўл шамолдан инграр, бир-биридан ўн беш-йигирма метр масофада келаётган машиналарни кўриб бўлмас, бўрон қум уюмларини учириб, итқитарди. Йўл устида шўрак уюмлари гилдираб юради. Автомашиналар от заводининг узун биноси олдига етиб келди. Ана

шу бино олдидағи майдонда пойга бўлиши керак эди. Бу ерда қум бўрони авжид. Плакатлар, байроқлар йиртилиб учиб юрар, отхона ва уйлар деворига ёпишиб олган одамларга қум уюмлари ёгилар эди.

От заводининг эгалари айбдорлардек қўл сил-киб:

— Энди нима қилдик? Бу ахволда пойга ўтказиб бўлмайди. Ёй отишни ҳам, мўгул курашини ҳам кўрсатиб бўлмайди... Бўрон бутун байрам тартибини бузиб юбордида,— дейишарди.

Климент Ефремович орадан бир соатларча ўтгач, госхознинг конторасида агрономдан совхоз хўжалигини қандай бошқаришаётганини сўраб ўтиради. У бутун масалаларни — ер ҳайдашни, нималар экишларини, ернинг касалланишига қарши қандай курашаётганларини сўраб-суринтирар эди.

Агроном қишида ерларни ағдармай ҳайдашни мўлжаллашаётгани ҳақида гапирган эди, Ворошилов:

— Сизларда Мальцев плуглари етарлими? — деб сўради.

— Етарли. Фақат осма асбоб-анжомлар етишмай турибди.

— Мен Терентий Мальцев билан яхши танишман,— деди Климент Ефремович.— Мальцев Москвада бўлган кезлари бизниги кириб туради. Хўжаликни қай усулда олиб боришни аниқ билишингиз жуда зарур.

Хўжалик ходимлари госхоз ишлари ҳақида гаплашиб ўтиришар экан, чанг-қурум қоплаб олган деразаларга бетоқатланиб тикилиб-тикилиб қўйишарди. Кўча ёришганини кўришлари билан меҳмонларни от заводига таклиф қилишди: пойгачи чавандозлар кутишар, отлар эгарлоғлиқ турар, совғага бериладиган Пржевальск оти жиловини узаман деб безовталанаарди.

Мана яна қири-адирлар бўйлаб от чоптириб юрган чавандозлар меҳмонлар олдидан қийқиришиб ўта бошлашди: Климент Ефремович олдига Лупсандала госхозидаги ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси, кўзлари ёниб турган йигитча келди. У ҳаллослаб, аранг нафас оларди, унинг қўй кўзларида қизиқиш ва қувонч туйғуси барқ уриб турарди; маршал Ворошилов пойгада биринчи бўлиб етиб келган йигитчанинг қўлини қисиб табриклади.

Меҳмонларга программада мўлжалланган ҳамма ўйинлар: ёй отиш, кураш кўрсатилди. Кураш ўрмон тепасида

тўсатдан изғирин аралаш ёға бошлаган қор учқунларига қарамай, шу ернинг ўзидағи майдонда кўрсатилди.

Климент Ефремович Улан-Баторга борадиган йўлда ўттизга яқин ўтовларни кўриб қолди. Уларнинг баъзилари ҳозиргина бўлиб ўтган бўронда вайрон бўлганди. Чўпонлар уларни қайтадан қуришарди. Машинани ўша томонга буришиди. Четдаги ўтов олдида бир неча чўпон турарди.

Климент Ефремович бир аратдан ёшини сўради.

— Эллик бир,— деб жавоб берди у.

— Ҳали ёш экансиз.

— Мен ундан каттароқман,— деди соч-соқолини қирдирган арат бош кийимини ечиб гапга аралашар экан.— Мен етмиш тўртга кирдим.

— Бу бошқа гап,— деди Ворошилов.

— Бу Марказий аймоқдаги энг илгор чорвадорларимиздан бири Данждорж.

— Бизнинг ўтовимизга марҳамат қилинг,— деди Данждорж.

— Жон деб кирамиз,— деб жавоб берди Климент Ефремович. Улар ўтовга қиришди.

Данжоржнинг хотини меҳмонлар кетидан чиқиб уларга:

— Бундай бахтиёр кунга етаман деб ўйламагандим,— деди.

Ўтов олдига чўпснлар йиғилишди. Одамлар тўпи ичидан бир эски сават телпак кийиб энгагидан ип билан боғлаб олган мўйсафид чавандоз олдинга чиқди. У Климент Ефремович қўлидан ушлаб:

— Мен йигирма биринчи йилги ҳалқ революцион армиясининг партизанимай. Душман билан бўлган ҳаёт-мамот жангларида қатнашганиман. Ҳурматли меҳмон, бизнинг ўтовимизга ҳам марҳамат қилинг, илтимос.

— Илтимос қилишнинг ҳожати йўқ, таклиф этганингиandan кейин деб киравераман.

Шундан кейин совет маршали ва мўгул партизан қўл ушлашиб тепаликдаги ўтовга йўл олишиди.

Улан-Баторга Мўгулистоннинг турли ерларидан хатлар кела бошлиди. Узоқ жойларда турадиган чорвадорлар ҳурматли меҳмонни келиб кўролмаганларини ёзишарди. Газета редакцияларига, Министрлар Советига, ҳамда революцион партия Марказий Комитетига ҳар куни хатлар келиб турарди. Бу хатларда совет ҳалқига, маршал Ворошиловга бўлган чексиз муҳаббат, дўстлик ва ҳурмат-эҳтиром туйгулари ифодаланаарди.

Марказий аймоқнинг 2-Сергелен сомон багасидан бўлган арат Дашидава мана бундай деб ёзган эди:

«Хурматли меҳмонимиз, ўртоқ Ворошилов! Мамлакатимизинг узоқ йўллари бўйлаб қилаётган сафарингизда ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? Сизнинг келишингиз халқимиз учун зўр қувончdir, бу ташрифингиз бизни — бутун чўпонларни тинчлик ва баҳт йўлида қилаётган меҳнат зафарларига чорлади.

Хурматли ўртоқ Ворошилов! Рухсат берсангиз, мен сизга ўз отларимдан бирини — Гнедкони совға қилсам. Халқимиз удуми бўйича бу баҳтиёр тугилган қулун. У тугилганда ерга тўрт оёқдаб тушган, бу биз чорвадорларда баҳтиёрлик аломати ҳисобланади. У бир ёшга тўлганда қўшнимдан икки от бадалига алишиб олгандим.

Севимли отимни сизга совға қилишдан ўзимни баҳтиёр деб биламан ва сизга қувноқ, узоқ ҳамда ажойиб умр, халқингизга эса абадий дўстлик тилайман».

Марказий аймоққа қарашли Сергелен сомоннинг 1-багасидан бўлган қари кампир Осар бўлса ўз хатида мана шундай ёзибди:

«...Мен феодаллар Мўғулистони даврида қийин кунларни бошимдан кечирдим: ҳақ-ҳуқуқсиз, эзилган бир камбагал эдим. Совет Россиясининг жиддий ёрдами туфайли 1921 йили ғалаба қозонган халқ революциясидан кейингина озодликка чиқдим ва ўз ҳаётимни Ватан фаровонлиги учун сарфлаш имкониятига әришдим.

Ийигрма етти йил сурункасига ишладим, ҳозир эса давлат қарамоғидаман, пенсия оламан. Партия ва ҳукуматимиз менинг меҳнатимни юқори баҳолаб орден билан мукофотлади. Ҳозир турмушим яхши, болаларим мактабда ўқишиади. Буларнинг барчаси халқимизнинг Совет Иттифоқи халқлари билан дўстлиги сабаблидир...»

Климент Ефремович ўз ҳамроҳлари билан мўғул халқининг янги ҳаётидан гувоҳлик берib турувчи Улан-Батор университетида ҳам бўлди. Университетдаги оқил, доно, зийрак, эътиборли, ўз халқларининг фахри ҳисобланувчи йигит-қизлар аудиторияларини, лабораторияларини кўрсатишиди, ўз олимлари, ўқитувчилари, ёзувчилари, жамоат арбоблари билан таниширишди. Биз ажойиб асар — «Гамғин тоғлар орасида» операсини кўрдик. Опера музикаси жуда ёқимли, унда ажойиб, кўркам рақслар бор экан. Мўгул композитори Дамдинсурэннинг киши қалбини ром этувчи «Баланд Ҳэнтэй тоғларида» номли музикасини ҳам

тингладик. Бу куйни артистка Ценрендолгор скрипкада эўр маҳорат билан ижро этди. Биз ҳайкалтарош ва рассомлар ижодлари билан танишдик... Ва ниҳоят, энг асосийси, халқимизнинг содиқ дўсти, қадимдан қардошлик муносабатлари мавжуд бўлган халқнинг, мўгул халқининг жасорати, ақли ва талантини ўз кўзимиз билан кўрдик ва ҳис этдик.

...Улан-Батордан учадиган кунимиз эрталаб шамол тинди, ҳаво зангори тусга кирди, самолёт винтларида қуёш нурлари акс эта бошлади. Кўк-қизил Мўгул байроби ва қирмизи рангли Совет байроби баланд кўтарилди

Самолётлар Улан-Батордан Иркутскка қараб йўл олди. Яна самолёт қанотлари тагида Байкал кўлининг кул ранг кўкиш суви жимиirlай бошлади. Шаҳар яқинидаги Иркутск ГЭСида эса баҳайбат кранларни кўрдик. Бу энди ўз Ватанимиз, ўз тупроғимиз, ўз осмонимиз ва ўз ҳавомиз әди. Самолётлар Москва томон учиб борарди.

Улан-Батор — Москва. 1957 йил.

## ҚОҲИРА ВОҚЕАСИ

Бу мисралар ёзилаётган пайти Қоҳирадаги Осиё ва Африка халқлари дўстлиги конференцияси охирлаб қолганди.

Эски, 1957 йил ҳам тугай деб қолганди. Бу оғир йил бўлди, шу билан бирга, дунёга тўпларнинг иршайган оғзи орқали эмас, балки ерга ва ундаги халқларга планетамиз атрофида айланиб юрган Ер Йўлдошидан туриб қарайдиган одамлар учун кўп жиҳатдан яхши йил бўлди.

Юқоридан қаралса узоқроқ жойлар кўринади. Тинчлик ва дўстлик муносабатлари ўрнатишнинг барча қийинчиликларига қарамай бу йўлда пайдо бўлган тубсиз жарликлар, қор кўчкиларини енгиг бўлса-да, инсоният кейинги йилларда кўпгина мусаффақиятларни қўлга киритди. Ҳамма бир арқондан ушлаб бориши туфайли ҳавфсиз ҳисобланувчи альпинистларнинг жасоратли меҳнатларида бўлгани каби, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда ҳам ўртадаги алоқа—арқон қанча пишиқ бўлса, қўллар бақувват бўлса, бу ма-салада шунча юқори кўтарилиш, янги-янги чўққиларни эгаллаш мумкин. 1957—1958 йилларда эгалланган бундай ёрқин чўққилардан бири Осиё ва Африка халқларининг Қоҳира конференцияси бўлди. Бу конференция икки қитъя тарихидагина эмас, балки бутун инсоният тарихида улуғ воқеа бўлиб қолади.

Эндиликда кўп нарсалар ортда қолди. Ҳиндистон пойтахти Дэҳлида бўлган Осиё мамлакатлари конференцияси ҳали-ҳали ёдимиизда. Кўз қарашлари осойишта, одмигина сари кийган бир кекса аёл конференцияни очар экан, Осиё халқларининг фикр-мақсадларининг бир хиллиги, маданиятларининг бир-бирлариникига яқинлигини гапирди.

Мустамлакачилар Осиё халқарини асрлар давомида ҳамма нарасдан маҳрум қилиб, буюк Осиё қитъасидаги миллионлаб кишиларни қашшоқликка маҳкум этиб келдилар. Деҳли конференциясини талантли ва доно ҳинд халқининг фарзанди Рамешвари Неру очди. Конференция очилишидан олдин бўлиб ўтган пресс-конференцияда қандайдир бир американлик мухбирнинг «Конференция кимнинг маблаги ҳисобига чақириляпти?» деб берган саволига Рамешвари Неру: «Нима демоқчилигингизни тушундим, йигитча. Сиз конференция харажатларини коммунистик мамлакатлар берди, дейишимни истайсиз, янгишасиз. Ҳар бир мамлакатг ўз делегатлари учун баб-баробардан взнос тўлади. Деҳли аҳолиси эса меҳмонхонага жойлашолмаган одамларга ўз уйларидан жой берди. Осиё болалари ва оналари одамларни бир-бирлари билан яқинлаштириш ва дунёда тинчлик ўрнатиш ўйлида қилаётган бу ҳаракатимииздан миннатдор бўладилар, деб ишонаман».

Буларнинг ҳаммаси ортда қолди, тарихга айланди. Ҳозирмана, Мисрда Осиё ва Африка тарихининг янги саҳифаси битилмоқда. Мисрликлар яқиндагина охириги инглиз солдатини қувиб чиқаргандилар. Президент Носир Сувайш каналининг национализация қилишини эълон қилгандан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Мисрликлар инглиз-французистроил босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг бир йиллигини халқлар конференцияси делегатлари билан биргаликда Ўрта Ер денгизи қирғогида — Порт Саидда байрам қилдилар.

Мен 1957 йилнинг бошида Порт-Саидда бўлдим ва шаҳар ҳимоячилари қабрини кўрдим. Бу ерда мисрлик солдатларнинг ўқларидан тешилиб кетган кассалари, порох тутунидан саргайиб кетганга ўхшаб кўринувчи гуллар ётарди. Гўристон қоровули снаряд ва бомбалардан вайрон бўлган қабрларни кўрсатиб:

— Бу ерга сенегал солдатларининг десанти ташланган эди. Улар француэларнинг кийимида эдилар. Бизнинг солдатларимиз десантни янчидан ташлади,— деди чол.

Мустамлакачиликнинг даҳшатли қиёфаси ана шу: акани укага, бир халқни иккинчи халққа гиж-гижлайди.

Қоҳирадаги конференцияда биз Гарбий Африка ва Сенегал делегати нутқини тингладик. У:

— Мустамлакачилар нима учундир бизнинг қонимизни текин деб ўйлаб, уни хоҳлаганларича оқизмоқчи бўладилар. Мен шуни айтмоқчиманки,— деб давом этди у ўз сў-

зида,— африкаликлар улар армиясида қурол билан қўрқитганлари, бошқа чора йўқлиги учун ҳам хизмат қилмоқдалар...

Мен бу гапларни эшитар эканман, гўристон қоровулининг империалистлар томонидан Порт-Саидга туширган сенегал аскарлари ҳақидаги ҳикояси эсимга тушди. Ўша вақтдан бери орадан озгина вақт ўтди, мана ҳозир Сенегал вакили конференция минбаридан туриб:

— Империализм тақдирини ҳал бўлди, келажак бизникидир,— деди.

Бу сўзларни у оддийгина қилиб, залдагиларга қарамаёқ айтаверди, уларга қараашнинг ҳам кераги йўқ әди. Чунки у делегатлар қалбини, юрак уришини сезиб турарди.

Осиё ва Африка одамлари шу кунга қадар ҳаммалари юракдан ҳис этиб турувчи нарсани бунчалик очиқчасига айтган бўлмасалар керак. Қувайт делегати:

— Бизнинг ҳалқимиз бутунлай ҳақ-хуқуқсиз. Инглиз мустамлакачилари қўлида катта бойликлар мавжудлигини, бу бойликлар ватандошларимизни чексиз эксплуатация қилиш орқали йигилганини ҳам яхши биламиз. Аммо бу бойликларнинг ҳаммаси Лондонга жўнатилади, ҳалқимиз эса оч-ялангоч. Бизда на касалхона, на матбуот мавжуд. Қувайт аҳолиси адвокатга мурожаат қилишга ҳам ҳаққи йўқ. Минглаб одамлар сургун ва қамоқларда азоб тортмоқда. Устига устак, Ватанимиэда ҳарбий базалар қурилиши ҳали ҳам давом этяпти.

Ҳа, мен янгишганим йўқ, Америка ва Англия ҳарбий базалари қурилиши давом этмоқда.

Судан делегати:

— Бизни Саҳроий Кабир масаласи ташвишга солмоқда. Саҳроий Кабирда снарядли ракеталар учирish учун старт майдончалари қурилмоқда. Бу саҳроларни америка-часига ўзлаштиришдан иборатдир...— деди.

— Биз ҳарбий масалаларга ўн олти миллион фунт стерлинг сарфладик. Қуроллар сотиб олишга икки миллион фунт пулимиз кетди. Бу Бағдод пактида қатнашганимиз баҳоси оч-яланғочликка маҳкум этилган ҳалқимиз баҳосидир,— деди Ироқ делегати.

— Иордания «Эйзенхауэр доктринаси»нинг биринчи қурбони бўлди. Иордания ҳалқининг галабаси Америка дипломатиясига катта зарба бўлди ва биэлар ўз бурчимизга содиқлигимиз учун жазоландик. Англия зулмидан қу-

тулдигу Америка Қўшма Штатларининг мустамлакачилик асоратига тутилдик,— деди Йордания вакили.

— Раиснинг айтишича,— деди навбатдаги нотиқ,— мен француздар Сомалиси вакили эмишман. Бу гап аниқ бўлмади, мен бутун Сомали вакилиман. Бизларда ҳали Британия, Италия Сомалилари бор; наҳот бир бутун юракни иккига бўлиш мумкин бўлса.

Ҳа, келажак ҳалқникидир, империализм тақдири ҳал бўлди! Лекин Камерун делегати: «Мустамлакачи мамлакатлар ҳалқларга эркинликни икки қўллаб бериб қўймайдилар. Конго, Жазоир ҳалқларининг оқсан дарё-дарё қонини унутманг!»— деб жуда тўғри, ҳақ гапни айтди.

Конференция кураш ва иттифоқ руҳи билан сугорилди. Конференциянинг ҳар бир куни икки буюк қитъани, Африка ва Осиё ҳалқларини тобора яқинлаштирди. Ҳалқларнинг бу тарихий ассамблеясига қирққа яқин мамлакатлар қатнашди, булар орасида Совет Иттифоқи делегатлари ўзларига муносиб ўрин эгалладилар. Биз бошқа мамлакат делегатлари билан «ТУ-104» самолётида Москвадан Қоҳирагача бўлган олти соатлик йўлни босиб Миср тупроғига қадам қўйганимиздаги кутиб олишларини сира-сира унумаймиз.

Делегатлар ва Миср пойтахти аҳолиси йигилган Қоҳира универсitetinинг улкан залида Миср ҳалқининг оташин фарзанди Анвар Саодат совет делегацияси раҳбари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Шароф Рашидовни минбарга таклиф этгандаги олқишлиридан қаттиқ ҳаяжонландик.

Миср ҳалқи Совет Иттифоқи ҳалқларини табриклиётганини тушундик.

Кўчалардаги одамлар, Қоҳира студентлари билан учрашувлар, мисрлик оналарнинг совет делегатлари тикилишлари, Порт-Саид ҳимоячилари билан кўришишлар! Наҳотки булар эсдан чиқса, хотирадан кўтарилса?

...Бу мисралар ёзилаётганда эски йилнинг сўнгги соатлари ўтиб бормоқдайди. Бу йил дунё ҳалқларининг тинчлик, дўстлик ва адолатга бўлган ҳаракатида ажойиб ҳамроҳ бўлди. Ўтган йили кўпигина ажойиб воқеалар бўлиб ўтди, булардан бири Осиё ва Африка ҳалқларининг дўстлигига бағишиланган Қоҳира конференциясидир.

Дўстлар, Қоҳира конференциясида қатнашган давлатларни эслаб қолинг: Жазоир, Марокко, Тунис, Камерун,

Қувайт, Ливия, Нигерия, Кения, Мадагаскар, Занжибар, Бельгия Конгоси (ҳали ҳам Бельгияниги эмиш!), Франция Сомалиси (ҳали ҳам Францияниги эмиш!), Малайя, Сурия ва бошқа кўлгина мамлакатлар. Бу номлар бу ерда географик маънода эмас, балки мустамлакачиликка қарши, Эфиопия вакили айтганидек, «чириган, архаик бўлиб қолган», аммо ҳали ҳам жон сақлаб келаётган, ажал қуроллари билан қуролланган, баъзи жойлардан кетмай, аксинча, аввалги позицияларига қайтишга ҳаракат қилаётган, мустамлакачиликка қарши курашаётган миллионларча кишиларни англашиб туради.

Биз буни биламиз, ёдда тутамиз, биз буюк Осиё ва Африка қитъаларидаги биродарларимиз билан доим биргамиз. Мустамлакачилик таг-томири билан енгилиб, қулагач, ана шу қулашга сабабчи бўлган тарихий воқеани әслаймиз ва ана шунда: «Бу Қоҳира воқеаси эди!» деймиз.

Қоҳира, 31 декабрь 1957 йил.

# ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ

Делегациямизни кузатиб қолган гвинеялик дўстлар қўлининг ҳарорати ҳали ҳам кафтимиизда сезилиб турибди. Конакридаги Совет Иттилоғи, Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Мўгулистон делегацияларини олиб келишга борган «ИЛ-18» самолётининг тўрттала винти ҳам бир маромда ишламоқда.

Мана, самолёт деразасидан аэропортнинг «Конакри» деб ёзилган номи сўнгги бор бир ярқираб кўринди. Мустамлакачилик занжирига болта урган ёш, жасур Гвинея республикасининг пойтахти хайр энди! Осиё ва Африка мамлакатлари Иккинчи конференцияси делегатлари Гвинеяда ўн кун бўлдик. Бор-йўғи ўн кун... Аммо конференция минбаридан айтилган Африканинг кўпгина мамлакатлари делегатларининг мустамлакачиларга қарши кураши ҳақидаги, улар томонидан африкаликлар бошига солинаётган даҳшатли азоб-уқубатлар ҳақидаги гапларни эсласак, бу ўн кун ўзида жуда катта маъно сингдирганини ҳис этамиз.

... Тезлик билан осмонга кўтарилиб бораётган самолётдаги сўнгги таассуротимиз жазирама саванна чўли бўлди. Чексиз майдонлар, бутун Африка ери иссиқдан ёнарди.

Айтгандай, бундай манзара кўз ўнгимиизда конференцияда алангали, ўткир сўзларни эшиганимиизда ҳам пайдо бўлганди. Мустамлакачиликнинг ҳалокат куни яқинлашмоқда. Беш-олти йиллик муддат ичida Африка ўз қаддини ростлаб олди. Ҳиндистон пойтахти Деҳлида бўлиб ўтган Биринчи бирдамлик конференциясида Африкадан бор-йўғи икки меҳмон қатнашган эди. Қоҳира конференциясида эса Осиё ва Африкадан қирқ беш мамлакат қатнашди. Бутун делегация бошлиқлари бир-бирларининг қўлларини

ушлаган ҳолда мустамлакачиликка қарши курашга содиқ-ликларини изҳор этган дақиқалар сира эсдан чиқмайди. Қоҳира университетининг каттакон залидаги олқишлар анчагача тинмади. Бу 1958 йили 1 январда бўлган эди. Ҳозир Гвинея пойтахтида етмиш давлат вакили йигилган. Курашларда туғилиб, тобланган бу ҳамкор, ҳамдаст оғанинилар икки буюк қитъанинг ҳақиқий вакиллари дидирлар.

Делегация номидан гапирган нотиқларнинг фамилиялари эълон қилинмасди. Конференция раиси, Гвинея Жамоат ишлари министри Исмоил Туре:

— Кения гапиради!

— Конго гапиради!

— Родезия гапиради! — деб эълон қилиб турарди.

Минбарга курашаётган Жазоир вакили чиққандаги дақиқаларни қандай унтиш мумкин! Бир неча йиллардан бери француз мустамлакачилари билан Жазоирнинг озодлик ва мустақиллик учун, қаттиқ кураш олиб бораётгандарни табриклиш учун бутун зал ўрнидан турди.

— Бизни қўрқитолмайдилар! Ғалабага етай деб қолдик! Қаршилик кўрсатувчи кучни йўқотиб бўлмайди! Биз янги-янги ғалабаларни қўлга киритяпмиз ва бундан кейин ҳам киритамиз! — деди залга қараб бир Жазоир фарзанди. Зал қарсак, олқишлардан ларзага келди.

Минбарга қора миллий кийим кийган Кения вакили чиқди.

— Биз мустамлакачиликка қарши курашнинг энг авжига чиққан еридамиз, — деди у. — Бу оғир кураш. Биз энг даҳшатли душманга қарши курашмоқдамиз. Ва биз енгамиз! Биз ҳам бутун ер юзидағи инсонлар қандай яшаса, шундай яшашга ҳақлимиз! Африкага озодлик дараҳти әкилди ва у ўсиб-униб, ҳосилга ҳам кирди. Бизнинг ҳалқимиз озодликини эртага эмас, бугун талаб қилмоқда. Инсонлар онадан бир хил туғилади, шундай экан, ер юзидағи бутун одамлар бир хил яшashi лозим. Ухуру! — деб ўз сўзини тамомлади Англия колонизаторлари қўлида ээилиб келаётган Кения вакили. Шунда бутун залдагилар бараварига:

— Ухуру! Озодлик! — деда такрорлаши.

— Бу жиноят 21-мартда содир бўлди. Ҳужжат ҳақидағи ваҳшийларча қонунга одамларимиз норозилик билдирилар. Бу қонун африкаликларнинг бошига итнинг кунини солди. Бизларни худди шу қонунга асосан отиб ташлашаверди. Отганда ҳам кўзимизни бақрайтириб отишаверди.

Полициячилар ишчиларнинг ўйларига бостириб кираверарди. Бизда фашистлар режими жорий қилинганд. Африкаликлар «ўз мамлакатларини идора қилолмайдилар», дейдиган афсонани тўқиган мустамлакачиларнинг идеологияси ирқчиликнинг ўзиидир. Биз ўз Ватанимизда туриб бирор сиёсий ҳуқуққа эга эмасмиз. Лекин бизни қўрқитолмайсиз! Жанубий Африка халқлари бутун Африка ва Осиё халқлари ёрдамида озодлик учун курашадилар!

Мустамлакачилик ва империализмга қарши курашувчиларнинг бу буюк ассамблеяси, конференция қатнашчиларига янги-янги нотиқлар мурожаат қилишарди.

Конференция буюк ҳинд халқининг фарзанди, доно Рамешвари Неруни оёққа туриб қарши олди.

Минбарга Совет Иттилоғи делегацияси бошлиғи Мирзо Турсунзода чиқди. Уни зўр олқишлар билан қарши олишди. Совет вакилининг Осиё ва Африка халқларининг озодликлари ва мустақиллуклари учун олиб бораётган курашларида Совет Иттилоғи халқларининг кўрсатаётган ёрдамлари ҳақидаги осойишта ва зўр ишонч билан суғорилган нутқини конференция делегатлари қизиқиш билан тинглашди.

Делегатлардан бири Гвинеяни бутун Африкани мева билан таъминловчи бօғ деб атади. Бу жуда тўғри ва ажойиб ўхшатиш эди. Бу конференция учун бундан қулайроқ жой топиш қийин эди. Гвинеянинг ҳавоси ҳам әркин нафас олишга мос. Конакридаги конференция худди ана шундай тарихий конференция бўлди.

Африка узра бирдамлик ва дўстлик машъали ёнмоқда.

Африка курашмоқда! Африка алангалашибмоқда!

Дўстлар, икки буюк қитъа халқлари, биз сизлар билан!

Конакри — Москва. 1970 йил.

# КИЛИМАНЖАРО РАЙОНИ

## Рамзес ҳайкалига боқиб...

Кўнглингга ёқиб қолган шаҳарга доимо жон-жон деб учасан. Бу сафар ҳам «Ил-18» самолётида Қоҳираға қараб учарканмиз, ўзимизни шодон сеэардик. Самолёт қаноти остидан Хеопс, Сфинкс эҳромлари, елканли қайиқлар сузиб юрган кўм-кўк сувли Нил, унинг устидаги кўпприклар, баланд телевизион минора, қўйинг-чи, илгари кўп марталаб кўрган нарсаларимизнинг бари лип-лип ўтди. Кейин ҳаммаси кўздан йўқолиб, Қоҳира аэроромининг асфалътланган қўниш майдонига жадал яқинлаша бошладик.

Самолётнинг эшиги очилиб, ичкарига баҳор шабадаси урди, дўстларимизнинг хушчақчақ овозлари эшитилди, қўл сиқиб кўришишлар бошланиб кетди. Қисқаси, меҳмонларни кутиб олишдаги иззат-икромлар ўрнига қўйилди.

...Мана биз Қоҳира кўчаларида машинада ўқдай учиб кетяпмиз. Бошда бадавлат кишиларнинг муҳташам уйлари қад кериб турган кўчалардан, сўнгра яланг оёқ, узун кўйлаклари товонларигача тушадиган қора-қура болалар чоп-қиллашиб, апельсин, банан, тери ва мисдан ясалган турли-туман буюмларини овозлари борича мақтаб сотиб юрган саводгарлар қатнайдиган сершовқин маҳаллалардан ўтдик.

Ҳа, бу менинг самолётда еттинчи марта Қоҳира аэроромига қўнишим. Шунинг учун ҳам 1957 йил февралида, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг кескин ёрдами орқасида Миср Англия-Франция-Исроил агрессорларининг ҳужумини даф қилган маҳалида келганим эсимга тушади. Ӯшанда ҳарбий аэроромда инглиз бомбаларидан ҳосил бўлган чуқурлар қорайиб қўринар, Қоҳира-даги биноларнинг деразалари қум тўлатилган қоплар билан тўсилган, Сувайш каналида эса чўқтирилган кемаларнинг мачталари қаққайиб турарди. Порт-Саидда, Сувайш

каналига чиқаверишда мустамлакачиларнинг малайи, Сувайш канали қурилишида африкаликлар қонини роса ичган Лесепснинг мисрликлар қулатган темир ҳайкали думалаб ётари.

1957 йил февраль кунларида Порт-Саиднинг бутун соҳили вайрон бўлганди: бу ерда шиддатли жанглар бўлган, яқин орада бу қаҳрамон шаҳар кўчаларида агрессорларнинг танклари изгир, гувиллаб ўтаётган самолётлар Порт-Саид аҳолисига пулемётлардан ўқ ёғдиради. Ушанда биз қабрисстон зиёратида ҳам бўлгандик. Енгил шабада Порт-Саид ҳимоячиларининг қабрлари устидаги гулчамбарларнинг ленталари ва сўлғин гулларни силаб-сийпаларди...

Африка бундан бир оз муқаддам асосан мустамлакачилар заповедниги, узоқ йиллардан бери баданига зулуқдай ёпишиб олган инглиз, француэ, бельгиялик, португалиялик ва бошқа мустамлакачилардан қутулиш учун эндиғина қаддини ростлаётган ёниқ қитъа эди.

1957 йил декабрида эса Қоҳирада Осиё ва Африка мамлакатлари халқарининг бирдамлик конференцияси бўлиб, унда қирқ беш мамлакат вакиллари қатнашганди.

Қоҳира дорилғунунининг улкан залида ўтган конференциянинг ёпилиш дақиқалари, конференция делегатларининг қўл ушлашиб, мустамлакачилик ва империализмга қарши курашда тўла ғалаба қозонгунча садоқатли ва яқдил бўлишга онт ичишган дамлар умрбод унутилмаса керак.

Ҳозир буларнинг бари тарих бўлиб қолди. Ўша пайтларда эса кун ва туиларимиз жўшқин ва беором ўтар, Осиё ва Африка халқарининг вакиллари билан доимий суҳбатлар ва учрашувлардан бошимиз чиқмас, Совет делегациясининг раҳбари, жамоат арбоби Шароф Рашидов, ёзувчилардан Эзлфия ва Мирзо Турсунзода ҳамда мамлакатимиздан конференцияга қатнашиш учун келган бошқа вакиллар билан учрашиш ва суҳбат қуришга иштиёқи зўр эди. Кейинчалик, орадан икки йилдан сал ўтгач, мустамлакачиликларга қарши кураш фронти Африканинг ичкарисига кириб борди: 1960 йил апрелида озод Гвинеянинг пойтахти Конакрида, Атлантик океан соҳилида Африка ва Осиё халқарининг Учинчи бирдамлик конференцияси бўлиб ўтди.

Мана энди, 1963 йили совет делегацияси янада узоқроққа, Африканинг шарқий соҳилига, Танзаниянинг Африкадаги энг баланд тоғи Килиманджаро этакларига жойлашган Моши шаҳрига учиб бораарди.

...Қоҳира кўчалари бирин-кетин липиллаб ўтарди. Ша-

ҳарнинг гавжум майдонларидан биридаги Рамзеснинг қадими ҳайкали остига ўрнатилган фонтандан кучли сув отилиб турарди. Биз бу фонтан ёнида кўп марта бўлиб, уни зўр ҳавас билан томоша қилганмиз, беҳисоб томчила-рининг офтобда жимиirlашига тўймай тикилганмиз. Ҳозир Бирлашган Араб Республикасининг халқлари бошқача ҳаёт кечирмоқда, ишратпараст қирол Форук ва унинг инглиз-францууз ҳомийларини Миср териториясидан улоқтириб ташлаган миллий революциядан кейинги йилларда бу мамлакат халқларининг ўзларига ишончлари ортганлиги сезилиб туради. Миллий озодлик курашчилари Африка халқларининг янги ҳаёт йўлига чиқиб олишларига кўмаклашаётган социалистик мамлакатлардан чинакам дўстлар орттиридилар. Совет халқи ёрдамида Асвон тўғони қурила бошлади. Бу қурилишда совет кишиларининг мисрликлар билан дўстлиги янада мустаҳкамланди.

...Тунда Қоҳирадан жўнаб кетдик. Орадан икки соат ўтгач, қизғиш тонг шафаги кўзларни қамаштириди. Биз Судан устида учиб бораардик. Самолёт Хартумга бориб қўнди. Аэрордом узра қоёш кўтарилаарди. Учиш майдонида ишлар ўз майлига давом этар, қандайдир самолёт учишга ҳозирланарди, мотори ишлатиб кўриларди. Аэропорт биноси олдида новча ва қотма кишилар уймалашибарди. Самолётларга эса гилофли ов милтиқлари, каттакон сувдонлар, чарм қопчиқлар тираб кўйилганди. Биз ўша томонга назар солиб, тахтачадаги ёзуудан тез орада самолёт Лондонга қараб учишини билиб олдик. Инглиэларнинг Судандаги ови ўнгидан келдими ё йўқми билолмадик, ўлжалари кўринмасди. Шундай бўлса ҳам жўнаётганлар кузатиб қўяётган суданлик ҳарбийлар билан ҳазил-мутойибалар қилиб, гурунглашарди. Орадан кўп ўтмай осмони фалакдан Хартумни томоша қилишга мусассар бўлдик. Энди у мўжазгина, уйлари кул ранг ва сарғиш, дараҳтлари сийрак кўринар, Нил устига қурилган оппоқина кўприк кўзга ташланарди.

Самолёт тобора баландлади. Кўз очиб юмгунча саккиз минг метр баландликка кўтарилдик. Шунда ҳам самолёт қаноти остидан лишиллаб ўтаётган нарсаларга қизиқсиниб тикиларди, киши. Текисликлардан кейин қизғиш ва қўнгир чўққилари карж-карж бўлиб кетган тоғликлар бошланарди. Биз энди Эфиопия устидан учиб бораардик. Кўп ўтмай ям-яшил чуқурлиқда жойлашган Аддис-Абеба шаҳридаги биноларнинг деразалари ярқираб кўринди.

Қаршимиздаги ўриндиқларда иккита нотаниш киши ўтиради. Улар бизга Қоҳирадан ҳамроҳ бўлишганди. Ке-часи, Ҳартумга етгунимизча ҳамма мудраб келганди. Тан-занияяга яқинлашганимиз сари самолётдаги йўловчилар — уларнинг бари конференция делегатлари эди — ўрнилари-дан қўзғалиб, бир-бирлари билан таниша бошладилар. Рў-парамизда ўлтирган кишиларнинг ҳам бизлар билан гу-рунглашгилари келди чамаси, улардан бири — ўрта бўйли, соч-соқоли оқарган, қоп-қора кўзлари чақнаб турган киши биз томон ўгирилиб, араб тилида:

— Худонинг устидан учиб ўтилмиз,— деди.

— Қандай қилиб худонинг устидан? — деб сўради ВЦСПС секретари, арабчага тиши ўтадиган Комрон Ҳу-санинов.

— Баландда учялмиз. Ҳудо пастда қолди.

Танишдик. У яманлик шоир Аҳмад экан. Ёнида эса озодликка чиққан Яманнинг маданият министри Яҳё Ман-сур ўлтиради.

Аҳмад чўнтағидан иккита ҳужжат чиқарди.

— Ҳозир бизга мазза, иккита паспорт билан саёҳатга чиқамиз — биттасини қирол берган, икинчисини — Ас-Са-лол.

Аҳмад жўшқин қалб соҳиби эди. У биз томон ўгири-либ гапира кетди:

— Россияга борсан, дейман. Сиэларнинг сиёсатингиз-ни тушунаман ва маъқуллайман. Сиёсатингиз ҳамма вақт империалистларга зарба беради.— У бирдан деразага қа-раб, тўсатдан юрагидаги гапини тўқди:— Бу ерда инглиз-ларнинг гирибонидан олишяпти. Бир кунмас бир кун бу ерлар жаннат бўлади.

Самолёт парча-пурча булатлар оралаб борарди. Пастда саҳро ястаниб ётибди. Қаердадир, чап томонда лип этиб Сомалининг пойтахти Могадишишо кўринди, сўнг паст томондан Ҳинд океанининг ложувард сувлари кўзга ташлан-ди. Қирғоқлари сарғиш увада булатлар худди куйған пах-тага ўхшарди. Яна бир соат учганимиздан сўнг самолёт пастлаб, пальмалар устидан ўтди-да, Танзаниянинг пойтах-ти «тинчлик шаҳри» деган маънони билдирувчи Дорус-Салом шаҳрининг мўъжазгина аэропорти биноси олдида тўхтади.

Самолётнинг эшиклари яна очилди. Биз жазирама ис-сиққа, офтобга чиқибоқ ўзимизни дўстларимиз оғушида кўрамиз. Улар танзаниялик дўстларимиз бўлиб, баъзилари

яқиндагина Москвада мәҳмон бўлган, баъзиларини биринчи кўришимиз. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир хилда кўк кўйлак кийиб олишганидан бу ўсиқ тропик кўкалам-зорга бирмунча мос тушганди.

Самолётдан юклар туширилгунча аэропортнинг мўъжаз-гина залиди сухбат қизиди. Кения, Жанубий ва Шимолий Родезия, Жанубий Африка Республикаси, Марокаш ва Жазоир делегатлари, вьетнамликлар ва корейслар — яна таниш ва нотаниш сиймоларни кўрамиз. Яна бирдамлик ҳаракатининг илк йиллари беихтиёр эсга тушади. Дадиллик етишмаса-да, эҳтирос ва ғазаб, алам ва фифон тўла дастлабки нутқлар... Мана энди эса Африканинг хўжайин-ларини кўриб турибмиз. Делегатларнинг бари навқирон, гапга чечан, истиқболга ишончлари зўр кишилар. Уларнинг барига ҳавас билан тикиласиз.

## Килиманжаро райони

Танзания — жуда ёш давлат. Унинг мустақилликка эришганига бир йилдан сал ошиди. Танзания бир вақтлар немисларнинг мустамлакаси эди, бироқ Германия биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан кейин Англия васийлигига ўтди. Бундан негр халқининг аҳволи ўзгармади деса бўлади. Танзанияни ширин бир луқма деб биладиган инглизлар ва бошқа европаликлар эса янада семирдилар. Шу сабабдан Танзаниянинг ҳанузвагача ўз миллий саноати йўқ. Аэрородром йўлидан Дорус-Саломга кириб бораркансиз бунга аниқ ишонч ҳосил қиласиз. Баланд ва шамолда сал-гина эгилиб қолган палъемалар орасида хорижий фирмаларга қарашли фабрика ва заводларнинг бир текисда тушган корпуслари кўриниб туради. Маълум ва машҳур Батянинг пойафзал фабрикаси ҳам, Американинг тамаки фабрикаси ҳам, авторемонт устахоналари-ю, бошқа ҳар хил бегона корхоналар ҳаммаси шу ерда. Ер ҳам, ҳаво ҳам, океанинг шамоли ҳам шу ерликларники, аммо капитал билан ишлаб чиқариш воситалари бирорвларники. Шунинг учун ҳам бир юз йигирма беш минг киши истиқомат қиласиган Дорус-Салом шаҳрида йигирма минг киши ишсизликда қашшоқларча ҳаёт кечиради. Бу ерда ҳозирча инглизларнинг аҳволи ёмон эмас, беллари оғриётганча йўқ. Ҳинд океанини ёқалаб, доимо яшнаб турадиган дараҳтлар оралаб юрсангиз олис юртлик келгиндиларнинг ишлари бешлигини қўрасиз.

Мезбонларимиз бўлган Танзания жамоат ташкилотлари конференцияни Дорус-Саломда эмас, ундан кўра салқинроқ жойда — Африкадаги энг баланд ва айтишларича, энг гўзал тоғ — Килиманжаро яқинидаги Моши шаҳрида ўтказишга қарор бердилар. Шу важдан Дорус-Саломда бир кечада қўниб, эртасига туш пайтида «ИЛ-18»га нисбатан енгилроқ самолётда конференция бўладиган жойга қараб йўл олдик.

Олис ва яқин сафарларнинг нақадар ҳавасини олган бўлманг, барибир, ҳар галги янги маршрут кишида бошқача қизиқиш уйготади. Шу важдан самолёт ойнасидан кўринган ложувард океан багридаги Занжибар деб аталмиш олис оролдан кўз узолмайди киши. Бу пайтда мен ўтирган креслонинг ён томондаги суюнчигига қоп-қора йигитча енгил чўқди-да, оролни кўрсатиб, эҳтирос билан:

— Олтмиш учинчи йил Занжибарнинг мустақиллик йили бўлиши керак,— деб қўйди.

У қўли билан ложувард сароб томонга ишора қиласкан, гёё она тупроғини кўриб, ундаги шаҳар ва қишлоқларни таниб тургандек эди. Мен ана шу оролларнинг фақат қорасини кўраётган бўлсан-да, мени қучиб, Занжибарда рўй берадиган нарсаларни қайта-қайта кўнглидан кечираётган нақирион дўстимнинг фикрларини яхши тушуниб турардим.

Самолётимиз Ҳинд океани устида шартта бурилди. У енгил силкинди, дим, қизиган ҳаво ердан узоқлашади. Остимизда қизғиши ўрмонли тепаликлар ва тоғлар кўзга ташланади. Яна андак пастлаганимиздан сўнг ерга қўниб, ўзимизни яна кўк кўйлакли қувноқ кишилар даврасида кўрамиз. Улар меҳмондўст дўст сифатида бошимиздан гуруч сочишади.

Қўллар осмонга кўтарилиб, аэрором узра барча қитъаларда машҳур бўлган биргина сўз янграйди!

— Ухуру! Ухуру!

— Озодлик! Озодлик!

Шу лаҳзада мен Килиманжаронинг офтобда ялтираётган ва мовий осмон қўйнида кўзни қамаштиргудек жилва қилаётган қорли қалпоғини илк дафъа кўриб қолдим. Моши кичкина шаҳарча. Меҳмонхонадаги номерлар меҳмонларга етишмади. Биз ўзимизнинг бир гуруҳ делегатлар ва бошқа делегацияларнинг аъзолари билан бошқа меҳмонхонага тушдик. Меҳмонхона Килиманжаронинг энг баланд чўққалиридан бирининг номи билан, яъни «Кибо» деб аталган.

Янурова деган новча ва қотмадан келган, қўзлари ўйно-

ки шофёrimiz бизни меҳмонхонага әлтишдан олдин уйига кириб, пахтали нимчасини олиб чиқди.

— Нима, у жой салқинроқми?

— Яна беш юз метр баландликка кўтарилимиз. Моши денгиз сатҳидан бир километрча баландда.

Оқшом яқинлашиб қолган.

Янурва бизга тикилиб қолган жингалак сочли болаларининг бошини сийпалаб қўйди. Сўнг автомашинасининг эшигини ёпаркан, ишонарли қилиб деди:

— Мен ТАНУ<sup>1</sup> партиямизнинг топшириғини бажаряпман. Машина етишмайди. Машина ҳайдашни билади ганлардан қарашиб юборишни илтимос қилинди. Ҳазиначи икковимиз ҳозир хизматдамиз.

Бурилиб, тезда йўлга чиқиб олдик, мўъжазгина уйчалар бирин-кетин ортда қолаверди. Марказдан олислашганимиз сари улар тобора кичраяди. Тез орада гувала кулбалар ёнидан ўта бошладик. Қош қорайиб келаётган пайт эди. Айланма йўлдан қўёшнинг қаёқса ботишини билиб бўлмасди. Бироқ йўл ёқасидаги дараҳтлар бир мунча ингичкароқ ва нозикроқ кўринарди. Ҳудди шу пайт қотмадан келган новча аёллар бошларида ўтин, қандайдир ўт-ўланлар ва хас-ҳашак билан даладан қайтиб келишарди чоғи. Аёллар билан бирга улар кўпчилик бўлса керак — бошларига қандайдир нарсалар қўйган болалар ҳам қайтар, гоҳо иргишлиб ўйнашарди. Бурилишлардан бирида озиқовқат дўконига кўзимиз тушди, унинг ёнида ҳам аёллар ўтирас, ёнгинадаги офтоб тушиб турган жойда қассоблик дўкони бўлиб, яқинида бир неча қўй боғлоғлиқ турарди.

— Холодильник йўқлиги учун гўшт сотилиб бўлиши билан қўй сўйилаверади,— деб қўйди йўл-йўлакай тушунтириб келаётган Янурва.

— Бу ернинг маъмурий бўлиниши қандай?

— Биз Килиманджаронинг этагида турибмиз.

— Бу ер Килиманджаро атрофи деб аталадими?

— Килиманджаро атрофи, дейилади.

Йўл тофни ўрлаб борарди. Бурилишлардан бирида «Килиманджаро» деган ёзувни кўриб қолдик. Биз ўша ердан бурилиб, бир нафасда «Кибо» деган романтик ном билан аталган эски, зиналари гадир-будур меҳмонхона олдига келиб қолдик. Бундай ном меҳмонхонага тасодифан берилмаганди. Меҳмонхона Килиманджарога кўтарилаверишда

<sup>1</sup> Африканинг Танзания Миллий иттифоқи.

әди. Баланд тог чўққиларига кўтарилишни ҳавас қилганларнинг бари шу ерга келади. Меҳмонхонанинг катта айвони йўғон бамбуклар билан ўралган. Бамбуқдан қилинган десворда африкаликларнинг қалқон ва найзалири осиглиқ турибди. Меҳмонхона эгаси турадиган жойдан (унинг вазифасини Германия Федератив Республикасида келган, меҳмонхона хўжайини бўлган ўрта ёшлиардаги немис бажарарди) сал нарига арслон териси қоқилган бўлиб, тепасида қўтос ва оҳу шохлари қўзга ташланади. Айвондаги мармар столчалар атрофида учта-тўртта бўлишиб, бамайли хотир қаҳва ичишиб ўтирган кишилар бу ерда пайдо бўлган конференция делегатларига қизиқсиниб қарашарди.

## Африкага учинчи суиқасд

Ҳамма нарса муқоясада аён бўлади. Бирдамлик ҳаракатининг тонгида империалистларнинг малай мирзалари матбуот ва радиода, туҳматга тўла турли-туман нашрларида, бу ҳаракат маҳв бўлади, у парчаланиб кетади, деб жарсолгани әдилар. Тарих бу «башоратлар»нинг барини чиппакка чиқарди. Қоҳирада ўтган биринчи конференцияда ҳам мажлис ораларида қандайдир ис билар кимсалар изгиби, баъзи делегатлар кўнглига ғулгула солишга уринган әди. Бироқ мустамлакачиликка қарши кураш Фронти Совет Иттилоғи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг моддий ва маънавий ёрдамида Африканинг тобора ичкарисига кира боргани сари янги ва эски мустамлакачилар иғволар билан конференцияни бузиш, делегатлар ҳамжиҳатлигига путур етказиш, африкаликларни коммунизм билан қўрқитишига уриниб, анча жиддийроқ воситаларни жангга ташладилар. Кениянинг маркази Найробида ва Танзанияда чиқадиган хусусий газеталарда «Танзанияга саксонта рус коммунисти учиб келяпти», деган сўзлар бор әди. Шундан бўлса керак, аэрордромда кутуб олган кишилар биздан: «Қолганлар қани?» деб сўрашди. Делегациямиз составида эса ўн ёзувчи ва олтига таржимсон ҳамда референт бор әди, холос. Бироқ газеталарга «саксонта рус коммунисти» ҳам камроқ қўринибди шекилли, улардан бирида: «Танзаниядаги конференцияга қизиллардан уч юз киши бостириб кирди!» деган катта сарлавҳа пайдо бўлди.

Мошига бутун жаҳондан юздан ортиқ мухбирлар келди, матбуот, радио, телевидение вакиллари ҳам шу ерда әди.

Ҳа, империалистлар, анча-мунча позициялар бўшатиб берилса ҳам, мустамлакачиликка қарши кураш фронтининг ҳужумини тўхтатса бўлади, деб ҳисобловчи кишилар таҳликада қолганликларини тушуниб турардилар.

Бундай мураккаб вазиятда эндиғина мустақилликка эришган Танзания халқининг қандай яшаётганини билишга қизиқканлигимиз табиий, албатта. Конференция арафасида Танзаниянинг йирик сиёсий арбобларидан бири, ТАНУ партиясининг бош секретари Оскар Камбона бизни меҳмонга таклиф этди.

Кечки пайт. Қоп-қоронги тропик кечада. Биз олдида анча-мунча машиналар турган бинога етиб келдик. Ичкаридан чиқиб келган кишилар машиналарга ўтириб кетишарди. Машиналар эса шартта бурилиб, қоронгилек қаърида гоёнбўйиб бўлар, уларнинг ўрнини бошқа машиналар әгалларди. Бу ерда ҳаёт қайнагани-қайнаган. Одамлар устларидаги чипор қўйлакларининг барини тушириб юришарди. Ҳамма бунга ўрганганд, бу ер иссиқ тропик жой бўлганликдан расмиятга ўрин йўқ. Негаки, Мошига маслакдош дўстлар тўпланишганди.

Биз иккинчи қаватдаги улкан хонада район партия комитетининг секретарларидан бири билан гурунглашиб ўтирадик. Секретарь бизга сиёсий ҳокимият қўлга киритилгандан кейин ишда дуч келинаётган ўнларча муаммолар ҳақида тортинибгина ҳикоя қиласарди.

Хонага Оскар Камбона кириб келди. Ўттиз беш ёшлардаги, очиқ юэли, истараси иссиқ ва кўринишдан иродали киши эди.

— Афв этасизлар, иш билан бўлиб, тутилиб қолдим. Ҳар қадамда минглаб иш,— деди у бизга конференция делегатларидан бўлган ўртоқларини таништириб.

Шундан сўнг Камбона:

— Олдин биэнинг овқатимиз таъмини кўрасизлар... Енгил таом,— деб таклиф қилди.

Дастурхондаги таомлар ичидаги энг ширини, Ҳиндистондагига қараганда данаги каттароқ бўлган мангога гал келганида мусоҳабамиз авжидарди. Ҳамсуҳбатимиз Камбонанинг Фикр-хаёли мамлакатининг орзу ва умидлари, халқини камбагаллик, нодонлик ва қашшоқликдан холос қилиш ташвишлари билан доимо банд эканлиги очиқ сезилиб турарди.

— Яқин орада ҳаммаси жойига тушади. Душманларимиз нақадар қаршилик кўрсатмасинлар, албатта мағлуб

бўладилар. Гарчи улар ўзларини мудофаа қилаётган бўлсалар ҳам, барибир чекиняптилар. Буни биз ҳам тушумиз, ўзлари ҳам англашади. Бироқ ҳозир келажагимизнинг қандай бўлиши ҳал қилинишига боғлиқ бўлган масалалар кўп. Сиз Африкага неча марта суюқасд қилинганлигидан хабардормисиз?

Бу саводдан ҳаммамиз лол қолдик. Камбона эса жилмайиб қўйди.

— Минг марта. Юз минг марта. Миллион марта. Бироқ асосийси учта. Африкалик қуллар әгаллаб олинганлиги — биринчи суюқасд. Иккинчиси — Африка ерларининг босиб олиниши. Учинчиси эса — Африка экономикаси әгаллаб олинганлиги. Учинчи суюқасд ҳали амалга оширилмаган, эҳтимол, қисман амалга оширилгандир... Айрим ҳолларда ажнабийлар қўлга кирилган ҳисса каттароқ эканлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам учинчи суюқасдга қарши қаттиқроқ туришимиз керак. Бунинг нималигини тушунишга ақлимиэ яхшироқ етади. Шу важдан биз ҳозирда Африка ҳалқарининг бирлиги учун кураш олиб бормоқдамиз. Бу бирлик иқтисодий мустақиллик учун курашда зафар қозонишимизга кўмак беради. Мана Танзанияни олиб кўринг... — Камбона бир зум тўхтаб, чуқур уҳ тортди. — Танзания,— деди у такрорлаб,— менинг ватаним, севимли юртим. Биз мустақилликка эришдик, бироқ ҳали ўз кадрларимиз йўқ. Мамлакатни инженер, қурувчи ва архитекторларсиз бошқариб бўлмайди. Йиғлизлар ҳукмронлик қилган йилларда бизда ҳаммаси бўлиб иккитагина негр врач бор эди. Мамлакатимизда яшовчи қарийб ўн миллион кишига иккитагина врач. Сизлар Мошига биз сотиб олган самолётларда келдингиз, албатта... Бироқ учувчилар бизларники эмас. Сув йўқлигидан қанчадан-қанча ерларимизнинг умри бекор ўтяпти. Биздагилар ирригация нималигини билмаганлари сабабли сувга зормиз. Бу соҳада ҳам мутахассисларимиз йўқ. Бизда учта катта кўл бор, Виктория ҳам шулар жумласидан. Бундан ташқари бешта кичикроқ кўл ҳам бор. Нил сувини Викториядан олади. Биз Виктория бўйида яшасак ҳам, чанқаб ётибмиз.

Камбона бизга лекция ўқиб ўтирмади. Унинг биз билан етилиб, пишиб қолган ва бошидан кечган нарсалар хусусида фикрлашаётгани сезилиб турарди. Биз сўзларига диққат билан қулоқ solaётганимизни кўрганидан кейин яна гапида давом этди.

— Биз ишлаб чиқаришни камида икки марта кўпайти-

ришимиз керак. Масалан, Виктория кўли бўйида яшовчи қабилалар пахта майдонларини яна ўшанча қенгайтирсалар бўлади. Мен сизга битта мисол келтирай. Руфижи дарёсида тошқин бўлиб, кўп уйларни сув оқизиб кетди. Одамлар хонавайрон бўлиб, катта кулфатда қолди. Бироқ сув қайтганидан кейин ўша жойлардаги пахтадан мўл ҳосил олинди. Одамлар бир томондан сувдан қўрқадилар, иккинчи томондан, тошқин уларга неъмат баҳш этади. Агар биз дарёлар оқими ва сув тақсимотини назорат қилиб турганимизда қанчадан-қанча ишларни амалга оширган бўлардик!

— Бизнинг Совет Иттифоқимизга келинглар,— деди Мирзо Турсунзода,— Осиё республикаларимизда: Ўзбекистонда, Тожикистонда бўлинглар, нималар қилаётганимизни ўз кўзларинг билан кўриб, ютуқларимизни ўрганинглар.

Камбона бош иргаб, унинг гапини маъқуллади.

— Ҳа, албатта шундай қилишимиз керак. Бироқ аввал одамларимизга кўп нарсаларни ўргатишмиз лозим бўлади. Бизларда қанча чорва борлигини биласизми? Етти миллион. Сутни эса Голландиядан оламиз.

— Нега энди?

— Чунки бизда чорва бойлик мезони ҳисобланади... Уни бир жойдан иккинчи жойга ҳайдашгани-ҳайдашган. Бизда масайлар деган қучли ва бақувват қабила бор. Бироқ қабиладагилар на гўшт ва на сут истеъмол қиласди. Биз гарчанд бой кўринсак-да, ҳозир камбағалмиз. Танзания, Кения (ҳамма мамлакатларни эслаб ўтишнинг ҳожати бормикин)— хомашё манбай, деган фикрни узоқ йиллардан бери миямиэга қўйиб келишди. Шундай. Ҳа, ҳозир ҳам аҳвол ўзгаргани йўқ. Биз сизол<sup>1</sup> етказиб берамиз, унга серобмиз. Чой, қаҳва, мойли экинлар ҳам экамиз... Пахтани эса... ундан ҳам кўп ҳосил олсанк бўлади-я... — Камбона мамлакатининг имконияти кўплигини тушунтироқчи бўлгандай қўлларини ёйди.

— Ҳозир сизларга нима ҳалал беряпти?

— Мен саволингизга деярли жавоб бердим, унга яна қўшимча қиласман. Танзания — оролнинг ўзгинаси.

— Қанақа орол?

— Мустамлакачилар ўртасидаги орол. Мана ўзингиз кўринг. Шимол томонда Кения туриби, у ерда мустамлакачиларга қарши кураш кетяпти. Родезия эса бошқа томонда туриби. Анголада кураш кетяпти. Жанубда Жану-

<sup>1</sup> Жутнинг бир нави.

бий Африка Республикаси. Биз эса ҳозирда тарих тақозоси билан мустамлакачиликка қарши кескин курашнинг қоқ марказида турибмиз. Биз бу ерда инглизларнинг ҳам, немисларнинг ҳам, француздарнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам зулмини кўрдик. Улар бу ерда ҳатто халқимизнинг «ўртacha табақаси» вужудга келишига ҳам йўл қўймадилар. Бу ерда «ўртacha табақа»ни Европадан экспорт қилдилар, у ердаиши юришмаганларни бу ёққа юбордилар. Бу уларга ҳам арzon, ҳам ишончли-да. Мустамлакачилар маҳаллий халқ мустақилликка эришса ҳам, соябон тутиб юраверади, биз сояда қолаверамиз, деб ўйлашганди.— Камбона яна қаттиқ, шўх кулиб қўйди.— Бироқ биз соябон тутишини истамадик. Биз халқ курашини ташкил әтдик. Пролетариатимиз деярли йўқлигидан қишлоқларда ташкилотларимизни тузишга киришдик. Ҳар бир қишлоқнинг ўз группасини туздик. Одамларимиз камбағал бўлса ҳам, ҳар бир киши ойига олти пенсдан тўлаб, ўз ҳиссасини қўшиб турди. Энг муҳими, лидерларимиз халқа сунянишди. Шунинг учун ҳам биз зафар қозондик. Биз мамлакатимизнинг ишларига жуда ҳам берилиб кетганмиз, шундай бўлса-да, бутун Африкани озод этиш муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверади. Мабодо, биз, гарб демократияси деб аталмиш нарсани қўзлаб иш кўрадиган бўлсак, бу озодликка ҳеч қачон етишолмаймиз.

Вақт ярим кечага яқинлашай деб қолди. Эртасига конференция очилиши керак эди. Ажойиб суҳбат учун Оскар Камбонага миннатдорлик билдириб, ўрнимиздан турдик. У қўлларимизни сиқиб, хайрлашаркан, боягидаи мулоийм жилмаярди.

— Мамлақатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхши бўлишига ишончимиз комил. Биз ҳамкорлик қилишимиз керак. Африкаларлар Совет Итифоқига жуда ишонадилар. Биз сизларнинг ва жаҳондаги барча дўстларимизнинг мададида бахтили келажагимизни бунёд этишимизга аминмиз...

Биз ташқарига чиқдик. Кўчалар бўм-бўш эди. Ҳамма машиналар кетиб қолган, фақат бизнинг шоферимизгина рулга бош қўйганича мудрарди.

## Жанубий Африка дарвозасидаги учрашув

Оскар Камбона конференцияни очаркан, шундай деди:

— Бу конференцияни очиш Танзаниянинг мендек граждани учун катта шарафдир, бу шунингдек, мамлака-

тимнинг бутун ҳалқи, қишлоқларимида яшовчилар ҳо-  
зирда нима учун кураш олиб боришаётганини тушуниб  
турган ёшлар учун ҳам шарафдир, бу Африка озодлиги  
йўлида жонини фидо қилганлар учун ҳам шарафдир. Биз-  
нинг мамлакатимиэга қўшни бўлган Ангола, Мозамбик,  
Жанубий ва Шимолий Родезия каби мамлакатлардаги би-  
родарларимиз ҳам кураш олиб бормоқдалар. Биз улар би-  
лан қалбан биргамиз. Уларнинг яқин келажакда биз син-  
гари озод бўлишларига тилакдошмиз. Биродарларимиз  
озодликка чиқиб олган биродарларининг кўмакларига ишон-  
салар бўлади. Озодликка эришганлар ҳам биринчи навбат-  
да шу йўлда курашаётганларга мадад беришлари лозим.

Биз конференциямиэни оддий мактабда очмоқдамиз.  
Сизлар бу мактабнинг деразаларидан Килиманжаронинг  
қорли чўққиларини кўриб турибсиз. Унинг тепасида бу-  
лутдан асар йўқ. Бизнинг ҳалқимизда, агар Килиманжаро  
чўққилари беғубор бўлса, унинг яқинидаги одамларнинг  
ишлари ўнгидан келади, деган нақл бор. Мошига тўплан-  
ганимиздан бери Килиманжаро чўққиларида булутдан но-  
му нишон кўринмади. Конференциянинг муваффақиятли  
ўтишига ишончимиз комил. Мен сизларга Танзания муста-  
қиллиги эълон қилинган куни озодлик рамзи бўлган мил-  
лий байрогимиэни бутун Африка кўрсин деб Килиманжа-  
ронинг энг баланд жойига ўрнатганимизни айтишни  
истардим. Энди кўпи кетиб, ози қолди. Эрк қўшигини  
куйлаб, Лимпопо дарёсидан ўтадиган кунларимиз тобора  
яқинлашмоқда. Бизнинг ушбу конференциямиз мағлубият-  
га учрашини истаётган одамлар ҳам топилади, албатта.  
Улар бизни парчалаб ташлашни истайдилар. Аммо биз  
уларнинг бу ниятларига етишларига йўл қўймаймиз. Бир-  
лигимизни ҳеч нима бузолмайди, уни доимо мустаҳкамлай-  
верамиз, бунинг учун бутун куч-қувватимизни аямаймиз,  
токи жаҳонда мустамлакачилар поймол қилаётган парча ер  
бор экан, биздан ҳеч ким ўзини озод ҳис қиломайди.

Оскар Камбона янгишмади. Осиё ва Африкани ҳая-  
жонлантираётган масалалар турлича тушунилиши туфайли  
вужудга келган қийинчиликларга қарамай конференция  
муваффақиятли ўтди. Икки буюк қитъа ҳалқларининг эз-  
гу ўй ва умидларини ўзида мужассамлаштирган умумий  
Декларация олқишлилар билан қабул қилинди. Унда, хусу-  
сан, шундай дейилганди: «Биз, Африка ва Осиё ҳалқлари  
тинчлик бўлишига қатъий ишонамиз ва империалистлар-  
нинг уруш ва агрессия сиёsatига қарши, мустақиллик ва

миллатлар ўртасидаги ақиллик учун курашамиз. Миллий озодлик ва миллий суверенитет учун кураш тинчлик ва қуролсизланишга әришишда құдратли күчдир. Биз ядро қуроли ишлаб чиқариш, жамлаш ва ундан фойдаланишга қаршимиз, мавжуд ядро қуролларини батамом йўқотиш тарафдоримиз.

Хозирги халқаро кескинликни юмшатиш ва ялпи жаҳон урушининг олдини олиш учун биз ялписига ва назорат қилиб турладиган қуролсизланиш принципини ва ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз.

...Биз умумий мақсад йўлида кураш олиб бораётган Африка, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларининг халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирдамлик мустаҳкамланиб бораётганини олқишилаймиз. Биз ана шу мустаҳкамлик империализм, мустамлақачилик ва неоколониализмга бар-ҳам бериш учун курашда ва жаҳонда чинакам тинчлик ўрнатишида муҳим омил бўлишига қатъий ишонамиз.

Африка ва Осиё халқлари озодлик, бирлик ва тинчлик истайдилар. Биз ана шу олиjanоб мақсадларга әришиш йўлида бутун куч-қувватимизни аямаймиз. Бизнинг эрамиз тарихга Африка ва Осиё асри бўлиб киражак ва келажакка умид ва ишонч билан нигоҳ ташлашимиз учун барча асосларимиз бор».

...«Ливингстон» меҳмонхонаси сершовқин эди. Субҳидамда, тушлик овқат маҳалларида ва оқшомлари столчалар атрофида тинимсиз баҳслар, мунозаралар ва мусоҳабалар бўларди. Қаҳвахонадаги столчалар орасида баҳайят тошбақа ўрмалаб юрар, бироқ ҳеч ким унга эътибор бермасди. Меҳмонхона эгаси — кекса грек делегатларнинг елкаларига қоқиб, жиддийми ё киноя биланми: «Қани, ёшлар янги Африкани қураверинглар!» деб қўярди. Меҳмонхона лифти ишламасди. Шунинг учун хўжайнинг давъолар қила бошлишди. У бўлса даъвогарларнинг гапига: «Мутахассислар йўқ, сизлар ўшсизлар, келажак сизларники, чопқиллаб юраверинглар» деб қўярди.

Бир куни меҳмонхона залида эски дўстимиз, Кения миллий озодлик ҳаракатининг йирик лидерларидан бири бўлган Огинга-Одинга билан учрашиб қолдик. У қип-қизил кўйлакда бўлиб, бошига кўк мунчоқли оппоқ қалпоқ кийиб олганди. Унинг 1962 йил ёзида съездлар Саройида ўтган Еппасига қуролсизланиш ва тинчлик ўрнатишига багишлиган жаҳон конгрессидаги оташин нутқи ҳамма-

мизнинг ёдими эди. У Кениядан Мошига автомашинада келибди.

— Кения бу ердан узоқ эмас,— деди у,— икки юз километр келади. Озодлик кучлари Кения чегарасига келиб қолганидан Британия империализми талвасада. Африкаликлар сизларни бу ерда биринчи дафъа кўриб турибдилар ва бундан жуда мамнунлар. Америка ва Англия матбуоти сизларни африкаликларга хунук кўрсатишга кўп уринди. Сизлар бемалол келавердингизлар. Совет кишилари африкаликларнинг чинакам дўстлари эканликларини энди ҳамма ўз кўзи билан кўриб турибди.

Уша кунлари Жанубий Африка Республикасидан келган делегатлар билан ҳам учрашиб, ажойиб суҳбатлар қурдик. Уларни номма-ном санаб ўтирамаймиз. Улар жонажон юртларидан бу ерга не-не мashaққатлар билан келишганди.

— Бизнинг учрашувимиз халқларимизнинг бўлгусидағи дўстлигининг ажойиб дебочасидир,— деди делегатлардан бири бизга.

— Бу Совет Иттифоқи арбобларининг мамлакатимиз кишилари билан Жанубий Африка дарвозасидаги биринчи учрашувидир. Яқин келгусида Килиманжаро этакларидан бошқа жойларда ҳам учрашамиз, деб ишонтира оламан,— деди бошқа бир дўстимиз қатъильт билан.

— Мустамлака зулмида азоб тортаётган мамлакат ва халқларни озод қилиш масаласида чинакам бирлик вужудга келиши мумкин,— деди учинчи бир дўстимиз.

— Жанубий Африка Республикасида ирқий камситилишга, оқларнинг ҳукмронлигига қарши қураш тобора кескинлашаётганини бир кўрсангиз эди. Кураш ҳали янада қаттиқроқ бўлади. У улкан маънавий ва моддий мададга муҳтож. Арслоннинг қулогидан ушлаб олган одамларга тезда ёрдам бермаса бўлмайди,— деб хитоб қилди тўртинчи меҳмон тўлқинланиб.

— Биз ана шу конференциядан кейин жанубий Африканинг дарвозасига яқин бориб, уни очишимиз ва: «Биз келдик!» дейишимиз керак.— Бешинчи меҳмон бу сўзларни ҳаяжонланиб айтди.

Биз Жанубий Африка Республикасидан келган жўшқин ва вазмин делегатлар, ўз ватанларининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган чинакам курашчилар билан жуда дўстлашиб қолдик.

...Бир куни Жанубий Африка Республикасининг бошқа жиҳатлари билан ҳам танишишга тўғри келди.

Мошининг жазирама кунларидаги мажлисдан кейин анча әртароқ, кечқурунги соат ўнлар атрофида бўлса керак, меҳмонхонамизга қайтиб, овқатландик-да, кенг айвонда ҳордиқ чиқардик, тогдан келаётган салқинда роҳат қилдик. Меҳмонхонадан сал нарида бир қишлоқ бор әди. Ўша томондан сийрак тутун тараалар, тамтамнинг бир мақомдаги зарблари жўрлигидаги африкаликлар қўшиги ҳам эшитиларди.

Шунда малла соч новча бир йигит столимизга яқин келди:

— Сизларга мурожаат қилсанм бўладими? — деб сўради у биздан.

— Марҳамат.

— Конференция ўз олдига қандай мақсадлар қўйған?

— Нега сизни қизиқтирипти бу?

— Мен Жанубий Африка Республикасидан бўламан. Студентман. Регбичи ўртоқларим билан каникулда дам олгани келганман. Сизлар руслармисиз?

— Ҳаммамиз ҳам рус әмасмиз. Бу ерда иккита рус, тоҷик, озарбайжонлик ва қозоқ ўтирибди.

Студент гапимизга тушунмади. Биз унга стол атрофида кимлар ўтирганлигини яна бир марта айтдик.

— Аҳа, тушунарли, — деди у, — бизларда ҳам уч миллион оқ танли ва ўн уч миллион қора танли бор.

— Бизга қора танли деган сўз ёқмайди. Биз уни ҳаэм қилолмаймиз.

— Бизда шундай дейишади, маъзур кўрасизлар, — йигитча чиндан ҳам ҳаяжонланарди.

Биз ундан нега ҳаяжонланаётганини сўрадик.

— Қоралар бизларни қиришяпти. Кения ва Танзаниядаги оқ танлилар бизга қочиб келишяпти. Ўзимиз ҳам аҳвол тез орада бундан баттар бўлишини тушуниб турибмиз.

— Бизнингча, сизларда яқин орада аҳвол яхшиланса керак, — деб қўйди Мирзо Турсунзода.

— Қанақасига яхши бўлади? — студент гапга яна тушунмади.

— Жанубий Африка халқлари мустамлакачилардан қутулади.

— Биз ана шундан чўчиймиз-да.

— Нега чўчийсизлар? Сиз мустамлакачимисиз?

— Мен студентман. Исмим Аллан Листер, иқтисодчи-бухгалтерликка ўқияпман.

— Отангиз-чи?

— Унинг техника адабиётлари магазини бор. Бироқ ишимиз яхши юришмаяпти. Техника адабиёти кам тарқалади. Ишни юргизиш учун кўп куч сарфлашга тўғри келяпти. Отамнинг ўзи уйма-уй юришга мажбур бўляпти.

— Нимада юради у?

— Автомашинада.

— Машиналарингиз биттами?

— Учта.

— Ерларингиз кўпми?

— Йўқ, олти акр, холос. Бироқ асосийси бу эмас.

— Негрлардан ёки ҳиндлардан дўстлар орттирган мисиз?

— Йўқ.

— Нимага?

— Улар университетда ўқишишмайди.

— Сиз шу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми?

— Ўйлаб кўрдим... Фақат мен эмас... Университетимизда илфор фикрли студентлар бор. Ўзларингиз ҳам эҳтимол эшитгандирсиз: Фервурд ҳукуматини танқид қилиган ҳар бир одам коммунист деб эълон қилинади...

— Нечага кирдингиз?

— Йигирма бирга.

— Совет Иттифоқидаги олий таълим ҳақида нималар эшитгансиз?

— Айтишларига қараганда, сизларда мияси бор одамлар ҳаммаси ўқиромиш.

— Сизларда-чи?

Листер хижолатомуз иржайди.

— Кимнинг пули бўлса ўша ўқийди... Бу ерга келганим учун кечиринглар, биз чиндан ҳам келажагимиз қандай бўларкин, деб саросимадамиз. Мабодо улар,— бу сўзларга у айрича урғу берди,— ғалаба қилишгудай бўлса аҳволимиз танглашади.

— Ҳа, аҳволингиз танглашиши мумкин, бироқ ҳамма яхши кун кечиради, тушуняпсизми? Иш шунга қараб кетяпти. Сиз ҳали ёшсиз. Бу тўғрида яхшироқ ўйлаб кўринг. Үн гулингиздан бири ҳам очилмаган.

Йигитча биз билан хайр-маъзур қиларкан кўзлари пирпирагандек бўлди. Чеккароқдаги столчалар атрофида унинг әгнilarига бир хилда спортчилар кўйлаги кийишган ўртоқлари ўтиришарди. Йигитча ўртоқлари олдига яқинлашди-да, чамаси биз билан қилган суҳбатини айтишга тушди.

Конференциянинг охириги куни кинокамера қўтариб олган, соч-соқоли қордай оқарган кекса киши менга яқин келди. Ёнида юпқа шим кийган, жуссаси кичикроқ аёл ҳам бор эди. Бир ҳафта давом этган конференция кунларида улар делегатларнинг алоҳида-алоҳида группаларини суратга олишган, гўё конференциядан бир қадам ҳам нарига силжишмагандек эди. Улар залга киритилмаганди. Тропик шароитда мажлис залиниң қандай бўлиши тушунарли, албатта. Калта шим кийган ва семизгина кўринган бу одам эса илдам ҳаракат қиласарди. Бироқ толиқаётгани ҳам сезилиб қоларди чоги.

— Мен Би-би-сидан келганман,— деди у ўзини танишитириб,— сизни суратга олиб, бир неча савол беришимга ижозат этсангиз.

— Суратга қанақа қилиб оласиз, яхшилабми, ёмонлабми?

— Бу сизнинг бизга нималар дейишингиэга боғлиқ.

— Сиз инмани истардингиэ?

Кинооператор қўл силтади.

— Майли. Барибир бизга керакли гапни айтмайсиз. Бошқаси Лондондагиларга керак бўлмайди.

— Лондондан келганмисиз?

— Ўша ердан келганман ҳисоб, ҳозир эса муқум жойимиз Кенияда, Найробида. Биз ишлаётган жойнинг номи — Шарқий Африка.— Кинооператор хўрсниб қўйди.— Ахир, бизлар ҳам одаммиз. Тинчлик бўлсин, деймиз.— Унинг сўзлари нақадар аламли бўлганидан, вазият қандайлигига бунинг ҳам фаҳми етибди-да, деган сўзлар кўнглимдан кечди беихтиёр. Африкада муқум бўлиб қолишга уринаётган хўжайинларига сидқидилдан хизмат қилаётган бу одам уларнинг умидлари чиппакка чиқаётганини ўз кўзи билан кўярпти. Унинг «бизлар ҳам одаммиз» деганига ҳам сабаб шу.

Шундай қилиб, биз ушбу конференцияда ҳозирги Африкани, мустамлакачилик қалъаларини кескин ва узил-кесил штурм қилиш вазиятида турган Африкани икки тарафлама кўздан кечирдик.

Конференциянинг охириги куни Танзанияда бизни президент Жулиус Ньерере қабул қилди. Самимий ва қизгин кечган бу суҳбатда Африка миллий озодлик ҳаракатининг ҳар бир арбоби ўзини нақадар масъулиятли сезаётганлигини тушуниб олдик.

Президент суҳбатда бизга кўмаклашаётган Совет

иттифоқилик таржимон аёлнинг она тилиси бўлган сухаили тилида гапираётганидан жуда мамнун эди.

— Бизга бирлик зарур,— деди Нъерере.— Бу Африкада биз муҳтож бўлган асосий нарсадир. Бир вақтлар мустамлакачилик найзасининг азобини тортганмиз. Бир марта тортганлар қайта яна тортишини сира-сира истамайдилар. Биз ҳамма билан, жумладан, бир вақтлар бизга зулм қилганлар билан ҳам яқинлашиб, алоқада бўлиш тарафдоримиз. Бироқ Африка халқлари тарихининг даҳшатли саҳифалари қайтадан варақланишини истамаймиз.

\* \* \*

Биз Килиманджаро этагидан жўнаб кетдик. Бу, ўртасида оппоқ қордан тоҷ кийган Килиманджаро тоги қад қериб турган экваториал Африканинг ниҳоятда гўзал районигина эмас. 1963 йил бошида Африка ва Осиё халқларининг мустамлакачиликдан тўла-тўқис озод бўлиш учун кураши тарихидаги яна бир муҳим воқеа ана шу районда содир бўлди. Бу курашда зафар қозонилажаги яққол кўриниб турибди.

1963 йи.л.

# СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ, ВЬЕТНАМ!

Вьетнам. Бу сўз бугунги кунда озодлик ва миллӣ мустақиллик учун кураш рамзи бўлиб қолди. Дунё икки лагерга — озодлик, тинчлик ва социализм лагерига ҳамда исталган мамлакатни, эўравонлик ва урушга, одамин одам томонидан эзилишига қарши бош кўтараётган ҳар бир кишини барча воситалар билан мажақлаб ташлашга уринаётганлар лагерига бўлинган.

Вьетнам ватанпарварлари ўз озодликлари ва мустақилликларини ҳимоя қилишда совет халқининг, барча илғор башариятнинг доимий кўмагига таянмоқдалар. Биз вьетнамлик дўстларимизни қўллаб-қувватлаётганлигимизни яна бир карра барада айтмоқ учун 1964 йил ноябринда Ханойга учиб бормоқда әдик.

Чехословакия, Куба, Англия, Венесуэла, Франция, Индонезия, Доминикан Республикаси ва халқаро тараққийпарвар ташкилотларнинг вакиллари ҳам биз билан бирга әди.

Мана, ям-яшил шолипоялар, қорайиб кўринган кўтармалар, ялтираган сув омборлари ҳам орқада қолди. Бу Вьетнам Демократик Республикаси. Самолёт пастлай бошлади, биз кўп ўтмай ўзимизни дўстларимиз оғушида кўрдик. Улар конференция делегатларини қўлларида гуллар билан кутиб олдилар, қўлларимизни самимият билан қайта-қайта қисдилар.

Ботаётган қуёш уйлар ортига яширинди. Ханой қўчалари сершовқин, қаёққа қараманг велосипедчилар. «Волга», «Победа», «Москвич» сингари таниш машиналар ҳам кўриниб қолади. Гарчи ҳамма ёқда ўқ узиладиган коваклар ва бомбадан яширинадиган жойлар кўзга ташланиб турса-да, ханойликларнинг меҳнат билан бандлиги се-

зилиб турарди. У қадар олис бўлмаган фронт нафаси **Ханойга** келиб тургандек...

Биз шаҳарга конференция очилишига икки кун қолганда етиб келдик. Шу важдан Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахтини томоша қилиш ва дўстлар билан кўришиш иштиёқида әдик.

Конференция бошланиши олдидан бизни Вьетнам Демократик Республикасининг президенти **Хо Ши Мин** қабул қилди. У бизни президент саройининг бўсағасида қарши олди. Сўнгра бизни салқин хонага таклиф қилиб, Москванинг қандай нафас олаётганини суриштирди, бир вақтлари «Гудок» газетаси ва «Оғонёк» журналига актив қатнашганигини эслади.

— Бу конференциянинг асосий мақсади — бирлик! — деди **Хо Ши Мин** биз билан хайрлашаркан.

Бу сўзлар **Ханойда** ўтган конференция учун бир шиор бўлиб хизмат қилди. **Хо Ши Мин** бу сўзларни Вьетнам Демократик Республикаси конференция делегатлари шарафига ўtkazgan якунловчи қабул маросимида ҳам тақоролади. У: «Ҳозирги асосий нарса бирлик, бирлик ва яна бир карра бирликдир!» — деди.

Уша кезларда Америка империалистларининг конференция арафасида юргизаётган извогарликларидан бехабар әдик. Улар Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ўқка тутишибди. Мезbonлар буни бизга кейинрок айтишибди. «Биз ҳар қандай игвога зарба беришга қодирмиз!» дейишибди улар бизга.

Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси ва Австралиядан келган делегатлар конгресслар ўтадиган янги бинога йиғилишибди. Конференциянинг очилиши тантанали, учрашувлар ҳаяжонли, Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи **Хоанг Куок** Вьет ва **Жанубий** Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронти делегациясининг раҳбари **Чан Ба Тханнинг** докладлари мазмундор бўлди. Залга чўйкан сукунат ичida нотиқларнинг: Америка Қўшма Штатлари эски француз мустамлакачилигини неоколониализм билан алмаштиришга уриняпти». «Америка Қўшма Штатларининг чегараси 17-параллелга-ча чўзилган» деган сўзлари янгради.

Америка империалистлари **Жанубий** Вьетнамда авж олаётган қонли интервенцияни «алоҳида уруш» ёки «чекланган уруш» деб атамоқдалар. Улар Вьетнамнинг қаҳрамон халқини ўн саккиз ой ичida тиз чўқтиришини ўз ол-

диларига вазифа қилиб қўйғандилар. Бироқ бу иш чиппакка чиқди. Уша кунлари Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий Фронти тузилганлигининг тўрт йиллиги пишонланди. Утган йиллар ичida Америка Кўшма Штатларидан Вьетнамга жуда кўп миқдорда қурол-яроғ, ўқ-дори келтирилди. Беш юз минг кишидан иборат армия тузилди. Ҷақирилув ёшига тўлган ўсмиirlар зўрлаб армияга олинмоқда. Стратегик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган аэродромлар ва ҳарбий дengиз базалари қурилмоқда, товушдан тез учар самолётлар тинч қишлоқлар устига бомбалар ёғдиromoқда. Жанубий-Шарқий Осиё ва Гинч океандаги Америка империалистларининг штаби Жанубий Вьетнамда жойлашган. Америка армиясининг минглаб солдат ва офицерлари Жанубий Вьетнам территориясида бебошлиқ қилмоқдалар. Америка қўшинлари ва уларнинг сайгонлик малайлари Жанубий вьетнамлик ватанпарварларни қийнамоқдалар, уларни тириклиайн кўмиб юбормоқдалар. Қишлоқлар ёндирувчи моддалар ёрдамида кули кўкка совурилмоқда, одамлар ва экинлар устига заҳарли моддалар сочишмоқда.

Зал Америка интервентларининг Жанубий Вьетнам тупрогидаги жиноятларини фош қилувчи нутқлардан газабнок гувиллайди. Биринчи қаторда ўтиришган Жанубий вьетнамлик делегатлар орасида ёндирувчи моддадан ҳамма ёғи куйган ўн уч ёшли Хо Ван Бот номли бола ҳам бор эди.

1964 йил 8 июляда Хо Ван Ботининг қишлоғи тепасида Американинг разведкачи самолёти пайдо бўлди. У бирпас айланиб юрди, сўнгра кетида бошқа самолётлар ҳам учиб келди. Улар элликта ёндирувчи бомба ташлашди.

Ҳамма ёққа ёнаётган бензин ёйлди. Бўсалар худди машъалдек ёнишарди. Хо Ван Бот ўртоқлари, акаси қандай ёнганини ўз кўзи билан кўрди. Уша даҳшатли дақиқаларда ўттиз икки киши ҳалок бўлди.

Нотиқ тўхтаб, сув ичаркан, кўз ёшларини артди. Энди аёллар ҳам, эркаклар ҳам ўзларини тутиша олмай йиглашарди.

Нотиқ гапида давом этди.

Жанубий Вьетнам ҳалқи тиз чўкмайди. У душманни тобора сиқиб келяпти. Ҳамма ерда партизанлар ва Миллий озодлик фронтининг жангчилари кураш олиб бормоқдалар. Ҳозир фақат чангальзорларгина эмас, балки Сайгон ҳам Америка мустамлакачилари ва уларнинг малайлари учун нотинч жой бўлиб қолди. Америка Кўшма

Штатларнинг Сайгондаги әлчиҳонаси тиканли сим билан ўраб қўйилганидан қазармадан сира-сира фарқи йўқ. Қаҳрамон ватанпарварлар душманнинг самолёт ва кемаларини мажақлаб, қурол-яроғларини тортиб олмоқдалар, экспедицияларини тор-мор келтирмоқдалар. Улар яқиндагина америкаликларнинг Биен-Хоадаги аэрородромига қаҳрамона на ҳужум қилиб, Американинг йигирмадан ортиқ самолётини йўқ қилдилар.

Жанубий Вьетнам териториясининг бешдан тўрт қисми Америка Сайгон қароқчиларида тозаланган. У ерларда мактаблар очилган, катталар ҳам билим олиш билан бирга ўз ватанлари учун кураш олиб бормоқдалар. Вьетнам халқи социалистик мамлакатларнинг мададини янада кўпроқ сеэмоқда.

Дўстларимиз бизга Жанубий ватанпарварларнинг курашлари ҳақида учта кичик фильм кўрсатиши. Будистларнинг Сайгон кўчаларида ўзларини ўзлари куйдиришлари. Полициячиларнинг намойишчиларни тарқатиб юборишлари. Экранда курашэтган Жанубий Вьетнам жангчиларини ҳам кўрамиз. Улар чангальзор оралаб, ботқоқлик жойлардан ўтиб боришаётпти. Америкаликлар АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг белгилари бўлган ва уриб туширилган вертолётдан қўрқа-писа қочиб кетишаётпти. Энди ҳеч кимга ҳам хавф-хатар сололмайдиган вертолёт бурқасб ётиби. Озод қилинган районларда болалар таълим олишаётпти. Қизлар ўт сочар қуролларни ўрганишмоқда. Ҳар бир одам ватани ҳимоясига тайёргарлик кўраяётпти.

Конференция делегатлари номаълум солдат қабрини зиёрат қилдилар. Бу ерда сўнмас олов ёниб туради. Қабро атрофида Вьетнамнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганларнинг беҳисоб қабр тошлари.

Яна конференция залига шабада киради. Қўулларига гуллар кўтариб, бўйниларига қизил галстук таққан Жанубий вьетнамлик пионерлар — ҳозирда ота-онасиз қолган, туғилган ўйларидан олисадаги ана шу меҳмондўст Шимолий Вьетнамда таълим олаётган болалар кириб келишади.

Минбарга Жанубий вьетнамлик пионер қиз чиқади.

— Ҳозир оталаримиз ва оналаримиз қаердаликларини, уларнинг эсон-омонликларини ҳам, аҳволлари не кечганлигини ҳам билмаймиз. Биз бу ерга, Ханойга Жанубий Вьетнамдан делегация келаётганлигини ва унда Хо Ван Бот ҳам борлигини билганимизда суюнганимиздан теримизга сифматик.

Пионер қиз Хо Ван Ботнинг ёнига бориб, уни қучоқ лаганида бутун зал оёқка турди. Жанубий Вьетнамниг Озод қилиш Армияси батальонининг жанговар командири қизчани кўтариб, юзидан ўпади.

Конференцияда Лаос, Камбоджа, Гвинея делегатлари ҳам сўзга чиқдилар... «Португалия» Гвинеясининг вакили ҳам сўзлади. У шундай деди: «Мамлакатимиз халқларининг юраклари Жанубий Вьетнам халқига дўстлик ва у билан бирдамлик туйгуларига тўлиб-тошган. Сизларнинг курашингиз — бизнинг курашимиздир. Сизнинг галабаларингиз бизларни португалийлик мустамлакачиларга қарши курашиб, зафар қозонишга илҳомлантиряпти. Биз ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритдик: биз ҳозирда Ватанимиз террориясининг ярмини назорат қилиб турибмиз. Мустамлакачилар ҳамма жойда ҳам бир хилда. Улар бизнинг ватанимизда ҳам одамларимиэни тириклигин ерга кўмиб, уйларни вайрон қилиб, етиштирилган ҳосилни йўқ қилмоқдалар. Шундай бўлса ҳам халқларимизнинг озодлик томон ҳаракатини ҳеч нима тўхтата олмайди!»

Курашаётган Венесуэла вакили ҳам ҳаяжонли нутқ сўзлади.

«Венесуэла халқи Жанубий Вьетнамнинг ҳар бир галабасини ўз галабаси деб ҳисоблайди. Биз империалистларнинг барча кирдикорларини биламиз: улар вьетнамликларни вьетнамликларга, венесуэлаликларни венесуэлаликларга гижгижлаб қўйишади. Сизларнинг курашингиз Венесуэланинг галаба қозониши учун яхши ибратдир. Биз Совет Иттифоқи, Куба ва бошқа мамлакатлар озодлик ва мустақиллик учун курашда қанчалик кўп қурбонлар берганликларини яхши биламиз. Биз Европа ишчилар синфининг курашини олқишлиймиз. Курашаётган ҳар бир халқ бошқа халқга кўмак беради. Биз Америка империалистларининг планларини барбод қилишимиз, барча мамлакатлар халқларини империализмга қарши курашга сафарбар қилишимиз зарур».

Конференция қатнашчилари Совет Иттифоқи делегациясининг нутқини қизғин кутиб олдилар. Худди ўша кунлари матбуотда ТАСС баёноти эълон қилинганди. «Хинди-Хитой ярим оролида авантюристик режалар тузётганлар Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатларнинг тақдирларига бефарқ қараб туролмаслигини ва зарур ёрдам кўрсатишига тайёр эканлигини унутмаслик-

лари керак. **Дъен Бъен-фу** бутун дунёнинг яхши эсида. Француз мустамлакачилари шармандаларча мағлубиятга учраган эди. **Дунё** энди **Бъен-Хоа** деган сўзни эшитди. У ерда Америка империализмига қаттиқ шикаст етказилди. Агар Америка агрессорлари **Жанубий Вьетнам**-дан даф бўлмас эканлар, улар ҳам **Дъен-Бъен-Фунинг** қисматига дучор бўлишларига ишончимиз комилдир!»

Конференцияда қардош социалистик мамлакатлардан Польша, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Болгария, Руминия вакиллари, шунингдек, халқаро тараққийпарвар ташкилотларнинг вакиллари ҳам сўзладилар. Уларнинг ҳаммаси Вьетнам халқини озод қилиш бутун тараққийпарвар инсониятнинг иши эканлигини айтиб ўтдилар.

Ниҳоят конференция ҳам тугади. Унинг қарорлари яқдиллик билан қабул қилинди. Делегатлар бир-бирлари билан урган-аймоқдай иноқ бўлиб кетдилар.

Конференция делегатларидан биро группаси **Ханойга жўнаб** кетди. Ўша пайтда **Ханойда** тошқиндан зарар кўрган **Жанубий Вьетнам** халқига ёрдам кўрсатиш учун келган СССР Қизил Крест жамиятига қарашли тўрт самолётдан иккитаси турганди. Биз шу самолётларда учиб кетишимиз керак эди. Шунда 1957 йил майида Вьетнамга келганим, ана шу йўлдан **Хайфонга** борганимиз ёдимга тушди. Ўшанда қўприклар ёнида французларнинг дотлари<sup>1</sup> ҳувиллаб турарди. **Жангчилар** француз мустамлакачиларини улардан қувиб чиқаришганди. **Ҳозир** эса биз ўша ерларда ҳаёт тобора кайнайтганини кўрамиз. Совет техникасидан фойдаланаётган давлат **хўжаликларининг** қизил рангдаги меҳнат байроқлари кўзга ташланади.

**Ханой** билан **Хайфон** ораси бир юз тўрт километр. Икки соатлик йўл. Бироқ у Вьетнамнинг меҳнат қўшиғи, унда меҳнат қилаётганларнинг ҳар бири Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг жангчиси эканлигини яхши биладиган мамлакат узра отаётган янги ҳаёт тонгидай туюлади.

Бу конференцияни узоқ вақтларгача эслаб юрамиз. Бизнинг делегациямизни ҳам, социалистик мамлакатларнинг делегацияларини ҳам, **Жанубий Вьетнамни** озод қилиш йўлида иккала мамлакатни бирлаштириш йўлида курашайтганларга самимий бирдамликларини изҳор этиш

<sup>1</sup> Узоқ ўт очиш нуқтаси.

учун келган жамики қишиларни қнэгни ва самимий кутуб олган демократик Вьетнам халқини унутмаймиз.

17-параллель яхлит Вьетнам иккига бўлиб турган демаркация линияси бўлишдан қутуладиган онлар яқин қолганлигига ишончимиз комиладир.

Мен бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси ўринбосари сифатида комитет мамлакатимиздаги бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда совет жамоатчилиги ва халқаро афкор оммани Вьетнам халқи курашини актив қўллаб-қувватлашга сафарбар этишда улкан ишларни амалга оширганилиги хусусида қисқача тўхталиб ўтишни истардим.

Ханойдан қайтганимиздан сўнг орадан кўп ўтмай, 1964 йил декабрида Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронтининг, Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронти Марказий Комитетининг аъзоси Нгуен Van Тиен бошчилигидаги делегацияси Совет Иттифоқига келди. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети билан Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронти Марказий Комитети ўртасидаги келишувга мувофиқ халқларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва қардошларча жанговар бирдамликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Москвада Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронтининг Доимий ваколатхонаси таъсис этишга қарор қилинди. Ваколатхона 1965 йил апрелида иш бошлади, унга Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронти Марказий Комитетининг аъзоси Данг Куанг Минъ бошчилик қилди. Ваколатхона ходимлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян қабулида бўлдилар.

Совет бирдамлик комитети Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллий фронтининг доимий ваколатхонаси билан биргаликда совет жамоатчилигини Жанубий Вьетнам халқининг ҳаёти ва кураши билан таништириш соҳасида катта ишлар қилди. Матбуот конференциялари, корхона ва муассасаларда митинг ва йиғилишлар ўтказилди, матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишлар ўюштирилди. Ваколатхона ходимлари Совет Иттифоқи бўйлаб талай сафарлар қилдилар. Улар Ленинград, Белоруссия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия ва Украинада бўлдилар. Улар ҳамма жойда ҳам давлат, партия ва жамоат ташкилотларининг

раҳбарлари билан учрашдилар, меҳнаткашларнинг кўп сонли митинглари ва йигинларида нутқ сўзладилар.

Совет бирдамлик комитети Жаҳон Тинчлик Кенгашинг ташаббуси билан 1965 йил 23—30 май кунлари тинчлик кучлари ҳаракатининг Вьетнам халқининг адолатли курашини қўллаб-қувватлашга багишланган халқаро ҳафталиқда ҳам актив қатнашди. Ҳафталик кунларида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида оммавий митинглар ўтказилиб, уларда совет кишилари Америка империализмининг қабиқ агрессиясини қаттиқ қораладилар ва қардош Вьетнам халқи билан бирдам эканликларини баён қилдилар.

Мамлакатимиэда, шунингдек, Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги конференциясининг қарорига мувофиқ 14—20 июнь кунлари Вьетнам халқининг Америка империализми агрессиясига қарши, миллий озодлик ва тинчлик учун курашини қўллаб-қувватлаш ҳафталиги ҳам зўр кўтаринки руҳда ўтказилди. Деярли барча корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассаса ва ўқув юртларида бўлиб ўтган митингларнинг резолюцияларида Совет кишилари Совет Ҳукуматининг Вьетнам Демократик Республикаси мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ва Жанубий Вьетнам ватанпарварларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларини маъқуллаётганлари ифода этилди.

Совет бирдамлик комитети матбуот орқали бир неча марта баёнот бериб, совет жамоатчилиги номидан Америка империализмининг Вьетнамдаги «қонли уруши»ни тўхтатишни талаб қилдилар. 1965 йил 9 апрелда Комитетимизнинг баёноти эълон қилиниб, унда Жанубий Вьетнами Озод қилиш Миллий фронтининг 1965 йил 22 марта мурожаатида баён қилинган позицияси тўла қувватлаётгани ўз ифодасини топди.

Комитет Осиё ва Африка мамлакатларининг Совет Иттифоқида бўлаётган кўп сонли делегациялари билан ҳам катта ишлар олиб бормоқда. Биз Вьетнам халқининг бу курашини қўллаб-қувватлашда бирга ҳаракат қилишга келишиб олишга интиламиз. Ўз навбатида Комитетимиз делегацияси ҳам Осиё ва Африканинг турли мамлакатларига борганида ўша мамлакатларнинг жамоатчилиги билан биргаликда баёнотлар бсрди ва мурожаатлар қабул қиласиди.

Бизнинг делегациямиз Осиё ва Африка халқларининг

Виннебада ўтган IV Бирдамлик конференциясида, 1965 йил июнида Ханойда бўлган Касаба союзларининг Халқаро конференциясида ва Хельсинкида иш кўрган Тинчлик, миллый мустақиллик ва ялписига қуролсизланишга багишланган жаҳон конгрессида Вьетнам халқининг хақли талабларини қатъий ва узил-кесил қўллаб-қувватладилар.

Совет жамоатчилиги, халқимиз қардош Вьетнам халқининг доимо содиқ дўсти ва ишончли иттифоқдоши бўлиб келганинги, ҳозир ҳам шундайлиги ва келгусида ҳам шундайлигича қолишини амалда исбот қилди.

Делегациямиз Ханойда бўлганидан бери бир йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу вақт ичиди Вьетнам тупроғида талай воқеалар рўй берди. Америка империалистларининг Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан қилаётган қароқчиларча хатти-ҳаракатлари бутун жаҳонни газабга келтириди. Жанубий Вьетнамда уруш ботқогига ботиб узлуксиз шармандалик ва маглубиятлардан гангид қолған Америка қўшинларининг қўмандонлиги ва уларнинг Сайгондаги ялоқхўрлари, Пентагон арбоблари Америка Қўшма Штатларининг президенти Жонсоннинг шарофати билан Вьетнам Демократик Республикаси қарши эълон қилинмаган уруш бошлаб юбордилар, деса бўлади.

Бомбалар, ёндирувчи моддалар, артиллерия ва пулемётлардан ўққа тутишлар қаҳрамон Вьетнам халқини тиз чўқтиришга уринаётган ҳозирги замон ваҳшийларининг асосий воситаларидир. Бироқ улар ҳеч қачон ниятларига етолмайдилар. Барча социалистик мамлакатлар, мустамлака зулмидан холос бўлган барча мамлакатлардаги кишилар, капиталистик мамлакатлардаги, жумладан, Америка Қўшма Штатларидаги яхши ниятли меҳнаткашларнинг бари Вьетнам Демократик Республикаси, Жанубий Вьетнамни Озод қилиш Миллый Фронти билан биргадирлар. Ҳозир бутун жаҳон дарғазаб. Вьетнамлик биродарларимизга доимо мадад бериб келаётган биз, совет кишилари улар билан биргамиз. Шунинг учун ҳам Америка империализми мажақлаб ташланадиган фурсат келишига ишончимиз комил. 17-параллелнинг иккала томонидаги уруш Вьетнам халқининг улуғ зафари билан якунланажак. Ана шу галаба бутун тараққийпарвар инсониятнинг галабаси бўлажак.

1965 йил.

# МИСРДА БИР ҲАФТА

## Қоҳирада нима яигиликлар бор?

Москвада қор аралаш кучли шамол эсар, изғирин квартиralарга сирғилиб киар, грипп уйма-уй кезарди. Жанубий областлардан ҳар куни ернинг ҳосилдор қатламини ялаб кетиб, шаҳар кўчаларини қум ва хас-хашакка тўлдириб ташлаётган бўронлар хусусида ташвишли ҳарлар келиб турарди. Колхоз ва совхозлар ерларни қайтадан экишга ҳозирлик кўришар, хуллас, бу йилги баҳор оғир келганди.

Самолётга чиққунимча совуқ шамол тинч қўймади мени. Шунда менга бутун дунёда ҳам шундай совуқ ҳукмрондай туюлди. Бироқ биз тушган «Ил-18» туш пайтида Анқарага қўнганида теварак-атрофда баҳор нафаси кезиб юргандай бўлди. Гарчи ўша пайтда аэропортда одам кам, иккита-учта турк самолёти нам асфальтда қимири этмай турарди. Шунда аэропорт бирдан гавжум бўлди қолди, одамларнинг ғовур-ғувури эшитила бошлади — нега деганда бир гуруҳ совет туристлари Бирлашган Араб Республикаси га кетишаётганди-да. Туристларbekатda ўзларига аталган бир шиша пепса-колани ичиб, аэрордом атрофидаги пастак тиэма тогларни томоша қилиша бошлади. Тоғ чўққиларида қор кўринар, аэрордомнинг у ер-бу ери ҳам оқариб турарди. Ҳаво температураси минус бир даражадан кўп ўтмай қора кўз кузатувчи аёл йўловчиларни самолётга таклиф қилиб қолди. Биз Қоҳирага қараб йўл олдик.

Қоҳира аэрордомида мен Осиё ва Африка ҳалқлари Бирдамлиги комитетида бирга ишлашган эски дўстларимдан Доимий секретариатнинг Бош секретари Юсуф ас-Сибонийни, шу ташкилотнинг ходими, ажойиб инсон Камол Баҳоваддинни ва араб ҳалқларига дўстона муносабатда

бўлган турли ташкилотларнинг Бирлашган Араб Республикасидаги вакиллари бўлган ватандош ўртоқларимнн кўриб қолдим.

Бу ер иссиқ, офтоб чарақлаган, соядаги жойлар эса салқинлик қиласади. Аэроромда ўзига хос ҳаёт қайнайди. Юк ташувчилар тинимсиз ўтиб турар, йўловчиларнинг бир тўдаси кетса, иккинчиси келарди. Аэропорт гоҳ шовқин-суронга тўлиб кетар, гоҳ соҳилга уриладиган денгиз сувидай тинчиб қоларди. Биз паспортларимиз расмийлаштирилиб, дўстларимиз юкларимизни олишгунча кутиш залида ўтириб турдик. Ўшанда Юсуф ас-Сибоий менга шундай деди:

— Менга қаранг, дўстим. Бизни қизиқтирган масалалар юзасидан учрашувларимизни иккига бўламиш.

— Марҳамат.

— Биринчи марта әртага учрашсак. Иккинчи ва кейинги марта Асвондан қайтганингиздан кейин учрашсак.

— Асвондан дейсизми?

— Ҳа, менимча, у ерда илгари бўлмагандирсиз?

— Шундай, бўлганим йўқ.

— Нега энди? Мисрда ўн мартадан кўпроқ бўлгансизу Асвонда бир марта ҳам бўлмагансиз?! Ё қардош халқларимиз меҳнати соясида бунёд қилинаётган иншоотни томоша килишни хоҳламайсизми?

— Жуда-жуда хоҳлайман-да.

— Биз Асвон ва Луксорга боришини режалаштириб қўйганимиз.

— Фиравнлар водийсигами?

— Шундай.

— У ерда мен бундан ўн икки йил илгари бўлгандим.

— Буниси ихтиёргизда.

— Маъқул, ўйлаб кўраман.

Биз «Нил» меҳмонхонасига йўл олдик.

Кўнглингга ёқиб қолган шаҳарга ҳар сафар келганингда унда рўй берган кичик ўзгаришларни ҳам пайқамоқ учун синчилаб томоша қиласан, киши. Қоҳира энди қандайкин? Араб мамлакатларига қарши Йероил агрессиясидан бери орадан икки йил ҳам ўтмаганди-да. Шу фурсат ичida қандай ўзгаришлар рўй берганикин? Ўтган шу қисқа вақт ичida Қоҳирада учинчи марта бўлишим. Икки марта келганимда Юсуф ас-Сибоий менга Асвонга боришини таклиф килмаганди. Мана энди шундай таклиф тушиб турибди. Бундан чиқди, дўстларимизнинг димоғла-

ри чог экан-да. Қандайдир янгиликлар излаб Қоҳира кўчаларидан кўз узмай борарканман, шундай деб ўйлардим. Шахарнинг кўринишида айтарли ўзгаришлар йўқ-дек эди. Ўша-ўша Қоҳира халқи, чағур-чуғур қилиб сигарета ва хилма-хил атторлик буюмлари сотиб юрган болалар. Муюлишда машиналари тўқнашиб қолган шоғёрларнинг жанжаллашган овозлари. Араб ва хорижий фильмларнинг ранг-баранг рекламалари. Банан, апельсин ва бошқа тропик неъматлар уюмлари. Нима янгиликлар бор ўзи? Мен ногаҳон янгиликларга кўзим тушиб қолди. Марказий майдонлардан бирини кесиб ҳарбий бўлинма ўтарди. Солдатларнинг қиёфаларида ва ўзларини ҳарбий-ча тутишларида қандайдир янгилик бор эди. Улар Қоҳира кўчасида фақат ўзларига хос шахдам қадам ташлаб боришаарди.

Ўша куни дўстларим даврасида Бирлашган Араб Республикасида рўй берган ўзгаришлардан сўраб-нетиб гурунглашиб ўтиарканмиз, Миср армияси ҳозирда жиддий ҳарбий таълим билан бандлигини, солдат ва офицерларнинг маънавий руҳи жуда баландлигини эшитиб, суюниб кетдим.

На чора, агрессорга жавоб қилиш учун жанговао қудратга эга бўлган армия ҳозирлаб қўймоқ керак. Гангид қолган Истроил агрессорлари ҳамон қурол ўйнаяптилар. ўз армияларини Америка Қўшма Штатлари ва Англия етказиб бераётган замонавий аслаҳалар билан таъминла-моқдалар. 1967 йил июнида араблар сфири синовларга дучор бўлдилар. Ақл-идрок билан иш қилишни истамаётган Истроил агрессорлари араб ерларини топтаб юрибдилар, нола-ю фиғонлар ҳанузгача тинганий йўқ.

...Меҳмонхонанинг нақ балкони тагидан оқиб ўтадиган сокин Нилда субҳидамда бадан тарбия қилишаётган иккита денгизчини кўриб қолдим.

Сувайш каналида қаттиқ отишма кетаётганди. Бизнинг мухбирларимиз келишибди. Уларнинг айтишича, аҳвол жуда кескинлашган. Фаластин партизанлари ҳам актив ҳаракат қилишяпти. Вазият нақадар кескин бўлса-да, дўстларимизнинг Истроил босқинчиларини қадимий араб ерларини тарқ этишга мажбур қилишга қатъий бел боғлаганниклари, она тупроқ ҳимоясига отланганниклари ва бу борада босиқлик билан иш тутаётгандари сезилиб турарди.

## Янги журналимиз

Ҳа, жаҳонда «Африка ва Осиё адабиёти» деган янги журнал пайдо бўлди. У ноёб журнал. Бундай воқеа икки буюк қитъанинг тарихида шу чоққача бўлмаганди. Бу журнал Қоҳирада араб, инглиз ва француз тилларида нашр қилинади. Икки қитъадаги ёзувчилар ташкилотларини ўзида бирлаштирган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциацияси журналнинг соҳиби, унинг ноширидир.

Бундай журнал ташкил қилиш истаги Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 йили Тошкентда ўтган Биринчи конференциясида баён қилинганди. Журнал осонликча ташкил этилмади. Ёзувчиларнинг Африка-Осиё ташкилотини пароканда қилишга уринган Хитой бузгунчиларининг ярамас ишлари журналнинг тезда чиқишига халал берди. Ёзувчилар ташкилоти жипслashiб, бундай нашр чиқарилишини тасдиқлаган Байрут конференциясидан кейин мисрлик дўстларимиз ҳиммати билан ишлар жўнашиб кетди. 1967 йил июнь ойининг охирида, Исроил агрессиясидан кейинроқ Сарвар Азимов икковимиз Қоҳира га учиб келдик. Қоҳира ўшанда, бошига тушган кулфатлардан тўла ўзига кела олмаганди. Дўстларимизни кўрганимиз сари юракларимиз эзилар, уларнинг машқлари паст, рўй берган нарсалардан ўзларини таҳқиrlанган севзардилар. Ҳудди ўша кунлари Байрут конференцияси қарорига мувофиқ чиқарилаётган журналнинг макетини бизга кўрсатдилар. Қоҳирада чиқадиган ҳафталиклардан бирининг мұҳарриси бўлган машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Юсуф ас-Сибоний июнь оқшомларидан бирида макетни олдимиэга қўйиб, ҳаяжонланган ҳолда:

— Бу ҳакда қандай Фикрдасиэ? — деб сўради.

Азимов билан макет саҳифаларини жимгина варақлардик.

— Бунда романлар ва шеърлар, икки қитъанинг ўтмиш ва ҳозирги замон рассомлари асарларидан репродукциялар. Осиё ва Африка мамлакатларининг маданиятлари тарихига оид материаллар босилади. Бу ёзувчиларни ҳам, рассомларни ҳам, қўйинг-чи, қадимий маданиятларимизни қадрлайдиган барча санъаткорларни қизиқтиради, деган Фикрдамиз.

— Макети ажойиб,— деди Сарвар Азимов,— журналнинг мазмуни унинг макетига муносиб бўлса бас.

Сибонининг ғамгии юзига билинар-билинмас табассум қалқади.

— Сиз ҳар маҳалгидай мазмун ташвишини қиляпсизми? — деб сўради у Азимовдан.

— Албатта... Мазмуннинг шаклга мос келишига шубҳа қилмасак ҳам ташвишини тортамиз.

— Биз баъзи бир нарсаларни ўрганиб олдик,— деди Сибоний.— Кейинги пайтларда у-буга тишимиз ўтадиган бўлиб қолди. Биз энг асосий нарсани — дўстларимиз киму, душманларимиз кимлигини билиб олдик. Совет кишилари бизнинг улкан дўстларимиз, гарчи баъзи извогарлар арабларнинг кўнглига фулгула солишга уринаётган бўлса-да, буни биламиз. Чинакам дўстларимиз қаерда эканлигини ҳам яхши биламиз.

Бу суҳбат бундан икки йилча муқаддам араблар бошига оғир кунлар тушган пайтда бўлганди. Янги журналинизнинг худди ўша кунларда бунёдга келганилиги ҳам ажойиб иш бўлди. Шу сафар келганимизда қўлнимизда журналнинг мисрлик дўстларимиз томонидан жамланиб чиқарилган икки (биринчи ва иккинчи-учинчи) сони бор эди. Журналнинг тўртинчи сони эса нашрга тайёрланмоқда эди.

СССР Ёзувчилар Союзининг ходими Ю. Румянцев билан Сибонининг кабинетига кирганимизда унинг қаршисида иккита аёл қўлёзма билан ўтиарди. Афтидан уларнинг суҳбати тугаб қолганди. Аёллар хайр-хўшлашиб, кабинетдан чиқиб кетишиди.

— Булар францууз тилига таржима қилишади. Ҳозир журналнинг бешинчи ва олтинчи сонларига қўлёзма тайёрлайпмиз,— деди Сибоний.— Энди суҳбатга тайёрман. Бирга бўлсақ доимо ўзимизни бемалол сезамиз.

Бир неча амалий масалалар юзасидан гаплашиб олгани келгандик. Суҳбат вақтида Сибонийга Совет Ёзувчилари Союзи журналини асраш учун ўзининг тегишли ҳақини юборганлигини айтдик.

— Қойил! — деди Сибоний.— Энди ўзимизни янада бардамроқ ҳис этамиз.

Журналнинг таҳрир ҳайъатида Африка ва Осиёнинг ўнта мамлакатидан ўнта, ҳар бир китъадан бештадан ёзувчи бор эди. Юсуф ас-Сибоний Байрут конференциясидаёқ журналнинг бош муҳаррири қилиб тайинланганди. Энди эса журнал таҳрир ҳайъатининг аъзолари қачон ва қаерда тўпланишларини аниқлаб олиш зарур эди.

— Менимча, таҳрир ҳайъатини йилига икки марта тўпласак дуруст бўларди,— деди Юсуф ас-Сибой.— Бир марта июнда, кейин декабрда. Ушанда журналнинг чиққан икки сонини муҳокама қилиб, кейинги икки соннинг планини тасдиқлаб олса бўлади. Мен таҳрир ҳайъатининг биринчи мажлисини шу йилнинг июнидаги Москвада, иккинчисини декабрда Қоҳирада чақирилишини таклиф қиласман. Қарши әмасмисизлар?

Биз эътироҳ билдирамадик, албатта. Гап журналнинг келгуси сонларидағи авторлар состави устига келиб тақалди. Мен мозамбиклик ажойиб шоир, эски дўстимиз Марселину душ Сантушнинг янги шеърларидан борми, деб суриштиридим. Сибой шунда менга диққат билан қаради.

— Бугунги газеталарни ўқимадингизми?

— Ҳали ўқишга улгурганимча йўқ.

— Марселину душ Сантушга суюқасд қилинибди.

— Наҳотки?

Сибой газетани узатди.

— Эдуардо Мондланени ўлдирган бомба Ғарбий Германиядан келтирилганди... Энди бўлса мана Марселинуга суюқасд қилинибди. Бизнинг душманларимиз ҳеч нимадан тал тортишмайди.

— Тирик қолибдими ишқилиб?

— Тирик... Газеталарда шундай дейилади. Душман раҳмдил бўлади, деб фақат содда одамларигина ўйлашлари мумкин. Буни биз ҳаммадан ҳам яхши биламиз.

— Биз ҳам, азизим Юсуф.

— Асвонга парвоз қилишга тайёрмисизлар?

— Тайёрмиз.

— Бўлмаса сизларга оқ йўл тилайман. У ерда албатта дам олинглар.

## Асвонга парвоз

Эртасига Асвонга учиб кетдик. Ҳаво тунд ва сершамол эди. Ҳамсин шамоли шаҳарга қум булувларини учирив келарди. Аэроромда одам кўп эди. Кетма-кет келаётган автобуслардан Макка зиёратига отланганлар тушишарди. Ҳаж қилувчилар самолётларга минишар, беҳисоб кузатиб қолувчилар билан қўл силкиб хайрлашишарди. Биз осмонга кўтарилаётган самолётларга ғамгин тикилардик,

ўзимизга тегишли самолёт эса кўринмасди. Бизга ҳамроҳ бўлган Камол эса, учамиз, деб далда бергани берган эди.

Чиндан ҳам учиб кетдик. Бизнинг «АН» соябон аравадек тебраниб келди-да, беш дақиқадан сўнг ҳавога кўтарилиди. Ўнгу сўлимизда саргиш-қўнгир тусдаги саҳро ястаниб ётарди. Бир соатдан мўлроқ учганимиздан кейин, Нилни ва кўм-кўк дараҳтларни кўрдик. Бу Луксор эди. Луксор Мисрнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, эрамиздан беш минг йил муқаддам вужудга келган ёзма манбаларда тилга олинади. Гомер ҳам қасидаларидан бирида уни, «Юз дарвозали ажиг шаҳар» деб мадҳ қилганди. Бир вақтлар Луксорда юз миллионча киши яшаган. Асрлар, минг йиллар ўтди, оқибатда Луксор ҳалқи ўттиз минг кишидан иборат, мўъжазгина шаҳарчага айланиб қолди. Унда жаҳондаги энг қадимий маданият ёдгорликларининг нодир колекциялари яхши сақланган.

Афсуски, вақтимиз зиқроқ бўлганидан Луксорда кўпроқ тўхтаб, бир неча йил аввал кўрган нарсаларимизни қайта-қайта томоша қилиш имкони йўқ эди. Кўринишидан сарғиш саҳрога монанд аэропортда бир соат бўлиб, яна осмонга кўтарилидик-да, ярим соатдан кейин Асвон аэродромига кўнди. Самолётимиз уфқ ортига думалаётган, қўёш теварак-атрофдаги барча нарсаларни — қумликлар ва ҳар тарафдан кўриниб турган қояларни алвон рангга бўяб ботаётган бир пайтда ерга қўнди. Кейин кичкина автобусда инглизча «Кэтэрэкт» деб аталиб, «шалола» деган маънони билдирадиган меҳмонхонанага жўнадик.

«Кэтэрэкт» замонавий, улкан, янги меҳмонхоналардан. Чамаси, туристлар кўпга ўхшамайди. Деразадан ташқарига қарасангиз зулмат қўйнидаги яккам-дуккам электр чироқлари кўзга ташланади. Қоронғиликда меҳмонхона яқинидаги дарёми ё бошқа нарсами, пайқаб бўймас эди. Ҳар ҳолда дарёга ўхшарди. Унинг қўйига қараб оқаётган мавжлари гоҳо ялт-юлт қилиб қоларди. Ҳудди елканли қайиқлар сузётгандек бўларди. Ўша томондан салқинлик келар, одамларнинг овозлари ҳам эшитиларди. Арабча бўғиқ хиргойи товуши ҳам қулоқча чалинди. Барি аллақандай нотаниш ва сирли кўринарди.

Эрталаб балкондан пастга қарадим. Ҳа, бу Нил эди. У қирғонини катталиги филдай келадиган тошлар қуршаган жойлардан буралиб-буралиб оқар, унда яна елканли

қайиқлар сузиб юрарди. Қайиқлардан бирининг тўқ сариқ рангдаги елкани бўлганидан унинг сувдаги акси катта ва узун апельсин палласига ўхшарди. Рўпарада, Нилнинг нариги соҳилида елкада сават кўтарган турна қатор одамлар қўнғир тупроқни қирғоққа яқинлашириб тўкишарди. Мен кейинчалик дарёning нариги соҳилида, Нуби деган қадимий Миср қишлоғи ўрнида қазилма ишлари олиб борилаётганини билдим. Вайрон бўлган қадимий қизгиш деворлар бу ердан кўриниб турарди.

Эрталаб, офтоб чараклаб турган пайтда кечаги сирли кўринишдан асар ҳам қолмаганди. Уйқу аралаш қулогимга эрталабга яқин хўрзларнинг қичқиргани ва қурбақаларнинг қуриллагани чалинганини беихтиёр эсладим.

Биз совет элчиҳонасига қараб йўл олдик. Омадимиз келган экан, у ерда Асвон қурилишидаги бош эксперտ Кирилл Иванович Смирновни учратдик. Бундан каттароқ инъом кутиш мушкул эди. Бараваста, кўзлари кўм-кўк, оппоқ сочли бу одам хотиржамлик ва ажиб донишмандлик тимсоли эди. У бизни «Волга»сига ўтқазиб, тўғон қурилишига олиб кетди. Мен шунда сурат олмоқчи бўлиб, фотоаппаратимни шайлай бошладим.

— Овора бўласиз,— деди Смирнов,— мисрликлар сурат олдиришмайди. Бунинг учун маҳсус рухсатнома кепрак. Уни олишга анча овора бўласиз. Мен сизга расмлар бераман. Бу ерда Александр Горячев деганимиз ҳам туради, у фотойилнома яратяпти.

Биз катта-кичик тошлар уюлиб ётган жойлар ва қоялар ёнидан ўтдик. Тўгонга кўтарилганимизда юракларимиз дукиллаб ура бошлади. Мен бу ерда иқтисодий маълумотларни келтириб ўтирамайман. Матбуотимида улар хусусида кўп ёзилган ва 1970 йил ёзида Асвондаги ишлар якунланиши мўлжалланаётганлиги сабабли яна қалам тебратилажак. Бироқ қурилиш манзарасини ҳар қанча ёзса арзийди. Ўша пайтда тўғоннинг улкан вужуди силлиқ тараашланган гранитлар билан қопланмоқда эди.

— Гранит қаердан олинади? — деб сўрадим Смирновдан.

— Тош олинадиган жой бу ердан олис эмас. У ерга албатта боринг. Маслаҳат бераман.

— Нима бор ўзи?

— Маслаҳат-да,— Смирнов кулимсиради.— Жуда қизиқарли.

Кирилл Ивановичнинг бутун вужуди тўғондаги барча

нарсалар унга танишлигидан дарак бериб туради. У Куйбишев ва Красноярск ГЭСларини қурган одам. Унга Асвон қурилишига боришини таклиф қилишганида ўйланиб қолди. Ёши яқинда олтмишга киради, у ёги қандай бўларкин? Ахир Асвон сайёрамиздаги энг иссиқ ва серофотоб жойлардан-ку? У ерда йил бўйи ўртacha ҳарорат плюс 26 даражага етади. Қум ва тош юзаси 70—80 даражагача қизийди. Уларга қўл теккизиб кўринг-чи. Бир йилда борйўги беш-олти кун булутли бўлади, холос. Йиллаб ёмғир ёғмаган пайтлар ҳам кузатилган.

Мен шуларни ўйлаб Смирновга ачингандай бўлувдим, у шундай деб қолди:

— Билсангиз, бу ерда ёмғир ёғмагани маъқулроқ бўляпти биэга. Маҳаллий халқнинг бошпанаси қанақалигини кўрдингизми? Емғир ёғса қулаб қўя қолади. Қурилишда электр симлари бир-бирига тегиб кетади... Бугланиш кучлилигидан нафас ҳам ололмайсан...

— Бу ерда ўэйнгизни қандай ҳис қиляпсиз?

— Мўътадил. Бу ерга келишга ҳозирлик кўрарканман, олдин Карлови Варида бўлдим. У ерда шундай бир қурилма бор. Сизни ўшанга жойлаб, эллик градус иссиқликдаги буғда димлашади. Ўшанда ётганингизда, терим қолмади деб ўйлайсиз. Бундай йўл билан озишнинг менга нима ҳожати бор экан, дейсиз. Тагин ҳам бошингиз ташқарида қолади. Ўшанда Асвонда ҳолим нима кечаркин, деб ўйладим. Келдим, мана бемалол юрибман. Ҳаммаси жойида.

Биз турбиналар йигилаётган пастликка тушдик. Уларнинг бир қисми ишга туширилган, бир нечаси монтаж қилинар, бошқалари учун чуқурлар қазиларди. Қайга қараманг арматура, бетон, электр пайвандларнинг кўзни оладиган алангаси. Мен мисрликлар қайда, одамларимиз қайда деб кўзимни узмай тикиламан..

— Бизнинг одамлар кам қолди. Ҳаммаси бўлиб уч юзиши. Ишни ниҳоясига етказамиш.

Биз монтаж қилинаётган турбиналардан бири олдида турардик. Бир одам бизга яқин келди-да, менга бошдан-оёқ тикилиб, сўнг бош экспертга мурожаат қилди:

— Кирилл Иванович, уйимга қайтишим керак. Қизим катта бўлиб қоляпти.

— Нечанчи синфда ўқийди?

— Олтинчида.

— Зарари йўқ... Бошқаларда ҳам бола бор. Ватанимизда уларга қараб турадиганлар топилади. Бу ерда эса биз жуда керакмиз.

Ҳалиги киши менга ҳадиксираб қараганича нарикетди.

Биз тўғоннинг нариги қиргогига — Нил тўлқинлари қорайиб оқадиган жойга бордик. У ерда миқти гавдали ва кўзлари ўйноқи киши турганди.

— Бизнинг ғоввосларимиз пастда,— деди у Смирновга. Смирнов эса у кишини бизга таништириди.

— Бу киши Юрий Яковлевич Павшинский. Механик-монтаж ишларининг бошлиғи. Бу ерда тўрт йилу уч ойдан бери ишлайди. Днепроқурувчилардан. Отаси ҳам монтажчи бўлган.

Биз тўғонга кўтарилидик. Смирнов қурилишга суқланаб тикиларди.

— Мана буни ҳақиқатан ҳам чинакам дўстлик, дейдилар. Биз бу ерда ҳисоб-китоб қилиб чиқдик... Совет Иттифоқидаги йигирма беш минг киши ўн йил мобайнида ҳар бир кунини Асвонга багишлабди. Албатта, Совет Иттифоқида биз давлатларимиз тузган шартномага мувофиқ ишлаймиз. Бироқ бундаги асосий нарса орзуларимиз қалбдан қалбга кўчаётганида. Ишчилар ўртасида ҳам, техник кадрлар орасида ҳам шундай. Командирлар ўртасида ҳам шундай ҳолни кўрамиз. Бу ерда ақлли кишилар сероб. Улар билан ишлаш нашъали. Биз Энергетика ва баланд Асвон тўғони ишлари бўйича министр Сидки Сулаймон, ГЭС эксплуатациясининг бош директори Аҳмад Камол ва Монтаж ишлари департаментининг директори Муҳаммад Ридо ал-Гархий билан тез-тез учрашиб турамиз. Бошқа кўплаб одамлар билан ҳам мулоқотда бўламиз... Бу ерда менинг қизим билан күёвим ҳам ишлашди. Ҳозир улар мамлакатимизда. Йўқлаб, хат ёзиб туришади. Биз мисрликлар билан жуда иноқмиз. Улар бизнекига, биз уларникега бориб турамиз.

Тўғондан қайтиб келарканмиз, жанговар ҳолатда кўкни нишонга олган зенит қуроллар ёнидан ўтдик. Ҳозирги шароитда ҳамма нарса бўлиши мумкин-да. Йироил агрессорларининг қўлидан ҳар бир келади. Ана шу ҳарбий тадорикни кўрганимизда ҳам Миср ҳалқининг совет кишилари билан қўлни қўлга бериб, меҳнатда улугвор жасоратлар кўрсатадиганларини яққол сезиб турадик.

...Эртасига жадал суръатлар билан қурилаётган Асвон

шаҳрини кўриб, кенг истеъмол молларининг маҳаллий кўргазмасида бўлдик. Мен руҳсатсиз истаганимча сурат олиб, хумордан чиқдим. Сўнг Қоҳирага қайтиб келдик.

### «Ўртоқ Н.» нинг менга қилган ҳикояси

Биз Бирлашган Араб Республикасидаги машҳур газеталаридан бўлган «Ал-Аҳром»нинг бош муҳаррири Ҳайкал жанобларининг кабинетида ўлтирадик.

Келишувга мувофиқ эрталаб соат ўнда Ҳайкал кабинетига кириб келдик. Ҳайкал бизга диққат билан тикиларди. У ёқ-бу ёқдан лича гаплашганимиздан кейин, у биздан:

— Бугун эрталабки воқеадан хабарингиз борми?— деб сўради.

— Йўқ... Ҳали газеталарни кўрганимизча йўқ.

— Ҳали газеталарда ҳеч нима йўқ...

Кабинетда Ҳайкалнинг ёрдамчиси—аёл кириб, телетайп материалларини узатди. Ҳайкал муҳаррирларга хос тарзда унга кўз югуртириб чиқди.

— Истроил самолётлари Суриянинг ҳаво чегарасига бостириб кирибди. Улар Дамашқдан ўн километр наридаги фаластиналлик қочқинлар турган жойга бомбалар ёғдиришибди. Улар ҳамма ердан фаластиналлик партизанларни излашяпти.

— Батафсил маълумотлар йўқми?

— Ҳозирча номаълум... Бироқ тўқнашув жанги бўлибди.

— Қурбоплар борми?

— Унинг тафсилотлари ҳали маълум әмас,— Ҳайкал гапини такрорлади,— сабр қиласмиш.

Биз «Ал-Аҳром» газетасининг муҳаррири бўлган бу файратли ва фикрлари ойдин киши билан бир соатча суҳбатлашдик. У совет-араб муносабатлари ҳақида гапирганда Америка Кўшма Штатлари Фаластин масаласида арабларни Совет Иттифоқи билан жанжалластириб қўйишга уринаётганини истеҳзоли қилиб эслатиб ўтди. «Улар Совет Иттифоқи билан араблар дунёси ўртасидағи муносабатларни бузиш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилмоқдалар»,— деди Ҳайкал. Шу пайт Ҳайкалнинг ёрдамчиси қўлида телетайп хабарлари би-

лан кабинетга кириб келди. Ҳайкал текстдан кўзини узолмай қолди. Шунда унинг кўзлари ялтиради.

— Исроилнинг учта самолёти уриб туширилибди,— деди у.— У ерда чинакам жанг бўлибди. Ҳар маҳалгидай Исроил қароқчиларидан граждан аҳоли жабр кўрибди. Майли, зарари йўқ... Бизнинг ҳақ иш тантана қиласиган Фуррат келишига ишончимиз комил.

— Чинакам дўстлар бир-бирини сира ҳам кулфатда қолдирмайдилар,— дедик биз Ҳайкал билан хайрлашаётуб.

Қоҳирада эканимизда мисрлик дўстларимизга бир шахсий илтимосим борлигини айтдим. Суҳбатлашиш учун фаластинлик партизанлардан бирини мен билан учраштирангизлар, деб ўтиндим улардан.

Менга бу имконият яратиб берилди. Мисрлик дўстларимиздан бирининг уйида ҳали ёш бўлишига қарамай, жуда жиддий ва кўзимга уятчан кўринган бир йигит билан кўришдик.

— Сизни номингиз билан айтолмасам керак?..— деб сўрадим мен йигитдан.

— Ҳа... Айтолмайсиз. Биз қасамёд қилганмиз...

— Улуг Ватан уруши йилларида партизанлар билан учрашганимизда «ўтоқ Н.» деган атамадан тез-тез фойдаланиб турардик. Сизни ҳам шундай деб атасам бўладими?

— Марҳамат... Сизга қулайроқ бўлса бас.

— Мен Фаластин партизанларининг ҳаракатини уюштиришга оид совет матбуотида эълон қилиниши мумкин бўлган дастлабки маълумотларни билишни истардим.

— Менимча, курашимизнинг бутун тарихи сизга қизиқарли бўлмаса керак. Шу сабабдан давримизга яқинроқ нарсалардан бошлайман. Шундай қилиб, 1917 йили инглизлар Фаластинни босиб олишди. Улар ўз манфатларини кўзлаб, сионистик давлат вужудга келтиришғоясини тўқиб чиқаришди... Ўша пайтлардаёқ фаластинлик араблар ўзларининг суверен ҳукуқларини ҳимоя қилиш учун курашга отландилар. Курашда муваффақиятларимиз бир хилда бўлмади. Бироқ 1947 йилдан бошлаб, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Исроил давлати тузилишини қўллаб-қувватлаб, сионистлар араб аҳолисини таъқиб этиб, унга азоб бера бошлаганларидан кейин ҳалқимиз актив курашга отланди. Бизнинг битта асо-

сий, туб, бош мақсадимиз бор — у ҳам бўлса Ватанимизни қайтадан бунёд этиш. Биз бутун ҳәётимизни шунга тикканмиз. Бу йўлдаги курашда жон фидо қилишга тайёрмиз.

Биз сизларнинг фашизмга қарши мардонавор кураш олиб борганингизни биламиз, ўзимиз ҳам шундай кураш олиб бормоқдамиз. Биз сионизм устидан тўла ғалабага эришгунча жанг қилишга тайёрмиз. Сизлар бизнинг курашимизни бутун қалдан қўллаб-қувватлаётганларнингизни билиб турибмиз. Империализм билан сионизм иккovi бир нарса эканлигини биэдан яхши биласизлар. Уларнинг иккovi ҳам Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларга қарши хуруж қилмоқда. Ҳалқаро сионизм Совет Иттифоқи шаънига бўхтонлар ёғдириб, СССР да антисемитизм кучайган деб турли ифво уругини сочмоқда. Бу иғволарни ҳам бизлардан яхши биласизлар.

Ҳозирда биз мушкул аҳволдамиз. Биз хорижий босқинчиларга қарши кураш олиб боряпмиз. Бу курашда қаҳрамонларимиз жонларини аяшмаяпти. Рақибларимиз эса биз тўғримизда ҳар хил ярамас гапларни тарқатишяпти. Булар бари бўхтондан иборат. Биз яҳудийларга қарши эмасмиз, уларни инсон сифатида иззатхурмат қиласиз. Биз Фаластин давлатида араблар билан яҳудийлар тенг ҳуқуқли бўлишига эришмоқчимиз. Бундай давлат учун курашда муваффақият қозониш биргина бизга боғлиқ эмас. Сионизм Йироил гражданларига ёмон таъсир кўрсатар әкан, унда биз умумий тил топишолмай қоламиз. Агар яҳудий дўстларимиз араблар билан дўст бўлиб яшаймиз, десалар, биз улар билан ёнмаён ва иноқ кун кечиришга шаймиз. Улар уруш қилишга интилар эканлар, осойишталик бўлмайди. Биз бунга жимгина қараб туролмаймиз. Гоҳо биздан, нимага қарши курашяпсизлар, деб сўраб қолишади. Шунда биз, соддагина қилиб, сионизм ва унинг кирдикорларига қарши курашяпмиз, деб жавоб берамиз.

Суҳбатдошим тўхтаб, кўзларимга тикилди. Мен унинг нигоҳида ҳозирда гапираётганларимнинг ҳаммаси чиндан ҳам сизни қизиқтиряптими, деган маънони ўқидим. Мен шундан кейин унинг қўлидан ушлаб, дедим:

— Мумкин бўлса, давом этаверинг. Буларнинг бари қизиқарли, ҳаммаси қалбимизга яқин.

Ўртоқ Н. тортиниброқ қулимсиради.

— Афсуски, Европанинг Франция, Италия сингари ва бошқа баъзи бир мамлакатлардаги айрим одамлар, ҳатто тараққийпарвар кишилар ҳам Фаластин партизанлари ҳаракатининг моҳиятига тушунмаётирлар ва уни қораламоқдалар. Шунинг учун ҳам ўзимизни ҳимоя қила оладиган чоралар топиб қўйганмиз. Мен сизга курашимизнинг анча конкретроқ фактларидан гапириб бераман. Бизнинг курашимиз кўп қиррали. Командос гуруҳлари — бизнинг суюнчигимиз. Бундай гуруҳлар Йироил территориясида муваффақият билан ҳаракат қилмоқда. Бу чинакам партизанлик ҳаракатининг ўзгинаси. Партизанлар қандай ҳаракат қилишларидан хабардормисиз?

— Ҳа.

— Үндай, бўлса жуда соз... Бизнинг партизанларимиз Йироил армиясига қарши кўпгина операцияларни бажардилар. Бу ҳатто Йироил матбуотида ҳам эътироф этилди. Биз Йироилнинг ўзида ҳамма йўналишда иш олиб бормоқдамиз. Бунда сўз ҳам, ҳаракат ҳам — ҳамма-ҳаммаси иш беряпти. Бир сафар ёнилғи омбори портлатилади. Бошқа сафар босқинчиларга қарши намойиш уюштирилади. Бундай намойишлар Газада, Халасда, Рафаҳда, Наблусда, Раминда, Албинда ва бошқа кўп жойларда бўлиб ўтди. Намойишчилар баррикадалар қурдилар. Студентлар гранаталар отиб, танкларни ишдан чиқардилар, босқинчиларни қирдилар. Бир-Зейт деган жойда ҳам намойиш бўлди. Ўшанда араблардан ўн икки киши ўлдирилди. Рамаллада ҳам кўпгина қонли воқеалар содир бўлди. Биз моҳият эътибор билан партизанча методларни қўллаган ҳолда гражданлар уруши олиб бормоқдамиз. Бу кураш давом этяпти, кун сайин кучаяпти. Йироил ичкари томонда ва унинг чегараси яқинида базалар вужудга келтиришда ҳам катта ишлар қиляпмиз. Агар ана шундай базаларимиз бўлмаганда кураш олиб боролмаган бўлур эдик. Йироил ҳукумати гоҳ ўн, гоҳ ўн икки, гоҳ беш кишидан иборат турли группалар қамоққа олинганини бир неча марта эълон қилди. Бу ҳақиқат. Бу группаларнинг ҳаммаси Миллий Озодлик Фронтига қарашли эди. Йироил ҳукумати шу билан бир қаторда мамлакат ичкарисида Фаластин партизанларининг группалари ҳам, уларнинг туришига имкон ҳам йўқ, деб уқтиради. Йироил ҳукумати кўп марта бўлганидек, бу сафар ўзини ҳам, афкор омманинг фикрини ҳам чалгитмоқчи бўлади.

Бизнинг кишиларимиз Йироил мамлакатининг ўзида-

гина истиқомат қилаётганлари йўқ, албатта. Улар бошқа давлатларда ҳам туришибди. Улар вақтинча ватанларидан ташқарida яшашга мажбур эканлар, бу уларни ватанлари душманларига қарши курашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб қўя олмайди-ку? Сизлар немис фашистларига қарши кураш олиб борганларингизда партизанлар курашини авж олдирдинглар. Кишиларингиз асосан ўз мамлакатлари тупроғида кураш олиб бордилар. Кўплаб совет кишилари партизан отрядларида ҳам, Франция, Италия, Югославия, Чехословакиядаги қаршилик кўрсатиш отрядларида ҳам жанг қилганликларини биз ҳам биламиз-ку, ахир. Улар қаерда жанг қилмасинар, фашизмнинг уругини қуритдилар. Фаластин Совет Иттифоқи сингари улкан мамлакат эмас. Бизни она тупроғимиздан сурib чиқаришди. Шундай бўлса ҳам, биз Истроил чегарасида турибмиз. Биз ўз душманимизни кўриб турибмиз, майли, у ҳозирча қўрқиб титрайверсин! Унинг тантанаси узоққа бормайди. Биз ҳар ерда ҳозирмиз. Ватанимиз ичкарисида ҳам, ундан ташқарida ҳам одамларимиз бор. Мамлакатимиз ичкарисида қуролланган кишилар тўдаларини пана қилиш мушкул, албатта. Шу важдан кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб ҳаракат қиламиз. Бир жойдан иккинчисига ўтишда базаларимиэга таянамиз. Мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарida ҳам ҳаракатларимизни тўғри изга солиб турамиз. Бизнинг душманимиз ёвуз, ҳийлакор ва маккор. Шунинг учун ҳам курашимизни кунларга эмас, йилларга мўлжаллаганмиз. Сизлар бир вақтлар фашистларга бир кун ҳам тинчлик бермаганларингиз каби, биз ҳам Истроил агрессорларига бир дақиқа ҳам тинчлик бермаймиз. Жазоир халқининг қаҳрамонона кураши биз учун ибратдир. Эсингизда бўлса жазоирлик партизанларнинг базалари Марокаш билан Тунисда жойлашганди.

Биз Жанубий ва Шимолий Вьетнам халқлари қандай кураш олиб бораётганларига қойилмиз. Уларнинг қаҳрамонона кураши бизга ажойиб ўрнакдир. Биз ҳозирда қанчалик қийин аҳволга тушиб қолганимиздан қатъи назар, истиқболга умид билан қараймиз. Ҳақиқат биз билан бирга, демак, зафар қозонишнимиз муқаррар. Бизнинг вазифамиз бутун Фаластин халқини курашга сафарбар этишдан иборатдир. Барча араб халқлари биз билан бирга. Улар бизга фақатгина хайриҳоҳ бўлибгина қолмай, актив ёрдам ҳам бермоқдалар. Истроил эса хатти-ҳаракатлари ва ўжарлиги билан ўзини ноқулай аҳволда қолдирмоқда. Миср-

ликлар ҳам, суряликлар ҳам, иорданияликлар ҳам жона-жон тупроқларидан айрилиб, қачонгача жим ўтира оладилар. Бу ҳар бир одамга равшан-ку. Улар ўз ерларини қайтариб олишдан умидвордирлар. Истроил лидерлари эса улкан сионистик давлат вужудга келтирамиз, деган аҳмоқона гапларни айтмоқдалар. Бундай гаплар араб мамлакатлари халқларини сионизмнинг доимий таҳдиди ҳакида бош қотиришга мажбур қиласди.

Сионизм ё жанг қилиш, ё ҳалок бўлиш керак, деган жумбоқни олдинга сурмоқда. Сионизм лидерлари ўз халқларини бошқача йўл йўқ: ё қотил, ё қурбон бўлиш керак, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бундай мафкуранинг ҳаётий истиқболи йўқлиги аниқ ва равшандир. Соғлом фикрловчи ҳар бир киши буни инкор эта олади. Сионизм билан заҳарланган кишилар пировардида ундан юз ўғирадилар, бунга ишончимиз комил. Ундан юз ўғирмаганлар эса ҳозирда азоб тортаётган араб халқининггина эмас, балки барча мамлакатлар халқларининг тавқи лаънатига учрайдилар. Бунга шак-шубҳамиз йўқ, чунки сионизм ҳам империализм сингари уруш манбаидир.

Суҳбатимиз анчага чўзилди. У араб дўстими эйида ке-чаётгандан, мисрликлар меҳмоннавозлигига халал берадиганимиз очиқ-ойдин кўриниб турарди. Мезбонлар биз ўтирган хонага бир неча марта мўралаб қўйишганди-да.

— Пировардида сизга яна шуни айтмоқчиман. Биз оптимистлармиз, тарихий оптимистлармиз. Араб мамлакатлари сионистлар асоратига тушиши учун империалистик асоратдан қутулгани йўқ. Биз ёшларимизни тарбиялаш устида кўп ишлайпмиз. Бизда пионер ташкилотлари тузвилган. Болаларимизга яхши таълим беряпмиз ва жисмоний жиҳатдан чиниқтиряпмиз. Болаларимиздан кўпчилиги фаластинлик қочқинларнинг лагерларида туришади. Уларнинг суюклари сал қотиши биланоқ сионизм бизнинг асосий душманимиз эканлигини мияларига қуямиз. Шу билан бирга уларни Сталинград жасорати, Вьетнам жасорати руҳида тарбиялаймиз.

«Ўртоқ Н.» билан суҳбатимиз шу тариқа ниҳоясига етди. Ҳалқаро муомаланинг барча қоидаларига кўра суҳбатдошимни «жаноб Н.» деб аташим керак әди, бироқ бундай қилолмадим. Нега деганда, у партизан, миллий озодлик курашчиси, демак менинг ўртогим ва ўртоқларимнинг ҳам ўртоги әди-да.

## Анвар Саодат билан учрашув

Бирлашган Араб Республикаси Ёзувчилар Союзининг биносидағи учрашувлардан бирида Юсуф ас-Сибий менга шундай деб қолди:

— Ҳозиргина Анвар Саодат қўнғироқ қилди. Сизнинг Қоҳирада эканлигингизни билиб, албатта кўрмоқчилигини айтди.

— Қачон?

— Иложи бўлса ҳозир.

Биз машинага тушиб, Анвар Саодат кутаётган газета-журнал комбинатига йўл олдик. Бўлажак учрашувдан жуда хурсанд эдим. Нега деганда, Анвар Саодатни 1957 йилдан бери билардим-да. Франция-Англия-Истроил агрессиясидан кейин Осиё бирдамлиги комитетининг яхши ниятдаги миссияси билан Қоҳирага учиб келганимда вазият кескинилигига қарамай, Мисрдаги жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатишумга ёрдам берган кишилардан бири Анвар Саодат эди. У зўр журналист бўлганидан ўша пайтларда мақолалари билан совет матбуотида тез-тез кўриниб турарди. Ўшанда ундан «Оғонёк» учун мақола ёзиб беришини илтимос қилганимда сўзимни ерда қолдирамганди. Яхши ният билан келган миссиямизнинг Жамол Абдул Носир билан учрашишига ҳам кўмаклашганди. Миср ҳукуматининг бошлиги билан сұҳбатимиз уч соат давом этди. Сұҳбат давомида биз Қоҳира Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги биринчи конференцияси ўтадиган жой бўлишини илтимос қилдик. Қизиқарли сұҳбат охирида, Носир: «Қоҳира сизларнинг ихтиёргизда. Уни ўз уйларингиздай билинглар», деганди.

Ўша йил декабрь ойи охирида Қоҳирада икки буюк қитъа халқларининг биринчи бирдамлик конференцияси очилди. Анвар Саодат ана шу конференциянинг раиси эди. Ўшандан бери кўп йил ўтди. Анвар Саодат билан Қоҳирада ҳам, Кашакрида ҳам, Гаванада ҳам, Москвада ҳам кўп марта кўришдик. Ўтган йил охирида Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг мажлисida Анвар Саодат билан яна бир бор учрашгандик. Ўшанда Комитет мажлисida Хартумда Португалия мустамлакалари ва Африканинг жанубидаги халқларнинг курашларини қўллаб-қувватлашга бағишлиланган халқаро конференция ва араб халқларининг Истроил агрессиясига қарши

курашини қўллаб-қувватлашга багишланган Қоҳира конференциясига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш масалалари муҳокама қилинганди.

...Биз бинонинг ташқи кўриниши жиҳатидан ярим доира шаклида бўлган катта кабинетга кириб бордик. Катта деразалардан ичкарига офтоб тушиб турар, стол устидағи телефонлар ярақ-ярақ қиласди. Бироқ кабинетда ҳеч кимса йўқ әди. Юсуф ас-Сибоний кабинетидан ташқарига чиқди. У чиқди дегунча эшик очилиб, Анвар Саодат билан бир неча киши кириб келди. Анвар ёнидагиларни бизга битта-битта таништириди. Улар нашрларнинг муҳаррирлари, Араб социалистик союзининг арбоблари әди. Шу вақт телефон жиринглаб қолувди, Анвар трубканни олди. трубкадан эшитилаётган гапга монанд қилиб бошини чайқар, гоҳо бир-икки сўз қотарди. Кейин биз томон ўгирилувди, чеҳраси табассумдан ёришиб кетганини кўрдик.

— Огамни Қоҳирада кўраётганимдан мамнунман. Алоқаларимиз бу қадар мустаҳкамланиб бораётганилиги жуда соз.

— Дарҳақиқат, ўтган йиллар ичida бир-биримизни ўзаро тушуниш ва дўстлашиш бобида улкан ишлар қилинди. Ҳа, ҳа,— деди Саодат.— Энди биз шунчаки дўстлар эмасмиз. Бизлар иттифоқдош ҳам бўлиб қолдик. Бир-биримизни жуда яхши тушунамиз, мамлакатларимиз ҳам бир-бirlарига жуда яқин бўлиб қолди. Биринчи конференция ёдингиздами? Сизларнинг делегациянгиэга Шароф Рашидов бошлилик қилганди. Ушанда биз музффакият билан иш олиб бориб, құдратли бирдамлик ташкилоти вужудга келтиргандик. Мана энди ишларимизнинг самараларини кўриб турибмиз.

Телефон яна жиринглади. Саодат трубканни олди. Шунда унинг юзи ташвишли кўрина бошлади. У яна бошини чайқади. Сўнгра бирдан қўнғироқ қилган кишига кескин бир нарса деб юборди-да, трубканни кўйиб қўйди.

— Маъзур кўрасизлар... Миллий мажлисда Англиянинг Истроилга қуролларнинг янги партиясини сотишини, хусусан танклар сотишини муҳокама қилишга тайёрланяпмиз. Империалистларнинг ҳаммаси бир гўр. Истроил — империализмнинг араб оламидаги понасидир.

Анвар Саодатнинг иши бошидан ошиб-тошиб ётганлигини кўриб турардим.

— Ишингиз кўпми? — сўрадим ундан.

— О-о! — деб қўйди Анвар Саодат.

— Президент Носирга биздан қизгин салом айтинг.

Унинг аҳволи қалай?

— Президентнинг аҳволи яхши. Совет Иттифоқида да-  
волангандан кейин соғлиғи бир мунча яхшиланди... Ҳозир  
икки ҳисса кўп ишлайти.

Телефон яна жиринглади...

Биз Анвар Саодат билан хайр-маъзур қилдик.

## Айни пайтда икки лагерда бўлиш мумкин эмас

Қоҳирага бу сафарим бевосита адабий ишлар билан боғ-  
лиқ бўлганиларидан Миср адиблари билан жуда кўп учраш-  
дик. Келганимизнинг биринчи куниёқ кечқурун улкан  
дўстимиз, ижоди ранг-баранг кинорежиссёр ва бастакор  
Абдураҳмон ал-Хомисий билан кўришдик. Мен уни кўриб,  
қўлини қисиб, самимий сўзлар билан кўнглини кўтариш-  
ни жуда-жуда истардим. Нега деганда, ўтган йили кварти-  
расида газ портлашидан хотини ҳалок бўлиб, иккита майдада  
боласи қолганди. Биз унинг уйида бўлдик. Абдураҳмон-  
нинг дўстлари унинг ҳолидан хабар олиб туришгани аён  
сезиларди. Биз магнитафонда Абдураҳмоннинг ҳалок  
бўлган рафиқасига бағишланган қўшиқларни тингладик.

Бирлашган Араб Республикасининг энг истеъододли про-  
заикларидан бири бўлган Юсуф Идрис ҳам бизни меҳмон-  
га чақирди. Ҳамюртлари уни «Миср Чехови» деб атайди-  
лар. Соч-соқоли оқарган бўлса ҳам, унчалик қаримаган,  
ҳар гапида кулдирадиган адиб ўз ишларидан гапириб бер-  
ди. Биз Лев Толстой ва Достоевский ижодларига қараш-  
да келишолмай, жиндай мунозаралашиб олдик. Шунда мен  
ундан, Шолоховнинг «Тинч Дон» ини ўқиганмисиз, деб  
сўрадим.

— Ҳа... Бироқ унда ноҳақ шафқатсизликлар сероб...

— Қайси тилда ўқигансиз?

— Инглиз тилида.

— Лондондаги «Путнам» нашриними?

— Ҳа, чамаси ўшани.

— Худди ўша нашриёт «Тинч Дон»дан бир юз ўн бет

текстни олиб ташлаганини, келиб-келиб Шолохов интервенция, оқ гвардиячиларнинг кирдикорларини кўрсатган жойларини, қисқаси, «Тинч Дон» нима учун ёзилганлигини ифодаловчи жойлар тушириб қолдирилганлигини билласизми?

— Наҳотки шундай бўлса?

— Улар бу нашрни кўп марта чиқардилар. Шу билан китобхонларни чалгитишияти.

— Шундай қилишган бўлса ярамас одамлар эканку?

Бу масала юзасидан биз тортишмадик, чунки ҳаммазининг қарашларимиз бир эди.

...Мен бир араб, тўгрироғи, фаластин шоири Муин Бисису ҳақида бир марта қалам тебратгандим. Ўтган йил августида у билан Дамашқда танишгандик, кейин Тошкентдаги адабий симпозиумда кўришдик. Сўнгра у билан ўтган йил нояброда Москвада хайрлашгандик. Муин Бисису Совет Иттифоқидалиги пайтида таржимонларимиз унинг шеърлар тўпламини таржима қилдилар. Ҳозир биз тўпламини «Оғонёк» кутубхонаси сериясида нашрга тайёрламоқдамиз.

Бу сафар у билан яна Қоҳирада учрашдик. Бисису Қоҳирага Дамашқдан келган бўлиб, ҳозир «Ал-Аҳром» газетасида ишларди. Қотма, новча, жуда асабий бу одам доимо ижодий бир ҳолатда юргандай туюларди. Ўтган ҳафта ичида у эрталаблари кўп марта «Нил» меҳмонхонасидаги номеримга келиб, янги шеърларидан ўқиб берди. Унинг томоқдан чиқадиган бўғиқ талаффузида кишини ўзига жазб қилювчи қандайдир сеҳр бор эди. Муин Бисисунинг ёнида кўпинча Моҳир Асал бўларди. Моҳир Асал Совет Иттифоқида етти йил таҳсил кўрган бўлиб, менимча, гидрологик ихтисосини олганди. У арабчадан русчага, русчадан арабчага бемалол таржима қиласиди.

Муин Бисису мени ажойиб инсон, ёши ўзидан каттароқ бўлган дўсти доктор Луис Авад билан таништириди. Миср адабиёти, жумладан, ҳозирги замон адабиётига оид жуда кўп тадқиқотлар муаллифи бўлган Луис Авад «Ал-Аҳром» нашриётида адабий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Муин Бисису «Ал-Аҳром» газетаси учун мендан интервью олиши керак экан. Биз шу мақсадда Луис Аваднинг таклифига мувофиқ унинг эҳромлардан бир неча маҳалла наридаги ижодхонасига бордик. Бу ер жимжит ва сокин эди. Теварак-атрофда ям-яшил томорқалар

кўзга ташланарди. Кўм-кўк сувли канал ҳам яқинроқдан ўтади. Баҳорги тераклар худди сафда тургандай тизилишган. Биз тўртинчи қаватга кўтарилиб, китоб жавонлари қўйилган улкан кабинетга кирдик.

— Бу ерда мен тинчгина ишлай оламан,— деди Агад.— Бу квартирани ижод қилиш учун ижарага олдим. Қоҳира-нинг марказида квартирам бор. У ерда хотиним туради. Унинг бешта кучуги ва йигирмата мушуги бор. Булар мен учун кўплик қиласди. Оиламизда фарзанд йўқ. Бу ер тинч бўлганидан бемалол ишлай оламан.

Интервью билан боғлиқ ишларимиз тезда тугади. Биси-су билан тез-тез кўришиб турганимиздан ўзини қизиқтири-ган масалаларга оид фикрларим қандайлигини биларди. Шу важдан ишимиз тезда бита қолди.

Шундан кейин сұхбат бошланди. Бисиу Владимир Маяковский шеъриятини жондан ортиқ севади. Шеърла-ридан жуда яхши хабардор.

— Маяковскийнинг қайси сатрлари менга ёқишини биласизми? «Қаламим найзага тенглашса дейман!» Яна, «Бўридай гажирдим бюрократизмни». Нақадар зўр шо-ир-а! Фикримга қўшиласизми? Шоирнинг севгиси муқим бўлиши керак. Барча нарсада ва айниқса сиёсатда муқим севги керак. Мен бир шоирни биламан. Унинг истеъоди бор, яхши шеърлар ёзган. У менга яқин бўлган иде-алларга хиёнат қилганилиги учун ундан кўнглим совиди. У тараққийпарвар идеалларга хиёнат қилди. Оддий фоҳиша-нинг аҳволига тушунса бўлади, уни ҳатто севиб қолиш ҳам мумкин... Ҳаётда нималар бўлмайди... Бироқ мен сиё-сий фоҳиshalардан жирканаман. Икки оёқни икки лагер-га қўйиб туриш мумкин эмас. Бир пайтда иккита онани әмбиб бўлмайди-ку. Гапларимга қўшиласизларми? — деб сўради сұхбатдошим қатъият билан.

— Менимча, интервьюнинг бари шу мавзуда-ку, Муин?  
Муин кулимсираб, қўл силтади.

Кейинги йилларда совет ёзувчилари билан Миср адаб-лари, шунингдек, талай араб мамлакатлари ёзувчилари орасидаги муносабатларда рўй берган ўзгаришларни ўй-лаганингда беихтиёр бизнинг алоқаларимиз мустаҳкам, конкрет ва расмийликдан узоқ деган фикрга келади, киши. Менимча, маркази Қоҳирада бўлган Осиё ва Африка Ёзувчилари Ассоциацияси бу борада улкан роль ўй-нади.

## «Үртоқ Н.» билан яна бир учрашув

Ушбу хотираларимга Бирлашган Араб Республикаси-даги яна бир учрашув ҳақидаги ҳикояни қўшсаммикин ёйўқмикин, деб бирмунча иккиландим. Бироқ, бу учрашув аввало бўлғанлиги, иккинчидан, Қоҳирада рўй берганлиги учун нимага энди индамай кетишим керак экан, СССРнинг Бирлашган Араб Республикасидаги элчихонасида ишлайдиган дўстларим эса менга шундай дейишди:

— Анатолий, сени эски бир дўстинг кўрмоқчи. У билан йигирма етти йил муқаддам Брянск ўрмонларида кўришган экансан.

— Ким экан у?

— Элчихонамизнинг маслаҳатчиси Павел Ефимович Недосекин.

— Брянсклик партизанми?

— Ҳа.

Мен ўйга толдим. «Известия»нинг ҳарбий мухбири сифатида қўмондонлик рухсати билан «Красная звезда»нинг мухбири П. Крайнов иккимиз 1942 йил 6 ноябрда самолётда фронт линиясидан ўтганимизга чиндан ҳам йигирма етти йил бўлибди. Самолёт ўшанда Брянск партизанларининг отрядлари группаси турган жойга қўнганди. Бизни ўшанда самолётда Брянск теварагидаги партизан отрядлари штабининг бошлиғи, ҳозир марҳум полковник Матвеев бирга олиб кетганди. У учиш олдидан мендан:

— Учишга тайёрмисиз? — деб сўраганди.

— Тайёрмиз.

— Керакли нарсаларни оливолдингларми?

— Борини олдик... Фақат озиқ-овқат йўқ. Қуритилган нон бор, холос.— Шинелим чўнтағидан солдатларнинг қотирилган нонини олдим.

— Бунинг ғамини еманглар. Байрамга кетяпмиз.

Самолёт партизанлар аэроромига қўнди. Самолётда совқотганлар ўзларини партизанлар қучогида қўрдилар. Шунда бир дам қаердалигимиизни ҳам билолмай қолдик. Биз фақат партизанлар қўниш майдонининг иккала чеккасидаги гулханларни ўчиришаётганларини кўрадик, холос.

Ўша оқшомда мен ертўлада Брянск партизанларига ошиқиб олиб келган қўшиғимни айтиб бердим. «Брянск ўрмони қаттиқ шовиллар» деб аталган бу қўшиқни ком-

позитор Сигизунд Кац билан бирга ёзгандик. Кац фронт штаби жойлашган ерда қолган, мен эса қўшиқ оҳангини эслаб қолиб, уни партизанлар ҳукмига олиб келгандим. Ниятим қўшиқ ёқиб қолгудай бўлса уни партизанларга инъом қилиш эди.

Ўртоқ Н. билан шу тариқа йигирма етти йил бурун ўша ерда учрашгандик. Энди эса у Қоҳирада менга ўша кунларнинг вақт ўтиши билан хаёлдан кўтарилиган воқеалиари ва деталларини эслатди. Унинг навқирон хотирасидаги воқеалар булат ортидан кўринган офтоб мисол бирин-кетин чиқиб келаверарди. Бу одам кўпни кўриб, бошидан кўп нарсаларни кечирган бўлишига қарамай, ёш кўринар, чеҳрасидан иродали эканлиги сезилар, кўзлари қатъий бοқарди.

Ўртоқ Н. яъни Павел Ефимович Недосекин мени хотини Евгения Федоровна билан таништириди. Ё тавбал Ҳаёт ҳам шунчалик қизиқ ва мураккаб бўладимия! Биз у билан Совет Армиямизнинг 51 йиллиги муносабати билан элчинномизда ўтказилган қабул маросимида танишдик. Ўшанда жуда ҳам навқирон кўринган бу аёлнинг ўзини хотиржам ва виқорли тутишини бир кўрсангиз эди. Ўша учрашувда у ҳам бор экан-да. Биз ертўлада ҳозиргина олиб келинган янги қўшиқни куйлаганимизда у ҳам бўлган экан. Недосекиннинг Қоҳирадаги квартирасида кўпчилик бўлиб ўтиракманмиз, Евгения Федоровна хўрсиниб ва кулимсираб ўша пайтда ўн саккизда бўлганини ва «Стрелка» деб аташганини гапириб берди.

— Бу ҳам ўша пайларда, ўша кунларда изимга туша бошлаганди,— деб қўйди Евгения Павловна Павел Недосекинга қаараркан кўзларини сал қисиб қўйиб.

Ўша оқшомда Брянск ўрмонларидаги кўп воқеаларни, барҳаёт бўлган ва хотиралари асло диллардан ўчмайдиган дўстларимизни эсладик.

Ярим кечага яқин эҳромлар сари йўл олдик. Эҳромлар сутдай ойдинда юлдузли осмон қаърига қадалиб турарди. Павел Ефимович рулда, Евгения Федоровна ёнида ўлтиради. Биз эҳромларни айланиб ўтдик. Сўнгра тўхтаб, машинадан чиқдик. Саҳро сукунат қўйнида, кеча сўлим ва салқин эди.

— Сиз билан бу ерда учрашганимизни қаранг-а, ўртоқ Н.,— дедим мен Недосекинга.— Брянск ўрмонларидан олисда-я.

— Биз ғалабамизга ишонганимиздан зафар қозон-

дик,— деди Недосекин.— Чунки ғалаба йўлида қонимиэни ҳам, жонимиэни ҳам аямадик.

8 март арафасида, Москвада эканимда, телевидение орқали Брянск партизанларига багишланган эшиттиришни томоша қилдим. Брянскнинг әркак ва аёл партизанлари жанг билан ўтган кунлар, рус тупроғига бостириб кирган фашист босқинчилари умрининг ҳар бир соатини жаҳаннамга айлантириш йўлида қўлларидан нимаики келса барини қилганларини бўяб-бежамай лўнда қилиб гапириб бердилар. Стол атрофида ўтиришган әркак ва аёл партизанлар ўзлари ҳақида сўзлардилар. Улар орасида фақат битта партизан аёл кўринмасди. Экранда партизанларнинг машҳур радиосткаси бўлган Евгения Федоровна Недосекиннанинг сурати кўрсатилди. Евгения Федоровна эса бу пайт Қоҳирада бўлиб, ўқитувчилик қилас әди.

Мен Қоҳирадан маъюсланиб учиб кетдим. Нега деганда, бир ҳафта ичida ўтиши лозим бўлган талай учрашувлар туфайли Недосекинлар оиласи билан тўйиб-тўйиб суҳбат қила олмадим. Улар билан яқин келгусида албатта учрашишимга ишонаман. Уларнинг ҳаёти жуда ҳам ажойиб-да.

*Қоҳира — Асвон — Москва.*

# АРАБЛАРДА ИККИ ҲАФТА МЕҲМОНДА

## Яна Қоҳирада

Ҳа, Бирлашган Араб Республикасининг пойтахти бўлган ана шу сершовқин, ёзда иссиқ ва дим, қишида эса ҳавоси Сочи баҳорини эслатадиган шаҳарга яна келдим.

Ҳозир эса ёз, йилнинг энг иссиқ фасли эди. Москвадан учиб кетадиган куним дўстларим менга Қоҳирада температура  $44^{\circ}$  нулдан баланд деган гапни айтишди. Температуранинг нулдан баландлигига қўшиб-чатмаса ҳам бўлади. Наинки, Қоҳирада температура сира ҳам нулдан пастга тушмайди.

Москвадан кечқурун Ҳартумга учадиган самолётда йўлга чиқдик. Биз энди, зора кечаси иссиқ қайтиб қолса деб умид қиласдик. Москва вақти билан Қоҳира вақти ўртасида тафовут йўқ. Биз Москва вақти билан Қоҳирага бир минут ҳам фарқ қилмай учиб келдик ва самолётдан тушдик. Шунда юзимизга ҳаммом тафти урилгандай бўлди. Ҳамма ёқдан бензин ва иссиқ асфальт ҳиди келарди. Дўстларимиз бизни кутиб олишди. Улар устларига этаги тушириб юриладиган юпқа қўйлак кийиб олишганди. Улардан бири бизга шундай деди:

— Омадларингиз бор экан. Кеч кириши билан иссиқ ўттиз градусга тушиб қолди. Ҳаво салқинлигини кўряпсизларми?

Чиндан ҳам аэропорт биносига яқинлашганимизда саҳро томонидан тунда қорайиб кўринган пальмаларни ўраган тахта девор томондан салқин шабада эсиб қолди.

Орадан кўп ўтмай биз қалбимдан чуқур жой олган, ҳозир эса тун оғушидаги сергак Қоҳира кўчаларида кетардик.

Очиқ сабзавот ва мева расталарининг неон чироқлари ёнар, улар олдида газета ушлаган дўкондорлар ўтиришарди. Муюлиш ва чорраҳалардаги ўт-ўланлар устида одамлар

ухлаб ётишарди. Содали ва мевали сув сотиладиган дў-  
конлар ёнида кўзлари уйқули полициячилар туришар ва  
шишидан кока-кола шимиришарди.

Ўтган йили ёзда, Исройл агрессиясидан роса бир ой  
кейин Сарвар Азимов икковимиз ҳам меҳмонхонага шу  
алфозда келгандик. У пайтда шаҳар бутунлай бошқача  
эди. Ўшанда биз тушган «Семирамис» меҳмонхонаси ҳувил-  
лаб ётганидан очиқ деразалардан Нилда сузид кетаётган  
кичик кемаларнинг ғижир-ғижирлари эшитилиб туарди.  
Одатда бошқа вақтларда бу ғижир-ғижирлар эшитилмайди,  
нега деганда, ҳамма ёқни автомобилларнинг шовқин-сурони  
босиб кетади.

1967 йил ёзида Қоҳира нотинч эди. Мисрлик эски дўст-  
ларимнинг чеҳралари қайгули ва аламли кўринар, уларни  
руҳлантиришга, галабага ва ҳақиқат тантана қилишига  
ишончларини оширишга интилардик. Биз араб халқлари  
ўз миллий мустақилларни ва озодликлари йўлида кураш  
олиб бораётганлари Гарб империалистларини қанчалик дар-  
газаб қилаётганини ҳам билиб туардик. Африка дарбо-  
засининг қалити бўлган Қоҳира эса ўз қатъияти билан  
фақат араб халқларига эмас, балки бутун қитъага ибрат  
бўлаётганди. Африканинг сиёсий харитаси ўтган ўн йилдан  
кўпроқ вақт ичida таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.  
Бунда ўн йил ичida империалистик агрессияга икки марта  
дучор бўлган Бирлашган Араб Республикаси катта роль  
ўйнади.

Эсимда, 1957 йил декабрида Африка халқлари миллий  
озодлик кучларини бирлаштиришда улкан роль ўйнаган  
Осие ва Африка мамлакатларининг биринчи Бирдамлик  
конференциясида Шароф Рашидов бошчилигидаги совет  
делегацияси Совет Іттифоқи Осиё ва Африка халқларининг  
курашини тўла қўллаб-қувватлаяжагини билдириди.  
Ўшандан бери ўн йилдан мўлроқ вақт ўтди, бизнинг алоқа-  
ларимиз, қардошларча дўстлигимиз талай қийинчиликлар-  
га, душман матбуотининг тұxмаг ва ёлғон-яшиқлар тар-  
қатишига қарамай, сиповдан муваффақиятли ўтди. Араб  
халқлари, шунингдек, Африка халқлари ҳам ўзларининг  
чинакам дўстлари кимлар эканлигини билиб олдиilar.  
Синфи кураш сўниши ҳақидаги таслим берувчи назария-  
лар барбод бўлди. Кейинги вақтлардаги воқеалар, айниқса  
Чехословакия воқеалари, империализм революция ва мил-  
лий озодлик кураши томонидан улоқтириб ташланган по-

зицияларига жон-жаҳди билан ёпишибина қолмай, ана шу курашда қўлидан кетган позицияларини қайтадан әгаллаб олишга интилаётганини ҳам кўрсатади. Бундай ҳолни фақат Европадагина эмас, балки Африка ва Осиё кенгликларида ҳам кўрамиз. Афуски, Хитой бузғинчиларининг империализмга қарши курашда жаҳондаги барча халқлар бирга бўйлолмасликлари ҳақидаги демагогик ва яккалаб қўювчи гапларига учган африкалик баъзи арабблар хилма-хил иғво усталарининг бузғинчилик ва шовинистик фаолиятларини бир оз вақтгача қўллаб-қувватлаб келдилар. Хайриятки, адашганларнинг баъзилари дарҳол тўғри йўлга тушиб олдилар, баъзилари кейинги пайтларда рўй берган воқеалар таъсирида тўғри хулосаларга келмоқдалар. Осиё ва Африканинг кўпгина мамлакатларининг тараққийпарвар арабблари тарихий воқеалар тазиёки оқибатида революция ва миллӣ озодлик курашининг мантиқига бўйсунган ҳолда дунёнинг ҳар бир жойида рўй берган ҳодиса ўзларига бегона эмаслигини чуқурроқ тушуниб бормоқдалар. Революцион иш учун колектив жавобгарлик ҳисси табиий ва зарурний бир ҳолга айланмоқда.

Шу йилнинг августида Қоҳирадалигимда унинг иссиқ, жуда иссиқ кечган кун ва тунларида ана шулар хаёлимдан ўтганди.

### Ёзувчилик ташвишлари

Юсуф ас-Сибоий билан яқинда Москвада кўришгандик. У Болгарияда ўтган ёшлар фестивалидан қайтиб келаётганди. Уни мен ўтган йили июнда Қоҳирага келганимдан бери кўрмагандим. Ўшанда у хафа кўринган, бу тушунарли эди, албатта. Исройлнинг хиёнаткорона ҳужуми, араб ерлари қароқчиларча босиб олиниши унинг қалбини ларзага солганди.

1967 йилдаги учрашувимиз қисқа бўлди. Биз дўстимиздан ҳеч нимани сўраб-суриштирамадик. Шундай ҳам ҳамма нарса очиқ-ойдин эди. Сарвар Азимов билан Африка ва Осиё мамлакатлари Ёзувчилари Ассоциациясининг бюро мажлисида иштирок этдик. Ўша кунлари Қоҳирада Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги комитетининг араб халқларининг Исройл агрессорларига қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашга бағищланган Фавқулодда конференцияси эндигина тугаганди. Бу конферен-

ция агрессорларни ва уларга ҳомийлик қилаётган Америка империалистларини қоралади.

Ёзувчилар ҳам қараб туришмади. «Осиё ва Африка адабиёти» журналини вужудга келтириш масаласи худди ўша кунлари ҳал қилинди. Биз Ҳиндистон, Ангола, Жанубий Африка, Япония ва бошқа мамлакатларнинг ёзувчилари билан биргаликда журнални вужудга келтириш планини ташкилий структура ва молиявий база масалаларини муҳочкама қилдик.

Сибойи бизга журналнинг макетини ва муқованинг эскизларини кўрсатди, журналга муаллиф сифатида жалб қилиниши кўзда тутилаётган ёзувчиларнинг номларини ҳам тилга олди. Бу ўтган йили бўлганди. Ҳозир эса қўлимиизда журналнинг биринчи янги сони турарди. Үнда ҳинд ёзувчиси Мулк Радж Ананд, Мозамбик шоири Марселину душ Сантуш ва бошқаларнинг асарлари босилганди.

Сибойи энди, 1968 йил 20 сентябрида Тошкентда очиладиган адабий симпозиумга журналнинг иккинчи сонини олиб бораман, деб ваъда берарди.

Дўстимизнинг димоги чоғ эди. У Софиядаги ёшлар фестивалига боришдан аввал Вьетнам Демократик Республикасида бўлган экан.

— Вьетнам халқининг кураши ва мендек Миср ёзувчисини илиқ қарши олганликлари қалбимда ўчмас из қолдирди,— деди у бизга.— Мен бу ҳақда қалам тебратдим. Вьетнамликлар бизнинг Истроил агрессорларига қарши курашимизга хайриxoҳлар ва қўллаб-қувватламоқдалар, бизни яхши тушунадилар. Еттинчи сентябрда Қоҳирада Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги комитетининг Вьетнам халқининг курашини қўллаб-қувватлашга бағишлиланган Фавқулодда конференцияси бўлади. Ҳозирда Қоҳирада бу конференцияга тайёргарлик кўришда вьетнамлик дўстларимиз бизга кўмаклашмоқдалар. Улар Ҳартумдан яқиндагина қайтиб келишди. У ерда дўстларимизни яхши кутиб олишибди. Орадан бир оз ўтгач, Суданда Жанубий Африка ва «Португалия мустамлакалари» аталиши мамлакатлар халқларининг курашларини қўллаб-қувватлашга бағишлиланган конференция ўтказишни мўлжаллаб қўйганмиз. Биз ягона Фронт сифатида иш тутяпмиз. Бизнинг интилишларимиз бир бутун, ялпи курашни ташкил қилиши лозимлигини тушунётганлар сафи тобора кўпаймоқда... Бу осонликча бўлаётгани йўқ, албатта. Ҳатто айрим шахсларга тушунтиришда ҳам қийинчиликларга учрајпмиз.— Сибойи

қулимсираб қўйди.—**Ханойга учиш учун аввал Байрутга йўл олдим...** Хотинимни тинчтиб қўйяй дедим... Хотинлар доимо ваҳима қилишади... Қизим эса ҳомиладор эди... Уларни безовта қиласми келмай учиб кетавердим... Фақат қайтиб келганимдан кейингина бор гапни хотинимга айтдим. Аммо аёллар ҳам устароқ бўларкан. Хотиним менга ҳаммасига ақлим етуди-ю, аммо безовта қиласмасликни маъқул кўрдим, дейди-я...

Африка ва Осиё мамлакатлари Ёзувчилари Ассоциациясининг Бирлашган Араб Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий Африка, Ангола қаламкашлари қатнашган бюро мажлисида биз Совет Ёзувчилари Союзи Тошкент шаҳрида Тошкент конференциясининг ўн йиллигига багишлаб адабий симпозиум ўтказиш юзасидан тузган режа ҳақида батафсил галириб бердик.

Мажлисда Ҳиндистон вакили, қадрдон дўстимиз Калимулла шундай деди:

— Биз совет қаламкашлари бунчалик улкан ишлар қиласмиларини эшиштаганимиздан мамнунмиз. Тошкентдаги учрашув Осиё ва Африканинг барча адиллари учун катта воқеа бўлажак.

Юсуф ас-Сибоий бизнинг Ассоциация бюросидаги ахборотимиэга якун ясади:

— Тошкентдаги учрашувни биз совет ёзувчиларининг қитъаларимиз қаламкашларининг бутун ҳаракати ва бирдамлигига қўшган улкан ҳиссаси, деб биламиз. Биз Тошкентдаги адабий симпозиумдан кейин ўша ернинг ўзида Ассоциациямиз ижроия комитетининг мажлисини ўтказажагимиз, IV конференцияни ҷақириш масаласини ҳал қиласхагимиз, шунингдек, ўзбек ҳалқининг байрами — буюк шоир Алишер Навоийнинг 525 йиллик шодиёнасида қатнашажагимиздан ҳам хурсандмиз. Биз ана шу учрашувни сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

## Биёбонда жанг бўлган ерларда

Қоҳирага ўн мартадан ортиқ келган бўлишимга қарамай Ўрта Ер денгизининг бўйини негадир ҳеч мириқиб томоша қила олмагандим. Бир куни Луксорга, Фиравнлар водийсига бордим. Порт-Сайдда икки марта бўлдим. Мен унинг биринчи агрессиядан кейин вайронга бўлиб, тутун ва кулга ботиб ётганини, Порт-Сайд ҳимоячиларининг

қабрларидаги ўқ тешган каскаларни ҳам кўрганман. Сувайш каналида ва Жеймс Олриджнинг бир вақтлар «Огонёк» журналида босилган, киши қалбини ларзага солувчи «Сўнгги дюйм» ҳикоясида зўр тасвир қилинган Қизил денгиз соҳилида ҳам бўлганман. Миср дурдонаси бўлган Искандарияда эса бор-йўги бир неча соат бўлдим холос.

Биз ёзувчилликка алоқадор ишларимизнинг барчасини Қоҳирада битирдик. Байрутга учиб кетишимиизга уч кун қолганда Юсуф ас-Сибоий бир гап айтиб қолди:

— Сиздан «ўчим»ни олмоқчиман. Москвага ҳар сафар борганимда сиз менинг дам олиб, мамлакатингизни томоша қилишга имкон яратиб беришга ҳаракат қиласиз. Ўзингизнинг ҳам, менинг ҳам вақтим билан ҳисоблашмайсиз. Ленинградга сафаримиз әсингиздами? Петергоф саройлари, Ленинград балети-чи? Бақтингиз зиқлигини сезгандим, барибир ўшанда ҳам мен билан кетавергансиз...

— Дўйстлар билан ҳар қаерга кетишга ҳам тайёрмиз.

— Мен ҳам сизга шуни таклиф қилмоқчиман. Қолган уч кунни Искандарияда дам олишга бағишиланг. У ерда денгиз, яхши пляж бор... Бу йил денгиэда чўмилдингиизми?

— Ҳозирча йўқ.

— Йўқ дея қўрманг.

— Биз йўқ демаймиз... Бироқ битта илтимосимиз бор — Ал-Алъамайнин кўрсак дегандик.

— Марҳамат. Сизлар билан Камол бирга боради, у со-биқ ҳарбий, менинг муовиним. Айланиб келинглар... Йил ўтган сайн биз ўзимизни тобора каттароқ, ягона оила эканлигимизни сезяпмиз.

Жўнаш олдида Камол биздан сўраб қолди:

— Қайси йўлдан боришни хоҳлайсизлар: саҳроданми, Яшил йўлданми?

— Боришда — саҳродан, қайтишда — Яшил йўлдан.

— Қоис китир<sup>1</sup>.

Шундай қилиб биз иссиқ, жуда иссиқ тонглардан бирида Муҳаммад Камол Баҳоваддин, соддагина айтганда, Камол ва Бирдамлик комитетидаги вакилимиз Баҳодир Абдураззоқов билан Искандарияга йўл олдик. Барча ишга киришган, тонг пайти. Қоҳирада машиналар гув-гув учади, Нил устига қурилган кўприкларда ҳам ҳаракат зўр. Савдосотиқ қизиётган кўчаларда шовқин-сурон... Шаҳар марказидан наридаги илгари ҳувиллаб ётган жойда қурилиш

<sup>1</sup> Арабча «Жуда соз» деган маънони билдиради.

ишлари авжида, янги уйларнинг кварталлари нимаси биландир Москва Черемушкисига ўхшаб кетади. Ниҳоят, уйлар бирдан орқада қолиб, офтобда қизиб ётган йўлдан кета бошладик, икки томонимизда эса Гарбий саҳро ястаниб ётарди. Бу ерлар чиндан ҳам ҳувиллаб ётар, фақатгина ўнгу сўлдаги оҳиста айланиб турган, радар установкалари бўлган қоровул тепалар томон кетган ингичка йўллар кўриниб қоларди. Онда-сонда солдатлар тушган юқ машиналари ёнингиздан фув этиб, иссиқ шабада пуркаб ўтади. Кейин яна машина гилдиракларининг асфальтга тегишидан чиқаётган овоздан бўлак нарсани эшитмайсиз.

Йўлнинг чамаси ярмига борганда жиндай тўхтадик. Шундайгина йўл ёқасига тушган ресторанчада бир қултумдан қайноқ қаҳва ичиб олиб, яна йўлга равона бўлдик...

Бу Искандарияга олиб борадиган йўлнинг қоқ ярмига етганимизда бўлганди. Йўлда яна онда-сонда тую ва оқ эшак подалари кўзга ташланарди. Жазира машина кимсасизликка ўрганганди бу жоноворлар саҳрова қимир этмай турарди.

Искандарияга яқинлашганимиз сари унинг ўзига хос ҳаёт белгилари кўзга ташланаверди. Йўл бўйига ўрнатилган каттакон тахта лип этиб ўтди. Унга ўша ерда Совет Иттифоқи томонидан тухфа қилинган давлат хўжалиги қурилиши кетаётганилиги ёзиб қўйилганди. Фаллоҳлар канал бўйларини қунт билан текислашарди. Бу яқинда оби ҳаёт келади деган сўз. Коржома кийган солдатлар дараҳтлар ва анжир кўчатларини ўтқазишаради.

Кўм-кўк воҳдалар кўзга ташланади, намлиқ иси димоққа урилади. Демак, денгиз ҳам, Искандария ҳам яқинда. Оқ нарса ҳам кўриниб қолди — бу ернинг шўри. Мана, ниҳоят, мўъжазгина кўлга ҳам этиб келдик, суви қўнғир. Қамишлар орасида энсиз қайиқлар, балиқ тутадиган тўрлар кўзга чалинади. Бу Искандарияга тулаш кўрфазлар. Йўл ёқалаб ўтган сим тўсиқлар оралигидаги зенит тўплари ва пулемётларнинг оғзи осмонга қаратиб қўйилган. Солдатлар фирзуза осмонга синчиклаб тикилишади.

Машинамиз яна бир неча муюлишдан ўтгандан кейин Искандарияга кирдик. Шаҳар маҳаллалари сершовқин, сабзавот расталари бир-биридан аломат. Денгиз томонга оғиброқ турган оғир замбараклар ёнидаги тепачалар устида соқчилар кўзга ташланади. Гурли жойларда икки томонга суриб қўйилган темир ғовлар кўринади. Қаёққа қараманг, болалар... Улар машинанинг олдидан чопиб ўти-

шаверади, тар-тарли варрак учиршиади, бақириб-чақириб мешкобда сув сотишади. Юзлари офтобда қорайиб, шамолда қотган шоввоз дengizchilar ҳам жуда сероб. Искандариянинг дengизга тулаш қисмida пляжлар беҳисоб, чўмилаётган одамлар бамисоли чумоли...

Биз уларни айланиб ўтиб, Мисрнинг сўнгги қироли Форуқнинг баланд қизил девор билан ихоталанган собиқ саройига кирдик. Саргузаштлари ҳақида ҳанузгача халқ орасида афсоналар юрган бу майшатпараст, мустабид, маккор, ишратпараст ва шарманда резиденциясини қаерга қуришни билган. Бир вақтлар, бундан ўн йилдан мұлроқ вақт муқаддам бу ерлар жуда сокин жой әди. Ниҳоятда сўлим ва дилбар дараҳтлару гулларга бурканган бу оромгоҳ Форуқ саройини қўришга алоҳида рухсатнома олганлар учунгина очиқ әди. Ўшанда биз бу ерда бир неча соат бўлиб, саройдаги беҳисоб иморатларни томоша қилган, дengiz сувининг соҳилдаги тошларга сапчишини қўриб завқлангандик. Бундан уч йил бурун эса дengиз бўйига «Фаластин» деб номланган зўр меҳмонхона қурилганди. Биз ҳам шу меҳмонхонага қўндиник...

...Эртасига әргалаб Ал-Алъамайнга йўл олдик.

Биз у ҳақда нималарни билардик?

1942 йилда иттифоқчи қўшинлар АҚШ ва Англия ҳукмрон дцираларининг қарорига кўра Совет Иттифоқига дурустроқ ёрдам кўрсатишини истамай Европада иккинчи фронт очишни орқага сурдилар, Америка-Англия қўшинларининг кучларини Ўрта Ер дengизига тўпладилар. Ҳудди ўша кунлари фашист қўшинларининг галалари Сталинградга қараб интилмоқда әди. Америка-Англия қўмондонлиги ҳарбий ҳаракатни марказлаштириш ўрнига фашистлар Германиясини тезроқ топ-мор келтириши очиқдан-очиқ истамаган ҳолда улкан кучларини Шимолий Африкага ташлади. Унинг составида 1100 танкдан 1200 тагача самолёти бўлган Зинглиз армияси бор әди. Бу армия Ўрта Ер дengизи ёқалаб Роммель қўмондонлигидаги ўн иккита итальян-немис дивизиясига қарши ҳужум бошлади. Бу дивизиялардан фақат тўрттаси немислардан иборат әди.

8-армия қўшини, ҳарбий техникаси ва таъминотга алоқадор қулагай стратегик ўйлар соҳасида устун бўлганидан 1942 йил октябри охири ва ноябрьи бошларида Ал-Алъамайнда бўлган жангларда итальян-немис қўшинларини маглуб қилди. Черчилль бу ғалабани «омадимизнинг келиши» деб лабдаба қилди. Бироқ «Улкан стратегия» деган китоб

муаллифлари бўлган инглиз ҳарбий тарихчилари Ж. Батлер ва Ж. Гуайернинг гувоҳлик беришларича иш жудаям бунчалик бўлмаган. Инглиз тарихчилари бундай деб ёзандилар: «Гитлернинг фикрича Ўрта Ер денгизидаги уруш театри иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, немис қўшинлари аввало Россия ва Гарб учун зарур эди. Гитлер итифоқчилар Гарб ёки Узоқ Шимолдан ҳужум қилиб қолишса ажаб эмас, деб ҳамон қаттиқ хавотирланиб турганидан, «Люфтваффе» кучларининг талай қисмини Ўрта Ер денгизи районида узоқроқ ушлаб туришга оғриниброрқ рози бўлганди. 1942 йили Мисрни босиб олиш ҳал қилювчи аҳамият қасб этиши мумкин эмасди. Бу Черчиллнинг 1941 йил июни охирида Вашингтондаги кенгашга жўнаши олдидан тузган планига ҳам мос келади. Бу планда шундай дейилади: «Ҳозирги замонда уруш олиб боришдаги асосий нарса — Гитлернинг Россиядаги мағлубиятлари ва талафотларидир... Энди... у қишлоғдан чиқиб олиши керак, бунда у қўшинларидан бутунлай айрилади, ёқилғи ва аслала-анжомлар ҳам кўп сарф бўлади... Биз ўзимиз ваъда қилган таъминот буюмларини вақтида етказиб бериб туришимизни ҳисобга олмаганда Буюк Британия ҳам, Кўшма Штатлар ҳам бу воқеаларга мутлақо аралашмаслиги керак. Биз фагат шундагина Сталинга бўлган таъсиrimизни сақлаб тура оламиш ва шу йўл билангина русларнинг ҳаракатларини урушнинг умумий оқимиға солиб юбора оламиш».

Бу ерда инглиз тарихчиларининг сўзлари билан Черчилль плани орасида тафовут йўқлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Булар билан ҳарбий тарих фактлари орасида ҳам фарқ кўринмайди. Ал-Алъамайнандаги жангда итальян-немислардан ўн иккита дивизия қатнашди, жанг охирлаб қолганда тўрт итальян дивизияси чучук сувсиз қолганлиги туфайли таслим бўлди. Мавжуд сув запасини немис дивизиялари бутунлай олиб қўйишганди, айёр Роммель эса жангда мағлуб бўлишига кўзи етиб, қўшин ва техникани сақлаш мақсадида уларни шоша-пиша жангдан хориж қилиб қўйганди.

Шу ерда бир нарсани эслатиб кетсак жоиз бўлар, деб ўйлайман. Совет қўшинлари Сталинград остононларида қарши ҳужумга ўтганларида 1942 йил 19 ноябридан, 1943 йил 2 февралигача бўлган даврда фашистлар Германияси ва унга тобе мамлакатларнинг ўттиз икки дивизияси ва учта бригадаси тор-мор келтирилди, ўн олтида дивизияга жиддий шикаст етказилди.

Искандариядан Ўрта Ер денгизи ёқалаб кун ботиш томонга қараб кетган йўлнинг 103 километрида «Ал-Альманай» деган ёзувли йўл кўрсаткичга кўзимиз тушди. Машинамиз чапга қайрилди. Ярим чақиримча юрилгандан кейин мўъжазгина темир йўл станцияси кўринди, ёнида бетон трубалар секциялари тахлаб қўйилган бўлиб, қумликда талай тахта яшиклар ётарди. Станцияда туя ва әшаклар ҳам қўзга чалинарди. Ундан нарида саҳро ястаниб ётар, инглизларнинг мармар тахтали қабристонидан ному нишон кўринмасди. Туялар олдидা, офтобда тилла тишларини ярақлатиб турган кекса араб машинамизни қизиқсениб томоша қиласди.

Камол ҳам бизга ўхшаб бу ерларга биринчи марта келганидан арабдан:

— Инглизлар мозори қаерда? — деб сўради.

— Мана шу йўлдан кетаверасиз, — деди жавоб қилиб араб.

— Шукран<sup>1</sup>, — деб қўйди Камол.

— Балки қаҳва ичарсизлар? — кекса араб илтифот қилди.

Камол яна бир карра раҳмат айтди. Биз катта йўлга қайтдик. Яна уч километр юрганимиздан кейин қабристон кўринди. Унда худди сафда тургандагидек оқ плиталар беҳисоб әди. Йил бўйи кўм-кўк турадиган ва сийрак ўғсан ўткир учли буталар олисдан снаряд портлашини эслатади. Даражатлар бир нечагина холос. Қаёққа қараманг — саҳронинг сарғиш сароби жимиirlайди.

Плиталардан плитага ўтамиз. Инглизча номлар қаторида ҳиндча номларни ҳам ўқиймиз. Инглизларнинг адреслари қаторида Янги зеландияликларнинг адреслари. Бу 8-армиянинг составида Ҳиндистон ва Янги Зеландия бўлинмалари ҳам бўлганлигини кўрсатади.

Жазираам. Оқ плиталар. Ўткир учли кўм-кўк буталар. Ҳамма ёқ жим-жит. Офтоб найзага келган...

Қабристоннинг рўпарасига инглизларнинг мажақланган ва занг босган танклари, бронетранспортерлари, узун стволли тўплари қатор қўйилган бўлиб, барчасининг тумшуклари жазираама кўкка қадалганди.

Қабристоннинг рўпараси музей. Унга кирсангиз инглизлар ва немис қуролларини кўрасиз. Ҳариталар, Монтгомери, Александр, Роммель, Гитлернинг сурат ва портрет-

<sup>1</sup> Раҳмат, дегани.

лари, Ал-Алъамайндаги жангни тасвир әтүвчи макет ҳам шу ерда.

Музейга кираверишдаги салқин жойда ўсмири араблар карта ўйнаб ўтиришади.

Биз музейнинг мўъжазгина залларини айланиб, совет туристлари ёзиб қолдирган хотира дафтарини кўздан кечираётганимизда музей олдида баҳс авжига чиқди. У ерда елкасида катта қопчиқ, серсоқол бир киши пайдо бўлиб қолганди. У, қопчиғим билан ичкарига киритасизлар, деб тиқилинч қиласади. Музей ходимлари әса бунга кўнмасди:

— Мумкин эмас.

— Қопчиғимни ташлаб кетолмайман-да.

— Нега әнди?

Серсоқол кишининг хуноби ошарди.

— Мен Германия Федератив Республикасидан келганиман. Пиёда ва йўловчи машиналарда саёҳат қилиб юрибман. Ҳамма бор бисотим ана шу қопчиқда.

— Сизнинг ашқол-дашқолларингиз кимга ҳам керак ўзи?

— Аввало ўзимга керак. Ичкарига киритиб юборинглар.

Музей назоратчиси келиб серсоқолга шубҳа билан тикилди.

— Сизга нима керак?

— Музейни кўрмоқчиман.

— Бемалол. Кириш белупул.

— Қопчиғим билан киритишмаяпти.

Назоратчи ўсмирларидан бирига нимадир деди. У қўидаги картасини оғриниброқ ерга қўйиб, ўрнидан қўэгалди.

— Кираверинг,— деди назоратчи.— Бу киши сизга ҳамроҳлик қиласади.

Серсоқол киши ўсмири билан музей залига кириб кетди.

— Гоҳо туристлар әкспонатларни ўғирлашади. Немисларнинг қандайдир занглаған каскаси уларга нима каромат кўрсатар экан, шунисига ҳеч тушуна олмайман. Ўзларинг қаердансизлар?— деди назоратчи бизга ўгирилиб.

— Москвадан.

Назоратчининг юзига табассум югурди.

— Қаҳвага тобингиз қалай?

Саҳродаги инглизларга атаб қурилган қабристон-ёдгорликдан сал нарида иккита баланд иморат кўринар, уларнинг оралиқларидағи масофа ҳам анча келарди. Улардан бирини итальянлар, иккинчисини немислар қурганди.

Итальянлар иморати йўлга яқин, ичидағи оппоқ деворларда мингларча фамилиялар кўзга ташланарди. Баланд мармар столга крест ўрнатилган, унинг икки томонида снарядларнинг устига миртагул бутоқлари ташлаб қўйилган занглаған гильзалари...

Денгизга жуда яқин турган ва баланд соҳилга қурилган бўз ранг, кўримсиз иморат тевтонларнинг қадимий қасрига ўхшайди.

Бу ер жуда ҳувиллаган ва чекка бир жой эди. Фақат зумрад денгизгина кўзингизни ўйнатарди. Эшик олдидаги оқ кийинган араб эшикни унисиз очиб, бизни ичкарига кирилди. Деворларга маҳкамлаб қўйилган металл тахтачаларга фамилиялар ўйиб ёзилган. Юқоридаги меҳмонлар учун каравотлар қўйилган хонада таассусотлар дафтари ҳам бор. Уни варақлаганимизда узун қилиб ёзиб тушилган немисча фамилияларни кўрдик, улардан иккитаси биз Ал-Альамайнга келган кунимиз қайд қилинган экан. Деворда эса Роммеллинг чарм пальтода тушган ва саргайиб кетган сурати...

Биз саҳро офтобига чиқдик. Навқирон араб индамай осма қулфни бекитди. Ботаётган кун шуъласи кўзни оларди. Фируза ранг дengiz жилва қилса ҳам кўнглимиз фаш эди. Олис саҳронинг бир чеккасидаги ана шу қасримон ва ибодатхонасимон иморатлар гарчи шу ерда ҳалок бўлган солдат ва офицерлар хотирасига қурилган бўлса ҳам ҳаммаси унут бўлгандай туюларди. Фақат деворлару, инглизлар қабристонидаги плиталаргина она-Ватанидан олисдаги сувсиз саҳрова жон фидо қилганларнинг номларини сақлаб қолганди... Уларнинг исм ва фамилияларини ўқигани бу ерга фақат айрим сайдёхларгина келадилар. Инглизларнинг қабристонидаги плиталарга ўйилган ёзувлар эса бир-биридан ҳазин. «Сен мен учун бутун олам эдинг, энди йўқсан — олам ҳам энди менга қоронғу», — деб ёзилганди плиталардан бирига.

Тевтонларнинг ибодатхонасимон-қасримон иморати Ал-Альамайнда биз кўрган сўнгги жойлардан бўлгани учунми ҳар ҳолда кейинги пайтларда рўй берган воқеалар ҳадеб хотирамизга келаверди. Инсон хотирасининг битта хусусияти борлиги барчага маълум: у кўп воқеаларни ўз қаърида узоқ вақт сақлайди, бироқ бисотидаги нарсаларни дарҳол юзага чиқаравермайди. Хотира бисотидагини чиқаргандан кейин киши айрим фактларни таҳлил қиласиди, уларни кейинги воқеаларга солиширади.

1965 йил декабрида бир группа совет ёзувчилари Германия Федератив Республикасига қилган сафаримизнинг охиррогида Мюнхенга бориб қолдик. Очигини айтсам, вақт алламаҳал бўлганда Мюнхен вокзалига тушганимизда жуда ҳаяжонланардим. Нега деганда жуда кўп мудҳиш воқеалар ана шу шаҳарда рўй берган эди-да. Масалан, фашизмнинг туғилиши, Мюнхен фитнаси...

Эрталабки енгил аёз юзларни чимчилар, томлардаги қиров офтобда бинафша ранғда ялтиради. Мюнхендагилар бизга картиналар галереясига боришни таклиф қилишди, унда Рубенснинг ҳам талай картиналари бор экан. Чинакам санъат одамни доимо мафтун қиласи, Рубенснинг ҳаётбахш ва ширали полотнолари сеҳри ҳақида эса ҳар қанча гапирса арзиди. Музей ўша куни томошабинлар учун негадир ёпиқ бўлганидан улкан залларда фақат ўзимиз айланиб юрадик. Кейин эса ташқарига чиқдик. Қор ара-лаш ёмғир ёғарди. Марказий кўчалардан биридан ўтиб бораётганимизда бизга ҳамроҳ бўлган жаноб: «Мана шу балкондан Гитлер нутқ сўзлаган»,— деб қолди. Орадан пи-ча ўтгач эса: «Анави, Гитлер тез-тез кириб турган пивохона»,— деб қистириб қўйди.

Пивохона ўша пайтда ёпиқ эди.

Эртасига биз собиқ Даҳау концлагерида бўлдик. Музейни томоша қилдик. Даҳшатли расмлар, ваҳимали экспонатлар. Силлиқина қилиб, яхшилаб ремонт қилинган бараклар.. Даҳау маҳбуслари кўйдирилган даҳшатли ажал печи. Бу ерда ҳеч ким Гитлернинг номини тилга олмаса ҳам, унинг шарпаси лагерь узра турарди. Ўша лаҳзада лагерда сиртдан қараганда гитлерчиларга ўхшаш солдат ва офицерлар юришарди. Буфетда эса пиво билан сосиски сотиларди. Бизга тамадди қилиб олишини таклиф қилишибди. Биз эса рад этдик, негаки Мюнхендаги бу даҳшатли макондан тезроқ кетишини истардик...

Ўша кунги ярим расмий зиёфатда китоб нашри ишларига алоқаси бўлган бир киши менга шундай деди:

— Афсуски, Совет Иттилоқи кишилари Мюнхенда кам бўлишади.

— Нима учун?

— Дўстларингиз тез-тез келиб туришади.

— Қанақа дўстлар?

— Чехословакияликлар-да... Чегара яқин... Виза олиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Байрамларда баъзи журналистлар

ва ёзувчилар бу ерга машиналарида келишади.— Суҳбатдошим кулимсираб менга синовчан нигоҳ ташлади.— Уларнинг бу ерда талай дўстлари ва маслақдошлари бор, келишса, улар билан вақтларини жуда шод ўтказишиади.

Ўшанда ичимда: «Иғвогар экансан»,— деб қўйганидим.

— Очигини айтганда, уларнинг ҳалиги одамлар билан юришларининг ўзи ғалати,— деди суҳбатдошим гапида давом этиб.— Уларнинг бу ерда гапирадиган гаплари ҳам ғалати. Бу ерда уларни нималарга илҳомлантиришаётганини яқинда ўзингиз ҳам билиб қоларсиз.

Бизнинг халқимизнинг Чехословакияда доимо дўстлари бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлажак. Улардан бири ҳозир ҳам эсимда. Лъвовдаги Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитети делегацияси шарафига ўтказилган тантанали кечадан кейин у билан баҳор нафаси кеэзган кўчаларда айланиб юрганимиз эсимда. Ўшанда аста қадам ташлашиб, оламда рўй беравётган воқеалардан гаплашгандик, эски дўстларимизни хотирлагандик. Дўстим ўшанда бирдан тўхтаб, менга шундай деганди:

— Кечада дўстларим айтган баъзи сўзларни эшитдиму, кўнглим жуда гаш бўлиб қолди. Сизлар кўп нарсаларни билмайсизлар... Бизда «интеллектуаллар» деб аталган кимсалар кўпроқ эркинлик оляпти. Уларнинг Совет Иттифоқини, дўстлигимизни кўрарга кўзлари йўқ. «Демократлаштириш» ва «либераллаштириш» деган сўзларни ўзларига ниқоб қилиб олиб, амалда Германия Федератив Республикаси ва бошқа bemаза жойлардан маънавий озиқланмоқдалар. Ҳозир биз жуда таҳлиқадамиз...

— Нима учун?

— Яқинда бирор кор-ҳол бўлишини сезиб турибмиш. Нимаики воқеа рўй бермасин, шуни билиб қўйинглар: мингмингларча чехлар ва словаклар сизларни севади ва Совет Иттифоқининг ўз мамлакатларига қилган яхшиликларини ҳеч қачон унугашмайди. Мен Прагада турмайман, шунинг учун ҳам буларнинг барини чуқурроқ сеяпман...

...Биз чурқ әтмай машиналаримизга ўтириб, Искандарияга равона бўлдик. Йўл бўйидаги немис қўшинларининг мина даласи ўтганлигини кўрсатувчи плита қад кериб турган жойда бетон трубалар қалашиб ётарди. Араблар скреперлар билан саҳро бағрини тилишарди.

## Мозамбикка сафар

Камол, Баҳодир Абдураззоқов ва мен денгиз соҳилидаги «Фаластин» меҳмонхонасининг очиқ ресторанида ўтирадик. Столлар узра ранг-баранг чироқлар порларди. Эстрадада эса эпчил «битъзлар» ҳалойиқни дам оҳиста инграйдиган, дам бор авж билан эшитиладиган «янгича» куйлар билан жазавага солардилар. Камол торгина рақс майдончасида уймалашётган йигит ва қизларга қараб қўйиб, шундай деди:

— Баҳодир, менимча, бу рақслар биэ Мозамбикда томоша қилган рақслардан анча-мунча фарқ қиласа керак.

— О, албатта, Камол,— жавоб қилди Баҳодир.

Камол Баҳоваддин билан Баҳодир Абдураззоқов шу йил июль ойида Мозамбик ватанпарварларининг португалийлик мустамлакачиларга қарши қуролли курашига бошчилик қилаётган Мозамбик Озодлик фронти (ФРЕЛИМО) нинг таклифига мувофиқ Осиё ва Африка халқлари Бирдамлик комитетининг вакиллари сифатида Мозамбикнинг мустамлакачилардан озод қилинган зонасида бўлганлари ва ФРЕЛИМОнинг Иккинчи миллий конференциясида меҳмон сифатида қатнашганликларидан хабардор эдим. Съезд Мозамбикнинг чанглзорида ўтганди.

— Баҳодир, шуларнинг бари ҳақида журналинизга мақола ёзиб берсангиз,— деб илтимос қилдим Абдураззоқовдан.— Мен «Оғонёк» ўқувчилари Мозамбикдаги воқеалардан хабардор бўлишларини жуда истардим. Бизнинг журналистларимиз Анголанинг озод қилинган районларида бўлишган, Мозамбикка эса ҳали ҳеч ким борганича йўқ...

— Мен журналист эмасман-да... Бундан ташқари, мен ёлгиз эмасдим. Мана шу кичкина сафаримизда Камол иккимиз доим бирга бўлдик. Мен уни илгари ҳам ҳурмат қилардим, аммо ана шу сафарда уни яна ҳам яхшироқ билиб олдим. У ажойиб ўртоқ,— деди Баҳодир.

— Бу ёгини нима қиламиш, Баҳодир? Агар айтганларингизга қараб ёзадиган бўлсан бошқача чиқиб қолади-ку?

— Бўлмаса, Камолнинг қўлида бизнинг ҳисботимиз бор, у иккимизнинг кундалигимизга ўхшаш нарса. Унда адабий жимжимадорликлар йўқ, албатта, бироқ ёзилгандарнинг бари ҳақиқат, сира уйдирма эмас. Нима дейсиз, Камол? Қарши эмасмисиз?

— О, йўқ, албатта.

Эртасига эрталаб Камолнинг қўлидан бир неча са-  
хида материала олдим. Қўйида ўшани баъзи қисқартишлар  
 билан ўқувчиларга ҳавола қилишга журъят этаман:

«Биз Озодлик армиясининг қўмондони ўринбосари Рауль Казаль Рибейро билан «Лендровер»да йўлга чиқ-  
дик. Машинанинг юки оғир, унда ўн икки йўловчи бор  
эди. Чегара йўли тор, ноқулай. У қалин чангальзорлар ва  
баланд тепаликлар орасидан ўтганди. Эрталаб соат ўнда  
йўлга чиққан бўлсак, орадан тўрт ярим соат ўтгач, бошқа  
машинани кутиш учун тўхтадик. Сўнгра ФРЕЛИМОнинг  
лагерига етиб олиб, у ёғига пиёда кетдик. Орадан икки  
соат ўтгач, похол ва бамбуқдан қилинган бир неча кул-  
бадан иборат транзит лагерга етиб олдик.

Делегациялар ўн беш кишилик группаларга бўлинган  
эди. Ҳар бир группа турнақатор бўлиб йўл босарди. Биз-  
нинг группамизни йигирма ёшлардаги бир қиз бошлаб бо-  
ради. Йўлимиз қалин чангальзорлардан ўтарди.

Рўпарамизда ҳамма ёғи ўрмон — Мозамбик турарди.  
Биздан илгари чангальзордан чиққан группалар дарёнинг  
нариги бетида кутнб турарди. Дарёдан қайиқда ўтиб, ба-  
ланд соҳилга аранг чиқиб олдик. Энди биз Мозамбиқда  
эдик.

Конференция маҳсус ва яхшилаб ниқобланган бинода  
очилди.

Очилиш жуда тантанали бўлди: партизанларнинг фах-  
рий қоровули байроқ олдида туриб, ФРЕЛИМОнинг мил-  
лий гимнини ижро этди. Улар Мондланега қурол билан  
салют бердилар. Мондлане меҳмонларни ва делегатларни  
қутлаб, қисқача нутқ сўзлади. Сўнгра Армия қўмондо-  
ни Самора Машель сўзга чиқди. Қуролли курашнинг бош-  
ланишидан, 1964 йил сентябридан то ҳозирги кунларгacha  
бўлган ривожи ҳақида Казаль Рибейро доклад  
қилди.

У қуролли кураш олиб борилаётган вилоятларда пар-  
тизан қўшинларининг сони бир неча мингга етганлигини  
билдириди. Ўтган давр ичida, деди у, португалияликлардан  
олти мингдан ортиқроқ одам ўлдирилди. Партизанлар бу  
йилда Тете вилоятида янги фронт очдилар, душман ўзи-  
нинг қуролли кучларини кўпайтириди, ҳозир унда олтмиш  
мингга яқин солдат бор. Португалияда ҳозир армияга чақи-  
риувчилар ёши пасайтирилган: армияга энди ўн саккиз  
ёшдан бошлаб олиняпти. Докладчи, шунингдек, 1966 йил-

даги қуролли тўқнашувларда ФРЕЛИМО Марказий Комитетининг иккита аъзоси ҳалок бўлганини ҳам хабар қилди.

Нъяса вилоятининг ҳарбий командири ўз сўзида Португалия кучлари — пиёда аскарлари, парашютчилари, авиациясининг атакаси ёки пичоқ-ханжарлар билан қуролланган маҳсус группаларининг ногаҳон ҳужумининг олдини олишда хавфсизлик тадбирлари белгилаш муҳим эканлигини уқтириб ўтди. У, шунингдек, ҳужум бўлиб қолган тақдирда соқчилар қандай чора-тадбирлар кўришлари лозим эканлигини ҳам тушунирди.

Баҳодир Абдураззоқов Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги совет комитетининг мактубини ўқиб берди. Мактуб жуда яхши қарши олинди.

Камол Баҳоваддин Марселину душ Сантушнинг илтимосига кўра тўпланганларга Осиё ва Африка мамлакатлари билан Бирдамлик комитети ва унинг Доимий секретариати фаолияти, ташкилотнинг келгусидаги режалари, Бosh секретарнинг Ҳанойга сафари, Вьетнам, Жанубий Африка ва бошқа давлатларга бағишлиланган конференциялар бўлаҗаги ҳақида сўзлаб берди...

Мондлане сиёсий доклад қилди. У гапни ФРЕЛИМО нинг тарихидан бошлаб, ташкилот дуч келган қийинчиликлар, бузғунчилик ташкилотлари вужудга келганлиги ва уларнинг мағлубиятга учраганлигини ҳам айтиб ўтди. Докладчи ФРЕЛИМОнинг 1962 йили Танзанияда ўтган биринчи конференциясидан кейинги фаолияти ҳақида батафсил ҳисоб берди, конференция қатнашчиларига Марказий Комитетнинг ўз вазифаларини биринчи конференция қарорлари асосида адо этаётган аъзолари билан таништириди. У ФРЕЛИМОнинг маориф, ижтимоий, медицина ва бошқа соҳаларда ҳам фаолияти ўсиб, қулоч ёзиб бораётганлиги ҳақида ҳам гапирди.

Мондлане шундан кейин ФРЕЛИМО Марказий Комитети кечак кечаси араб халқларининг Истроил империализмiga қарши курашини қўллаб-қувватлаб, маҳсус баёнот беришга қарор қилганлигини билдири ва конференцияга делегация юборганлиги учун Бирдамлик ташкилотига миннатдорчилик изҳор этди.

Вазифамизни адо этганимиз сабабли, делегатларга саимий кутиб олганларлари учун миннатдорчилик билдириб, конференциядан чиқиб кетдик.

Қайтиб келаётганимизда Португалия самолёти қочқин-

лар лагерига бомба ташлаганигини кўрдик. Зенит тўплари самолётни ўққа тутди.

Чамаси, самолёт конференция ўтаётган жойни қидирган бўлса керак.

ФРЕЛИМОнинг конференциясига делегация юборилганлиги — Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги ташкилоти томонидан империализмнинг ваҳший ва даҳшатли турларидан бири бўлган Португалия империализмига қарши қуролли кураш олиб бораётган мамлакатнинг озод қилинган районига вакиллар юбориш борасида ташланган биринчи қадам эди. Бундай империализмда мустамлака зулми билан босқинчлилк, неоколонистик мақсадлар ва эксплуатация, НАТО билан ҳарбий алоқалар, ошкора, беҳаёй ироқий камситилиш билан омихта бўлиб кетгандир.

Конференциянинг португалиялик империалистлар, оккупацион қўшинлар ва авиацияга қарши кураш олиб борилаётган оғир шароитда Мозамбик территориясида муваффакиятли ўtkазилганлиги ФРЕЛИМОнинг озодлик ҳаракати ва унинг озодлик армияси фаолиятида ютуқларга эришганлигига ёрқин далилдир».

Баҳодир Абдураззоқов билан Камол Баҳоваддиннинг ёзганларини қайта қўздан кечиравсанман, бизнинг умумий курашимиз нақадар кучайганлигини, ўтган йиллар ичida кўп ишлар амалга оширилганлигини ва миллий озодлик, революцион курашда ҳар бир ташкилот томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай иш бир-бирини тушуниш ва колектив жавобгарлик сезгиси ўғсанлиги хаёлимдан ўтади.

Дарвоқе яна бир нарса: совет кишиси, ўзбек халқининг фарзанди Баҳодир Абдураззоқов дўсти ва ўртоғи, Миср халқининг фарзанди Камол Баҳоваддин билан жаҳон халқларининг энг ёвуз душмани бўлган Америка империализми ҳомийлигидаги Португалия мустамлакачиларига қарши олиб борилаётган қуролли курашнинг олдинги линиясидаги Мозамбикка биринчилардан бўлиб ташриф буюргандилар.

## Яшил йўл

Камол бир неча кун бўш бўлганидан Искандарияда қолди. Биз эса Қоҳирага қайтишимиз, у ердан эса ёзувчилик юмушларимиз билан Байрутга йўл олишимиз керак эди.

Биз Қоҳирага Қамолнинг маслаҳати билан Яшил йўлдан қайтдик. Уни бу ерликлар Агройўл дейишади. Бу йўлдан юрганимизга ачинмадик. Агар Гарбий саҳрордаги йўл этнографик жиҳатдан қизиқарли бўлса, биз ана шу уч соатлик йўлда меҳнаткаш Миср ҳаётининг расмларга бой китобини гўё варақлагандай бўлдик. Унинг Яшил йўл деб аталиши ҳам бекиз эмас.

Миср пахтаси бутун оламга машҳурдир. Йўлнинг икки томони бепоён пахтазор, етилиб келаётган калта тукли шоликорликлар, баланд ўсган жўхоризорлар...

Қудуқдан сув тортаётган чиғириқларга қўшилган қўтослар салмоқлаб қадам ташлайди. Сув чиқаришнинг бу усули жуда қадимий бўлса ҳам, начора, бу ерда ҳамма нарса эскича... Сув... Энсиз ариқларда ҳам, яхшилаб қазилган каналларда ҳам сув...

Йўл сершовқин, машиналар ўтгани ўтган. Қопларда цемент. Қопларда гуруч. Бу йўл Ливияга олиб боради. Машиналарда Ливиянинг автомобиль белгилари. Йўлда машиналардан бўлак нарса ҳам бор. Ана бир эшак йўргалаб кетяпти. Унинг устидаги фаллоҳнинг оёғи бир мақомда қимирлади. У эшакка бир юқ ҳам ортиб олган. Фаллоҳнинг хотини эса ёнида одимлади. Бу ерда одат шунақа: эр эшак устида, хотин эса яёв юради.

Яна баланд ўсган жўхоризорлар, кўк тукли шолипоялар, оппоқ очилган пахтазорлар келади...

Ўнгу сўлдаги каналларнинг суви офтобда ялт-ялт қиласди.

Йўлнинг бир қисмида уч қатор транспорт қатнови: катта йўл, ёнида тўла юқ ортилган вагонлар ўтиб турган Темир йўл. Паровоз ва вагонлар оқقا бўялган. Маълумки, бу ранг бошқа рангларга нисбатан офтобни камроқ ўтказади. Темир йўлнинг нариги томони — канал. У кўзга кўринмайди. Юқ ортилган ва бамисоли ҳавода сузаётгандай енгил сирғалиб кетаётган кемаларнинг ўткир учли еланларигина кўринади. Каналлар бу ерда ерларни суғоришдан ташқари юқ магистрални вазифасини ҳам бажаради.

Машинамиз ғишт заводининг трубалари тутун буруқ-сатаётган шаҳарчани ҳам орқада қолдирди.

Қаёққа қараманг, кўм-кўклиқ. Биз гўё улкан хиёбондан кетаётганга ўхшардик, баҳайбат дарахтлар йўлга соя ташлаб турарди.

Нихоят, кўпприкдан ҳам ўтдик, унинг тагидан эса Нил оқиб ўтарди.

Уч соат йўл босдик, уч соат меҳнаткаш Мисрнинг ҳаёт китобини ўқидик.

## Араблар шайтон йигига ишонишмайди

Чехословакия Совет Социалистик Республикасининг партия ва давлат раҳбарлари, Чехословакиядаги мавжуд социалистик тузум социализмга душман ташки кучлар билан тил биритирган контрреволюцион кучлар таҳдида қолганлиги муносабати билан, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларга қардош чехословак халқига ёрдам бериш борасида мурожаат қиласларни ҳақида хабар келганда, биз Байрутга учеб кетаётган эдик. Бирдамлик ташкилотининг таниқли арбоби, ёзувчи ва адабий тандидчи Мурси Саъдиддин биз билан хайрлашаётуб шундай деди:

— Миллий озодлик учун курашувчилар, империализмининг кирдикорларини қоралайдиган кишилар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг бу дадил қадамини маъқуллайдилар. Улар бу тадбирни Америка империализмининг қароқчилик режаларига қарши тургандарга нисбатан фамхўрлик, деб биладилар.

Биз Мурси билан Тошкентдаги ёзувчилар анжуманида кўришмамиз, деб хайрлашдик.

Байрутга борганимизда ҳаво жуда яхши, офтоб чарак-лаб турар, ложувард Ўрта Ер денгизи эса жилва қиласларди. Аммо хорижий капитал тобелигидаги буржуа газеталари катта шов-шув кўтаришганди. Уларнинг бутун мақсади Ливан газеталарини чалгитишига қаратилганди.

Ливаннинг ахборот министри маҳаллий матбуотни Чехословакиядаги воқеалар ҳақида текширилган манбалар, ишончли фактларга суюнган ҳолда ҳақоний ахборотлар беришга чақиришга мажбур бўлди. У газеталар бир ёклама ахборотларни босмасликларини ва Ливан манфаатларига зид бўлган шарҳлардан четроқ туришларини талаб қилди.

Менга жамоат арбобларидан бири Ливандаги бир газетанинг эгаси билан суҳбатни қаттиқ қиласларини гапириб беришиди:

— Сиз араб ерларини поймол қилаётган Исроил позициясидамисиз ҳали?

— Нега бундай деяпсиз?

— Чунки сиз Совет Иттифоқига туҳмат қилиш билан Исроил матбуоти тутган позицияда иш тутяпсиз. Совет Иттифоқи араб халқининг бошига мушкул иш тушгандада қўллаб-қувватлади. Бундай иш килишга қандай журъат этдингиз? Хизматингизга ким ҳақ тўлаяпти?

Газета эгаси бир нималардир деб гўлдиради.

Худди ўша кунлари Совет Ёзувчилар Союзи хорижий комиссиясининг ходими Ю. П. Румянцев иккимиз диванлик ёзувчилар билан учрашгандик. 1967 йил мартаиде Байрутда ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Учинчи конференциясида биз буларнинг ажойиб ёзувчилар ва чинакам инсонлар әканликларига ишонч ҳосил қилгандик.

Ливаннинг энг истеъдодли прозаикларидан бири бўлган Суҳайл Идрис суҳбатда шундай деди:

— Бизни гарб матбуотининг туҳмат ва бўғтон тошлиари ёғдираётгани ташвишга солади, албатта. Бироқ биз умум ишимизнинг ҳақлигини биламиш ва бунга ишонамиз. Мен журнал муҳарририман, шунинг учун ҳам журналимда ҳеч кимнинг ва ҳеч қачон араб халқининг идеалларига, Совет Иттифоқи тарғиб этаётган ҳақиқатга қарши сўз айтишига йўл қўймайман. Биз сизларни яхши тушумиз.

Ливанда чиқадиган «Аш-Шааб» газетаси ўша кунларда шундай деб ёзган эди:

«Совет Иттифоқи халқларининг душмани деган гапга ким ҳам ишонади? Совет Иттифоқи туфайли халқлар мустамлакачилик ва истибоддан холос бўлаётганда Совет Иттифоқи халқларнинг озодлигига таҳдид қиласпти, деган уйдирмага ким ҳам ишонарди? Империалистлар ва уларнинг агентлари Чехословакиянинг озодлигига аза очиб, шайтон йиғи қилмоқдалар. Улар социалистик лагерга қарши тайёрланган даҳшатли фитна бўлганлиги учун ҳам айюҳаннос солмоқдалар. Империалистлар ниятлари барбод бўлгани учун ҳам ғазабларини яшира олмаяптилар. Совет Иттифоқи бизнинг тарафимиздаги кучлар авангардида әканлигини, адолат ва озодлик душманларига қарши турганлиги ва турражагини биламиш. Биз мамлакатимизнинг мустамлакачилари ва Исроил агрессиясининг тарафдорлари томонидан Совет Иттифоқи шаънига қилинаётган туҳматларни қоралаймиз. Чехословакияга кирган қўшинларни озодлик кучлари, деб биламиш».

«Ал-Хафад» газетаси эса бундай деб ёзганди:

«Араблар Чехословакияни Совет Иттилоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши кураш қуролига айлантиришга ҳаракат қилган империалистик кучларнинг кирдикорларидан социалистик лагерни муҳофаза қилиш мақсадида Чехословакияга қўшинларини киритган социалистик мамлакатларнинг ҳаракатларини маъқуллайдилар. Биз, араблар Фарбда, айниқса, Қўшма Штатларда «халқларни ҳимоя қилиш» хусусида янграётган овозларни эшитарканмиз, Фарб Чехословакиядаги воқеалардан Совет Иттилоқига қарши мақсадларда фойдаланаётганини кўрарканмиз: «Утган йилнинг июнида Истроил араб халқларига қарши агрессия бошлаганида, босқинчилар араб тупроғидан ёвуэликлар қилганларида Фарб қайдა эди? — деб савол берамиз. Фарб Чехословакиядаги воқеалар туфайли шайтон йифи қилмоқда ва айни пайтда араб ерларини босиб олишда давом этаётган ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини бажаришдан бўйин товлаётган Истроилга турлича моддий ва маънавий ёрдам бермоқда.

Ливанлик ватанпарварлар реакционерлар ва тұхматчилярнинг ҳужумларига яқдиллик билан зарба бердилар.

## Маъруф Саъднинг меҳмоннавозлиги

Совет Иттилоқининг Ливандаги әлчиси Петр Семено-вич Дедушкин бизга бир куни шундай деб қолди:

— Бизни Сайда шаҳрининг губернатори — ажойиб инсон меҳмондорчиликка чақиряпти. Мен у билан танишишларингни жуда ҳам истардим. Бу одам Ливаннынг мустақиллиги йўлида кўп ишлар қилган. У бир вақтлар бу ерда Француз мустамлакачиларига қарши кураш олиб боргандардан бири. Ливаннынг Истроилга чегарадош жанубий ерларида обрўси жуда ҳам зўр. Меҳмондорчиликда ёзуечиларнинг Байрут конференциясида раислик қилган Камол Жумблат ҳам бўлади.

Бундай ажойиб учрашувдан бош тортиб бўлармиди?

Кун ботаётган пайтда Байрутдан чиқдик. Йўл Ўрта Ер денгизи ёқалаб кетган бўлиб, унинг икки томони боғ ва мевали дараҳтлар плантацияларидан иборат эди. Унча баланд бўлмаган дараҳтларининг мевалари худди би-

ров атайлаб жойлагандай шигил бўлиб осилиб туради. Қалин япроқлар орасидан Ливаннинг донғи кетган шафтоли ва олмалари мўралайди.

Соҳил ғоят дилрабо. Беҳисоб пансионатлар, олдида оққумли пляжи бўлган, балиқ пишириб сотиладиган ресторончаларнинг қадимий вайроналари туристларда катта қизиқиши уйготадиган Сайдага шаҳригача учраб туради. Шаҳар маҳкамаси олдида одамлар тўдалашиб турарди. Ўртада миқтидан келган, кўйлаги ёқавайрон, галстуги бир томонга қийшайиб кетган, оппоқ сочи калтароқ қилиб қирқилган ва нимаси биландир ҳар жиҳатдан келишган грузин актёри Закариадзега ўхшаб кетадиган бир киши турарди.

Машинадан тушдик. Танишдик. Сайданинг губернатори Маъруф Саъд шу киши экан. У бизга шундай деди:

— Вақт кетмасин. Бизни кутиб туришибди. Мен олдинда юраман: бу ернинг йўли унча-мунча йўллардан мас.

Йўл чиндан ҳам бошқача экан. Унинг шаҳарга кетган томони кенг ва бурилишлари ҳам узун эди. Йўлнинг гоҳ у, гоҳ бу томонида кичкинагина қишлоқлар, боғлар учраб турарди. Биз тобора баланд кўтарилиб, ахийри оппоқ тутун орасида қолдик.

— Бу туманми ё булутми? — деб сўрадим Дедушкиндан.

— Булут... Булут...

Коронгилик бағрига кирдик қўйдик. Фақатгина қарши томондан бизга қараб келаётган автомашиналарнинг хира чироқлари кўринарди, холос.

Йўл чеккасида чироқлар мильтилаб қолди. Биз әгри-буғри кўчалардан қишлоққа кириб келдик. Кўчаларда йигитлар ва шим кийган қора соч қизлар юришарди. Деразалардан радио овози янграйди. Машинамиз яна бир марта кескин бурилгач, қиялиқдан пастга тушиб, тез орада ўзимизни қоп-қора дараҳтлар тагида кўрдик.

— Етиб келдик, — деди Маъруф Саъд бизга яқин келаркан.

Биздан тепароқда, катта, чароғон, айвони улкан уй кўриниб турарди. Тош зиналардан тепага кўтарилдик. Катта айвон эркакларга лиқ тўла эди. Улар бизни самимий табассум билан кутиб олишиди.

Очигини айтганда, бу ерда мен бунчалик кўп ажойиб кишиларни кўраман, деб ўйламагандим. Танишдик: юрист-

лар, врачлар, фан докторлари, журналистлар... Жамоат ва сиёсий арбоблар... Турлича касб эгалари. Бизнинг эски ва яхши танишимиз, камгап ва доимо нимадандир ташвишланаётгандай кўринадиган Камол Жумблат ҳам шу ерда ёди. Бу йил баҳорда у ўғли билан Москвага келиб, Совет Бирдамлик комитетининг меҳмони бўлганди. Ўтган йили у Байрутда Африка ва Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси муваффақиятли ўтиши учун кўп ишлар қилганди.

Жумблат ҳозир ҳам ташвишли кўринарди. Билсак, яқин орада у Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари Бирдамлиги комитетининг Вьетнам халқининг Америка империализми агрессиясига қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлашга багишлиган Фавқулодда конференциясида қатнашиш учун Қоҳирага учиб кетиши керак экан.

— Сизни Тошкентдаги ёзувчилар анжуманида кўришдан умидвормиз. Совет адиллари Осиё ва Африка адабиётининг сиздек яхши дўстини таклиф қиласидар.

— Бориб қолсан ажаб эмас... Агар вақт мусоид этса... Ўзимга қолса жуда ҳам хоҳлардим...

Шу пайтда Маъруф Саъд ўрнидан туриб қолди. У Дедушкинга мурожаат қилиб, шундай деди:

— Қадрли меҳмонимиз, бу ерга, менинг уйимга сизнинг дўстларингиз, буюк мамлакатингиз халқларининг дўстлари йиғилишган. Биз сизнинг ҳукуматингиз, сизнинг давлатингиз амалга ошираётган ишларни чуқур тушунамиз ва самимий қадрлаймиз. Биз сизларнинг Чехословакияни социалистик лагердан ажратиб олишига уринган контролреволюцияга нисбатан қўллаган кескин чораларингизни қўллаб-қувватлаймиз. Бугун менинг уйимга Ливанинг хилма-хил кишилари тўпланишган. Мен уларнинг ҳаммалари ҳам фикримга қўшилажакларини биламан. Араб халқлари сизнинг дўстлигинингизни, Америка ва Исроил империалистларига қарши курашимизни қўллаб-қувватлаганингизни қадрлашади,— Маъруф Саъд ўтирганларга қараб қўлларини ёйди.— Шуларнинг бари сизларнинг чинакам дўстларингиз.

Йиғнлганлар уй соҳибининг сўзларини қизғин олқишлидилар.

— Биз, муҳтарам меҳмон, бир-икки оғиз гапиришингизни илтимос қиласидик. Сизнинг сўзлашингизни кутяпмиз,— деди Маъруф Саъд Дедушкинга мурожаат қилиб.

Совет элчиси дўстона нутқ ирод қилиб, Совет давлати сиёсатини тушунаётганлари ва уни қўллаб-қувватлаётганлари учун ливанликларга ташаккур билдири.

Ҳамма Камол Жумблатнинг гапини эшитиш истагида эди. Қотма ва новчадан келган, ҳар маҳалгидай жиддий кўринган Камол Жумблат уялинқираб ўрнидан турди:

— Ҳозирги пайт ҳалқаро ҳаётнинг энг оғир пайти. Сизнинг душманларингиз,— деди у бизга мурожаат қилиб,— давлатингиз ва дадил сиёсатингизни обўрсизлантириш учун ҳеч нарсадан қайтмаятилар... Бироқ биз, араблар, ҳар ҳолда чинакам арабларнинг кўпчилиги, сизлар билан биргамиз. Ҳа, буни марҳамат айлаб билиб қўйгайсизлар... Бу ерга фақат касб жиҳатидангина эмас, балки қарашлари жиҳатидан ҳам турлича бўлган кишиларнинг тўпланганлиги айниқса сизлар учун муҳим аҳамиятга эгадир.— Жумблат тўхтаб, барчага нигоҳ ташлаб, оҳиста қўшиб қўйди:— Бизлар учун ҳам...

Таомилга кўра бундай самимий суҳбатдан кейин кечки овқат тортилади. Дастирхонга эса Саъднинг босиқ ва қадди-қомати келишган ўн етти яшар қизи Мана қараб турарди. У столлар атрофида уймалашаётган меҳмонлар орасидан эпчиллик билан ўтиб, бизга қўйди-пишид бўларди. Биз шу ерлик эмас, ажнабий меҳмонлар эдик-да.

— Мен тиббий ҳамширалар курсида ўқийман,— деди у.— Бироқ битта орзум бор — у ҳам бўлса Совет Иттифоқига бориш. Доктор бўлишни ҳавас қиласман. Биздаги докторларнинг бари эркаклар... Мен доктор бўлиб, аёллар эркаклардан қолищмаслигини исботламоқчиман...

Эшикдан жингалак соч ва қоп-қора кўзли болалар мўралашарди. Мана уларга пўписа қилди.

— Мана шу олтига кичкина — сингилларим ва укаларим. Уларга «ҳай-ҳай»лаб турмасам бўлмайди, қулоқларига сира гап кирмайди.

Биз айвондаги диаметри бир метрдан кам бўлмаган баҳайбат лаган олдида турардик. Унга шафттоли, нок, катта-катта бошли узумлар усталик билан териб қўйилганди. Шунда Мана гапириб қолди:

— Биз мана шу уйни ижарага олганмиз, ўэзимиз эса бойлардан эмасмиз. Бизнинг асосий бойлигимиз — ҳар оқшом хонадонимизга келиб турадиган дўстларимиздир.

У бу гапларнинг барини деярли кулмасдан, жиддий қиёфада айтаркан, лагандаги нарсалардан дам-бадам «олинг-олинг» дейишини ҳам унутмасди.

Биз меҳмондўст ва хушчақчақ Маъруф Саъд ва унинг дўстлари билан хайр-хўш қилаётганимизда тун ўз ҳукмини ўтказаётган эди. Машиналаримиз тогдан пастга тушишда анча-мунча бурилишлардан ўтди. Ниҳоят, биз, Сайдага шаҳрига кириб, қадимий ва эски устунларга кўзимиз тушди. Шу ерликлар орасида юрадиган афсоналарга қараганда Момо Ҳаво бизнинг қадимий бобокалонимиз — Одам Атони қўлга олиш учун ана шу устунларни босиб ўтган экан.

## Д а м а ш қ ә д а

«Новости» матбуот агентлигининг Ливандаги бўлимни мудири Сурен Широян менинг қадрдан танишим. Араб тилини сувдай ичадиган бу одам умрининг кўп йилларини Яқин Шарқ мамлакатларида ўтказган. Биз у билан анча йил олдин Қоҳирада танишгандик. Мана энди кўришиб турибмиз.

Сурен Байрутдаги ҳамма ишларимизда актив қатнашди. Биро қуни у шундай деб қолди:

— Дамашқда анъанавий савдо ярмаркаси очиляпти. Унда Совет Иттифоқи ҳам қатнашяпти. Ярмарка очилишида иштирок этишга ҳушингиз борми?

— Бунга ҳушмиз бору, визамиз йўқ эди.

— Сурияллклар меҳмондўст бўлишади. Ташрифингиздан мамнун бўлишларига ишончим комил.

— Ўзимизни айтмайсизми?

Биз Байрутдан чиқиб яна катта йўлга тушиб олдик. Якшанба қуни эди. Юзларча машиналар шаҳардан салқинроқ бўлган тоглар сари ошиқади. Байрут билан Дамашқнинг ораси юз километрдан ошиқроқ. Чегара ҳам чамаси йўлнинг ярмида. Биз Маъруф Саъднинг уйига кетаётганимизда қоронғиликда йўл босиб, автомобиль чироғининг ёруғида бурилишларни кўриб кетган бўлсак, бу сафар август офтоби чарақлаб турганидан ҳамма нарса кўз ўнгимизда очиқ намоён эди. Ливаннинг тоғли жойларига усталлик билан мослаштирилган архитектураси ҳам, йўл чеккаларидаги пепса-коладан тортиб, тиш ювадиган пастагача тарғиб қиладиган юзларча реклама тахталари ҳам, тоғ багридаги мевали бoggларда қурилган айвонлар ҳам—ҳаммаси равшан кўриниб турарди...

Заҳла шаҳрига кирдик. Якшанба кунлари дим Байрут-

нинг минглаб кишилари бу шаҳарчадаги муздек сувли тоғ жилгаси, тоғ даралар орасига қурилган ўнларча ресторандар томон ошиқишади.

Йўл бурилиб, димогимиэга пиёз ҳиди урилди. Йўл чеккасига қизил пиёзли қоплар териб қўйилган. Пиёз шу ернинг ўзида сотилади. Машиналар тўхтайди, ундан тушган одамлар дэҳқонлар билан савдолашади-да, харид қилган нарсаларини машиналарига ортишиб, нари кетаверишади.

— Донғи кетган пиёзниң макони шу ер бўлади,— деди машинамизни ҳайдаб бораётган Широян.

Энди бошқача йўл бошланди. Қаёққа қараманг тош. Чап томондаги тоғ ётагидан ливанликларнинг Суряяга че-гарадош сўнгги қишлоғи кўринади.

— Одамларнинг айтишларига қараганда, Мария Магдалина ана шу қишлоқда яшаган экан,— деб қўйди Сурен Широян.

Мана, ниҳоят, чегара ҳам келди. Унда юк ортилган машиналар карвони туради. Суряя улкан савдо йўлида жойлашган, ҳужжатларни расмийлаштириш билан пича овора бўлгач, Суряя территориясига ўтиб олдик.

Бу ердаги нарсалар тамоман ўзгача. Табиати бешафқат. Қаёққа қараманг саргиш-қўнғир қоялар. Улар йўл устига кишини ваҳмини келтирас даражада эгилиб туради. Ҳаво қуруқ ва иссиқ. Намли ҳарорат довоннинг нариги томонида қолганди. Ҳамма нарса сергак тортгандек кўринади. Бу ерликларнинг айтишига қараганда, Йсройл билан фронт линияси шу ердан ўттиз километр нарида экан.

Бир оз юрганимиздан кейин табиат манзараси ўзгарди. Дарё салқини бошланди. Биз Дамашқнинг дастлабки маҳаллаларига кириб бордик. Ўтган йил апрелида Эзувчиларнинг Байрут конференцияси делегатлари билан шу ерларда бўлган әдик.

Тўппа-тўғри ярмарка территориясига кириб бордик. Қаёққа қараманг одамлар оломони, ялангоёқ болалар тўдаси.

Ярмарка очилиши шарафига тўплардан салют берилди. Экономика ва ташқи савдо министри Зуҳайр ал-Хоний катта ёпиқ залда ярмаркани очар экан, Суряя экономикаси, Йсройл агрессияси билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга қарамай, тўхтовсиз ривожланаётганини айтib ўтди. У Совет Йиттифоқи ва барча социалистик мамлакатларнинг Суряя экономикаси юксалишига кўрсатаётган ёрдамига алоҳида тўхталди. Шунингдек, совет мутахассислари ёрдамида

Фрот дарёсида улкан электростанция қурилаётгани ҳақида ҳам гапириб, совет геологлари Суряда нефтнинг улкан запасини топганиларини билдириди.

Ярмарка очилишида СССР Ташки Савдо министри Николай Семенович Патоличев ҳам иштирок өттарди.

Совет павильони олдидаги ишлар ҳам поёнига етиб қолғанди. Қора либосдаги кекса аёллар, ялтироқ күйлакли қизлар, бири биридан ҳушчақчақ болалар баҳайбат машналар, автомашиналар ва тракторларимиз олдидаги уймалашишарди.

Уша куни оқшомда Совет маданий марказида ёзувчилар билан учрашдик. Улардан иккитаси — фаластинлик шоир Муин Бисису билан сурялилк прозаик Сайд Ҳаврония Тошкент сафари ҳаракатида әдилар.

— Биз Совет Иттифоқига бораётганимиздан хурсандмиз,— дейди Ҳаврония.— Айниқса, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар Чехословакиядаги контрреволюцион фитнани барбод қилған кунларда мамлакатингизда бўлишимиздан хурсандмиз. Америкалик ва Гарбий германиялик империалистлар ҳамда уларнинг ялоқхўри бўлган Исроилга қарши оғизда эмас, амалда кураш олиб бораётган Араб мамлакатлари социалистик лагернинг бирлигидан манфаатдор эканликларини тушунасиз, деб ўйлайман. Бизга социалистик мамлакатлар, жумладан, Чехословакия ҳам катта ёрдам берган.

— Гарблик мухбирлардан бири Чехословакиядаги воқеаларга менинг муносабатим қандайлиги билан қизиқди,— деди Муин Бисису сұхбат давомида.— Чамаси, мухбир менинг жавобимга қониқмади. Мен унга, юрагим озодлик танклари, шу кунларда Чехословакия шаҳарларида озодликни контролреволюциядан ҳимоя қилаётган совет танклари билан биргадир, деб жавоб бергандим. Биз бу ерда истиқомат қилсан ҳам барча халқларнинг манфаатлари билан бирга нафас оламиз. Бизга барча халқларнинг маданияти, фақат ҳақиқий ва чинакам маданият яқинидир. Биз рус адабиётини ҳам севамиз, албатта.

— Муиннинг Пушкинга бағишлиланган шеърлари бор. Үқиб берсанг-чи,— деди Ҳаврония дўстига.

— Булар арабчани тушунишмайди-да.

— Тушунишади... Тилнинг оҳангига тушунишади.

Бисисунинг чиндан ҳам шеър ўқигиси келаётганга ўхшарди. Шундан сўнг эҳтиросли шеърий сатрлар янгради. Фаластин шоири шеърни илҳом билан ўқирди.

— Тушундинги ми? Мен бу шеърдан Совет Иттифоқидагилар ҳам воқиф бўлишларини истардим.

— Тошкентта борганингизда таржима қиласми.

— Мен Маяковскийни жуда ҳам севаман. Маяковский ҳақида «Оғонёк»да чиққан мақолалар буюқ шоирнинг тақдирини билиб олишимга кўмаклашди... Менга ўша мақолаларни таржима қилиб беришганди.

— Мунин Совет маданий марказида шоир туғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан доклад қилган,— деди Ҳаврония.

— Ҳа, докладда ўша мақолалардан фойдаланганман.

— Доклад АПНнинг Суриядаги ваколатхонаси чиқарадиган журналда босилган... Мана, кўринг.— Ҳаврония қўлидаги журналини очди. Унда Владимир Маяковскийнинг «Оғонёк»да чиққан сурати кўчириб босилганди.

— Манави эса Бисисунинг Маяковский ҳақида доклад қилаётган пайтидаги расми.— Ҳаврония минбарда турган Фаластин шоирининг суратини кўрсатди.

...Дамашқда әканимизда Осиё ва Африка халқлари Бирдамлиги Сурия комитетига бошчилик қилаётган кишини жуда ҳам кўргимиш келди. У ахборот, радио эшилтириш ва телевидение министри Ҳабиб Ҳаддод эди.

Туш пайтида Совет Иттифоқининг Суриядаги элчиси Нуриддин Ақрамович Муҳиддинов билан Ҳабиб Ҳаддоднинг ҳузурига жўнадик.

Министрликнинг ҳовлисида учта танқ туради. Уларнинг соясида суряялик танқчилар ўтиришарди.

Ҳабиб Ҳаддод бизни ўз кабинетида қарши олди. У навқирон, жиддий ва жуда самимий кўринарди.

— Совет Бирдамлиги комитети вакиллари бўлган ўртоқларни кўраётганимдан мамнунман. Ҳурсандлигимнинг сабаблари кўп. Энг асосийси шундаки, биз, суряяликлар, совет кишиларини садоқатли дўстларимиз, деб биламиш. Бутун Сурия халқи, бутун матбуотимиз ҳаммаси,— такрорлади у,— бешта социалистик мамлакатнинг Чехословакияга қўшин киритиш ҳақидаги қарорини тўла қўллаб-қувватлаганидан хабарингиз бўлса керак, албатта. Биз фронтнинг ёнгинасидамиш. Истроил ҳар куни бизга нисбатан ҳарбий ифвогарликлар қилиб туради. Биз империализмининг нималигини биламиш, шунинг учун ҳам Совет ҳукуматининг қескин ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз. Биз, араблар, Чехословакиянинг социалистик лагерда қолишидан манфаатдормиз... Мамлакатимишни кўриб, сўнgra у

ҳақда совет кишиларига тасаввур берсангиз жуда кўнгил-  
дагидек иш бўйур эди. Энди мамлакатимиэга кўпроқ тура-  
диган бўлиб келинг.

— **Ҳаракат қиласмиэ.**

Биз **Ҳабиб Ҳаддод** билан хайрлашдик.

Байрутга қайтиш вақти етганди. Эртасига эса Москва-  
га учишимиз керак эди.

\* \* \*

Икки ҳафта унчалик кўп муддат эмас. Бироқ Бирлаш-  
ган Араб Республикаси, Ливан ва Сурия Араб Республикасида ўтган ана шу икки ҳафта бизда ажойиб таассурот-  
лар қолдирди, араб дўстларимиз Совет Иттифоқининг  
сиёсатини чуқур тушунишларини, жаҳондаги кучларнинг  
сиёсий нисбатини империализм фойдасига ўзгартириш  
йўлида қилинаётган ҳар қандай уринишга қарши тобора  
дадил курашаётганларини кўрсатади.

Мен араб шоири Муин Бисисунинг: «Биз бу ерда яша-  
сак ҳам барча халқларнинг манфаатлари билан баробар  
нафас оламиз» деган сўзларини яхши эслаб қолдим.

Оқилона айтилган бу самимий сўзларга қўшимча қил-  
моқ маҳолдир.

1968 йил.

## Яна Деҳлида

1955 йил февралининг бошларида қор ёғиб, шамол гувиллаб турган кунларнинг бирида журналист Михаил Сагателян ҳамроҳлигидаги биринчи марта Ҳиндистонга учдим. Бундан илгари 1949 йил охирларида Николай Семенович Тихонов бошчилигидаги Совет ёзувчилари делегацияси составида Покистонда бўлгандим. Ўшанда Лоҳўрга қандай борганимиз ҳали-ҳали эсимда. Булултар Ҳиндиқуш чўйқиларидан кўтарилишини Тошкентда бир ҳафтага яқин кутгандан сўнг, Қобилга учиб ўтгандик. У ердан эса машиналарда Афғонистон орқали Хайбор йўлидан Лоҳўрга равона бўлдик. Бизни Покистоннинг тараққийпарвар адилари бу шаҳардан ўтадиган миллӣ конгрессларида қатнашишга таклиф қилишганди. Биз ўшанда Ҳиндиқуш тогидан «ИЛ—14» самолётида ошиб ўтарканмиз, қисқа муддатга бўлса ҳам кислородли ниқоблардан фойдалангандик.

Энди бўлса «ИЛ—62» самолётида Москвадан тўпратўғри Деҳлига учиб бораардик. Кечаси самолётда учганингизда кўп нарсалар эсингизга тушаверади. Зулмат қўйнидаги осмонда юлдузлар сийрак. Самолёт турбиналари бир текисда гувиллайди, йўловчилар ҳам унча кўп эмас. Кабина иссиқ ва ерадагига нисбатан бирмунча тинч кўринади.

Бундан ўн беш йил муқаддам Деҳлига икки ой давомида Осиё мамлакатларининг ҳалқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга багишлиланган биринчи конференциясига тайёргарлик кўрувчи комитетда ишлаш учун юборилгандим. Конференция 1955 йил апрелида очилди ва Осиё ҳалқларининг бирдамлигига пойdevor қўйди. Ўша қизғин ва унутилмас кунларда делегатларнинг Ҳиндистон

бош министри Жаваҳарлаъл Неру билан учрашви бўлди. 1956 йил декабрида яна Деҳлида Осиё ёзувчиларининг Биринчи конференцияси бўлди. Унинг ишида совет ёзувчиларининг Мирзо Турсунзода бошчилигидаги катта делегацияси қатнашди. Бу конференцияда ҳам Жаваҳарлаъл Неру иштирок этганди. У конференция мажлислидан бирига келиб, делегатларнинг нутқларини диққат билан тинглади. Ушанда ўзбек шоираси Зулфия навбатдаги конференцияни Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўтказишни таклиф қилди. Зулфиянинг бу таклифи яқдиллик билан қабул қилинди.

Осиё ва Африка халқларининг озодлик ва миллий мустақиллик учун кураш йўлидаги бирдамлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган кейинги воқеалар жадал суръатлар билан ривожланди. 1957 йил декабрида Қоҳирада Осиё ва Африка халқларининг Биринчи бирдамлик конференцияси бўлиб ўтди, 1958 йил октябррида эса Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари адилларининг Биринчи конференцияси бўлди.

Энди Осиё ва Африка ёзувчиларининг IV конференциясига тайёргарлик кўрувчи Ҳиндистон комитетининг мажлисида қатнашиш учун эса яна Деҳлига учиб бормоқда әдик. Конференция Жаваҳарлаъл Нерунинг туғилган кунида, яъни 1970 йил 14 ноябррида очилиши керак әди.

Самолёт турбиналари бир текисда гувилларди. Дераздан қарасак тун зулматидан бўлак нарса кўринмасди. Гоҳ-гоҳ стюардесса қиздан қаерда кетаётганлигимизни сўрасак, у:

— Актюбинск устида.

— Самарқандга яқинлашяпмиз.

— Ҳимолойдан ўтдик, салдан кейин пастга туша бошлаймиз,— деган жавоб қиласди.

Шунда биз ўша йили Ҳиндиқушнинг тунд чўққиларидан эсон-омон ўтиб олмоқ учун ҳаво очилишини кутиб, Тошкентда бир ҳафтача қолиб кетганимизни өсладим.

...Самолёт чиндан ҳам кўп ўтмай пастлай бошлади. Палам аэроромининг чироқлари кўзга чалинди. Биз ҳадегунча фурсат ўтмай ўзимизни дўстларимиз огушида кўрдик.

Кечки салқин тушиб, Деҳли кўчаларига суқунат чўқкан лаҳзада «Жаннат» меҳмонхонасига йўл олдик. Бу меҳмонхона 1956 йил охирида очилган, биз эса унинг биринчи меҳмонлари әдик.

## Мулк Раж Ананд билан учрашув

Роман ва ҳикоялари мамлакатимиз китобхонларига яхши таниш бўлган эски қадрденимиз, ҳеч қаримайдиган ватиниб-тингчимайдиган Мулк Раж Ананд бизни ўзи президентлик қилаётган Санъат Академиясида кутиб олди. Биз ўтган йиллар ичida Ананднинг асарларини нашр этиш билан бирга, унинг ўзи билан Осиё ва Африка ёзувчиларининг ҳаракати билан боғлиқ турли конференция ва мажлисларда учрашиб ҳам тургандик. Бултурнинг ўзида у билан Москва, Тошкент ва Қоҳирада учрашгандик. Мана ҳозир эса у бизнинг илтифотли мезбонимиз, тўртинчи конференцияни чақириш учун тайёргарлик кўрувчи Ҳиндистон комитетининг масъул секретари ёди.

Орадан анча йиллар ўтганлигига қарамай у ҳеч ўзгарамабди. Эгнида илгаригидек чийдухоба шими, қўнғир ранг юпқа курткаси, бўйнида ипак шарф. Кўзларидан файрати ичига сигмаётгани сезилиб турарди. Столида Рабинранат Тагорнинг сурати.

— Бўлгуси конференция ҳинд ёзувчиларида катта қизиқиш уйготди,— Мулк Раж Ананд нафасимизни ростлаб олишга улгурмасимизданоқ гап бошлаб юборди.— У ёзувчилардан бошқаларни ҳам қизиқтиряпти. Ҳинд жамоатчилиги Деҳлига Осиё ва Африка адиллари тўпланишажаги ҳақидаги хабарни қизгин қаршилади. Биз конференцияга тайёргарлик кўришга эндиғина киришган бўлсак ҳам жамоатчиликнинг фикри яхшилигини яқол сезиб турибмиз. Бизнинг мамлакатимиз ҳозирда нотинчроқ эканлигини биласиз. Мамлакатда катта мафкуравий жанглар кетмоқда. Реакцион кучлар ҳар маҳалгидай Индира Ганди бошлигидаги ҳукумат ўтказаётган яхши ўзгаришларга тўсқинлик қилмоқда. Индира Ганди бизни яқин кунлар ичida қабул қилишга ваъда берди. Эртага парламент сессияси очилиб, унда бюджет муҳокама қилинади. Унда ҳам жанг бўлиши турган гап... Биз эса галаба қозонишимизга ишонамиз... Давр эса бизнинг манбаатларимизни кўзламоқда. Ёзувчilar ўз ижодлари билан бу ишда иштирок этмоқдалар,— Ананд мўъжазгина китобчаларни қўлига олди.— Бу гапларнинг далили мана. Бу китобчаларда шоирларимиздан Баччан, Амрита Притам ва Мусофирининг Ленин ва Вьетнамга бағишланган шеърлари босилган... Биз «Нилуфар» бюллетенини ҳам чиқара бошладик, унда конфе-

ренциямиз муваффақиятли ўтмоғи учун нима ишлар қила-  
ётганлигимиз ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Ананднинг кўпроқ гапириш иштиёқидалиги сезилиб ту-  
рарди. Бироқ у бирдан гапдан тўхтаб:

— Дарвоҷе, булар ҳақида комитет мажлисида ҳам  
эшитасизлар... Яхшиси мен сизларга суратларни кўрсата  
қолай,— деб қолди.

Биз академия биносини кўргани бордик... Витриналар-  
дан бирида Тагорнинг турли йилларда тушган суратлари  
туради.

— Мамлакатингиз кишилари Тагорни севишларини  
 биламиз... У халқларимиз ўртасига дўстлик кўпригини  
 соглан сиймолардан биридир.

...Академиянинг деразаларини ёмғир таракката бошла-  
ди. Кўчалар тунд ва бадқовоқ кўринарди. Ананд бизни  
 ташқаригача кузатиб қўяркан, шундай деди:

— Бизда ўзи анча иссиқ эди. Сизларга иссиқлик қи-  
 ларди, албатта... Қундузи ҳарорат ўттизга чиқади... Моск-  
 вадан салқинни сизлар олиб келдингизлар чоғи... Бу ерда  
 қор сира турмайди-ку, аммо ёмғир Москва ёмирига жу-  
 да-жуда ўхшаб кетади.

## Индира Гандининг портрети

Биз Деҳлида икки ажойиб совет рассоми — Евгений  
 Вучетич ва Дмитрий Налбандян асарлари кўргазмаси му-  
 ваффақият билан намойиш қилинганлигини билардик. Буни  
 бизга СССР «Новости» матбуот агентлиги Ахборот мар-  
 казининг раҳбари Леонид Павлович Владимиров айт-  
 ганди.

— Индира Ганди бу кўргазмага келиб, рассомларнинг  
 асарлари ҳақида илиқ гаплар айтди,— деди Владимиров.—  
 Кўргазма ҳозир Бомбайга жўнатилган, сўнгра ҳинд  
 тупрогида сўнгти бор Лакнов шаҳрида намойиш қилин-  
 диди.

— Дўстларимизни Деҳлида кўролмаганлигимиизни қа-  
 ранг а...

— Биттасини кўрасиз,— деди Владимиров гапимизга  
 жавобан.— Вучетич Москвага учиб кетган, Налбандян эса  
 ҳозирча шу ерда. У ҳинд ҳукуматининг меҳмони. Бу ерда  
 кўп ишлар қилди... Индира Гандининг ҳам суратини  
 чизди...

- Кўргазманинг ўзидами?
- Унинг хизмат кабинетида...
- Портретни ва Налбандяннинг ўзини кўрсак бўлармикин?

— Ҳаммаси кўзда тутилган. Налбандян ҳозир Маориф министрининг қабулида, кечқурун эса у турган меҳмонхонага борамиз.

Бу гап АПН Ахборот марказининг янги биносида бўлганди. Владимиров бизга ҳинд китобхонлари совет ҳаётидаги қундалик воқеани билишга ғоят қизиқишларини гапириб берди.

— АПН томонидан Ҳиндистонда чиқариладиган «Страна Советов» журналининг ўзи 550 минг нусхада тарқалади. Бизнинг ахборотларимиздан Ҳиндистоннинг талай газеталари фойдаланади. Ҳиндистонликлар совет кишилари ҳақидаги баъзи реакциян нашрларда босиладиган ва хорижий манбаларда бузиб кўрсатиладиган гапларнигина эмас, балки чинакам ҳақиқатни ҳам билишни истайдилар.

...Кечқурун биз «Ашока» меҳмонхонасига бориб қолдик. У ерда Дмитрий Налбандянни димоги чоғ ҳолда учратдик.

— Ҳинд дўстларимиз бизга бир ой давомида кўрсатган ғамхўрликларини сезиб турдик. Биз қаерда бўлмайлик дўстона муносабат кўрдик,— деди Налбандян.— Кўргазмани кўп томошабинлар кўрди. Улар дўстим Евгений Вучетичнинг асарларига юқори баҳо беришди...

— Ўзи ҳақида эса гапирмаяпти,— деди Владимиров,— Дмитрий Аркадьевичнинг гапига мен қўшимча қила қолай... У Ҳиндистоннинг эски дўсти бўлади... Унинг Ҳиндистон ҳақидаги асарлари, айниқса Ганди билан Нерутасвиранган сурати катта муваффакият қозонди. Индира Гандининг биринчи сурати ҳам...

— Мен уни эллик еттинчи йилда чизгандим,— деди Налбандян,— Индира Ганди кўргазмага келишини эшитганимизда Вучетич иккимиз жуда ҳам қувондик. У бизга жуда катта меҳрибончилик кўрсатди... Индира Ганди кўргазмага келган пайтида янги портретини ишлашга изм сўрадим. У рози бўлди. Портретини чизаётган одаминг ғоят банд бўлиб, қаршингда ўтириш имкониятига эга бўлмаса сурат ишлашинг осон эмас. Биринчи сеанс пайтида кабинетга ўнтача одам келиб кетди... Мен ана шу қабул вазиятида ҳам бу аёлнинг зиммасига бир олам иш тушганлигини сезиб олдим... Кейин яна икки сеанс бўлди. Мен яна келиб сурат чизган бўлардим-а, лекин начора? Охириги

сеансимиз поёнига етганда Индира Ганди: «Вери найс» деди-да, мўйқаламимни олиб, портретга қўл қўйди...

Налбандян ўрнидан туриб, яна бир неча эскиз ва расмлар олди-да, деворга қатор қилиб тизиб қўйди. Улар орасида Индира Ганди билан Ҳиндистон президенти В. Гирининг портретлари ҳам бор эди. Бу ерда рассом билан Ҳиндистонда мулоқотда бўлган кишиларнинг суратлари ҳам кўринарди. Бу— рассомнинг Совет Иттифоқи халқларига дўстона муносабатда бўлган ҳиндистонликларга қалб меҳрининг ифодаси, ўзига хос ҳисоботи эди.

## Ҳинд ёзувчилари орасида

Ҳиндистон тайёргарлик комитетининг мажлиси арафасида Бирлашган Араб Республикасидан ажойиб ёзувчи Абдураҳмон аш-Шарқавий бошчилигида ёзувчилар делегацияси Қоҳирадан учиб келди. Биз улар билан бирга ҳинд адиблари ҳузурига йўл олдик. Мажлисда Ҳиндистоннинг ҳозирги замон адабиётини ташкил қилувчи, турли тилларда ижод қилувчи қаламкашлар иштирок этдилар... Бу ергагилар орасида ҳинд, бенгал, панжоб, урду тилларида ёзадиганлар бор эди... Улар Деҳлига Ҳиндистоннинг Панжоб, Бенгал, Мадрас, Маҳораштра штатларидан, Бомбай, Калькутта шаҳарларидан ва бўлак жойлардан келгандилар. Парламент аъзолари бўлган кекса адиблардан Ҳ. Р. Баччан, Гурмуқҳ Сингх Мусофири, ёзувчилардан Ананд, Амрита Притам, Дамодаран. Сажжод Зоҳир ва бошқалар билан ёнма-ён ўтиришди. Мажлис қатнашчилари орасида талай ёш адиблар ҳам бор эди.

Гарчи бундан хабардор бўлсак ҳам Мулк Раж Ананд бизга ҳинд ёзувчилари Вьетнам, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларига бу жойлардаги халқларнинг кураши билан танишиш, конференция арафасида ўша мамлакатларнинг адиблари билан яқинроқ алоқа ўрнатиш учун қаламкашлар делегацияси юборишни мўлжаллашётганини айтиб берди.

Комил Яшин Совет Ёзувчилари Союзи конференция муносабати билан амалга оширайтган улкан ишлар ҳақида сўзлади, Абдураҳмон аш-Шарқавий эса «Нилуфар» (Африка ва Осиё ёзувчиларининг органи) журналининг ҳозиргача чиқарилган тўрт сонида Осиё ва Африканинг қирқ икки мамлакатида яшовчи адибларнинг 127 асари босилганигини айтди.

Комитет мажлисида Симла шаҳридаги Ижтимоий фанлар коллежининг вице-канцлери, йирик олим, Рабиндранат Тагор ижодидан мутахассис, профессор Рей раислик қилди.

— Соф вижданли барча адабиётчилар Африка ва Осиё ёзувчиларининг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари керак,— деди Рей. Конференциянинг Ёзувчиларнинг Африка-Осиё Ассоциацияси доимий бюроси томонидан таклиф қилинган кун тартиби ҳозирги давр ҳаётининг энг ўткир масалаларини ўз ичига қамраб олади. У барча маданий бойликларни сақлаш ўйлида олиб бораётган курашибимиэни ифода қиласи. Конференция олдинга суроётган гоялар билан бутун инсоният танишмоги лозим, чунки бу гоялар гуманизм ва халқлар дўстлигидан манфаатдор бўлган барча кишиларга яқин бўлиб, уларни ҳаяжонлантироқда. Утган йиллар ичida биз кўп нарсаларни билиб олдик, ёзувчи нима учун курашмогини чуқурроқ тушуна бошлидик. Ёзувчи ўз ижоди билан умумбашарий бойликлар сақлаб қолинмогига кўмаклашмоги лозим.

Учрашувларда турли тилларда фақат нутқларгина эмас, балки шеърлар ҳам янгради. Ҳиндистоннинг жанубий штатларидан куни кечагина қайтиб келган қадрдон дўстимиз Сажжод Ҷохир бизга шундай деди:

— Мен у ерда ёзувчиларнинг талай йигинларида сўзга чиқдим. Бу ерда, айниқса, ҳиндистонлик ёш ёзувчиларнинг конференцияда қатнашишга зўр иштиёқманд эканликларини қайд қилиб ўтишни истардим. Африка-Осиёдаги тараққийпарвар адабиётларнинг дўстлик гоялари ҳозирда ёш қаламкашларнинг ақл ва ўй-хаёлларини банд этган.

### Ҳиндистон бош министри билан учрашув

Мулк Раж Ананд ваъда қилганидек, Деҳлидан жўнашимиздан бир кун аввал ҳинд, совет ва миср ёзувчилари Индира Ганди билан учрашдилар. Ростини айтганда, бир оз ҳаяжонланар, бош министр бизни қабул қилишга вақт топа олармикин, деб ўйлардик. Нега деганда парламент мажлисида мамлакат бюджети муҳокама қилинаётгандида. Бироқ ҳамма иш мўлжалдагидай бўлди. Кечқурун соат бешда биз Индира Гандининг кабинетига кириб бордик. У меҳмонларни беш қиррали столи атрофига таклиф қилди. Унинг орқа томонидаги деворда Ҳиндистоннинг ранг-

баранг харитаси осиглиқ әди. Гулдонларда қип-қизил ва сариқ гуллар... Ҳозир Индира Ганди банд әтган креслода бир вақтлар унинг отаси ўтирганди.

Мулк Раж Ананд учрашувда Ҳиндистон тайёргарлик комитетининг Нерудан бери давом этиб келаётган анъана-га мувофиқ, Ҳиндистоннинг бош министри конференцияяга раислик қилиб беражаги хусусидаги илтимосини баён қилди.

Комил Яшил ҳинд ва совет ёзувчилари орасидаги дўс-тона муносабатлар ҳақида сўзлади. У СССРда совет ҳо-кимияти йилларида ҳинд ёзувчиларининг асрлари 613 номда 23 миллион нусхада нашр қилинганигини эслатиб ўтди.

Абдураҳмон аш-Шарқавий бош министрга Бирлашган Араб Республикаси адилларидан салом топшириб, ҳинд ва араб адабиётларининг анъанавий дўстлигини алоҳида қайд этди.

Индира Гандининг ёнгинасида кўзойнаги туради. У гоҳо кўзойнагини тақиб, ён дафтарига нималарни лир ёзиб қўярди.

Уч адабиёт вакиллари қисқача нутқ ирод қилганларидан сўнг, Индира Ганди бизларга мурожаат қилди:

— Биз, ҳиндистонликлар, конференция мамлакатимизда ўтажагидан мамнунмиз. Бу учрашув Осиё ва Африка мамлакатлари адабиёти равнақида улкан аҳамият касб әтади. У ҳалқларимиз бир-бирларини янада яхшироқ тушуниб олишлари ва жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишига ёрдам беради. Ўзаро таржималарнинг роли ҳам жуда муҳимдир. Афсуски, биз кенг кўламда бундай таржималар қилиш имкониятига эга эмасмиз. Бизда инглизчани биладиганлар кўп эмас. Шунинг учун ҳам бевосита бир тилдан иккинчисига қилинадиган таржималар жуда муҳим аҳамиятга эгадир, улар маданиятларимизни ўзаро бойитади. Мен конференцияяning муваффақиятли ўтишига ишонаман. Биз бунда ҳар қанча ёрдамга тайёрмиз.

Биз қўзгалдик. Ҳайрлашишимиздан олдин мен бош министрдан сўрадим:

— Сиз совет рассомларидан Вучетич билан Налбандян асрлари кўргазмасида бўлган экансиз... Кўргазма сизда қандай таассурот қолдириди?

— Кўргазма жуда қизиқарли, унда талай яхши асрлар намойиш қилинган экан.

— Биз Налбандян ишлаган портретни кўрдик. Уни «Оғонёк» журналида чиқарсак бўладими?

— Албатта, агар у сизга маъқул бўлган бўлса... Мен у портретга имзо ҳам чеккандим...

Индира Ганди хайрлашгани қўй узатаркан, русчалаб деди:

— До свидания...

## Ленин номи билан

Биз бу сафар Деҳлида бор-йўғи олти кун бўлдик. Ҳар куни Ҳиндистон пойтахти кўчаларидан ўтарканмиз, босма-хонада босилган плакатларни учратар, улар орасида ЛЕНИН деган сўз алоҳида ажralиб турарди.

Ҳиндистонлик дўстларимиз бизга Владимир Ильич Лениннинг юз йиллигига бағишлаб, турли илмий муассасалар ва жамоат ташкилотларида кўплаб конференциялар ва мажлислар ўtkazilganligini гапириб беришди. Ёзувчилар билан учрашувларимииздан бирида эса, шоира Амрита Притам менга Москвада босиб чиқариш учун Ленинга бағишиланган шеърларини берди.

СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Николай Михайлович Пегов бизга биргина Калькуттанинг ўзида ўша кунлари Владимир Ильич ҳаёти ва курашининг турли даврларига бағишиланган тўртта пьеса қўйилганлигини гапириб берди. Бу пьесаларни ҳинд драматурглари ёзган экан.

Бирлашган Араб Республикасининг Деҳлидаги элчинонасида бўлган учрашувда ҳинд колледжларидан бирининг директори менга шундай деди:

— Биз Октябрь революяси туфайли, Ленин гоялари шарофати билан мустамлака зулмидан халос бўлганлигимизни ҳозирда ҳамма билади. Буни тушуниш, эҳтимол, бирдан рўй бермагандир, бироқ худди мана ларда империалистик пропагандага қарамай буни ҳирд ҳалқининг тобора кўпроқ доиралари тушуниб етмоқда. Совет Иттифоқи бизнинг содиқ, беғараз дўстимиз эканлигига кўпларнинг ишончи комил. Бу эса, ленинизм ҳаракатда демакдир. Энг муҳими буларнинг ҳаммаси бизнинг мамлакатимизда ҳеч қандай тазиийксиз рўй бермоқда. Тўғрилоги, биз Ленин ва унинг таълимоти туфайли рўй бераётган социал, прогрессив ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз.

Бизни Ҳиндистон-Совет дўстлиги жамиятининг маж-

лисига таклиф қилишди. Залда турли касбдаги кишилар жуда кўп әди.

Ҳиндистон саноат министри Рагхуната Редди Октябрь революцияси ва Ленин гояларининг ҳинд халқининг миллий-озодликка эришишидаги буюк аҳамияти ҳақида гапирди.

«Патриот» газетаси ва «Линк» ҳафталигининг бош муҳаррири, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш» халқаро Ленин мукофоти лауреати Аруна Асаф Али ҳозир жаҳондаги воқеалар Ленин номини ер юзида тилларидан туширмаётган миллион-миллион кишиларнинг азму қарори билан рўй берадиганини айтди.

— Менинг бу йигилишдан хабарим йўқ әди,— дейди таникли киноактёр Балраж Сахни,— воқиф бўлганимдан кейин эса буюк Ленин ва Совет Иттифоқига миннатдорчilik изҳор этмоқ учун етиб келдим.

\* \* \*

Деҳлидан вақт алламаҳалда учиб келдик. Москвага учадиган самолёт Сингапурдан келиши керак әди. Аэропорт сокин ва салқин. Биз ҳали ҳам олти кун мобайнидаги учрашувлар ва айниқса, бош министр Индира Ганди билан бўлган учрашувдан олган таассуротларимиз таъсирида әдик.

Аэропортни Австралиядан учиб келаётган совет туристлари группаси шовқини тутди қўйди. Турбиналари бир текисда гувиллаётган «ИЛ-62» самолётида яна ҳавода кетарканмиз, кейинги пайтларда рўй берган ва халқлар дўстлиги ва уларнинг бир-бирларини тушуниб олишларида кетма-кет ғалабаларга олиб келаётган муҳим воқеалар хаёлимиздан сира нари кетмасди. Шундай бўлсада, Деҳлидан Москвага тунги парвоз жуда қисқа туюлди. Ҳаммаси бўлиб олти соату 20 минут учдик, холос.

*Деҳли — Москва.*

# МУНДАРИЖА

## I

ҲАЁТИМИЗ ҚОНУНИ. А. Ваҳобов таржимаси . . . . .	3
---	---

### *И. Фазилов таржималари*

ДАВР ТАҶОЗОСИ . . . . .	17
ОРЕНБУРГ ДАШТЛАРИДА . . . . .	29
Берди қишлоғига Пушкин келган эди . . . . .	29
Область пойтахти . . . . .	31
Медногорскда нега қолишади? . . . . .	34
Фойда миллион сўмга етадими?	38
ҚАДИМИЙ ХОРАЗМ ЭЛИДА . . . . .	43
ТОЖИКИСТОН БЎЙЛАБ . . . . .	52
БИЛИМ ВА ДЎСТЛИК МАСКАНИ	60

### *Л. Тожиева таржималари*

ДЎСТЛАРИНГ КАФТИ	67
ДЎСТИМИЗ ФАЙЗ .	71
Файз Аҳмад Файзга очиқ хат	71
Файз қалбининг қўри . .	73
ОЗАРБАЙЖОН ЮЛДУЗЛАРИ .	76
НОВОРОССИЙСК КУРАНТЛАРИ	81
КЕЛАЖАККА МАКТУБ .	86

## II

ҚОҲИРА ШУ КУНЛАРДА . . . . .	91
ИККИ ҚИТЪА БЎСАҒАСИДА	95

БАХТ КУРАШДА . . . . .	100
КЕДРЛАР ҮЛКАСИДА . . . . .	105
КЕЛАЖАККА ЮЗ ТУТГАН . . . . .	110
ҲАЁТДА ШУНДАЙ БЎЛГАН ЭДИ . . . . .	118

### III

ХИНДИСТОН ХОТИРАЛАРИ	130
----------------------	-----

Жайпур . . . . .	131
Агра . . . . .	137
Бомбейда уч кун . . . . .	143
Патиала . . . . .	153
Панжобда . . . . .	158
Деҳлидаги учрашувлар . . . . .	168

#### *У. Шамсимиҳамедов таржималари*

ЯПОНИЯ САФАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ	182
----------------------------	-----

Самолётдаги ҳуштак . . . . .	182
Катер суғурта қилинган әкан . . . . .	184
Европа устида . . . . .	185
«Сэс» ҳақида бир оғиз сўз . . . . .	188
Британия протекторати . . . . .	189
Қиёмни яхши кўрадиган қиз	192
Осиё устида жала . . . . .	193
Барибир әмлаш керак . . . . .	196
Америка ҳарбий базаси орқали Нагасакига бориш . . . . .	199
«Аждаҳо ва қуёш» . . . . .	203
«Япониянинг янгроқ овози» . . . . .	207
Жабрдийдалар гувоҳлиги . . . . .	210
Хиросима . . . . .	213
«Август ойдинидаги чойхона» . . . . .	216
Атом базаси делегати гапиради . . . . .	218
Прайс рекомендацияси нима? . . . . .	222
Тинч океан соҳилида . . . . .	225
Осака гуллари . . . . .	227
Қадимий пойтахтларда . . . . .	230
Уфқда тайфун . . . . .	233
Доктор Сакамото шафттолилари . . . . .	236
Коти шаҳри . . . . .	238
Тайфун ўтиб кетди . . . . .	242

Газета янгилклари . . . . .	244
Тўплар ёки илуфарлар . . . . .	246
Учрашувлар иссиҳ ўтмайди . . . . .	250
Профессор Ояманинг беваси ҳузурида . . . . .	252
Пиёда ва метрода сайр қилиш . . . . .	254
Харбинлик Зина хола . . . . .	258
Кабуки . . . . .	259
 ҚАРДОШ МҮФУЛИСТОНДА . . . . .	262
ҚОҲИРА ВОҚЕАСИ . . . . .	272
ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ . . . . .	277
 <i>Э. Носиров таржималари</i>	
 КИЛИМАНЖАРО РАЙОНИ . . . . .	280
Рамзес қайкалига боқиб . . . . .	280
Килиманжаро райони . . . . .	284
Африкага учинчи сунқасд . . . . .	287
Жанубий Африка дарвозасидаги учрашув . . . . .	291
 СЕН БИЛАН БИРГАМИЗ, ВЬЕТНАМ! . . . . .	299
МИСРДА БИР ҲАФТА . . . . .	308
 Қоҳирада нима янгилклар бор? . . . . .	308
Янги журналимиз . . . . .	311
Асвонга парвоз . . . . .	313
«Ўртоқ Н.»нинг менга қилган ҳикояси . . . . .	318
Анвар Саодат билан учрашув . . . . .	324
Айни пайтда икки лагерда бўлиш мумкин эмас . . . . .	326
«Ўртоқ Н.» билан яна бир учрашув . . . . .	329
 АРАБЛАРДА ИККИ ҲАФТА МЕҲМОНДА . . . . .	332
Яна Қоҳирада . . . . .	332
Езувчилик ташвишлари . . . . .	334
Биёбонда жанг бўлган ерларда . . . . .	336
Мозамбикка сафар . . . . .	346
Яшил йўл . . . . .	350
Араблар шайтон йигига ишонмайдилар . . . . .	351
Маъруф Саъднинг меҳмоннавозлиги . . . . .	353
Дамашқда . . . . .	357

Яна Деҳлида . . . . .	362
Мулк Раж Аханд билан учрашув	364
Индира Гандининг портрети . . . . .	365
Ҳинд ёзувчилари орасида . . . . .	367
Ҳиндистон бош министри билан учрашув . . . . .	368
Ленин номи билан . . . . .	370

На узбекском языке

*Анатолий Софронов*

ПИСЬМО В БУДУЩЕЕ

*Литературные очерки*

Редактор С. Иудошева

Рассом В. Чуб

Расмлар редактори А. Ли

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Ш. Собирова

Босмахонага берилди 1/ХII—1970 й. Боснига руҳсат этилди 8/II—1971 й.  
Формати 84×108<sup>1/32</sup>. Босма л. 11.75. Шартлаи босма л. 19,74. Нашр. л. 19,3. Тиражи  
15 000. Р. 09245. Гаффур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент,  
Навонӣ кӯчаси, 30. Шартнома № 132—70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг Полиграфком-  
бинатида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навонӣ кӯчаси, 30. 1971 йил. Заказ № 830.  
Баҳоси 86 т.